

# ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ

*Исломият тарихи*

«Тошкент ислом университети»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2014

28-1- Ислом

П-15

УЎК: 291.63

86.38

П.15

**Пайғамбарлар тарихи.** Нашрга тайёрловчилар: / Шерзод Атамуродов, Дилфуза Шойзоқова. Масъул муҳаррир Анвар қори Турсунов; – Тошкент: “Тошкент ислом университети” нашриёти. – 2014. 444 б.

**КБК 86.38**

*Тарихда ўтган набий ва расулларнинг барчалари илоҳий интизомга содиқ ва собит танланган бандалардир. Бинобарин, анбиёлар ҳаётини ўрганиш, динлар тарихини билишликдир. Ислом ва унгача бўлган ҳаётдан хабардор бўлишликдир. Бу нарса аҳли фаросат учун бир равшан чироқ бўлиб, адашув, чалғиш, турли ёт таъсирлардан сақланишнинг оидин йўли ҳамдир. Мазкур “Пайғамбарлар тарихи”да пайғамбарларнинг (уларга салот-у саломлар бўлсин) насл-насаби, ҳаёти ва шахсияти, фазилатлари, уларнинг ўзлари юборилган қавмларга нималарни етказгани, қандай қарши олингани, қавмларнинг ўз хатти-ҳаракатларига яраша қандай оқибатларга учрагани ишончли манбаларга таянган ҳолда изоҳланган, билиш лозим бўлган фойдали маълумотлар тақдим этилган.*

Сўзбоши муаллифи ва масъул муҳаррир:

**Анвар қори ТУРСУНОВ,**

*Тошкент шаҳар бош имом-хатиби*


Муҳаррир:

**Суюндик МУСТАФОЕВ**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2014 йил № 3337-сонли хулосаси асосида тайёрланди.*

ISBN 978-9943-4452-3-9

© “Тошкент ислом университети”  
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014



Ю 43777  
391

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

## “ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ” КИТОБИ ҲАҚИДА

Инсонларни тўғри йўлга бошлаш учун рўйи заминни пайғамбарлари ва уларнинг илми билан баракотли этган Аллоҳ таолога жалоли қадар ҳамду сано ва Унинг танланган ва суюкли расули, инсониятнинг улуғ муаллими Муҳаммад Мустафо алайҳиссаломга чексиз дуруду саломларимиз бўлсин.

Барча билим ва ҳақиқатнинг онаси ўқиш билан. Ўқишдан маърифат ҳосил бўлади, ҳақ билан ботилни ажрата билишга имкон юзага келади. Шунинг учун ҳам Қуръони каримнинг илк оятида у чақириқ бўлиб жаранглайди:

أَقْرَأْ بِاسْمِ رَبِّكَ الَّذِي خَلَقَ

**Ўқинг (эй, Муҳаммад! Бутун борликни) яратган зот бўлмиш Раббингиз исми билан!**

Мамлакатимиз истиқлоли шарофати билан диншунослик йўналишида узоқ йиллар зору интизор кутган орзуларимиз зиёдалик билан муяссар бўлди. Ибодат ва диний таълим даргоҳлари баробарида диний нашрлардан кенг баҳрамандлик насиб этиб, ботиний ва зоҳирий оламимиз зиё билан мунавварлашди. Эътиқодли инсонлар кўкрагига эркин нафас етиб, ўқиш имконияти насиб этди.

Тўғри йўл Аллоҳ илмини эгаллашлиқда, унга амалда бўлмоқликда. Ҳар бир нарса моҳиятини фаросат билан англамоқликда. Бу борада ҳар бир набий ва расулнинг ҳаёт йўлини ўқиб-ўрганиш дастур ва мактабдир. Чун-

<sup>1</sup> Алақ сураси, 1-оят.

ки уларнинг барчалари илоҳий интизомга содиқ ва собит танланган бандалардир. Бинобарин, анбиёлар ҳақиқатини ўрганиш динлар тарихини билишлиқдир. Ислом ва унгача бўлган ҳаётдан хабардор бўлишлиқдир. Бу нарса аҳли фаросат учун бир равшан чироғ бўлиб, адашув, чалғиш, турли ёт таъсирлардан сақланишнинг ойдин йўли ҳамдир.

Қуръони каримда номлари зикр қилган пайғамбарларнинг барчаларига иймон келтириш фарз қилинган. У зотлар: Одам, Идрис, Нух, Худ, Солих, Иброҳим, Лут, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Юсуф, Айюб, Зул кифл, Шуайб, Мусо, Ҳорун, Илёс, Алясаъ, Юнус, Довуд, Сулаймон, Закарийя, Яҳё, Исо ва Муҳаммад алайҳиссаломлардир.

Қуръони каримда номлари келмаган пайғамбарлар ҳам ўтганлиги ўтмиш уламоларимизнинг китобларида ўз тасдиғини топган бўлиб, уларнинг ким эканликларини Аллоҳнинг ўзи билишига иймон келтирамиз.

Аллоҳ таолонинг (Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга:

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا رُسُلًا مِّن قَبْلِكَ مِنْهُمْ مَّن قَصَصْنَا عَلَيْكَ وَمِنْهُمْ مَّن لَّمْ نَقْصُصْ عَلَيْكَ

«Биз Сиздан олдин (кўп) пайғамбарларни юборгандирмиз. Улардан Биз Сизга қиссасини айтганимиз ҳам бор, яна улардан Биз Сизга қиссасини айтмаганимиз ҳам бордир»<sup>1</sup>, деб эслатиши бу ҳақиқат асосидир. Қиссалари Қуръони каримда келган пайғамбарларнинг сони йигирма бешта, айтилмаганлари қанча ва кимлар эканлиги ёлғиз Аллоҳга аён.

Аллоҳ таоло бандаларидан баъзиларини пайғамбар танлаб, улар воситасида бандаларига ҳикматларини етказди:

<sup>1</sup> Гофир сураси, 78-оят.

1. Одамларга Аллоҳ таолони танитиб, ёлғиз Ўзига ибодат қилишга чақирадилар.

2. Динга амал этиш ва уни муҳофазалаш, Аллоҳ амрларга итоатда бўлишликни тарғиб этадилар.

3. Мўъмин бандаларга жаннат ва ундаги неъматлар башаротини, кофирларга эса, куфрининг оқибатидан огоҳлантириш хабарини берадилар.

4. Тўғрилиқда, ахлоқ-одобда, ибодатда, тақвода ва бошқа ишларда яхши ўрнакларини намоён этадилар.

5. Аллоҳнинг розилигини топиш йўлини кўрсатадилар.

Қўлингиздаги «Пайғамбарлар тарихи» ана шундай қийматли асарлар сирасига киради ва диёримизда муқаддам нашр этилган шу мавзудаги китоблардан бир қанча устун жиҳатлари билан ажралиб туради:

1. Китоб оммабоп услубда, содда ва равон тилда ёзилган;

2. Инсониятнинг шаклланиш босқичида пайғамбарларнинг тутган ўрнига алоҳида эътибор қаратилган;

3. Пайғамбарларнинг наслу насаби, шаклу шамойили, хос одатлари ва феъллари, расул ёки набий танланишига талаб ва сабаблар нуфузли ишончли манбалар воситасида баёнланган;

4. Пайғамбарлар олами инсоният оламининг ажралмас бир қисми сифатида ҳаётлари, оилалари, касбу корлари, шунингдек муаммолари мисолида ёрқин ифодаланган ;

5. Баёнлар ўрни билан оят, ҳадислар воситасида тасдиқланиб, лозим ўринларда Қуръони карим тафсирига муурожаат этилган ;

6. Одам атонинг яратилиши, илк жаннатий турмуши, замин даври, Шайтони алайҳи лаъна билан муносабатлар маромида узоқ ўтмиш ва бугуннинг муаммолари сабаби тарихий ва илмий жиҳадан изоҳланган;

7. Ислом дини ва унинг муҳтарам пайғамбарининг сўнги босқичда танланишига эҳтиёж ўз ифодасида етказилган;

8. Китоб ҳар бир тоифа ўқувчининг тушунчаларини бойитишга, саволларига жавоб бера олиши билан аҳамиятли;

9. Энг асосийси китоб мутаоласи Ислом ҳақиқатини рўй-рост англатади.

Китобда асосий манба сифатида Муҳаммад ибн Жарир Табарийнинг «Тарихи Табарий», Ибн Холдуннинг «Тарих», Ибн Асирнинг «Комил», Ибн Қутайбанинг «Маориф», Ибн Саъднинг «Табакот», Маъсудийнинг «Муруж уз-заҳаб», Суютийнинг «Жоми ус соғийр», Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ», Термизийнинг «Сунани Термизий», Аҳмад ибн Ҳанбалнинг «Муснад» каби ислом оламида машҳур ва эътироф этилган тарих, тафсир ва ҳадис китобларидан фойдаланилган.

Юқорида таъкидланган нуқтаи назарлардан ушбу қўлёзмани нашр этишни фойдали ва маъқул биламан.

**Анвар қори ТУРСУНОВ,**  
*Тошкент шаҳар бош имом-хатиби*

## НУБУВВАТ, НАБИЙ ВА РАСУЛ

**Нубувват:** Ақл соҳиби бўлган бандаларнинг дунё ва охиратга оид амаллари хусусида Аллоҳ ва унинг бандалари ўртасида элчилик демак.

**Набий:** Фаришта воситасида ваҳий ёки илҳом шаклида ёхуд солиҳ туш орқали огоҳ этилган зот демак.

**Расул:** Аллоҳ таолонинг ҳукмларини бандаларига етказиши учун Жаброил алайҳиссалом воситасида махсус ваҳий юборилган ва илоҳий Китоб нозил қилинган комил инсон демак.

### Набийлик ҳамда расуллик сифати Аллоҳнинг лутфи экани

Набийлик ва расуллик сифатининг Аллоҳ таоло томонидан У севган ва бунга лойиқ бўлган бандаларига берилиши Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади:

وَمَا كَانَ لِنَبِيٍّ أَنْ يَكْلِمَهُ اللَّهُ إِلَّا وَحْيًا أَوْ مِنْ وَرَائِ حِجَابٍ أَوْ يُرْسِلَ رَسُولًا فَيُوحِيَ بِإِذْنِهِ مَا يَشَاءُ إِنَّهُ عَلَىٰ حَكِيمٍ مُّبِينٍ ﴿٥١﴾ وَكَذَلِكَ أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ رُوحًا مِنْ أَمْرِنَا مَا كُنْتَ تَدْرِي مَا الْكِتَابُ وَلَا الْإِيمَانُ وَلَكِنْ جَعَلْنَاهُ نُورًا نَهْدِي بِهِ مَنْ نَشَاءُ مِنْ عِبَادِنَا وَإِنَّكَ لَتَهْدِي إِلَىٰ صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ ﴿٥٢﴾

“Инсон билан Аллоҳ (бевосита) сўзлашиши мумкин эмас. Фақат ваҳий орқали ёки элчи (фаришта) юбориб, изни билан хоҳлаган нарсани ваҳий қилиши мумкин. Албатта, У (шаъни) олий ва ҳикмат соҳибидир. (Эй, Муҳаммад!) Шундай қилиб, амри-миз билан Сизга Рухни (Қуръонни) ваҳий қилдик. Сиз (бундан) олдин на Китобни (Қуръонни) ва на

имонни (моҳиятини) билувчи эдингиз. Лекин Биз уни (Қуръонни шундай) нур қилдикки, у билан бандаларимиздан Биз хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилурмиз. Албатта, Сиз (ваҳий ёрдамида) тўғри йўлга бошлайсиз”.<sup>1</sup>

هُوَ الَّذِي بَعَثَ فِي الْأُمِّيِّينَ رَسُولًا مِّنْهُمْ يَتْلُو عَلَيْهِمْ آيَاتِهِ وَيُزَكِّيهِمْ وَيُعَلِّمُهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَإِن كَانُوا مِن قَبْلُ لَفِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ ﴿٢﴾  
 وَآخَرِينَ مِنْهُمْ لَمَّا يَلْحَقُوا بِهِمْ وَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴿٣﴾ ذَلِكَ فَضْلُ اللَّهِ يُؤْتِيهِ مَن يَشَاءُ وَاللَّهُ ذُو الْفَضْلِ الْعَظِيمِ ﴿٤﴾

“У (Аллоҳ) омилар (саводсиз кишилар) орасига ўзларидан бўлган, уларга (Унинг) оятларини тиловат қиладиган, уларни (ширк ва жаҳолатдан) поклайдиган ҳамда уларга Китоб (Қуръон) ва Ҳикмат (Ҳадис)ни ўргатадиган (бир) пайғамбарни (Муҳаммадни) юборган зотдир. Ҳақиқатан, улар пайғамбар келишидан илгари аниқ залолатда эдилар. (Аллоҳ уни) яна улардан бошқаларга – уларга етиша олмаганларга (дунёга кейин келадиган инсонларга) ҳам (юборди). У (чексиз) қудрат ва (етук) ҳикмат соҳибидир. Бу Аллоҳнинг фазлидирки, уни Ўзи хоҳлаган кишиларга берур. Аллоҳ улў фазл соҳибидир”.<sup>2</sup>

اللَّهُ أَعْلَمُ حَيْثُ يَجْعَلُ رِسَالَتَهُ

“...Аллоҳ пайғамбарликни қаерга қўйиш (раво кўриш)ни яхши билувчидир...”<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Шўро сураси, 51–52-оятлар

<sup>2</sup> Жумъа сураси, 2–4-оятлар

<sup>3</sup> Анъом сураси, 124-оят

## Пайғамбарларнинг баъзи сифат ва фазилатлари

Барча пайғамбарлар (уларга салоту саломлар бўлсин) фақатгина эркак бандалар орасидан танланиб юборилган.<sup>1</sup> Улар ажодлари ва динлари бир биродарлар бўлиб, катта-кичик гуноҳлардан ва куфрдан узоқдирлар. Бироқ уларнинг баъзиларидан (мақомларига қараб) янглишиш саналган баъзи хатти-ҳаракатлар вужудга келиши мумкин.

Пайғамбарлар энг ишончли<sup>2</sup> Аллоҳнинг амри ва ман этган амалларини бандаларига бирор камчиликсиз, муболағасиз етказадиган<sup>3</sup>, элчилик вазифасини бажарар экан Аллоҳдан ўзга ҳеч кимдан қўрқмайдиган<sup>4</sup>, сўзи ва ҳаракатлари энг тўғри<sup>5</sup>, нодонлик<sup>6</sup> ва янглишишдан узоқ бўлган, бошқалар билмаган ва билолмайдиган нарсаларни Аллоҳнинг ваҳийси орқали билувчи ва билдирувчи<sup>7</sup>, инсонларга Аллоҳнинг оятларини тиловат қилувчи, Китоб ва Ҳикматни ўргатувчи, уларни куфр ва гуноҳлардан покловчи<sup>8</sup>; инсонларни тўғри йўлга чақирувчи ва уларнинг тақволи ва раҳмли бўлишларини тиловчи<sup>9</sup>; мукофотларни бу дунёда инсонлардан эмас, охиратда оламларнинг рабби Аллоҳдан олишларини эслатувчи Аллоҳнинг элчиларидир.<sup>10</sup>

Пайғамбарларнинг Аллоҳ таолонинг изни билан мўъжизалар кўрсатишгани айтилиши ҳақиқатдир. Муҳаммад алайҳиссаломга мунтазам мўъжиза сифатида Қуръони карим ваҳий этилган.

<sup>1</sup> Наҳл сураси, 43-оят; Анбиё сураси, 7-оят

<sup>2</sup> Шуаро сураси, 107, 125, 142, 162, 178-оятлар.

<sup>3</sup> Аъроф сураси, 62, 64, 79, 93-оятлар.

<sup>4</sup> Аҳзоб сураси, 39-оят.

<sup>5</sup> Марям сураси, 56-оят.

<sup>6</sup> Аъроф сураси, 67-оят.

<sup>7</sup> Аъроф сураси, 61-62-оятлар.

<sup>8</sup> Бақара сураси, 129-оят.

<sup>9</sup> Аъроф сураси, 63-оят.

<sup>10</sup> Шуаро сураси, 109, 127, 145, 164, 180-оятлар; Фурқон сураси, 57-оят; Сабаъ сураси, 47-оят.

## Даствабки ва сўнги пайғамбар, набий ва расуллар сони

Инсонларга юборилган илк пайғамбар Одам алайҳиссалом, сўнги пайғамбар эса Муҳаммад алайҳиссаломдир.<sup>1</sup> Саҳобаи киромдан Абу Зар ал-Ғифорий шундай дейди: “Набий алайҳиссаломдан: “Эй, Расулulloҳ! Набийларнинг даствабкиси ким?” - деб сўрадим. “Одамдир!”- деб жавоб бердилар. “У набиймиди?” - деб сўрадим. “Ҳа, мукаллам бир набий эди”, - дедилар. “Эй, Аллоҳнинг расули! Набийларнинг сони қанча?” - деб сўрадим. “Бир юз йигирма тўрт мингта”, - деб жавоб қилдилар. “Эй, Расулulloҳ! Уларнинг нечтаси расул?” - деб сўрадим. “Уч юз ўн беш кишилиқ жамоат”, - деб марҳамат қилдилар.”<sup>2</sup>

## Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳам набий, ҳам расул экани

Муҳаммад алайҳиссалом ҳам набий, ҳам расул эдилар. Бу ҳолат Куръони каримда шундай марҳамат қилинади:

مَا كَانَ مُحَمَّدٌ أَبَا أَحَدٍ مِّن رِّجَالِكُمْ وَلَكِن رَّسُولَ اللَّهِ وَخَاتَمَ  
النَّبِيِّينَ<sup>3</sup> وَكَانَ اللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمًا

“Муҳаммад сизларнинг эркакларингиздан бирортасига ота эмасдир, балки у Аллоҳнинг элчиси ва пайғамбарларнинг муҳридир. Аллоҳ барча нарсани билувчи зотдир.”<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Аҳзоб сураси, 40-оят.

<sup>2</sup> Ибн Саъд, “Табақот”. 1-жилд, б. 32. ; Аҳмад ибн Ҳанбал, “Муснад”. 5-жилд, б179.

<sup>3</sup> Аҳзоб сураси, 40-оят.

قُلْ يَتَّيِبُهَا النَّاسُ إِلَيَّ رَسُولُ اللَّهِ إِلَيْكُمْ جَمِيعًا الَّذِي لَهُ  
 مُلْكُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ يُحْيِي وَيُمِيتُ فَآمِنُوا بِاللَّهِ  
 وَرَسُولِهِ النَّبِيِّ الْأُمِّيِّ الَّذِي يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَكَلِمَاتِهِ وَاتَّبِعُوهُ  
 لَعَلَّكُمْ تَهْتَدُونَ ﴿١٥٨﴾

“Айтинг (эй Муҳаммад!): “Эй, инсонлар! Мен сизларнинг барчангизга (юборилган) Аллоҳнинг расули (элчиси)дирман. У (Аллоҳ) осмонлар ва Ернинг ҳукмронлиги Ўз қўлида бўлган зотдирки, ундан ўзга (ҳеч бир) илоҳ йўқ. (У) тирилтиради ва ўлдиради. Бас, Аллоҳга ва Унинг расулига имон келтирингиз! У (расули) Аллоҳга ва Унинг калималари (илоҳий китоблари) га ишонадиган саводсиз пайғамбардир. Унга эргашингиз, токи ҳидоят топгайсиз!”<sup>1</sup>

إِنَّكَ لَمِنَ الْمُرْسَلِينَ ﴿٣﴾

“Ҳақиқатан, Сиз пайғамбарлардандирсиз!”<sup>2</sup>

يَتَّيِبُهَا الرَّسُولُ بَلِّغْ مَا أُنزِلَ إِلَيْكَ مِنْ رَبِّكَ وَإِنْ لَمْ تَفْعَلْ فَمَا بَلَّغْتَ رِسَالَتَهُ  
 وَاللَّهُ يَعْصِيكَ مِنَ النَّاسِ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الْكَافِرِينَ ﴿١٧﴾

“Эй, Расул! Раббингиздан Сизга нозил қилинган нарса (оятлар)ни (одамларга) етказинг! Агар (буни) қилмасангиз, Унинг рисоласи (топшириғи)ни етказмаган бўлурсиз. Аллоҳ Сизни одамлар (зарари)дан сақлағай. Албатта, Аллоҳ кофирлар қавмини ҳидоят сари йўлламағай”.<sup>3</sup>

Тарихий манбаларга кўра, Жаброил алайҳиссалом Муҳаммад алайҳиссаломга биринчи марта келиб Алақ

<sup>1</sup> Аъроф сураси, 158-оят.

<sup>2</sup> Ёсин сураси, 3-оят.

<sup>3</sup> Моида сураси, 67-оят.

сурасининг бошидан беш оятни ваҳий этгач, кундуз куни ер ва осмон орасини тўлдирган бир инсон қиёфасида кўриниб: “Эй, Муҳаммад! Сен Аллоҳнинг расулисан! Мен Жаброилман!” деб хитоб қилади.<sup>1</sup>

Саҳобалардан Жобир ибн Абдуллоҳ: “Пайғамбар алайҳиссалом махсус ўз қавмига, умуман эса, бутун инсониятга юборилди”<sup>2</sup> дейди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзининг пайғамбар эканлигини Абдулмутталиб ўғилларига изоҳлар экан шундай марҳамат қилади: “Эй, Абдулмутталиб ўғиллари! Мен махсус сизга, умуман эса бутун инсонларга юборилдим!”

### **Инсонларга юборилган барча пайғамбарларнинг исми ва ҳаёт қиссаси билдирилмаган**

Қуръони каримда исмлари тилга олинган ва ҳаёт қиссалари озми-кўпми ҳикоя қилинган пайғамбарлар қатори исмлари ва қиссалари билдирилмаган пайғамбарлар ҳам бор. Бу ҳолат Қуръони каримда шундай изоҳланади:

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا رُسُلًا مِّن قَبْلِكَ مِنْهُمْ مَن قَصَصْنَا عَلَيْكَ وَمِنْهُمْ مَّن لَّمْ نَقْصُصْ عَلَيْكَ

“Биз Сиздан олдин (кўп) пайғамбарларни юборгандирмиз. Улардан Биз Сизга қиссасини айтганимиз ҳам бор, яна улардан Биз Сизга қиссасини айтмаганимиз ҳам бордир”.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Табарий, “Тарих”. 2-жилд, б. 207.

<sup>2</sup> Абул Фараж ибн Жавзий, “Ал-вафо”. 1-жилд, б. 185.

<sup>3</sup> Ҷофир сураси, 78-оят.

## Қуръони каримда исмлари ва ҳаёт қиссалари тилга олинган пайғамбарлар

1. Одам алайҳиссалом.
2. Идрис алайҳиссалом.
3. Нуҳ алайҳиссалом.
4. Ҳуд алайҳиссалом.
5. Солиҳ алайҳиссалом.
6. Иброҳим алайҳиссалом.
7. Исмоил алайҳиссалом.
8. Исҳоқ алайҳиссалом.
9. Лут алайҳиссалом.
10. Яъқуб алайҳиссалом.
11. Юсуф алайҳиссалом.
12. Айюб алайҳиссалом.
13. Зул-кифл алайҳиссалом.
14. Шуайб алайҳиссалом.
15. Мусо алайҳиссалом.
16. Ҳорун алайҳиссалом.
17. Илёс алайҳиссалом.
18. Алясаъ алайҳиссалом.
19. Юнус алайҳиссалом.
20. Довуд алайҳиссалом.
21. Сулаймон алайҳиссалом.
22. Закарийя алайҳиссалом.
23. Яҳё алайҳиссалом.
24. Исо алайҳиссалом.
25. Муҳаммад алайҳиссалом.

## Пайғамбарларнинг афзаллари ва энг афзали

تِلْكَ الرُّسُلُ فَضَّلْنَا بَعْضَهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ مِنْهُمْ مَنْ كَلَّمَ اللَّهُ وَرَفَعَ بَعْضَهُمْ  
دَرَجَاتٍ

**“Ўша пайғамбарларнинг баъзиларидан баъзиларини афзал қилдик. Улар ичида (Мусо каби) Аллоҳ (у билан) гаплашгани ва (Муҳаммад каби) даражасини (бошқа пайғамбарлардан) юқори қилгани бор...”<sup>1</sup>**

## **Пайғамбарларнинг улуғлари ва уларнинг саййиди**

Пайғамбарларнинг улуғлари ривоятларга кўра:

1. Нух
2. Иброҳим
3. Мусо
4. Исо
5. Муҳаммад алайҳиссаломлардир.

Саҳиҳ ҳадисга кўра: “Пайғамбарларнинг саййидлари бештадир: Нух алайҳиссалом, Иброҳим алайҳиссалом, Мусо алайҳиссалом, Исо алайҳиссалом ва Муҳаммад алайҳиссалом. Муҳаммад алайҳиссалом эса бу бештанинг саййидидир”.<sup>2</sup> Қиёмат кунида ҳам Одам ўғилларининг саййиди Удир. Аввалгилар ва кейингиларнинг энг қадрлиси У бўлгани боис, Қиёмат куни ҳамд туғи Унга берилур. Бу кунда пайғамбарларнинг имоми, хатиби ва шафоат соҳиби У бўлур. Барча пайғамбарлар Ул зотнинг туғи остида бирлашурлар.

<sup>1</sup> Бақара сураси, 253-оят.

<sup>2</sup> Ҳаким. Мустадрок. 2-жилд, б. 546.

## ВАҲИЙ ВА ВАҲИЙ ШАКЛЛАРИ

Тилимизда “суръатли ишора, китобат, рисолат, илҳом, яширин калом” каби маъноларни ифодаловчи “ваҳий” сўзи динимизда “Аллоҳ таолонинг истакларини пайғамбарларига истаган шаклда етказиши”<sup>1</sup> ҳисобланади.

Ваҳийнинг энг кўп учрайдиган шаклларида бири уйқуда кўрилган ва худди кўрилганидек ўнгда рўй берадиган туш шаклидир.

Ваҳий пайғамбарлар уйғоқлигида келганидек, улар ухлаётганда ҳам келар эди. Пайғамбарларнинг тушлари ваҳийдир. Чунончи, Иброҳим алайҳиссаломга Исмоил алайҳиссалом ҳақидаги илоҳий амр тушида ваҳий қилинган эди.<sup>2</sup>

Пайғамбарларнинг кўзлари ухласа-да, қалблари ухламас. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бир ҳадиси шарифда: “Эй, Ойша! Менинг кўзларим ухлар, қалбим ухламас! Менга: “Эй, Муҳаммад! Кўзларинг ухласин, қулоғинг эшитсин, қалбинг ёд олсин!” деб буюрилди. Кўзларим ухлади, қалбим ёд олди, қулоғим эса эшитди” деб марҳамат қилганлар.<sup>3</sup>

### Туш ва унинг турлари

Ухловчининг уйқусида нималарнидир кўриши “туш” ва “ҳулм” дейилади. Бироқ тушда кўрилган нарсалар кўпроқ хайр ва гўзал нарсалардир. Ҳулмда эса кўпроқ ёмон ва чиркин нарсалар кўринади. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом туш ва ҳулм ҳақида шундай марҳамат қиладилар: “Солиҳ туш Аллоҳдандир, ҳулм эса шайтондандир. Охират яқинлашгач, мусулмонларнинг тушлари деярли хато чиқмас. Сизнинг энг тўғри туш кўрганингиз – энг тўғри сўзлаганингиздир”.

<sup>1</sup> Шўро сураси, 51-оят.

<sup>2</sup> Соффот сураси, 102-оят.

<sup>3</sup> Ибн Саъд, “Табакот”. 1-жилд, б. 197.

Туш уч хил бўлади:

Аллоҳ таоло томонидан (бандасига) хушхабар бўлган солиҳ туш.

Шайтон томонидан кўркув, ғам-ғуссага сабаб бўладиган туш.

Кишининг ўз нафсидан ўзига талкин этилган туш.

Шайтон Одам ўғилларига нисбатан энг тубан душманлиги сабабли доимо уларга хиралик қилади, ҳар доим уларни тузоққа туширишга, ҳар томондан уларнинг ишини бузишга ҳаракат қилади.

Кўрган тушларини ҳам ё ичига хатоликлар кўшиб, ёки уларни ғафлатда қолдириш орқали чалкаш тушлар кўрсатиб, ноаниқ ва фойдасиз ҳолатга келтиради.

### **Мубашширот ва солиҳ туш**

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: “Рисолат ҳам, нубувват ҳам кесилган (яқун топган). Мендан кейин келадиган на расул бор, ва на набий!” деб марҳамат қилганларида бу саҳобаларга оғир ботди. Шунда Пайғамбар алайҳиссалом: “Пайғамбарлик қолмаган, аммо мубашширот<sup>1</sup> бордир” дедилар. “Эй, Аллоҳнинг расули! Мубашширот нима?” деб сўрашди. Пайғамбар алайҳиссалом: “Мусулмон кишининг туши, яъни солиҳ тушидир!” деб жавоб қилдилар.

### **Ваҳийнинг иккидан еттигача бўлган шакллари**

**Ваҳийнинг иккинчи шакли** Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломда бўлганидек, ваҳий этиладиган Каломнинг Фаришта орқали пайғамбарларнинг қалбига солинишидир.

---

<sup>1</sup> Банданинг Лавҳу-л Махфуздаги аҳволига қараб вакил фаришта томонидан амалга ошириладиган тамсиллар, ишларида басиратли ҳаракатланишлари учун бир мужда, назар ёки озор шаклида тушида ўша бандага кўрсатилади. (Ҳаким ат-Термизий. “Наводиру-л усул”, 1-жилд, б. 116-117).

Аллоҳ таоло Жаброил алайҳиссаломда илоҳий хитоб ва амрни етказишга доир зарурий илм яратганидек, Пайғамбаримизнинг қалбида ҳам зарурий бир илмни яратди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам қалбига солинган нарса оддий бир илҳом бўлмасдан, Жаброил алайҳиссаломнинг Аллоҳдан келтирган ваҳийси эканини аниқ билар эди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом шундай марҳамат қиладилар: “Ҳеч шубҳасиз, Рухул қудус (Жаброил алайҳиссалом) қалбимга шуларни солди ва ваҳий этди: “Ҳеч бир нафс ажали етмасдан ва ризқини тўлиқ олмасдан бурун ўлмас! У ҳолда Аллоҳдан қўрқинг ва Уни гўзал ва машруъ йўллардан қидиринг! Ҳалолни олиб, ҳаромдан воз кечинг! Ризқ кечикса, уни ҳалол бўлмаган йўллар билан қўлга киритишга уринманг! Чунки Аллоҳ наздидаги нарсага Унга итоат етмасдан эришиб бўлмайди!”<sup>1</sup>

**Ваҳийнинг учинчи шакли** ваҳий фариштасининг инсон қиёфасига кириб, ваҳий этилиши лозим бўлган нарсани худди бир инсоннинг бир нарсани бошқа бирига етказиши каби ваҳий қилишидир.


“Эй Аллоҳнинг расули! Ваҳий сизга қандай келади?” - деб сўрашганида Пайғамбар алайҳиссалом: “Баъзан Фаришта мен учун инсон қиёфасига киради ва мен билан гаплашади. Мен эса унинг сўзларини ўрганиб оламан. Бу менга келган ваҳийнинг энг осонидир”, - деб марҳамат қилдилар.

Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга кўпинча саҳобалардан Дихйа ибн Халифа қиёфасида келар эди. Саҳобалар уни кўришарди.

**Ваҳийнинг тўртинчи шакли** даҳшатга солувчи қўнғироқ сингари увиллаган овозда келишидир.

“Эй, Аллоҳнинг расули! Сизга ваҳий қандай келади?” - деб сўрашганида Пайғамбаримиз Муҳаммад алай-

<sup>1</sup> Ибн Қайюм, “Зот”. 1-жилд, б. 32.



ҳиссалом шундай жавоб бердилар: “Ваҳий баъзида менга даҳшатли қўнғироқ овози бўлиб келадики, ваҳийнинг энг оғири мана шудир. Ваҳий ҳолати мендан кетгач, Фариштанинг менга ваҳийни етказганини биламан”. Эшитилган бу даҳшатли овоз ё ваҳий Фариштасининг овози ёки унинг қанотларини қоқишидан чиққан овоздир.

Бунинг ҳикмати ваҳийнинг мукамал бўлиши учун Пайғамбаримизнинг қалбини тайёрлаш, қулоқлари ва қалбининг ваҳий Фариштасининг овозидан бошқа нарса билан машғул бўлишига йўл қўймаслик учундир.

“Эй, Аллоҳнинг расули! Ваҳийнинг келишини сезасизми?” - деб сўрашганида Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: “Ҳа! Овозни эшитаман ва жим бўламан. Менга бу тарзда ваҳий қилинганда ҳар сафар руҳим суғуриб олинаётгандек бўлади”, - деб марҳамат қилдилар.

Аллоҳ таоло бирор амрни ваҳий қилишни, ваҳий орқали етказишни истаса, унинг кўрқувидан осмон қаттиқ ларзага келади.

Само халқи саналган фаришталар Илоҳий Каломни текис қояга урилган занжир овози сингари эшитиб, унга нисбатан ичларидаги чуқур кўрқув сабаб қанотларини қоқадилар ва беҳуш бўлиб, саждага бош қўядилар.

Ҳушига келиб, бошини саждадан кўтарган илк фаришта Жаброил алайҳиссалом бўлади. Аллоҳ таоло Унга ваҳийларидан истаганини билдиради. Жаброил алайҳиссалом фаришталарнинг ёнига қайтгунига қадар барчаси беҳуш ҳолатда қолади. Жаброил алайҳиссалом фаришталар олдига боради. Ҳар бир қаватга тушгани сари қалбларидан кўрқув йўқола борган фаришталар Ундан: “Эй, Жаброил! Раббимиз нимани амр этди?” деб сўрашади. Жаброил алайҳиссалом: “Ҳақни амр этди! Энг улуғ, энг буюк Удир!” деб жавоб беради. Фаришталар Жаброил алайҳиссаломнинг сўзларини қайтарадилар.

Ваҳийнинг бу шаклида Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом башарият сифатини ечиб, малакиёт си-

фатига кирар эдики, бу ваҳийнинг энг оғир ва қийин шакли эди.

Саҳобаларнинг билдиришича, ваҳий асносида Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломни чуқур қайғу (ўй) босар, юзлари гул каби сўлар, кўзларини юмиб, бошларини ҳам қилар эдилар. Унинг ёнида ўтирганлар ҳам бошларини ҳам қиларди.

Пайғамбар алайҳиссалом бу ҳолатда тез-тез нафас олар эдилар. Жуда совуқ бўлган кунда ҳам муборак пешоналаридан дур доналари сингари тер тўкиларди.

Ваҳий ҳолати яқунлангунга қадар ёнларида ўтирганларнинг ҳеч бири бошини кўтариб Пайғамбаримизнинг юзларига қарашга қодир бўлмас эдилар.

Ваҳийнинг оғирлиги ёки енгиллиги тушаётган суранинг оғир ёки енгиллигига боғлиқ эди.

Яъни ваҳий ваъда ва табшир (хушхабар) мақомида бўлса, Жаброил алайҳиссалом башар сурагида келар, бу Пайғамбаримизга қийинчилик туғдирмасди.

Ваҳий азоб ва қўрқитиш билан боғлиқ бўлса, даҳшатли қўнғироқ овози сингари увиллаб келар эди.

Туя устида бўлган пайтларида ҳам Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга шундай ваҳий келган ҳоллар бўларди. Бунда туянинг ваҳийнинг оғирлигини кўтара олмай, оёқлари икки ёнига очилиб, букилиб, ҳатто синадиган ҳолга келган, баъзан эса унинг чўккалаб олган пайтлари бўларди.

**Ваҳийнинг бешинчи шакли** ваҳий фариштаси Жаброил алайҳиссаломнинг Аллоҳ таоло яратган шакл ва шамойилда Пайғамбар алайҳиссаломга кўриниб, Парвардигорнинг истагини Унга етказишидир.

Бу ҳолат икки марта содир бўлган. Пайғамбар алайҳиссалом Жаброил алайҳиссаломни яратилган сифат ва шаклида олти юз қаноти билан ер ва кўк орасини тўлдириб турган ҳолатини икки марта кўрганлар.

**Ваҳийнинг олтинчи шакли** Аллоҳ таолонинг Меърож кечасида бўлганидек, осмонлар устида Пайғамбар алайҳиссаломга уйғоқликларида парда ортидан хитоб қилиши ёки ухлаётганларида ваҳий фариштасисиз Пайғамбаримиз билан сўзлашишидир.

**Ваҳийнинг еттинчи шакли** Аллоҳ таолонинг ваҳий фариштаси воситасисиз Пайғамбар алайҳиссаломга тўғридан-тўғри хитоб этишидир.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг билдиришича, Меърож кечаси Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримизни юксакларга олиб чиқиб, ниҳоят (Қазо ва Қадар ёзилган) қаламларнинг жизиллашини эшитилиб турган юксакликка кўтарилди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом у ерда жаннатга мансуб ям-яшил Рафрақ (ипак тўшак)нинг бирданига уфқни қоплаб, тўлдириб олганини кўрди. Пайғамбаримиз унинг устига ўтирди. Жаброил алайҳиссалом у ердан айрилди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Азиз ва Жаббор (истаганини қилдиришга қодир) Раббига юксалтирилиб, яқинлаштирилди. Барча овозлар тўхтади. Аллоҳ таолонинг: “Кўрқма, эй Муҳаммад! Яқинлаш!” деган овози эшитилди. Ниҳоят, ҳеч бир киши ҳеч қачон эриша олмаган яқинлик мақомига, Илоҳий Ҳузурга, Илоҳий Икром ва Илоҳий Эҳсонга ноил бўлди. Раббини кўрди.<sup>1</sup>

Аллоҳ таоло Меърож кечасида Пайғамбар алайҳиссаломга ваҳий қилмоқчи бўлганини Ўзи истаган шаклда ваҳий этди.

<sup>1</sup> Аҳмад ибн Ҳанбал. Муснад. 1-жилд, б. 285.

## ПАЙҒАМБАРЛАРГА НОЗИЛ ҚИЛИНГАН ИЛОҲИЙ КИТОБ ВА САҲИФАЛАР

Аллоҳ таоло томонидан пайғамбарларга нозил қилинган бир юз тўрт китобдан тўрттаси Таврот, Забур, Инжил ва Фурқон (Қуръон), юзтаси саҳифалар шаклидадир. Тўртта буюк Китоб саналган “Таврот” Мусо алайҳиссаломга, “Забур” Довуд алайҳиссаломга, “Инжил” Исо алайҳиссаломга ва “Фурқон” (“Қуръон”) Муҳаммад алайҳиссаломга туширилган.

Саҳифа шаклидаги Китобларнинг ўн саҳифаси Одам алайҳиссаломга, элик саҳифаси Шис алайҳиссаломга, ўттиз саҳифаси Идрис алайҳиссаломга, ўн саҳифаси эса Иброҳим алайҳиссаломга нозил қилинган. (*“Таврот”дан олдин Мусо алайҳиссаломга ҳам ўн саҳифа туширилган эди. Мусо алайҳиссаломга оид бобнинг 661–663 бўлимларига қаранг.*)

## ДИН ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

“Дин” сўзи луғатда “жазо, ислом, одат, ибодат, тоат, инқиёд, ҳукм, фармон, тавҳид, миллат, шариат, варо ва тақво, ҳисоб. . .” каби турли маъноларни ифодалайди.

Шариатда эса “дин” Пайғамбарнинг инсонларга етказган Аллоҳ таолонинг амр ва истаklarини ақл соҳиби бўлган кишиларни қабул қилишга чақирувчи илоҳий қонундир. Ушбу Илоҳий қонунга риоя қилингани боис дин дейилади. Аллоҳ таолонинг очиқ ва кенг йўли бўлгани ва бандалар риоя қилиши учун ўртага ташланган ҳукмлардан иборат бўлгани боис шариат дейилади. Шариат дейилишининг яна бир сабаби, шариатнинг унга сидқ ва садоқат билан боғланган банданинг ҳам маънавий чанқоғини қондириши, ҳам гуноҳлардан покланишига хизмат қилганидир.

Диннинг миллат дейилишига сабаб, унинг атрофида бандаларнинг тўплангани учундир.

Дин ва миллат аслида бир бўлиб, улар орасидаги фарқ диннинг Аллоҳ таолога, миллатнинг эса Пайғамбар алайҳиссаломга нисбат этилишидир.<sup>1</sup>

Дин – имон, ислом ва бутун шариатни ўз ичига олган умумий тушунчадир.<sup>2</sup>

## ИМОН ВА МЎМИН

“Имон” луғатда “кўнгилда ишониш ва тилда иқрор бўлиш” демақдир. Бошқача қилиб айтганда, имон қалб билан тасдиқланади. Шариатда “имон” Аллоҳ таоло наздидаги амалларда Пайғамбарни қалб билан тасдиқлаш, тил билан иқрор бўлиш ҳамда жисмонан фарзларни бажо келтиришидир.

Мўмин – Аллоҳни, Аллоҳнинг расулини ва Унинг Аллоҳдан келтирганларини тасдиқ этган кишидир.

Само ва ер халқининг имони улар ишонадиган нарсалар жиҳатдан на ортади ва на камаяди. Аммо яқийн ва тасдиқ жиҳатидан ортмайди ҳам, камаймайди ҳам.

Мўминлар имон ва Аллоҳни таниш хусусида бир-бирлари билан тенг, амалда эса бир-бирларидан фарқлидирлар.

## Имон турлари

Имоннинг бешта тури мавжуд:

1. Матбу имон.
2. Маъсум имон.
3. Мақбул имон.
4. Мавқуф имон.
5. Мардуд имон.

Матбу имон фаришталар имонидир. Маъсум имон пайғамбарлар имонидир. Мақбул имон мўминларнинг имонидир. Мавқуф имон бидъатчилар имонидир. Мардуд имон мунофиқларнинг имонидир.

<sup>1</sup> Саййид Шариф. Таърифот. б. 73.

<sup>2</sup> Имоми Аъзам. Фиқҳ-и акбар. б. 17.

Имон шундай бир нурдирки, унинг нури инсоннинг барча аъзоларига ёйилган. Бироқ имон парчаланмас бўлгани боис, бутун аъзолардан қалбга боради.

Ислому – Аллоҳни ҳар қандай кайфиятда ҳам билишдир. Унинг ўрни кўкрақдир. Имон – Аллоҳни ўз ҳолича танимоқдир. Унинг ўрни юракдир. Юрак эса кўкрак ичидадир. Маърифат – Аллоҳни сифатлари билан танишдир. Унинг ўрни кўнгилдир. Кўнгил ҳам қалбнинг ичидадир. Тавҳид – Аллоҳни ягоналиги ила танимоқдир. Унинг ўрни сирдир. Сир кўнгилнинг ичидадир. Буларнинг бари “Нур” сурасидаги нур оятини эслатади. Улар тўрт жавахирдирки, бир-биридан айри бўлмас. Барчаси бирлашгач, дин юзага келур.

### Қалб ва унинг турлари

Қалбнинг икки турли маъноси мавжуд. Биринчиси, кўкракнинг чап томонида арча ғуддаси шаклини эслатувчи жисмоний гўшт парчаси бўлиб, у юрак деб аталади. Унинг ичида бўшлиқлар бўлиб, кизил қон билан тўла. Юрак рухнинг манбаи бўлиб, ҳайвонларда ҳам, ўликларда ҳам бўлади.

Қалбнинг иккинчиси кўнгилдирки, уни кўз билан кўриб бўлмайди, у юрак билан алоқадор бўлиб, англаш, билиш, талпиниш, ранжиш ва ишаш сингари руҳоний ва раббоний латифликларни ўз ичига олади.

Жисмоний қалб билан юрак ўртасидаги алоқани англашга уринган кишини ҳайратда қолдирган бу қалб (кўнгил) кашфиёт илмига оид бўлиб, унинг ҳақиқатини тадқиқ этиш руҳ сирини изоҳлашга уриниш билан баробар бўлгани боис, ҳатто Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тилга олмаган бу ишга уринишга ҳеч бир инсон фарзандининг ҳаққи йўқдир.

Инсонда қалбнинг тўрт тури мавжуд:

1. Ажрад қалб.

2. Ағлаф қалб.
3. Манкус қалб.
4. Мусаффоҳ қалб.

Ажрад, яъни “соф, пок, кинсиз” қалб мўминларнинг қалби бўлиб, унда имон нури қуёш мисол порлаб туради.

Ағлаф, яъни “ёпиқ, ғилофли” қалб кофир ҳамда мункирлар қалбидир.

Манкус, яъни тескари қалб мунофиқларнинг қалби бўлиб, улар ҳақиқатни биладилар, аммо инкор қиладилар.

Мусаффоҳ, яъни икки юзли қалб бўлиб, унинг ичида ҳам имон, ҳам нифоқ мавжуд бўлади. Бундай қалбда имон тоза сув орқали етиштирилган ўсимликка, нифоқ эса қон ва йиринг билан катталашган ярага ўхшайди. Улардан қайси бири ғалаба қозонса, ўша устунлик қилади. Нифоқ – қалбда куфр ва инкорни яширишдир.

### Мўмин ва мусулмон орасидаги фарқ

Ҳар мўмин киши мусулмондир, аммо ҳар мусулмон банда мўмин бўла олмайди. Чунки бир киши аслида мўмин бўлмаса-да, гувоҳлик келтириш билан ўзини мусулмон қилиб кўрсатиши мумкин.

Саҳобалардан Саъд ибн Абу Ваққос: “Эй, Аллоҳнинг Расули! (Мўминларга бериладиган моллардан) фалончага бериб, фалон кишига бермадингиз? Ҳолбуки, у ҳам мўмин эди” – деганида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Уни мўмин эмас, мусулмон де”, - деб дедилар.

Қуръони каримда бу ҳақда шундай марҳамат қилинади:

قَالَتِ الْأَعْرَابُ ءَأَمْنَا قُل لَّمْ تُؤْمِنُوا وَلَكِن قُولُوا أَسْلَمْنَا وَلَمَّا يَدْخُلِ  
الْإِيمَانُ فِي قُلُوبِكُمْ

**“Аъробийлар: “Имон келтирдик”, - дедилар. (Эй, Муҳаммад! Уларга) айтинг: “Сизлар имон келтирганингиз йўқ, лекин сизлар “Исломига кирдик” денг! (Чунки ҳануз) дилларингизга имон кирган эмасдир.”<sup>1</sup>**

### **Мунофиқлик, фосиқлик ва кофирлик**

Киши тили билан гувоҳлик келтириб, жисмонан амал қилса-ю, қалби билан тасдиқламаса, у мунофиқ кимсадир.

Киши тили билан тасдиқ қилиб, жисмонан амал қилмаса, у фосиқдир. Фисқ – Аллоҳнинг амрига бўйсунмаслик, Унга исён қилиш, тўғри йўлдан адашишдир.

Гувоҳлик келтирмаган киши кофир ва мункирдир.

### **Аллоҳ наздида мақбул дин барча пайғамбарларнинг дини**

Қуръони каримда марҳамат қилинишича:

إِنَّ الدِّينَ عِنْدَ اللَّهِ الْإِسْلَامُ

**“Албатта, Аллоҳ наздида (мақбул) дин Исломи (дини)дир”<sup>2</sup>**

Инсоният пайдо бўлгандан бери инсонлар боғланган, эътиқод қилган дин ҳам Исломи дини, Тавҳид динидир.

Юборилган барча пайғамбарлар инсонларни Исломи дини асосларига риоя қилишга чақиришган, бу йўлда катта фидокорлик намунасини кўрсатишган.

Одам Аҳайҳиссаломдан сўнг Абул башар бўлган, бошқа сўз билан айтганда, Тўфондан сўнг иккинчи Одам Ато деб танилган Нуҳ алайҳиссалом ҳам мусулмон эди.

Пайғамбарлар отаси Иброҳим алайҳиссалом ҳам, унинг ўғиллари ва неваралари ҳам мусулмон эдилар.

Юсуф алайҳиссалом ҳам Аллоҳга:

<sup>1</sup> Хужурот сураси, 14-оят.

<sup>2</sup> Оли Имрон сураси, 19-оят.

تَوَفَّنِي مُسْلِمًا

“Менинг жонимни мусулмон қилиб ол” деб дуо қилган.<sup>1</sup>

Мусо алайҳиссалом Фиръавни даъват этган дин ислом дини эди. Буни Мусо алайҳиссалом ҳам, Фиръавнинг сеҳргарлари ҳам ҳатто Фиръавнинг ўзи ҳам тасдиқлаган, икром бўлган.<sup>2</sup>

Мусо алайҳиссаломдан сўнг Исроил ўғилларига пайғамбар этиб юборилган Исо алайҳиссалом ҳам муслулмонлик ва Тавҳидга чақирган:

إِنَّ اللَّهَ رَبِّي وَرَبِّكُمْ فَأَعْبُدُوهُ هَذَا صِرَاطٌ مُسْتَقِيمٌ ﴿٥١﴾ فَلَمَّا أَحْسَنَ عِيسَىٰ مِنْهُمُ الْكُفْرَ قَالَ مَنْ أَنْصَارِي إِلَى اللَّهِ قَالَ الْخَوَارِثُونَ نَحْنُ أَنْصَارُ اللَّهِ ءَأَمَنَّا بِاللَّهِ وَأَشْهَدُ بِأَنَّا مُسْلِمُونَ ﴿٥٢﴾

“Дарҳақиқат, Аллоҳ менинг Раббим ва сизнинг ҳам Раббингиздир. Бас, Унга ибодат қилингиз! Тўғри йўл шудир. Исо уларда куфрни сезгач, айтди: “Аллоҳ сари (боришимда) менга ёрдамчилар ким?” Ҳаворийлар айтдилар: “Биз Аллоҳ (динининг) ёрдамчиларимиз. Аллоҳга имон келтирдик ва Аллоҳга (бўйин сунувчи) мусулмон эканимизга (сен) гувоҳ бўлгин (Эй, Исо)!”<sup>3</sup>

وَمَنْ أَحْسَنُ قَوْلًا مِّمَّنْ دَعَا إِلَى اللَّهِ وَعَمِلَ صَالِحًا وَقَالَ إِنَّنِي مِنَ الْمُسْلِمِينَ ﴿٣٣﴾

“Аллоҳ (йўли)га даъват этган ва ўзи ҳам солиҳ амал қилиб, “Мен мусулмонлардандирман”, - деган кишидан кўра ким чиройлироқ сўзловчидир?!”<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Юсуф сураси, 101-оят.

<sup>2</sup> Аъроф сураси, 104,126-оятлар; Юнус сураси, 84,90,91-оятлар.

<sup>3</sup> Оли Имрон сураси, 51-52-оятлар.

<sup>4</sup> Фуссилат сураси, 33-оят.

## ТАВҲИД АҚИДАСИ

Исломда ҳар нарсадан олдин Аллоҳнинг биру борлигига имон келтириш фарздир.

Ислом динининг бу тавҳид ақидаси Аллоҳнинг бирлигига ва Ундан ўзга ибодат қилинадиган илоҳ йўқлигига имон келтириш бўлиб, у “Ла илаҳа иллаллоҳ” шаклидаги тавҳид калимаси орқали ифода этилади.

### **Барча пайғамбарларнинг ўз умматларига тавҳид ақидасини етказишга ҳаракат қилишлари ва пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом**


Барча пайғамбарлар, хусусан, Идрис алайҳиссалом, Нух алайҳиссалом, Худ алайҳиссалом, Солиҳ алайҳиссалом, Иброҳим алайҳиссалом, Шуайб алайҳиссалом, Мусо алайҳиссалом, Илёс алайҳиссалом, Исо алайҳиссалом ўзлари юборилган қавмларни бутпарастликдан қутқариш ва Ягона Аллоҳга имон келтириб, Унга ибодат қилиш йўлида бор куч ва ғайратларини сарф этишган, ҳатто бу йўлда жонларини фидо қилганлари ҳам бўлган.

Ҳар томонидан куфр ва ширк сезилиб турган, диний, ахлоқий, ижтимоий буҳронлар ҳамда бузуқликлар манбаи саналган бутун бошли бутпарастлик дунёси билан якка ўзи курашиш ва натижага эришиш вазифаси охирзамон пайғамбари Муҳаммад алайҳиссаломга юклатилган.

Муҳаммад алайҳиссалом (марказдан атрофга ёйилган тўлқинлар сингари) Макка ва унинг атрофидан бошлаб инсонларни Аллоҳнинг тўғри йўлига ҳикмат ва чиройли насихат билан даъват қилиб, даъватни қабул қилганларни жаннат неъматлари билан муждалаб, қабул қилмаганларни эса жаҳаннам азоби билан қўрқитиб, фитна-фасод ўртадан йўқолиб, дин бутунлай устун бўлгунга қадар Пайғамбаримизнинг ўз сўзлари билан “Инсон-

ларга Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур расулуллоҳ де-гунларига қадар ҳаракат қилиш”дек оғир ва машаққат-ли, шарафли бир вазифани олганлар.

## Осмонлар ва ернинг ва улар орасидаги нарсаларнинг қандай ва нима учун яратилгани



“Бирор нарса (яратиш)ни ирода қилганида, Унинг иши фақатгина: “Бўл!” - дейишдир. У (нарсa) эса бўлур (вужудга келур).”<sup>1</sup>

Аллоҳ осмонлар ва Заминни, улар орасидаги нарсаларни, Қуёшни, Ой ва Юлдузларни ҳақ (ҳикмат) билан барча жонлига ноҳақлик қилмаган ҳолда белгиланган муддат билан яратди.

Осмонлар ва Ер яхлит эканида Аллоҳ уларни бир-бирдан (ёриб) айирди.

У само сари “туриб”, самони етти (қават) осмондан иборат қилиб қўйди ва ҳар бир осмонга (унга буюрилган) ишни ваҳий қилди.

Осмонга ҳам, Ерга ҳам “иккингиш ҳам истар-истамас келинглар!” деб буюрди. Улар “истаб келдик” - дедилар.

Аллоҳ таоло қуёшни зиё таратувчи, ойни нур сочувчи қилди. Бандалари йилларнинг адади ва ҳисобини билсин учун ойни манзилларга бўлиб қўйди.

Бинобарин, қуёш Аллоҳнинг тақдири билан ўз қароргоҳи томон сайр этар. Ой ҳам бўлинган манзиллар бўйича эски хурмо бутоғидек эгилиб қолгунча ҳаракатланур.

На қуёш ойга етиб унга урилар ва на тун кундуздан ўзар.

Жисмлар ҳар бири алоҳида фалақда сузиб юради.

<sup>1</sup> Ёсин сураси, 82-оят.

Аллоҳ таоло бандалари Ўзидан ризқ исташлари, йилларнинг саноғи ҳамда ҳисобини билишлари учун кеча ва кундузни икки белги қилиб қўйди.

Аллоҳ кечани бандалари ором олишлари учун ҳамда кундузни ризқларини топишлари учун яратди.

Аллоҳ таоло ерни бандалари яшашлари ва юришлари учун қулай ҳолга келтирди. Улар силкиниб, йиқилмасликлари учун тоғлар (қозиқлар)ни яратди. Ерни қароргоҳга, қўкни эса қуббага айлантирди.

Осмондан аниқ ўлчов билан сув (ёмғир, қор) ёғдириб, уларни ерга жамлаб қўйди. Шамолларни булутларга “ҳомиладор” бўлган ҳолатда юборди. Ерда ўсимлик ва меваларни ундирди. Яна ерда ризқ-у насиба яратди.

Аллоҳ осмондаги ва ердаги барча нарсаларни бандаларига бўйсундирди. Албатта, бунда тафаккур қиладиган бандалар учун ибрат бордир.

## ОДАМ АЛАЙҲИССАЛОМ

### Одам алайҳиссалом яратилган ва жаннатга киритилган кун

Одам алайҳиссалом яратилган ва жаннатга киритилган кун Жума кунидир.

### Фаришталарнинг Одам алайҳиссаломга сажда қилишлари ва иблиснинг исёни

Аллоҳ таоло фаришталарга Одам алайҳиссаломга сажда қилишларини буюрди. Барча фаришталар шу заҳоти сажда қилдилар, аммо Иблис бундай қилмади. Нафси унинг кибр ва ғурурини кўзғаб, буюклик қилмоқчи бўлди: “Мен унга сажда қилмайман, чунки мен ундан хайрлироқман! Ёшим ҳам ундан катта. Яратилиш бўйича ҳам ундан устунман: мен оловдан, у эса лойдан яратилди. Олов оддий тупроқдан кучлироқдир. Мен ер

юзида халифалик вазифасини бажардим. Мен қанотли ва каромат тожлиман. Мен Сенинг еринг ва осмонингда Сенга ибодат қилдим!” – деди.

### **Иблиснинг асли, яхши ва ёмон жиҳати**

Иблиснинг асли жиндир. Самода фаришталар билан бирга Аллоҳга шундай ибодат қилар эдики, бандаларининг ҳеч бири Унга бу қадар ибодат қилмаган эди. Одам алайҳиссалом яратилгунга қадар қилган бундай ибодатлари унинг ичидаги кибр, ғурур, йўлдан озиш ва кўра олмаслик туйғуларини уйғотиб юборди.

Аллоҳ таолонинг Одам алайҳиссалом наслидан пайғамбарлар юборишини билиб, унга берилган бундай шарафни кўра олмади. Одам алайҳиссаломнинг балчиқдан, ўзининг эса оловдан яратилганига қараб: “Мен ундан хайрлироқман! Мен лойдан яратилган бу кимсага сажда қиламанми?!” деб кофирлигини билдирди. Аллоҳ таолонинг амрига бўйин сунмади ва Одам алайҳиссаломга сажда қилмади. Аллоҳ таоло эса исёнига жазо сифатида уни ҳар қандай яхшилиқдан умидини узган, лаънатланган шайтонга айлантирди.

### **Одам алайҳиссаломнинг билим ва каромат жиҳатдан фаришталардан устунлиги**

Аллоҳ таоло фаришталарни Одам алайҳиссаломга сажда қилдиргач, унга барча нарсанинг, ҳатто ўз наслидан туғилажак зурриётларининг исмигача барча яратилган нарсаларнинг, ҳатто фаришталарнинг ҳам номини ўргатди.

Буларни фаришталардан сўраб, уларнинг бу борада ожиз эканликларини эътироф эттиргач, Одам алайҳиссаломга буюрди. Одам алайҳиссалом бирма-бир барчасининг хабарини берди.

Шу тариқа Одам алайҳиссаломнинг билим ва каромат жиҳатдан фаришталардан устун эканлиги кўрсатилди. Фаришталар бу борадаги ўйлари сабабли тавба қилдилар.

### **Инсоният тарихидаги илк саломлашув**

Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломга буюрди: “Фаришталар жамоаси олдига бориб, уларга “Ассалому алайкум” деб салом бер. Сенинг саломингни қандай қабул қилишларига эътибор қил. Сўзларига қулоқ тут. Чунки бу сен ва сенинг авлодларингнинг саломлашуви бўлади”.

Одам алайҳиссалом фаришталар ҳузурига бориб, “Ассалому алайкум!” деди. Фаришталар: “Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ!” деб жавоб қайтардилар ёхуд “Ва алайкум ассалом ва раҳматуллоҳ” дедилар.

### **Ҳазрати Ҳаввонинг яратилиши**

Одам алайҳиссалом жаннатда сўзлашадиган суҳбатдоши ва ўзи билан бирга сукунат топадиган бирор яқини бўлмай ёлғиз ўзи юрганида Аллоҳ таоло унга уйқу берди. У ухлади. Сўнгра унга азоб бермасдан чап қовурғасидан бирини олиб ўрнига эт тўлдирди. Одам алайҳиссалом уйқудан уйғонмасидан Момо Ҳаввони ундан яратди.

Одам алайҳиссалом уйғониб, бошида бир аёлнинг ўтирганини кўрди. Сўнгра ундан: “Сен кимсан?” – деб сўради. Момо Ҳавво: “Мен аёлман!” - деди. Одам алайҳиссалом ундан: “Сен нима учун яратилдинг?” - деб сўради. Момо Ҳавво: “Мен сен учун яратилдим”, - деди.

Фаришталар Одам алайҳиссаломнинг билимини синаш учун Момо Ҳавво ҳақида: “У ким?” - деб сўрашди. Одам алайҳиссалом: “У бир аёлдир”, - деди. “Унинг исми нима?” деб сўрашди фаришталар. “Унинг исми Ҳавво”,

- жавоб қилди Одам алайҳиссалом. Фаришталар: “Тўғри айтдинг”, - дейишди ва “Унга нима сабабдан Ҳавво деб исм берилди?” - деб сўрашди. Одам алайҳиссалом: “Жонли нарсадан яратилгани учун”, - деди.

Ибн Аббоснинг қайд этишича, Момо Ҳаввога барча инсонларнинг онаси бўлгани боис шундай исм берилган.

Фаришталар: “У нима учун яратилди?” - деб сўрашди. Одам алайҳиссалом: “У мен сукунат топишим, мен билан унинг сукунат топиши учун яратилди”, - деб жавоб қилди. Шу тариқа Аллоҳ таоло Момо Ҳаввони Одам алайҳиссаломга йўлдош қилди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом бир ҳадисларида: “Аёл қовурға суюгидан яратилган. Қовурғанинг энг эгри жойи устки қисмидир. Уни тўғрилашга уринсанг, синдирасан. Ўз ҳолига қўйсанг, эгриликда давом этади. Аёллар хусусида бир-бирингизга хайрни тавсия этинг”<sup>1</sup>, - деб марҳамат қилганлар.

### **Илк жуфтларнинг жаннатдаги бахтли ҳаёти ва иблиснинг уларни ўз тузоғига тушириб, жаннатдан узоқлаштириши**

Аллоҳ таоло Одам алайҳиссалом ҳамда Момо Ҳаввонинг жаннатда яшашлари ва унинг неъматларидан бемалол тановул қилишларига изн берди. Фақат бир дарахтга яқинлашмасликларини тайинлади.<sup>2</sup> Шунингдек, иблиснинг уларга душман эканлигини айтиб:

فَلَا يُخْرِجَنَّكَ مِنَ الْجَنَّةِ

“Бас, у икковингизни жаннатдан зинҳор чиқармасин!”<sup>3</sup>, - деб огоҳлантирди.

<sup>1</sup> Бухорий, Саҳих, 4-жилд, б. 103.

<sup>2</sup> Бақара сураси, 35-оят; Аъроф сураси, 52-оят.

<sup>3</sup> Тоҳо сураси, 117-оят.

Одам алайҳиссалом ҳамда Момо Ҳавво учун жаннатдаги бир мевани ман қилиш улар учун бир синов бўлиб, улар ва уларнинг авлодлари ҳақидаги илоҳий ҳукмнинг талаби ҳам эди.

Иблис Одам алайҳиссалом ва унинг жуфтани (Ҳавво) тузоққа туширишни аввалига дод-фарёд кўтариш билан бошлади. Шу қадар фарёд кўтардики, улар бутунлай ғамга ботдилар. Ундан нима сабабдан йиғлаётганини сўрашди. Иблис: “Сизларнинг ўлишингизни ва сиз турган бу жойнинг неъматларидан фойдалана олмаслигингизни эшитиб йиғлаяпман”, - деди. Иблиснинг бу сўзлари уларни яна-да ғамга ботирди. Шунда иблис яна келиб, уларга яхшилик тилаётганига қасам ичиб, васваса қилди ва уларнинг тақиқланган мевадан ейишларига, натижада аврат ерларининг очилиб, жаннатдан қувилишларига сабабчи бўлди.<sup>1</sup>

Одам алайҳиссалом аврат жойини аввал ҳеч кўрмаган эди. Жаннатда аврат жойи очилиб, қоча бошлади. Қочаётиб бир дарахтга урилиб, илиниб қолди. Дарахтга: “Мени қўйиб юбор” – деди. Дарахт: “Мен сени қўйиб юборувчи эмасман”, - деди. Шунда Аллоҳ таоло: “Эй, Одам! Мендан қочяпсанми?” – деб хитоб қилди. Одам алайҳиссалом: “Йўқ, қочмаяпман, эй Раббим, аммо Сендан уяляпман!”, - деди.

### Жаннатдан ер юзига туширилиши

Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломга: “Сенга жаннатда қилган мўл эҳсонларим, улардан фойдаланишингни ҳалол қилган неъматларим етмадимики, сенга ҳаром қилинган нарсадан тотиб кўрдинг?!” – деди.

Одам алайҳиссалом жавоб қилди: “Ҳа, эй Раббим! Шундай бўлди. Аммо Сенинг иззатинг ҳаққи қасам ичиб айтаманки, мен ҳеч кимсанинг Сенинг номингдан қасам ичиши мумкинлигини билмас эдим”.

<sup>1</sup> Аъроф сураси, 20-22 – оятлар; Тоҳо сураси, 120-оят; Бақара сураси, 36-оят.

Шайтоннинг ичган қасамини айтмоқчи бўлди. Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилди: “Иzzатим ҳаққи қасам ичиб айтаманки, Мен сени албатта Ерга тушираман. У ерда ризқингни меҳнат ва машаққат билан топасан!” Улар жаннатда истаган нарсаларини истаганларича еб юрганларида, энди истаганларидек еб-ича олмайдиган ерга туширилдилар.

Одам алайҳиссалом жума куни жаннатдан чиқарилиб, ерга туширилди. Одам алайҳиссалом Ҳиндистондаги Навз ёки Бавз тоғига, Момо Ҳавво эса Жиддага туширилди.

Одам алайҳиссалом туширилган тоғнинг Ҳиндистоннинг Серендиб ҳудудидаги Бавз (Навз) тоғи эканлиги айтилади.<sup>1</sup>

Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни жаннатдан чиқаргач, унга жаннат озуқаларидан эҳсон қилди ва яшаши учун барча нарсани ўргатди.

Одам алайҳиссаломга сандон, болға, омбур сингари қуроллар билан бирга қизил тукли бир ҳўкиз ҳам берилган эди. Одам алайҳиссаломга деҳқончилик қилиш амр этилди. У пешонасидан оққан терни арта-арта ер ҳайдади. Сўнг экин экди, уни суғорди. Экин пишиб етилгач, уни йиғиб олди. Сўнг янчиб, шамолда совурди. Кейин донларни эзиб ун қилди. Унни қориб хамир қилди. Хамирдан нон пиширди. Бу нонни Аллоҳ хоҳлаган пайт келмагунча еб ютолмади. Одам алайҳиссаломга темирчилик санъати ҳам ўргатилди. Унинг темирдан дастлаб ясаб, фойдаланган нарсаси пичоқ эди.

### **Одам алайҳиссаломнинг тўғри танлов билан уч нарсани қўлга киритиши**

Жаброил алайҳиссалом Одам алайҳиссаломнинг олдига келиб: “Мен сенга учта нарса келтирдим. Улардан

---

<sup>1</sup> Табарий. Тарих. 1-жилд, б. 60. ; Ибн Аср. Комил. 1-жилд, б. 36.

бирини танлаб ол”, - деди. Одам алайҳиссалом сўради: “Эй, Жаброил! Улар нимадир?” Жаброил алайҳиссалом жавоб берди: “Ақл, ҳаё ва дин!” Одам алайҳиссалом: “Ақлни танладим”, - деди. Жаброил алайҳиссалом ҳаё ва динга қараб: “У ақлни сиздан афзал кўрди, сизлар кета-веринг”, - деди. Улар: “Биз қаерда бўлсак ҳам, ақл билан бирга бўлишга амр қилинганмиз!” – деб ақлдан ажралмадилар.

### **Одам алайҳиссаломнинг жаннатда қолиш муддати**

Одам алайҳиссалом жаннатда аср билан қуёш ботишигача бўлган муддатда ёки кундуздан бир соат, пешин билан аср орасидаги вақт муддатича қолган бўлиб, бу дунё ҳисоби бўйича 130 йилга тенгдир.<sup>1</sup>

### **Йиғлаш, ёлвориш ва кечирилиш**

Одам алайҳиссалом билан Момо Ҳавво қўлларида кетган неъмат учун икки юз йил йиғладилар. Ривоятда айтилишича, бутун ер юзидаги инсонлар тўккан ёш Довуд алайҳиссаломнинг хато қилган пайтдаги кўз ёшлари миқдорига тенг келмасди.

Ер юзидаги инсонларнинг кўз ёши билан Довуд алайҳиссалом тўккан кўз ёш йиғилганда эди Одам алайҳиссаломнинг жаннатдан туширилгандаги кўз ёшларига тенг келмасди.<sup>2</sup>

Одам алайҳиссалом жаннатда қилган гуноҳи учун кўз ёш тўкиб, Аллоҳ таолога тавба қилиб, қўлини пешонасига қўйиб ўтирган пайтда Жаброил алайҳиссалом келиб унга салом берди. Унинг йиғлаганини кўриб, У ҳам йиғлади. Сўнгра: “Эй, Одам! Сенга бунчалик заҳмат ва машаққат берган нарса недир? Сени нима бунчалик йиғлатди?” – деб сўради. Одам алайҳиссалом жавоб бер-

<sup>1</sup> Аҳмад ибн Ҳанбал. Аз-зуҳд. б. 81.

<sup>2</sup> Аҳмад ибн Ҳанбал. Аз-зуҳд. б. 80-81.

ди: “Эй Жаброил! Аллоҳ таоло мени самодан ер юзининг хўрлиги ва ҳақирлигига, абадий юртдан ўткинчи бир дунёга, мўл неъматлар юртидан йўқсиллик, муҳтожлик юртига туширган бўлса-ю, мен йиғламайманми? Мен бу мусибатни қандай тузатишим мумкин?”

Жаброил алайҳиссалом Одам алайҳиссаломнинг сўзларини Аллоҳ таолога хабар қилди. Одам алайҳиссалом: “Эй Раббим, сен мени Ўз қўлларинг билан яратмадингми?” – деб сўради. “Ҳа”, - деб марҳамат қилди Аллоҳ таоло. Одам алайҳиссалом яна сўради: “Эй, Раббим! Сен менга Рухингдан уфламадингми?” Аллоҳ таоло “Ҳа”, - деб марҳамат қилди. Одам алайҳиссалом: “Сен мени Жаннатингга жойлаштирмадингми?” – деб сўради. “Ҳа”, - деди яна Аллоҳ таоло. Одам алайҳиссалом: “Мени у ердан нима сабабдан чиқардинг?” – деб сўради. Аллоҳ таоло: “Амримга итоатсизлик қилганинг учун”, – деб марҳамат қилди. Одам алайҳиссалом бу сафар: “Эй, Раббим! Сенинг Раҳматинг Ғазабингдан кўп эмасми?” – деб сўради. “Ҳа, кўп”, – марҳамат қилди Парвардигор. “Агар мен тавба қилиб гуноҳимни ювсам, жаннатга қайтаришни маъқул кўрасанми?” – деб сўради Одам алайҳиссалом. Шунда Аллоҳ таоло: “Ҳа”, – деб марҳамат қилди ва сўради: “Менга исён қилмайсан деб амр қилмаганмидим?!” Одам алайҳиссалом айтди: “Амр қилган эдинг, эй Раббим!” Шунда Аллоҳ таоло: “Иззатим ва Жалолим ҳамда Маконимнинг юксаклиги ҳаққи қасам ичиб айтаманки, ер юзи тўла сен каби одамлар бўлиб, Менга исён қилсалар уларни осийлар манзилига тушираман. Эй, Одам! Менинг раҳматим ғазабимдан ўзар. Мен сенинг йиғлаганингни, овозингни эшитганман ва сенга раҳм қилиб қусурингни камайтирганман. Сен Менга дуо қилаётганингда шундай де: “Аллоҳим, Сендан ўзга илоҳ йўқдир. Аллоҳим, Сенга тасбеҳ айтаман ва Сени муқаддас деб биламан! Сенга ҳамд бўлсин! Мен гуноҳ қилдим ва ўзимга жабр қилдим. Мени кечир, тавбамни қабул эт!

Чунки тавбаларни энг кўп қабул қилувчи ва энг марҳаматли Сенсан!

### **Одам алайҳиссаломнинг каъбани бино қилиши ва уни тавоф этиши**

Одам алайҳиссаломнинг бошига тушган мусибат сабаб борган сари кўпроқ кўз ёш тўкиши ва фаришталарнинг ҳам унинг ҳолига йиғлаб, унинг қайғусидан ғамга ботишларидан сўнг Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломга буюрди: “Аршимнинг қуйисида Менинг бир Ҳарамим (тақиқланган ҳудуд) бор. Сен дарҳол у ерга бориб, Мен учун бир Байт бино қил! Фаришталар Аршни қандай тавоф қилсалар сен ҳам у ерни шундай тавоф қилгин ва менинг номимни зикр этгин! У ерда сен ва авлодларингнинг дуоси ҳамда ибодатини қабул қилурман!” – деб ваҳий қилди ва унинг Маккага боришини амр этди. Одам алайҳиссалом айтди: “Эй, Раббим! Мен у ерни топиб боролмасман!”. Аллоҳ таолонинг амри билан бир фаришта келиб, уни Маккага олиб борди. Чўллар, чуқурлар бир одимда босиб ўтиладиган йўлга айланди. Маккага боргунларига қадар қаерда тўхтаб қўноқлаган бўлсалар, ўша ер обод, баракотли ерга айланди. Бир одимда босиб ўтилган ерлар эса бўш жойлар бўлди.

Одам алайҳиссалом йўлда қаерда бир боғни кўриб уни ёқтирса, фариштага “Бизни шу ерга қўндир” – дер, фаришта эса: “Сен қўнадиган жой бошқа”, – деб жавоб қиларди.

Ниҳоят, Маккага етиб келдилар. Жаброил алайҳиссалом ернинг тубидаги берк ва собит ерига қадар ботириб, Каъбанинг пойдеворини очди. Фаришталар ўттиз киши кўтара олмайдиган қояларни пойдеворга ташладилар.

Одам алайҳиссалом Каъбани Тури Сино, Тури Зайтун, Ливан, Жудий, Ҳиро тоғларидан келтирилган тошлар-

дан бино қилди. Каъбанинг ер юзига қадар бўлган пой-девори Ҳиро тоғидан келтирилган тошлардан қурилди.

Каъба қурилиши тамомлангач, Жаброил алайҳиссалом Одам алайҳиссаломни Арофатга олиб борди. Ҳозирда ҳожилар бажараётган барча ҳаж амалларини ўша ерда унга ўргатди.

Одам алайҳиссалом Момо Ҳаввони қидиради, Момо Ҳавво ҳам Одам алайҳиссаломни излар эди. Ниҳоят, улар Арофатда топишдилар. Муздалифада бирлашдилар ва мана шу сабабли у ерлар Арофат, Жамиъ ва Муздалифа деб номланди. (Жаброил алайҳиссалом Иброҳим алайҳиссаломга ҳаж амалларини бирма-бир ўргатиб “Ўргандингми?” деб такрор-такрор сўрагач, унинг “Ҳа” дейиши билан бу ер Арофат деб номлангани ҳам ривоят қилинади.<sup>1</sup>)

Жаброил алайҳиссалом Одам алайҳиссаломни Маккага олиб келди. Одам алайҳиссалом Каъбани етти маротаба тавоф қилди. У Каъбани етти бора тавоф қилаётганда ёки Маъзамайнда фаришталар билан юзлашди. Фаришталар Одам алайҳиссаломнинг ҳажини қутладилар. “Биз бу Байтни сендан икки минг йил олдин тавоф ва ҳаж қилганмиз”, - дедилар. Одам алайҳиссалом сўради: “Сиз тавоф қилаётганда нима дер эдингиз?” Фаришталар: “Субҳаналлоҳи валҳамду лиллаҳи вала илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар, дер эдик”, - дедилар. Одам алайҳиссалом бунга “ва ла ҳавла ва ла қуввата илла биллаҳ” жумласини илова қилди. Шундан сўнг фаришталар тавофда бу жумлани қўшиб ўқийдиган бўлдилар.

Одам алайҳиссалом ҳаж амалини бажарганида: “Эй, Раббим! Ҳар бир амал соҳиби учун бир ажр бордур!” деди. Аллоҳ таоло марҳамат қилди: “Сен учун ҳам бордур! Мен сени мағфират қилдим. Сенинг авлодларингдан бу Байтга гуноҳи билан келганларнинг ҳам гуноҳидан кечурман!”

<sup>1</sup> Азрокий. Ахбору Макка. 1-жилд, б. 67.

Одам алайҳиссаломнинг тавбаси жума куни қабул қилинди.

### Макка ҳарамининг сири

Ривоятга кўра, Одам алайҳиссалом шайтоннинг ёмонлигидан қўрқиб Аллоҳга сиғинганда Аллоҳ таоло Байтни қўриқловчи фаришталарни юборган, улар Маккани ҳар томонидан ўраб олишган. Фаришталар Макка атрофида қаерда тўхтаган бўлишса, ўша ерлар Макканинг ҳарам чегараси бўлган.

### Қуръони каримнинг Одам алайҳиссалом билан боғлиқ изоҳи

Одам алайҳиссалом ҳақида Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади:

إِنَّ مَثَلَ عِيسَىٰ عِنْدَ اللَّهِ كَمَثَلِ آدَمَ خَلَقَهُ مِنْ تُرَابٍ ثُمَّ قَالَ لَهُ كُن فَيَكُونُ ﴿٥٩﴾

“Албатта, Исонинг (отасиз туғилиши) мисоли, Аллоҳ наздида бамисоли Одам алайҳиссалом кабирки, уни тупроқдан яратиб, сўнгра унга “Бўл!” деди, бас, (у) бўлди”.<sup>1</sup>

وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلَائِكَةِ إِنِّي جَاعِلٌ فِي الْأَرْضِ خَلِيفَةً قَالُوا أَتَجْعَلُ فِيهَا مَنْ يُفْسِدُ فِيهَا وَيَسْفِكُ الدِّمَاءَ وَنَحْنُ نُسَبِّحُ بِحَمْدِكَ وَنُقَدِّسُ لَكَ قَالَ إِنِّي أَعْلَمُ مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٣٠﴾

Эсланг, (эй, Муҳаммад!) Раббингиз фаришталарга: “Мен Ерда халифа (Одам) яратмоқчиман”, - деганида, (улар) айтдилар: “Унда (Ерда) бузғунчилик

<sup>1</sup> Оли Имрон сураси, 59-оят.

қиладиган, (ноҳақ равишда) қон тўкадиган кимсани яратмоқчимисан? Холбуки, биз Сенга ҳамдинг билан тасбеҳлар айтамиз ва Сени муқаддас деб биламиз<sup>1</sup>. Аллоҳ айтди: “Албатта, Мен сизлар билмаган нарсаларни билурман”.<sup>2</sup>

وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلَائِكَةِ إِنِّي خَلِيقٌ بَشَرًا مِّنْ صَلْصَلٍ مِّنْ حَمَلٍ مَّسْنُونٍ  
 فَإِذَا سَوَّيْتُهُ، وَنَفَخْتُ فِيهِ مِنْ رُّوحِي فَقَعُوا لَهُ، سَاجِدِينَ ﴿٢٨﴾ ﴿٢٩﴾

(Эй, Муҳаммад!) Эсланг, Раббингиз фаришталарга: “Мен (асли) қора балчиқдан (олиб) қуритилган лойдан инсон яратувчиман. Бас, уни тиклаб, ичига Ўз (даргоҳимдаги) руҳимдан киритганимда, сизлар унга сажда қилган ҳолингизда йиқилингиз!”, - деди.<sup>3</sup>

وَإِذْ قُلْنَا لِلْمَلَائِكَةِ اسْجُدُوا لِآدَمَ فَسَجَدُوا إِلَّا إِبْلِيسَ أَبَىٰ وَاسْتَكْبَرَ  
 وَكَانَ مِنَ الْكَافِرِينَ ﴿٣٤﴾

Эсланг, (эй, Муҳаммад!) Биз фаришталарга: “Одамга сажда қилингиз!” – деб буюришимиз билан улар сажда қилдилар. Фақат Иблис бош тортиб, такабурлик қилди ва кофирлардан бўлди.<sup>4</sup>

كَانَ مِنَ الْجِنِّ

У жинлардан эди.<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Бу сажда намоз ёки ибодат саждаси бўлмай, таъзим ва саломлашув саждаси эди. Абу Иброҳим ал-Музанийнинг қайд этишича, Аллоҳ таоло бандаларига Каъбага юзланиб Ўзига сажда қилишларини буюрганидек, Одам алайҳиссаломнинг ҳам Каъба бино қилиб Унга ибодат қилиш мақсадида сажда этишини фаришталарга амр этган эди. Маъсудийга кўра эса, Одам алайҳиссаломга қилинган имтиҳон саждасида Одам алайҳиссаломнинг меҳроб этилгани ва бу билан Аллоҳ таолонинг амрига бўйин суниш ва Унга ибодат қилиш мақсад қилингани илгари сурилади.

<sup>2</sup> Бақара сураси, 30-оят.

<sup>3</sup> Ҳижр сураси, 28-29-оятлар.

<sup>4</sup> Бақара сураси, 34-оят.

<sup>5</sup> Каҳф сураси, 50-оят.

قَالَ يٰٓإِبْرٰهٖمُ مَا لَكَ اَلَّا تَكُوْنَ مَعَ السَّجِدِيْنَ ﴿٣٢﴾

(Шунда Аллох) деди: “Эй, Иблис! Сенга не бўлдики, сажда қилувчилар билан бирга бўлмадинг?”<sup>1</sup>

قَالَ يٰٓإِبْرٰهٖمُ مَا مَنَعَكَ اَنْ تَسْجُدَ لِمَا خَلَقْتَ بِيَدِيْٓ اَسْتَكْبَرْتَ اَمْ كُنْتَ مِنَ الْعٰلِيْنَ ﴿٧٥﴾

Эй, Иблис! “Кўлим” билан яратган нарсага сажда қилишдан сени нима ман этди?! Кибр қилдингми ёки сен (Одамга нисбатан) олий (зот)лардан эдингми?<sup>2</sup>

قَالَ مَا مَنَعَكَ اَلَّا تَسْجُدَ اِذْ اَمَرْتُكَ

Сенга буюрганимда сажда қилишингга нима монелик қилди?<sup>3</sup>

قَالَ لَمَ اَكُنْ لِّاَسْجَدٍ لِّبَشَرٍ خَلَقْتَهُ، مِنْ صٰلٰصِلٍ مِّنْ حَمٰٓئٍ مَّسْنُوْنٍ ﴿٣٣﴾

(У) айтди: “Мен қора балчиқдан олиб, (одам сурати берилгач) қуритилган лойдан Сен яратган башарга сажда қилувчи эмасман”.<sup>4</sup>

قَالَ اَنَاْ خَيْرٌ مِّنْهُ خَلَقْنِيْ مِنْ نَّارٍ وَخَلَقْتَهُ مِنْ طِيْنٍ ﴿١٢﴾

Мен ундан яхшиман, мени оловдан яратгансан. Уни (Одамни эса) лойдан яратдинг.<sup>5</sup>

ءَاَسْجُدُ لِمَنْ خَلَقْتَ طِيْنًا ﴿٦١﴾

Сен лойдан яратган кимсага сажда қиламанми?<sup>6</sup>

<sup>1</sup> Ҳижр сураси, 32-оят.

<sup>2</sup> Сод сураси, 75-оят.

<sup>3</sup> Аъроф сураси, 12-оят.

<sup>4</sup> Ҳижр сураси, 33-оят.

<sup>5</sup> Аъроф сураси, 12-оят.

<sup>6</sup> Исро сураси, 61-оят.

أَرَأَيْتَكَ هَذَا الَّذِي كَرَّمْتَ عَلَيَّ

Менга хабар бергин-чи, мана шу кимсани мендан кўра мукаррам қилдингми?<sup>1</sup>

﴿١٣﴾ قَالَ فَأَهَيْطُ مِنْهَا فَمَا يَكُونُ لَكَ أَنْ تَتَكَبَّرَ فِيهَا فَاخْرُجْ إِنَّكَ مِنَ الصَّاغِرِينَ

(Аллоҳ) айтди: “Ундан (жаннатдан) чиқ! У ер (жаннат)да сенга такабурлик қилишинг жоиз эмас. Бас, чиқ! Албатта, сен (энди) ҳақирлардандирсан”.<sup>2</sup>

﴿٣٤﴾ قَالَ فَأَخْرَجَ مِنْهَا فإِنَّكَ رَجِيمٌ ﴿٣٤﴾ وَإِنَّ عَلَيْكَ اللَّعْنَةَ إِلَى يَوْمِ الدِّينِ ﴿٣٥﴾ قَالَ رَبِّ فَأَنْظِرْنِي إِلَى يَوْمٍ يُبْعَثُونَ ﴿٣٦﴾

Энди сен, (Менинг даргоҳимдан) қувилган – малъунсан. То жазо куни (қиёмат)гача сенга лаънат бўлур. (У) деди: “Эй, Раббим! У ҳолда менга (улар) қайта тириладиган кунгача (қиёматгача) муҳлат бергин”<sup>3</sup>.

لَيْنِ آخَرَتَيْنِ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ لِأَحْسَنِكَنْ ذُرِّيَّتَهُ إِلَّا قَلِيلًا ﴿٦٢﴾

Қасамки, агар мени Қиёмат кунигача (тирик) қолдирсанг, албатта, мен унинг зурриётини қириб юборурман (яъни ҳалокат йўлларига буриб юборурман), фақат оз қисмигина (ҳақ йўлда) қолурлар.<sup>4</sup>

﴿١٥﴾ قَالَ إِنَّكَ مِنَ الْمُنظَرِينَ

(Аллоҳ) айтди: “Албатта, сен (жазо кунигача) муҳлат берилганлардандирсан”.<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Исро сураси, 62-оят.

<sup>2</sup> Аъроф сураси, 13-оят.

<sup>3</sup> Ҳижр сураси, 34-36-оятлар.

<sup>4</sup> Исро сураси, 62-оят.

<sup>5</sup> Аъроф сураси, 15-оят.

قَالَ أَذْهَبَ فَمَنْ تَبِعَكَ مِنْهُمْ فَإِنَّ جَهَنَّمَ جَزَاءُكُمْ جَزَاءً مَوْفُورًا  
 (13) وَأَسْتَفِزُّ مِنْ أَسْطَعَتَ مِنْهُمْ بِصَوْتِكَ وَأَجْلِبُ عَلَيْهِمْ بِخَبْلِكَ  
 وَرَجْلِكَ وَشَارِكُهُمْ فِي الْأَمْوَالِ وَالْأَوْلَادِ وَعَدَّهُمْ وَمَا يَعِدُهُمْ  
 الشَّيْطَانُ إِلَّا غُرُورًا (14) إِنَّ عِبَادِي لَيْسَ لَكَ عَلَيْهِمْ سُلْطَانٌ  
 وَكَفَى بِرَبِّكَ وَكِيلًا (15)

Бор, (сенга Қиёматгача муҳлат бердим). Бас, улардан кимки сенга эргашса, у ҳолда, шубҳасиз, жаҳаннам сизларга тўлиқ жазо бўлур! Улардан кучинг етган кимсани овозинг (васвасанг) билан қўзғат, уларнинг устига отлиқ ва пиёда (лашкарингни) торт, бойликлари ва фарзандларида уларга шерик бўл (уларни ҳаромдан орттиришга унда), уларга (ёлғон) ваъда бер!” Дарҳақиқат, шайтон уларга фақат алдов нарсаларнигина ваъда қилур. “Менинг (мустаҳкам, солих) бандаларим устидан эса, сен учун ҳеч қандай салтанат (ҳукмронлик) бўлмас! Парвардигоринг етарли ваколат эгасидир”.<sup>1</sup>

قَالَ فِيمَا آغْوَيْتَنِي لَأَقْعُدَنَّ لَهُمْ صِرَاطَكَ الْمُسْتَقِيمَ (16) ثُمَّ لَا تَبْتَهُمْ مِنْ بَيْنِ  
 أَيْدِيهِمْ وَمِنْ خَلْفِهِمْ وَعَنْ أَيْمَانِهِمْ وَعَنْ شَمَائِلِهِمْ وَلَا تَجِدُ أَكْثَرَهُمْ شَاكِرِينَ (17)

У (аламидан) деди: “Қасамёд этаманки, мени янглиштирганинг туфайли Сенинг Тўғри Йўлинг (Ислом дини) узра улар (одамларни чалғитиш) учун ўтираман. Сўнгра, уларга олдиларидан, ортларидан, ўнг томонларидан ва сўл томонларидан (чалғитиш учун) келаман. (Натижада) уларнинг аксариятини шуқр қилувчи ҳолда топмайсан”.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Исро сураси, 63-65-оятлар.

<sup>2</sup> Аъроф сураси, 16-17-оятлар.

قَالَ رَبِّ يَا آغْوِيَنِي لِأَزِيَنَّ لَهُمْ فِي الْأَرْضِ وَلَا تُغْوِيَنَّهُمْ أَجْمَعِينَ  
 إِلَّا عِبَادَكَ مِنْهُمُ الْخَالِصِينَ ﴿٣٩﴾

“Эй, Раббим! Қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли, албатта, уларга (Одам болаларига) ердаги (барча гуноҳ ишларни) чиройли кўрсатиб қўюрман ва албатта, уларнинг ҳаммаларини йўлдан оздирурман. Илло уларнинг орасидаги ихлосли бандаларинггина (бундан мустаснодир)”.<sup>1</sup>

قَالَ فَالْحَقُّ وَالْحَقَّ أَقُولُ ﴿٨٤﴾ لَأَمْلَأَنَّ جَهَنَّمَ مِنْكَ وَمِمَّن تَبِعَكَ مِنْهُمْ  
 أَجْمَعِينَ ﴿٨٥﴾

(Аллоҳ) деди: “(Мен) ҳақдирман. Фақат ҳақиқатни айтурманки, албатта, Мен жаҳаннамни сен ва улар орасидаги барча сенга эргашган кимсалар билан тўлдирурман!”<sup>2</sup>

إِنَّ عِبَادِي لَيْسَ لَكَ عَلَيْهِمْ سُلْطَانٌ إِلَّا مَنِ اتَّبَعَكَ مِنَ الْغَاوِينَ ﴿٤٢﴾  
 وَإِنَّ جَهَنَّمَ لَمَوْعِدُهُمْ أَجْمَعِينَ ﴿٤٣﴾ لَهَا سَبْعَةُ أَبْوَابٍ لِكُلِّ بَابٍ  
 مِنْهُمْ جُزْءٌ مَّقْسُومٌ ﴿٤٤﴾

Менинг бандаларим устидан сен учун ҳеч қандай салтанат (ҳукмронлик) йўқдир, илло, сенга эргашган гумроҳларнигина (йўлдан оздира олурсан). Уларнинг (кофир ва гумроҳларнинг) барчаси учун ваъда қилинган жой жаҳаннамдир. Унинг етти дарвозаси бўлиб, ҳар бир дарвоза учун уларнинг бир тўдаси тақсим (тайин) этилгандир.<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Ҳижр сураси, 39-40-оятлар.

<sup>2</sup> Сод сураси, 84-85-оятлар.

<sup>3</sup> Ҳижр сураси, 42-44-оятлар.

وَعَلَّمَ آدَمَ الْأَسْمَاءَ كُلَّهَا ثُمَّ عَرَضَهُمْ عَلَى الْمَلَائِكَةِ فَقَالَ أَنْبِئُونِي بِأَسْمَاءِ هَؤُلَاءِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ ﴿٣١﴾ قَالُوا سُبْحَانَكَ لَا عِلْمَ لَنَا إِلَّا مَا عَلَّمْتَنَا إِنَّكَ أَنْتَ الْعَلِيمُ الْحَكِيمُ ﴿٣٢﴾ قَالَ يَتَقَدَّمُ أُنْبِئُهُمْ بِأَسْمَائِهِمْ فَلَمَّا أَنْبَأَهُمْ بِأَسْمَائِهِمْ قَالَ أَلَمْ أَقُلْ لَكُمْ إِنْ عَلِمْتُ غَيْبَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَأَعْلَمُ مَا تُبْدُونَ وَمَا كُنْتُمْ تَكْتُمُونَ ﴿٣٣﴾

(Аллох) Одамга барча (яратилган ва яратилажак нарсаларга тегишли) номларни ўргатди. Сўнгра уларни фаришталарга (бирма-бир) кўрсатиб деди: “Агар (эътирозингизда) ростгўй бўлсангиз, ана у нарсаларни номлари билан Менга айтиб берингиз!” (Улар) дедилар: “Зоти покинг ҳаққи, бизда Ўзинг билдирганингдан ўзга илм йўқдир. Албатта, сен илмли ва ҳикматли зотдирсан”.

(Аллох) айтди: “Эй, Одам, уларга (мазкур нарсаларнинг) номлари билан айтиб бер”. Уларга номларини айтиб берганида (У) деди: “Мен осмонлар ва Ер сирларини, сизлар ошкор қилаётган ва яшириб юрган нарсаларингизни билурман, демаганмидим?!”<sup>1</sup>

Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни ва ундан жуфтини яратиб шундай марҳамат қилди:

يَتَقَدَّمُ أَسْكُنَ أَنْتَ وَزَوْجُكَ الْجَنَّةَ وَكُلَا مِنْهَا رَغَدًا حَيْثُ شِئْتُمَا وَلَا تَقْرَبَا هَذِهِ الشَّجَرَةَ فَتَكُونَا مِنَ الظَّالِمِينَ ﴿٣٥﴾

“Эй, Одам, сен ва жуфтинг (Ҳавво) жаннатда яшангиз ва хоҳлаган жойларингизда ундан (неъматларидан) бемалол тановул қилингиз. Фақат мана бу дарахтга яқинлашмангиз, (акс ҳолда) золимлардан бўлиб қолурсиз”.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Бақара сураси, 31-33-оятлар.

<sup>2</sup> Бақара сураси, 35-оят.

فَقُلْنَا يَتَادُمُ إِنَّ هَذَا عَدُوٌّ لَكَ وَلِزَوْجِكَ فَلَا يُخْرِجَنَّكَ مِنَ الْجَنَّةِ فَتَشْقَى ﴿١٣٧﴾ إِنَّ لَكَ أَلَّا يَجُوعَ فِيهَا وَلَا تَعْرَى ﴿١٣٨﴾ وَأَنَّكَ لَا تَظْمَأُ فِيهَا وَلَا تَصْحَى ﴿١٣٩﴾ فَوَسْوَسَ إِلَيْهِ الشَّيْطَانُ قَالَ يَتَادُمُ هَلْ أَدُلُّكَ عَلَى شَجَرَةِ الْخُلْدِ وَمُلْكٍ لَّا يَبْلَى ﴿١٤٠﴾

Бас, айтдик: “Эй, Одам! Аниққи, бу (иблис) сенга ҳам, хотинингга ҳам душмандир. Бас, у икковингни жаннатдан зинҳор чиқармасинки, бахтсиз бўлиб қолурсан. Шубҳасиз, сен у жойда (жаннатда) оч ва яланғоч қолмайсан. Шунингдек, сен у жойда ташна ҳам бўлмайсан ва иссиқда ҳам қолмайсан”. Сўнгра шайтон унга васваса қилиб: “Эй, Одам! Мен сени абадият дарахти ва чиримас (йўқ бўлмас) мулкка бошлаб борайми?”<sup>1</sup>

فَوَسْوَسَ لَهُمَا الشَّيْطَانُ لِيُبْدِيَ لَهُمَا مَا وُورِيَ عَنْهُمَا مِنْ سَوْءَاتِهِمَا وَقَالَ مَا نَهَاكُمَا رَبُّكُمَا عَنْ هَذِهِ الشَّجَرَةِ إِلَّا أَن تَكُونَا مَلَكَتَيْنِ أَوْ تَكُونَا مِنَ الْخَالِدِينَ ﴿٢٠﴾ وَقَاسَمَهُمَا إِنِّي لَكُمَا لَمِنَ النَّاصِحِينَ ﴿٢١﴾ فَدَلَّهُمَا بِغُرُورٍ فَلَمَّا ذَاقَا الشَّجَرَةَ بَدَتْ لَهُمَا سَوْءَاتُهُمَا وَطَفِقَا يَخْصِفَانِ عَلَيْهِمَا مِنْ وَرَقِ الْجَنَّةِ وَنَادَاهُمَا رَبُّهُمَا أَلَمْ أَنْهَكُمَا عَنْ تِلْكَ الشَّجَرَةِ وَأَقُلْتُ لَكُمَا إِنَّ الشَّيْطَانَ لَكُمَا عَدُوٌّ مُبِينٌ ﴿٢٢﴾ قَالَا رَبَّنَا ظَلَمْنَا أَنفُسَنَا وَإِن لَّمْ تَغْفِرْ لَنَا وَتَرْحَمْنَا لَنَكُونَنَّ مِنَ الْخَاسِرِينَ ﴿٢٣﴾

“Сўнгра шайтон уларнинг ёпилган авратларини очиб юбориш (шарманда қилиш) учун иккисига васваса қилди ва айтди: “Раббингиз сизларни фаришталарга айланиб қолмасин ёки (жаннатда) мангу

<sup>1</sup> Тоҳо сураси, 117-120-оятлар.

қолувчилардан бўлиб қолмасин дебгина сизларни ушбу дарахтдан (ейишни) ман этди”. Яна иккисига қасам билан: “Мен сизларга (холис) насихатгўйлардандирман”, - деди. Шундай қилиб (шайтон) уларни (ноқулай ҳолатга) туширди. Дарахт (меваси)дан тотиб кўришлари биланоқ, иккисининг авратлари очилиб қолди ва ўзларини жаннат япроқлари билан тўса бошладилар. Шунда уларга Парвардигорлари: “Сизларни ўша дарахтдан ман этмаганмидим ва шайтон сизларнинг аниқ душманингиз, демаганмидим?!”, - деб нидо қилди. Иккиси айтдилар: “Эй, Раббимиз! Биз ўзимизга (ўзимиз) зулм қилдик. Агар бизни кечирмасанг ва бизга раҳм қилмасанг, биз, албатта, зиён кўрувчилардан бўлиб қолурмиз”.<sup>1</sup>

فَأَزَلَّهُمَا الشَّيْطَانُ عَنْهَا فَأَخْرَجَهُمَا مِمَّا كَانَا فِيهِ وَقُلْنَا اهْبِطُوا بَعْضُكُمْ لِبَعْضٍ عَدُوٌّ وَلَكُمْ فِي الْأَرْضِ مُسْتَقَرٌّ وَمَتَاعٌ إِلَىٰ حِينٍ ﴿٣٦﴾ فَتَلَقَىٰ آدَمُ مِنْ رَبِّهِ كَلِمَاتٍ فَتَابَ عَلَيْهِ إِنَّهُ هُوَ التَّوَّابُ الرَّحِيمُ ﴿٣٧﴾

“Бас, шайтон иккисини (васваса билан) ундан чалғитиб, турган жойларидан (жаннатдан) чиқарди. Биз (уларга) айтдик: “Бир-бирингизга (келажак зурриётингиз билан ўзаро) душман ҳолингизда, (Ерга) тушингиз! Маълум вақтгача (ажал етгунча) сизлар учун Ерда қарор топиш ва (ундан) фойдаланиш (бордур). Бас, Одам Раббидан (тавбага доир) калималарни қабул қилиб олганидан сўнг (Аллох) унинг тавбасини ижобат этди. Албатта, У тавбаларни қабул этувчи, раҳмли зотдир”.<sup>2</sup>

ثُمَّ اجْنَبْهُ رَبُّهُ فَتَابَ عَلَيْهِ وَهَدَىٰ ﴿١٢٢﴾ قَالَ اهْبِطَا مِنْهَا جَمِيعًا

<sup>1</sup> Аъроф сураси, 20-23-оятлар.

<sup>2</sup> Бақара сураси, 36-37-оятлар.

بَعْضُكُمْ لِبَعْضٍ عَدُوٌّ فَمَا يَأْتِيَنَّكُمْ مِنِّي هُدًى فَمَنِ اتَّبَعَ هُدَايَ  
فَلَا يَضِلُّ وَلَا يَشْقَى ﴿١٢٣﴾

“Сўнгра Парвардигори уни поклаб, тавбасини қабул этди ва ҳидоятга йўллади. (Аллоҳ) айтди: “Ундан (жаннатдан) ҳар иккинги тушингиз. Бирингиз бирингизга душмандирсиз. Бас, сизларга Мен (тараф) дан ҳидоят келганида ким Менинг ҳидоятимга эргашса, йўлдан озмас ва бахтсиз бўлмас”.<sup>1</sup>

قَالَ فِيهَا تَحْيَوْنَ وَفِيهَا تَمُوتُونَ وَمِنْهَا تُخْرَجُونَ ﴿٢٥﴾

(Яна) деди: “Унда яшайсиз, унда ўлурсиз ва ундан (охиратда) чиқарилурсиз”.<sup>2</sup>

وَمَنْ أَعْرَضَ عَن ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُ مَعِيشَةً ضَنْكًا وَنَحْشُرُهُ يَوْمَ  
الْقِيَامَةِ أَعْمَى ﴿١٢٤﴾

“Ким Менинг эслатмамдан юз ўгирса, (кофир бўлса) бас, унинг учун танг (бахтсиз) турмуш (қабр азоби) бўлиши муқаррар ва Биз уни қиёмат кунида кўр ҳолда тирилтиурмиз”.<sup>3</sup>

### Одам алайҳиссаломнинг Момо Ҳавводан туғилган фарзандлари

Одам алайҳиссалом юз йилдан ўтиб, Момо Ҳаввога яқинлашди. Дастлаб Қобил билан унинг синглиси Лубуд (Лубуз) туғилди. Иккинчи сафар Ҳобил билан унинг синглиси Иқлима туғилди. Аллоҳ таоло дастлаб туғилганлар билан кейинги туғилганларни бир-бирига унаштиришни Одам алайҳиссаломга амр қилди.

<sup>1</sup> Тоҳо сураси, 122-123-оятлар.

<sup>2</sup> Аъроф сураси, 25-оят.

<sup>3</sup> Тоҳо сураси, 124-оят.

Одам алайҳиссаломнинг ҳар сафар бири ўғил, бири қиз тарзда қирқ фарзанди туғилди. Улар ўзи бирга туғилган ва ўзига ҳалол бўлмаган эгизидан ташқари бошқа фарзандлар билан турмуш қуриши мумкин эди. Бу Момо Ҳавводан туғилган қиз фарзандлардан бошқа аёллар йўқлиги сабабли эди. Одам алайҳиссалом Ҳобилнинг синглисига уйланишни Қобилга, Қобилнинг синглисига уйланишни эса Ҳобилга амр этди. Ҳобил Қобилнинг синглисига уйланишга рози бўлди, аммо Қобил Ҳобилнинг синглисига эмас, ўз эгизига уйланишга ҳаракат қилди.

Ҳобил Қобилга бориб синглисини ўзига турмушга беришини сўради. Қобил Ҳобилнинг тилагини қабул қилмади ва: “У мен билан туғилган синглимдир. У сенинг синглингдан гўзалроқ ва унга уйланишга мен сендан кўра лойиқроқ ва мустаҳиқман”, - деди.

Ҳақиқатдан ҳам Қобилнинг сингlisi жуда гўзал, Ҳобилнинг сингlisi эса хунук эди. Одам алайҳиссалом Аллоҳ таолонинг унга амрини Момо Ҳаввога ҳам билдириб: “Қобилга айт, Ҳобил билан туғилган қизга уйлансин; Ҳобилга ҳам айтки, Қобил билан туғилган қизга уйлансин”, - деди. Момо Ҳавво буни ўғилларига айтди. Ҳобил рози бўлди, аммо Қобилнинг жаҳли чиқди. “Бу фақатгина унинг (Одам алайҳиссаломнинг) раъйидир, йўқ, Аллоҳга қасамки, Парвардигор буни ҳеч қачон амр этмас”, - деди. Отасига қараб айтди: “Эй, Одам! Бу сенинг ишингдир!”

Одам алайҳиссалом Қобилга синглисини Ҳобилга турмушга беришини амр қилди. Бироқ Қобил бунга рози бўлмади. Одам алайҳиссалом айтди: “у сенга ҳалол эмас!” ва жаҳли чиқиб: “Бориб, ҳар иккинги Аллоҳга қурбонлик қилинг! – деди, – Қай бирингининг қурбонлигини қабул қилинса, у билан турмуш қуришга бошқасидан лойиқ ва мустаҳиқ бўлур. Қай биринги у билан турмуш қуришга лойиқ бўлсангиз, Аллоҳ таоло самодан оташ тушириб, унинг қурбонлигини ёқар”.

Иккаласи ҳам бу таклифни қабул қилди. Ҳобилнинг қўй-қўзиси бор эди. Қурбонлик учун қўйнинг сут ва қаймоғини ажратди. Қобил эса деҳқон эди. Қурбонлик учун экинининг энг ёмонидан танлади.

Қурбонликларини келтиришлари амр этилганда, Ҳобил қўйларидан энг қадрлиси, энг семизи ва энг чиройлисини бутун борлиғи билан истаган ҳолда, Қобил эса жуда кўп буғдой бошоғи бўлса-да, қўлида уларни майдалаб, бир ҳовуч энг ёмонини олдилар ва истамай Навз тоғига чиқдилар.

Одам алайҳиссалом уларнинг ёнида эди. Ҳобил ва Қобил қурбонликларини ўртага қўйдилар. Қобил Ҳобилга қараб: “Мен сендан каттаман. Ота-онамнинг васийсиман. Мен билан бирга туғилган қиз синглим. Мен у билан турмуш қуришга сендан лойиқроқман”, – деб мақтанди. Ўша пайтда Ҳобил 20 ёшда, Қобил эса йигирма беш ёшда эди.

Одам алайҳиссалом Раббига дуо қилди. Ҳобилнинг қалби Аллоҳнинг амри ва тақдирига рози ва бўйин сунган эди. Чунки у тоза қалбли эди. Қобил эса “Қилган қурбонлигим қабул қилинса ҳам, қилинмаса ҳам Ҳобил ҳеч қачон синглимга уйлана олмайди” деди. Ўша пайтда кўкдан олов тушиб, Ҳобилнинг қурбонлигини ёқди. Унинг қурбонлиги қабул қилинган эди. Қобилнинг қурбонлиги узоқлаштирилди (қабул қилинмади). Чунки у тоза қалбли эмасди.

Тоғдан тушиб тарқалдилар. Қобил қурбонлиги қабул қилинмаганидан жаҳли чиққан эди. Унинг қалбида кўра олмаслик ва ёвузлик ҳисси кўпирди.

Ҳобил подасининг олдига қайтган эди. Қобил унинг олдига бориб, “Аниқки, мен сени ўлдираман!” – деди. “Мени нима сабабдан ўлдирмоқчисан?” – деб сўради Ҳобил. Қобил: “Чунки Аллоҳ сенинг қурбонлигингни қабул қилди. Меникини эса қайтарди. Демак, сен менинг гўзал синглимга уйланасан. Мен эса сенинг ху-

нук синглингга эр бўламан, шундайми? Кейин барча сенинг мендан кўра хайрлироқ ва устунроқ эканингни айтади, шундайми? Кейин сенинг болаларинг менинг болаларимга мақтанишадими? Демак, ҳозир одамлар олдига борасан ва улар сен тақдим этган қурбонлик қабул қилинганини, меники эса ўзимга қайтарилганини билишади, шундайми? Йўқ! Қасамки, одамлар на мени, на сени ва на сенинг мендан хайрлироқ эканингни кўрадилар! Мен сени албатта ўлдирурман!” – деди. Ҳобил айтди: “Менинг гуноҳим нима? Аллоҳ фақатгина Ундан кўрқувчиларнинг қурбонлигини қабул қилади”.

Ҳобил тоғдан тушиб Қобилнинг қўлидан қутулди. Аммо Қобил фурсат пойлашда давом этди.

Бир куни Ҳобил тоғда подасини ўтлатиб, ором олиш учун ётганида Қобил унинг ёнига борди. Ерда ётган тош билан Ҳобилни уриб ўлдирди. Вақт кечқурун эди.

Эртаси куни эса уни кўришга борди. Ҳобил Одам ўғилларидан ўлган илк инсон бўлгани боис Қобил унинг жасадини нима қилишни билмасди.

Шунда Аллоҳ таоло иккита қарғани юборди. Улар бир-бири билан жанжаллашишди ва бири иккинчисини ўлдирди. Тирик қолган қарға тумшуғи билан чуқур қазиб, шеригини у ерга ташлади ва кўмиб қўйди. Қобил уларни кузатиб турарди.

Қурбонлик воқеаси ва натижаси ҳақида Куръони каримда қуйидагича марҳамат қилинади:

وَاتْلُ عَلَيْهِمْ نَبَأَ ابْنَيْ آدَمَ بِالْحَقِّ إِذْ قَرَّبَا قُرْبَانًا فَتُقْبِلَ مِنْ أَحَدِهِمَا  
وَلَمْ يُقْبَلْ مِنَ الْآخَرِ قَالَ لَأَقْتُلَنَّكَ قَالَ إِنَّمَا يَتَقَبَّلُ اللَّهُ مِنَ الْمُتَّقِينَ  
لَئِن بَسَطتَ إِلَيَّ يَدَكَ لِتَقْتُلَنِي مَا أَنَا بِبَاسِطٍ يَدِيَ إِلَيْكَ لِأَقْتُلَنَّكَ  
إِنِّي أَخَافُ اللَّهَ رَبَّ الْعَالَمِينَ ﴿٢٨﴾

فَتَكُونُ مِنْ أَصْحَابِ النَّارِ وَذَلِكَ جَزَاءُ الظَّالِمِينَ ﴿٢٩﴾ فَطَوَّعَتْ لَهُ نَفْسُهُ قَتْلَ أَخِيهِ فَقَتَلَهُ فَأَصْبَحَ مِنَ الخَاسِرِينَ ﴿٣٠﴾ فَبَعَثَ اللَّهُ غُرَابًا يَبْحَثُ فِي الْأَرْضِ لِيُرِيَهُ كَيْفَ يُورِي سَوْءَةَ أَخِيهِ قَالَ يُنَوِّلتِي أَنْ أُعْجِزْتَ أَنْ أَكُونَ مِثْلَ هَذَا الْغُرَابِ فَأُورِي سَوْءَةَ أَخِي فَأَصْبَحَ مِنَ التَّائِبِينَ ﴿٣١﴾

“Уларга Одамнинг икки ўғли (Қобил ва Ҳобил) ҳақидаги хабарни ҳақиқати билан ўқиб беринг! Иккиси қурбонлик қилганларида, бирдан қабул қилинди, унисидан эса қабул қилинмади. (Қурбонлиги қабул бўлмаган Қобил укаси Ҳобилга): “Сени, албатта, ўлдиражакман!” – деди. (Ҳобил) эса: “(Қурбонликни) Аллоҳ аслида тақволи кишилардан қабул қилур. Агар мени ўлдириш учун қўлингни мен томонга чўзсанг, мен сени ўлдириш учун сен томонга қўлимни чўзувчи эмасман. Ахир, мен оламлар рабби – Аллоҳдан кўрқаман. Мен ўзимнинг гуноҳимни ҳам, ўз гуноҳингни ҳам (зиммангга) олиб кетишингни ва дўзах аҳлидан бўлишингни хоҳлайман. Золимларнинг жазоси шудир”, - деди. Унинг (ҳавойи) нафси биродарини ўлдиришни хуш кўрсатди ва дарҳол, уни ўлдирди. Шу билан у зиён кўрувчилардан бўлиб қолди. Шундан сўнг, Аллоҳ унга биродари авратини (мурдасини) қандай кўмишни кўрсатиш учун ерни ковловчи бир қарғани юборди. “Ҳолимга вой! Наҳот шу қарғачалик бўлишдан ожиз бўлсам? (Мен ҳам) биродарим жасадини (тупроққа) кўма қолай”, - деди. Шундай қилиб (у) пушаймон қилувчилардан бўлиб қолди”.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Моида сураси, 27-31-оятлар.

## Одам алайҳиссаломнинг Қобилни қувиб юбориши

Одам алайҳиссалом Қобилга: “Кет! Сен ҳеч қачон кўрқувдан узоқ бўлмайсан ва сени кўрган ҳеч бир кимсадан саломат ва хавфсиз бўлмайсан!” – деди. Қобил ўзи билан туғилган қизнинг қўлидан тутиб Навз тоғидан тушди ва Яман ҳудудидаги Аданга кетди.

Одам алайҳиссалом билан Момо Ҳавво Ҳобил учун узоқ аза тутдилар.

## Одам алайҳиссаломнинг илк набий бўлиши

Инсонларга юборилган пайғамбарларнинг дастлабкиси Одам алайҳиссаломдир. Саҳобалардан Абу Зар Гифорий айтади: “Набий алайҳиссаломдан: “Эй, Расулulloҳ! Набийларнинг дастлабкиси ким?”- деб сўрадим. “Одамдир”, - деб марҳамат қилдилар. “У набий эдими?” – деб сўрадим. “Ҳа! Мукаллам (Аллоҳ билан сўзлашган) набий эди”, - дедилар.

Одам алайҳиссалом фарзандларига пайғамбар этиб юборилди ва унга йигирма бир Саҳифа нозил қилинди.<sup>1</sup>

Жаброил алайҳиссалом Одам алайҳиссаломга ёзишни ўргатгани боис Одам алайҳиссалом тушган саҳифаларни ўз қўли билан ёзди.

Аллоҳ таолонинг Одам алайҳиссаломга нозил қилган ҳукмлари орасида ўлган ҳайвон гўшти, қон ва тўнғиз гўшти ҳам ҳаром қилинган эди.

## Пайғамбаримизнинг Меърож кечаси биринчи қават осмонда Одам алайҳиссалом билан саломлашиши

Пайғамбаримиз алайҳиссалом Меърож кечаси Жаброил алайҳиссалом билан дунё самоси устига чиққанларида у ерда ўтирган, чап ва ўнг томонида бир қанча

<sup>1</sup> Ўн саҳифа нозил қилингани ҳам ривоят қилинади. (Табарий. Тарих. 5-жилд, б. 178.)

кўланкалар бўлган; ўнг томонига қараганда кулиб, чап томонига боққанида йиғлайдиган бир зотни учратдилар.

Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримизга айтди: “Унга салом бер!” Пайғамбаримиз салом бердилар. У Пайғамбаримизнинг саломига алик олди ва: “Хуш келибсан, солиҳ Пайғамбар! Солиҳ ўғлим!” – деди. Пайғамбаримиз Жаброил алайҳиссаломдан унинг кимлигини сўрадилар. “Бу аждодинг Одамдир!” – деб жавоб қилди Жаброил алайҳиссалом. “Унинг ўнг ва чап томонидаги кўланкалар унинг наслидан бўлган зурриётларидир. Ўнг томонига қараганда кулади, чап томонига қараганда эса йиғлайди”.

### **Одам алайҳиссаломга қиёматгача туғиладиган зурриётларининг билдирилиши ва улардан ҳамда пайғамбарлардан аҳднинг олиниши**

Одам алайҳиссалом яратилган ёки самода бўлган ёки жаннатдан ер юзига туширилган ёки Маккада Арофат орқасида жойлашган ҳудуддаги Наъман деган жойда эканлигида Аллоҳ таоло унинг орқасини силаб, ундан Қиёматгача яратиладиган зурриётини чиқарди.

Сўнг улардан баъзиларининг икки кўзи орасида бир нур яратиб, уларни Одам алайҳиссаломга кўрсатди. Одам алайҳиссалом: “Эй, Раббим! Булар ким?” – деб сўради. “Улар сенинг зурриётингдир”, - деб марҳамат қилди Аллоҳ таоло. “Эй Раббим! Улардан икки кўзи орасида нурли бўлганлари кимлар?” – деб сўради Одам алайҳиссалом. Аллоҳ таоло марҳамат қилди: “Улар сенинг зурриётингдан келажак пайғамбарлардир!”

Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломнинг белидан барча зурриётини чиқариб, уларга ақл берди ва уларни имонга амр қилиб, имонсизликдан қайтарди.

Улардан аҳд олди ва бунда уларнинг ўзларини гувоҳ қилиб: “Биз буни билмас эдик” демаслигингиз учун сизга етти қават осмонни гувоҳ қилдим ва аждодингиз Одамни ҳам гувоҳ қилдим. Билингки, Мендан ўзга илоҳ йўқдир. Менга ҳеч бир нарсани шерик қилманг. Мана шу аҳдномани сизга эслатадиган пайғамбарларни ҳамда китобларимни юбораман! Мен сизнинг Раббингиз эмасманми?” – деди. Улар: “Сенинг бизнинг Раббимиз эканингга ва Сендан ўзга илоҳ йўқлигига гувоҳлик берамиз!” – дедилар ва сўзларига иқроор бўлдилар.

Бу ҳодиса Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади:

وَإِذْ أَخَذَ رَبُّكَ مِنْ بَنِي آدَمَ مِنْ ظُهُورِهِمْ ذُرِّيَّتَهُمْ وَأَشْهَدَهُمْ عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ أَلَسْتُ بِرَبِّكُمْ قَالُوا بَلَىٰ شَهِدْنَا أَن تَقُولُوا يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِنَّا كُنَّا عَنْ هَذَا غَافِلِينَ ﴿١٧٢﴾ أَوْ تَقُولُوا إِنَّمَا أَشْرَكَ آبَاؤُنَا مِنْ قَبْلُ وَكُنَّا ذُرِّيَّةً مِنْ بَعْدِهِمْ أَنفَهُكُنَا بِمَا فَعَلَ الْمَبْطُلُونَ ﴿١٧٣﴾

“Раббингиз Одам ўғилларининг беллари (пушти камарлари)дан зурриётлари (руҳлари)ни олиб, уларни ўзларига гувоҳ қилиб туриб: “Мен Раббингиз эмасманми?” (деди). (Улар): “Йўғе! (Раббимизсан!) Гувоҳлик бердик”, - дедилар. Қиёмат куни: “Биз бундан гофил (беҳабар) эдик” ёки “Олдиндан ота-боболаримиз мушрик бўлганлар. Биз улардан кейин келган зурриёт эдик. (Ўша) ноҳақ кишиларнинг феъллари сабабли бизни ҳалок қиласанми?”, - дейишларини (билганимиз учун шундай қилдик).<sup>1</sup>

Аллоҳ таоло, шунингдек, пайғамбарлардан ҳам рисолат ва нубувват аҳдномасини олди. Бу ҳақда Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади:

<sup>1</sup> Аъроф сураси, 172-173-оятлар.

وَإِذْ أَخَذَ اللَّهُ مِيثَاقَ النَّبِيِّينَ لَمَا آتَيْنَاكُمْ مِنْ كِتَابٍ وَحِكْمَةٍ  
 ثُمَّ جَاءَكُمْ رَسُولٌ مُصَدِّقٌ لِمَا مَعَكُمْ لَتُؤْمِنُنَّ بِهِ، وَتَنْصُرُوهُ، قَالَ  
 أَأَقْرَرْتُمْ وَأَخَذْتُمْ عَلَىٰ ذَٰلِكُمْ إِصْرِي قَالُوا أَقْرَرْنَا قَالَ فَاشْهَدُوا وَأَنَا  
 مَعَكُمْ مِنَ الشَّاهِدِينَ ﴿٨١﴾

“Эсланг, Аллоҳ (пайғамбарлардан) шундай аҳд олган эди: “Мен сизларга Китоб ва Ҳикмат берган бўлсам, эндиликда сизлардаги (Китоб)ни тасдиқ этувчи бир пайғамбар (Муҳаммад) келганда, албатта, унга имон келтирасиз ва унга ёрдам берасиз!” (Аллоҳ): “Тан олдингизми ва аҳдномамни шу (шарт) билан қабул қилдингизми?” – деганида, улар: “Тан олдик”, - деб жавоб бердилар. Аллоҳ деди: “Гувоҳ бўлингиз, Мен ҳам сизлар билан бирга гувоҳлардандирман”.<sup>1</sup>

Қози Илёснинг қайд этишича, Аллоҳ таоло бу аҳдномани ваҳий орқали олган. Аллоҳ таоло Ўзи юборган ҳар бир пайғамбарга Муҳаммад алайҳиссалом ва унинг сифатлари ҳақида билдирган ва уни кўрганда имон келтириши тўғрисида аҳднома олган.

Шунингдек, Аллоҳ таоло пайғамбарларидан бу ҳақда ўз қавмларига ва уларнинг ҳам ўзларидан кейин келадиган қавмларга хабар беришлари хусусида ҳам аҳднома олган.<sup>2</sup>

Ҳазрати Али (р.а.) айтади: “Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломдан ва ундан сўнг келадиган ҳар бир пайғамбардан, агар Муҳаммад алайҳиссалом юборилган пайтда ҳаётда бўлишса, унга имон келтириб, динига кўмак беришлари ва бу борада ўз умматларидан аҳд олишлари хусусида аҳднома олган”.

<sup>1</sup> Оли Имрон сураси, 81-оят.

<sup>2</sup> Қози Илёс. Аш-шифо. 1-жилд, б. 35.

## Одам алайҳиссалом ҳаётлигида туғилган ўғил ва невараларининг сони ва вафоти

Одам алайҳиссалом Навз тоғида ўғиллари ва ўғилларининг ўғиллари қирқ мингга етгунча яшади. Ўлим тўшагида ётганида ўғилларига: “Болаларим! Мен жаннат меваларини ейишни соғиндим”, – деди. Ўғиллари уни оталари учун қидиришга кетишди. Фаришталарга дуч келишди. Фаришталарнинг қўлида Одам алайҳиссалом учун кафан, хуш бўй, белқурак ва замбил бор эди. Фаришталар Одам ўғилларидан қаерга ва нима учун кетишаётганини сўрашди. Улар: “Отамиз хаста. Жаннат меваларидан ейишни истаяпти. Уни топиш учун чиқдик”, – дедилар. Фаришталар: “Ортингизга қайтинг, зеро, отангизнинг ажали келди”, – дедилар. Одам ўғиллари фаришталар билан бир ортларига қайтишди. Улар Одам алайҳиссаломнинг хузурига киришганда Момо Ҳавво кўрқди ва Одам алайҳиссаломни қаттиқ ушлаб олди. Одам алайҳиссалом: “Сен Аллоҳ таолонинг фаришталари билан менинг орамдан қоч!” – деди. Шунда фаришталар Одам алайҳиссаломнинг руҳини қабз этдилар. Сўнгра уни ювиб, кафанладилар, хуш бўй сурдилар, қабрини қаздилар.

Фаришталардан бири олдинга чиқди. Иккинчиси унинг орқасидан турди. Одам ўғиллари эса уларнинг ортидан турдилар. Жаноза намозини ўқидилар. Фаришталар қабр ичига тушиб, маййитни жойига қўйдилар.

Устини ғишт билан ёпдилар. Қабр устига тупроқ тортиб: “Эй, Одам ўғиллари! Ўликларингиз хусусида сиз тутадиган йўл мана шудир” – дедилар.

## **Одам алайҳиссалом вафот этган кун, унинг ёши ва қабри**

Одам алайҳиссалом вафот этган кун жума куни эди. Минг йил умр кўрди. Унинг қабри ҳақида турли ривоятлар мавжуд бўлиб, уларнинг баъзилари қуйидагича:

1. Одам алайҳиссаломнинг қабри Ҳиндистоннинг Навза тоғидаги бир ғорда жойлашган.

2. Одам алайҳиссаломнинг қабри Макканинг Абу Қубайс тоғидаги Канза ғорида жойлашган.

3. Одам алайҳиссаломнинг вафотидан бир йил ўтиб, Момо Ҳавво ҳам бу дунёдан кўз юмди ва у ҳам Канза ғорига кўмилди.

4. Сом ибн Нуҳ Одам алайҳиссаломнинг жасадини Маккадаги Хайфа масжидининг ёнига кўмдирган эди.

5. Нуҳ алайҳиссалом Одам алайҳиссалом ва Момо Ҳаввонинг жасадини Абу Қубайс тоғидаги Канза ғоридан олдириб, Тўфондан сўнг яна ўша жойга қайтарган.

6. Нуҳ алайҳиссалом кемасида олиб кетаётган Одам алайҳиссаломнинг жасадини кемадан тушгач, Байт-ул Макдис, яъни Қуддусга олиб бориб кўмган эди.

## **Одам алайҳиссаломнинг шакл ва шамойили**

Одам алайҳиссалом хурмо дарахти сингари узун бўйли, қалин жингалак сочли, қизил юзли, кўзлари катта-катта, қалин болдирли, узун бўйинли, ясси яғринли эди.<sup>1</sup> Соқоли йўқ эди.<sup>2</sup> Сочи иккига бўлинган ҳолда ўрилган эди.<sup>3</sup> Яратилганлар ичида энг гўзали эди.<sup>4</sup> Унинг гўзаллиги Юсуф алайҳиссаломдан бошқа ҳеч кимда тўпланмаган эди.<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Мир Хованд. Равзат-ус сафо таржимаси. б. 111

<sup>2</sup> Ибн Қутайба. Маориф. б. 9.

<sup>3</sup> Байҳақий. Далойил. , 1-жилд, б. 289.

<sup>4</sup> Ибн Қутайба. Маориф. б. 9.

<sup>5</sup> Ибн Саъд. Табақот. 1-жилд, б. 35.

## Муҳим изох

Одам алайҳиссаломнинг “Абул башар” эканлиги Аллоҳ таолонинг бир қанча сура ва оятларида инсонларига “Эй, Одам авлоди!” деб мурожаат қилиши билан; “Эй, одамлар! Сизларни бир жон (Одам)дан яратган ва ундан жуфти (Ҳаввони) яратган ҳамда иккисидан кўп эркак ва аёлларни таратган Раббингиздан кўрқингиз!”; “Эй, Одам авлоди! Шайтон ота-оналарингиз (Одам ва Ҳавво)нинг авратларини ўзларига кўрсатиб (уялтириб) жаннатдан чиқаргани каби сизларни ҳам алдаб кўймасин!” оятлари орқали далилланган.

Ҳадиси шарифларда қиёмат куни махшар халқининг шафоат сўраб Одам алайҳиссаломга: “Эй, Одам! Сен абу-л башарсан!” – деб муржаат қилишлари ҳамда Макканинг фатҳи асносида ўқилган хутбада: “Бутун инсонлар Одамдандир! Одам эса тупроқдандир, тупроқдан яратилгандир!” – деб қайд этилган.

Ҳадиси шарифларнинг бирида Одам алайҳиссаломнинг ўзига хос суратда яратилгани айтилса, Қуръони каримда инсонларнинг Аллоҳга ибодат қилишлари учун яратилгани марҳамат қилинади.<sup>1</sup>

Аллоҳ таоло:

وَإِذْ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلٰٓئِكَةِ إِنِّي جَاعِلٌ فِي الْأَرْضِ خَلِيفَةً قَالُوا أَتَجْعَلُ فِيهَا مَن يُفْسِدُ فِيهَا وَيَسْفِكُ الدِّمَآءَ وَنَحْنُ نُسَبِّحُ بِحَمْدِكَ وَنُقَدِّسُ لَكَ قَالَ إِنِّي أَعْلَمُ مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٣٠﴾

“Мен Ерда халифа (Одам) яратмоқчиман”, - дега-нида, фаришталар: “Унда (Ерда) бузғунчилик қиладиган, (ноҳақ равишда) қон тўкадиган кимсани яратмоқчимисан? Ҳолбуки, биз Сенга ҳамдинг билан

<sup>1</sup> Зориёт сураси, 56-оят.

тасбеҳлар айтамиз ва Сени муқаддас деб биламиз”, - дейишди. Шунда Аллоҳ айтди: “Албатта, Мен сизлар билмаган нарсаларни билурман”.<sup>1</sup>

Аллоҳ таоло Одамга барча яратилган ва яратилажак нарсаларга тегишли номларни ўргатди. Сўнгра уларни фаришталарга бирма-бир кўрсатиб деди: “Агар ростгўй бўлсангиз, ана у нарсаларни номлари билан Менга айтиб берингиз!” Улар дедилар: “Зоти покинг ҳаққи, бизда Ўзинг билдирганингдан ўзга илм йўқдир. Албатта, сен илмли ва ҳикматли зотдирсан”. Аллоҳ айтди: “Эй, Одам, уларга мазкур нарсаларнинг номлари билан айтиб бер”. (Одам) уларга номларини айтиб берди.

Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни яратишдан олдин уни бир башар, инсон қилиб яратишини айтиб, “Мен асли қора балчиқдан олиб қуритилган лойдан инсон яратувчиман. Бас, уни тиклаб, ичига Ўз даргоҳимдаги руҳимдан киритганимда, сизлар унга сажда қилган ҳолингизда йиқилингиз!” – деганида барча фаришталар жам бўлиб Одам алайҳиссаломга сажда қилган эдилар.

Аллоҳ таоло инсонни хушбичим ва хушсурат шаклда яратган.<sup>2</sup>

وَاللَّهُ خَلَقَ كُلَّ دَابَّةٍ مِنْ مَاءٍ فَمِنْهُمْ مَنْ يَمْشِي عَلَى بَطْنَيْهِ وَمِنْهُمْ مَنْ يَمْشِي عَلَى رِجْلَيْنِ وَمِنْهُمْ مَنْ يَمْشِي عَلَى أَرْبَعٍ يَخْلُقُ اللَّهُ مَا يَشَاءُ إِنَّ اللَّهَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

Аллоҳ барча жониворларни сувдан яратди. Улардан қорни билан (судралиб) юрадиганлари ҳам, икки оёқда юрадиганлари ҳам, тўрт оёқда юрадиганлари ҳам бордир. Аллоҳ Ўзи хоҳлаган нарсани яратур. Албатта, Аллоҳ барча нарсага қодирдир!<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Бақара сураси, 30-оят.

<sup>2</sup> Тин сураси.

<sup>3</sup> Нур сураси, 45-оят.

Бу ҳолат дастлабки башар бўлган Одам алайҳиссалом билан бирга унинг барча зурриётлари учун ҳам хос. Бинобарин, Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломнинг барча зурриёдини улар ҳали туғилмасидан Одам алайҳиссаломнинг белидан чиқариб: “Мен сизнинг Раббингиз эмасманми?” – деб сўрагани, уларнинг ҳам: “Ҳа! Сен бизнинг Раббимизсан!” - деб иқрор бўлганлари Куръони каримда қайд этилган эди.

Куръони каримнинг Марям сурасида инсонлар орасидан Закариё, Яхё, Исо, Иброҳим, Исҳоқ, Яъқуб, Мусо, Исмоил ва Идрис алайҳиссаломларнинг номлари зикр этилгач, **“Айнан ўшалар Одам зурриётидан (Идрис каби), Биз Нуҳ билан бирга (кемада) кўтариб (тўфон балосидан нажот берган) кишилардан (яъни уларнинг фарзандларидан), Иброҳим зурриётидан, Исмоил ва Биз ҳидоят қилган ва танлаб олган кишилардан бўлмиш Аллоҳ инъом этган пайғамбарлардир”**<sup>1</sup>, - деб марҳамат қилинади.

Демак, илм дунёсидаги баъзи олимлар илгари сурган “Инсон маймундан тарқаган”, “Маймун ривожланиб инсонга айланган” сингари асоссиз ва бўш фикрлар ўз-ўзидан кучини йўқотади. Зеро, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани сурати билан яратган ва бугунги кунгача бирор ҳайвоннинг ўзгариб бошқа бир ҳайвонга айлангани ёхуд бирор ўсимликнинг бошқа бир ўсимликка айлангани кўрилмаган. Шубҳасиз, коинотда ривожланиш, шаклланиш мавжуд. Бироқ коинотда ҳар бир уруғ ва ҳар бир нарса фақатгина ўз жинси хусусиятларига эга бўлади.

<sup>1</sup> Марям сураси, 58-оят.

## **ШИС АЛАЙҲИССАЛОМ**

### **Шис алайҳиссаломнинг насли**

Шис алайҳиссаломнинг отаси Одам алайҳиссалом, онаси эса Момо Ҳавводир.

### **Шис алайҳиссаломнинг туғилиши**

Одам алайҳиссаломнинг ўғли Қобил укаси Ҳобилни ўлдиргандан беш йил ўтиб, Шис (Ҳийбатуллоҳ) алайҳиссалом туғилди.<sup>1</sup> Жаброил алайҳиссалом Момо Ҳаввога: “Аллоҳ буни (Шисни) сенга Ҳобилнинг ўрнига берди!” – деди. Ҳийбатуллоҳ арабчада Шес, сурёний тилида шас, иброний тилида эса шисдир.

Шис алайҳиссалом туғилгач, Одам алайҳиссалом айтди: “Бу Ҳийбатуллоҳ (Аллоҳнинг ҳадяси)дир”.

### **Пешоналардан пешоналарга ўтган пайғамбарлик нури**

Момо Ҳавво Шисга ҳомиладор бўлганида пешонасида пайдо бўлган нур, Шис туғилгач унинг пешонасига ўтган эди. Одам алайҳиссалом бундан ўзидан кейин ўринбосар бўлишини англаган эди.

Шис алайҳиссаломнинг пешонасида порлаган пайғамбарлик нури хотинига, ундан ўғли Анушга, ундан Анушнинг ўғли Кайнанинг пешонасига ўтиб, ниҳоят, Абдулмутталибдан Абдуллоҳга, ундан эса Муҳаммад алайҳиссаломга ўтиб келган.

### **Шис алайҳиссаломнинг баъзи фазилатлари ва пайғамбарлиги**

Шис алайҳиссалом Одам алайҳиссаломнинг ўғилларининг энг улуғи, энг афзали, Одам алайҳиссаломнинг

---

<sup>1</sup> Эгизак бўлиб эмас, ёлғиз ўзи туғилди.

энг кўп яхши кўргани ва Одам алайҳиссаломга энг кўп ўхшайдиганидир.

Одам алайҳиссалом вафотидан ўн бир кун олдин Шис алайҳиссаломга: “Эй, ўғлим! Сен мендан кейинги ўринбосарсан”, - деб вазифасини тақво асосида юритишини тавсия этди. Уни васиятнома билан ўрнига вакил қилиб қолдирди. Қобил ҳамда Қобил ўғилларидан узоқ бўлишни амр қилди. Унга кеча ва кундуз соатларини, ҳар бир махлуқнинг Аллоҳга қачон ва қандай ибодат қилишини ўргатди. Рўй берадиган тўфон ҳақида ҳам айтди.

Одам алайҳиссалом Қобил ўғилларининг зино ва ичкиликка берилганини кўриб, Шис ўғилларига улар билан турмуш боғларини боғламасликларини тавсия этди.

Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломга йигирма бир<sup>1</sup>, Шис алайҳиссаломга эса йигирма тўққиз саҳифа тушириб, Шис алайҳиссаломга мана шу саҳифаларга кўра амал қилишини амр қилди.

Қуръони каримнинг Аъло сураси, 18-оятда тилга олинган саҳифалар Ҳийбатуллоҳ Шис ибн Одам алайҳиссалом ҳамда Идрис алайҳиссаломга нозил бўлган саҳифалардир.

Пайғамбарлик, дин, ибодат ва Аллоҳ таолонинг ҳақ ва шариатига кўра ҳаракат қилиш Шис алайҳиссалом ва унинг ўғилларида давом этди.

Шис алайҳиссаломнинг юрти тоғ бошида, Қобил ўғилларининг юрти эса водийнинг қуйисида эди.

Шис алайҳиссалом Аллоҳни муқаддас билиб, Уни пок тутишдан бир дақиқа ҳам чалғимас, ўз қавмига Аллоҳнинг буйруқларини бажармасликдан ўзларини тийишларини, Аллоҳни ҳар қандай айб-у нуқсонлардан пок тутишларини ва доимо хайрли амалларни бажаришларини амр этарди.

<sup>1</sup> Ўн саҳифа нозил қилингани ҳақида ҳам ривоят мавжуд.

Шу сабабли Шис ўғиллари ва аёллари орасида душманлик, кин, адоват, беҳуда сўз ва айбловлар ҳамда қасамлар бўлмасди.

Одам алайҳиссаломдан сўнг унинг ўғилларидан Каъбани тош ва лой билан илк бор тузатган ҳам Шис алайҳиссалом эди. Шис алайҳиссалом вафотига қадар Маккада ҳаж ва умра қилишдан тўхтамади.

### **Шис алайҳиссаломнинг вафоти**

Шис алайҳиссалом вафотидан олдин ўрнига ўғли Аллоҳнинг буйруқларига бўйин сунганини ва қавмига Аллоҳга гўзал ибодат қилишини васият қилди. Ўғилларига баракот дуосини ўқиди. Уларнинг тоғдан тушмасликларини ва фарзандларига ҳам у ердан тушишга йўл қўймасликларини ва лаънатланган Қобилнинг болалари билан борди-келди қилмасликларини айтиб, Ҳобилнинг қони билан қасам ичирди. Сўнг эса вафот этди.

Унга ва барча пайғамбарларга саломлар бўлсин!

Шис алайҳиссалом вафот этганида тўққиз юз ўн икки ёшда эди. Идрис алайҳиссалом бу пайтда йигирма ёшда эди.

Шис алайҳиссаломнинг жанозасини унинг ўғиллари, ўғилларининг ўғиллари ва қизларининг ўғиллари келиб ўқидилар.

\* \* \*

Одам алайҳиссалом ўғилларидан Шис алайҳиссаломдан бошқасининг насли давом этмасдан кесилди ва шу тариқа Шис алайҳиссаломнинг “абу-л башар” саналган Одам алайҳиссалом билан бирга барча инсонларнинг насаби бориб тақаладиган “насл боғи” вужудга келди. Идрис алайҳиссаломгача бўлган Шис ўғиллари орасида пайғамбарлик вужудга келмади. Ривоятга кўра, Шис алайҳиссалом ҳам Макка тоғла-

ридаги Абу Кубайс ғорида жойлашган ота-онасининг ёнига дафн этилди.

## **Шис алайҳиссалом билан Идрис алайҳиссалом орасидаги насл боғи**

Шис алайҳиссаломдан сўнг Ануш отаси ва бобосининг васиятига амал қилди. Аллоҳга сидқи дилдан ибодат қилди. Ўз қавмига ҳам ана шундай ибодат қилишларини амр этди. Ер юзига биринчи бўлиб хурмо дарахти эккан Ануш эди. Биринчи марта садақа берган ва садақа беришга чақирган ҳам у эди.

Ануш ўлим соати яқинлашганда барча ўғиллари учун баракот дуосини ўқиди. Уларнинг ўзлари жойлашган тоғдан пастга инмасликларини ҳамда лаънатланган Қобил авлодларига яқинлашмасликларини буюрди. Ўғли Кайнанни ўрнига қолдирди. Улар ёнида намоз ўқишларини ва доим Аллоҳни муқаддас билишларини буюриб, вафот этди. Вафот этган пайтда тўққиз юз олтмиш беш ёшда эди.

Анушнинг пешонасида пайғамбарлик нури порлади. Ҳобилнинг қотили Қобил ҳам унинг даврида ўлдирилди.

Вақт ўтиб, Шис ўғиллари ҳам ўз аҳдларига содиқ бўлмадилар ва уни буздилар. Улар орасидан юз эркак ўзлари яшайдиган муқаддас тоғдан тушиб, амакиваччаларининг нима билан машғул эканликларини кўрмоқчи бўлдилар. Йард бундан хабар топиб, уларни бу йўлдан қайтаришга уринди, уларга насиҳат қилди, аммо фойдаси бўлмади. Улар Йарднинг сўзларини тингламадилар. Шунда Йарднинг ўғли Уҳнуҳ (Идрис) ўрнидан туриб: “Шуни яхши билингларики, орангиздан ким отамизнинг сўзларига қулоқ солмай, тоғдан пастга тушадиган бўлса, уларни қайтиб тоғга чиқишларига йўл қўймаймиз”, - деди. Улар барибир Қобил ўғилларининг ёнига тушишди.

Йард вафоти яқинлашганида ўғиллари учун дуо қилди. Уларни ўзлари жойлашган муқаддас тоғдан тушишдан қайтарди. Сўнгра: “Сизлар барибир эртами-кечми ерга тушувчидирсизлар. Орангиздан ким энг охирида тоғдан тушса, у отамиз Одамнинг тобутини олиб пастга тушсин ва уни ернинг ўртасига дафн этсин”, - деди.

Ўғли Уҳнуҳни ўрнига қолдириб, Канза ғорида намоз қилишдан айрилмаслигини буюрди. У вафот этганида тўққиз юз олтмиш икки ёшда эди. Йард вафот этгач, унинг ўғиллари, ўғилларининг ўғиллари Уҳнуҳ, Матту Салоҳ, Ламак ва Нуҳлар тўпланиб, жаноза намозини ўқидилар.

### **Одам ўғиллари орасида бутпарастлик қачон ва қандай бошланди?**

Ривоятга кўра, Қобил укаси Ҳобилни ўлдиргач, отаси Одам алайҳиссаломдан кўрқиб Яманга қочди. Шайтон унга: “Ҳобилнинг қурбонлиги қабул қилиниб, олов ёқилганининг сабаби Ҳобилнинг оловга ибодат қилишида эди. Сен ҳам шундай қилгин!” – деди. Шунда Қобил бир оташхона қурдириб, унга топина бошлади.

Бут дарахт, олтин ёки кумушдан ясалса, уни “санам”, тошдан ясалса, “васан” дейишарди.

Шис ўғиллари аввалига келиб Одам алайҳиссаломнинг Навза ва Бавза тоғидаги ғорида жойлашган қабрини зиёрат қилишар, у учун Аллоҳдан раҳмат тилашарди. Қобил ўғилларидан бир киши: “Эй, Қобил ўғиллари! Шис ўғиллари Одамнинг қабри атрофида туриб, унга таъзим бажо келтиришмоқда. Сиз эса бундай нарсага эга эмассиз!” – деди ва улар учун бир санам ясади. Тарихда санам ясаган биринчи киши ана шу бўлди.

Қуръони каримда “Вадд, Сувоъ, Яғус, Яъуқ, Наср”<sup>1</sup> шаклида қайд этилган санамлар ривоятларга кўра Одам

<sup>1</sup> Нуҳ сураси, 23-оят.

алайхиссаломнинг ўғиллари ёки ўғилларининг ўғиллари эди.<sup>1</sup> Улар яхши амалли кишилар бўлиб, халқ уларга эргашарди. Сувоънинг Шис алайхиссаломнинг ўғли экани, Яғус, Яъуқ ва Насрларнинг эса Сувоънинг ўғиллари эканлиги айтилади.

Улар вафот этишганида одамлар: “Бизга уларнинг суратларини ясовчи киши бўлганда эди, улар бизни ибодатга чақириб турган бўлар эди”, - дейишди. Уларнинг яқинлари булар учун кўп кўз ёш тўкди. Қобил ўғилларидан бири: “Эй, қавмим! Мен ўлимга чора топа олмайман, аммо сизга уларнинг суратларига ўхшатиб, бешта санам ясаб берсам бўлмайдимми?” – деди. Улар рози бўлишди ва Қобил ўғилларининг бут ясовчиси улар учун бешта санам ясади.

Шундан сўнг бу санам эгалари келиб, улар атрофида айланиб, санамларга таъзим бажо келтирадиган бўлишди. Баъзи кишилар исломни тарк этди.

Иккинчи аср келганда уларга янаям кўпроқ топинадиган бўлишди.

Учинчи аср келганда эса “Биздан аввалгилар бу санамларнинг Аллоҳ наздида бизни шафоат этишларини умид қилганликлари боис уларга топинишган” деб куфрларини орттирдилар. Шундан сўнг Аллоҳ таоло Идрис алайхиссаломни уларга пайғамбар этиб юборди. Бироқ улар Идрис алайхиссаломни “ёлғончи” деб атадилар. Аллоҳ таоло эса унинг мақомини юксалтирди.

Бутпарастлик Нух алайхиссалом даврига қадар кучайишда давом этди. Аллоҳ таоло Нух алайхиссаломни пайғамбар қилиб юборди. Нух алайхиссалом узоқ вақт уларни Аллоҳга ибодат қилишга чақирди, бироқ улар Нух алайхиссаломни ҳам ёлғончига чиқардилар. Нух алайхиссалом уларга бас келолмагач, ўзи ва атрофидаги мўминларни улардан қутқариши учун Аллоҳга дуо қилди. Аллоҳ таоло уларни сувга ғарқ

<sup>1</sup> Табарий. Тафсир. 23-жилд, б. 99.

қилди. Тўфон сувлари Навза ва Бавза тоғидан бешта санамни пастга улоқтирди. Улар сувда оқиб, ниҳоят, Жидда ҳудудига келиб қолди. Сўнг сувлар чекинди. Эсанг шамоллар санамлар устига тупроқларни йиғиб ташлади.

## **ИДРИС АЛАЙҲИССАЛОМ**

### **Идрис алайҳиссаломнинг насаби**

Идрис (Аҳнух ёки Уҳнух ёки Ҳануф) ибн Йард (ёки Йарид) ибн Маҳлойил ибн Кайнон (ёки Кайнан) ибн Ануш ибн Шис ибн Одам алайҳиссалом.

### **Идрис алайҳиссаломнинг “Идрис” деб аталишининг сабаби**

Идрис алайҳиссаломга Аллоҳ таолонинг китоблари, ислом динининг суннатлари, Одам ва Шис алайҳиссаломнинг саҳифаларини кўп бора мутоала қилгани учун “Идрис” исми берилгани ривоят қилинади.

### **Идрис алайҳиссаломнинг шакл ва шамойили**

Идрис алайҳиссалом оқ танли, узун бўйли, кенг кўкракли, қаттиқ соқолли, йирик суякли, чиройли юзли эди.

Қисқа одим ташлаб юрарди. Танаси кам тукли, қалин сочли эди. Танасида туғма оқ нуқта бор эди. Овози мулойим эди.

### **Идрис алайҳиссаломнинг баъзи жиҳатлари**

Идрис алайҳиссалом Одам алайҳиссаломдан сўнг қалам воситасида илк марта ёзув ёзган, илк маротаба юлдузлар ва ҳисоб илмини кўздан кечирган зот эди. Ўтган даврдаги барча илмларни эгаллаган эди.

Барча илмлар унга ўргатилган, Шис алайҳиссаломдан сўнг ҳеч кимга берилмаган яширин илмларнинг Мусҳафи унга топширилган эди.

У тикувчи эди. Биринчи бўлиб қўлига игна-ип олган ва биринчи бўлиб кийим тикиб кийган киши у эди. Ундан аввалгилар ҳайвонларнинг терисини кийишарди.

Шис ўғиллари ўзлари жойлашган муқаддас тоғдан тушиб Қобил ўғилларига қўшилмоқчи бўлганларида: “Кимда-ким отамизнинг сўзларига қулоқ солмай тоғдан тушадиган бўлса, уларнинг қайтиб чиқишига йўл қўймаймиз”, - деган эди.

Идрис алайҳиссалом кўп ибодат қиларди.

### **Идрис алайҳиссаломнинг пайғамбарлиги ва бу йўлдаги сайъ-ҳаракати**

Одам ва Шис алайҳиссаломлардан сўнг Идрис алайҳиссаломга пайғамбарлик берилди. Унга ўттиз саҳифа нозил қилинди.

Идрис алайҳиссалом қавмини бутларга сиғинишдан қайтариб, Аллоҳга ибодат қилишга чақирди. Бироқ улар Идрис алайҳиссаломни ёлғончига чиқардилар.

Идрис алайҳиссалом Шис ўғилларидан иборат қавмини чақириб, уларга насиҳат қилган, Аллоҳ таолонинг амрига бўйин суниб, шайтонга исён қилишга ва Қобил ўғилларидан узоқ бўлишга чақирган бўлса-да, улар қулоқ солишмаган, Қобил ўғилларининг олдига тўда-тўда бўлиб тушишда давом этишган эди. Идрис алайҳиссаломнинг сўзларига минг кишигина қулоқ тутиб, унга эргашди.

Идрис алайҳиссалом биринчи бўлиб Қобил ўғиллари билан жанг қилган, улардан асирлар олиб, озод қилган.

Идрис алайҳиссалом руҳи кўкка кўтарилишидан аввал ўғли Матту Шалоҳни ўзига халифа ва аҳли оиласига бош этиб тайинлади. Аллоҳ Таоло Қобил ўғилларини, улар

билан бирга бўлганларни ва уларга мойиллик билдирганларни азобга дучор қилишини айтди ва қавмини бундай оқибатдан огоҳ этди. Уларга ибодатларида ихлосли бўлишни тавсия қилди. Шундан сўнг Аллоҳ таоло Идрис алайҳиссаломни жуда “юксак мақомга кўтарди”<sup>1</sup>.

### **Идрис алайҳиссаломга жаҳаннам ва жаннатнинг кўрсатилиши**

Умму Саламанинг билдиришича, Идрис алайҳиссалом ўлим фариштасининг дўсти эди. Ундан жаннат ва жаҳаннамни кўрсатишини илтимос қилди. Фаришта уни юксакка олиб чиқди. Идрис алайҳиссалом жаҳаннамни кўриб, ундан қўрқди, қўрқувдан ўзини йўқотаёзди. Ўлим фариштаси қаноти билан тўсиб: “Уни кўрдингми?” – деб сўради. Идрис алайҳиссалом айтди: “Ҳа! Бу кунгача уни кўрмаган эдим”.

Ўлим фариштаси Идрис алайҳиссаломни жаннатга олиб борди. Ундан: “Уни кўрдингми?” – деб сўради. Идрис алайҳиссалом: “Ҳа! Қасамки, бу ер жаннатдир!” – деди. Ўлим фариштаси айтди: “Энди кўрганингга бор!” Идрис алайҳиссалом ҳайрон бўлиб қаерга боришини сўради. “Қаерда бўлишни истасанг, ўша ерга бор” – деди ўлим фариштаси. “Йўк!”, - деди Идрис алайҳиссалом, - Қасамки, мен у ерга кирсам, чиқмасман!”

Ўлим фариштасига: “Сен уни у ерга қўйма! У ерга киргач, ҳеч ким учун у ердан чиқиш йўқдир!”, - дейилди.

### **Пайғамбаримиз муҳаммад алайҳиссаломнинг Меърож кечаси Идрис алайҳиссалом билан саломлашиши**

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Меърож кечаси Жаброил алайҳиссалом билан тўртинчи қават осмонга кўтарилганда, у ерда Идрис алайҳиссалом билан

<sup>1</sup> Марям сураси, 57-оят.

юзлашди. Жаброил алайҳиссаломдан унинг кимлигини сўради. Жаброил алайҳиссалом: “Бу Идрисдир! Унга салом бер!” – деди. Пайғамбаримиз салом берди. У Пайғамбаримизнинг саломига алик олди ва: “Хуш келибсан, солиҳ биродар, солиҳ пайғамбар!” – деди ва дуо қилди.

### **Идрис алайҳиссалом ва Нух алайҳиссалом орасидаги насл занжири**

Идрис алайҳиссаломдан сўнг унинг ўғли Матту Шалоҳ Аллоҳга ибодат қилишда давом этди.

Отга миниб жанг қилишда, Аллоҳга ибодат қилишда, кундалик амалларида аждодларининг йўлидан борган муборак зот эди. Пешонасида пайғамбарлик нури порлаб турарди.

Матту Шалоҳ вафотидан олдин ўғли Ламакни ўрнига қолдирди ва аждодларининг унга тавсия ва амрларини ўғлига айтиб, тўққиз юз ўн етти ёшида вафот этди.

\*\*\*

Ламак ҳам Аллоҳга ибодат қилишда давом этди. Қавмига Қобил ўғилларидан узоқ бўлишни тайинлади. Бироқ қавми Ламакнинг сўзини тингламади. Барчаси ўтирган манзилларидан Қобил ўғиллари жойлашган ерга тушдилар.

Шис ўғиллари Қобил ўғилларининг қизларига уйланишида Жобир исмли зўравонлар туғилиб, кўпайди.

Ламак ўлим тўшагида ётганида ўғли Нух алайҳиссалом билан неваралари Сом, Хом ва Ёфасни ҳамда уларнинг аёлларини чақирди. Тоғда Шис ўғилларидан саккиз жондан бўлак кимса қолмаган, барчаси Қобил ўғиллари олдига тушиб кетишган эди.

Ламак ҳузурига келганлар учун дуо қилди ва йиғлади: “Биздан мана шу саккиз кишидан бошқа кимса қолмадими? Одам ва Хаввони яратган, сўнг бу иккисидан фар-

зандларини кўпайтирган Аллоҳдан сўрайманки, сизни бу ёмон аёл хасталигидан Ўзи асрасин! Сизга отамиз Одам алайҳиссаломнинг баракасини берсин. Ўғилларингизга ҳукмдорлик насиб қилсин. Эй, Нуҳ! Кўриб турганингдек, бу ерда биздан ўзга киши қолмаган. Бундан асло кўркма ва ҳеч қачон бу гуноҳкор қавмнинг ортидан кетма. Ўлганимда мени Қанза ғорига дафн эт. Аллоҳ таоло кемага чиқишингни ирода қилганида отамиз Одамнинг жасадини ҳам кемангга юкла ва кемадан тушганингда уни тушир. Уни кема устки каватининг ўртасига қўй. Сен ва ўғилларинг кеманинг шарқий томонида бўлишсин. Хотининг ва ўғилларинг кеманинг ғарбий томонида бўлишсин. Аммо Одамнинг жасади орангизда бўлиши лозим. На сиз хотинларингизга яқинлашасиз ва на хотинларингиз сизга. Кемадан чиққунга қалар улар билан бирга ўтирмайсиз, бирга емайсиз, ичмайсиз. Тўфон тиниб, кемадан тушганингизда Одамнинг жасади олдида намоз ўқи. Сўнг қатта ўғлинг Сомга васият қилки, Одамнинг жасадини ер юзининг ўртасига олиб бориб кўмсин. Ўғилларингдан бирини унга қараб, кўз-қулок бўлиб туришини буюр. Унга айтки, хаётини Аллоҳ учун бағишласин. Турмуш қурмасин, уй қурмасин. Қон тўкмасин, на юрувчилардан ва на учувчилардан бўлсин. Шубҳасиз, Аллоҳ таоло фаришталардан бирини йўллаб, унга ернинг ўртасини, устунини кўрсатади”, - деди.

Ламак вафот этгач, Нуҳ ва ўғиллари унга жаноза ўқидилар. У вафот этганида етти юз етмиш етти ёшда эди.

## НУҲ АЛАЙҲИССАЛОМ

### Нуҳ алайҳиссаломнинг насаби

Нуҳ ибн Ламак (ёки Ламк) ибн Матту Шалоҳ ибн Аҳнуҳ (ёки Уннуҳ, яъни Идрис) ибн Йард (Йарид) ибн Махлойил ибн Кайн (ёки Кайнан) ибн Ануш ибн Шис ибн Одам алайҳиссалом.

## Нух алайҳиссаломнинг шакл ва шамойили

Нух алайҳиссалом узун бўйли, буғдойранг, нозик танли, узун бошли, катта кўзли, узун ва қалин соқолли, гавдали киши эди.

## Нух алайҳиссаломнинг қавмига пайғамбар этиб юборилиши

Нух алайҳиссаломнинг маскани Ироқда эди. Вадд, Сувоъ, Яғус, Яъук, Наср сингари санамларга топинувчи қавмига уларнинг бошига тушиши мумкин бўлган азобдан қўрқитиш ва уларни ҳидоятга бошлаш учун пайғамбар сифатида юборилди.

فَقَالَ يَنْقَوْمِ أَعْبُدُوا اللَّهَ مَا لَكُمْ مِنْ إِلَهٍ غَيْرُهُ إِنِّي أَخَافُ عَلَيْكُمْ عَذَابَ يَوْمٍ عَظِيمٍ ﴿٥٩﴾ قَالَ الْمَلَأُ مِنْ قَوْمِهِ إِنَّا لَنَرُّكَ فِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ ﴿٦٠﴾ قَالَ يَنْقَوْمِ لَيْسَ بِي ضَلَالَةٌ وَلَكِنِّي رَسُولٌ مِنْ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿٦١﴾ أُبَلِّغُكُمْ رِسَالَاتِ رَبِّي وَأَنْصَحُ لَكُمْ وَأَعْلَمُ مِنَ اللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٦٢﴾ أَوْعِظْتُمْ أَنْ جَاءَكُمْ ذِكْرٌ مِنْ رَبِّكُمْ عَلَى رَجُلٍ مِنْكُمْ لِيُنذِرَكُمْ وَلِتَتَّقُوا وَلَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ ﴿٦٣﴾

Уларга деди: “Эй қавмим! Аллоҳга сиғинингиз! Сизларга Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Мен сизларга буюк Кун (қиёмат) азоби (берилиши)дан қўрқаман”. Қавмининг зодагонлари: “Биз сенинг янглишаётганингни аниқ кўриб турибмиз”, - дедилар. (Нух) деди: “Эй, қавмим! Мен асло янглишганим йўқ. Лекин, мен Оламлар Рабби (томони)дан элчи (пайғамбар)дирман”. Сизларга Раббимнинг топшириқларини етказурман ва сизларга насихат қилурман ҳамда

**Аллоҳдан (келган ваҳий орқали) сизлар билмайдиган нарсаларни билурман. Сизларни огоҳлантириш, тақволи бўлишингиз ва раҳм қилишингиз учун сизларга Раббингиздан (келмиш) эслатма ўзларингиздан (бўлмиш) бир киши зиммасида келганидан ажабланингизми?!<sup>1</sup>**

“Биз сени ўзимиздан бошқа инсон сифатида кўрмаяпмиз. Оддий ва зоҳирий тафаккурга эга энг паст табақанинг ҳам сенга тобе бўлганини кўрмадик. Сизларнинг биздан устунлигингизни ҳам кўрмаяпмиз. Аксинча, сизларни ёлғончи деб биламиз!” – дейишди. Нуҳ алайҳиссалом айтди: “Агар мен Аллоҳдан келган очиқ янглиш узра бўлсам, У менга ўз даргоҳидан раҳматини берган бўлса ва буларни сизларнинг кўзингиздан яширган бўлса, айтинг, эй қавмим, сизларни истамаган ҳолингизда бунга мажбур қиламанми? Эй, қавмим! Бу даъватим учун сиздан бирор мукофот талаб қилганим йўқ. Менинг мукофотим Аллоҳдан ўзгасига тегишли эмас. Мен имон келтирганларни мукофотловчи ҳам эмасман. Чунки улар, албатта, Раббиларига қовушувчидирлар. Мен сизларни фақатгина жоҳил қавм сифатида кўрмоқдаман.

Эй, қавмим! Мен мўминларни қувсам Аллоҳ (ғазаби) дан мени ким қутқара олади? Менга ким ёрдам беради, ҳеч ўйлаб кўрмайсизми? Мен сизларга Аллоҳнинг барча бойлиги қўлимда, демаяпман. Мен ғайбни ҳам билувчи эмасман. Мен ўзимни фаришта ҳисоблаганим йўқ. Шу билан бирга сиз паст назар билан қараган ўша кимсалар ҳақида Аллоҳ уларга хайр қилмас, ҳам дея олмайман. Уларнинг ҳисоб-китоби фақат Аллоҳга оиддир! Акс ҳолда мен золимлардан бўлиб қолардим”.

“Эй, Нуҳ! Тўғриси, сен бизнинг бошимизни ортиқча оғритдинг. Агар сен ростгўйлардан бўлсанг, бизни кўрқитган нарсаларингни келтир-чи!” – дедилар. Нуҳ айтди: “Уларни (агар истаса), Аллоҳ келтирар! Сиз Ал-

<sup>1</sup> Аъроф сураси, 59-63-оятлар.

лоҳни бундан тўсувчи эмасдирсизлар. Агар Аллоҳ сизни ҳалок қилишни тилаган бўлса, мен сизнинг яхшилигингизни сўраган бўлсам ҳам, бу хайрхоҳлигим сизга фойда бермас. У сизнинг Раббингиздир ва охир-оқибат Унга қайтувчидирсиз. Мен фақат сизларни Аллоҳнинг азобидан огоҳлантирувчидирман”.

قَالُوا لَئِن لَّمْ تَنْتَهَ يَنْوُحِ لَتَكُونَنَّ مِنَ الْمَرْجُومِينَ ﴿١١٦﴾

Улар дедилар: “Қасамки, агар (даъватингдан) тўхтамасанг, эй, Нух, албатта, тошбўрон қилинувчилардан бўлурсан!”<sup>1</sup>

وَاتْلُ عَلَيْهِمْ نَبَأَ نُوحٍ إِذْ قَالَ لِقَوْمِهِ يٰقَوْمِ إِن كَانَ كَبُرَ عَلَيْكُمْ مَقَامِي وَتَذِكْرِي بِآيَاتِ اللَّهِ فَعَلَى اللَّهِ تَوَكَّلْتُ فَأَجْمِعُوا أَمْرَكُمْ وَشُرَكَاءَكُمْ ثُمَّ لَا يَكُنْ أَمْرُكُمْ عَلَيْكُمْ غُمَّةً ثُمَّ اقْضُوا إِلَيَّ وَلَا تُنظِرُونِ ﴿٧١﴾ فَإِن تَوَلَّيْتُمْ فَمَا سَأَلْتُكُمْ مِنْ أَجْرٍ إِن أَجْرِي إِلَّا عَلَى اللَّهِ وَأُمِرْتُ أَنْ أَكُونَ مِنَ الْمُسْلِمِينَ ﴿٧٢﴾

Нух қавмига айтди: “Эй, қавмим! Агар сизларга (менинг орангизда) туришим ва Аллоҳнинг оятларини (сизларга) эслатишим оғирлик қилган бўлса, бас, Аллоҳга таваккул қилдим. Шерик (бут ва санам) ларингиз билан бир бўлиб ишларингизни қилаверингиз! Кейин ишларингиз сизларга ғам-ташвиш бўлмасин, тагин! Сўнгра ҳукмингизни менга ижро этаверингиз, мени кутиб ўтирмангиз! Бас, агар юз ўгирсангиз, сизлардан (мени хизматим учун) ҳақ сўраганим йўқ. Менинг (тегишли) ҳаққим (савобим) Аллоҳнинг зиммасидадир. (Мен Аллоҳга) таслим этувчилардан бўлишга буюрилганман”.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Шуаро сураси, 116-оят.

<sup>2</sup> Юнус сураси, 71-72-оятлар.

Уни ёлғончига чиқардилар.<sup>1</sup>

فَقَالَ الْمَلَأُوا الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ قَوْمِهِ مَا هَذَا إِلَّا بَشَرٌ مِثْلُكُمْ يُرِيدُ أَنْ يَفْضَلَ  
 عَلَيْكُمْ وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ لَأَنْزَلَ مَلَائِكَةً مَا سَمِعْنَا بِهَذَا فِي آبَائِنَا  
 الْأُولِينَ ﴿٢٤﴾ إِنَّ هُوَ إِلَّا رَجُلٌ بِهِ جِنَّةٌ فَبَرَيْصُوا بِهِ حَتَّىٰ حِينٍ ﴿٢٥﴾  
 قَالَ رَبِّ انصُرْنِي بِمَا كَذَبُونَ ﴿٢٦﴾ فَأَوْحَيْنَا إِلَيْهِ أَنْ اصْنَعْ الْفُلْكَ  
 بِأَعْيُنِنَا ووَحَيْنَا فَإِذَا جَاءَ أَمْرُنَا وَفَارَ التَّنُورُ فَاسْلُكْ فِيهَا مِنْ  
 كُلِّ زَوْجَيْنِ اثْنَيْنِ وَأَهْلَكَ إِلَّا مَنْ سَبَقَ عَلَيْهِ الْقَوْلُ مِنْهُمْ وَلَا  
 تُخَلِّبْنِي فِي الَّذِينَ ظَلَمُوا إِنَّهُمْ مُغْرَقُونَ ﴿٢٧﴾ فَإِذَا اسْتَوَيْتَ أَنْتَ وَمَنْ  
 مَعَكَ عَلَى الْفُلِّ فَقُلِ الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي نَجَّانَا مِنَ الْقَوْمِ الظَّالِمِينَ ﴿٢٨﴾ وَقُلِ  
 رَبِّ أَنْزِلْنِي مُنْزَلًا مُبَارَكًا وَأَنْتَ خَيْرُ الْمُنْزِلِينَ ﴿٢٩﴾

Шунда унинг қавмидан кофир бўлган зодагонлар:  
 “Бу ҳам худди сизларга ўхшаган одам. (Фақат) сиз-  
 лардан устун бўлиб олмоқчи. Агар Аллоҳ (пайғамбар  
 юборишни) хоҳласа, фаришталарни туширган бўлур  
 эди. Бизлар бу (Нух сўзлари)ни аввалги ота-бобо-  
 ларимиздан эшитган эмасмиз. У (яъни Нух) фақат  
 бир жинни одамдир. Бас, уни бир(оз) вақтгача куза-  
 тиб турингиз!” - дедилар. (Нух) айтди: “Эй, Раббим!  
 Уларнинг менга нисбатан инкорига қарши Ўзинг  
 менга ёрдам қилгин!” Бас, Биз унга ваҳий қилдик:  
 “Бизнинг ҳимоямизда ва ваҳиймиз билан бир кема  
 ясагин. Бас, қачонки Бизнинг амримиз келиб, тан-  
 нурдан (олов ўрнига) фавворалар отилган вақтида, у  
 кемага ҳар (жонивор)дан бир жуфтдан ва оилангни  
 солгин! Лекин кофирлардан ким ҳақида Бизни сў-  
 зимиз (ғарқ бўлиши ҳақидаги ҳукмимиз) кечган бўлса,

<sup>1</sup> Аъроф сураси, 64-оят; Юнус сураси, 73-оят.

(уларни тарк қилгин) ҳамда улар ҳақида (нажот сўраб) Менга хитоб (илтижо) қилмагин! Улар, албатта, (тўфон сувиға) ғарқ қилинувчидирлар! Энди қачонки, ўзинг ва сен билан бирга бўлган кишилар кемага жойлашиб олгач, айтгин: “Бизларни золимлар қавмидан қутқарган Аллоҳга ҳамд (айтамин)”. Яна айт: “Эй, Раббим! Мени бир муборак манзилга туширгин! Сен (манзилга) туширувчиларнинг яхшисидирсан”.<sup>1</sup>

### Нух алайҳиссаломнинг ўз қавмини тавҳидга даъват этиши ва бошидан кечирганлари

Нух алайҳиссалом қавми бутхоналарда санамларга сиғинар экан уларга “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир, денглар. – Мен Аллоҳнинг қули ва расулиман!” дер, одамлари эса қулоқларини ёпиб, уни эшитмасликка ҳаракат қилишарди.

Бир куни яна шундай даъват қилганида санамлар юзтубан йиқилди. Шунда одамлар Нухни тутиб, роса калтакладилар.

Воқеадан хабар топган қирол Маҳвил Нух алайҳиссаломни ҳузурига чақириб сўради: “Диним ва аждодларинг устида бўлган нарса (дин)га қарши чиқибсан. Недир сенинг бу ҳолинг? Санамларни жойларидан қулатган сеҳр нима эди? Бунини сенга ким ўргатди?”

Нух алайҳиссалом айтди: “Улар сен айтгандек илоҳлар бўлганда эди, юзтубан йиқилмаган бўлар эдилар. Мен Аллоҳнинг қули ва расулиман! Сен Парвардигордан кўрқ ва унга ҳеч бир нарсани шерик қилма!”

Қирол Маҳвил санамлар байрамига тайёргарлик тугаллангунга қадар Нух алайҳиссаломни қамаб қўйишларини, санамларнинг эса яна жойларига ўрнатилишини ва зарар кўрган ерларини таъмирлашни амр қилди. Бай-

<sup>1</sup> Муъминун сураси, 24-29-оятлар.

рам куни халқни йиғиб бажарилган ишларни кўрсатишни буюрди.

Нух алайҳиссалом қирол ҳақида Раббига дуо қилди. Қирол бош оғриғи касалига дучор бўлиб, эс-ҳушидан айрилди. Бир ҳафтадан сўнг эса ўлди. Жасади олтин тобутга кўйилиб, санам ҳайкаллар ҳузурида аза тutilгач, дафн этилди.

Нух алайҳиссаломни санампарастлар тилларида бор ёмон сўзлар билан ҳақорат қилдилар. Қирол Маҳвилнинг ўрнига тахтга ўтирган ўғли Дармасил Нух алайҳиссаломни озод қилди.

Халқ йилнинг маълум вақтида катта санамлар ҳузурида тўпланиб, байрам қилишар, илоҳлари учун қурбонлик қилиб, уларни тавоф қилишарди.

Яғус санамини тавоф қилиш учун халқ тўпланган эди. Нух алайҳиссалом одамлар орасига келиб яна Аллоҳнинг ягоналигига даъват қилганида одамлар қулоқларини ёпиб олдилар. Шу пайт санамлари турган ерларидан ерга кулади. Шунда одамлар ғазабланиб Нух алайҳиссаломни калтакладилар ва бошини ҳам ёрдилар. Сўнг уни судраб қиролнинг ҳузурига олиб бордилар. Қирол Нух алайҳиссаломга айтди: “Илоҳлар билан боғлиқ ишларга аралашмаслигингни сенга буюрмадикми? Сени бундай нарсалардан ман этмадикми? Ҳатто (ўтган сафар) улар (санамлар)ни жойларига ўрнатганимизда уларга сажда қилишингни амр этмадикми? Бу ишни сенга ким ўргатди?”

Нух алайҳиссалом ҳар тарафи қонга беланган бир аҳволда айтди: “Агар улар илоҳ бўлганда эди, юзтубан йиқилмаган бўлар эдилар. Эй, Дармасил! Аллоҳдан кўрқ! Унга ҳеч бир нарсани шерик қилма! Чунки у сени кўриб турибди”.

Дармасил ғазаб билан: “Сен менга қайси журъат билан бундай сўзламоқдасан?” – деди ва уни иккинчи санам байрамига қадар қамаб кўйишларини, санамлар

учун қурбонлик қилишларини ва йиқилган санамларни жойларига тиклашларини буюрди. Унинг буйруғи бажарилди.

Қирол Дармасил Нух алайҳиссалом ҳақида қўрқинчли туш кўриб: “У бир мажнун, нима қилаётганини ўзи билмайди!” – деди ва уни озод қилди.

Ўша пайтдаги коҳин эса тўфон вақти яқинлашганини ва Нух алайҳиссаломнинг ўлдирилиши лозимлигини уқтирарди.

Бобил қироли ҳам Дармасилга мактуб йўллаб, Нух алайҳиссаломни ўлдиришини истади. Дармасил халққа юзланиб: “Нух алайҳиссалом санамлар ибодатини йўққа чиқармоқчи. У ягона Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигини айтмоқда. Сизлар санамлардан ўзга илоҳ борлигини биласизми?” – деди. Улар “Йўқ, билмаймиз”, - дедилар ва Нух алайҳиссаломни инкор этдилар. Ҳатто ҳушидан кетгунча уни бўғдилар. Сўнгра уни ўлди деб ўйлашди.

Нух алайҳиссалом ҳушига келганда: “Эй, Аллоҳим! Мени ва қавмимни кечир! Чунки улар нима қилишаётганини билмайди” – деб илтижо қилди ва ғусл қилиб яна қавмининг олдига борди. Уларни Аллоҳга имон келтириб, Унга ибодат қилишга чақирди.

فَلَيْتَ فِيهِمْ أَلْفَ سَنَةٍ إِلَّا خَمْسِينَ عَامًا

“Бас, у уларнинг орасида элик йили кам минг йил турди.”<sup>1</sup> У сабрли ва ҳалим инсон эди.

### Нух алайҳиссаломнинг қавмини ҳалок қилишини сўраб илтижо қилиши

Нух алайҳиссалом пайғамбарлик вазифасини кеча-ю кундуз, яширин ёки ошкора бажаришда давом этди. Бироқ унинг барча ҳаракатлари, даъвати уларни имон-

<sup>1</sup> Анкабут сураси, 14-оят.

сизликдан, куфрдан қайтара олмади, улар борган сари имондан айрилиб бордилар.

قَالَ نُوحٌ رَبِّ إِنِّهِمْ عَصَوْنِي وَأَتَّبَعُوا مَن لَّمْ يَزِدْهُ مَالَهُ، وَوَلَدَهُ إِلَّا خَسَارًا ﴿٢١﴾ وَمَكْرُؤًا مَّكْرًا كَبِيرًا ﴿٢٢﴾ وَقَالُوا لَا نَدْرَنَ ءَالِهَتَكُمْ وَلَا نَدْرَنَ وَدًا وَلَا سَوَاعَا وَلَا يَفُوتَ وَيَعُوقُ وَنَسْرًا ﴿٢٣﴾ وَقَدْ أَضَلُّوا كَثِيرًا وَلَا نَزِدُ الظَّالِمِينَ إِلَّا ضَلَالًا ﴿٢٤﴾

Нух (яна) айтди: “Эй, Раббим! Дарҳақиқат, улар менга итоатсизлик қилдилар ҳамда (топган) мол-дунёси ва фарзандлари ўзига фақат зиённи оширадиган кимсаларга эргашиб кетдилар”. (Улар) жуда катта макр қилдилар. (Ўзларига эргашган кимсаларга:) “Сизлар ўз илоҳларингизни сира тарк этмангиз! “Вадд”ни ҳам, “Сувоъ”ни ҳам, “Яғус”ни ҳам, “Яъуқ”ни ва “Наср”ни ҳам сира тарк этмангиз!” – дедилар. Дарҳақиқат, улар (Нух қавмининг кофирлари) кўп (кишилар)ни йўлдан оздирдилар. “(Эй, Раббим!) Золимларга фақат гумроҳликни зиёда қилгин!” (деди Нух).<sup>1</sup>

فَدَعَا رَبَّهُ أَنِّي مَغْلُوبٌ فَانْتَصِرَ ﴿١٠﴾

Шунда у Парвардигорига: “Мен мағлубдирман, ёрдам қилгин!” – деб дуо қилди.<sup>2</sup>

فَأَفْتَحَ بَيْنِي وَبَيْنَهُمْ فَتَحًا وَبِحَنِي وَمَن مَّعِيَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ ﴿١١٨﴾

Энди Сен ўзинг мен билан уларнинг орасини очиб қўйгин ва менга ҳамда мен билан бирга бўлган мўминларга нажот бергин!<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Нух сураси, 21-24-оятлар.

<sup>2</sup> Қамар сураси, 10-оят.

<sup>3</sup> Шуаро сураси, 118-оят.

وَقَالَ نُوحٌ رَبِّ لَا تَذَرْنِي عَلَى الْأَرْضِ مِنَ الْكَافِرِينَ دَيَّارًا ﴿٢٦﴾ إِنَّكَ إِن تَذَرَهُمْ يُضِلُّوا عِبَادَكَ وَلَا يَلِدُوا إِلَّا فَاجِرًا كَفَّارًا ﴿٢٧﴾ رَبِّ اغْفِرْ لِي وَلِوَالِدَيَّ وَلِمَنْ دَخَلَ بَيْتِي مُؤْمِنًا وَلِلْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ وَلَا تَزِدِ الظَّالِمِينَ إِلَّا نَبَارًا ﴿٢٨﴾

Нух айтди: “Эй, Раббим! Ер юзида кофирлардан бирорта (тирик) юрувчини қолдирмагин! Чунки, агар Сен уларни қолдирсанг, бандаларингни йўлдан оздирурлар ва фақат фосиқ, ношукур(лар)ни туғарлар. Эй, Раббим! Мени, ота-онамни, уйимга мўмин ҳолда кирган кишиларни ва барча мўмин-у мўминаларни мағфират этгин! Золимларга эса фақат ҳалокатни зиёда қилгин!”<sup>1</sup>

### Туфон кемасининг ҳозирланиши

Аллоҳ таоло Нух алайҳиссаломга дарахт экишини амр қилди. У дарахт экди. Нух алайҳиссалом эккан саж дарахти қирқ йилда ўсиб етишди ва бўйи уч юз зирोъ<sup>2</sup> бўлди.

Саж Ҳиндистон юртида ўсадиган улкан ва қора дарахт бўлиб, унинг абнус дарахти экани ҳам айтилади.

وَأَوْحَىٰ إِلَيَّ نُوحٌ أَنَّهُ لَنْ يُؤْمِنَ مِنْ قَوْمِكَ إِلَّا مَنْ قَدَّ ءَامَنَ فَلَا نَبَيْسَ بِمَا كَانُوا يَفْعَلُونَ ﴿٣٦﴾ وَأَصْنَعِ الْفُلَكَ بِأَعْيُنِنَا وَوَحِّينَا وَلَا تَخْطُبْنِي فِي الَّذِينَ ظَلَمُوا إِنَّهُمْ مُّغْرَقُونَ ﴿٣٧﴾

Нухга ваҳий қилинди: “Қавмингдан (ҳозиргача) имон келтирганларидан бошқа ҳеч ким энди имон келтирмас. Бас, уларнинг қилаётган ишлари туфай-

<sup>1</sup> Нух сураси, 26-28-оятлар.

<sup>2</sup> Зироъ – тирсақдан ўрта бармоқнинг учигача ёки тирсақдан елкагача бўлган узунлик ўлчови.

**ли ташвиш чекма! Бизнинг кузатувимиз ва ваҳий-миз (амримиз) билан кемани ясагин ва зулм қилганлар ҳақида Менга (асраш тўғрисида) хитоб қилмагин! Улар, албатта, ғарқ қилинувчилардир!”<sup>1</sup>**

Аллоҳ таоло ўсиб-улғайган дарахтни кесиб кема ясашда фойдаланишини амр этди. Нуҳ алайҳиссалом дурадгор эди. Дарахтларни кесди. Қуритди. Нуҳ алайҳиссалом кемани қандай ясашни билмасди. “Эй, Раббим! Кемани қандай ясайман?” – деб сўради. Уни уч суратда, яъни бошини хўрознинг боши каби, қорнини қушнинг қорни каби ва думини хўрознинг думи каби қилиб, уч қават қилиб ясаш буюрилди.

Нуҳ алайҳиссалом кема учун тахталар кесди. Уч йил шу иш билан машғул бўлди. Темирдан миҳлар ясади. Кема учун лозим бўлган барча нарсани ҳозирлади.

Нуҳ алайҳиссалом кемасини ясаётганида унинг яқинидан ўтган одамлар уни масхара қилиб: “Эй, Нуҳ! Пайғамбарликдан сўнг (энди) дурадгорлик қиляпсанми?” – дедилар. У: “Кема ясаюпман!” – деб жавоб қилди. “Нима, сен қуруқликда сузмоқчимисан?” – деб улар Нуҳ алайҳиссаломни жиннига чиқаришди.

قَالَ إِنْ تَسْخَرُوا مِنَّا فَإِنَّا نَسْخَرُ مِنْكُمْ كَمَا تَسْخَرُونَ ﴿٣٨﴾ فَسَوْفَ تَعْلَمُونَ مَنْ يَأْتِيهِ عَذَابٌ يُخْزِيهِ وَيَحِلُّ عَلَيْهِ عَذَابٌ مُّقِيمٌ ﴿٣٩﴾

(Нуҳ) деди: “Агар бизни масхара қилсангиз, сизлар масхара қилганингиздек, биз ҳам (яқинда) сизларни масхара қилажакмиз. Бас, яқинда кимга хорловчи азоб келиб, унга мангу азоб тушишини билурсиз”.<sup>2</sup>

Кема икки йилда ясаб битказилди. Бу муддатнинг узоқроқ давом этгани ҳам ривоят қилинади.

<sup>1</sup> Худ сураси, 36-37-оятлар.

<sup>2</sup> Худ сураси, 38-39-оятлар.

## Кеманинг тархи

Кеманинг узунлиги уч юз зироъ, эни эллик зироъ, баландлиги ўттиз (бошқа ривоятда ўттиз уч) зироъ эди.<sup>1</sup> Узунлигининг бир минг икки юз, энининг эса олти юз зироъ экани ҳам ривоят қилинади.<sup>2</sup>

Кема пастки қават, ўрта қават ва уст қават шаклида уч қаватдан иборат бўлиб, ҳар бир қават ўн зироъ баландлигида эди. Уларга ёруғлик тушиб туриши учун кичик туйнуқлар қўйилган эди. Кеманинг остма-ост учта эшиги бор эди. Кеманинг устки қаватида озуқа омбори бор эди.

Кеманинг олти зироъ қисми (баъзи ривоятларга кўра тўрт зироъ) сув ичида эди. Кеманинг қанотлари ҳам бор эди. У худди парранда қорни сингари сувни ёриб ўтишга мўлжалланган эди. Кемага сув кирмаслиги учун эса у елимланган эди.

## Кемага қачон чиқилди? Кимлар чиқди? Чиққанларнинг сони қанча?

حَتَّىٰ إِذَا جَاءَ أَمْرُنَا وَفَارَ التَّنُّورُ قُلْنَا احْمِلْ فِيهَا مِنْ كُلِّ زَوْجَيْنِ  
 اثْنَيْنِ وَأَهْلَكَ إِلَّا مَنْ سَبَقَ عَلَيْهِ الْقَوْلُ وَمَنْ ءَامَنَ وَمَا ءَامَنَ مَعَهُ  
 إِلَّا قَلِيلٌ ﴿٤٠﴾ وَقَالَ أَرْكَبُوا فِيهَا بِسْمِ اللَّهِ بِحَبْرَتِهَا وَمُرْسِنَهَا إِنَّ رَبِّي  
 لَغَفُورٌ رَحِيمٌ ﴿٤١﴾

**“То Бизнинг буйруғимиз (азобимиз - тўфон) келиб, ишлар кескинлашгач, айтдик: “(Эй, Нух!) Унга (кемага) ҳар бир (жонивор)дан бир жуфт – иккитадан ва аҳлинг (оила аъзоларинг)ни, илло (аҳлингдан кимларга ғарқ бўлиши ҳақида Биздан) сўз кечган бўлса, улар**

<sup>1</sup> Ибн Саъд. Табақот. 1-жилд, б. 41.

<sup>2</sup> Табарий. Тарих. 1-жилд, б. 91.

**мустасно, ҳамда имон келтирганларни орт!” Ваҳланки, у (Нух) билан бирга имон келтирганлар оз эди. (Нух) деди: “Унга (кемага) мининглар! Унинг сузиши ҳам, тўхташи ҳам Аллоҳнинг исми биландир. Албатта, Раббим кечиримли ва раҳмлидир”.<sup>1</sup>**

Нух алайҳиссалом кемага ўғиллари Сом, Хом, Ёфас ва уларнинг жуфтлари билан унга имон келтирганларни олди. Ўғли Ём кемага чиқмади. Чунки у кофир эди. Нух алайҳиссаломнинг хотини Воила ҳам кофир эди. Халққа эрининг мажнун эканини айтарди. Улар кофирлардан бўлиб, сувга фарқ бўлдилар.

Кемага чиққанларнинг Нух алайҳиссалом билан уч ўғли ва уларнинг жуфтлари, жами саккиз киши экани (шунингдек, ўн беш эркак билан беш аёл ёки ўн эркак билан ўн аёл) айтилади.

Ҳатто саксон киши эканлиги ҳақида ривоят бор.<sup>2</sup>

### **Қиролнинг кемани ва кемадагиларни ёқиш учун келиши**

Нух алайҳиссаломнинг кемага юкларини ортгани ва кемага чиққанидан хабар топган қирол “Уларни оқизадиган сув қани?!” деб бир қанча одамлари билан кемани ёқиб юбориш учун унга яқинлашди. Нух алайҳиссаломнинг ўғли Ём ҳам қиролнинг одамлари орасида эди. Қирол Нух алайҳиссаломга юзланиб сўради: “Сенинг бу кемангни оқизадиган сув қани?” Нух алайҳиссалом айтди: “У сув сен турган жойда ва у сенга келажақдир!” “Бунинг имкони йўқ! – деди қирол. – Сен мана шу тупроқдан сув чиқиб, селлар пайдо бўлишини айтмоқдасан, шундайми? Ўзинг ҳам сенга эргашганлар ҳам ҳозироқ кемадан тушингиз. Акс ҳолда, барчангизни ёқиб юбораман!”

Нух алайҳиссалом айтди: “Аллоҳга қилаётган такаббурлигингни қўйиб, тезроқ имонга кел! Аллоҳга бошқа

<sup>1</sup> Худ сураси, 40-41-оятлар.

<sup>2</sup> Ибн Саъд. Табақот. 1-жилд, б. 41.

нарсани шерик қилишдан тийилиб, мусулмон бўл. Акс ҳолда сен учун аталган азобни кўрасан!”

### **Тўфон хабари, инкор ва хавотир**

Нух алайҳиссалом қиролга бу сўзларни айтиб турганда бир одам келиб бир аёлнинг нон пишираётган тандирдан сув отилиб чиққани хабарини келтирди. Қирол “Тандирдан ҳам сув отилиб чиқар эканми?” деб ишонмади.

Нух алайҳиссалом унга: “Сенга таассуфлар бўлсин! Бу муҳаққақ азоб келишининг бир белгисидир!” Раббим менга ана шундай ваҳий қилган. Бу бутун ер юзининг тешилиб, сўкилишига ҳамда отингни турган еридан ажратишига, отингнинг оёғи остидан сув отилиб чиқишига ишорадир!

Қирол отини турган еридан ажратгач, оёғи остидан сув отилиб чиқаётганини кўрди ва дарҳол отини бошқа жойга ҳайдади. У ердан ҳам сув отилиб чиқа бошлади.

Қиролнинг вазиятни билиш учун жўнатган одами сувнинг кўпайиб бораётганини айтгач, қирол ўзи ва оиласи учун тоғ чўққисида бино қилган Маакилга жўнаб кетиш учун уйига шошилди. Барча тўфон бўлиши муқаррар эканини англаган, аммо унинг қачон юз беришини билишмасди. Шу сабабли қирол ҳам Маакилни озуқа билан тўлдириб қўйган эди. Қирол ва оиласи тоққа чиқиш учун ҳаракат қилишаётганида тепадан қоятошларнинг улар устига келаётганини кўришди. Қаерга боришни билмай қолдилар. Ердан отилиб чиқаётган сув эса иссиқ ва бадбўй эди.

### **Тўфоннинг кенгайиши**

Осмондан ёққан ёмғирларнинг, ердан пишқириб чиқаётган селларнинг суви бутун ер юзини қоплади ва тоғларнинг чўққисидан яна ўн беш зироъ кўтарилди. Кўёш нури ва ой шуъласи хиралашди. Дунёни зулмат қо-

плади. Кеча-кундуз бир бўлди. Ёғингарчилик қирқ кун давом этди. Ер юзида сел босмаган, сувлар тўлиб-тошмаган жой қолмади.

### **Кемадагилардан ташқари барчанинг тўфонда сувга ғарқ бўлиши**

Кемада бўлган Нуҳ алайиссалом ва унга эргашганлардан ташқари барча одамлар тўфон сувларига чўкиб ҳалок бўлдилар.

### **Ҳатто тоғ тепасида ҳам ғарқ бўлишдан кутула олмаган она-бола**

Ойиша онамиз (р.а.) Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган бир ҳадисда: “Сел йўлларда ва кўчаларда кўпайгач, кўзининг оқ-у қораси бўлган фарзандининг тақдиридан ташвишга тушган бир она тоғнинг учдан бирига қадар чиқди. Сув у ерга етиб борганда, у тоғнинг учдан икки қисмига чиқди. Сув у ерга ҳам етиб келди. Аёл тоғ чўққисига чиқди.

Сув кўтарилиб, аёлнинг бўйнидан ошгач, фарзандини боши устига чиқарди. Ниҳоят, сув уларнинг иккисини ҳам олиб кетди. Агар Аллоҳ таоло Нуҳ қавмидан бирор кишини сақлашни тилаганда эди мана шу онани асраган бўларди” – деб марҳамат қилинади.

### **Кеманинг ҳамма ердан сузиб жувдий тоғига келиши**

Нуҳ алайҳиссаломнинг кемаси бутун дунёни кезди. Аввалига ўнг томонга қараб сузиб Ҳабашистонга етиб борди. Сўнг Жидда томонга йўл олди. Кейин Рум ўлкаси томон сузди. Рум ўлкасидан ўтгач, қайтиб Муқаддас Арзга йўналди, Маккагача борди. Ҳарами Шариф атрофида етти марта айланди. Сўнгра Яманга йўл олди. У ердан қайтиб Жувдий тоғига етиб боришди.

Аллоҳ таоло осмонга “Сувингни тут!”, ерга эса “Сувингни ют!” деган амр берди. Ёғингарчилик тўхтаб, сувнинг сатҳи тушгач, кема Жувдий тоғи устига ўтириб қолди.

### **Кема сув устида қанча сузди ва кемадан қачон тушилди?**

Нух алайҳиссаломнинг кемаси тўхтовсиз олти ой сузди ва дунёнинг ҳар томонини кезди. Унинг бир юз эллик кун сузгани ҳам ривоят қилинади.<sup>1</sup>

Нух алайҳиссалом Жувдий тоғида бир йил қолди. Сувлар чекиниб, ерлар қуригач, муҳаррам ойининг ўнинчи куни тоғдан тушди. Ўша куни кема халқи шукроналик рўзасини тутишди. Нух алайҳиссалом кемасини қулфлаб, унинг калитини ўғли Шомга берди.

### **Самонин шахрининг қурилиши**

Нух алайҳиссалом Кардада Самонин деган жойда ўз ёнидагиларининг ҳар бири учун уй қурди. Самонин – Мосулнинг юқориси, Ибн Умар жазираси яқинидаги Жувдий тоғининг ёнида жойлашган шаҳарча эди.

Ибн Ҳабиб (вафоти ҳижрий 245 йил), Ибн Қутайба (вафоти: ҳижрий 276), Табарий (вафоти ҳижрий 310 йил), Ибн Ёсир (вафоти ҳижрий 630 йил) бу шаҳарчанинг ўз даврларига қадар Суқ-и Самонин деб номланганини қайд этишади.

Маъсудий (вафоти ҳижрий 346 йил) эса тоғ этагида барпо этилган бу шаҳарчанинг ўз даврига қадар Самонини деб номланганини айтади.

Ёқутнинг (вафоти ҳижрий 626 йил) фикрича, Нух алайҳиссалом қурган Масжид мана шу шаҳарда жойлашган.

Нух алайҳиссалом Самонин шахрига жойлашгач, бу ерга экин экди, узум экди, ерни текислади, тузатди. Бир

<sup>1</sup> Ибн Қутайба. Маориф. б. 11.

қанча вақт ўтиб, Самонин халқи вабога йўлиқди ва Нуҳ алайҳиссалом ҳамда ўғилларидан бошқа барча ҳалок бўлди.

### **Жувдий тоғи қаерда жойлашган?**

Жувдий тоғи Мосул худудида, Мосулнинг Ҳиснайн ёки Ҳадийд деган жойида жойлашган.<sup>1</sup> У Жазорада<sup>2</sup>, Мосул яқинидаги Жазирададир.<sup>3</sup> Мосул шаҳарларидан ибн Умар жазирасида<sup>4</sup>, Басуринда<sup>5</sup> жойлашган.

Ибн Умар жазираси Мосулда бўлиб, уч кунлик жойдир. Басурин эса Дижланинг шарқидаги Мосул туманларидан биридир.

Жувдий тоғи Жазирада, Карда ноҳиясида жойлашган.<sup>6</sup>

Жувдий тоғи Карда ва Забдийдаги тоғдир.<sup>7</sup>

Карда Жазирада, Жувдий тоғи яқинида жойлашган бўлиб, Ибн Умар жазираси яқинидаги Самонин шаҳарчасига ҳам яқин.<sup>8</sup>

Жувдий тоғи билан Дижла ораси саккиз фарсах<sup>9</sup>дир.<sup>10</sup>

### **Аллоҳ таоло шарафлантирган уч тоғ**

Аллоҳ таоло уч тоғни, яъни Жувдий тоғини Нуҳ алайҳиссалом билан, Тур-и Синони Мусо алайҳиссалом билан, Ҳиро тоғини эса Муҳаммад алайҳиссалом билан шарафли этди.

<sup>1</sup> Табарий. Тарих. 1-жилд, б. 94.

<sup>2</sup> Ёқут. Мужаъмул булдон. 2-жилд, б. 179.

<sup>3</sup> Ҳазин. Тафсир. 2-жилд, б. 332.

<sup>4</sup> Маъсудий. Муруж-уз-заҳаб. 1-жилд, б. 40.

<sup>5</sup> Маъсудий. Муруж-уз-заҳаб. 1-жилд, б. 40.

<sup>6</sup> Табарий. Тарих. 1-жилд, б. 96.

<sup>7</sup> Дановорий. Ал-ахбор. 1-жилд.

<sup>8</sup> Ёқут. Мужаъмул булдон. 4-жилд, б. 332.

<sup>9</sup> Фарсах – ўн икки ёки ўн минг зирь.

<sup>10</sup> Маъсудий. Муруж-уз-заҳаб. 1-жилд, б. 40.

## Нух алайҳиссаломнинг тўфон кемаси ва унинг оқибати

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا نُوحًا إِلَىٰ قَوْمِهِ فَلَبِثَ فِيهِمْ أَلْفَ سَنَةٍ إِلَّا خَمْسِينَ  
عَامًا فَأَخَذَهُمُ الطُّوفَانُ وَهُمْ ظَالِمُونَ ﴿١٤﴾ فَأَنْجَيْنَاهُ وَأَصْحَابَ  
السَّفِينَةِ وَجَعَلْنَاهَا آيَةً لِلْعَالَمِينَ ﴿١٥﴾

“Биз Нухни ўз қавмига (пайғамбар қилиб) юбордик. Бас, у уларнинг орасида эллик йили кам минг йил турди. Бас, уларни золим (кофир) бўлган ҳолларида тўфон (балоси) тутди. Сўнгра Биз унга (Нухга) ва кемадаги ҳамроҳларига (тўфон балосидан) нажот бердик ва уни (барча) оламларга ибрат қилиб қўйдик”.<sup>1</sup>

Аллоҳ таоло унинг кемасини Жазира тупроғида, Жазиранинг Карда деган жойида, Кардада жойлашган Жувдий тоғининг тепасида инсонларга ибрат қилиб қолдирди. Кема узоқ вақт ўша ерда қолди. Нух алайҳиссалом умматининг аввалгилари уни бориб томоша қилгандан сўнг, кема чириб, кул бўлди. Тафсир китобларида ана шундай баён қилинган.

Ажнабий олимларнинг баъзилари кемадан бирор из топиш мақсадида Арарат тоғига келиб, унинг тепасига чиқишгани ҳамда бирор нарса топа олмай, қўллари бўш ортларига қайтганини эшитамиз.

## Қурьони карим тўфон ҳақида

Тўфон ва унинг оқибати Қурьони каримда шундай марҳамат қилинади:

فَفَتَحْنَا أَبْوَابَ السَّمَاءِ بِمَاءٍ مُّثَمَرٍ ﴿١١﴾ وَفَجَّرْنَا الْأَرْضَ عُيُونًا فَالْتَقَىٰ

<sup>1</sup> Анкабут сураси, 14-15-оятлар.

الْمَاءِ عَلَىٰ أَمْرٍ قَدِ قُدِّرَ ﴿١٢﴾ وَحَمَلْنَاهُ عَلَىٰ ذَاتِ الْوَجِّ وَدُسِّرِ ﴿١٣﴾ تَجْرِي  
بِأَعْيُنِنَا جَزَاءً لِمَن كَانَ كُفِرَ ﴿١٤﴾

“Биз осмон дарвозаларини (тинимсиз) қўйилувчи сув билан очиб юбордик. Яна ердан булоқлар чиқариб қўйдик. Бас, (осмон ва Ер) суви тақдир қилиб қўйилган бир иш узра учрашдилар. Уни (Нухни) эса тахталар ва михлар ёрдамида ясалган кемада кўтардик. У (кема) Бизнинг “кўзларимиз” ўнгида (ҳимоямизда) сузар. (Бу) инкор қилинган киши (Нух) учун мукофотдир”.<sup>1</sup>

وَهُى تَجْرِي بِهِمْ فِي مَوْجٍ كَالْجِبَالِ وَنَادَى نُوحٌ ابْنَهُ، وَكَانَ فِي مَعْزِلٍ يَبْنِي أَرْكَبَ مَعَنَا وَلَا تَكُن مَعَ الْكَافِرِينَ ﴿٤٢﴾ قَالَ سَأُوِي إِلَىٰ جَبَلٍ يَعْصِمُنِي مِنَ الْمَاءِ قَالَ لَا عَاصِمَ الْيَوْمَ مِنْ أَمْرِ اللَّهِ إِلَّا مَنْ رَحِمَ وَحَالَ بَيْنَهُمَا الْمَوْجُ فَكَانَ مِنَ الْمُغْرَقِينَ ﴿٤٣﴾

У (кема) уларни тоғлардек тўлқинлар ичида олиб борар экан, Нух чеккада турган (Канъон исмли) ўғлини чақриб деди: “Эй, ўғилчам! Биз билан бирга (кемага) мингин! Кофирлар билан бирга бўлмагин!” У (ўғли) деди: “Мени сувдан сақлайдиган бирор тоғга (чиқиб) паноҳ топарман”. (Нух) деди: “Бугун У раҳм қилганлардан бошқасига Аллоҳнинг амридан сақлаб қолувчи (ҳеч қандай куч) йўқдир”. (Шу пайт) иккисининг ўртасини бир тўлқин тўсди ва (ўғли) фарқ қилинганлардан бўлди.<sup>2</sup>

وَنَادَى نُوحٌ رَبَّهُ، فَقَالَ رَبِّ إِنَّ ابْنِي مِنْ أَهْلِي وَإِنَّ وَعْدَكَ الْحَقُّ وَأَنْتَ أَحْكَمُ الْحَاكِمِينَ ﴿٤٥﴾ قَالَ يَسُوحُ إِنَّهُ لَيْسَ مِنْ أَهْلِكَ إِنَّهُ عَمَلٌ

<sup>1</sup> Қамар сураси, 11-14-оятлар.

<sup>2</sup> Худ сураси, 42-43-оятлар.

عَبْرُ صَالِحٍ فَلَا تَسْتَلِنِ مَا لَيْسَ لَكَ بِهِ عِلْمٌ إِنِّي أَعِظُكَ أَنْ تَكُونَ مِنَ  
الْجَاهِلِينَ ﴿٤٦﴾ قَالَ رَبِّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ أَنْ أَسْأَلَكَ مَا لَيْسَ لِي بِهِ  
عِلْمٌ وَإِلَّا تَغْفِرْ لِي وَتَرْحَمْنِي أَكُنَ مِنَ الْخَسِرِينَ ﴿٤٧﴾

Нух Раббига нида қилиб деди: “Раббим! Ўғлим менинг аҳлимдан. Сенинг (оиламни сақлашга берган) ваъданг эса ҳақ ва Сен ҳукм қилувчиларнинг энг доноси (ва одили)сан”. (Аллоҳ) деди: “Эй, Нух! У сенинг аҳлингдан эмас! Албатта, у (унинг қилгани) яхши иш эмас. Бас, Мендан ўзинг (яхши) билмаган нарсани сўрамагин! Мен сенга жоҳиллардан бўлишингдан (қайтариб) насиҳат қиламан”. (Нух) айтди: “Раббим! Мен Сендан ўзим (яхши) билмаган нарсани сўрашимдан паноҳ тилайман. Агар мени кечирмасанг ва менга раҳм қилмасанг, албатта, зиён кўрувчилардан бўлиб қолурман”.<sup>1</sup>

وَقِيلَ يَا أَرْضُ ابْلَعِي مَاءَكِ وَبَسَّاهِ أَقْلِعِي وَغِيضَ الْمَاءِ وَقُضِيَ الْأَمْرُ  
وَاسْتَوَتْ عَلَى الْجُودِيِّ وَقِيلَ بُعْدًا لِلْقَوْمِ الظَّالِمِينَ ﴿٤٤﴾

(Сўнгра) айтилди: “Эй, Ер! Сувингни ютгин! Эй, осмон! Ўзингни тутгин (ёғишни бас қил!)” Сув қуриди, буйруқ адо этилди ва (кема) Жувдий (тоғи)<sup>2</sup> узра қўнди ҳамда “Золимлар қавмига – халокат!”, - дейилди.<sup>3</sup>

قِيلَ يَا نُوحُ اهْبِطْ بِسَلَامٍ مِنَّا وَبَرَكَاتٍ عَلَيْكَ وَعَلَى أُمَمٍ مِمَّنْ مَعَكَ  
وَأُمَّمٌ سَنَعْتُهُمْ ثُمَّ بِمَسْهُمٍ مِنَّا عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٤٨﴾

Айтилди: “Эй, Нух! Биздан (бўлмиш) саломатлик ва сенга ва сен билан биргаликдаги жамоаларга (атал-

<sup>1</sup> Худ сураси, 45-47-оятлар.

<sup>2</sup> Жувдий тоғи қаерда экани тўғрисида аниқ маълумот йўқ. У Шомда, Ироқнинг Мосул шаҳрида, Хиндистонда, Араратда, Омудда дейилган.

<sup>3</sup> Худ сураси, 44-оят.

ган) баракотлар билан (кемадан ерга) тушгин! (Умма-тингдан келажакда шундай кофир) жамоалар ҳам бўладики, уларни озгина бахраманд қилурмиз, сўнгра уларни Биздан (юборилувчи) аламли азоб тутар”.<sup>1</sup>

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا نُوحًا إِلَىٰ قَوْمِهِ فَلَبِثَ فِيهِمْ أَلْفَ سَنَةٍ إِلَّا خَمْسِينَ عَامًا فَأَخَذَهُمُ الطُّوفَانُ وَهُمْ ظَالِمُونَ ﴿١٤﴾ فَأَنْجَيْنَاهُ وَأَصْحَابَ السَّفِينَةِ وَجَعَلْنَاهَا آيَةً لِلْعَالَمِينَ ﴿١٥﴾

“Биз Нуҳни ўз қавмига (пайғамбар қилиб) юбордик. Бас, у уларнинг орасида элик йили кам минг йил турди. Бас, уларни золим (кофир) бўлган ҳолларида тўфон (балоси) тутди. Сўнгра Биз унга (Нуҳга) ва кемадаги ҳамроҳларига (тўфон балосидан) нажот бердик ва уни (барча) оламларга ибрат қилиб қўйдик”.<sup>2</sup>

وَلَقَدْ تَرَكْنَاهَا آيَةً فَهَلْ مِنْ مُدْرِكٍ ﴿١٥﴾ فَكَيْفَ كَانَ عَذَابِي وَنُذْرٍ ﴿١٦﴾

“Биз уни (кемани) бир аломат қилиб қолдирдик<sup>3</sup>. Бас, эслатма олувчи борми?! Бас, Менинг азобим ва огоҳлантиришларим қандай экан?!<sup>4</sup>

تِلْكَ مِنْ أَنْبَاءِ الْغَيْبِ نُوحِيهَا إِلَيْكَ مَا كُنْتَ تَعْلَمُهَا أَنْتَ وَلَا قَوْمُكَ مِنْ قَبْلِ هَذَا فَاصْبِرْ إِنَّ الْعَقِيبَةَ لِلْمُتَّقِينَ ﴿١٦﴾

(Эй, Муҳаммад!) Булар Сизга ваҳий қилаётган Биздаги ғайб хабарларидандир. Буларни илгари на Сиз ва на қавмингиз билар эдингиз. Бас, сабр қилинг! Албатта, оқибат (ютук) тақводорларникидир”.<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Худ сураси, 48-оят.

<sup>2</sup> Анкабут сураси, 14-15-оятлар.

<sup>3</sup> Нуҳ алайҳиссалом кемаси Жувдий тоғи тепасида узоқ сақлангани, Муҳаммад алайҳиссаломнинг замони саодатларида уни айрим кишилар кўргани нақл этилади.

<sup>4</sup> Қамар сураси, 15-16-оят.

<sup>5</sup> Худ сураси, 49-оят.

## Нух алайҳиссаломнинг ўғилларига тавсиялари ва вафоти

Ривоятга кўра, Нух алайҳиссалом тўфондан сўнг яна уч юз эллик йил яшади. Вафоти яқинлашганда катта ўғли Сомни<sup>1</sup> ўзидан сўнг вакил қилиб қолдирди. Барча ўғилларини ёнига чақириб, уларга тавсия ва ўғитлар берди. Уларга Аллоҳга ибодатда сусткашлик қилмасликларини тайинлади. Сўнг Сомга қараб айтди: “Эй, ўғлим! Қалбингда заррача ширк бўлган ҳолда қабрга кирма! Чунки Аллоҳнинг ҳузурига мушрик сифатида келган киши учун бирор далил йўқдир.

Эй, ўғлим! Қалбингда зарра қадар кибр бўлган ҳолда қабрга кирма! Чунки Кибриё Аллоҳ таолонинг ридосидир. Ридоси устида талашган кишидан Аллоҳ ғазабланур.

Эй, ўғлим! Қалбингда заррача Аллоҳнинг раҳматидан умид узган ҳолда қабрга кирма! Чунки Аллоҳнинг йўлидан (ҳидоятдан) чиққан кишидан ўзгаси умидсизликка тушмас.

Сенга икки нарсани амр этаман ва яна икки нарсадан қайтараман. Сенга калимаи тавҳидни (Ла илаҳа иллаллоҳ) амр этаман. Чунки етти қават осмон ва етти қават арз тарозининг бир палласига, калимаи тавҳид бошқа палласига қўйилса, у улардан оғир келур. Агар етти қават осмон ва етти қават арз чексиз бир чамбар бўлса, “Ла илаҳа иллаллоҳ ва субҳаналлоҳ ва биҳамдиҳи” калималари улардан ўзар. Чунки улар ҳар нарсанинг дуосидир ва халқ улар билан ризқланур.

Сени ширк ва кибрдан қайтараман. Агар кучинг етса, қалбингда кибр ва ширк бўлмаслигига ҳаракат қил”.

Ривоятга кўра, Нух алайҳиссаломдан вафоти яқинлашганда: “Эй, Абул башар! Дунё қандай экан?” – деб

<sup>1</sup> Сом тўфондан етмиш саккиз йил олдин туғилган эди. (Салабий. Ароис. б. 60.)

сўрашади. Нух алайҳиссалом жавоб қилади: “У икки эшикли бир уйга ўхшайди. Бир эшигидан кириб, бошқа эшигидан чиқдим”.

Нух алайҳиссалом қамишдан бир кулбада яшарди. Унга: “Мустаҳкамроқ уй қурсанг бўлмайдими?” – дейишганда. “Ўладиган одам учун бу ҳам кўп!” – деб жавоб қилган эди.

Ривоятга кўра, уммати ҳалок бўлган пайғамбарлар Маккага келишади. У ерда Аллоҳга ибодат қилишади ва ўз ёнидагилар билан бирга вафотига қадар у ерда қолади. Бинобарин, Нух, Худ, Солиҳ ва Шуайб алайҳиссаломлар Маккада вафот этишган эди. Уларнинг қабрлари Замзам ва Ҳажарул асвад рукни орасидадир.

Замзам ва Ҳажарул асвад орасида етмиш пайғамбар (бошқа ривоятга кўра ҳажга келиб вафот этган пайғамбарлардан тўқсон тўққиз пайғамбар) дафн этилган.

Унга ва юборилган барча пайғамбарларга салом бўлсин!

Нух алайҳиссалом бирор нарса тановул қилганда “Алҳамдулиллаҳ” дерди. Бирор нарса ичганида “Алҳамдулиллаҳ” дерди. Бирор нарса кийганида “Алҳамдулиллаҳ” дерди. Бирор нарсага минганида “Алҳамдулиллаҳ” дерди. Шу боисдан Аллоҳ таоло унга (шукр қилувчи банда) исмини берган.

### **Пайғамбарларнинг улуғлари**

Саҳиҳ бир ҳадисга кўра, пайғамбарларнинг саййиди ва улуғлари беш нафардир:

1. Нух.
2. Иброҳим.
3. Мусо.
4. Исо.
5. Муҳаммад алайҳиссаломлар.

Муҳаммад алайҳиссалом бу беш пайғамбарнинг саййидидир.

## **Нух алайҳиссаломнинг Абул башар эканлиги ва барча инсонларнинг унинг ўғилларидан тарқалгани**

Қуръони каримдаги “Унинг (Нух алайҳиссаломнинг) зурриётини боқий қолувчи кишилар қилиб қўйдик” оят ҳақида Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “Нух алайҳиссаломнинг уч ўғли бор эди: Сом, Ҳом ва Ёфас. Сом арабларнинг отаси, Ёфас рум халқининг отаси ва Ҳом ҳабашларнинг отасидир”, - деб марҳамат қилади.<sup>1</sup>

Нух алайҳиссалом Одам алайҳиссаломдан кейинги абул башар (инсонларнинг отаси)дир. Бошқача қилиб айтганда, инсонларнинг биринчи отаси Одам алайҳиссалом, иккинчи отаси Нух алайҳиссаломдир.

## **Нух алайҳиссаломнинг ер юзини уч ўғли ўртасида тақсимлаши**

Нух алайҳиссалом ер юзини уч ўғли ўртасида тақсимлади. Ўғли Сомга ер юзининг ўрта ва юқори қисмини берган эдики, бу Байтул Мақдис, Нил, Фирот, Дижла, Сайхун, Жайхун ва Файсун дарёлари, бу дарёларнинг суви етган жойларни ўз ичига олади ва Файсун ҳамда Нилнинг шарқий қирғоқларигача, орқа томонидан жануб шамоллари эсадиган бурунгача бўлган жойларга қадар бориб етган эди.

Ўғли Ҳомга Нилнинг ғарбий қирғоғи ва орқа томонидаги ерларни берган эди.

Ёфасга эса Файсун ва унинг орқа томонидаги ҳамда жанубий шамоллар эсадиган бурунга қадар бўлган ерлар берилган эди. Ёфас мағриб ва машриқ орасида қўноқлаган эди. Ёфас ўғилларидан Сақолиб ва Исбоннинг юрти румлардан олдин Арзирум эди.

<sup>1</sup> Ибн Саъд. Табақот. 1-жилд, б. 42. ; Аҳмад ибн Ханбал. Муснад. 5-жилд, б. 11. ; Термизий. Сунон. 5-жилд, б. 365.

Турк, ҳазар ва бошқа араб бўлмаган халқлар Ёфаснинг авлодларидир. Ёфас ўғилларидан бўлган туркларнинг баъзилари шаҳарларда ўтроқ ҳаёт кечирса, яна баъзилари тоғ ва қирларда кўчманчи ҳаёт кечиришар, ўтовларда яшаб овчилик билан машғул эдилар. Туркларнинг буюк ҳукмдорлари ҳоқон саналиб, уларнинг олтин тахти, олтин тожи ва олтин камари бор эди. Ипакдан кийим киярди.

Ҳом денгиз қирғоғига бориб жойлашди. Ҳомнинг Куш, Канъон ва Қутлар Қут, Ҳинд ва Синд ерларига бориб жойлашди. У ернинг халқи Қутнинг авлодларидир. Судон, Нуба, Зана, Қоран, Зағава, Ҳабаша, Қибт ва Берберлар эса Ҳомнинг Куш ва Канъон исмли ўғилларидан тарқаган.

Нух алайҳиссаломнинг ўғли Сом Арзи Ҳаром ва унинг атрофига жойлашган эди. Унинг ерлари Яман, Ҳадрамавт, Уммон, Алиж ва Ябрин, Вабор, Девв ва Даҳнага қадар чўзилган эди.

### **Нух алайҳиссалом билан Иброҳим алайҳиссалом орасидаги наслар**

Нух алайҳиссаломнинг ўғли Сом илм, зеҳн, қалб тозалиги, фаҳм жиҳатидан бошқа биродарларидан устун бўлгани учун Нух алайҳиссалом уни ўз ўрнига вакил қилиб қолдирди ва унга пайғамбарлик сирлари ҳамда ҳикматини ўргатди. Бошқа ўғилларига эса Сомга бўйсунिशларини амр этди.

Пайғамбарлар, авлиёлар, сиддиқлар, солиҳлар, султонлар, амирларнинг унинг наслдан дунёга келишини сўраб Аллоҳга илтижо қилди.

Нух алайҳиссаломдан сўнг ўғли Сом Аллоҳ таолога тоат-ибодат қилиш, ўзи масъул бўлган вазифаларни бажариш билан машғул бўлди.

Сом ўлими яқинлашганда ўғли Арфаҳшадни ўрнига қолдирди. Сом олти юз ёшида вафот этди. Сомдан

сўнг Арфаҳшад Аллоҳ таолога тоат-ибодат қилиш билан машғул бўлди.

Арфаҳшад вафоти яқинлашганда ўғли ва оиласини ёнига чақириб, Аллоҳга ибодат қилишни сусайтирмасликларини ва маъсиятлардан узоқ бўлишларини буюрди. Шунингдек, ўғли Шолиҳга: “Васиятимни қабул қил. Мендан кейин оиламизда Аллоҳ таолога ибодат қилувчи бўл”, - деди. Арфаҳшад вафот этганида тўрт юз олти миш беш ёшда эди.

Шолиҳ отасининг васиятига амал қилди. Ўзидан сўнг ўрнига ўғли Абирни қолдирди. Лаънатланган Қобил ўғилларининг ишларидан узоқ бўлишни унга амр этди. Шолиҳ вафот этганида тўрт юз ўттиз ёшда эди.

Абир оталарининг динини ўзгартирган ва гуноҳлардан сақланмаган Канъон ибн Ҳом ўғиллари билан бирга бўлмасликни Сом ўғилларига уқтирди. Ўлим соати яқинлашганда эса ўғли Фолиғни ўрнига қолдирди. Унга айтди: “Эй, ўғлим! Малъун Қобил ўғиллари Аллоҳ таолога осий бўлиб, гуноҳ ишларга берилганда Шис ўғиллари улар олдига тушиб келди. Аллоҳ таоло эса уларнинг устига азобини юборди. Сен ва қавминг асло Канъон ўғилларига яқин йўламанглар!” Абир вафот этганида уч юз қирқ ёшда эди.

Фолиғ ҳам ўз қавмини тавҳидга даъват қилди ва ўзидан сўнг ўғли Аргуни қолдирди. Фолиғ вафот этганида икки юз ўттиз тўққиз ёшда эди.

Аргу Намруднинг замонида яшади. У икки юз ёшида вафот этди. Аргудан сўнг ўрнига унинг ўғли Саруғ қолди. Унинг даврида золим ва зўравонлар кўпайган, бутпарастлик кенг ёйилган эди. Халқ санам, тош, дарахт, сув, шамол сингари нарсаларга топина бошлаган эди.

Саруғ вафот этаётганида ўғли Наҳорни ўрнига қолдирди. Саруғ вафот этганида икки юз ўттиз ёшда эди.

Наҳор даврида Аллоҳ таоло ерни қаттиқ зарб билан силкитди. Барча санамлар турган жойидан йиқилди. Би-

роқ бу ҳеч кимга сабоқ бўлмади. Яна санамларни ўринларига қўйдилар.

Бу даврда золим ва зўравонлар Од ибн Авс ибн Эрам ибн Сом ибн Нуҳ ўғиллари бўлиб, уларнинг юрти Ҳадрамавт юксакликларидан Нажрон водийларига қадар чўзилган эди. Од қавми Аҳқофда узун, ингичка қум зарралари қоплаган тепаликларда яшашарди.

Улар гуноҳларини кўрайтирганда Аллоҳ таоло уларга биродарлари Худ алайҳиссаломни пайғамбар этиб юборди. Худ алайҳиссалом уларни ягона Аллоҳга сиғинишга ва гуноҳлардан тийилиб, Аллоҳга осий бўлмасликка чақирган бўлса-да, унинг қавми Худ алайҳиссаломни ёлғончига чиқарди. Аллоҳ таоло уч йил улардан ёмғирни тўхтатиб қўйди. Улар ёмғир ёғдиради деб ўйлаган қора булутдан эса қаттиқ чақмоқ чақиб уларни ҳалок этди.

Эрам ибн Сом ўғилларидан Самуд ибн Абир (ёки Жойир, у Однинг амакисининг ўғли эди) Хижрга жойлашди. Аллоҳ таоло уларга биродарлари бўлган Солиҳ алайҳиссаломни пайғамбар этиб юборди.

Эрам ибн Сомнинг ўғли Лавазнинг ўғиллари Тасм ва Жадис Ямома ва Бахрайнга бориб жойлашишди. Уларнинг биродарлари Амлик (Имлик) ибн Лаваз бўлиб, унинг авлодидан баъзилари Маккага, яна баъзилари эса Шомга келиб жойлашдилар. Амолик деб номланган қавм мана шулар бўлиб, улар ҳар ерга тарқалган эди. Миср фиръавнлари, мутағоллибалар, форс шоҳлари ва Хуросон ҳукмдорлари мана шулар наслидан эди.

Унинг биродари Умайм ибн Лаваз Форс ерларига бориб жойлашди. Барча форсийлар унинг авлодларидир.

Эрамнинг ўғли Мош эса Бобилда эди. Мошнинг ўғли Намруд ўша ерда туғилган эди. Намруд Бобилда қаср қурдирган ва беш юз йил ҳукмронлик қилган кимсадир. Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломни мана шу Намруд даврида Бобил халқига пайғамбар сифатида юборди.

Абир ибн Шолиҳнинг ўғли Қаҳтоннинг Ёъруб ва Яктон исмли икки ўғли бор эди. Қаҳтон бутун яманликларнинг отаси бўлиб, араб тилида биринчи марта аниқ сўзловчи киши эди. Қаҳтоннинг ўғли Яъруб Яман ҳудудига жойлашган эди. У ҳам яманликларнинг отаси эди ва арабча сўзларди. Яъруб қиролларга хос “Анъим сабаҳан” (“Тонгингиз хайрли бўлсин!”) ва “Абайталлаъна” (“Наслингдан лаънат ва нафрат эттирувчи ҳоллар содир бўлмасин”) шаклида салом берилувчиларнинг дастлабкиси эди.

Қаҳтоннинг ўғли Яктон эса Журҳумнинг отаси, Журҳум Яърубнинг амакиваччаси эди. Журҳумийлар Яманда истиқомат қилишар ва арабча сўзлашишарди. Кейинчалик Маккага келиб жойлашишди. Қатуралар уларнинг амакиларининг ўғилларидир.

Аллоҳ таоло шундан сўнг Маккага Исмоил алайҳиссаломни жойлаштирди. Исмоил алайҳиссалом Журҳумийларнинг бир қизига уйланди.

Хуллас, араб ва араб бўлмаган барча пайғамбарлар; яманлик, низорлик барча араблар Сом ибн Нуҳнинг авлодлари эди.

## ҲУД АЛАЙҲИССАЛОМ

### Ҳуд алайҳиссаломнинг насли ва касби

Ҳуд (Абир) ибн Абдуллоҳ ибн Рабоҳ ибн Ҳолуд (ёки Жоруд) ибн Од ибн Авс ибн Эрам ибн Сом ибн Нуҳ алайҳиссаломдир. У Од қавми орасида ота ҳамда она томондан иззат ва ҳурматга сазовор эди. Тижорат билан шуғулланарди.

### Ҳуд алайҳиссаломнинг шакл ва шамойили ҳамда баъзи сифатлари

Ҳуд алайҳиссалом ўрта бўйли, буғдойранг, қалин сочили, чиройли юзли эди. Одам алайҳиссаломга ўхшарди.

Жуда кучли эди. Зухд ва тақво соҳиби эди. Камбағалларга кўп-кўп садақа берарди.

### Худ алайҳиссаломнинг қавми

Худ алайҳиссаломнинг қавми Од қавми эди. Од қавми биринчи ва иккинчи Од қавми тарзида иккига ажраларди. Биринчиси, Од ибн Авс ибн Эрам ибн Сом ибн Нуҳ алайҳиссалом бўлса, иккинчиси, Самуд ибн Жойир ибн Эрам ибн Сом ибн Нуҳ алайҳиссаломдир.

Исмоил алайҳиссаломдан олдинги биринчи Од қавми ўн-ўн уч қабиладан иборат уч-тўрт минг кишилик халқ эди. Од, Самуд, Журҳум, Тасм, Жадис, Умайм, Мадйан, Имлок, Убайл, Жасим, Қахтон ва Қахтон ўғиллари “арабу-л ариба”; Исмоил алайҳиссаломнинг ўғиллари бўлган қабилалар эса “арабу-л мустаъраба” деб номланади.

### Худ алайҳиссалом қавмининг манзиллари ва одатлари

Од қавмининг манзили Ҳадрамавт ва Ямангача бўлган ерлар бўлиб, кенг, серсув, серҳосил, сербарака ерлар эди.

وَاتَّقُوا اللَّهَ الَّذِي أَمَدَّكُمْ بِمَا تَعْلَمُونَ ﴿١٣٢﴾ أَمَدَّكُمْ بِأَنْعَامٍ وَبَيْنَ ﴿١٣٣﴾ وَجَنَّتِ وَعُيُونٌ ﴿١٣٤﴾

“Сизларни ўзларингиз биладиган (моддий) неъматлар билан сийлаган зотдан (Аллоҳдан) қўрқингиз! У сизларга чорва ҳайвонлари ва (сиз ёқтирадиган) ўғиллар билан қўллади, боғлар ва булоқлар билан ҳам”.<sup>1</sup>

وَأذْكُرُوا إِذْ جَعَلَكُمْ خُلَفَاءَ مِنْ بَعْدِ قَوْمِ نُوحٍ وَزَادَكُمْ فِي الْخَلْقِ بَصُطَةً ۗ فَاذْكُرُوا آيَاتِ اللَّهِ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿٦٩﴾

<sup>1</sup> Шуаро сураси, 132-134-оятлар.

“...Аллоҳ сизларни Нуҳ қавмидан кейин халифа қилиб қўйган ва сизларни жисмонан зиёда қилганини эслангиз!<sup>1</sup> Бас, Аллоҳнинг неъматларини эслангиз, токи (охиратда) нажот топгайсиз”.<sup>2</sup>

وَتِلْكَ عَادٌ جَحَدُوا بِآيَاتِ رَبِّهِمْ وَعَصَوْا رُسُلَهُ، وَاتَّبَعُوا أَمْرَ كُلِّ جَبَّارٍ  
عِنْدِ



“Ана шулар Од (қабиласи)дир. (Улар) Парвардигорларининг оятларини инкор этдилар, пайғамбарларига итоатсизлик қилдилар ва ҳар қандай золим-у қайсарларнинг буйруқларига эргашдилар”.<sup>3</sup> Садда, Самуд ва Ҳанна исмли санамларга сиғинишдан тийилмадилар.

### Худ алайҳиссаломнинг Од қавмига пайғамбар этиб юборилиши

Аллоҳ таоло Од қавмига биродарлари Худни пайғамбар этиб юборди. Худ ўз қавмини якка-ю ягона бўлган Аллоҳга имон келтиришга, зулм ва гуноҳ ишларни қилмасликка чақирган бўлса-да, улар уни инкор этдилар. Шунда Аллоҳ таоло улардан уч йил ёмғирни тўхтатиб қўйди. Уларни ёмғир дуоси учун Маккага бир ҳайъат юборишга мажбур қилди ва ёмғир ёғдиради деб ўйлашган булут, бўрон келтириб уларни ҳалок этди.

### Қуръони карим Од қавми ҳақида

Худ алайҳиссаломнинг Од қавмига пайғамбар этиб юборилиши ва уларнинг бунга муносабати ҳамда хатти-ҳаракатларининг оқибати хусусида Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади:

<sup>1</sup> Улардан энг паканасининг бўйи олтмиш, новчасининг бўйи юз газ бўлган (Мд. Хз.).

<sup>2</sup> Аъроф сураси, 69-оят.

<sup>3</sup> Худ сураси, 59-оят.

وَالِى عَادِ أَخَاهُمْ هُودًا قَالَ يَقَوْمِ اعْبُدُوا اللَّهَ مَا لَكُمْ مِنْ إِلَهٍ غَيْرُهُ أَفَلَا تَتَّقُونَ ﴿٦٥﴾ قَالَ الْمَلَأُ الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ قَوْمِهِ إِنَّا لَنَرُّكَ فِي سَفَاهَةٍ وَإِنَّا لَنُظُنُّكَ مِنَ الْكٰذِبِينَ ﴿٦٦﴾ قَالَ يَقَوْمِ لَيْسَ بِي سَفَاهَةٌ وَلٰكِنِّى رَسُوْلٌ مِّن رَّبِّ الْعٰلَمِيْنَ ﴿٦٧﴾ اٰتٰلِفُكُمْ رَسَلَتْ رَبِّىْ وَاَنَا لَكُمْ نٰصِحٌ اٰمِيْنٌ ﴿٦٨﴾ اَوْعَجِبْتُمْ اَنْ جَآءَكُمْ ذِكْرٌ مِّن رَّبِّكُمْ عَلٰى رَجُلٍ مِّنكُمْ لِيُنذِرَكُمْ وَاذْكُرُوْا اِذْ جَعَلَكُمْ خُلَفَآءَ مِنْۢ بَعْدِ قَوْمِ ثُوْجٍ وَّزَادَكُمْ فِى الْخَلْقِ بَصۜطَةً فَاذْكُرُوْا ءَالَآءَ اللّٰهِ لَعَلَّكُمْ تُفْلِحُوْنَ ﴿٦٩﴾ قَالُوْا اٰجِثْنَا لِنَعْبُدَ اللّٰهَ وَحَدَّهُ وَنَذَرَ مَا كَانَ يَعْبُدُ اٰبَاؤُنَا فَاِنَّا بِمَا تَعْدُنَا اِنْ كُنْتَ مِنَ الصّٰدِقِيْنَ ﴿٧٠﴾ قَالَ قَدْ وُقِعَ عَلَيَّكُمْ مِّن رَّبِّكُمْ رَجْسٌ وَّعَضْبٌ اَتَجِدِلُوْنِىْ فِىْ اَسْمَآءِ سَمِيْتُمْوَهَا اَنْتُمْ وَاٰبَاؤُكُمْ مَا نَزَلَ اللّٰهُ بِهَا مِنْ سُلْطٰنٍ فَاَنْظِرُوْا اِنِّى مَعَكُمْ مِّنَ الْمُنْتَظِرِيْنَ ﴿٧١﴾

“Од (қавми)га уларнинг биродари Худни (элчи қилиб юбордик). (У) деди: “Эй, қавмим! Аллоҳга сиғингиз! Сизларга Ундан ўзга илоҳ йўқдир. (Аллоҳдан) қўрқмайсизми?!” Қавмининг кофир бўлган зодагонлари айтдилар: “Биз сени нодонликда (эканингни) кўряпмиз. Биз сени ёлғончиларданмикан, деб гумон қиляпмиз”. У (Худ) айтди: “Эй, қавмим! Менда нодонлик йўқ. Лекин мен оламлар Раббидан (юборилган) элчидирман. Сизларга Раббимнинг топшириқларини етказяпман ва мен сизларга ишончли насихатгўйдирман”. Сизларни огоҳлантириш учун ўзларингиздан (бўлмиш) бир киши зиммасида сизларга Раббингиздан эслатма келганидан ажаблан-

япсизми?! Аллоҳ сизларни Нуҳ қавмидан кейин халифа қилиб қўйган ва сизларни жисмонан зиёда қилганини эслангиз! Бас, Аллоҳнинг неъматларини эслангиз, токи (охиратда) нажот топгайсиз. Айтдилар: “Фақат ягона Аллоҳга сиғинишимиз ва ота-боболаримиз сиғиниб келган нарса (бут-санамлар)ни тарк этишимизга (даъват қилиш учун) бизнинг ҳузуримизга келдингми? Агар ростгўйлардан бўлсанг, бизга (ўша) ваъда қилган (қўрқитган) нарсангни келтир!” (Худ) айтди: “Сизларнинг устингизга Раббингиз (томони)дан азоб ва ғазаб ёғилиб бўлган. Сизлар ва ота-боболарингиз номларини атаб (сиғиниб юрган), Аллоҳ уларга бирор ҳужжат (ҳукм) туширмаган (бут-санамлар) тўғрисида мен билан баҳслашмоқчимисиз?! (Азоб келишини) кутингиз! Мен ҳам сизлар билан бирга кутувчилардандирман”.<sup>1</sup>

يَنْقَوْمٍ لَا أَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ أَجْرًا إِنْ أَجَرْتُمْ إِلَّا عَلَى الَّذِي فَطَرَنِي أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿٥١﴾ وَيَنْقَوْمٍ أَسْتَغْفِرُوا رَبَّكُمْ ثُمَّ تُوبُوا إِلَيْهِ يُرْسِلِ السَّمَاءَ عَلَيْكُمْ مِدْرَارًا وَيَزِدْكُمْ قُوَّةً إِلَى قُوَّتِكُمْ وَلَا تَتَوَلَّوْا مُجْرِمِينَ ﴿٥٢﴾ قَالُوا يَا هُوَذَا مَا جِئْتَنَا بِبَيِّنَةٍ وَمَا نَحْنُ بِتَارِكِي آلِ هَارُونَ عَنْ قَوْلِكَ وَمَا نَحْنُ لَكَ بِمُؤْمِنِينَ ﴿٥٣﴾

Эй, қавмим! Сизлардан (элчилик хизмати учун) ҳақ сўрамайман. Менинг ажрим (мукофотим) фақат мени яратган Зот зиммасидадир. Ақлни ишлатмайсизларми?! Эй, қавмим! Раббингиздан мағфират (кечирим) сўрангиз, сўнгра Унга тавба қилингиз, шунда у осмондан (ёмғир) ёғдирар ва қувватингизга қувват қўшар. Жиноятчи бўлиб кетмангиз! Улар дедилар: “Эй, Худ! Бизга бирор ҳужжат келтирмадинг.

<sup>1</sup> Аъроф сураси, 65-71-оятлар.

Биз сенинг (курук) гапинг билан илоҳларимизни тарк этувчи ҳам, сенга ишонувчи ҳам эмасмиз”.<sup>1</sup>

قَالُوا أَجِئْتَنَا لِنَأْفِكَنَا عَنِ ءِٰهْتِنَا فَاِنَّا بِمَا تَعِدُنَا اِنْ كُنْتَ مِنَ الصّٰدِقِيْنَ  
 ۲۲ قَالَ اِنَّمَا اَلْعِلْمُ عِنْدَ اللّٰهِ وَاُنْبِغِكُمْ مَا اُرْسِلْتُ بِهٖ وَلَكِنِّي اُرْسِلُكُمْ قَوْمًا  
 بَجْهَلُوْنَ ۲۲

Улар: “Сен бизларни худоларимиздан буриш учун келдингми?! У ҳолда агар ростгўй кишилардан бўлсанг, бизларга ваъда қилаётган нарсангни (азобни) келтиргин-чи?” – дедилар. У айтди: “(азоб ҳақидаги) Билим фақат Аллоҳ хузуридадир. Мен сизларга ўзим элчи қилиб юборилган (дин)ни етказурман. Лекин мен сизларнинг жоҳил қавм эканингизни кўриб турибман”.<sup>2</sup>

فَاتَّقُوا اللّٰهَ وَاَطِيعُوْنَ ۱۳۱

Бас, Аллоҳдан қўрқингиз ва менга (айтганларимга) итоат этингиз!<sup>3</sup>

اِنَّيْٓ اَخَافُ عَلَيْكُمْ عَذَابَ يَوْمٍ عَظِيْمٍ ۱۳۵ قَالُوا سَوَاءٌ عَلَيْنَا اَوَعظْتَ  
 اَمْ لَمْ تَكُنْ مِنَ الْوَاعِظِيْنَ ۱۳۶ اِنْ هٰذَا اِلَّا خُلُقُ الْاَوَّلِيْنَ ۱۳۷ وَمَا نَحْنُ  
 بِمُعَذَّبِيْنَ ۱۳۸

Мен сизларнинг устингизга улуғ кун (қиёмат)нинг азоби (етиши)дан қўрқаман. Улар дедилар: “Сенинг ваъзхонлик қилишинг ҳам, ваъз қилувчилардан бўлмаслигинг ҳам бизлар учун баробардир. Албатта, бу (айш-у ишратга берилиш бизга) аввалгилардан

<sup>1</sup> Худ сураси, 51-53-оятлар.

<sup>2</sup> Аҳқоф сураси, 22-23-оятлар.

<sup>3</sup> Шуаро сураси, 131-оят.

қолган хулқ (одат)дир. Бизлар (дунёда ҳам, охиратда ҳам) жазоланувчи эмасмиз”<sup>1</sup>.

وَقَالَ الْمَلَأُ مِنْ قَوْمِهِ الَّذِينَ كَفَرُوا وَكَذَّبُوا بِآيَاتِنَا الْآخِرَةِ وَأَتَرَفْنَاهُمْ فِي  
 الْحَيَاةِ الدُّنْيَا مَا هَذَا إِلَّا بَشَرٌ مِثْلُكُمْ يَأْكُلُ مِمَّا تَأْكُلُونَ مِنْهُ وَيَشْرَبُ  
 مِمَّا تَشْرَبُونَ ﴿٣٢﴾ وَلَئِنْ أَطَعْتُمْ بَشَرًا مِثْلَكُمْ إِنَّكُمْ إِذَا لَخَسِرُونَ ﴿٣٤﴾  
 أَعِدُّوا أَنْكُمْ إِذَا مِتُّمْ وَكُنْتُمْ تُرَابًا وَعِظْمًا أَنْكُمْ تُخْرَجُونَ ﴿٣٥﴾ هِيَآت  
 هِيَآت لِمَا تُوْعَدُونَ ﴿٣٦﴾ إِنْ هِيَ إِلَّا حَيَاتُنَا الدُّنْيَا نَمُوتُ وَنَحْيَا وَمَا  
 نَعْنُ بِمَبْعُوثِينَ ﴿٣٧﴾ إِنْ هُوَ إِلَّا رَجُلٌ افْتَرَى عَلَى اللَّهِ كَذِبًا وَمَا نَحْنُ  
 لَهُ بِمُؤْمِنِينَ ﴿٣٨﴾ قَالَ رَبِّ انصُرْنِي بِمَا كَذَّبُونَ ﴿٣٩﴾ قَالَ عَمَّا قَلِيلٍ  
 لَيُصْبِحُنَّ نَادِمِينَ ﴿٤٠﴾ فَأَخَذْتَهُمُ الصَّيْحَةَ بِالْحَقِّ فَجَعَلْنَاهُمْ عِجَاءً  
 فَبَعْدًا لِلْقَوْمِ الظَّالِمِينَ ﴿٤١﴾

Унинг қавмидан кофир бўлган, охират мулоқоти-ни инкор этган ва Биз дунё ҳаётида маишатпараст қилиб қўйган кимсалар дедилар: “Бу ҳам худди сизларга ўхшаган одам. У ҳам сизлар ейдиган нарсадан ейди, сизлар ичадиган нарсадан ичади. Қасамки, агар сизлар ўзингизга ўхшаган одамга итоат қилсангиз, у ҳолда сизлар, албатта, зиён кўрувчидирсиз. У сизларга ўлиб, тупроқ ва суякларга айланганингиздан кейин, албатта, (қабрларингиздан) чиқарилувчидирсиз, деб ваъда бермоқдами? Сизларга ваъда қилинаётган нарса (ақлдан) жуда-жуда узоқдир! Ҳаёт фақат (шу) дунёдаги ҳаётимиздир. (Айримларимиз) ўлсак, (бошқаларимиз) яшайверамиз. Биз қайта тирилувчи эмасмиз. У (Худ) фақат Аллоҳ шаънига ёлғон тўқиган шахсдир. Бизлар унга имон

<sup>1</sup> Шуаро сураси, 135-138-оятлар.

келтирувчи эмасмиз”. (Шунда Худ) айтди: “Эй, Раб-бим! Мени ёлғончи қилганлари боис менга ёрдам қилгин!” (Аллоҳ) деди: “Бироздан кейин улар, албатта, пушаймон бўлувчиларга айланиб қолурлар”. Бас, ҳақиқатан ҳам, уларни (мудҳиш бир) қичқириқ тутди. Биз эса уларни хазонга айлантирдик. Золимлар қавмига ҳалокат бўлмай!¹

فَلَمَّا رَأَوْهُ عَارِضًا مُّسْتَقْبِلَ أَوْدِيَّتِهِمْ قَالَوا هَذَا عَارِضٌ مُّطِيرٌ ۗ بَلْ هُوَ  
 مَا اسْتَعْجَلْتُمْ بِهِ ۗ رِيحٌ فِيهَا عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٢٤﴾ تُدْمِرُ كُلَّ شَيْءٍ بِأَمْرِ رَبِّهَا  
 فَأَصْبَحُوا لَا يُرَىٰ إِلَّا مَسَكِنُهُمْ كَذَلِكَ نَجْزِي الْقَوْمَ الْمُجْرِمِينَ ﴿٢٥﴾ وَلَقَدْ  
 مَكَّنَّاهُمْ فِيمَا إِنْ مَكَّنَّاكُمْ فِيهِ وَجَعَلْنَا لَهُمْ سَمْعًا وَأَبْصَارًا وَأَفْئِدَةً  
 فَمَا أَغْنَىٰ عَنْهُمْ سَمْعُهُمْ وَلَا أَبْصَارُهُمْ وَلَا أَفْئِدَتُهُمْ مِنْ شَيْءٍ إِذْ كَانُوا  
 يَجْحَدُونَ بِآيَاتِ اللَّهِ وَحَاقَ بِهِمْ مَا كَانُوا بِهِ يَسْتَهْزِئُونَ ﴿٢٦﴾

Бас, қачонки, улар ўша (азоб)ни ўз водийларига қараб келаётган бир (қора) булут ҳолида кўришгач: “Бу бизларга ёмғир келтирувчи булутдир”, - дедилар. Йўқ, у ўзларингиз қистаган нарса бўрондирки, унда (сизларга аталган) аламли азоб бордир. У Парвардигорининг амри билан барча нарсани вайрон қилур. Бас, (у бўрон келиб) тонг отганида фақат уларнинг (қолдик) масканларигина кўзга ташланар эди. Биз жиноятчи кишиларни мана шундай жазолаймиз.

Ҳалбуки, (эй, Макка аҳли!) Биз уларни (бойлик ва қувватда) сизларни қодир қилмаган нарсаларга қодир қилган эдик ва уларга қулоқ, кўз ва диллар (ато) қилган эдик. (Лекин) улар Аллоҳнинг оятларини инкор этганлари учун уларга қулоқ-кўзлари ҳам, дил-

¹ Муъминун сураси, 33-41-оятлар.

лари ҳам бирор фойда бермади ва уларни ўзлари масхара қилиб юрган нарсалари (азоб) ўраб олди.<sup>1</sup>

مَا نَذُرُ مِنْ شَيْءٍ أَنْتَ عَلَيْهِ إِلَّا جَعَلْتَهُ كَالرَّمِيمِ ﴿٤٢﴾

У (бўрон) ниманинг устидан ўтса, албатта, уни (ҳалок этиб), худди чириган суяқлардек қилиб қўяр эди.<sup>2</sup>

إِنَّا أَرْسَلْنَا عَلَيْهِمْ رِيحًا صَرْصَرًا فِي يَوْمٍ نَحْسٍ مُسْتَمِرٍّ ﴿١٩﴾ تَنْزِعُ النَّاسَ كَانْتِهِمْ  
أَعْجَازُ نَخْلِ مُنْفَعِرٍ ﴿٢٠﴾

Биз уларнинг устига давомли наҳс (шум) кунда бир даҳшатли бўронни юбордик. (У) одамларни суғурилувчи хурмо (дарахти) таналаридек суғуриб кетар эди.<sup>3</sup>

سَخَّرَهَا عَلَيْهِمْ سَبْعَ لَيَالٍ وَثَمَنِيَةَ أَيَّامٍ حُسُومًا فَتَرَى الْقَوْمَ فِيهَا  
صَرَعى كَانْتِهِمْ أَعْجَازُ نَخْلِ خَاوِيَةٍ ﴿٧﴾ فَهَلْ تَرَى لَهُمْ مِنْ بَاقِيَةٍ ﴿٨﴾

У (бўронни Аллох) уларнинг устига пайдар-пай етти кеча ва саккиз кундуз ҳукмрон қилиб қўйдики, энди у жойдаги қавмни (чириб) ичи бўшаб қолган хурмо дарахтининг танасидек қулаб, ҳалок бўлиб ётганини кўрасиз. Бас, улардан (бирор) асоратни кўряпсизми?! (Асло! Уларнинг барчалари ҳалок бўлиб битганлар).<sup>4</sup>

فَأَنجَيْنَاهُ وَالَّذِينَ مَعَهُ بِرَحْمَةٍ مِنَّا وَقَطَعْنَا دَابِرَ الَّذِينَ كَذَبُوا  
بِآيَاتِنَا وَمَا كَانُوا مُؤْمِنِينَ ﴿٧٢﴾

<sup>1</sup> Аҳкоф сураси, 24-26-оятлар.

<sup>2</sup> Зориёт сураси, 42-оят.

<sup>3</sup> Қамар сураси, 19-20-оятлар.

<sup>4</sup> Ҳоққа сураси, 7-8-оятлар.

**Уни (Худни) ва у билан бирга бўлган (мўмин)ларни Биздан бўлмиш раҳмат билан (азобдан) халос этдик ва оятларимизни ёлғонга чиқарганларни эса қириб ташладик. (Улар) мўмин бўлмадилар.<sup>1</sup>**

### **Худ алайҳиссаломнинг ҳажга бориши**

Пайғамбаримиз алайҳиссалом Видо ҳажида Осфан водийсига етганларида Абу Бакрдан (р.а.): “Эй, Абу Бакр бу қандай водий?” деб сўрайдилар. “Осфан водийси”, - деб жавоб беради Абу Бакр (р.а.). Шунда Пайғамбаримиз алайҳиссалом унга (Абу Бакрга) Худ алайҳиссаломнинг белини чакмон, белидан юқорисини ола рангли мато билан ўраб, ёш ва қизил, югани хурмо толасидан ўралган урғочи туя устида Ҳаж қилиш мақсадида шу ердан ўтганини айтган эдилар.

### **Худ алайҳиссаломнинг Маккага бориши ва вафоти**

Ривоятга кўра, пайғамбарлардан уммати ҳалок бўлганлар ўзига итоат қилганлар билан бирга Маккага келар, у ерда Аллоҳга ибодат билан машғул бўлар ва ўша ерда вафот этишарди.

Од қавми ҳалок бўлгач, Худ алайҳиссалом ҳам ўзига итоат этганлар билан бирга Маккага борди ва у ердан (бошқа жойга) кетмади.

Маккада вафот этган етмиш (бошқа бир ривоятда тўқсон тўққиз) пайғамбар Замзам билан Ҳажарул асвад орасига дафн этилган. Худ алайҳиссалом ҳам улар орасидадир.

Худ алайҳиссаломнинг Ҳадрамавтда вафот этгани, қабрининг ўша ердаги қизил қумли тепаликда жойлашгани ва вафот этганида унинг тўрт юз олтмиш ёшда бўлгани ривоят қилинади.<sup>2</sup>

**Унга ва барча пайғамбарларга саломлар бўлсин!**

<sup>1</sup> Аъроф сураси, 72-оят.

<sup>2</sup> Мир Хованд. Равзат-ус сафо таржимаси, б. 147.

## СОЛИҲ АЛАЙҲИССАЛОМ

### Солиҳ алайҳиссаломнинг насл-насаби ва касб-кори

Солиҳ ибн Убайд ибн Эсиф (ёки Осиф) ибн Камошич (ёки Масиж ёки Масих) ибн Убайд ибн Ҳодир (ёки Ҳозир, ёки Жодир, ёки Ҳожир) ибн Самуд ибн Абир (ёки Жойир) ибн Эрам ибн Сом ибн Нуҳ алайҳиссаломдир.

Солиҳ алайҳиссалом Самуд қавми ичида ота ва она томонидан ҳурмат-эътиборга эга эди. Савдо-сотик билан машғул эди.

### Солиҳ алайҳиссаломнинг шакл ва шамойили

Солиҳ алайҳиссалом Исо алайҳиссаломга ўхшарди: оқ-сариқдан келган, сочлари текис эди.

### Самуд қавми ва уларнинг манзили

Солиҳ алайҳиссаломнинг қавми иккинчи Од деб номланган қавм бўлиб, араб-ул арибалардан эди.

Аллоҳ таоло биринчи Од қавми, яъни Ҳуд алайҳиссаломнинг қавмини ҳалок этгач, уларнинг ортидан Самуд қавмини ер юзига ҳоким қилди. Аллоҳ таоло уларни узок умрли қилиб яратган эди. Баъзида улардан бири тош ва лойдан уй қураб, у ҳали ҳаётлигидаёқ бу уй нураб, эскириб, ҳатто қулаб тушарди. Шу боисдан улар тоғда қояларни ўйиб ўзларига уй қурдилар. Уларга неъматлар мўл қилиб берилди.

Самуд қавми Ҳижоз билан Шом орасидаги Водилқурагача чўзилган Ҳижр<sup>1</sup> худудида истиқомат қилишарди.

Истаҳрий Ҳижр ҳақида қуйидаги маълумотларни қайд этади: “Ҳижр – халқи кўп бўлмаган бир жойдир. Тоғлар орасида жойлашган бўлиб, у ердан Водилқурага бир кунлик йўл. Қуръони каримда марҳамат қилинган

<sup>1</sup> Ҳижр – Мадина билан Шом орасидаги Самуд қавмининг юртидир.

Самуд қавми тоғлардан йўниб ясаган уйлар<sup>1</sup> мана шу ерда жойлашган. Асолис деб номланган бир тоғда ташқи кўриниши ҳозирги уйларга ўхшаш, жуда юксак уйларни кўрдим. Узоқдан қараганлар уларни бир-бирига улашиб кетган тоғлар деб ўйлашади. Яқинлашгач, уларнинг алоҳида-алоҳида қурилганини кўради. Уларнинг атрофини бемалол кезиш мумкин. Бу уйларнинг устига катта машаққат билан чиқиш мумкин”.

Аллоҳ таоло: “(Менинг мўъжизам) мана шу туюдир. (Маълум бир кун сув) ичиш навбати уникидир. Маълум бир кун эса сизларнинг ичиш навбатингиздир”, - деб марҳамат қилган Самуд қудуғи ҳам мана шу ерда жойлашган.

### **Солиҳ алайҳиссаломнинг Самуд қавмига пайғамбар этиб юборилиши**

Самуд қавми бутунлай йўлдан озиб, бут-санамларга сиғинишни, ер юзида фасод чиқаришни бошлаганларида Аллоҳ таоло Солиҳ алайҳиссаломни пайғамбар қилиб юборди. Солиҳ алайҳиссалом ўз қавмини тавҳидга, яъни ёлғиз Аллоҳга сиғинишга чақириб, илоҳлари саналган санамлардан воз кечишларини ва ҳеч бир нарсани Аллоҳга шерик қилмасликларини билдирди. Бироқ улар Солиҳ алайҳиссаломнинг бу даъватини куфр билан қарши олдилар ва уни инкор қилдилар.

Самуд (қабиласи ўтган барча) пайғамбарларни инкор этди.<sup>2</sup> Солиҳ алайҳиссалом йигирма йил уларни ҳидоятга чақирди. Улар Солиҳ алайҳиссаломдан сўзларини исботловчи далил истадилар. Солиҳ алайҳиссалом улардан: “Қандай мўъжиза истамоқдасиз?” – деб сўради.

Самуд қавмининг ҳар йили маълум вақтда санамларини ўзлари билан олиб чиқиб нишонлайдиган байрам-

<sup>1</sup> Шуаро сураси, 149-оят.

<sup>2</sup> Шуаро сураси, 141-оят.

лари бор эди. Улар айтдилар: “Сен ўз илоҳингга илтижо қил, биз ўз санамларимизга ёлворайлик. Агар сенинг илоҳинг дуонгни қабул қилса, биз сенга итоат қиламиз. Йўқ, агар бизнинг илоҳларимиз дуомизни ижобат қилса, у ҳолда сен бизга тобе бўласан!” Солиҳ алайҳиссалом уларнинг шартини қабул қилди.

Самуд қавми ўз дуосида Солиҳ алайҳиссаломнинг дуоси қабул қилинмаслигини сўрадилар. Шунда Самуд қавмининг улуғларидан бири бўлган Жанда ибн Амр айтди: “Эй, Солиҳ! Ана у қоянинг олдига биз билан бирга борасан. Қоя ичидан шунақа-шунақа сифатли бир туя чиқара олсанг, сенинг пайғамбарлигинг ҳақдир ва биз сенга итоат қилурмиз!”

Солиҳ алайҳиссалом бу ишни бажарса, ўзининг пайғамбарлигини қабул қилиб, унинг сўзларига итоат қилишлари хусусида улардан сўз олгач, қоя ёнида намоз ўқиди. Аллоҳ таолога дуо қилди. Шунда бояги қоятош худди ҳомиладор аёл сингари ҳаракатланди ва ичидан Самуд қавми истаган белгиларга эга туя чиқди. Шунда Жанда ибн Амр билан бирга Самуд қавмидан яна бир қанча киши Солиҳ алайҳиссаломга итоат қилди.

Жанда ибн Амрнинг амакиваччаси Шиноб ибн Халифа сингари Самуд қавмининг буюклари ҳам Солиҳ алайҳиссаломга итоат қилишни истаган бўлсалар-да, қавм улуғларидан Зуаб ибн Амр, Ҳаббоб ва Рабоб бунга йўл қўймадилар.

### **Самуд қавмининг мўъжизали туяни ўлдиришлари ва Солиҳ алайҳиссаломни ҳам ўлдиришга уринишлари**

Солиҳ алайҳиссалом Парвардигори берган туянинг ёнидан ҳеч узоққа кетмасди. Қаерга борса, уни ўзи билан олиб кетарди. Туя бир кун Самуд қавмининг сувидан ичар, бошқа куни эса Самуд қавми сувдан ичарди. Шунда улар кибрга берилиб, Аллоҳнинг амрига қарш

чиқдилар ва туяни бўғизладилар. Туяни бўғизлаганлардан бири қизил-сарик юзли, кўк кўзли, кўса ва калта одам эди. Иккинчиси эса узун бўйли, ақлсиз ва қўрқоқ киши эди.

Она туя бўғизлангач, боласи тоғ томонга қочди. У Солиҳ алайҳиссаломни кўриб йиғлади ва уч маротаба бўкирди. Солиҳ алайҳиссалом Самуд қавмига: “Бу бўта-лоқнинг ҳар бўкириши бир ажалдир. Юртингизда яна уч кун яшайсиз! Бу аниқ бир ваъдадир!”, - деди.

Самуд қавми Солиҳ алайҳиссаломни ўлдиришга ури-нишди, бироқ Аллоҳ таоло бунга йўл қўймади.

### **Самуд қавмининг ҳалок бўлиши**

Самуд қавми Солиҳ алайҳиссаломни масхара қилиб, қачон азобга дучор бўлишларини сўрадилар. Солиҳ алайҳиссалом айтди: “Бунинг биринчи аломати, биринчи куни юзларингиз сарғайган ҳолда тонг оттирасиз! Иккинчи кун эса юзингиз қизарган ҳолда тонг оттирасиз! Учинчи кун эса юзларингиз қорайган ҳолда тонг оттирасиз!”

Ҳақиқатан ҳам, тонг отганда катта-ю кичик барчанинг юзи сап-сарик эди. Шунда Самуд қавми ҳалок бўлишларини ва Солиҳ алайҳиссаломнинг тўғри гапирганини англадилар. Иккинчи кун юзлари қип-қизил эди. Учинчи куни эса худди қора куя сурилгандек юзлари қоп-қора бўлган эди.

Тўртинчи куни якшанба куни эди. Тонг отганида азобнинг ўзларига қайси томондан келишини билмай гоҳ юқорига, гоҳ атрофларига қарар эдилар.

Тонг палласи уларни кўкдан ва ер остидан даҳшатли қичқириқ тутди ва уларнинг жонлари баданларидан учди, нафаслари тўхтади. Аллоҳ сақлаб қолган ёлғиз бир кишидан ташқари ҳалок бўлмаган киши қолмади. Қутулиб қолган бу киши Абу Риғол эди.

Од қавмининг ҳалок бўлиши билан Самуд қавмининг ҳалок бўлиши орасидаги муддат беш юз йил эди.

### Қуръони карим Самуд қавми ҳақида

Солиҳ алайҳиссаломнинг Самуд қавмига юборилиши, уларнинг муносабати ва хатти-ҳаракатларининг оқиба-ти хусусида Қуръони каримда шундай марҳамат қили-нади:

وَلَقَدْ كَذَّبَ أَصْحَابُ الْحِجْرِ الْمُرْسِلِينَ ﴿٨٠﴾ وَعَائِنْتَهُمْ آيَاتِنَا فَكَانُوا  
عَنْهَا مُعْرِضِينَ ﴿٨١﴾ وَكَانُوا يَنْحِتُونَ مِنَ الْجِبَالِ بُيُوتًا ءَامِنِينَ ﴿٨٢﴾

“Аниқки, Ҳижр (водий) эгалари (Самуд қавми) ҳам пайғамбарларни, (хусусан, Солиҳни) ёлғончига чиқарган эдилар. Биз уларга Ўз оятларимизни келтирган эдик, лекин улардан юз ўгирувчи бўлдилар. (Улар) тоғлардан йўниб, уй ясаб хавфсиз юрар эдилар”.<sup>1</sup>

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا إِلَىٰ ثَمُودَ أَخَاهُمْ صَالِحًا أَنِ اعْبُدُوا اللَّهَ فَإِذَا هُمْ فَرِيقَانِ يَخْتَصِمُونَ ﴿٤٥﴾ قَالَ يَتَقَوْمِ لِمَ تَتَّعِلُونَ بِالسَّيْئَةِ قَبْلَ الْحَسَنَةِ لَوْلَا تَسْتَغْفِرُونَ اللَّهَ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ ﴿٤٦﴾ قَالُوا أَطِئْنَا بِكَ وَبِمَنْ مَعَكَ قَالَ طَئِرِكُمْ عِنْدَ اللَّهِ بَلْ أَنْتُمْ قَوْمٌ تُفْتَنُونَ ﴿٤٧﴾ وَكَانَ فِي الْمَدِينَةِ بَسْعَةٌ رَهَطٍ يُفْسِدُونَ فِي الْأَرْضِ وَلَا يُصْلِحُونَ ﴿٤٨﴾ قَالُوا تَقَاسَمُوا بِاللَّهِ لَنُبَيِّتَنَّهُ وَأَهْلَهُ ثُمَّ لَنَقُولَنَّ لِوَلِيِّهِ مَا شَهِدْنَا مَهْلِكَ أَهْلِهِ وَإِنَّا لَصَادِقُونَ ﴿٤٩﴾ وَمَكْرُؤًا مَكْرًا وَمَكْرًا مَكْرًا وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ ﴿٥٠﴾

<sup>1</sup> Ҳижр сураси, 80-82-оятлар.

“Қасамки, Биз Самуд (қабиласи)га биродарлари Солиҳни пайғамбар этиб юбордик. (У): “Аллоҳга ибодат қилингиз!” (деди). Бас, беҳос улар келиша олмайдиган икки гуруҳга (кофирлар ва мўминларга) бўлиндилар. (У) айтди: “Эй, қавмим, нега сизлар азоб сўраш билан яхшилик (раҳмат)дан илгари ёмонлик (азоб)ни шоштирмоқдасиз?! Сизларга раҳм қилиниши учун Аллоҳдан мағфират сўрасангиз бўлмасми?!” Улар дедилар: “Бизлар (бошимизга тушган қаҳатчиликни) сен ва сен билан бирга бўлганлардан деб шумландик”. У айтди: “Сизларнинг ишингиз Аллоҳ ҳузуридадир. Аксинча, сизлар имтиҳон қилинаётган қавмдирсиз”. У шаҳарда (Хижр шаҳрида) ислоҳот ўрнига ер юзида бузғунчилик қилиб юрадиган тўққиз нафар (бойвачча) кимсалар бор эди. Ўшалар Аллоҳ номига қасам ичишиб (бир-бирларига) айтдилар: “Албатта, (Солиҳни) ва унинг аҳли (тобелари)ни тунда ҳалок қилурмиз, сўнгра унинг ворисига: “Бизлар (на Солиҳнинг ва на) унинг аҳлининг ҳалокатига гувоҳ бўлган эмасмиз. Албатта, бизлар ростгўй кишилардирмиз”, - деймиз”. Улар макр қилдилар. Биз ҳам улар сезмаган ҳолларида (уларни ҳалок қилиш билан) “макр” қилдик<sup>1,2</sup>

وَالَّذِينَ آمَنُوا مِنْكُمْ وَأَسْتَغْفِرُوا لَهُمْ سَابِقَاتِهِمْ لَعْنَةُ اللَّهِ وَالَّذِينَ لَا يُؤْمِنُوا بِالْآيَاتِ وَالْحُكْمِ وَالَّذِينَ يَدَّبَعُونَهُمْ وَسَاءَ يَوْمَئِذٍ حِطًّا عَلَيْهِمْ  
 وَإِلَى ثَمُودَ أَخَاهُمْ صَالِحًا قَالَ يَا قَوْمِ اعْبُدُوا اللَّهَ مَا لَكُمْ مِنْ إِلَهٍ غَيْرُهُ  
 هُوَ أَنْشَأَكُمْ مِنَ الْأَرْضِ وَاسْتَعْمَرَكُمْ فِيهَا فَاسْتَغْفِرُوهُ ثُمَّ تَوْبُوا إِلَيْهِ إِنَّ رَبِّي قَرِيبٌ مُجِيبٌ

<sup>1</sup> Солиҳ алайҳиссалом бир қоядаги ғор ичини ибодатгоҳ қилиб олиб, ўша ерда намоз ўқиб юрар эди. Уни қатл этмоқчи бўлиб мазкур бебош йигитлардан бир нечтаси ғорга олдинроқ бориб яширинган пайтларида Аллоҳнинг амри билан бир харсанг тош думалаб келиб, ғор оғзини қоплайди. Йигитлар шу жойда ҳалок бўлишади. Ташқаридаги осий халқ улардан беҳабар ҳолда ўзлари ҳам Аллоҳнинг ғазабига учраб, Жаброил алайҳиссалом наъраси билан ҳалок бўлишади (Мд. Хз. ).

<sup>2</sup> Намл сураси, 45-50-оятлар.

Самуд (қабиласига) биродарлари Солиҳни (пайғамбар этиб юбордик). (У) айтди: “Эй, қавмим! Аллоҳга сиғинингиз! Сизлар учун Ундан ўзга илоҳ йўқ. У сизларни ердан пайдо қилиб, сизларни уни обод этувчи этди<sup>1</sup>. Бас. Ундан кечирим сўрангиз, сўнгра Унга тавба этингиз! Албатта, Раббим (бандаларига) яқин ва (дуоларини) ижобат этувчидир”.<sup>2</sup>

وَأذْكُرُوا إِذْ جَعَلَكُمْ خُلَفَاءَ مِنْ بَعْدِ عَادٍ وَبَوَّأَكُمْ فِي الْأَرْضِ تَتَّخِذُونَ مِنْ سُهُولِهَا قُصُورًا وَتَنْجِبُونَ الْجِبَالَ طُيُوتًا فَادْكُرُوا آيَةَ اللَّهِ وَلَا تَعْتُوا فِي الْأَرْضِ مُفْسِدِينَ ﴿٧٤﴾

“Сизларни (Аллоҳ) Од (қавми)дан кейинги халифа (авлод) қилгани ва текисликларида қасрлар (қуриб) олишингиз, тоғларидан ўйиб уйлар ясаб олишингиз учун сизларга Ердан жой берганини эслангиз! Бас, Аллоҳнинг неъматларини эслангиз ва Ер (юзи)да бузгунчилик қилиб юрмангиз!”<sup>3</sup>

قَالُوا يَصْلِحُ قَدْ كُنْتَ فِينَا مَرْجُوًّا قَبْلَ هَذَا أَتَنْهَانَا أَنْ نَعْبُدَ مَا يَعْبُدُ آبَاؤُنَا وَإِنَّا لَفِي شَكِّ مِمَّا تَدْعُونَا إِلَيْهِ مُرِيبٍ ﴿٦٢﴾ قَالَ يَنْقُومِ آرَاءُ بَنِي إِسْرَائِيلَ كُنْتُ عَلَى بَيْتِنَا مِنْ رَبِّي وَءَاتَنِي مِنْهُ رَحْمَةً فَمَنْ يَنْصُرُنِي مِنَ اللَّهِ إِنْ عَصَيْتُهُ، فَمَا تَزِيدُونَنِي غَيْرَ تَخْسِيرٍ ﴿٦٣﴾

“(Улар) дедилар: “Эй, Солиҳ! Бундан олдин умид қилинадиган киши эдинг. (Энди) бизга боболаримиз сиғинадиган нарсаларга сиғинишимизни ман

<sup>1</sup> Ўша пайтдаги одамларнинг умри 300дан 1000 атрофида бўлар экан. Форс мамлакатининг золим шоҳлари ариқ қазиб сув чиқариш, дарахт экиш билан шуғулланишар экан. Ўша давр пайғамбари Аллоҳдан уларнинг узок умр кўришлари сабабини сўраганида, У: “Улар бандаларим учун ободончилик ишлари билан шуғулланадилар”, - деб жавоб берган экан (Мд.).

<sup>2</sup> Худ сураси, 61-оят.

<sup>3</sup> Аъроф сураси, 74-оят.

этасанми? Биз сен даъват этаётган нарсангдан шак-шубҳадамиз”. (Солиҳ) айтди: “Эй, қавмим! (Ўй-лаб) кўрдингизми, мабодо, Раббим томонидан ҳужжатим бўлиб, Ўзи томонидан раҳмат (пайғамбарлик) берган бўлса-ю, (мен) Унга итоатсизлик қилсам, Аллоҳ (жазоси)дан (қутулишимда) менга ким ёрдам беради (қутқаради)? Менга (сизлар) зиёндан бошқа (наrsa) орттирмаясиз”.<sup>1</sup>

إِنِّي لَكُمْ رَسُولٌ أَمِينٌ ﴿١٤٣﴾ فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا ﴿١٤٤﴾ وَمَا أَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ مِنْ أَجْرٍ إِنْ أَجْرِيَ إِلَّا عَلَىٰ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿١٤٥﴾ أَتُتْرَكُونَ فِي مَا هَاهُنَا ءَامِنِينَ ﴿١٤٦﴾ فِي جَنَّاتٍ وَعُيُونٍ ﴿١٤٧﴾ وَزُرُوعٍ وَنَخْلٍ طَلَعَتْ هَيْضًا ﴿١٤٨﴾ وَتَنَحُّونَ مِنَ الْجِبَالِ بُيُوتًا فَرِهِينَ ﴿١٤٩﴾ فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا ﴿١٥٠﴾ وَلَا تُطِيعُوا أَمْرَ الْمُشْرِكِينَ ﴿١٥١﴾ الَّذِينَ يُفْسِدُونَ فِي الْأَرْضِ وَلَا يُصْلِحُونَ ﴿١٥٢﴾ قَالُوا إِنَّمَا أَنْتَ مِنَ الْمُسَحَّرِينَ ﴿١٥٣﴾

“Албатта, мен сизларга (Аллоҳ томонидан юборилган) ишончли пайғамбардирман! Бас, Аллоҳдан кўрқингиз ва менга (даъватларимизни қабул этиб) итоат этингиз! Мен бу (даъватим) учун сизлардан мукофот сўрамайман. Менинг мукофотим фақат оламларнинг Парвардигори зиммасидадир. Сизлар тинчгина бу ердаги нарсаларга – боғлар, булоқлар, экинлар ва новдалари мулойим хурмо дарахтлари ичига (мангу) қўйиб қўйилурмисиз?! (Йўқ, Балки бу неъматлар вақтинчадир). Яна усталик билан тоғлардан уйлар ҳам йўнмоқдасиз (ясамоқдасиз)ми?! Бас, (ношукурлик қилишга) Аллоҳдан кўрқингиз ва менга итоат этингиз! (Ширк ва маъсиятлар билан) ҳаддан ошувчиларнинг амрига итоат этмангиз! Улар ер

<sup>1</sup> Худ сураси, 62-63-оятлар.

юзида бузғунчилик қилурлар ва (ҳеч нарсани) ислоҳ қила олмайдилар”. Улар дедилар: “Сен (пайғамбар эмас, балки) аниқ сеҳрланган кимсалардандирсан”.<sup>1</sup>

قَالَ الْمَلَأُ الَّذِينَ اسْتَكْبَرُوا مِنْ قَوْمِهِ لِلَّذِينَ اسْتَضَعُوا  
لِمَنْ ءَامَنَ مِنْهُمْ اَتَعْلَمُونَ اَنْتَ صَالِحًا مُرْسِلٌ مِّن رَّبِّهِۗ قَالُوا اِنَّا  
بِمَا اُرْسِلَ بِهِۦء مُّؤْمِنُونَ ﴿٧٥﴾ قَالَ الَّذِينَ اسْتَكْبَرُوا اِنَّا  
بِالَّذِيۡ ءَامَنْتُمْ بِهِۦء كٰفِرُونَ ﴿٧٦﴾

Қавмининг мутакаббир зодагонлари уларнинг имон келтирган бечораҳол кишиларига: “Солиҳни Раббидан (юборилган) элчи деб биласизми?” – дедилар. (Улар) айтдилар: “Биз у орқали юборилган нарса (ваҳий)га ишонувчилармиз”. Кибрга берилганлар эса: “Биз сизлар имон келтирган нарса (дин)га куфр келтирамиз”, - дедилар.<sup>2</sup>

﴿١٥٤﴾ مَا اَنْتَ اِلَّا بَشَرٌ مِّثْلُنَا فَاَنْتَ بِتَايِيۡهِۗ اِنْ كُنْتَ مِنَ الصّٰدِقِيۡنَ

“Сен ҳам худди бизларга ўхшаган одамдирсан. Бас, агар (даъвоингда) ростгўйлардан бўлсанг, бирор мўъжиза келтир!”<sup>3</sup>

وَيَقَوْمٍ هٰذِهِۦ نٰقَةٌ اَللّٰهُ لَكُمْ ءَايَةٌ فَاذَرُوهَا تَاْكُلْ فِيۡ اَرْضِ  
اَللّٰهِ وَلَا تَمْسُوْهَا بِسُوۡءٍ فَيَاْخُذْكُمْ عَذَابٌ قَرِيۡبٌ ﴿٦٤﴾

“Эй, қавмим! Мана бу – Аллоҳнинг мўъжизали туяси. Бас, уни Аллоҳнинг ерида ўтлаб юришига қўйиб берингиз ва унга бирор ёмонлик етказмангиз. Акс ҳолда сизларни яқин (фурсат)да азоб тутар”.<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Шуаро сураси, 143-153-оятлар.

<sup>2</sup> Аъроф сураси, 75-76-оятлар.

<sup>3</sup> Шуаро сураси, 154-оят.

<sup>4</sup> Худ сураси, 64-оят.

فَعَقَرُوا النَّاقَةَ وَعَتَوْا عَنْ أَمْرِ رَبِّهِمْ وَقَالُوا يُصَلِّحْ آثِنَا بِمَا  
تَعَدْنَا إِنْ كُنْتَ مِنَ الْمُرْسَلِينَ ﴿٧٧﴾

(Шундай деб) туяни сўйиб юбордилар ва Парвар-  
дигорларининг амридан бош тортдилар ҳамда ай-  
тдилар: “Эй, Солиҳ! Агар пайғамбарлардан бўлсанг,  
бизга ваъда қилган нарсанг (азоб)ни келтир!”<sup>1</sup>

فَعَقَرُوهَا فَقَالَ تَمَعُّوْا فِي دَارِكُمْ ثَلَاثَةَ أَيَّامٍ ذَلِكَ وَعَدُّ غَيْرِ  
مَكْذُوبٍ ﴿٦٥﴾ فَلَمَّا جَاءَ أَمْرُنَا نَجَّيْنَا صَالِحًا وَالَّذِينَ آمَنُوا مَعَهُ  
بِرَحْمَةٍ مِنَّا وَمِن خِزْيِ يَوْمِئِذٍ إِنَّ رَبَّكَ هُوَ الْقَوِيُّ الْعَزِيزُ ﴿٦٦﴾

Бас, уни (туяни) сўйдилар. (Солиҳ) деди: “Уйларин-  
гизда уч кун (хаётдан) бахраманд бўлиб турингиз! Бу  
ёлғон эмас, (чин) ваъдадир”. Буйруғимиз (азобимиз)  
келгач, Солиҳни ва у билан бирга имон келтирган-  
ларни Биздан бўлмиш раҳмат билан (азобдан) ва  
ўша куннинг шармандалигидан халос этдик. Албат-  
та, Раббингиз кучли ва қудратлидир!<sup>2</sup>

فَأَخَذَتْهُمُ الصَّيْحَةُ مُصْبِحِينَ ﴿٨٣﴾ فَمَا أَغْنَىٰ عَنْهُمْ مَا كَانُوا يَكْسِبُونَ ﴿٨٤﴾

Бас, уларни тонг палласида даҳшатли қичқирик  
тутди. Уларга қилиб юрган нарсалари (тошдан ясал-  
ган қалъалари) фойда бермади.<sup>3</sup>

فَأَصْبَحُوا فِي دِيَارِهِمْ جَثِيمِينَ ﴿٦٧﴾ كَان لَمْ يَغْنَوْا فِيهَا إِلَّا إِنْ شِعُوا  
كَفَرُوا رَبَّهُمْ إِلَّا بَعْدَ التَّشْعُودِ ﴿٦٨﴾

...Бас, (улар ўз) уйларида мурдага айландилар. Гўё  
у ерда (олдин) яшамагандек (излари ўчиб кетди). Огоҳ

<sup>1</sup> Аъроф сураси, 77-оят.

<sup>2</sup> Худ сураси, 65-66-оятлар.

<sup>3</sup> Хижр сураси, 83-84-оятлар.

бўлингизки, Самуд (қабиласи) Парвардигорини инкор этган эди. Огоҳ бўлингизки, Самуд (қавми)га ҳалокат етсин!<sup>1</sup>

وَفِي ثَمُودَ إِذْ قِيلَ لَهُمْ تَمَنَّوْا حَتَّىٰ حِينٍ ﴿٤٣﴾ فَعَتَوْا عَنْ أَمْرِ رَبِّهِمْ فَأَخَذَتْهُمُ  
الضَّلَاقَةُ وَهُمْ يَنْظُرُونَ ﴿٤٤﴾ فَمَا اسْتَطَعُوا مِنْ قِيَامٍ وَمَا كَانُوا مُنْصَرِفِينَ ﴿٤٥﴾

Самуд (қабиласининг қиссаси)да ҳам (ибрат бордир). Қайсики, уларга (ман этилган туяни сўйиб юборганларида) “бир вақтгача (яъни уч кунгача тириклик неъматидан) баҳраманд бўлингиз!” - дейилган эди. Бас, улар Парвардигорнинг амри (итоати)дан кибр қилишгач, қараб турган ҳолларида уларни чақмоқ урди. Бас, улар (қочиш учун тикка) туришга ҳам қодир бўлмадилар ва (ҳеч ким томонидан уларга) ёрдам берилувчи ҳам бўлмадилар.<sup>2</sup>

فَتِلْكَ بُيُوتُهُمْ خَاوِيَةً بِمَا ظَلَمُوا إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِّقَوْمٍ  
يَعْلَمُونَ ﴿٥٢﴾ وَأَنْجَيْنَا الَّذِينَ ءَامَنُوا وَكَانُوا يَتَّقُونَ ﴿٥٣﴾

Мана, ноҳақлик қилганлари сабабли уларнинг уйлари ҳувиллаб қолди! Албатта, бунда биладиган қавм учун ибрат бордир. Имон келтирган ва тақволи бўлган зотларга эса нажот бердик.<sup>3, 4</sup>

## Солиҳ алайҳиссаломнинг ҳажга бориши

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Видо ҳажи пайтида Осфан водийсига етганларида Абу Бакрга (р.а.)

<sup>1</sup> Худ сураси, 67-68-оятлар.

<sup>2</sup> Зориёт сураси, 43-45-оятлар.

<sup>3</sup> Солиҳ алайҳиссаломнинг қавми, яъни Самуд қабиласидан имон келтирган ва ҳалокатдан омон қолганлар сони тўрт минг киши эди, дейилган (Мд.).

<sup>4</sup> Намл сураси, 52-53-оятлар.

Солиҳ алайҳиссаломнинг ҳам белини чакмон, белидан юқорисини ола ранг мато билан ўраб, ёш ва қизил, югани хурмо толасидан ўралган урғочи туя устида Ҳаж қилиш мақсадида шу ердан ўтганини айтган эдилар.

### Солиҳ алайҳиссаломнинг ҳалок бўлган қавмига хитоб қилиши ва Маккага кетиши

Солиҳ алайҳиссалом қавмини якка-ю ягона бўлган Аллоҳга ибодат этиб, Унга бирор нарсани шерик қилмасликка ва гуноҳлардан узоқ бўлишга чақирди. Самуд қавми ҳалок бўлгач, Ҳижрни тарк этаркан уларга шундай хитоб қилди:

فَتَوَلَّى عَنْهُمْ وَقَالَ يَا قَوْمِ لَقَدْ أَبْلَغْتُكُمْ رِسَالَةَ رَبِّي وَنَصَحْتُ لَكُمْ وَلَكِنْ لَا تُحِبُّونَ النَّصِيحِينَ

“Эй, қавмим! Мен сизларга Раббимнинг топшириғини етказдим, сизларга насиҳат қилдим, лекин (сизлар) насиҳатгўйларни ёқтирмайсиз”.<sup>1</sup>

Солиҳ алайҳиссалом ёнидаги мўминларга айтди: “Эй, қавмим! Шубҳасиз, бу ер Аллоҳнинг (бандаларига) ғазаби етган жойдир. Бу ерни дарҳол тарк этинг ва Аллоҳнинг... Амонига бориб жойлашинг!”

Чакмонлари ичида эҳромга кирдилар. Ипак юганли, ёш, қизил юнгли туяларини олиб, талбия айтиб йўлга тушишди. Маккага бориб етишди ва ўша ерда умрларининг охиригача қолишди.

Уларнинг қабри Каъбанинг ғарбий томонида Дорун-Надва ҳамда Ҳижр оралиғида жойлашган. Ривоятга кўра, Солиҳ алайҳиссалом вафот этганида икки юз эллик саккиз (ёки икки юз саксон) ёшда эди.

<sup>1</sup> Аъроф сураси, 79-оят.

## ИБРОҲИМ АЛАЙҲИССАЛОМ

### Иброҳим алайҳиссаломнинг насл-насаби

Иброҳим ибн Таъроҳ (Озар) ибн Наҳор ибн Соруғ (Шоруғ) ибн Раву (Аргу) ибн Фолиғ ибн Абир ибн Шолиҳ ибн Арфаҳшад ибн Сом ибн Нуҳ алайҳиссаломдир.

### Иброҳим алайҳиссаломнинг падари ва юрти

Иброҳим алайҳиссаломнинг отаси Тароҳ (Озар) Ҳаррон халқига мансуб эди. Унинг Кўфа ва Басра орасида жойлашган Куьса қишлоғидан экани ҳам ривоят қилинади.

Ҳаррон катта шаҳар бўлиб, Мудорга қарашли эди. Мосул-Шом ва Рум йўлида эди. Раҳогача бир кунлик, Раққогача эса икки кунлик йўл эди.

Ҳарронни барпо этган Иброҳим алайҳиссаломнинг укаси Ҳарон бўлгани учун унга шундай ном беришган эди. У тўфондан сўнг ер юзида қурилган илк шаҳар эди.

Куьса – Бобил ерларидаги Ироқ қишлоқларидан бири. Яна Фиротдан Ироққа оқувчи илк ирмоқнинг ҳам номидир.

Иброҳим алайҳиссаломнинг отаси Тароҳ (Озар) қирол Намруд санамларининг муҳофиз ва бошқарувчиси эди. Ҳарронда очарчилик бўлиб, унинг Намруд турган Куьсага кўчирган эди.

### Иброҳим алайҳиссаломнинг онаси

Иброҳим алайҳиссаломнинг онаси Арфаҳшад ибн Сом ибн Нуҳ ўғилларидан Карнба ибн Куьсанинг қизи Нуна ёки Арфайим ибн Аргу ибн Фолиғ ибн Абир ибн Шолиғ ибн Арфаҳшад ибн Сом ибн Нуҳнинг қизи Абйуна эди.

### **Иброҳим алайҳиссаломнинг шакл ва шамойили**

Иброҳим алайҳиссалом ўрта бўйли, оқ танли, жигарранг кўзли, оқ сочли, чиройли юзли, пешонаси очиқ, узун яноқли оқ соқолли эди. Ҳатто оёқ изларигача шакл ва шамойил жиҳатдан унга энг кўп ўхшайдиган Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом эди.

### **Қирол намруднинг баёни**

Намруд биринчи марта ёмон йўл очган, биринчи марта бошига тож кийган, биринчи марта юлдузлар ҳақида назария яратган, Қобилдан сўнг биринчи марта оловга сиғинган киши эди. Ердан олов чиққанини кўрган заҳоти у ерда тиз чўқар ва ўша ерда бир бино қурдириб, қўриқлаши учун қоровул қолдирар эди. Инсонларнинг ўзига сиғинишларини биринчи бўлиб даъват қилган ҳам ўша эди.

### **Намруднинг туши ва даҳшатли чоралар кўриши**

Ривоятга кўра, Намруд бир туш кўради. Тушида бир юлдуз чиқиб ойнанинг ойдинлиги ва қуёшнинг нурларини тўсиб қўяди. Намруд бундан сесканиб уйғонади. Сехргарлар, қоҳинлар ва қоифларни (изларни, юздаги чиқиқларни ўрганувчилар) чақириб, тушининг таъбирини сўради. Улар айтишди: “Сенинг юртингда бир ўғил фарзанд туғилади ва халқнинг динини ўзгартиради. У туфайли сенинг салтанатинг таназзулга юз тутади ва сен унинг қўлида ўлурсан!”

Бу пайтда Намруд Кўфа Бобилида истиқомат қиларди. Бошқа қишлоққа кўчиб ўтди. У ердан барча эркакларни ҳайдади ва фақатгина аёлларни қолдирди. Ҳар ўн эркакка ишончли одамани кўйиб кузатди. Туғилган ўғил чақалоқларнинг дарҳол ўлдирилишини буюрди.

Бир кун Намруднинг бошқа шаҳарда иши чиқди. У Иброҳим алайҳиссаломнинг отаси Озардан бошқасига ишонмагани боис уни ҳузурига чақирди. Унга айтди: “Мен сенга бир ишни ишониб топширмакчиман. Сени у ерга сенга бўлган ишончим сабаб жўнатмоқдаман. Оилангнинг олдига бормайсан, жуфтинг билан зинҳор яқинлик қилмасликка сўз бер”, - деди. Озар айтди: “Мен бу ишда диним учун хасисроқдирман”. Шунда Намруд унга ишини ишониб топширди.

Озар шаҳарга бориб, Намруднинг ишини ҳал этгач, ўзича: “Оиламнинг олдига бориб бир хабар олай, улар қай аҳволда экан”, - деб ўйлади. Оиласининг олдига борганда сўзида тура олмади. Шундан сўнг оиласини Куфа ва Басра орасидаги Авр деган қишлоққа олиб қочиб, у ерда бир ертўлага яширди.

Орадан узоқ вақт ўтиб, бирор ўзгариш бўлмагач, Намруд ўйлади: “Демак, бу ёлғончи сеҳргарларнинг сўзи экан. Энди юртингизга қайтинглар”, - деди. Барча эркалар уйларига қайтишди.

Ибн Исҳоқнинг қайд этишича, Иброҳим алайҳиссаломнинг туғилиш даври яқинлашганда мунажжимлар Намрудга айтишди: “Сенинг фалон қишлоғингда фалон йилнинг фалон ойида Иброҳим исмли бола туғилади. У сенинг динингни йўқ қилади, халқингни тарқатади, санамларингни қулатади”.

Намруд айтилган муддат яқинлашганда қишлоқдаги барча ҳомиладор аёлларни келтирди ва уларни ўз назорати остига олди. Бироқ Иброҳим алайҳиссаломнинг онаси жуда ёш бўлиб, ҳомиладорлиги билинмагани боис эътиборсиз қолдирилди. Намруд мунажжимлар айтган вақтда туғилган барча ўғил болаларни ўлдирди.

## **Иброҳим алайҳиссаломнинг туғилиши ва ғорда улғайиши**

Иброҳим алайҳиссаломнинг онаси кўзи ёрийдиган пайтда тунда уйдан чиқиб, яқинроқдаги бир ғорга борди. Иброҳим алайҳиссаломни ўша ерда туғди.

Ибн Асокирнинг қайд этишича, Иброҳим алайҳиссалом Ироқ ҳудудида Бобилнинг Куъса қишлоғида ҳалигача унинг номи билан атаб келинадиган жойда туғилди.

Онаси янги туғилган чақалоқ учун қилиниши лозим бўлган барча амалларни бажариб, фарзандини яхшилаб мато билан ўради, ғорнинг эшигини ёпиб, сўнг уйига қайтди.

Вақти-вақти билан ғорга бориб, ўғлининг соғ-омон эканини кўрар, уни эмизиб қайтарди.

Озар хотинидан ҳомиласини нима қилганини сўради. Хотини: “Ўғил тукқан эдим, у ўлди”, - деб жавоб берди. Шунда Озар жим бўлди.

Иброҳим алайҳиссалом Исо алайҳиссаломнинг милодидан тахминан икки минг йил илгари туғилган эди.

У ғорда ўн беш ой қолди.

Озар ўғлининг ғорда қандай туғилганини ва қандай улғайганини эшитиб қаттиқ севинди. Намруд эса ҳаммасини унутган эди. Иброҳим алайҳиссалом тез улғайди.

## **Иброҳим алайҳиссаломнинг ота-онасидан сўраган илк саволлари**

Иброҳим алайҳиссалом ғорда онасидан сўради: “Менинг Раббим ким?” Онаси айтди: “Менман!”. Иброҳим алайҳиссалом сўради: “Сенинг Раббинг ким?” Онаси жавоб берди: “Стангдир!” Иброҳим алайҳиссалом яна сўради: “Отамнинг Рабби ким?” Онаси айтди: “Намруддир!” Иброҳим алайҳиссалом сўради: “Намруднинг Раб-

би ким?” Онаси: “Жим!” – деди. Иброҳим алайҳиссалом жим бўлди.

Нуна эрининг олдига қайтгач айтди: “Халқнинг динини ўзгартириши айтилаётган бола сенинг болангдир!” ва Иброҳим алайҳиссаломнинг саволларини унга етказди.

Озар ўғлининг олдига борганда ундан ҳам: “Эй, ота! Менинг Раббим ким?” – деб сўради. Озар айтди: “Онангдир!” “Онамнинг Рабби ким?” – деб сўради Иброҳим. “Менман!” – деди Озар. Иброҳим алайҳиссалом сўради: “Сенинг Раббинг ким?” Озар айтди: “Намруддир!” Иброҳим алайҳиссалом яна сўради: “Намруднинг Рабби ким?” Озар унга бир шапалоқ уриб: “Жим!” – деди.

### **Иброҳим алайҳиссаломнинг ғордан чиқарилиши**

Иброҳим алайҳиссаломнинг отаси Озар дўстларидан сўради: “Менинг бир ўғлим бор эди. Қиролнинг буйруғига қарамасдан уни ўлдирмай сақлаб қолган эдим. Уни яшириб қўйган еримдан чиқаришим тўғри бўладими?” “Тўғри булур”, - дедилар ва уни келтиришини айтдилар. Озар бориб Иброҳим алайҳиссаломни ер остидаги ғордан чиқарди.

### **Иброҳим алайҳиссаломнинг кўрган ҳайвонлари тўғрисида берган саволлари**

Иброҳим алайҳиссалом ғордан чиққач, ер юзида юрган жониворлар, ҳайвонларни кўрди ва туяни кўрсатиб: “Бу нимадир?” – деб сўради. Отаси унинг туя эканини айтди. Иброҳим алайҳиссалом сигирни кўриб сўради: “Бу нимадир?” “Бу сигирдир!” – деб жавоб берди Озар. Иброҳим алайҳиссалом яна отни кўриб сўради: “Бу нимадир?” Озар унинг от эканини айтди. Иброҳим алайҳиссалом қўйни кўрди: “Бу нима?” “У қўйдир”, - деди отаси.

## Иброҳим алайҳиссаломнинг иршоди ва Раббини топиши

Иброҳим алайҳиссалом ер юзида юрган ҳайвонларни кўриб ўзича ўйлади: “Ҳар ҳолда мана шу ҳайвонларнинг Рабби бир бўлса керак!”

Иброҳим алайҳиссалом ғордан чиққанида қуёш ботган пайт эди. У самога қараб бир юлдузни кўрди. Бу Муштарий юлдузи эди.

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломнинг юлдузни, ойни, қуёшни кўришини ва Раббига етишини ўз Каломида шу тарзда баён қилади:

وَكَذَلِكَ نُرَىٰ إِبْرَاهِيمَ مَلُكُوتَ السَّمٰوٰتِ وَالْاَرْضِ وَلِيَكُوْنَ مِنَ  
 الْمُؤْمِنِيْنَ ﴿٧٥﴾ فَلَمَّا جَنَّ عَلَيْهِ اللَّيْلُ رَآ كَوْكَبًا قَالِ هٰذَا رَبِّيْ فَلَمَّا  
 اَقْبَلَ قَالَ لَا اُحِبُّ الْاٰفَلِيْنَ ﴿٧٦﴾ فَلَمَّا رَآ الْقَمَرَ بَازِعًا قَالِ هٰذَا  
 رَبِّيْ فَلَمَّا اَقْبَلَ قَالَ لِيْنَ لَمْ يَهْدِيْ رَبِّيْ لِاَكُوْنَتْ مِنَ الْقَوْمِ الضّٰلِيْنَ  
 ﴿٧٧﴾ فَلَمَّا رَآ الشَّمْسَ بَازِعَةً قَالِ هٰذَا رَبِّيْ هٰذَا اَكْبَرُ فَلَمَّا اَفَلَتْ  
 قَالِ يٰقَوْمِ اِنِّيْ بَرِيْءٌ مِّمَّا تُشْرِكُوْنَ ﴿٧٨﴾ اِنِّيْ وَجَّهْتُ وَجْهِيَ لِذٰلِذِي  
 ﴿٧٩﴾ فَطَرَ السَّمٰوٰتِ وَالْاَرْضِ حَنِيفًا وَّمَا اَنَا مِنَ الْمُشْرِكِيْنَ

“Шу тарзда Иброҳимга осмонлар ва Ернинг мулкини (ажойиботларини) кўрсатурмиз. Чинакам ишонувчилардан бўлиши учун (шундай қилдик). Тун зулмати уни қоплаганда юлдузни кўриб: “Мана шу - раббим”, - деди. (У) ботиб кетганда эса: “Ботиб кетувчиларни ёқтирмайман”, - деди. Чиқаётган ойни кўриб: “Мана шу - раббим”, - деди. Ботиб кетганда эса: “Агарда Раббим мени ҳидоятга солмаса, албатта, адашганлар қавмидан бўлиб қолурман”, - деди.

**Чиқаётган қуёшни кўриб:** “Мана шу – раббим. Шу каттароқ-ку!” – деди. Ботиб кетганда эса: “Эй, қавмим, албатта, мен сизлар келтираётган ширкдан безордирман. Мен тўғри йўлни танлаган ҳолимда юзимни осмонлар ва Ерни ихтиро этган Зотга қаратдим. Мен мушриклардан эмасман”, - деди”.<sup>1</sup>

Эсланг, Рабби унга: “Бўйин сун!” – деганида, у: “(Барча) оламларнинг Раббига бўйин сундим”, - деди.

### **Иброҳим алайҳиссаломнинг халқни огоҳ этишни бошлаши**

Иброҳим алайҳиссалом қавмининг бут-санамларга топинишига ҳайратланар, уларга: “Ўз қўлларингиз билан ясаган нарсаларга қандай сиғинмоқдасиз?” – дер эди. Қавми эса: “Буни бизга сенинг отанг ўргатди”, - дейишарди. Шунда Иброҳим алайҳиссалом уларга: “Аниқки, отам ҳам йўлдан адашган кимсалардандир!” – дерди.

### **Озарнинг Иброҳим алайҳиссаломга акалари билан бирга санам соттириши**

Иброҳим алайҳиссаломнинг отаси Озар қавми сиғинадиган санамларни ясар, олиб бориб сотишлари учун акалари билан бирга Иброҳим алайҳиссаломни жўнатарди ва уларга: “Каттасини фалон нархга, кичигини эса фалон нархга сот”, - дерди.

Иброҳим алайҳиссалом уларни отасидан олиб, оёқларидан бир ип билан боғлар ва орқасидан судраб борар экан: “Зарари ҳам, фойдаси ҳам йўқ мана бу санамларни олувчилар борми?” – деб сўрарди. Ҳеч ким ундан санам сотиб олмасди.

Иброҳим алайҳиссалом санамларни сота олмагач, уларни сув бўйига олиб бориб бошларини сувга тикар (қавмининг уларга сиғинишини масхара қилиб) “Ичин-

<sup>1</sup> Аньом сураси, 75-79-оятлар.

глар!” – дер эди ва уларни қайтариб олиб кетарди. Биродарлари эса санамларини сотиб қайтишарди.

Иброҳим алайҳиссалом мато ва кийим тижорати билан шуғулланган. Ҳижратдан сўнг эса деҳқончилик билан машғул бўлган.

### **Озарнинг Иброҳим алайҳиссаломни Намрудга олиб бориши**

Иброҳим алайҳиссалом: “Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, У менинг Раббимдир! У барча нарсаларнинг Раббидир!” – дегани сари ота-онаси Намруддан қўрқиб йиғлашар, Иброҳим алайҳиссаломни огоҳ этишга ҳаракат қилишарди. Иброҳим алайҳиссалом эса: “Мен ҳақимда Намруддан қўрқишингиз ўринсиз. Чунки мени кичиклигимда асраган (Зот), улғайганимда ҳам асрар!” – дерди.

Бироқ Озар бирор кишининг Намрудга бориб хабар беришидан қўрқиб, унинг хузурига ўзи борди. Унга: “Қиролим! Сен туғилишини истамаган бола менинг ўғлимдир. У уйдан бошқа жойда туғилди ва менинг у уйга келгунига қадар бундан хабарим йўқ эди. Сенга унинг хабарини беришга келдим. Унинг хусусида нимани лозим кўрсанг қил, кейин мени айблама!” – деди. Намруд айтди: “Уни менга келтир!”

Озар Иброҳим алайҳиссаломни онасининг қўлидан олиб Намрудга олиб борди. Намруд барчани тўплаган, аскарларини қатор қилиб тизган эди. Иброҳим алайҳиссалом атрофига қараб: “Эй, қавмим! Сизлар нимага топинасизлар?” – деб сўради. Шунда Намруд айтди: “Эй, Иброҳим! Сен менинг динимга кир, чунки сени мен яратдим ва ризқингни мен бердим!”

Иброҳим алайҳиссалом: “Эй, Намруд! Сен ёлғон гапирдинг”, - деди. – Мени яратган ва менга тўғри йўлни кўрсатган (Зот) ягона Аллоҳдир! Менга ризқ берган ҳам У.

Шунда Намруд ва халқи нима дейишини билолмай қолдилар. Намруд айтди: “Эй, Озар! Ўғлинг ҳали ёш. Нималар деётганини, менинг салтанатим ва қудратимни ҳали билмайди. Сен уни уйингга олиб кет ва менинг қаттиқ азобим билан уни қўрқит. Балки ҳозирги ҳолидан қайтар!”

### Иброҳим алайҳиссаломнинг пайғамбар бўлиши

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга Жаброил алайҳиссаломни юбориб Динини ўргатди ва уни қавмига пайғамбар этиб юборди. Иброҳим алайҳиссалом билан отаси ва қавми орасидаги воқеалар Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади:

إِذْ قَالَ لِأَبِيهِ يَا أَبَتِ لِمَ تَعْبُدُ مَا لَا يَسْمَعُ وَلَا يُبْصِرُ وَلَا يُغْنِي عَنْكَ شَيْئًا ﴿٤٢﴾ يَا أَبَتِ إِنِّي قَدْ جَاءَنِي مِنَ الْعِلْمِ مَا لَمْ يَأْتِكَ فَاتَّبِعْنِي أَهْدِكَ صِرَاطًا سَوِيًّا ﴿٤٣﴾ يَا أَبَتِ لَا تَعْبُدِ الشَّيْطَانَ إِنَّ الشَّيْطَانَ كَانَ لِلرَّحْمَنِ عَصِيًّا ﴿٤٤﴾ يَا أَبَتِ إِنِّي أَخَافُ أَنْ يَمَسَّكَ عَذَابٌ مِنَ الرَّحْمَنِ فَتَكُونَ لِلشَّيْطَانِ وَلِيًّا ﴿٤٥﴾ قَالَ أَرَأَيْتَ أَنْتَ عَنْ ءَالِهَتِي يَا بَرَهْمِيمُ لَئِنْ لَمْ تَنْتَهَ لِأَرْجَمَنَّكَ وَأَهْجُرَنِي مَلِيًّا ﴿٤٦﴾ قَالَ سَلِمْتُ عَلَيْكَ سَأَسْتَغْفِرُ لَكَ رَبِّي إِنَّهُ كَانَ بِي حَفِيًّا ﴿٤٧﴾ وَأَعْتَزِلُكُمْ وَمَا تَدْعُونَ مِنْ دُونِ اللَّهِ وَأَدْعُوا رَبِّي عَسَىٰ أَلَّا أَكُونَ بِدُعَاءِ رَبِّي شَقِيًّا ﴿٤٨﴾

Қайсики, у отасига: “Эй, ота! Нега сен эшитмайдиган, кўрмайдиган ва сенга бирор фойда етказолмайдиган нарсага ибодат қилурсан? Эй, ота! Дарҳақиқат, сенга келмаган илм менга келди. Бас, менга эргашгин! Сени тўғри йўлга ҳидоят қилурман. Эй, ота! Шайтонга ибодат қилмагин! Чунки шай-

тон Раҳмонга итоатсиз бўлган. Эй, ота! Ҳақиқатан, мен сенга Раҳмон (томони)дан азоб етиб, (дўзахда) шайтоннинг ёнида бўлиб қолишингдан қўрқаман”, - деди. (Отаси) айтди: “Сен менинг илоҳларимдан юз ўгирувчимисан, эй, Иброҳим?! Қасамки, агар сен (бу ишингдан) қайтмасанг, албатта, сени тошбўрон қилурман ва (ёки) мени бир замон тарк эт!” (Иброҳим): “Саломат бўл! Энди Раббимдан сенга кечирим сўрайман. Зеро, У менга меҳрибон зотдир. Мен сизлардан ҳам, Аллоҳни қўйиб илтижо қилаётган (бут)ларингиздан ҳам четланурман ва (ёлғиз) Раббимга илтижо қилурман. Раббимга илтижо қилиш билан бахтсиз бўлиб қолмасман, деган умиддаман”.<sup>1</sup>

وَمَا كَانَتْ أَسْتَغْفَارُ إِبْرَاهِيمَ لِأَبِيهِ إِلَّا عَنْ مَوْعِدَةٍ وَعَدَهَا إِيَّاهُ فَلَمَّا بَيَّنَّ لَهُ أَنَّهُ عَدُوٌّ لِلَّهِ تَبَرَّأَ مِنْهُ إِنَّ إِبْرَاهِيمَ لَأَوَّاهٌ حَلِيمٌ ﴿١١٤﴾

Иброҳимнинг (ўз) отаси учун истиғфор сўраши фақат унга қилган ваъдаси туфайли эди. Аллоҳнинг душмани экани билинганидан кейин ундан (отасидан) воз кечди. Албатта, Иброҳим оқкўнгил ва ҳалимдир.<sup>2</sup>

إِذْ قَالَ لِأَبِيهِ وَقَوْمِهِ مَا هَذِهِ التَّمَاثِيلَ الَّتِي أَنْتُمْ لَهَا عَاكِفُونَ ﴿٥٢﴾ قَالُوا وَجَدْنَا آبَاءَنَا لَهَا عَابِدِينَ ﴿٥٣﴾ قَالَ لَقَدْ كُنْتُمْ أَنْتُمْ وَآبَاؤُكُمْ فِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ ﴿٥٤﴾ قَالُوا أَحِثْنَا بِالْحَقِّ أَمْ أَنْتَ مِنَ اللَّاعِينَ ﴿٥٥﴾ قَالَ بَلْ رَبِّكُمْ رَبُّ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ الَّذِي فَطَرَهُمْ وَأَنَا عَلَىٰ ذَٰلِكُمْ مِنَ الشَّاهِدِينَ ﴿٥٦﴾

<sup>1</sup> Марям сураси, 42-48-оятлар.

<sup>2</sup> Тавба сураси, 114-оят.

Ўшанда Иброҳим отаси ва қавмига: “Сизлар доимо сиғинадиган бу ҳайкаллар нимадир?!” – деди. (Улар) айтдилар: “Бизлар ота-боболаримизни уларга сиғинган ҳолда топганмиз”. (У) деди: “Дарҳақиқат, сизлар ҳам, ота-боболарингиз ҳам очиқ залолатда экансиз”. (Улар) айтдилар: “Бизга ҳақ нарсани келтирдингми ёки сен ўйин қилувчиларданмисан?” (У) деди: “Йўқ! Сизларнинг Раббингиз (бутлар эмас, балки) осмонлар ва Ернинг Парвардигорики, уларни ўзи яратгандир. Мен бунга гувоҳлик берувчиларданман”.<sup>1</sup>

إِذْ قَالَ لِأَبِيهِ وَقَوْمِهِ مَا تَعْبُدُونَ ﴿٧٠﴾ قَالُوا نَعْبُدُ أَصْنَامًا فَنَظَلُّهَا  
عَنكَيْنِ ﴿٧١﴾ قَالَ هَلْ يَسْمَعُونَكُمْ إِذْ تَدْعُونَ ﴿٧٢﴾ أَوْ يَنفَعُونَكُمْ أَوْ  
يَضُرُّونَ ﴿٧٣﴾ قَالُوا بَلْ وَجَدْنَا آبَاءَنَا كَذَلِكَ يَفْعَلُونَ ﴿٧٤﴾ قَالَ أَفَرَأَيْتُمْ مَا  
كُنْتُمْ تَعْبُدُونَ ﴿٧٥﴾ أَنْتُمْ وَعَابَاؤُكُمْ الَّذِينَ الْأَقْدَمُونَ ﴿٧٦﴾ فَإِنَّهُمْ عَدُوٌّ لِي  
إِلَّا رَبَّ الْعَالَمِينَ ﴿٧٧﴾ الَّذِي خَلَقَنِي فَهُوَ يَهْدِينِ ﴿٧٨﴾ وَالَّذِي هُوَ يُطْعِمُنِي  
وَيَسْقِينِي ﴿٧٩﴾ وَإِذَا مَرِضْتُ فَهُوَ يَشْفِينِي ﴿٨٠﴾ وَالَّذِي يُمِيتُنِي ثُمَّ  
يُحْيِينِي ﴿٨١﴾ وَالَّذِي أَطْمَعُ أَنْ يَغْفِرَ لِي خِطِيئَتِي يَوْمَ الدِّينِ ﴿٨٢﴾ رَبِّ  
هَبْ لِي حُكْمًا وَالْحَقِّقِي بِالصَّالِحِينَ ﴿٨٣﴾ وَأَجْعَلْ لِي لِسَانَ صِدْقٍ  
فِي الْآخِرِينَ ﴿٨٤﴾ وَأَجْعَلْنِي مِنْ وَرَثَةِ جَنَّةِ النَّعِيمِ ﴿٨٥﴾ وَأَغْفِرْ لِأَبِي إِنَّهُ كَانَ  
مِنَ الضَّالِّينَ ﴿٨٦﴾ وَلَا تُخْزِنِي يَوْمَ يُبْعَثُونَ ﴿٨٧﴾ يَوْمَ لَا يَنفَعُ مَالٌ وَلَا بَنُونَ ﴿٨٨﴾  
إِلَّا مَنْ أَتَى اللَّهَ بِقَلْبٍ سَلِيمٍ ﴿٨٩﴾ وَأَزْلَفْتِ الْجَنَّةَ لِلْمُتَّقِينَ ﴿٩٠﴾ وَتُرِزَتِ الْجَحِيمُ  
لِلْغَاوِينَ ﴿٩١﴾ وَقِيلَ لَهُمْ آتِنَا مَا كُنْتُمْ تَعْبُدُونَ ﴿٩٢﴾ مِنْ دُونِ اللَّهِ هَلْ يَنصُرُونَكُمْ أَوْ  
يَنْصُرُونَ ﴿٩٣﴾ فَكَبِّبُوا فِيهَا هُمْ وَالْغَاوُونَ ﴿٩٤﴾ وَجُنُودُ إِبْلِيسَ أَجْمَعُونَ ﴿٩٥﴾

<sup>1</sup> Анбиё сураси, 52-56-оятлар.

قَالُوا وَهَمَّ فِيهَا يَخْتَصِمُونَ ﴿٩٦﴾ تَاللَّهِ إِنْ كُنَّا لَفِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ ﴿٩٧﴾ إِذْ  
 سُئِلْتُمْ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿٩٨﴾ وَمَا أَضَلَّنَا إِلَّا الْمَجْرُمُونَ ﴿٩٩﴾ فَمَا لَنَا مِنْ  
 شَفِيعِينَ ﴿١٠٠﴾ وَلَا صَدِيقٍ حَمِيمٍ ﴿١٠١﴾ فَلَوْ أَنَّ لَنَا كَرَّةً فَنَكُونُ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ ﴿١٠٢﴾

Ўшанда у отаси ва қавмига: “Нимага ибодат қилмоқдасизлар?” – деди. Улар: “Санамларга ибодат қилмоқдамиз. Бас, уларга сиғинишда давом этурмиз”, - дедилар. (Иброҳим) айтди: “Илтижо қилган пайтларингизда (бутларингиз) сизларни (илтижоларингизни) эшитадиларми? Ёки сизларга фойда ё зарар етказа оладиларми?” Улар дедилар: “Йўқ, бизлар ота-боболаримизнинг мана шундай қилишларини кўрганмиз”. (Иброҳим) айтди: “Сиғинаётган нарсаларингизни (ўйлаб) кўрдиларингизми? Ўзларинг ва олдин ўтган ота-боболарингиз ҳам? Албатта, улар менга душмандир. (Мен уларга эмас), оламлар Парвардигоригагина (ибодат қилурман). У мени яратгандир, бас, У мени ҳидоят қилур. Унинг ўзигина мени едирур ва ичирур. Касал бўлганимда, Унинг Ўзи менга шифо берур. У мени ўлдирур, сўнгра (қиёмат куни қайта) тирилтирур. У жазо куни (қиёматда) менинг хатоларимни мағфират этишини умид қилурман. Эй, Раббим! Менга ҳикмат бахш этгин ва мени солиҳ (банда)ларга қўшгин! Яна мен учун (менинг ҳақимда) кейингилар ўртасида яхши гаплар пайдо этгин! Яна мени (охиратда) неъматлар боғининг ворисларидан қилгин! Отамни мағфират қилгин! У адашганлардан (мушриклардан) эди. Қайта тириладиган кунда (қиёматда) мени шарманда қилмагин!”

У кунда на мол-дунё ва на фарзандлар фойда берур, фақат Аллоҳ ҳузурига соғлом дил билан келган кишиларгагина (фойда берур). (У кунда) жаннат тақводорларга (кўриб қувониш ва киришлари учун)

**яқинлаштирилур. Дўзах эса йўлдан озганларга (кўриб пушаймон чекишлари учун) намойиш қилинур. Ва уларга: “Ибодат қилиб ўтганларингиз (бут ва санамларингиз қани) Аллоҳни қўйиб? Улар сизларга ёрдам бера оларми ёки ўзлари (сизлардан) ёрдам ола билурми?!” – дейилур. Бас, унга у (бут)лар билан бирга йўлдан озган кимсалар (дўзахга) улоқтирилур ва иблис лашкарларининг барчалари ҳам. Улар (дўзахда) баҳслашар эканлар, дейдилар: “Аллоҳга қасамки, албатта, биз (дунёда бўлганимизда) аниқ заллатда эканмиз – ўша сизларни оламларнинг Парвардигорига тенглаштирган пайтимизда. Бизларни (ўшанда) айнан жиноятчилар йўлдан оздирдилар. Энди бизлар учун на оқловчилар бор, на бирор қадрдон дўст. Бас, кошки, бизга яна бир марта (яшаш) бўлса-ю, бизлар ҳам мўминлардан бўлсак”.<sup>1</sup>**

### **Иброҳим алайҳиссаломнинг бутхонадаги санамларни қулатиши**

Иброҳим алайҳиссаломнинг бут ва санамларга муносабати халқ орасида маълум бўлиб, ҳануз бу хусусда Намрудга билдирилмаган эди. Иброҳим алайҳиссалом қавми топинаётган санамлардан воз кечиб, якка-ю ягона бўлган Аллоҳга ибодат қилишда даъват этганида қавми ундан сўради: “Эй, Иброҳим! Сен кимга ибодат қиласан?” Иброҳим алайҳиссалом жавоб берди: “Оламларнинг Раббига!” “Намрудга топинмайсанми?” – деб сўрашди. “Йўқ!” – деди Иброҳим алайҳиссалом, - мен фақат мени Яратгангагина ибодат қилурман!

Энди Иброҳим алайҳиссаломнинг ҳаракатлари барчага маълум бўлган, Намруднинг ҳам қулоғига бориб етган эди. Озар ўғлини бутпарастликка қайтариш учун бир чора ўйлаб топди. Унга айтди: “Эй, Иброҳим! Биз-

<sup>1</sup> Шуаро сураси, 70-102-оятлар.

нинг бир диний байрамимиз бор. Агар биз билан борсанг, сенга ҳам ёққан бўларди”.

Байрам куни Иброҳим алайҳиссалом улар билан бирга йўлга чиқди. Йўлнинг ярмига етганда ўзини ерга ташлади: “Мен хастаман, вабога йўлиқдим!” – деди. У ерда ётганида одамлар уни оёқлари билан босиб қочдилар. Иброҳим алайҳиссалом уларга қараб айтди:

﴿٥٧﴾ وَتَاللَّهِ لَأَكِيدَنَّ أَصْنَمَكُمْ بَعْدَ أَنْ تُولُوا مَدْيَنَ

“Аллоҳ номига қасамки, сизлар ўгирилиб (байрамга) кетганларингиздан кейин бутларингизга макр (хужум) қилурман”.<sup>1</sup> Қавмидан орқада қолганлар Иброҳим алайҳиссаломнинг сўзларини эшитди.

Иброҳим алайҳиссалом санамлар турган бутхонага келди. Бутхонанинг эшигининг қаршисида катта санам бор эди. У олтиндан ясалган эди. Бу санамнинг икки кўзига эса кечаси порлаб турувчи тош ўрнатилган эди. Унинг ёнида кетма-кет қўйилган кўп санамлар бор эди. Бутпарастлар байрам жойига кетишдан олдин санамларнинг олдига келиб, уларнинг олдига таомлар қўйишган ва қайтишларида санамлари “баракотлантирган” таомларини ейишни мақсад қилишган эди.

Иброҳим алайҳиссалом санамларга ва уларнинг олдига қўйилган таомларга қаради:

﴿١١﴾ فَقَالَ أَلَا تَأْكُلُونَ ﴿١٢﴾ مَا لَكُمْ لَا نَنْطِقُونَ

“(Олдиларингиздаги таомни) емайсизми?! Не бўлди сизларга, сўзламайсиз?!” – деди.<sup>2</sup>

Кўлига болта олди ва барча санамларни парчалаб ташлади. Ҳар сафар урганида: “Ўзингни химоя қилмайсанми?” – дер эди. “...Фақат, “(мушриклар бутларнинг)

<sup>1</sup> Анбиё сураси, 57-оят.

<sup>2</sup> Соффот сураси, 91-92-оятлар.

каттасига мурожаат қилсинлар” (деб) ўшанигина (қолдирди)”.<sup>1</sup>

Болтани бутларнинг энг каттасининг бўйнига осиб, бутхонадан чиқди.

قَالُوا مَنْ فَعَلَ هَذَا بِآلِهَتِنَا إِنَّهُ لَمِنَ الظَّالِمِينَ ﴿٥٩﴾ قَالُوا سَمِعْنَا فَتًى يذُكُرُهُمْ يُقَالُ لَهُ إِبْرَاهِيمُ ﴿٦٠﴾

Улар (қайтиб келиб): “Бизнинг илоҳларимизни ким бундай қилди? (Ким бўлса ҳам) у золимлардан экан”, - дедилар. Улар (айримлари) айтишди: “Уларни гапириб (айблаб) юрадиган Иброҳим деган бир йигитни эшитгандик”.<sup>2</sup>

У (Иброҳим) илоҳларимизни айблаб, уларни масҳара қилиб юрарди. Биз ундан бошқа ҳеч кимнинг бунга журъат қилишига ишонмаймиз. Бу ишни, албатта, ўша қилган, - дедилар. Шоша-пиша унинг олдига келдилар.

قَالَ أَتَعْبُدُونَ مَا تَنْحِتُونَ ﴿٦٥﴾ وَاللَّهُ خَلَقَكُمْ وَمَا تَعْمَلُونَ ﴿٦٦﴾

У деди: “Ўзларингиз йўниб (ясаб) олган нарсаларга ибодат қиласизми?! Ҳолбуки, сизларни ҳам, сиғинаётган бутларингизни ҳам Аллоҳ яратган-ку?”<sup>3</sup>

Тезлик билан бу ҳақда Намрудга хабар берилди.

### Иброҳим алайҳиссаломнинг сўроқ қилиниб, оловга ташланиши

Намруд билан қавм улуғлари Иброҳим алайҳиссаломни далилсиз жазолашни маъқул кўришмади. Айбини унинг бўйнига қўймоқчи бўлишди.

قَالُوا قَاتُوا بِهِ عَلَىٰ عَيْنِ النَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَشْهَدُونَ ﴿٦٦﴾ قَالُوا ءَأَنْتَ

<sup>1</sup> Анбиё сураси, 58-оят.

<sup>2</sup> Анбиё сураси, 59-60-оятлар.

<sup>3</sup> Соффот сураси, 95-96-оятлар.

فَعَلَتْ هَذَا بِغَالِيَتِنَا يَا بَرَهَيْمُ ﴿٦٣﴾ قَالَ بَلْ فَعَلَهُ كَبِيرُهُمْ هَذَا  
فَسَأَلُوهُمْ إِنْ كَانُوا يَنْطِقُونَ ﴿٦٤﴾

(Шунда уларнинг катталари) айтишди: “Уни одамлар олдига келтирингиз, шояд, улар гувоҳ бўлишса”, - дедилар. (Уни келтиришгач): “Илоҳларимизни сен шундай қилдингми, эй Иброҳим?” – деб (сўрашди). (Иброҳим) айтди: “Йўқ, бу ишни уларнинг каттаси – мана бу (хайкал) қилди. Бас, улардан сўрангиз, башарти гапира олсалар”.<sup>1</sup>

Иброҳим алайҳиссалом: “Бутларнинг энг каттаси сизларнинг анави кичик бутларга сиғинишингиздан ғазабланиб, шундай қилди”, - деди. Шунда қавми инсофга келгандек бўлди.

فَرَجَعُوا إِلَىٰ أَنفُسِهِمْ فَقَالُوا إِنَّكُمْ أَنْتُمُ الظَّالِمُونَ ﴿٦٥﴾ ثُمَّ نَكِسُوا  
عَلَىٰ رُءُوسِهِمْ لَقَدْ عَلِمْتَ مَا هَؤُلَاءِ يَنْطِقُونَ ﴿٦٥﴾ قَالَ  
أَفَتَعْبُدُونَ مِن دُونِ اللَّهِ مَا لَا يَنْفَعُكُمْ شَيْئًا وَلَا يَضُرُّكُمْ  
﴿٦٦﴾ أَلَمْ تَكُومُوا لِعِبَادَتِي وَكُنْتُمُ الْكَاذِبِينَ ﴿٦٧﴾

Бас, (мушриклар) ўзларига (хушларига) келиб (бир-бирларига): “Сизлар ўзингиз золимсиз”, - дедилар. Сўнгра яна бошлари айланиб: “Сен уларнинг гапирмасликларини яхши билардинг-ку?!” – дейишди. (Иброҳим) айтди: “Ахир, Аллоҳни қўйиб, сизларга бирор фойда ҳам, зиён ҳам етказа олмайдиган нарсаларга сиғинасизми?! Сизларга ҳам, Аллоҳни қўйиб сиғинаётган бутларингизга ҳам туф-е! Ахир, ақл юргизмайсизми?”<sup>2</sup>

وَحَاجَّهُ قَوْمُهُ قَالَ أَتُحِبُّونِي فِي اللَّهِ وَقَدْ هَدَانِ وَلَا أَخَافُ مَا

<sup>1</sup> Анбиё сураси, 61-63-оятлар.

<sup>2</sup> Анбиё сураси, 64-67-оятлар.

تُشْكِرُونَ بِهِ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ رَبِّي شَيْئًا وَسِعَ رَبِّي كُلَّ شَيْءٍ  
 عِلْمًا أَفَلَا تَتَذَكَّرُونَ ﴿٨٠﴾ وَكَيْفَ أَخَافُ مَا أَشْرَكْتُمْ وَلَا  
 تَخَافُونَ أَنَّكُمْ أَشْرَكْتُمْ بِاللَّهِ مَا لَمْ يُنَزَّلْ بِهِ عَلَيْكُمْ سُلْطَانًا  
 فَأَيُّ الْفَرِيقَيْنِ أَحَقُّ بِالْأَمْنِ إِنْ كُنْتُمْ تَعْلَمُونَ ﴿٨١﴾ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَلَمْ  
 يَلْبِسُوا إِيمَانَهُمْ بِظُلْمٍ أُولَئِكَ لَهُمُ الْأَمْنُ وَهُمْ مُهْتَدُونَ ﴿٨٢﴾

Қавми у билан баҳслашди. (Шунда) у деди: “Мен билан Аллоҳ ҳақида баҳслашасизми? Ахир, (У) мени ҳидоятга йўллаган бўлса?! Мен сизлар келтирган ширкдан қўрқмайман. Илло, Раббим бирор нарсани хоҳласа (ўша бўлур). Раббим илм жихатидан ҳамма нарсани қамраб олган. (Буни) эслаб кўрмайсизларми? Сизлар келтирган ширкдан қандай ҳам қўрқайинки, сизларга бирор ҳужжат қилиб туширмаган нарсани Аллоҳга шерик қилишдан қўрқмаётган бўлсангиз?!” (Бу) икки гуруҳнинг қайсиниси (қўрқмай) хотиржам бўлишга ҳақлироқ? Биладиган бўлсангиз (айтинг!) Имон келтирган ва имонларига зулм (ширк)ни ара-лаштирмаганлар – айнан ўшаларга хавфсизлик (бордир) ва улар ҳидоят (тўғри йўл) топган зотлардир.<sup>1</sup>

Намруд Иброҳим алайҳиссаломни ҳузурига чақириб: “Сен ўзинг ибодат қилаётган ва халқни унга ибодат қилишга чақираётган, унинг барча нарсалардан кўра ибодат қилишга лойиқ эканини айтган илоҳингни кўрган-мисан? У ўзи нимадир?” – деб сўради.

“Менинг Раббим ҳам тирилтирур, ҳам ўлдирур”, - деди Иброҳим алайҳиссалом. – Сен қандай қилиб ўлдириб-тирилтирасан?

Намруд айтди: “Ўлимга ҳукм қилинган икки одамдан бирини ўлдираман, иккинчисини эса ўлдирмасдан кечираман, бу билан ўлдирган ва тирилтирган бўламан”.

<sup>1</sup> Аъном сураси, 80-82-оятлар.

Иброҳим алайҳиссалом айтди: “Аллоҳ таоло қуёшни шарқдан чиқаради, агар сен устун бўлсанг, уни (қуёшни) ғарбдан чиқариб кўр-чи!” Шунда Намруд тутилиб қолди. “...Аллоҳ золим кишиларни ҳидоят сари йўлламагай”.<sup>1</sup>

Намруд Иброҳим алайҳиссаломни етти йил зиндонда сақлади. Қавми эса Иброҳим алайҳиссаломни ўлдириш хусусида келишиб олишди:

﴿١٧﴾ قَالُوا ابْنُوا لَهُ بُيُوتًا فَأَلْقُوهُ فِي الْجَحِيمِ

“Улар (бир-бирларига) дедилар: (Иброҳим) учун (ичида олов ёнадиган) бинолар қуриб, уни ўша оловга ташлангиз!”<sup>2</sup>

﴿١٨﴾ حَرِّقُوهُ وَانصُرُوا آلِهَتَكُمْ إِنْ كُنْتُمْ فَاعِلِينَ

“...Уни ёқиб юборингиз! Агар (бирор нарса) қилувчи бўлсангиз (шу иш билан) илоҳларингизга ёрдам қилингиз!”<sup>3</sup>

Намрудга Иброҳим алайҳиссаломни оловда ёқиш таклифини айтган киши форс бадавийларидан Қурт Хайзан эди. Аллоҳ таоло уни ерга юттирди: қиёматга қадар қимирлагани сари ботиб кетаверади.

Намруд Иброҳим алайҳиссалом (ни ёқиш) учун турли хил ўтинлардан тўплашни буюрди. Ўтинларнинг энг қаттиқ ва энг чидамлиларини тўплашди. Иброҳим алайҳиссаломнинг қишлоғидан бир хаста аёл: “Тангри мени хасталиқдан халос этса, Иброҳим учун ўтин тўплай”, -деб ният қилган эди.

Намруд Иброҳим алайҳиссалом учун тўплатган шағал тошлардан кенг чуқур қазиб, тандир қурдирди. Олов ўчоғи Гута деган жойда қурдирилган эди. Ўтин уч ой мобайнида тўпланди.

<sup>1</sup> Бақара сураси, 258-оят.

<sup>2</sup> Соффот сураси, 97-оят.

<sup>3</sup> Анбиё сураси, 68-оят.

Сўнг ўтинларни ёқиб юбордилар. Олов шу қадар юксалдики, у ердан куш учиб ўтса, оловнинг ҳароратидан ёниб кул бўларди. Оловнинг тафти ва тутун Гута халқини ҳалок қилаёзди. Юксак ҳарорат сабабли баъзилар ертўлаларда сақландилар.

Иброҳим алайҳиссаломни бу оловга ташлаш учун уни баланд бир бинога чиқаришди. Қўл-оёқларини маҳкам қилиб боғладилар. Бинога бир манжаниқ қурдилар. Иброҳим алайҳиссаломни бу манжаниқнинг палласига қўйишди. Манжаниқ ясаган Курд Ҳайзон бўлиб, у илк манжаниқ устаси эди.

Иброҳим алайҳиссалом уни боғлаётганларида Аллоҳ таолога: “Сендан ўзга илоҳ йўқдир! Сен ҳар турли айб-унуқсонлардан поксан! Сен оламларнинг Раббисан! Ҳамд ва мақтовлар Сенга хосдир! Мулк сеникидир ва Сенинг шеригинг йўқдир!” – деди.

Манжаниқ Иброҳим алайҳиссаломни ҳавога улоқтирганида Жаброил алайҳиссалом ундан сўради: “Эй, Иброҳим! Бирор ҳожатинг борми?” – деб сўради. Иброҳим алайҳиссалом айтди: “Сенга йўқ!” “У ҳолда ҳожатингни Раббингдан сўра!” – деди Жаброил алайҳиссалом. Иброҳим алайҳиссалом айтди: “Унинг менинг ҳолимни, истагимни билиши менга кифоя!” Сўнг кўкка қараб: “Эй, Аллоҳим! Сен самода яғонасан, Ерда ҳам яғонасан! Мен бу ерда ёлғизман. Бу ерда мендан бошқа Сенга ибодат қилувчи йўқ. Аллоҳ (Ўзи) менга кифоя қилур. Қандай буюк Вакилдир У!” – деди.

### Оловнинг Иброҳим алайҳиссаломга салқин ва омонлик бўлиши

Олов ичига отилганда Иброҳим алайҳиссалом Парвардигорига таваккул қилди. Аллоҳ таоло айтди:

يٰۤاِبْرٰهِيْمُ  
بَرَدًا وَسَلٰمًا عَلٰى اِبْرٰهِيْمَ

**“Эй, олов! Иброҳимга салқин ва омонлик бўл!”<sup>1</sup>**

Олов Раббининг амрига бўйин сунди. Олов фақатгина Иброҳим алайҳиссалом боғланган ипларни куйдирди.

Иброҳим алайҳиссалом олов ичида етти кун қолди. Унинг қирқ (баъзи ривоятларга кўра эллик) кун қолгани ҳам ривоят қилинади.

Иброҳим алайҳиссаломнинг отаси ўғли оловга ташланганининг еттинчи куни Намруд ҳузурига бориб: “Рухсат бер, ўғлимнинг суяқларини тўплаб, уни кўмай”, - деди.

### **Иброҳим алайҳиссаломнинг олов ичида онаси билан кўришиши**

Иброҳим алайҳиссаломнинг онаси Нуна ўғлига қараб, олов уни ёқмаганини кўрди. Унга: “Эй, ўғлим! Мен сенинг ёнинга бормоқчиман. Аллоҳга дуо қил, мени оловнинг тафтидан кўриқласин!” – деди. Иброҳим алайҳиссалом дуо қилди. Онаси унинг ёнига келди. Олов унга зиён келтирмади. Нуна ўғлини бағрига босиб, пешонасидан ўпгач, ортига қайтди.

### **Иброҳим алайҳиссаломнинг олов ичидан чиқиб Намруд билан сўзлашиши**

Намруд Иброҳим алайҳиссаломнинг олов ичида ёниб кул бўлганига амин эди. Ҳайвонига миниб, олов ёнидан ўтди. Иброҳим алайҳиссаломни ёқиш учун йиғилган ўтинлар ҳалиям ёниб турарди.

Намруд олов ичига қараб Иброҳим алайҳиссаломнинг у ерда соппа-соғ ўтирганини ва унинг ёнида ўзига ўхшаган бир кишини кўрди. Қавмига бориб: “Мен Иброҳимнинг олов ичида соппа-соғ ўтирганини кўрдим! Балки кўзимга кўрингандир. Сизлар мен учун баланд бир бино қуринг ва у ердан Иброҳимнинг ҳолини кўрай” – деди.

<sup>1</sup> Анбиё сураси, 69-оят.

Дарҳол баланд бир бино қурилди. Намруд бино устига чиқиб қараганида яна Иброҳим алайҳиссаломнинг у ерда соғ ўтирганини ва ёнида ўзига ўхшаган бир киши борлигини кўрди.

Унга: “Эй, Иброҳим! Кўряпманки, сенинг илоҳинг жуда буюк экан. Унинг иззати ва қудрати сени зиёндан сақлашга қодир экан. Сенинг Раббинг қанчалар яхши экан!” – деди. Сўнг ундан сўради: “Эй, Иброҳим! Олов ичидан чиқишга ҳам кучинг етадими?” “Ҳа!” – деди Иброҳим алайҳиссалом. “Олов ичида қолиб, унинг сенга зарар беришидан қўрқмайсанми?” – деб сўради. “Йўқ!” – деди Иброҳим алайҳиссалом. “У ҳолда олов ичидан чиқ!” – деди Намруд.

Иброҳим алайҳиссалом ўрнидан туриб, оловдан ташқарига чиқди ва Намруднинг олдига борди. Намруд сўради: “Эй, Иброҳим! Ёнингда ўзингга ўхшаш бир кишини кўрдим. У ким эди?” Иброҳим алайҳиссалом айтди: “У шарпалар фариштаси эди. Раббим уни ёнимда бўлиши, олов ичида мен билан сўзлашиши ва менга салқин ҳамда омонлик бўлиши учун юборди”, - деди.

Намруд айтди: “Эй, Иброҳим! Мен сенинг илоҳингга қурбонлик қиламан. Аммо бунининг тавҳидини қабул қилиш учун эмас, унинг иззат ва қудратининг буюклигини ва сен учун қилганларини ўз кўзим билан кўрганим учун бажараман. У учун тўрт минг қорамолни сўйиб қурбонлик қиламан!”

Иброҳим алайҳиссалом айтди: “Сен ўз динингдан қайтиб, менинг динимга кирмагунингча Аллоҳ таоло сенинг қурбонлигингни қабул қилмас!”

### **Дастлабки мўминлар ва ҳижрат**

Иброҳим алайҳиссаломнинг олов ичидан тирик чиққанини кўрган баъзи кишилар Намруд ва унинг одамларидан қўрқишларига қарамай, Иброҳим алайҳиссаломнинг даъватига тобе бўлиб, Аллоҳга имон кел-

тирдилар. Имон келтирганлар орасида Иброҳим алайҳиссаломнинг укаси Ҳороннинг ўғли Лут ибн Ҳорон ибн Тороҳ ҳамда Иброҳим алайҳиссаломнинг амакиси катта Ҳороннинг қизи Сора ҳам бор эди.

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга Намруднинг юртини тарк этишини ва муқаддас Шом тупроқларига боришини буюрди. Иброҳим алайҳиссаломга итоат этганлар ҳам у билан бирга кетишга қарор қилишди ва Намруд қавмига: “Биз сиздан ва Аллоҳдан бошқа сиғинаётган нарсаларингиздан узоқмиз ва безганмиз! Эй, бутлар! Биз сизларни рад ва инкор этамиз! Эй, бутга сиғинувчилар! Сизлар ҳам Аллоҳга имон келтирмагунингизча сиз билан ўртамизда фақат душманлик бўлур!” – дедилар.

Иброҳим алайҳиссалом муҳожир бўлиб, юридан айрилди. Амакиси Ҳороннинг қизи Сора ҳам Раббига ибодат қилиш учун Иброҳим алайҳиссалом билан бирга йўлга чиқди.

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга Сорага уйланишини ваҳий этди. Ҳазрати Сора асло ажралмаслик шарти билан унга турмушга чиқишини айтди. Иброҳим алайҳиссалом ҳам шу шарт билан унга уйланди. Бу пайтда Иброҳим алайҳиссалом ўттиз етти ёшда эди.

Иброҳим алайҳиссалом билан бирга Лут алайҳиссалом ҳам ҳижрат қилди. Ўша пайтда Куъса халқи ва Иброҳим алайҳиссалом сурёний тилида сўзлашар эди.

### **Намруднинг муҳожирларни ортларига қайтаришга уриниши**

Намруд муҳожирлар ортидан одамларини юборди. “Сурёний тилида сўзлашувчи ҳеч бир кишини қолдирманг!” – деди.

Иброҳим алайҳиссалом Ҳарронда Фиротдан ўтганида Аллоҳ таоло унинг тилини ибронийчага ўзгартирди.

Намруднинг одамлари Иброҳим алайҳиссаломни қувиб етдилар. Иброҳим алайҳиссалом уларга иброний тилида сўзлаганда уни қўйиб юборишди.

Муҳожирлар Ҳарронга бориб бир муддат ўша ерда яшашди. Иброҳим алайҳиссаломнинг отаси Озар икки юз беш ёшида ўша ерда вафот этди.

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга Канъонийлар юртига боришини ва у ерда унинг зурриёти қум зарралари қадар кўпайишини билдирди. Бу пайтда Канъонийлар юртида очарчилик ҳукмрон эди.

Иброҳим алайҳиссалом Урдунга, у ердан эса Мисрга борди. Мисрда илк етти фиръавнлардан бири саналган Тотис отасини ўлдириб, унинг тахтини эгаллаган эди. Тотис енгилмас, зўравон, қўрқмас, даҳшат солувчи ва қаттиққўл фиръавн эди. Қариндошларини, оила аъзоларини, амаки-ваччаларини, хизматкорларини, хотинларини ва коҳинларни қўли титрамасдан ўлдириб юбораверарди. У жудаям қонсираган эди. Унинг Синон ибн Ашал ибн Улвон ибн Убайд ибн Авлаж ибн Имлок ибн Лаваз ибн Сом ибн Нух алайҳиссалом экани ва золим Заҳҳокнинг укаси эканлиги, Мисрни бошқариш учун юборилгани ҳам ривоят қилинади.

### **Сора сабабли Иброҳим алайҳиссаломнинг боши ташвишда**

Иброҳим алайҳиссалом завжаси Сора билан Мисрга етиб борганларида шаҳар дарвозасини қўриқлаб турган муҳофизлар Соранинг гўзаллигига ошиқ бўлдилар ва фиръавнга айтдилар: “Шарқ халқидан шаҳарга бир киши келди. Унинг ёнида бир аёл бор эдики, у инсонларнинг энг гўзалидир. Одамлар ундан-да гўзал, ундан да латофатли аёлни кўрган эмас!” ва яна дедилар: “У фақатгина сенга муносибдир”.

Фиръавн дарҳол вазирини жўнатиб, Иброҳим алайҳиссаломни ҳузурига келтиришини буюрди. Иброҳим

алайҳиссалом келгач, ундан ким эканини ва Мисрга нима мақсадда келганини сўради. Иброҳим алайҳиссалом ким эканини ва бу шаҳарга нима сабабдан келганини айтди.

Фиръавн сўради: “Ёнингдаги аёл кимдир? У сенга ким бўлур?” Иброҳим алайҳиссалом “У менинг хотиним” деса, ўлимга ҳукм қилишларидан чўчиб, “У менинг синглимдир”, - деди.

Фиръавн уни кўришни истади. Унга қарши чиқиб бўлмасди. Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга фиръавннинг ёмонлик қила олмаслигини билдирди. Шунда Иброҳим алайҳиссалом Соранинг олдига келди: “Бу зўравон агар менинг завжам эканингдан хабар топса, аҳволимиз яхши бўлмас. Шу боис сени синглим деб айтдим”, - деди.

### **Сора Фиръавннинг ҳузурида**

Фиръавн одам юбориб Сорани ҳузурига келтирди. Иброҳим алайҳиссалом дарҳол намозда қоим бўлди.

Фиръавнга Соранинг ғоят гўзаллиги билдирилган эди. Ҳақиқатан ҳам Сора жуда гўзал ва Иброҳим алайҳиссаломга ниҳоятда итоатли эди. Унга асло итоатсизлик қилмаган эди. Шу сабабли Аллоҳ таоло унинг шарофини юксалтирди.

Сора фиръавннинг ҳузурига кирганида фиръавн ўрнидан турди. Сора дарҳол покланиб, намозда қоим бўлди. Намозини битириб шундай дуо қилди: “Эй, Аллоҳим! Мен Сенга ва Сенинг пайғамбарингга имон келтирган ва аёллигимга эримдан ўзгасини яқинлаштирмаган ожизангман, бу кофирни менга яқин йўлатма!”

Фиръавн сабрсизланиб Сорага кўлини узатганда унинг кўли ёпишиб қолди. Шунда Сорага айтди: “Аллоҳга дуо қил, кўлимни қўйиб юборсин, сенга бирор зарар бермасман!”

Сора дуо қилди, фиръавннинг қўли қўйиб юборилди. Шунда фиръавн иккинчи марта унга қўлини узатди. Бу сафар янаям қаттиқроқ боғланиб қолди. Фиръавн ёлвориб: “Аллоҳга дуо қил, қўлимни қўйиб юборсин, сенга бирор зарар бермасман!”- деди.

Сора дуо қилди, фиръавннинг қўли қўйиб юборилди. Бироқ фиръавн нафсини енга олмади ва яна қўлини узатди. Бу сафар қўли аввалги иккисидан ҳам қаттиқроқ боғланиб қолди. Фиръавн Сорадан дуо қилишини сўради. Шунда Сора: “Аллоҳим! Агар бунинг сўзи ва ўзи тўғри бўлса, қўлини қўйиб юбор”, - деди. Фиръавннинг қўли қўйиб юборилди.

Ривоятга кўра, фиръавн ҳар сафар қўл узатганида фақатгина қўли боғланиб қолмасдан, нафас олиши қийинлашиб, хириллаб қолган, оёқлари билан ерни тепинган эди. Шунда Сора: “Аллоҳим! Агар бу ўлса, уни мана шу аёл ўлдирди, дейишади” деб хавотирланган эди.

Фиръавн Сорани олиб келган кишига ва муҳофизларига: “Сизлар менга инсон эмас, шайтонни олиб келибсиз. Дарҳол уни Иброҳимга қайтаринг. У юртимни ҳозироқ тарк этсин. Ҳожарни ҳам унга беринг!” – деди. Сорага кийимлар ҳадя этди ва: “Сенинг Раббинг ҳақиқатан ҳам буюк экан!” – деди ва Иброҳимнинг унга ким бўлишини сўради. Сора унинг завжаси эканини айтди. “Аммо у сени синглим деб айтган эди?” – деди. “Тўғри, мен унинг динда синглисиман. Бизнинг динимизда ҳар ким бир-бирига биродардир”, - деди. Фиръавн: “Қандай ажойиб сизнинг динингиз!” – деди ва Сорани кўришсин деб қизи Ҳурянинг ҳузурига юборди.

### Сорага қилинган икромлар

Фиръавннинг қизи Ҳуря ақлли ва фазилатли аёл эди. Аллоҳ таоло унинг қалбида Сорага нисбатан муҳаббат ва ҳурмат ҳиссини уйғотди. Ҳуря Сорани муносиб кутиб олди ва меҳмон қилди. Унга мол-мулк, зеб-зийнатлар

берди. Сора буларни олиб Иброҳим алайҳиссаломнинг олдига қайтди.

Иброҳим алайҳиссалом бу пайтда намозда Раббига дуо қилар эди. Соранинг келганини билиб, намозини тугатди. Унга қўли билан ишора қилиб: “Нима гап?” – деди. “Хайрли хабар!” – деди Сора. – Иззат ва жалол эгаси бўлган Аллоҳ ўша фожирнинг қўлини мендан ман, ёмонлигини рад ва ўзини залил этди. Менга бир хизматкорни, яъни Хожарни берди!

Иброҳим алайҳиссалом Хуря инъом этган мол-давлат ва зеб-зийнат ҳақида: “Буларни қайтариб бер, бизга лозим эмас!” – деди. Сора уларни қайтариб берди.

Хуря аҳволни отасига баён қилганида фиръавн ҳайратланди ва айтди: “Аниқки, улар устун ва шарафли бир қавмдир. Улар тоза насл ва зот эгаларидир”.

Сорага яхшилик қилиши учун турли чора қўллаган бўлса-да, у буларнинг ҳеч бирини қабул этмади. Фақатгина жорияларнинг энг гўзали бўлган Хожарни қабул қилишга мажбур бўлди.

Иброҳим алайҳиссалом фиръавндан ва унинг ёмонлигидан сақлангани боис Шомга қайтар чоғида Хуря улар учун йўл озиғи тайёрлади ва уларни саватларга тўлдирди.

Ҳар бир саватдаги ҳолва остига биттадан қимматли тош, жавоҳир ва тилла билакузуклар жойлаштирди. Сорага: “Буларни ўзингиз билан олинг, йўлда лозим бўлади”, - деди. Сора эри билан маслаҳатлашишини айтди. “Ахир булар озиқ-овқатлар-ку, олавермайсанми?” деди Хуря. Сора уларни олиб Иброҳим алайҳиссаломнинг ёнига қайтди.

### Мисрни тарк этиш

Иброҳим алайҳиссалом Сора ҳамда Хожар билан бирга Мисрдан чиқишди. Анча йўл босиб, Мисрдан узоқлашганларида Сора баъзи озуқаларни истеъмол қилиш учун

қўл узатганида улар остидан жавоҳирларни топди. Бошқа саватларга қаради. Улар ҳам қимматли тошлар билан тўла эди. Уларни тўплаб Иброҳим алайҳиссаломга берди. Иброҳим алайҳиссалом уларнинг бир қисмига бир қудуқ қаздирди. Қолган қисмини эса хайр-эҳсон йўлида сарфлади.

### **Сабънинг юрт сифатида танланиши**

Иброҳим алайҳиссалом оиласи билан Фаластин худудида, Фаластин билан Қуддус орасида жойлашган Шом чўлидаги Сабъ деган жойга бориб жойлашдилар. Иброҳим алайҳиссалом у ерда бир қудуқ қазди ва бир масжид қурди.

Қудуқ суви чашма суви сингари тиниқ бўлиб оқар, Иброҳим алайҳиссаломнинг қўйлари сув ичиш учун шу ерга келишар эди.

Сабъ халқи Иброҳим алайҳиссаломни безовта қиладиган баъзи ҳаракатларни амалга ошира бошладилар. Иброҳим алайҳиссалом дарҳол у ерни тарк этди.

### **Сабъ халқининг Иброҳим алайҳиссаломни қайтаришга уринишлари**

Иброҳим алайҳиссалом Сабъни тарк этгач, ердан чиқиб турган сув оқмай қўйди. Сабъ халқи қилмишларидан пушаймон бўлдилар. “Солиҳ инсонни орамиздан ҳайдадик”, - деб афсусландилар. Уларнинг ортидан етиб бориб ортларига қайтишларини илтимос қилдилар. Иброҳим алайҳиссалом айтди: “Мен ўзим ташлаб чиқиб кетган халқ орасига қайтиб бормаيمان!” Улар айтдилар: “Сен ичган ва бу орқали биз ҳам ичган сув тўхтаб қолди”. Иброҳим алайҳиссалом уларга еттита эчки берди: “Буларни қудуқ бошига суғориш учун олиб боринг, шунда қудуқ суви қўтарилиб, сув оқа бошлайди. Худди аввалгидек ундан сиз ҳам ичасиз”, - деди.

Сабъ халқи эчкиларни қудуқ бошига олиб боришганида сув чиқди ва ундан ича бошладилар.

### **Иброҳим алайҳиссалом янги юртида**

Иброҳим алайҳиссалом Сабъдан чиқиб, яна Фаластин ҳудудидаги, Рамла билан Қуддус орасидаги бир жойга бориб жойлашди. Бу ер Кат (ёки Кит) деб номланарди.

Иброҳим алайҳиссалом бу ерда ҳам бир қудуқ қазди. Уйига келган меҳмонларни сийлади. У меҳмон кузатувчиларнинг дастлабкиси бўлиб, уни “қўниқлар отаси” деб аташарди. Аллоҳ таоло унга мўл ризқ, бойлик ва хизматкорлар берди.

### **Иброҳим алайҳиссаломнинг Лут алайҳиссалом ҳамда унинг мулкини душман қўлидан қутқариши**

Иброҳим алайҳиссаломнинг укаси Ҳороннинг ўғли Лутнинг ҳам бойлиги кўпайган эди. Иброҳим алайҳиссалом унга: “Аллоҳ таоло бизнинг молимизни, қўй-қўзиларимизни кўпайтирди. Сен ёнимиздан айрилиб, Садум ва Амура шаҳарларига бориб жойлаш!” – деди. Бу шаҳарлар Иброҳим алайҳиссалом яшаётган ерга яқин эди.

Лут алайҳиссалом Садум ва Амура шаҳарларига бориб жойлашганда, у ерга келган бир қирол Лут алайҳиссалом билан тўқнаш келди. Уни аср олиб, мол-мулкини талон-тарож қилди.

Иброҳим алайҳиссалом бундан хабар топиб, уч юз ўн саккиз киши билан бориб, улар билан жанг қилди. Лут алайҳиссаломни ва унинг мол-мулкини қайтариб олди.

Душманларнинг баъзиларини ўлдирди ва қочганларини Дамашқнинг шарқий қисмигача таъқиб қилиб борди.

## Иброҳим алайҳиссаломнинг Ҳожарга уйланиши

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга мол-дунёни мўл қилиб берди. Шунда Иброҳим алайҳиссалом: “Эй, Раббим! Менинг зурриётим йўқ, шунча мол-дунёни нима қиламан?” – деди. Аллоҳ таоло марҳамат қилди: “Мен сенинг зурриётингни ҳам шу қадар кўпайтирмамки, улар кўкдаги юлдузлар миқдорича бўлур!”

Муқаддас тупроқда йигирма йилдан бери бирга яшаётган бўлишларига қарамасдан фарзандлари йўқ эди. Сора ёши ўтиб, Иброҳим алайҳиссалом учун фарзанд туғишдан қолган эди. Иброҳим алайҳиссалом ҳам кексайган эди.

Солиҳ бир ўғли фарзанд бериши учун Аллоҳ таолога ёлвориб дуо қилди. Мисрдан келганларидан ўн йил ўтиб, Сора Иброҳим алайҳиссаломга: “Мен Ҳожарнинг яхши аёл эканини кўряпман. Сен уни хотинликка ол, шояд сенга ундан бир ўғил фарзанд насиб бўлса”, - деди.

## Ҳожарнинг шахсияти

Ҳожар фиръавннинг Иброҳим алайҳиссаломга имон келтирган жорияларидан эди. У Мисрнинг Фарама олдаги Умму-л араб қишлоғидан эди. Бу қишлоқ Яқ деб ҳам номланарди. Ҳожарнинг қишлоғи Фарама деб номлангани ҳам ривоят қилинади. Ҳожар қибтий, яъни мисрлик эди. У фиръавндан олдин Мисрнинг Қибт қиролларидан бирининг қизи эди. Амр ибн Ос Мисрни қамал қилганида мисрликларга:

“Пайғамбар алайҳиссалом бизга Мисрни фатҳ этишни ваъда қилдилар ва мисрликлар билан қариндошлик боғлари бўлгани боис уларга яхши муносабатда бўлишимизни буюрдилар”, - деди. Мисрликлар бу қариндошликнинг узоқ йиллар илгари бўлганини айтиб: “Тўғри айтасиз. Сизнинг онангиз бизнинг қиролимизнинг қизи ва у

Манф халқидан эди. Қирол ҳам Манф халқининг қироли эди. Айн-и шамс халқи манфликлар устига юриш қилди. Уларни мағлуб этиб, давлатини йўқ қилди, Манф халқини ғурбатда сарсон бўлишига сабабчи бўлди. Шу тариқа Ҳожар отангиз Иброҳим алайҳиссаломнинг завжаси ва сизнинг онангиз бўлди”, - деб эътироф этдилар.

### **Суннатга оид баъзи ҳукмлар**

Суннат бўлиш эркаклар учун суннатдир. Суннат бўлиш мусулмон кишини мусулмон бўлмаган кишидан ажратувчи бир белги бўлгани боис фарз эмас, суннат ҳисобланади. Суннатнинг вожиб ва мустаҳаб бўлган икки вақти мавжуд.

Суннатнинг вожиб вақти болиғ чоғи бўлиб, ундан кечиктирмаслик лозим.

Суннатнинг мустаҳаб вақти эса болиғ чоғидан олдиндир. Болани туғилганидан сўнг еттинчи кун ёки қирқинчи куни суннат қилдириш мустаҳабдир. Суннатнинг мустаҳаб вақти узрсиз кечиртирилмаслиги лозим.

Ҳазрат Ҳусайн (р.а.) туғилгандан сўнг еттинчи куни суннат қилинган эди.

Имом Зухрий айтади: “Эркак киши мусулмон бўлган вақтда ёши катта бўлса ҳам суннат бўлиши лозимлиги буюрилади”, - дейди. Солим эса: “Абдуллоҳ ибн Умар мени ва Нуаймни суннат қилдириб, биз учун қўй сўйди. Биз учун қўй сўйгани сабабли биз хурсанд бўлдик”.

### **Исмоил алайҳиссаломнинг туғилиши, Соранинг Ҳожарга ғайрлиги ва қасами**

Иброҳим алайҳиссалом саксон олти ёшга тўлганида Ҳожардан Исмоил алайҳиссалом туғилди. Сора Исмоил алайҳиссалом туғилгач, Ҳожарга ғайрлик қила бошлади.

Бир куни жаҳл қилиб уни уйдан қувди, сўнг яна ичкарига киритди. Яна шу ҳол такрорланди. Сўнгра Ҳожарнинг танасининг уч аъзосини кесишга (шаклини ўзгартиришга) қасам ичди. Ўзича: “Унинг бурнини, қулоғини кессам, у хунуклашиб кетади”, - деб ўйлади ва бу фикридан воз кечди.

## ҲОЖАР ВА ИСМОИЛ АЛАЙҲИССАЛОМ

### МАККА ҲАЁТИ

Ҳожар ва Исмоил алайҳиссаломнинг Маккага юборилиши

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга Ҳожар билан Исмоил алайҳиссаломни балда-и Ҳаромга олиб боришини ваҳий этди. Исмоил алайҳиссаломга Байт-ул Ҳаромни ҳозирлаб қўйганини, у ернинг Исмоил алайҳиссаломнинг қўллари билан обод қилишни тақдир этганини, у ернинг суви ҳам унинг учун оқишини билдирди.

Иброҳим алайҳиссалом Буроққа<sup>1</sup> минди. Икки яшар Исмоил алайҳиссаломни олдига, Ҳожарни орқасига миндирди.

Бу йўлда Жаброил алайҳиссалом ҳам улар билан бирга эди. У Иброҳим алайҳиссаломга Байтуллоҳнинг ўрни ва Ҳаромнинг чегараларини кўрсатиб борарди.

Иброҳим алайҳиссалом қишлоқлар, шаҳарлар устидан ўтар экан: “Эй, Жаброил! Мана шу ерга тушишимиз буюрилганми?” – деб сўрар, ҳар текислик ва сувли ерни кўрганида: “Эй, Жаброил! Шу ерга туш”, - дер эди. Жаброил алайҳиссалом эса ҳар сафар: “Йўқ!” – деб жавоб қиларди.

Ниҳоят, Макка жойлашган ерга келдилар. Жаброил алайҳиссалом: “Пастга туш, эй Иброҳим”, - деди. Иброҳим алайҳиссалом айтди: “Бу ерда деҳқончилик

<sup>1</sup> Буроқ – маркаб билан хачир орасида катталиқдаги, қанотли жонивор, оёқларини кўзлар етган ергача босади.

ҳам, чорвачилик ҳам қилиб бўлмас!” Жаброил алайҳиссалом жавоб қилди: “Ҳа, шундай. Аммо бу ерда сенинг ўғлингнинг наслидан пайғамбарлар сарвари дунёга келади ва Калиматуллоҳ у билан яқунланади!” – деди.

Ўша пайтда Макка салам ва самур деб номланган катта-кичик тиканли дарахтлардан иборат чангалзор эди. Макка ташқариси ва атрофида Амолика деб номланган жамоа истиқомат қиларди. Байтуллоҳнинг ўрни ўша пайтда қизил тупроқли, кесакли, тепаликсифат ер эди.

Вақти-вақти билан оқиб келган селлар у ерни ўйдим-чуқурга айлантирган эди. Иброҳим алайҳиссалом Жаброил алайҳиссаломдан сўради: “Сенга буларни мана шу ерга тушириш амр қилиндими?” “Ҳа!” – деди Жаброил алайҳиссалом.

Иброҳим алайҳиссалом Ҳожар ва Исмоил алайҳиссаломни Масжиди Ҳаромнинг ҳозирги ўрнидан ва Масжиднинг юқорисидаги Замзам қудуғининг юқорисида жойлашган катта бир дарахт остида қолдирди.

Бу пайтда Маккада ҳеч ким, ҳатто ичимлик суви ҳам йўқ эди. Иброҳим алайҳиссалом уларга ичи хурмо билан тўлдирилган тери тўрва ҳамда ичи сув билан тўлдирилган меш қолдирди. У ердан Шомга қайтди. Ҳожар Иброҳим алайҳиссаломнинг орқасидан бақирди: “Эй, Иброҳим! Бизни бу кимсасиз водийга ташлаб қаерга кетмоқдасан?” Иброҳим алайҳиссалом орқасига қайрилиб қарамади. Шунда Ҳожар: “Бизни бу ерга ташлаб кетишни Аллоҳ амр қилдими?” – деб сўради. “Ҳа, Раббим амр этди”, – деди Исмоил алайҳиссалом. “У ҳолда Аллоҳ бизга етар! – деди Ҳожар. – У бизни зое этмас!”

Иброҳим алайҳиссалом Макканинг юқори қисмидаги Сания деб номланган ергача борди. Улар кўра олмайдиган ерда тўхтаб, юзини Каъба томонга қаратди ва қўллари кўкка кўтариб: “Эй, Раббим! Мен зурриётимнинг бир қисмини Сенинг муқаддас уйинг ёнига намозларини тўғри адо қилсинлар, деб экинсиз бир водийда қол-

дирдим. Сен инсонларнинг бир қисмининг кўнглини ўша ерга мойил қилдир. Шукр қилишлари учун уларни баъзи мевалар билан ризқлантир!” – деб дуо қилди. Сўнг Шом томондаги оиласи ёнига қайтди.

### Замзамнинг чиқиши

Ҳожар ўғлини дарахт соясига ётқизди. Мешни дарахтга осди. Ҳожар Исмоил алайҳиссаломни эмизар ва мешдаги сувдан унга ичираар эди. Мешдаги сув тугагач, ўзи ҳам, ўғли ҳам оч қолди ва чанқади. Ҳожарнинг сути ҳам қолмаган эди. Исмоил алайҳиссаломнинг чанқоғи ва очлиги ортиб йиғлай бошлади. Ҳожар ўғлининг қийналганини кўриб уни ўлиб қолади деб хавотирланди ва ўзича: “Ҳеч бўлмаса, ундан узоқлашай ва унинг ўлимини кўрмай”, - деб ўйлади.

Ўғилчасининг аянчли ҳолига қарашга ортиқ дош беролмай унинг ёнидан узоқлашди. “Энг яқин тепа қаерда экан” деб атрофига қаради. У ерда энг яқин тепалик Сафо тепалиги эди. Унинг устига чиқди. Сўнг водийга қаради. Бирор овоз эшитиш ёки бирор кишини учратиш умидида атрофига қаради. Бироқ на бир овоз ва на бир жонзот бор эди.

Сафо тепалигидан тушиб, жон ҳолатда югурди ва Марва тепалигига келди. У ерда ҳам умид билан атрофга қаради. Бироқ на бир ҳайвон, ва на бир инсон кўринарди.

Ҳожарнинг Сафо ва Марва тепаликлари орасида бориб-келиши бирор кишини учратиш, очлик, сувсизлик ва водийда жон бераётган жигарпорасининг ўлимини кўзлари билан кўрмастик сабабли эди. Шу билан бирга у ўғлининг олдига икки марта келиб кетган ва ҳар сафар уни жон бераётган ҳолатда кўриб умидсизлиги ортган эди.

Ҳожар Сафо ва Марва тепаликларига етти марта бориб келди. Пайғамбаримиз алайҳиссалом “Шу сабабли

инсонлар Сафо ва Марва орасида саъй этарлар”, - деб марҳамат қилган эдилар.

Ҳожар сўнгги марта Марвага чиққанида бир овоз эшитди ва ўзига: “Тинчланиб, овозни эшит”, - деди. Қулоқ солди. Овоз инсон овозига ўхшарди. Шунда унга: “Эй, овоз эгаси! Бизга овозингни эшиттирдинг, агар бизга ёрдам берадиган куч-қувватинг бўлса, ёрдам бер! - деди. - Эй, Аллоҳим! Овозингни эшиттирдинг. Энди мадад ҳам бер! Агар мадад бермасанг мен ҳам, ёнимдаги фарзандим ҳам ҳалок бўламиз”. Замзам қудуғи жойлашган ерда бир фаришта (Жаброил) кўринди.

У Ҳожардан: “Сен кимсан?” – деб сўради. “Мен Иброҳим алайҳиссаломнинг мана шу ерда қолдирган завжасиман, у эса менинг ўғлим”, - деди. Жаброил алайҳиссалом сўради: “Иброҳим сизларни кимга топширди?” “У бизни Аллоҳ таолога топширди”, - деди. Жаброил алайҳиссалом айтди: “У сизларни энг шарафли, энг карамли ва барча нарсага кифоя бўлган Аллоҳга топширибди”, - деди ва оёғи билан ерга тепди. Шунда ердан сув қайнаб чиқа бошлади.

Ҳожар сув бекорга оқмасин деб у ерда кўлмак ҳосил қилишга уринар, яна қўлидаги мешни тезроқ тўлдириб олишга ошиқарди. Бироқ сув борган сари қайнаб чиқарар эди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аллоҳ таоло Исмоил алайҳиссаломнинг онасини раҳмат қилсин! Агар у замзам сувини ҳовучламасдан, ўз ҳолида қолдирганида эди, у, албатта, бир булоқ бўларди”, - деб марҳамат қилдилар.

Ҳожар бу сувдан ичди, сути келиб, ўғлини эмизди. Фаришта Ҳожарга: “Зое ва ҳалок бўламиз, деб асло кўрқманглар. Бу ер Байтуллоҳдир. Бу байтни мана шу бола ва отаси барпо этади. Албатта, Аллоҳ бу ишнинг соҳибини зое этмас!” – деди.

## Изоҳ

Мартин Лингс томонидан ёзилиб, Покистон ҳукумати ташкил этган Сийра китоблари мусобақасида мукофотланган “Дастлабки манбаларга кўра Ҳазрат Муҳаммаднинг ҳаёти” номли асарнинг таржимасида: “Манбалар Ҳожар ва Исмоилнинг Маккага қандай келганликлари ҳақида маълумот бермайди. Улар карвон йўли орқали келган бўлишлари мумкин. Чунки у ердан карвон йўли ўтган эди... Улар водийга етганларидан карвондан айрилиб қолишган. . . ” шаклидаги маълумотни ўқиб ҳайратдан ёқамизни ушладик.

Ҳожар ва Исмоил алайҳиссаломнинг Маккага келишлари хусусида Ислоом манбаларида маълумотлар йўқ эмас. Биз бу борадаги маълумотларни китобхонларимизга бир неча саҳифа ҳолда тақдим этганмиз.

Ҳар турли тадқиқотни амалга ошириш ва хулосаларга келиш имконияти мавжуд бўлган ҳозирги кунимизда турли илмий асоси йўқ фараз ва тахминларга ўрин берилмаса, мақсадга мувофиқ бўларди.

## Журҳумийларнинг Ҳожарга қўшни бўлишлари

Ҳожар ва унинг ўғли яшаб юрган бир пайтда у ерга Шом томондан Журҳумийларнинг бир жамоаси Кадо йўли орқали Макканинг қўйи қисмига келиб, у ерга бир қўшнинг учиб бориб келганини кўрдилар.

Улар бир-бирига: “Бу қуш, албатта, сувга бориб қайтди. Биз бу водийни сувсиз деб билардик”, - дедилар. Бунинг тагига етиш учун ораларидан чаққон икки кишини у томонга юбордилар. Улар у ерда сув борлигини билиб ортларига қайтишди.

Журҳумийлар етиб келганида Ҳожар сув бошида эди. Улар Ҳожарга салом бердилар. Ҳожар алик олди. Журҳумийлар сўради: “Бу сувнинг соҳиби кимдир?” Ҳожар айтди: “Менман!” “Биз ҳам келиб сенга қўшни бўлишимизга

изн берурмисан?” – деб сўрадилар. Ҳожар айтди: “Мана шу сувда сизнинг мулкый ҳаққингиз бўлмаслиги шарти билан қабул қилурман!” Журҳумийлар рози бўлдилар.

Кимсасиз бир ерда ич-этини еб турганида Журҳумийларнинг келиб бундай таклиф билдириши унинг ҳам истагига мос тушди. Журҳумийлар оиласига ҳам хабар бердилар. Уларнинг оиласи ҳам келиб уй-бошпана эгаси бўлдилар. Журҳумийлар катта дарахтлар остига келиб ўрнашишди, ўзларига бошпана қуришди. Шу тариқа Макканинг дастлабки халқи Журҳумийлар бўлди. Исмоил алайҳиссалом теъ улғаяр, Журҳумийлар меҳрини қозонган эди.

## Макка

Макка Арабистон ярим оролида жойлашган бўлиб, Птоломейнинг қайд этишича, мағрибдан 78 даража узунлик ҳамда 23 (ёки 21) даража кенгликда, Сурайё юлдузи чиқадиган Саратон нуқтасининг остида ва иккинчи иқлимда жойлашган.

### Макка ва Бакка номлари ва уларнинг маънолари

Куръони каримда Макка номи бир марта Макка, иккинчи марта эса Бакка шаклида келади:

وَهُوَ الَّذِي كَفَّ أَيْدِيَهُمْ عَنْكُمْ وَأَيْدِيَكُمْ عَنْهُمْ بِبَطْنِ مَكَّةَ مِنْ بَعْدِ أَنْ أَظْفَرَكُمْ عَلَيْهِمْ ۗ وَكَانَ اللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرًا

“У (Аллоҳ) Макканинг ичкарасида (кечган жангда) уларнинг (Макка мушрикларининг) устидан сизларни ғалаба қилдиргандан кейин уларнинг қўлларини сизлардан, сизларнинг қўлларингизни улардан тўсган (жангни тўхтатган) зотдир. Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўриб турувчидир”.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Фатҳ сураси, 24-оят.

﴿١٦﴾ إِنَّ أَوَّلَ بَيْتٍ وُضِعَ لِلنَّاسِ لَلَّذِي بِبَكَّةَ مُبَارَكًا وَهُدًى لِّلْعَالَمِينَ

“Албатта, одамлар (ибодати) учун қурилган биринчи Уй – Бакка (Макка)даги муборак ва оламлар учун ҳидоят (манбаи) бўлмиш (Каъба)дир”.<sup>1</sup>

Макка ва Бакка номларининг гарчи талаффузда фарқланса-да, аслида бир жой учун берилган ном эканлигини қайд этганлар билан бир қаторда Макканинг чегаралари билан бирга умумий ҳудуд учун берилган ном, Бакканинг эса айнан Байтуллоҳ ёки Масжид-ал-Ҳаром учун қўйилган ном эканини айтувчилар ҳам бордир.

Гуноҳларни камайтиргани ва йўқ қилгани, у ерда зулм қилувчиларнинг ҳалок қилингани, золим ва зўравонларнинг мағлуб этилгани, кибр ва ғурурнинг тарк этилгани, инсонлар бу ерда тўпланиб, жамлангани боис унга Макка исми берилган.

“Қомус” таржимони Осим афанди “Макка” моддасини шу тарзда яқунлайди:

“Муаллифнинг “Басойир”да баён қилишича, яна беш важҳ мавжуддир. Аввало, арз-и марқумада сув кам бўлгани боис гўёки ердан сувни оғизлари билан эмиб чиқарурлар. Иккинчидан, ҳар йили худди эмиб олгандек инсонларни ўзига чорлайди ва жамлайди. Учинчидан, “макк” бу “тоир” маъносида бўлиб, гўё исённи даф қилади. Тўртинчидан, “Маккока” сўздан олинган бўлиб, суяк орасида лубб ва илик бўлади, арз-и марқума ҳам дунёнинг васати ва хулосасидир. Бешинчидан, осийларнинг гуноҳини суякдан иликни сўриб чиқарганга ўхшаб тортиб олишидир”.<sup>2</sup>

Ёқут ал-Ҳамавий бу беш сабабни турли манбалардан олиб ҳавола этади.

Маккада золим ва зўравонларнинг бўйни букилгани ва у ерда кўп одам тўплангани боис унга “Бакка” дейилган.

<sup>1</sup> Оли Имрон сураси, 96-оят.

<sup>2</sup> Осим афанди. Қомус таржимаси. 3-жилд, б. 1122.

## Макка чегараси

Ривоятга кўра, Одам алайҳиссалом жаннатдан ер юзига туширилгач, шайтоннинг ёмонлигидан қўрқиб, Аллоҳга сиғинади. Шунда Аллоҳ таоло уни қўриқловчи фаришталарни юборади. Бу фаришталар Маккани ҳар томондан ўраб олишади. Фаришталар Макка атрофида қаерда туришган бўлса, Аллоҳ таоло у ерни чегара қилиб белгилаган.

Макканинг чегараси: 1. Мадина йўли томонидан Танъим яқинидаги бани Ғифорларнинг уйигача, уч милдир. Танъим – Макка-Мадина йўлининг ғарбий томонида жойлашган. Бу йўлдаги чегара тошлари Зоту-л ханзал деб номланган тоғ йўлининг бошидадир. Чегаранинг орқа томони Ҳилл, Ҳаром ташқарисидир. 2. Яман йўли томондан Либн тепалигига (Адойату-л Либн) қадар етти милдир. Адойату-л Либн – Тихома томонда, Яман йўлида жойлашган. Бу ерда чегара тошлари Ғуроб тоғи устида жойлашган. 3. Жидда йўли томондан Ал-Аъшошга қадар. Аъшошдан аввалги Батн-и Мар устидаги ҳудуд ташқарисида ва Мурайрга қараган ҳудуд ичида қолади. 4. Тоиф йўли томондан Арофат йўли устидаги Батн-и Намирагача ўн милдир. 5. Ироқ йўли томондан Мақтаъ тоғигача (Сониятуллоҳ) етти милдир. Мақтаъ – Нажид ва Ироқ йўлида бўлиб, чегара тошлари Сониятуллоҳнинг бошидадир. 6. Жиррона йўли томондан Абдуллоҳ ибн Ҳолид ибн Асидларнинг Шиъбига қадар тўққиз милдир.

## Чегара тошларининг ўрнатилиши ва таъмирланиши

Макканинг чегара тошларини илк ўрнатган киши Иброҳим алайҳиссалом эди. Унга ушбу тошлар ўрнатиладиган ерларни Жаброил алайҳиссалом кўрсатган эди.

Аллоҳ таолонинг амри билан Каъбани қуриш ишлари тамомлангач, Иброҳим ва Исмоил алайҳиссалом-

лар уларга ҳаж амалларини билдириши учун Аллоҳга дуо қилдилар. Жаброил алайҳиссалом келиб, Иброҳим алайҳиссаломга ҳаж амалларини кўрсатди. Ҳарамнинг чегараси устида тўхтади ва у ерларда Иброҳим алайҳиссаломни ҳам тўхтатди. Иброҳим алайҳиссалом бу ерларга тошлар қўйди, тупроқ тортиб белгилади.

Исмоил алайҳиссаломнинг қўйлари бу чегара ичида ёйилиб, ташқарига чиқишмас эди. Исмоил алайҳиссалом чегара тошларини таъмирлаб қайта ўрнатди. Пайғамбар алайҳиссаломнинг оталаридан Қусай даврига қадар бу тошлар ўрнидан қўзғатилмади. Қусай уларни таъмирлаб қайта ўрнатди. Йиқилган чегара тошлари ундан аввал Аднон ибн Убайд томонидан таъмирлангани ҳам ривоят қилинади.

Мусо ибн Уқбанинг ривоят этишича, Қурайш мушриклари чегара тошларига тажовуз қилиб уларни ерларидан қўзғатдилар. Мушрикларнинг бу ҳаракати Пайғамбарга алайҳиссалом оғир ботди. Жаброил алайҳиссалом келиб, Пайғамбаримизга алайҳиссалом айтди: “Эй, Муҳаммад! Қурайшларнинг чегара тошларини қўзғатишлари сенга оғир ботди, шекилли!” “Ҳа!” – деди Пайғамбаримиз (а.с.). Жаброил алайҳиссалом: “Аммо улар бу тошларни яна ўрнатадилар!” – деди Жаброил алайҳиссалом.

Кўп ўтмасдан улар орасидан бир киши мажлисда айтди: “Аллоҳ сизларни азиз ва шарафли қилди, сизларни турли тажовузлардан сақлади. Сизлар эса унинг чегара тошларини ўрнидан чиқариб отдингиз”. Мажлисда шу хусусда сўзлашиб тонг оттирдилар ва бориб тошларни жойларига ўрнатдилар.

Шунда Жаброил алайҳиссалом келиб айтди: “Эй, Муҳаммад! Қурайшийлар тошларни ўрнига ўрнатдилар!” Муҳаммад алайҳиссалом сўради: “Эй, Жаброил! Улар тошларни ўз ўрнига қўя олдиларми?” Жаброил алайҳиссалом айтди: “Улар тошларни ўзлари эмас, фаришталарнинг қўли билан ўз ўрнига ўрнатдилар!”

Муҳаммад алайҳиссалом ҳам Макка фатҳ этилгач, Тамим ибн Асад ал-Ҳузойни юбориб ушбу тошларни таъмир эттирди.

Халифалиги даврида Умар (р.а.) ҳам қурайшлардан тўрт кишини, яъни Маҳрама ибн Навфал, Азҳар ибн Абд Авф, Соиб ибн Ярбу ва Ҳувойтиб ибн Абдулуззани Ҳарам чегара тошларини янгилатишга масъул қилди.

Умарнинг (р.а.) ҳижрий 17-йилда амалга оширган ушбу таъмиридан сўнг халифа Усмон (р.а.) даврида ҳижрий 26-йилда Ҳарам тошлари янгиланди.

Шундан сўнг Муовия ибн Абу Суф ён, Абдулмалик ибн Марвон, Аббосий халифа Маҳдий, 325-йилда Розий, 616-йилда Эрбил ҳукмдори Малик Музаффар, 683-йилда Яман ҳукмдори Малик Музаффарлар Ҳарамнинг чегара тошларини янгилатишган.

### **Исмоил алайҳиссаломни қурбонлик қилишнинг сўралиши**

Иброҳим алайҳиссалом Ҳожар ва Исмоил алайҳиссаломни кўришни тилаганида эрталаб Буроққа минар ва кун ўртасида Маккага келарди. Ўша куни Маккадан чиқар, тунни Шомдаги оиласи ёнида ўтказарди.

Исмоил алайҳиссалом етти ёшга тўлганда Иброҳим алайҳиссалом Шомдаги уйида ухлаб ётар экан тушида ўғли Исмоилни қурбонлик қилганини кўрди. Дарҳол Буроққа миниб Маккага келди. Уни онасининг ёнида ўтирганини кўрди. Исмоил алайҳиссаломга айтди: “Ўғилчам! Бир ип ва катта пичоқ ол. Водийга бориб ўтин тўплаб келамиз!” Рабби унга амр қилган нарса ҳақида оғиз очмади.

Ота-ўғил Шиъб водийси томон йўл олганларида шайтон одам суратига кириб, Аллоҳнинг амрини бажармаслиги учун Иброҳим алайҳиссаломнинг йўлини тўсди: “Эй, чол! Қаерга кетяпсан? Нима қилмоқчисан?” – деди. Иброҳим алайҳиссалом айтди: “Ана шу водийга

бориб бир ишимни бажаришим керак”. “Сен Исмоилни бўғизламоқчига ўхшайсан!”, - деди шайтон. Иброҳим алайҳиссалом унга: “Сен ҳеч бир замонда отанинг ўз ўғлини бўғизлаганини кўрганмисан?” – деди. Шайтон айтди: “Ҳа! Бу ота сенсан!” “Нима учун ўз пушти камаримдан бўлган фарзандни бўғизлар эканман?” – деб сўради. Шайтон айтди: “Сенга буни Аллоҳ буюрди деб ўйлаяпсан!” Иброҳим алайҳиссалом: “Агар Раббим менга буни амр этган бўлса, Унга итоат қилиб Унинг амрини бажаришни маъқул деб биламан!” – деди. Шайтон: “Қасамки, шайтон тушингда келиб, сенга уни бўғизлашингни айтди ва сен уни бўғизлашга кетмоқдасан!” – деганида Иброҳим алайҳиссалом унинг шайтон эканини англади ва унга айтди: “Эй, Аллоҳнинг душмани! Қасамки, мен Аллоҳнинг амрини ўша водийда албатта бажарурман!”

Шайтон Иброҳим алайҳиссаломдан умидини узиб отасининг орқасида ип ва пичоқ кўтариб турган Исмоил алайҳиссаломнинг йўлини тўсди. Ундан: “Ҳой, бола! Отанг сени қаерга олиб бораётганини биласанми?” – деб сўради. Исмоил алайҳиссалом айтди: “Уйимизга мана шу водийдан ўтин тўплашга”, - деди. Шайтон айтди: “Қасамки, отанг сени бўғизлашга олиб кетмоқда!” “У мени нега бўғизласин? – сўради Исмоил алайҳиссалом. – Сен отанинг ўз ўғлини бўғизлаганини кўрганмисан?” Шайтон айтди: “Ҳа! У сенинг отангдир!” Исмоил алайҳиссалом сўради: “Отам мени нега бўғизласин?” “Рабби унга шу амр қилди деб ўйлаяпти”, - жавоб берди шайтон. Исмоил алайҳиссалом айтди: “У Раббининг истагини бажарсин! Унинг Раббига итоат этиши ва амрларини бажариши афзалдир! Мен ҳам бу амрга бўйин эгаман!”

Шайтон Исмоил алайҳиссаломнинг ҳам унга қулоқ солмаганини кўриб унинг онаси ёнига борди. Ҳожар уйда эди. Ундан: “Эй, Исмоилнинг онаси! Иброҳим ўғлингни қаерга олиб кетганини биласанми?” – деб сўра-

ди. Ҳожар айтди: “Анави водийдан бизга ўтин олиб келгани кетди”. “У Исмоилни бўғизлаш учун олиб кетди”, - деди шайтон. Ҳожар айтди: “Отанинг ўз ўғлини бўғизлаши мумкинлигини қандай тасаввур қилиш мумкин? У ўғлини жуда яхши кўради”. Шайтон: “У буни Аллоҳ унга амр қилди деб ўйлаяпти”, - деди. Ҳожар айтди: “Агар Аллоҳ буни амр этган бўлса, Унга бўйин сунмоқ лозим! Унинг Раббига бўйин эгиб, амрини бажариши ҳар нарсадан афзалдир!”

Шайтон Иброҳим алайҳиссалом ва унинг оиласига бирор зиён етказа олмай, ғазабнок ҳолда ортига қайтди.

Иброҳим алайҳиссалом Сабир водийсида ўғли билан юзма-юз қолганида унга: “Ўғилчам! Мен сени тушимда бўғизлаганимни кўрдим”, - деб Аллоҳнинг амрини билдирди. Исмоил алайҳиссалом айтди: “Отажон! Сиз сизга амр қилинган ишни қилинг! Иншаоллоҳ мени сабр қилувчилардан бири сифатида кўрарсиз! Аллоҳнинг амрига бўйин эгинг! Ҳар қандай яхшилик Аллоҳнинг амрига бўйин эгишдадир”, - дегач, “Бу ҳақда онамга хабар бердингизми?” – деб сўради. Иброҳим алайҳиссалом: “Йўқ, бермадим!” – деди.

“Тўғри қилибсиз!” – деди ва: “Отажон! Бўғизлашдан олдин мени маҳкам боғлангки, сизга қарши бирор нарса бўлиб, ажрим камаймасин! Чунки ўлим оғир ва қаттиқдир. Пичоқ танамга текканида типирчиламасдан жим туришимга амин эмасман! Пичоғингизни яхшилаб қайраб ўткирлаштиринг. Бўғзимдан тез юргизингки, мени тезда ўлдирсин ва ҳаловатга эришай! Яна мени бўғизлаётганингизда мени юзтубан ётқизинг, чунки юзимга қараб Аллоҳнинг амрини бажаришда сусткашликка йўл қўйманг! Агар қўйлагимни онамга олиб боришни маъқул кўрсангиз, шундай қилинг! Бу унга тасалли бўлади, уни тинчлантиради!”

Иброҳим алайҳиссалом: “Эй, ўғилчам! Сен Аллоҳ амр этган нарса хусусида менга қанчалар ёрдам қилдинг!” –

деди ва уни маҳкам боғлади. Пичоғини яхшилаб ўтқирлади. Сўнгра уни юзтубан ётқизди.

Иброҳим алайҳиссалом пичоқни Исмоил алайҳиссаломнинг бўғзига ботирганда пичоқ худди қаттиқ нарсага дуч келгандек уни кесмади. Иброҳим алайҳиссалом пичоқни бир неча марта ўтқирлади. Бироқ ҳар сафар у ўтмаслашиб қоларди. “Бу ишнинг ҳикмати, албатта, Аллоҳдан!” – деди.

Шу пайт Аллоҳ томонидан: “Эй, Иброҳим! Сен тушинга садоқат кўрсатдинг! Мана сенга ўғлингнинг ўрнига қурбонлик ҳайвони. Уни бўғизлагил!” – деб марҳамат қилинди.

Иброҳим алайҳиссалом қараса, Жаброил алайҳиссаломнинг ёнида йирик, шохдор қўчқорнинг (ёки йирик тоғ такасининг) турганини кўрди. “Ўрнингдан тур, болам! Сенга бир фидя тушди!” – деди. Ҳайвонни ўша ерда – Минода қурбонлик қилди.

Бу ҳайвоннинг Сабар тоғидан тушиб келгани ривоят қилинади.

Исмоил алайҳиссаломга Аллоҳ томонидан фидя сифатида юборилган ҳайвоннинг икки шохи Каъбада узоқ вақт осилиб турди. Каъбанинг Абдуллоҳ ибн Зубайр ва Ҳажжож даврида ёниши билан у ҳам ёнди.

Ривоятга кўра, бу ҳайвоннинг боши Каъба тарновида осилиб турарди. Абу-т-Туфайл ва Саъбийлар ҳам Каъбада икки шох осилиб турганини кўришган.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом Макканинг фатҳида Каъба калитбони Усмон ибн Талҳани чақириб, унга айтди: “Байтуллоҳга кирганимда иккита қўчқор шохи осилиб турганини кўрдим. Уларни яширишни буюришни унутдим. Уларни кўринмайдиган қил! Чунки Байтуллоҳда ибодат қила ётган кишини чалғитувчи нарса бўлмаслиги лозим”, - деб марҳамат қилдилар.

Бу шох Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғли учун фидо қилинган қўчқорнинг шохи бўлиб, Абдуллоҳ ибн Зубайр

Каъбани бошқатдан қуриш учун уни бузганида шохларни Каъба деворларидан топган эди.

Қизил лой билан сувалган бу шохларга қўлини теккизганда улар майдаланиб кетган эди.

Ҳадис ровийларидан Суфён айтади: “Бу қўчқор шохлари Байтуллоҳ ёнгунга қадар унинг ичидан топилаверди. Ёнгинда эса у билан бирга ёнди”.

### Қурбонликнинг Қуръони каримдаги изоҳи

Қурбонлик қилиш хусусида Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади:

رَبِّ هَبْ لِي مِنَ الصَّالِحِينَ ﴿١٠٠﴾ فَبَشِّرْنَاهُ بِعَلِيمٍ حَلِيمٍ ﴿١٠١﴾ فَلَمَّا بَلَغَ مَعَهُ السَّعَىٰ قَالَ يَبْنَؤُا إِنِّي أَرَىٰ فِي الْمَنَامِ أَنِّي أَذْبَحُكَ فَانظُرْ مَاذَا تَرَىٰ ۗ قَالَ يَتَأْتِيَٰ أَفْعَلُ مَا تُؤْمَرُ ۗ سَتَجِدُنِي إِن شَاءَ اللَّهُ مِنَ الصَّادِقِينَ ﴿١٠٢﴾ فَلَمَّا أَسْلَمَا وَتَلَّهُ لِلْجَبِينِ ﴿١٠٣﴾ وَوَدَّيْنَاهُ أَن يَتَّيَّرَهُ بِرَبِّهِمْ ۗ قَدْ صَدَّقَت الرُّبِّيَا ۗ إِنَّا كَذَلِكْ نَجْزِي الْمُحْسِنِينَ ﴿١٠٥﴾ إِنَّ هَذَا لَهُوَ الْبَلْتَأُ الْمُبِينُ ﴿١٠٦﴾ وَوَدَّيْنَاهُ بِذَبِيحٍ عَظِيمٍ ﴿١٠٧﴾ وَتَرَكْنَا عَلَيْهِ فِي الْآخِرِينَ ﴿١٠٨﴾ سَلَّمَ عَلَيْنَا مِنْ عِبَادِنَا الْمُؤْمِنِينَ ﴿١٠٩﴾ كَذَلِكْ نَجْزِي الْمُحْسِنِينَ ﴿١١٠﴾ إِنَّهُ مِن عِبَادِنَا الْمُؤْمِنِينَ ﴿١١١﴾ وَبَشِّرْنَاهُ بِإِسْحَاقَ نَبِيًّا مِّن الصَّالِحِينَ وَبَرَكَاتًا عَلَيْهِ وَعَلَىٰ إِسْحَاقَ ۗ وَمِن ذُرِّيَّتِهِمَا مُحْسِنٌ وَظَالِمٌ لِّنَفْسِهِ ۗ مُبِينٌ ﴿١١٣﴾

“Иброҳим айтди: Эй, Раббим! Ўзинг менга солиҳ (фарзанд)лардан ато этгин!” Бас, Биз унга бир ҳалим ўғил (туғилиши тўғрисидаги) хушхабарни бердик. Бас, қачонки у (отаси) билан бирга юрадиган бўлгач, (Иброҳим): “Эй, ўғилчам! Мен тушимда сени (қурбонлик учун) сўяётганимни кўрмоқдаман. Энди

сен ўзинг нима раъй (фикр) қилишингни бир (ўйлаб) кўргин!” – деган эди, у айтди: “Эй, отажон! Сизга (тушингизда Аллоҳ томонидан) буюрилган ишни қилинг! Иншоаллоҳ, мени сабр қилувчилардан топурсиз”. Бас, қачонки, иккиси ҳам (Аллоҳнинг амрига) бўйин суниб, (Исмоилни қурбонликка) пешонаси билан (ерга) ётқизган эдики, унга Биз нидо қилдик: “Эй, Иброҳим! Дарҳақиқат, сен тушни тасдиқ этдинг. Албатта, Биз эзгу иш қилувчиларни мана шундай мукофотлаймиз”. Албатта, бу (қурбонликка буюришим) айни синовдир. Биз (Исмоилнинг) ўрнига катта бир (кўчқор) сўйишни бадал қилиб бердик. Кейинги (авлод)лар орасида у (Иброҳим) ҳақида яхши гапларни қолдирдик. Иброҳимга салом! Биз эзгу иш қилувчиларни мана шундай мукофотлаймиз. Дарҳақиқат, у Бизнинг мўмин бандаларимиздандир. Яна, Биз унга солиҳлардан (бўлғуси) пайғамбар Исҳоқнинг хушхабарини бердик. Унга (Иброҳимга) ҳам, Исҳоққа ҳам баракот бердик. Уларнинг зурриётидан эзгу амал қилувчи ҳам, ўзига аниқ зулм қилувчи ҳам бўлур.<sup>1</sup>

### **Баъзи тоифаларнинг қурбонликни Исҳоқ алайҳиссалом билан боғлашининг сабаби**

Халифа Умар ибн Абдулазиз (вафоти ҳижрий 101 йил) мусулмон бўлган яҳудий олимани Шомда ҳузурига чақириб: “Иброҳим алайҳиссаломга икки ўғлидан қайси бирини қурбонлик қилиши амр этилган эди?” – деб сўради. “Қасамки, Исмоилни, эй мусулмонлар амири! Буни яҳудийлар ҳам яхши билурлар! – деб жавоб берди. – Бироқ улар сизларни (арабларни) кўра олмайдилар. Отангиз Исмоилнинг қурбонлик ҳақида амр бўлганда сабр қилиб бу амрга бўйин эгишини ўз оталари бўлган Исҳоққа оид деб биладилар”.

<sup>1</sup> Соффот сураси, 100-113-оятлар.

“Аҳди Атик” деб номланган яҳудийлар томонидан муқаддас ҳисобланган манбада Иброҳим алайҳиссаломнинг Исмоил алайҳиссаломни эмас, Исҳоқ алайҳиссаломни қурбонликка амр этилиши қайд этилган бўлса-да, “Аҳд-и Атик” матнига кейинчалик ўзгартириш киритилгани маълум бўлади.

“Таквин” китобининг 16-боб, 15-16 моддаларида шундай дейилади: “Ва Ҳожардан Абрамга бир ўғил туғилиб, Абрам Ҳожардан туғилган бу ўғлига Исмоил деб исм қўйди. Ҳожаржан Абрамга Исмоил туғилган пайтда Абрам саксон олти ёшда эди”. “Таквин” китобининг 21-боб, 5-моддасида айтилади: “ва Иброҳим ўғли Исҳоқ туғилганида юз ёшда эди”. “Таквин” китобининг 22-боб 2, 10, 11, 12, 15, 16-моддаларида эса шундай дейилади: “ва Аллоҳ: “Энди ягона ўғлингни, яъни сен яхши кўрадиган Исҳоқни олиб Мария диёрига кет ва у ерда мен сенга айтадиган тоғнинг устида уни қурбонлик сифатида тақдим эт!” – деди. Шундан сўнгра Иброҳим ўғлини сўйиш учун пичоқни қўлига олганида Аллоҳнинг фариштаси самодан унга нидо қилди. У “Лаббай!” – деди. Фаришта: “Кўлингни болага узатма ва унга ҳеч нарса қилма!” – деди. “У ягона ўғлини Мендан аямагани учун унинг Аллоҳдан кўрқишини англадим” – деди. Аллоҳнинг фариштаси иккинчи марта Иброҳимга нидо қилиб, Раббининг амрини айтди: “Зотим ҳаққига қасамки, сен бу нарсани (пичоқни) олиб, ягона ўғлингни мenden аямаганинг учун. . . ” – дейилади.

Иброҳим алайҳиссаломнинг иккинчи ўғли Исҳоқ алайҳиссаломнинг Исмоил алайҳиссаломдан ўн тўрт йилдан сўнг туғилганини эътиборга олсак, юқоридаги “ягона ўғлинг” ифодасининг фақатгина Исмоил алайҳиссалом учун қўлланилгани маълум бўлади ва бу мантиқан тўғридир.

22-бобнинг 2-моддасида яна “ягона ўғлинг” дейилиб, “Исҳоқ” исми тафсир йўли билан асосий матнга қўшилгани маълум бўлади.

Яна шу бобда қурбонлик ери сифатида Мария сўзи қўлланилган. Пайғамбар алайҳиссалом: “Макканинг барча кўчалари, йўллари ва Минонинг ҳар томони қурбонлик ўрнидир” деганлар, шунингдек, умра қурбонлиги хусусида: “Мана шу ер қурбонлик еридир!” деб Марва тепалигини кўрсатганлар.

Асмои (ҳижрий 122-213) айтади: “Абу Амр ибн Аълодан (70-154) қурбонликнинг Исмоилми ёки Исҳоқ эканини сўрадим. У менга: “Эй, Амоий! Сенинг ақлинг қаерда? Исҳоқ бирор марта Маккага келганми? Маккга фақатгина Исмоил келган эди ва отаси билан бирга Байтуллоҳни қурган ҳам у эди. Қурбонлик ери ҳам Маккадир!” - деди”.

### **Исмоил алайҳиссаломнинг камон отиши ва овчилиги**

Исмоил алайҳиссалом журҳумийларнинг фарзандлари билан улғайиб, улардан камондан ўқ отишни ўрганган эди. Йигитлик чоғига етганида Аллоҳ таоло унга араб ёйини берди. У бу ёй орқали беҳато нишонга оларди.

Аслам қабиласидан бир жамоат ўқ отиб мусобақалашиб турганларида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг ёнига бориб: “Эй, Исмоил ўғиллари! Ўқ отинглар! Зеро, сизнинг отангиз ҳам моҳир камонбоз эди!” – деб марҳамат қилганлар.

Журҳумийлар Маккада овлаб келган ҳайвонлари билан кун кечиришарди. Бунинг учун Макка ташқарисига чиқиб ов қилишарди. Исмоил алайҳиссалом ҳам улар билан овга борарди. У овга, ўқ отишга жуда ишқибоз эди.

### **Исмоил алайҳиссаломнинг чорвачилик билан машғул бўлиши**

Журҳумийлар Маккага келиб жойлашганларида Исмоил алайҳиссаломга еттита урғочи эчки беришган эди. Исмоил алайҳиссаломнинг дастлабки давлати

мана шу эчкилар эди. Улар Ҳарам чегараларидан чиқиб кетишмасди.

### **Исмоил алайҳиссаломнинг чавандозлиги**

Исмоил алайҳиссалом моҳир камонбоз бўлиш билан бирга чавандозликда ҳам ягона эди. У ёввойи отларни тутиб хонакилаштирган, уларга минган илк инсон эди. Унга қадар ёввойи ҳайвонларга минилмас, минишолмасди.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом: “От соҳиби бўлинг! Уни мерос қилиб олинг ва мерос қилиб қолдиринг! Чунки бу одат сизга отангиз Исмоилдан меросдир!” – деб марҳамат қилганлар.

### **Исмоил алайҳиссаломнинг суннат бўлиши ва арабчани ўрганиши**

Исмоил алайҳиссалом ўн уч ёшида суннат бўлди. Журҳумийлардан араб тилини ўрганди. У араб тилини ўрганган пайтда ўн уч ёшида бўлиб, Иброҳим алайҳиссаломнинг Ҳижозда арабча сўзлашадиган илк киши эди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан саҳобалар сўрадилар: “Эй, Аллоҳнинг Расули! Сиз қандай қилиб бизнинг орамизда тил жиҳатдан энг фа-соҳатлимиз бўлдингиз?” Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам жавоб бердилар: “Араб тили бузила бошлаганда Жаброил аждодим Исмоил алайҳиссаломнинг тилини худди у сўзлагандек соф шаклда менга келтирди”.

Одам алайҳиссалом, Шиш, Идрис ва Нух алайҳиссаломларнинг тили сурёнийча эди. Тўфондан сўнг Бобилда тўпланган кишилар ҳам сурёний тилида сўзлашарди.

Иброҳим алайҳиссалом эса Куъсадан чиқиб, Фиротдан ўтгач, Аллоҳ таолонинг иродаси билан иброний тилида сўзлаша бошлаган эди.

### **Исмоил алайҳиссаломнинг уйланиши ва Ҳожарнинг вафот этиши**

Исмоил алайҳиссалом балоғатга етган эди. Макка атрофида истиқомат қилувчи Имлоқлардан бирининг қизига уйланди. Исмоил алайҳиссаломнинг ундан фарзанди бўлмади.

У Саъднинг қизи Жадда ёки Саид ибн Усаманинг қизи Умара эди. Исмоил алайҳиссалом йигирма ёшида онаси Ҳожар вафот этди. Бу пайтда Ҳожар тўқсон ёшларда эди. Исмоил алайҳиссалом онасини (ҳозир кунда Каъбанинг тугаш жойида ярим доира шаклидаги девор билан ўралган) Ҳижр деб номланган муборак ерга дафн этди.

### **Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғли ва унинг оиласини кўришга келиши**

Бу пайтда Иброҳим алайҳиссалом Ҳожар ва ўғлини кўриб келиши учун завжаси Сорадан изн сўради. У Ҳожарнинг уйида қолмаслик шарти билан рози бўлди.

Иброҳим алайҳиссалом Маккага келганида Исмоил алайҳиссалом Умара исмли аёлга уйланган ва Ҳожар вафот этган эди. Одамлардан Исмоил алайҳиссаломнинг уйини сўради. Одамлар кўрсатдилар. Бироқ ўғлини уйда кўрмагач, унинг завжасига салом берди. Ундан эрини сўради. Умара айтди: “Бу ерда йўқ, ов қилишга кетган! Бизга ризқ келтириш учун овга кетди”.

Исмоил алайҳиссалом Макка ташқарисига чиқиб ов қиларди. Умара кўпол, феъли ёмон аёл эди. Иброҳим алайҳиссалом ундан егулик сўраганида: “Ёнимда на бир нарса ва на бир кимса бор”, - деди.

Иброҳим алайҳиссалом: “Турмушингиз қалай? Қандай аҳволдасизлар?” – деб сўради. Умара айтди: “Жуда ёмон аҳволдамиз. Ҳеч вақомиз йўқ!” – деб шикоят қилди.

Иброҳим алайҳиссалом унга айтди: “Эринг келганда унга менинг саломимни етказ! Уйимизга бир чол келди. У шунақа-шунақа кўринишда эди. Менга: “Эрингга айт, уйининг эшигидан рози эмасман, уни алмаштирсин, - деди”, - дегин”. Шундан сўнг у Шомга қайтиб кетди.

Исмоил алайҳиссалом уйига келганида “Мени биров сўради?” деб сўрайдиган одати бор эди. Уйига келиб нималарнидир сизди, отасининг ҳидини билди. Хотинидан сўради: “Мени биров сўради?” Умара айтди: “Ҳа, бир чол келди. У фалон кўринишда эди”, - деб Иброҳим алайҳиссаломни таърифлади. “Сизни сўради. Қандай яшаётганимизни сўради. Мен “Жуда ёмон аҳволдамиз. Ҳеч вақомиз йўқ!” дедим. Шунда у: “Эрингга айт, уйининг эшигидан рози эмасман, уни алмаштирсин”, - деди.

Исмоил алайҳиссалом айтди: “У менинг отам эди. Сен билан ажрашишимни буюрибди. Сен уйимизнинг эшиги саналасан!” – деб Умара билан ажрашди. Уни отасининг уйига жўнатди.

### **Исмоил алайҳиссаломнинг иккинчи бор уйланиши**

Иброҳим алайҳиссалом ўғлини кўришга келганида араблардан Мудод ибн Амр Журхумийларнинг тоза араб тилида сўзлашишларини, Исмоил алайҳиссаломнинг уларнинг тилини ўрганганини кўриб, уларнинг бир қизига уйланишини буюрди ва тавсия этди.

Шундан сўнг Исмоил алайҳиссаломга Мудод ибн Амрнинг қизи ёқди ва отасидан унга уйланиш учун розилигини сўради. Унга уйланди. Қизнинг исми Роъла ёки Саййида бўлиб, у мулойим, ширин сўзли, гўзал хулқли ва назокатли эди.

### **Иброҳим алайҳиссаломнинг Маккага келиши**

Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳ таоло буюрган муддат қадар Шомда яшагач, Маккага бориш, ўғли Исмоилни

кўриш учун хотини Сорадан изн истади. У Исмоил алай-ҳиссаломнинг уйида қолмаслик шарти билан эрига изн берди.

Иброҳим алайҳиссалом Маккага келиб, Исмоил алай-ҳиссаломнинг остонасига борди. Исмоил алайҳиссалом бу сафар ҳам уйда эмасди. Уйда Исмоил алайҳиссаломнинг иккинчи хотини бор эди.

Остонада туриб унга салом берди. У Иброҳим алай-ҳиссаломнинг саломига алик олди. Иброҳим алайҳиссалом ундан: “Эринг қаерда? Қаерга кетди?” – деб сўради. Роъла: “Ов қилишга, бизга ризқ келтиришга кетди”, – деди. Иброҳим алайҳиссалом сўради: “Аҳволингиз қалай? Турмушингиз яхшими?” Шунда Роъла: “Худоба шукур, турмушимиз яхши, ҳеч нарсадан камимиз йўқ!” – деб жавоб берди. “Эрим ҳозир келиб қолади. Аллоҳ сизни асрасин. Ичкарига киринг ва меҳмонимиз бўлинг”, – деди.

Иброҳим алайҳиссалом сўради: “Уйингда меҳмон кўним топарми?” “Ҳа, албатта!” – деди Роъла. “Ейдиган таомингиз недир?” – сўради Иброҳим алайҳиссалом. “Этдир!” – жавоб қилди Роъла. “Не ичурсиз?” – яна сўради Иброҳим алайҳиссалом. “Сув!” – деди Роъла.

Шунда Иброҳим алайҳиссалом: “Аллоҳим! Уларнинг эт ва сувларини баракотли қил!” – деб дуо қилди.

Шу боисдан бўлса керак, гўшт ва сув Маккадан бошқа ерларда Маккадаги сингари инсон соғлиғига мутаносиб эмас. Бошқа ерларда албатта қорин оғритур.

Агар ўша куни уларнинг уйи учун нон, буғдой, арпа ёки хурмонинг мўл бўлишини сўраб дуо қилинганда эди, Макка албатта ана шундай ерга айланган бўлур эди.

Иброҳим алайҳиссалом Маккадан кетар пайти Роъла унга: “Киринг, бошингизни ювиб қўяй”, – деди. Иброҳим алайҳиссалом ичкарига кирмасдан “Мақоми Иброҳим” деб номланган тош олдига борди. Тош устига оёғини босди. Тошда оёғининг изи қолди. Роъла аввал Иброҳим

алайҳиссаломнинг бошининг ўнг томонидан, сўнг чап томонидан сув қуйиб ювди.

Иброҳим Роълага айтди: “Эринг келганда унга саломимни етказ. Айтки, энди эшиги тўғри бўлибди. Бу эшик менга ёқди. Унга айтки, уйининг эшигини асрасин”.

Исмоил алайҳиссалом овдан қайтганида отасининг ҳидини ҳис қилди. Роъладан сўради: “Уйга кимдир келдими?” “Ҳа, - деди Роъла, - инсонларнинг энг гўзал юз-лиси ва энг хушбўйлиси бўлган бир нуроний зот келди. Мендан турмушимиз қандайлигини, нима еб-ичаётганимизни сўради ва бизни дуо қилди. Сўнг унинг бошини ювдим. Тош устида унинг оёқ изи бор.

Исмоил алайҳиссалом сўради: “У менга бирор нарса тавсия қилдими?” “Ҳа, - деди Роъла, - унга уйимизнинг эшиги ёқди. Эшик тўғриланибди, деди. Кейин эшикни асрашингизни буюрди”.

Исмоил алайҳиссалом бориб отасининг тошда қолган оёқ изини ўпди. Сўнг Роълага айтди: “У менинг падарим Иброҳим алайҳиссалом эди. Сен эса уйимнинг эшиги саналасан. У менга сен билан бирга яшашни ва сени асрашни буюрибди”.

### **Иброҳим алайҳиссаломнинг Исмоил алайҳиссалом билан бирга Каъбани қуришлари**

Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳ таоло ирода қилган муддат қадар Шомда яшаб, Маккага келди ва ўғлини топди. Бу унинг Маккага учинчи келиши эди. Бу пайтда Исмоил алайҳиссалом ўттиз ёшда эди.

Исмоил алайҳиссалом Замзам қудуғининг орқасида катта бир дарахт остида ўтириб, ўқларини тузатмоқда эди. Отаси келганини кўриб, ўрnidан турди ва унга пешвоз чиқди. Бир-бирларини қаттиқ қучиб, юзларидан ўпдилар. Улар хурсандликларидан шу қадар йиғладиларки, уларга ҳатто қушлар ҳам қўшилди.

Иброҳим алайҳиссалом ўғлига: “Эй, ўғлим! Аллоҳ таоло менга муҳим бир ишни амр этди”, - деди. Шунда Исмоил алайҳиссалом: “Раббингиз сизга амр қилган нарсани дарҳол бажаринг!” – деди. “Сен бу ишда менга кўмак берасан”, - деди Иброҳим алайҳиссалом. “Мен сизга ёрдам берурман”, - деди Исмоил алайҳиссалом.

“Аллоҳ таоло у ерда Ўзи учун бир Байт қуришимни менга амр қилди”, - деди Иброҳим алайҳиссалом. Исмоил алайҳиссалом сўради: “Қаерда?” Иброҳим алайҳиссалом атрофиги нисбатан баланд, сел боса олмайдиган, усти майда тошли жойни кўрсатиб айтди: “Мана шу ерда!”

Улар Каъбанинг пойдеворини қазий бошладилар. Одам алайҳиссалом қурган пойдеворга қадар тушдилар. Пойдеворда ҳар бирини ўттизта одам зўрға кўтарадиган тошларга дуч келдилар. Каъбани ана шу пойдеворга иншо эта бошладилар. Исмоил алайҳиссалом тош ташир, Иброҳим алайҳиссалом эса деворини қураб эди.

Девор баландлашгани сари Иброҳим алайҳиссаломнинг ердан тошни олиб уни жойига ўрнатиши қийинлашди. Шунда Исмоил алайҳиссалом бугунги кунда “Мақоми Иброҳим” деб номланадиган тошни келтириб, унинг оёқлари остига қўйди. Иброҳим алайҳиссалом унинг устига чиқиб ишида давом этди. Иброҳим алайҳиссалом Каъба қурилиб битгунча унинг устида тургани учун бу тош “Мақоми Иброҳим” деб номланган эди.

Иброҳим алайҳиссалом Каъбани қураб, Исмоил алайҳиссалом отасига тошларни узатар экан: “Эй, Раббим! Бизнинг бу бандалик хизматимизни қабул эт! Шубҳасиз, ҳар нарсани билгувчи Ўзингсан!” – деб дуо қиларди.

Иброҳим алайҳиссалом ҳозир Ҳажару-л асвад жойлашган ерга етганида Исмоил алайҳиссаломга айтди: “Менга шундай тош келтирки, инсонларнинг Каъбани ўша ердан бошлаб тавоф қилишлари учун бир аломат бўлсин”. Исмоил алайҳиссалом бир тош келтирди, бироқ

Иброҳим алайҳиссаломга у тош ёқмади. Жаброил алайҳиссалом Ҳажару-л асвадни келтиди. Уни Аллоҳ таоло тўфон пайти Абу Қубайс тоғида сақлаган эди.

Исмоил алайҳиссалом тошни кўриб отасидан унинг қаердан келганини сўради. Иброҳим алайҳиссалом уни Жаброил алайҳиссалом келтирганини айтди. Ҳажару-л асвадни деворга Жаброил алайҳиссалом қўйди.

Ривоятга кўра, Одам алайҳиссалом жаннатдан чиқаётганида Ҳажару-л асвадни ўзи билан олиб тушган. Уни Маккада Байт қурганида унга жойлаштириши Аллоҳ томонидан амр қилинган эди.

Ҳажару-л асвад жаннатдан олиб чиқилганида оппоқ бўлиб, Одам ўғилларининг мушриклари уни ўз гуноҳлари билан қорайтирган, қолаверса, кетма-кет юз берган ёнғинлар сабабли янаям қорайиб кетган.

Ҳажару-л асвад қиёмат куни кўз ва тилга айланиб, ўзини тавоф қилганлар учун гувоҳлик беради.

Иброҳим алайҳиссалом ва Исмоил алайҳиссалом Каъбанинг иншо этилишида Журҳумийлардан ибн Абир ибн Сабаъ ибн Яктон ўғилларидан ёрдам сўраган ва улар бунга рози бўлган эдилар.

Иброҳим алайҳиссалом Каъбанинг баландлигини тўққиз аршин, узунлигини Ҳажару-л асвад рукнидан Хотимнинг ёнидаги Шом рукнига қадар ўттиз икки аршин, энини Шом рукни билан Ғарб рукни орасида йигирма икки аршин, Яман тарафидаги томоннинг энини Ҳажару-л асвад рукнидан Яман рукнигача йигирма аршин қилиб қурди. Тўрт бурчаги бўлгани боис у Каъба деб номланди. Одам алайҳиссалом қурган Каъбанинг пойдевори ҳам айнан шундай эди.

Иброҳим алайҳиссалом Каъбага эшик ўрнида очиқ ер қолдирди. Туббау-л Ҳимярий келиб кулфли ва ҳалқали эшик қурдиргунча Каъба эшиксиз ҳолда эди. Тубба Каъбага каъбапўш тиктириб, Байтуллоҳ олдида қурбонлик ҳам қилди. Иброҳим алайҳиссалом қурган Каъбанинг

шифти йўқ эди ва Каъба учун лойдан фойдаланилмаган эди. У фақатгина тошларни бир-бирининг устига қўйиб чиққан эди.

### **Иброҳим алайҳиссалом ва Исмоил алайҳиссаломнинг ҳамда одамларнинг биринчи марта ҳажга чақирилиши**

Каъба қуриб битказилганда Жаброил алайҳиссалом келди. Иброҳим алайҳиссаломга айтди: “Уни тавоф қил!”

Иброҳим алайҳиссалом билан Исмоил алайҳиссалом Каъбани етти марта тавоф қилди. Мақоми Иброҳим орқасида намоз ўқидилар. Жаброил алайҳиссалом Сафо ва Марва, Мино, Муздалифа ва Арафотда қилиниши лозим бўлган амалларнинг барчасини кўрсатди ва ўргатди.

Ақабага етганларида Шайтон кўринди. Жаброил алайҳиссалом Иброҳим алайҳиссаломга айтди: “Такбир келтир ва унга тош от!” Иброҳим алайҳиссалом етти марта такбир келтириб, тош отди. Шайтон йўқолди. Шайтон ўрта Жамрада ҳам кўринди. Жаброил алайҳиссалом яна айтди: “Такбир келтир ва тош от!” Иброҳим алайҳиссалом яна етти марта такбир келтириб тош отди. Шайтон яна йўқолди. Шайтон сўнгги Жамрада ҳам кўринди. Жаброил алайҳиссалом яна: “Такбир келтир ва унга тош от!” – деди. Иброҳим алайҳиссалом етти бора такбир келтириб, унга тош отди. Шайтон йўқолди.

Шундан сўнг Жаброил алайҳиссалом билан Иброҳим алайҳиссалом Машъари Ҳаромга, у ердан Арофатга бордилар. Жаброил алайҳиссалом уч бора сўради: “Сенга кўрсатилган ҳаж амалларини ўргандингми?” Иброҳим алайҳиссалом ҳар сафар “Ҳа!” деб жавоб қилди. Шу сабабли бу ер Арофат деб номланди.

Жаброил алайҳиссалом Иброҳим алайҳиссаломга: “Ҳажни инсонларга овоз чиқариб билдир”, - деди. “Уларга нима дей?” – сўради Иброҳим алайҳиссалом. Жаброил

алайҳиссаллом: “Эй, инсонлар! Раббингизнинг даъватига ижобат қилинг! – дейсан”, - деб уч марта такрорлади.

Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳ таолога юзланиб: “Эй, Раббим! Менинг овозим инсонларга қандай бориб етгай?” – деб сўради. Аллоҳ таоло: “Сен овоз бер, уларга етказиш Менинг зиммамдадир!” – деб марҳамат қилди.

Иброҳим алайҳиссалом “Мақоми Иброҳим” деб номланган тош устига чиқди. Тош ўсиб, тоғлардан ҳам юксак бўлди. Шунда водий-ю тоғлари, қуруқлик ва тошлари бўлган ер торайиб, йиғилди. Иброҳим алайҳиссалом бармоқлари билан қулоқларини беркитди. Ўнг ва чап томонига, шарқ-у ғарбга қараб: “Эй, инсонлар! Раббингиз бир Байт қурдирди ва уни тавоф қилишингизни сизларга амр этди! Эй, инсонлар! Байтуллоҳни ҳаж этишингиз сизга фарз қилинди! Эй, Аллоҳнинг бандалари! Аллоҳга итоат қилинг! Эй, бандалар! Аллоҳнинг – Раббингизнинг даъватига ижобат қилинг!” – деб овоз берди.

Иброҳим алайҳиссаломнинг овозини эшитган ҳар нарса, тош-у тупроқдар, ўсимлик ва тепаликлар: “Лаббайк! Аллоҳим амр эт! Амрингга бўйин сунурмиз!” – дедилар. Иброҳим алайҳиссаломнинг даъватига итоат илк итоат этганлар Журҳумийлар бўлди.

Шунда Иброҳим алайҳиссалом ўғли ва журҳумийлар билан бирга ҳаж қилди. Иброҳим алайҳиссалом жамоати билан Минода пешин, аср, шом ва хуфтон намозларини ўқиди. Кечани ўша ерда ўтказди. Бомдод намозини ҳам шу ерда ўқигач, Намирага бордилар. Арофатда бугунги Иброҳим масжиди жойлашган ерда пешин ва аср намозини ўқидилар. Сўнг Арофатдаги Вақфага бориб, уларни вақф эттирди. Куёш ботар чоғи Муздалифага бордилар. У ерда шом ва хуфтон намозини ўқидилар ва ўши ерда тунаб қолдилар.

Бомдод намози ўқилиб, Муздалифа вақфи ҳам қилинган, барчани Минога келтирди. У ерда жамраларнинг қандай отилишини кўрсатди. Барча ҳаж амалларини

уларга ўргатгач, ўзи Шомга қайтиб кетди. Иброҳим ҳар йили Маккага келиб, ҳаж амалини бажарар эди.

Иброҳим алайҳиссаломнинг хотини Сора билан ўғли Исҳоқ алайҳиссалом ҳам Шомдан келиб, ҳаж фарзини бажаришарди.

Умнатлари ҳалок бўлган пайғамбарлар Маккага келиб, умрларининг охиригача шу ерда яшаган ва Аллоҳ таолога ибодат билан машғул бўлганлар. Шу тариқа ҳаж қилиш учун келиб шу ерда вафот этган пайғамбарлардан тўқсон тўққизтаси Мақоми Иброҳим билан Замзам оралиғида кўмилгани ва етмиш пайғамбарнинг Минодаги масжидда намоз қилганлари ривоят қилинади.

### Ҳаж амирлиги

Маъсудий (вафоти ҳижрий 346 йил) ҳижратнинг 8-йилдан 336-йилга қадар ҳаж амири сифатида кимлар ҳаж қилганини кетма-кет қайд этади.

### Қуръони каримда Каъбанинг изоҳи

Каъба, Каъбанинг қурилиши, Иброҳим алайҳиссалом ва Исмоил алайҳиссаломнинг Аллоҳ таолога дуолари, ҳажнинг инсонларга эълон қилиниши Қуръони каримда шундай изоҳланади:

إِنَّ أَوَّلَ بَيْتٍ وُضِعَ لِلنَّاسِ لَلَّذِي بِبَكَّةَ مُبَارَكًا وَهُدًى لِّلْعَالَمِينَ ﴿١٦﴾ فِيهِ  
 آيَاتٌ بَيِّنَاتٌ مَّقَامُ إِبْرَاهِيمَ وَمَنْ دَخَلَهُ كَانَ آمِنًا وَلِلَّهِ عَلَى النَّاسِ حُجُّ  
 الْبَيْتِ مَنِ اسْتَطَاعَ إِلَيْهِ سَبِيلًا وَمَنْ كَفَرَ فَإِنَّ اللَّهَ غَنِيٌّ عَنِ الْعَالَمِينَ ﴿١٧﴾

“Албатта, одамлар (ибодати) учун қурилган биринчи Уй – Бакка (Макка)даги муборак ва оламлар учун ҳидоят (манбаи) бўлмиш (Каъба)дир. Унда аниқ аломатлар – “Мақоми Иброҳим” бордир. Унга (Каъбага) кирган киши осмонда бўлур. Йўлга қодир бўл-

ган одамлар зиммасида Аллоҳ учун Байтни ҳаж қилиш (фарзи) бордир. Кимда-ким (буни) инкор этса, бас, албатта, Аллоҳ оламлардан беҳожатдир”.<sup>1</sup>

وَإِذْ يَرْفَعُ إِبْرَاهِيمُ الْقَوَاعِدَ مِنَ الْبَيْتِ وَإِسْمَاعِيلُ رَبَّنَا تَقَبَّلْ مِنَّا إِنَّكَ أَنْتَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ ﴿١٢٧﴾ رَبَّنَا وَاجْعَلْنَا مُسْلِمِينَ لَكَ وَمِن دُرِّيْنَا أُمَّةٌ مُّسْلِمَةٌ لَّكَ وَأَرِنَا مَنَاسِكَنَا وَتُبْ عَلَيْنَا إِنَّكَ أَنْتَ التَّوَّابُ الرَّحِيمُ ﴿١٢٨﴾ رَبَّنَا وَابْعَثْ فِيهِمْ رَسُولًا مِنْهُمْ يَتْلُوا عَلَيْهِمْ آيَاتِكَ وَيُعَلِّمُهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَةَ وَيُزَكِّيهِمْ إِنَّكَ أَنْتَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ ﴿١٢٩﴾

Эсланг, Иброҳим (ўз ўғли) Исмоил билан биргаликда Уй (Байтуллоҳ)нинг пойдеворини кўтарганларида (шундай дуо қилдилар): “Эй, Раббимиз, биздан (ушбу ишимизни) қабул эт. Албатта, Сен эшитувчи ва доно зотдирсан! Эй, Раббимиз, бизни Ўзингга бўйин сунувчи қилгин ва зурриётимиздан ҳам Сенга итоат қиладиган уммат (чиқаргин)! Шунингдек, бизга (ҳажга доир) ибодатларимизни кўрсатиб бер ва тавбаларимизни қабул эт! Албатта, Сен тавбаларни қабул этувчи, раҳмли зотдирсан. Эй, Раббимиз, уларга (ке-лажак умматларга) ўзларидан (чиққан), уларга оятларингни тиловат қилиб берадиган, китоб ва ҳикмат (Қуръони ва Ҳадис)ни ўргатадиган ва уларни (куфр ва гуноҳлардан) поклайдиган бир пайғамбарни юборгин! Албатта, Сен қудрат ва ҳикмат эгасидирсан”.<sup>2</sup>

وَإِذْ جَعَلْنَا الْبَيْتَ مَثَابَةً لِّلنَّاسِ وَأَمْنَا وَاتَّخِذُوا مِن مَّقَامِ إِبْرَاهِيمَ مُصَلًّى وَعَهِدْنَا إِلَىٰ إِبْرَاهِيمَ وَإِسْمَاعِيلَ أَن طَهِّرَا بَيْتِيَ لِلطَّائِفِينَ وَالْعَاكِفِينَ وَالرُّكَّعِ السُّجُودِ ﴿١٢٥﴾ وَإِذْ قَالَ إِبْرَاهِيمُ رَبِّ اجْعَلْ هَذَا بَلَدًا آمِنًا وَارْزُقْ

<sup>1</sup> Оли Имрон сураси, 96-97-оятлар.

<sup>2</sup> Бақара сураси, 127-129-оятлар.

أَهْلُهُ، مِنَ الشَّمَرَاتِ مَنْ ءَامَنَ مِنْهُمْ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ قَالَ وَمَنْ كَفَرَ فَأُمْتِعْهُ،  
 قَلِيلًا ثُمَّ أَضْطَرُّهُ إِلَىٰ عَذَابِ النَّارِ وَيَسْ أَلْمَسِيْدُ ﴿١٦٦﴾

Эсланг, Байт (Каъба)ни одамлар учун зиёратгоҳ ва хавфсиз жой қилиб қўйдик. “Иброҳим мақоми”ни намозгоҳ қилиб олингиз! Иброҳим билан Исмоилга: “Тавоф, эътикоф ва рукуъ-сужуд қилувчилар учун Байтимни поклангиз!” – деб буюрдик. Эсланг, Иброҳим: “Эй, Раббим бу (Макка)ни тинчлик шаҳри қилгин ва унинг аҳолисидан Аллоҳга ва охират кунига ишонувчиларга (турли) мевалардан ризқ қилиб бергин!” – деганида, Аллоҳ: “Кофирларни эса бироз ризқлантириб, сўнгра дўзах азобига мубтало этурман. Бу ўта ёмон оқибатдир”, – деди.<sup>1</sup>

وَأَذِّنْ فِي النَّاسِ بِالْحَجِّ يَأْتُوكَ رِجَالًا وَعَلَىٰ كُلِّ ضَامِرٍ يَأْتِينَ  
 مِنْ كُلِّ فَجٍّ عَمِيقٍ ﴿١٧﴾

Одамлар орасида (юриб уларни) ҳажга чорлагин! (Шунда) улар сенга (Каъбага) пиёда ва ҳар қандай туйда узоқ йўллардан келурлар.<sup>2</sup>

### Каъба ва унинг тарихи

Каъба – мусулмонларнинг қибласи саналган Байтуллоҳ номидир. Бу ном у миқъоб, мурабба (тўрт бурчак) шаклида бўлгани ёки Маккада бино қилинган илк бино бўлгани ва атрофига нисбатан юксак бўлгани учун қўйилган.

Асосан арабларда ҳар қандай юксак уй каъба деб номланади. Каъба араблар томонидан турли йилларда бир неча маротаба қурилган.

<sup>1</sup> Бақара сураси, 125-126-оятлар.

<sup>2</sup> Ҳаж сураси, 27-оят.

Ривоятга кўра, Аллоҳ таоло само халқи Байти Маъмурни тавоф қилганларидек, ер юзидаги халқнинг ҳам тавоф ва зиёрат қилишлари учун Байти Маъмурнинг ердаги ўхшаши сифатида Малаклар орқали илк Каъбани қурдиради.

Каъба иккинчи марта Одам алайҳиссалом томонидан қурилади.

Одам алайҳиссаломнинг вафотидан сўнг унинг ўғиллари Каъбани тош ва лойдан янгитдан қурдилар. У тўфон ҳодисасига қадар зарарсиз турди. Тўфонда эса қулади ва изи йўқолди. Каъбани Одам алайҳиссаломдан сўнг илк маротаба ўғли Шиш алайҳиссалом тош ва лойдан қурди. Нуҳ алайҳиссалом ва Иброҳим алайҳиссалом оралиғидаги давр мобайнида селлар ошиб ўтолмайдиган қизил кесакли тепалик ҳолида эди. Инсонлар Каъбанинг ўрни шу ерда эканини билишар, бироқ аниқ ўлчамларини аниқлашолмас эди. Қолаверса, ҳар томондан зулм кўрганлар келиб, бу ерда сиғинишар эди. Бошига мушкул иш тушганлар шу ерга келиб дуо қилишарди. Каъбанинг ўрни Иброҳим алайҳиссаломга кўрсатилгунга қадар одамлар бу ерга келиб у ерни зиёрат қилишарди.

Каъба тўртинчи марта Иброҳим алайҳиссалом ва унинг ўғли томонидан қурилди.

Бешинчи марта Каъба амъликалар томонидан қурилди.

Каъба олтинчи марта журҳумийлар томонидан қурилди.

Каъба еттинчи марта Қусай ибн Қилоб томонидан қурилди.

Вақт ўтиб қулаганда саккизинчи марта қурайшийлар томонидан қурилди.

Тўққизинчи марта ҳижрий 61 йилда Абдуллоҳ ибн Зубайр томонидан қурилди.

Каъбани ўнинчи марта Ҳажжож ибн Юсуф Саккофий қурдирди.

Каъбанинг ўн биринчи марта ва сўнгги қурилиши усмоний подшоси Султон Аҳмаднинг таъмирлашидан сўнг, унинг ўғли Мурод IV томонидан амалга оширилди.

Сўнгги қурилиши қуйидагича юз берди: Ҳижрий 1019 йилда Каъбанинг ёриқлари янаям кўпайди. Маккада ўша йили кучли ёмғир ёғди. Ёмғирдан сўнг сел келди. Сел сувлари Масжиди Ҳаромнинг ичига қадар кирди. Каъбанинг шарқий ва ғарбий девор билан Ҳажарул асвад тугаган ердаги девор ёрилди. Султон Меҳмеднинг ўғли Султон Аҳмад Байтуллоҳни қулатиб, бу икки девордан бирининг тошларини олтин, иккинчисини эса кумуш қоплатиб қурмоқчи бўлди. Бироқ олимлар бунга йўл қўймадилар. Улар ёрилган жойни таъмирлаш мумкинлигини айтдилар. Шунда Султон Аҳмад сариқ мисдан олтин қопламали бир белбоғ яساتди. Белбоғ Каъбага боғланганда 1020 йилнинг охири – 1021 йилнинг боши эди. Султон Аҳмад бу иш учун сакмон минг динор сарфлаган эди.

Ҳижрий 1039 йил, Шабон ойининг 19ида Чоршанба куни Макка ва унинг атрофига шиддатли ёмғир ёғди. Аср ва шом оралиғида Иброҳим водийси томонидан сел сувлари оқа бошлади. Сел олдидан нима чиқса барини ўзи билан олиб кетди. Хуфтон пайтига қадар сел оқиши давом этди. Ҳароми Шариф ичидаги сув тавоф соҳаси атрофидаги устунлар устига қўйилган қандилларгача кўтарилди. Каъбанинг ичида ҳам икки метр баландликда сув тошди. Шунда Ҳароми Шарифнинг дарвозаларидан бири бўлган Боби Иброҳим очилиб, сувлар Макканинг қуйиси томон оқизилди.

Сел фалокатида ўлганлар сони мингга яқин эди. Ўша куни Каъбанинг Шом томондаги девори икки томонга қулаб тушди. Шарқий деворининг шарқий эшикка қадар бўлган қисми ҳам қулади. Ғарбий деворнинг ҳам олтидан бир қисми қулади. Шом томондан йиқилган девор Ҳажжож ибн Юсуф Сакафий томонидан қурилган эди.

Аҳвол Миср йўли орқали Истанбулга билдирилди. Хабар бошқа ўлкаларга ҳам етиб боргач, ҳаж мавсуми яқинлашгани боис кўпчиликнинг ташвишга тушишига сабаб бўлди. Миср ҳокими Меҳмед Али Пошо подшодан келадиган амрни кутиб ўтирмай Ризвон оғани Маккага юборди. Унга шошилинич чоралар кўриши учун ваколат берди. Ризвон ўша йили Шаввол ойининг 26-куни Маккага етиб борди.

Шаввол ойининг 29-куни вазифасига киришди. Аввало Байтуллоҳнинг Масжид ичида тўпланган сувлардан тозаланиши учун мажлис чақирди. Музокара вақтида юзага келган келишмовчиликларни олимларнинг хулосасига асосланиб ҳал этди. Жидда, Мадина ва Канфададаги юк ташувчи воситалар Маккага келтирилиб, Ҳароми Шариф ва тавоф йўллари лойлардан тозаланди. Ҳаромнинг ичида тепалик ҳолида лой ва чиқиндилар йиғилган эди.

Тозалаш ишлари Зулқаъда ойининг 19ида сешанба куни тугатилгунга қадар ҳар куни ўттиз-қирқ минг юк лой ташиб чиқарилди. Шундан сел бузиб кетган йўллар, ҳовузлар ва Минонинг кириши таъмирлана бошланди. Таъмирлаш Рабиъу-л охир ойининг 9ида пайшанба куни тамомланди. Каъбани таъмирлаш учун зарур нарсалар Мисрдан келтирилди.

Подшо йўллаган вакил ҳам Маккага етиб келиб, Ризвон оға билан ишга киришди. Рабиъу-л охир ойининг 29и чоршанба куни Саййид Муҳаммад Нозир, Ризвон оға, Ҳаром шайхи Шамсиддин Аттоқий ва муҳандис Али ибн Шамсиддинлар томонидан Каъбанинг лойихаси тайёрланди. Бинонинг иншоати учун Али ибн Шамсиддин, Муҳаммад ибн Зайнул Маккий, унинг иниси устоз Абдурахмон ва устоз Сулаймон Саҳровий Мисрийлар масъул этиб тайинланди. Усталардан Фотиҳ Саййид Таботибий Маккий, устоз Сулаймон ибн Муҳаммад Бажо, Ибн Ҳотим ва Нуриддинлар тайинланди. Уларнинг охирги тўрттаси мисрлик эдилар.

Жамозий-ал охир ойининг 23ида якшанба куни Каъба деворлари қурила бошланди. Шабон ойининг 23ида 25-қатор тошлари қўйилди.

Каъба ва унинг атрофига оид барча ишлар Зулҳижжа ойининг 2-кунига қадар тугатилиб, байрамларда ва ой ҳилол пайтида олов ёқиладиган жойининг қурилиши билан таъмирлаш тугатилди.

Усманий тарихчилардан Наима (1065-1128) ушбу воқеани батафсил баён қилса, Ҳалабий (975-1044) бу ҳақда қисқача тўхталади.

### **Каъбанинг каъбапўш билан ёпилиши**

Каъба устига ёпилган матолар қурбонлик қилинадиган туялар ёрдамида келтирилар ва улар Каъба учун совға қилинарди. Ортиб қолган матолар заҳира учун сақлаб қўйиларди. Ёпилган матоларнинг эскирган қисмлари заҳирадаги янги матолар билан қопланарди. Бошқа сабаб билан матолар олиб ташланмасди. Шу боис баъзан улар қават-қават бўлиб кетарди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккадан Мадинага ҳижрат қилишларидан олдин Каъба устида чизиқли Яман матолари, пўстинлар, гиламлар, шолчалар ёпилган эди.

Навор бинти Молик Зайд ибн Собитга ҳомиладорлигида Каъбанинг устида ипақдан четлари безакли яшил, сариқ рангли шоллар, гиламлар, бадавий либослари, зигир толасидан тўқилган гиламларни кўрганини айтади.

1. Исмоил алайҳиссалом отаси Иброҳим алайҳиссаломнинг вафотидан сўнг Каъба ва ҳажга оид амалларни бошқарди. Аввало, Каъбанинг устини мато билан ёпди.

2. Сулаймон алайҳиссалом Иляа (Қуддус) масжидининг қурилиши тугагач, Маккага бориб уни тавоф этди ва устига мато ёпди. Қурбонлик сўйди ва у ерда етти кун қолди.

3. Яман қироли Робиа ибн Насрнинг ўлиmidан сўнг бутун Яманда яккахукмрон бўлган Тубон Тубон Асъад Абу Кариб Мадинани остин-устун қилиб, халқини йўқ қилмоқчи бўлганида Бани Қурайза яҳудийларидан иккита билимдони чиқиб: “Шоҳим, сиз бундай иш қилишдан воз кечинг. Агар воз кечмасангиз, сизнинг тез фурсатда бирор фалокатга учрамаслигингизга амин эмасмиз. Чунки бу ер охир замонда қурайшийлардан чиқадиган пайғамбарнинг ҳижрат йўли, юрти ва пойтахти бўлади!” – деб, уни бу ишдан қайтаришган эди.

Тубон мадиналиклар билан тўқнашишдан воз кечиб, Яманга йўл олганида Усфон, Эмеж деган жойда ҳузурига Хузайл ибн Мудрика ўғилларидан икки киши кириб: “Эй, ҳукмдоримиз! Сиздан аввалги ҳукмдорлар эътибор қилмаган, дур-у маржонлар, кумуш ва тиллалар билан тўла хазинани кўрсатайликми? Бу хазина Маккадаги бир Байт ичида бўлиб, маккаликлар уни тавоф қиладилар ва у ерда ибодат қиладилар”, - дедилар. Хузайлийлар бу билан уни ҳалок этишни истаган эдилар. Чунки улар шу пайтгача Макка ва Каъбага тажовуз ва зулм қилган ҳукмдорларнинг барчаси ҳалок бўлишганини билишарди.

Яҳудий билимдонлар бу сафар ҳам Тубонни бу ёмон ниятидан қайтиб, Маккага борганларида Каъбага таъзим қилишга ва маккаликларга яхши муносабатда бўлишга кўндирдилар. Тубон Байтуллоҳни тавоф қилди, Маккадалигида қурбонлик қилинган икки минг туя гўштини Макка халқига тарқатди ва уларни асал шарбати билан сийлади.

Тубон Маккада эканлигида бир туш кўрди. Тушида Байтуллоҳ устига мато ёпаётган эди. Шу боис Каъбага кўпол тўқилган бир матони ёпди. Сўнг яна туш кўрди. Бу сафар Каъба устига ёпган матоси сифатли ва аввалгисидан афзал эди. Шу боис бу сафар мулаъ (чойшаб) ва васойил (чизиқли юпқа Яман матоси) ёпди.

Тубон Журхумий халифаларга лозим бўлганда Байтуллоҳ устига мато ёпишни, уни турли кир ва ифлосликлардан асрашни буюрди. Каъбага эшик ва калит ясатди. Сўнг аскарлари ва ёнидаги яхудий билимдонлар билан Яман томон йўл олишди. Тубоннинг Каъбага дастлаб теридан каъбапўш ёпгани ҳам ривоят қилинади. Тубон Аъсад Абу Қарибнинг Маккага бу ташрифи Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам юборилишидан етти юз йил аввал юз берган эди.

1. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бобоси Абдулмутталибдан бошлаб йигирманчи ҳалқадаги отаси Аднан отаси Удоддан сўнг Каъба хизматини бўйнига олиб, Каъбага тери каъбапўш ёпди.

2. Жоҳилия даврида Каъбага ипак каъбапўш ёпган дастлабки киши Ҳолид ибн Жаъфар ибн Қилоб бўлиб, у Омир ибн Ҳасофа қабиласига мансуб Жаъфар ўғиллари оиласининг улуғи эди.

3. Қурайшийлар жоҳилия даврида Қусай ибн Қилоб давридан Абу Робиа ибн Муғиро ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Маҳзум даврига қадар каъбапўш масаласида кучлари етгунча ёрдамлашишди. Абу Робиа Яманга қатнар, жуда бой киши эди. Қурайшийларга: “Каъбага бир йил якка ўзим каъбапўш ёпай, бир йил барча қурайшийлар ёпсинлар” деб таклиф киритди ва ўлимига қадар Жанд шаҳарчасидан ҳибара (чизиқли юпқа Яман матоси) олиб келиб, Макка устини ёпишда давом этди.

4. Аббос ибн Абдулмутталибнинг онаси Нутайла бинти Жаноб ибн Кулайб ибн Молик ибн Амр ибн Омир ибн Намр ибн Қосид якка-ю ягона ўғлини болалигида йўқотиб қўйган эди ва агар уни топса, Каъбага каъбапўш ёпишни дилига тугиб қўйган эди. У ўғлини топганида ваъдасига мувофиқ Каъбани ипак мато билан ёпди.

5. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам балоғатга етган даврлар эди. Бир аёлнинг эҳтиётсиз ҳаракати сабабли ўт чиқиб, Каъба устидаги бутун матолар

ёнди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўттиз беш ёшга етган пайтларида Қурайшийлар Каъбани янгитдан иншо қилгач, унинг устига ҳибароти Ямания деб номланган матодан каъбапўш ёпдилар.

6. Пайғамбар алайҳиссалом ҳижратнинг ўнинчи йили Вадо ҳажи вақтида Каъбага Яман матосидан каъбапўш ўратди.

7. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўнг Абу Бакр (р.а.) каъбапўш ёпди. Бу каъбапўш қаботи, яъни юпқа оқ Миср матосидан тўқилган эди.

8. Умар (р.а.) ҳам каъбапўш ёпди. Бу ҳам юпқа оқ Миср матоси эди. Умар (р.а.) ҳар йили Мисрда Каъба учун махсус мато тўқитар, унинг пулини Байтул молдан тўларди.

9. Умардан (р.а.) сўнг халифа бўлган Усмон (р.а.) ҳам Каъбани мато билан ўратди. У ҳам Мисрдан мато келтирар эди. Фақатгина бир йил Яман ҳокими Яҳё ибн Мунаббихга амр қилиб, буруди Ямания матосидан келтиргани учун, ўша йили Каъбага иккита мато ўралди.

10. Умавий халифалардан Муовия ибн Абу Суфён (вафоти ҳижрий 60 йил) Каъбани икки марта икки хил мато билан ўратди. Улардан бири қаботий, иккинчиси атлас эди. Атлас каъбапўш Каъбага ашура кунида, қаботий эса рамазон оyi сўнгида байрам учун ёпиларди.

11. Умавий халифалардан Язид ибн Абу Суфён (вафоти ҳижрий 64 йил) Каъбага ҳусравоний атлас ўратди.

12. Абдуллоҳ ибн Зубайр (вафоти ҳижрий 74 йил) халифа бўлгач, ҳар йили укаси Муслим ибн Зубайрга ҳусравоний атлас юборар ва ашура куни Каъбага ўратар эди.

13. Умавий халифалардан Абдулмалик ибн Марвон (вафоти 86 йил) ҳар йили Каъба учун атлас мато юборарди. Улар аввалига Мадинада Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг масжидларида ёйилар, сўнгра Маккага юбориларди.

14. Каъбага ҳар йили бири атлас, иккинчиси қаботий иккита мато келтириб, ўраларди. Атлас арафа кунидан бир кун аввал, яъни тарвия куни ўраларди. Бунинг учун аввало Каъба устига бир кўйлак мато тикилмасдан осилар, ҳожилар Минодан туша бошлаганларидан у ердан кетгунларига қадар Каъба ёпинчиғини йиртмасликлари учун шундай қилинарди. Ашура куни Каъба устига изор осилиб, кўйлакка бирлаштириларди. Бу атлас каъбапўш рамазон ойининг йигирма еттинчи кунига қадар Каъба устида турар, байрам учун эса қаботий мато ўраларди.

15. Аббосий халифаларидан Маҳдий (вафоти 169 йил) хижратнинг 160 йили ҳаж қилди. Унга Каъба устига бир қанча мато осилиб, уларнинг оғирлашганини ва Байтуллоҳ деворларига зарар бериши мумкинлигини айтдилар. Шунда Маҳдий Каъба устидаги барча матоларни олдирди. Каъба деворларини бўятди, ичкаридан ва ташқаридан мушк-анбар сурдирди, сўнг Каъбага қаботий, атлас ва денгиз қўйи юнгидан тайёрланган матодан каъбапўш ёпди. Ҳижратнинг 200 йилига қадар Каъбага ёпилган матолар олиб ташланмади.

16. Ҳижратнинг 200 йили Макка ҳокими бўлган Ҳусайин ибн Ҳасан ат-Толибий Каъба устидаги матоларнинг оғирлашгани ва хавфли тус олганини сезиб, уларнинг барчасини олдирди ва ўрнига бири ингичка ипақдан тўқилган сариқ рангли, иккинчиси оқ ва устида “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм” ва “Саллоллоҳу ала Муҳаммадин ва ала аҳли Байтуллаҳи тоййибина-т-тоҳирина алаҳёр” деб ёзилган иккита мато ўратди. Бундай матодан хижратнинг 240 йилига қадар фойдаланилди ва Каъба устида бир юз етти қават мато йиғилди.

17. Аббосий халифаларидан Маъмунга (вафоти 218 йил) атлас матонинг байрамга етмасдан йиртилгани ва ямалиб, хунук ҳолга келгани хабар қилинди. Маъмун ўша пайтда Макка чопари Муборак Табарийдан “Каъба устида қайси мато чиройли туради?” – деб сўради. У айтди:

“Оқ рангли мато”. Шунда Маъмун оқ рангли атлас билан Каъбани ўрашларини буюрди. Унинг амри 206 йилда ба- жарилди. Шу тариқа Каъба учта мато билан ўраладиган бўлди. Қизил атлас тарвия куни (зулҳижжанинг 8-куни), қаботий ражаб ойи кирган кун, оқ атлас эса байрам учун рамазон ойининг 27-куни ўраладиган бўлди.

18. Каъбанинг қизил матоси ражаб ойи яқинлаш- масдан одамларнинг қўл билан кўп бора тегишлари натижасида эскириб кетгани Аббосий халифалардан Жаъфар Мутаваккилга билдирилди. Халифа каъбапўш- нинг этак қисмига мато кўшдириб, матони ерга тега- диган қилди. Яна ҳар икки ойда унинг устини янгилат- ди. Жаъфар Мутаваккил 243 йилда қаботий мато этаги- ни остидаги шодирвонга қадар узайтиришларини амр этди.

19. Ибн Абд Раббих (вафоти ҳижрий 328 йил) Каъба- нинг ўзи яшаган даврдаги ҳолати хусусида шундай де- йди: “Ҳажарул асвад рукнининг (бир ярим одам бўйича қисмидан ташқари) ҳар томони мато билан ўралган эди. Ҳаж мавсуми яқинлашганда оқ Хуросон атласи билан қопланиб ҳожилар эҳромдан чиққунларига қадар ана шу ҳолатда турарди. Ҳожилар эҳромдан чиққан кунла- ри – қурбонлик куни Каъбага ҳамд, тасбеҳ, такбир ва таъзим сўзлари ёзилган қизил Хуросон атласи ёпилар ва келгуси йилга қадар шу ҳолатда қолдирилди. Мато қаватлари кўпайиб вазни оғирлашгач ва Каъбага зиён етказиши мумкинлиги маълум бўлгач, улар олиниб, ен- гиллаштирилди”.

20. Ҳижратнинг 466 йилида Абу Наср Астарабозий Каъбани Ҳиндистон оқ атласи билан ўради.

21. Ўша йили Султон Меҳмед Сабуктекин томонидан Каъбага сариқ рангли атлас ўралди.

22. Султон Маликшоҳ ибн Алпарслон Салжуқийнинг вазири Низомулмулк (вафоти ҳижрий 485 йил) Каъбани Ҳиндистон яшил атласи билан ўратди.

23. Ҳижратнинг 532 йилида Шайх Абулқосим Каъбага хибарот ва бошқа номли матолардан ўратди.

24. Аббосий халифалардан Носир (вафоти 575 йил) ўз ҳукмронлиги даврида аввалига яшил ранг, сўнг қора рангдаги мато ўратди. Бу билан қора рангли мато ўраш одат бўлди.

25. Ҳижратнинг 640 йилида юз берган кучли шамол натижасида Каъба ёпинчиғи йиртилиб, Яман малики Мансур Каъбага мато ёпишни ният қилган бўлса-да, бу ишнинг халифага тегишли экани айтилиб, уни қора рангли пахта мато билан ўрашда давом этилди.

26. Аббосийларнинг аҳволи заифлашиб, Каъбага гоҳ Мисрдан, гоҳ ямандан келтирилган матолар ёпилди. Ниҳоят, Миср матолари ёпиладиган бўлди.

27. Мисрда ҳукмдорнинг ўзгариши билан Каъбага ҳар сафар қизил ипақдан тикилган мато юборилди.

28. Ҳукмдорлар орасида Яман қироли Малик Музаффар Аббосийларнинг Боғдоддаги ҳукмронлиги барҳам топгач, Каъбага 659 йилда мато ўраган дастлабки ҳукмдор эди.

29. Ҳижратнинг 661 йилида Мисрнинг туркий қиролларидан саналган Малик Зоҳир Байбарс ҳам Каъбага илк мато ўраганлардан эди.

30. Ҳижратнинг 743 йилида Солиҳ Исмоил ибн Носир ибн Муҳаммад ибн Қилавун ҳам ҳар йили Каъбага мато ўратарди.

31. Қирол Солиҳ Исмоилнинг укаси Носир Ҳасан ҳам 761 йилда Макка ёпинчиғининг ярмигача бўлган пастки қисмини янгилатишни ўз бўйнига олди.

32. Усмоний подшолардан Ёвуз Султон Салим ҳижратнинг 923 йилида Миср ва Ҳижозни эгаллаб, ўз номини қўшиб хутба ўқитгач ва сўнгги Аббосий халифа Мутаваккил Абдуллоҳни Истанбулга жўнатиб, ундан халифаликни олгач, Каъбанинг ички ёпинчиғини юборишни ўз зиммасига олди ва ташқи каъбапўшни Мисрга юкледи.

33. Қонуний Султон Сулаймон ҳижратнинг 947 йили Малик Мансур Қилавуннинг Каъбага ёпиладиган мато учун вақф этган икки қишлоқ даромадига тенг маблағдан ташқари яна етти қишлоқ даромадича маблағни вақф этди. Шунингдек, бу маблағ билан Малик Мансурнинг ҳароб аҳволдаги қишлоқларини ҳам тузатди.

34. Усмоний ҳукмдорлари “ходими ҳарамайн” – “икки ҳаром хизматкори” унвонини олгач, уларнинг ҳар бири Каъба-и муаззама билан Равза-и мутаҳҳара матоларини янгилашни одат қилдилар. Матолар Мисрда тўқилиб, юбориларди. Султон Аҳмад тахтга ўтиргач (ҳижрий 1012), матоларни Истанбулда тўқишни амр этди. Қирқ саккиз минг дирҳам ипақдан бир минг олтмиш зироъ каъбапўш тўқилиб, бир ҳайъат билан Маккага юборилди. Равза-и мутаҳҳара ҳамда Фотима (р.а.) маркадининг ёпинчиғи ҳам кейинги йили тўқилиб, жўнатилди.

35. Усмонийлар Миср ва Ҳижозда ўз ҳукмронлигини ўрнатгач, Каъбанинг ичи-ю ташқариси, Масжиди Ҳаромда жойлашган барча манзилларга катта-кичик чироқлар ўрнатди, Каъбанинг ёпинчиғи ва унинг хуш бўйигача ўз масъулиятига олди. Каъба матоларини бирлаштириш учун лозим бўлган иплар Шом йўли орқали етказиларди. Каъбанинг ташқи ёпинчиғи эса Мисрга берилди. Миср ҳижратнинг 1118 йилига қадар Каъбанинг ичи ва ташқарси учун мато етказиб беришда давом этди.

36. Ҳар йили Мисрда тўқиладиган каъбапўш ҳижратнинг 1213 йилида Мисрни Наполеон Банопарт босиб олгани боис Истанбулда Султон Аҳмад жомеъ-масжидида тўқилиб, жўнатиладиган бўлди.

37. Суудийлардан Абдулазизнинг ўғли буюк Сууд Ҳижозга кириши билан мисрликлар Каъбага мато юборишни бутунлай тўхтатди. Шунда Сууд ибн Абдулазиз ҳижратнинг 1221 йилида Каъбага қизил ипақ мато ёпдирди. Бундан кейинги йиллар қора мато ва атлас билан

ёпиб, Каъбанинг изори ва эшигини кумуш ва олтин суви югуртирилган қизил ипак мато билан ўради.

38. Ҳижратнинг 1277 йилига қадар Каъба матоси Истанбулда тўқилиб, юборилди. Султон Азиздан сўнг бу иш тўхтаб қолди ва у 1277 йилда юборилган сўнгги каъбапўш ҳозирги кунга қадар Каъбанинг ички ёпинчиғи бўлиб қолди.

39. Усманийлар Ҳижозни яна ўз таркибига олгач, Миср яна Каъба учун каъбапўш жўната бошлади ва бу ишни 1334 йилгача давом эттирди.

40. Ҳижрий 1334 йилда Шариф Ҳусайин ибн Али Усманийлар давлатига қарши исён кўтаргач, Миср ҳукумати билан муносабатлар бузилиб, Мисрдан Каъба учун юборилган каъбапўш Жиддадан орқага қайтарилди. Улар орасидаги ихтилоф тузатилгач, яна Миср аввалги ишида давом этди.

41. Усманийлар давлати 1334 йилда Маккада яна ўз ҳукмронлигини ўрнатиши билан Шариф Ҳайдар Пошо орқали юборилган ташқи каъбапўш 1341 йилгача Мадинада қолди. Қирол Ҳусайин бу каъбапўшни Мадинадан келтириб, Каъбага ўратди. Миср билан муносабатлар тиклангач, у яна мато етказиб беришда давом этди.

42. Ҳижратнинг 1344 йилида Суудийлар сулоласи ва Файсал оиласидан бўлган Абдулазиз Маккада ҳукмронлигини ўрнатди. Уруш ҳолати сабабли Мисрда тўқилган мато кечикиб, унгача Аҳсада мато тўқилди.

43. Ҳижратнинг 1344 йилида каъбапўш яна Мисрдан келтирила бошланди.

44. 1345 йилда икки давлат ўртасидаги муносабатларга путур етиб, каъбапўшнинг Мисрдан келтирилиши яна тўхтаб қолди. Шунда қирол Абдулазиз зулҳижжа ойининг бешинчи куни қимматбаҳо каъбапўш тайёрлашни амр этди. Қора рангли сифатли матодан каъбапўш тайёрланди.

45. Ҳижратнинг 1346 йили Абдулазиз Аждод маҳалласида махсус каъбапўш тўқувчи корхона очди. Маҳаллий

усталар бўлмагани боис Ҳиндистондан тўқувчи усталар келтирди. Бу усталар 1352 йилга қадар корхонада каъбапўш тайёрлаш билан машғул бўлдилар. 1352 йилда маҳаллий усталар етишиб чиқиши муносабати билан бу ишни улар давом эттирадиган бўлди.

### **Каъбанинг ладан билан дудланиши**

Худди каъбапўш сингари Каъба учун ладан, хуш бўйлар ҳам совға қилинарди. Булар орқали Каъбанинг ичи ва ташқариси дудланиб, ҳавоси гўзаллаштириларди. Каъбага хуш бўйлар ва ладан келтириб, ҳар бир намоз олдидан Каъбанинг булар билан дудланишини ташкил этган илк киши Муовия ибн Абу Суфён эди. Ҳаж мавсумида ва ражаб ойида Каъба учун хуш бўйлар, ладандон ва махсус хизматкорлар ҳам жўнатарди. Ундан кейингилар ҳам мана шу ишни давом эттирдилар.

Халифа Абдуллоҳ ибн Зубайр Каъбада ҳар куни бир ботмон, Жума кунлари эса икки ботмон ладан тутаттирарди. Каъбанинг ички қисмига дастлаб хуш бўй сурдирган эса Абдуллоҳ ибн Зумар эди. Умавий халифалардан Абдулмалик ибн Марвон Маккага ладандонлар ва хуш бўйлар юборарди.

Ёвуз Султон Салим хижратнинг 923 йилида Миср ва Ҳижозни ўзига тобе қилиб, ўз номига хутба ўқитгач ҳамда сўнги Аббосийлар халифаси Мутаваккил Абдуллоҳ Зни Истанбулга жўнатиб, “ходиму-л ҳарамайн” унвонини олгач, Каъба учун каъбапўш ва хуш бўйларни юборишни ўз зиммасига олган эди.

### **Иброҳим алайҳиссаломнинг Ҳожар ва Сорадан туғилган ўғиллари**

Иброҳим алайҳиссаломнинг тўнғич ўғли Исмоил алайҳиссалом бўлиб, иккинчи хотини Ҳожардан туғилган. Бу пайтда Иброҳим алайҳиссалом саксон олти ёшда эди.

Иброҳим алайҳиссаломнинг иккинчи ўғли Исҳоқ алайҳиссалом эса биринчи хотини Сорадан туғилган бўлиб, бу пайтда Иброҳим алайҳиссалом юз ёшда эди.

### **Соранинг вафот этиши**

Сора бир юз йигирма етти ёшида Канъон тупроқларидан зўравонлар юрти Ҳабрунда вафот этди. Водилқуръа билан Шом орасида жойлашган Ҳабра ёки Ҳабрун Байтул Макдисга (Қуддус) тегишли бўлиб, Ҳалилу-л раҳмон деб номланган эди.

Сора вафот этгач, Иброҳим алайҳиссалом уни дафн қилиш учун манзил қидириб юрганида Ҳабрада яшовчи ва унинг динида бўлган Сафвон исмли кишини учратди ва ундан эллик дирҳамга (ўша пайтда бир дирҳам беш дирҳам қийматига тенг эди) ер сотиб олиб Сорани ўша ерга дафн этди. Иброҳим алайҳиссалом вафот этганида ўзи ҳам ўша ерга кўмилди. Иброҳим алайҳиссаломнинг завжаси, Исмоил алайҳиссалом, сўнг Исҳоқ алайҳиссаломнинг ўғли Яъқуб алайҳиссалом ва унинг завжаси Илйа ҳам ўша ерга дафн этилдилар.

### **Иброҳим алайҳиссаломнинг вафоти**

Иброҳим алайҳиссалом Канъон деган ерда хасталаниб, бир юз етмиш беш ёшида (ёки икки юз ёшида) вафот этди. Ҳабрун тупроғида завжаси Сора учун сотиб олган ерига ўғиллари Исмоил ва Исҳоқ алайҳиссаломлар томонидан дафн этилди. Унга ва оиласига ҳамда барча пайғамбарларга саломлар бўлсин!

Ҳалилу-л раҳмон деб номланган ушбу ер билан Қуддус орасидаги масофа бир марҳалага яқиндир. Иброҳим алайҳиссалом вафот этганида Исмоил алайҳиссалом саксон тўққиз ёшда эди.

## **Иброҳим алайҳиссаломга нозил бўлган илоҳий саҳифалар**

Аллоҳ таоло томонидан Иброҳим алайҳиссаломга ўн саҳифа рамазоннинг илк кечасида нозил қилинган эди. Уларнинг мундарижаси қисса ва ибратли сўзлар, “субҳаноллоҳ” деб бошланувчи Аллоҳга тасбеҳ сўзлари, “Ла илаҳа иллаллоҳ” деб бошланувчи тавҳид сўзлари ҳамда “алҳамдулиллаҳ” деб бошланувчи ҳамд сўзларидан иборат эди.

Саҳобалардан Абу Зарр Ғифорий айтади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан: “Эй, Аллоҳнинг Расули! Иброҳимнинг саҳифаларида нималар бор эди”, - деб сўрадим. Айтдилар: “Барчаси мисоллар (ибратли сўзлар) эди. Яъни, Эй, салтанат берилган, синалган, алданган қирол! Мен сени дунёни бир-бири устига йиғасан деб юбормадим. Сени мазлумнинг дуосини мендан қайтарасан (бандамни менга ёлворишга мажбур қилмайсан), деб юбордим. Чунки Мен мазлумнинг дуосини у кофир бўлса ҳам қайтарувчи эмасман.

Унда қуйидагича масалалар ҳам бор эди: Ақлли киши кунининг бир соатини Раббига дуо ва муножат қилишга, бир соатини Аллоҳ таолонинг қудрати ҳақида мушоҳада юритишга, бир соатини қилган ва қиладиган ишлари хусусида тафаккур қилишга, бир соатини эса ҳалолдан еб-ичишга ажратиши лозим. Яна ақл эгасига лозим бўлган уч нарса қуйидагилардир: охиратга тайёрланмоқ, ҳаётини тартибга келтирмоқ, ҳаром бўлмаган нарсалардан фойдаланишдан бошқа мақсадда бир ердан иккинчи жойга кўчиб кетмасликдир. Ақл эгаларига ярашадиган уч нарса қуйидагилардир: атрофига ибрат кўзи билан қарамоқ, иши билан машғул бўлмоқ ва оз сўзламоқ” деб марҳамат қилдилар”.

“Эй, Аллоҳнинг расули! Иброҳим ва Мусонинг саҳифаларида Сизга нозил қилинган бирор нарса борми?” – деб сўрадим. Эй, Абу Зарр! Ўқимайсанми:

قَدْ أَفْلَحَ مَنْ تَزَكَّى ۝ وَذَكَرَ اسْمَ رَبِّهِ فَصَلَّى ۝ بَلْ تُؤْثِرُونَ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا ۝ وَالْآخِرَةَ خَيْرٌ وَأَبْقَى ۝ إِنَّ هَذَا لَفِي الصُّحُفِ الْأُولَى ۝ صُحُفِ إِبْرَاهِيمَ وَمُوسَى ۝

“Нажот топувчи одам, ҳақиқатан, (куфр ва гуноҳлардан) пок бўлур ва Парвардигорининг исмини ёд этиб, (беш вақт) намоз ўқир. Ҳа, сизлар, (эй, кофирлар!) Дунё ҳаётини (охиратдан) устун қўюрсиз. Ҳолбуки, охират яхшироқ ва боқийроқдир. Дарвоқе, бу (оятлар) аввалги (пайғамбарларга нозил бўлган) саҳифаларда – Иброҳим ва Мусо саҳифаларида (ҳам) бордир”.<sup>1</sup>

### Иброҳим алайҳиссаломнинг баъзи фазилатлари

وَلَقَدْ ءَايَنَّا إِبْرَاهِيمَ رُشْدَهُۥ مِنْ قَبْلُ وَكُنَّا بِهِ عَلِيمِينَ ۝

Дарҳақиқат, Биз (Мусодан) илгари Иброҳимга тўғри йўлни ато этдик. Биз уни билувчимиз.<sup>2</sup>

Иброҳим алайҳиссалом тавҳид аҳлининг имоми эди.

وَتِلْكَ حُجَّتُنَا ءَاتَيْنَاهَا إِبْرَاهِيمَ عَلَىٰ قَوْمِهِ ۝

“Иброҳимга қавми устидан берган ҳужжатимиз ана шудир”.<sup>3</sup>

У Аллоҳ таоло ҳаниф мусулмон сифатида тилга олган илк зот эди. У ҳақда:

<sup>1</sup> Аъло сураси, 14-19-оятлар.

<sup>2</sup> Анбиё сураси, 51-оят.

<sup>3</sup> Анъом сураси, 83-оят.

مَا كَانَ إِبْرَاهِيمَ يَهُودِيًّا وَلَا نَصْرَانِيًّا وَلَكِنْ كَانَ حَنِيفًا مُّسْلِمًا وَمَا كَانَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ ﴿١٦٧﴾

“Иброҳим яҳудий ҳам, насроний ҳам бўлмаган, балки тўғри йўлдан тоймаган (ҳаниф) мусулмон бўлган ва мушриклардан бўлмаган”.<sup>1</sup>

شَاكِرًا لِأَنْعَمِهِ أَجْبَنَهُ وَهَدَاهُ إِلَى صِرَاطٍ مُّسْتَقِيمٍ ﴿١٢١﴾

“(Аллоҳнинг) неъматларига шукр қилувчи эди. (Аллоҳ) уни (пайғамбарликка) танлаб, Тўғри йўлга ҳидоят этди”.<sup>2</sup>

إِنَّ إِبْرَاهِيمَ كَانَ أُمَّةً قَانِتًا لِلَّهِ حَنِيفًا وَلَمْ يَكُ مِنَ الْمُشْرِكِينَ ﴿١٣٠﴾

“Албатта, Иброҳим Аллоҳга итоат қилувчи, ҳақ йўлдан чалғимаган бир уммат (пешво) эди, мушриклардан эмас эди”.<sup>3</sup>

وَأَتَيْنَاهُ فِي الدُّنْيَا حَسَنَةً وَإِنَّا فِي الْآخِرَةِ لَمِنَ الصّٰلِحِينَ ﴿١٢٢﴾

“Унга бу дунёда эзгулик ато этдик. Албатта, у охиратда ҳам солиҳлардандир”.<sup>4</sup>

إِنَّ إِبْرَاهِيمَ لَحَلِيمٌ أَوَّاهٌ مُّنِيبٌ ﴿٧٥﴾

“Албатта, Иброҳим ҳалим, серқайғу ва сертавбадир”.<sup>5</sup>

وَاتَّخَذَ اللَّهُ إِبْرَاهِيمَ خَلِيلًا ﴿١٢٥﴾

“...Ваҳоланки, Аллоҳ Иброҳимни (Ўзига) дўст тутгандир”.<sup>6</sup>

<sup>1</sup> Оли Имрон сураси, 67-оят.

<sup>2</sup> Наҳл сураси, 121-оят.

<sup>3</sup> Наҳл сураси, 120-оят.

<sup>4</sup> Наҳл сураси, 122-оят.

<sup>5</sup> Худ сураси, 75-оят.

<sup>6</sup> Нисо сураси, 125-оят.

وَلَقَدْ أَرْسَلْنَا نُوحًا وَإِبْرَاهِيمَ وَجَعَلْنَا فِي ذُرِّيَّتِهِمَا النُّبُوَّةَ وَالْكِتَابَ

“Биз Нуҳ ва Иброҳимни (ўз қавмларига) юбордик ҳамда пайғамбарлик ва Китобни (Таврот, Инжил, Забур ва Куръонни) ҳам икковининг зурриётларига (ато) қилдик...”<sup>1</sup>

Иброҳим алайҳиссалом дуо қилди:

رَبِّ هَبْ لِي حُكْمًا وَالْحَقْنَ بِالصَّالِحِينَ ﴿٨٣﴾ وَاجْعَلْ لِي لِسَانَ  
صِدْقٍ فِي الْآخِرِينَ ﴿٨٤﴾ وَاجْعَلْنِي مِنْ وَرَثَةِ جَنَّةِ النَّعِيمِ ﴿٨٥﴾ وَأَغْفِرْ لِأَبِي إِنَّهُ  
كَانَ مِنَ الضَّالِّينَ ﴿٨٦﴾ وَلَا تُخْزِنِي يَوْمَ يُبْعَثُونَ ﴿٨٧﴾

“Эй, Раббим! Менга ҳикмат бахш этгин ва мени солиҳ (бандан)ларга қўшгин! Яна мен учун (менинг ҳақимда) кейингилар ўртасида яхши гаплар пайдо этгин! Яна мени (охиратда) неъматлар боғининг ворисларидан қилгин! Отамни мағфират қилгин! У адашганлардан (мушриклардан) эди. Қайта тирилаган кунда (қиёматда) мени шарманда қилмагин!”<sup>2</sup> Бу кунга қадар уни севиб, ҳурмат қилмаган миллат йўқдир.

Иброҳим алайҳиссалом одамларга имом (пешво) ва унинг мақоми мусулмонлар учун намозгоҳ қилингандир.<sup>3</sup>

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга Иброҳим алайҳиссаломнинг динига эргашиш буюрилган.<sup>4</sup>

وَإِذِ ابْتَلَىٰ إِبْرَاهِيمَ رَبُّهُ بِكَلِمَاتٍ فَأَتَمَّهُنَّ

“Эсланг, Иброҳимни бир неча сўзлар билан Рабби имтиҳон қилганида, уларни мукамал адо этди”.<sup>5</sup>

<sup>1</sup> Ҳадид сураси, 26-оят.

<sup>2</sup> Шуаро сураси, 83-87-оятлар.

<sup>3</sup> Бақара сураси, 124-125-оятлар.

<sup>4</sup> Наҳл сураси, 123-оят.

<sup>5</sup> Бақара сураси, 124-оят.

Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳ йўлида оловга ташланганларнинг ва Аллоҳ учун ҳижрат қилганларнинг дастлабкиси эди.

Қиёмат кунда инсонлар яланг оёқ ва яланғоч ҳолатда ҳашр қилинадилар. Ўша кун инсонлар орасида илк кийинтириладиган киши Иброҳим алайҳиссалом бўлади.

Иброҳим алайҳиссалом меҳмон кутган инсонларнинг дастлабкиси эди. У нонушта ва кечки овқатни меҳмонсиз емасди. Меҳмон топиш учун икки миля ҳатто ундан ҳам кўп юрган вақтлари бўларди. Уни “қўноқлар отаси” дейишарди.

Иброҳим алайҳиссалом мўйловини кесиб қисқартирган, қўлтиқ ва этак остини тозалаган, тирноқларини кесган, мисвок билан тишларини тозалаган, оғзини сув билан чайқаган, сув тортиб бурнини тозалаган, аврат жойларини сув билан тозалаган, сочларини тараган, ички кийим кийган, оёқларига оёқ кийим кийган, қучоқ очиб кўришган, икки кўз ораси – пешонадан ўпган, ўз-ўзини суннат қилган, юз эллик ёшга кирганида соч ва соқолининг оқарганини кўрган инсон эди.

Соч ва соқолига тушган оқни кўриб: “Эй, Раббим! Бу нима?” – деб сўради. “У хайрдир!” – деб жавоб берилди. Эрталаб сочларининг янаям кўпроқ оқарганини кўрди ва яна сўради: “Эй, Раббим! Бу нима?” “Бу дунёда ибрат, охиратда эса нурдир”, - деган жавоб бўлди. Шунда Иброҳим алайҳиссалом дуо қилди: “Эй, Раббим! У ҳолда буни орттир!” Эрталаб бутун соч-соқолининг оппоқ бўлганини кўрди.

Жаброил алайҳиссалом кўрсатган жойларга Ҳарам чегара тошларини биринчи бўлиб қўйган ҳам Иброҳим алайҳиссалом эди.

## **Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Меърож кечаси аждоди Иброҳим алайҳиссалом билан саломлашиши**

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Меърож кечаси Жаброил алайҳиссалом билан бирга еттинчи қават осмонга кўтарилди. Жаброил алайҳиссалом само дарвозасини тақиллатди. “Кимсан?” – деб сўрашди. Жаброил алайҳиссалом: “Жаброилман!” – деди. Яна сўрашди: “Ёнингда ким бор?” Жаброил алайҳиссалом жавоб берди: “Муҳаммад бор!” “У Меърож учун юборилдимми?” – деб сўралди. Жаброил алайҳиссалом: “Ҳа!” – деди.

Само дарвозаси очилганда у ерда Иброҳим алайҳиссаломни кўрдилар. У орқасини Байтул маъмурга таяган ҳолда Байтул маъмур курсисида ўтирарди. Жаброил алайҳиссалом: “Унга салом бер!” – деди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам салом берди. У Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саломига алик олди ва айтди: “Хуш келибсан, солиҳ ўғлим! Солиҳ пайғамбар!” У жуда кекса ва салобатли киши эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Жароил алайҳиссаломдан сўради: “Эй, Жаброил! У ким?” Жаброил алайҳиссалом айтди: “У бобонг Иброҳимдир!”

Иброҳим алайҳиссалом Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга: “Умматингга мендан салом айт. Уларга айт ва буюрки, жаннатга кўчат экишни кўпайтиришсин! Чунки жаннатнинг тупроғи ажойиб, суви ширин, ери кенг ва текисдир”, - деди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Жаннатга экиладиган кўчат недир?” – деб сўради. “Жаннатга экиладиган кўчат “Субҳаноллоҳи валҳамду лиллаҳи вала илаҳа иллаллоҳу валлоҳу ақбар, ла ҳавла вала қуввата илла биллаҳ” сўзидир”, - деди.

## ИСМОИЛ АЛАЙҲИССАЛОМ

### Исмоил алайҳиссаломнинг насл-насаби

Исмоил алайҳиссалом Иброҳим алайҳиссаломнинг Ҳожардан туғилган илк фарзанди ва катта ўғлидир.

### Исмоил алайҳиссаломнинг шакл-у шамойили

Исмоил алайҳиссалом узун бўйли, оқ сочли, чиройли ва нурли юзли, буғдой ранг, кичик бошли, катта кўзли, узун бурунли, қалин бўйинли, кенг елкали, узун қўл ва оёқли, кучли инсон эди.

### Исмоил алайҳиссаломнинг пайғамбарлиги ва баъзи фазилатлари

Исмоил алайҳиссалом отаси Иброҳим алайҳиссаломнинг вафотидан сўнг Каъба ва ҳаж амалларига оид барча хизматларни бошқариш ва юритиши билан машғул бўлди. Биринчи навбатда Каъбага каъбапўш ёпди.

Аллоҳ таоло унга пайғамбарлик берди. Уни Макка ва унинг атрофида яшовчи Журҳумийлар ва Амолика халқига, Яман қабилаларига, Маъриб ва Ҳадрамавт томонларга пайғамбар қилиб юборди. Исмоил алайҳиссалом эллик йил уларни исломга даъват қилди. Баъзилар унга итоат этиб, унга эргашдилар; баъзилар эса инкор йўлини тутдилар. Унга имон келтирганлар кўп эмасди.

Исмоил алайҳиссалом сабр қилувчилардан ва ваъда-сида содиқ турувчи набий ва расул эди.<sup>1</sup> У гуноҳкорларни Макка Ҳаромидан ҳайдаб чиқарган илк киши эди. У солиҳ ва яхши киши эди.<sup>2</sup>

وَكَانَ يَأْمُرُ أَهْلَهُ، بِالصَّلَاةِ وَالزَّكَاةِ وَكَانَ عِنْدَ رَبِّهِ، مَرْضِيًّا

<sup>1</sup> Анбиё сураси, 85-оят ҳамда Марям сураси, 54-оятга қаранг.

<sup>2</sup> Анъом сураси, 86-оят ҳамда Сод сураси, 48-оятга қаранг.

**У ўз аҳли (ва уммати)ни намоз ва рўзага буюрар эди ва Парвардигори ундан рози бўлган киши эди.**<sup>1</sup>

Исмоил алайҳиссалом Макканинг иссиқлигидан шикоят қилгач, Аллоҳ таоло унга: “Мен сенга жаннатдан бир эшик (дераза) очаман! Қиёмат кунига қадар ундан сенга салқин шамол эсар!” – деб марҳамат қилди. Эшик очилиши билдирилган ер Исмоил алайҳиссалом дафн этилган Ҳижр эди.

### **Исмоил алайҳиссаломнинг васияти ва вафоти**

Исмоил алайҳиссалом ўлим тўшагига тушгач, қизи Насимани Ойс билан унаштиришни укаси Исҳоқ алайҳиссаломга васият қилди. Исҳоқ алайҳиссалом акасининг васиятини бажарди. Исмоил алайҳиссалом Ҳижрга, онаси Ҳожарнинг ёнига дафн этилди. Исмоил алайҳиссалом вафот этганида бир юз ўттиз етти ёшда эди. Унга ва оиласига, барча пайғамбарларга саломлар бўлсин!

### **Ҳотим қазилганда Исмоил алайҳиссалом тобутининг у ердан чиқиши**

Абдуллоҳ ибн Зубайр Ҳажжож томонидан манжаниқ билан бузиб ташланган Каъбани қайта қураётганда (ҳижрий 64-йил) Ҳотимни қаздираётиб, у ердан яшил тошдан ясалган бир тобут чиқди. Бу борада Қурайшийлардан маълумот сўради. Бироқ ҳеч кимда жавоб бўлмагач, Абдуллоҳ ибн Суфёнга одам юборди. Абдуллоҳ ибн Суфён айтди: “У Исмоил алайҳиссаломнинг қабри, уни жойидан қимирлатманг!” Абдуллоҳ ибн Зубайр қабрни ўша ҳолатда қолдирди.

### **Исмоил алайҳиссаломнинг ўғиллари**

Исмоил алайҳиссалом биринчи хотини билан ажрашгач, Журхумийлардан Мудод ибн Амр Журхумийнинг

<sup>1</sup> Марям сураси, 55-оят.

қизига уйланди. Ундан ўн икки ўғли туғилди. Мудоднинг қизининг исми Роъла эди.

### **Исмоил алайҳиссаломдан сўнг Каъба ишлари кимлар томонидан бошқарилди?**

Исмоил алайҳиссаломнинг вафотидан сўнг Каъба хизматини ўғли Нобит ўз зиммасига олди. Ривоятларда аввалига Кайдар, ундан сўнг Нобит бу ишларни бошқаргани қайд этилади. Шунингдек, бу хизматнинг аввалига Кайдар, сўнг Тайман ибн Нобит, ундан сўнг Нобит ибн Хумайса ибн Тайман ибн Нобит, ундан сўнг эса Журҳумийлар томонидан бажарилгани ривоят қилинади.

### **Кайдарнинг баъзи хусусиятлари**

Исмоил алайҳиссаломнинг ўғилларидан Кайдарнинг юзида Муҳаммад алайҳиссаломнинг нури порлар эди.

У жанговар, курашчи, мохир ўқ отувчи, овчи, чавандоз эди.

Ҳар сафар ов қуроли ёнига борганида қуролидан ё урғочи кийикнинг, ёки бирор парранданинг: “Аллоҳ номини ёдга олмасдан, “Бисмиллоҳ” демасдан мени сўйма ва ема!” – деган овоз эшитиларди.

### **Исмоил ўғилларининг маккадан тарқаб кетиши ва бошқарувнинг журҳумийлар қўлига ўтиши**

Нобит вафот этганида Исмоил алайҳиссалом ўғиллари ноз-неъматлари кўп бўлган ерларга тарқалдилар. Улар орасидан баъзилари: “Биз Аллоҳнинг Ҳаромидан кетмаймиз!” – деб ўз ўринларида қолдилар. Маккада қолганлар орасида Исмоил алайҳиссаломнинг кичик ёшдаги ўғиллари ҳам бор эди. Шу сабабли Каъба хизматини Исмоил алайҳиссаломнинг она томондан боболари бўлган Мудод ибн Амр ўз зиммасига олди.

## ИСҲОҚ АЛАЙҲИССАЛОМ

## Исҳоқ алайҳиссаломнинг насл-насаби ва туғилиши

Исҳоқ алайҳиссалом Иброҳим алайҳиссаломнинг иккинчи ўғли бўлиб, унинг биринчи хотини Сорадан туғилган эди. Исҳоқ алайҳиссалом туғилганда Иброҳим алайҳиссалом бир юз йигирма ёшда эди.

Исмоил алайҳиссаломнинг отаси саксон олти ёшдалигида, Исҳоқ алайҳиссаломнинг эса отаси юз ёшдалигида туғилгани қайд этилган.

Исҳоқ алайҳиссаломнинг туғилиши Қуръони каримда қуйидагича билдирилади:

وَلَقَدْ جَاءَتْ رُسُلَنَا إِبْرَاهِيمَ بِالْبُشْرَى قَالُوا سَلَامًا قَالَ سَلَامٌ فَمَا لَبِثَ أَنْ جَاءَ بِعِجْلٍ حَنِيدٍ ﴿٧١﴾ فَلَمَّا رَأَى أَيْدِيَهُمْ لَا تَصِلُ إِلَيْهِ نَكِرَهُمْ وَأَوْجَسَ مِنْهُمْ خِيفَةً قَالُوا لَا تَخَفْ إِنَّا أُرْسِلْنَا إِلَى قَوْمِ لُوطٍ ﴿٧٠﴾ وَأَمْرَانَهُ قَائِمَةٌ فَضَحِكْتُمْ فَبَشَّرْنَاهَا بِإِسْحَقَ وَمِنْ وَرَاءِ إِسْحَقَ يَعْقُوبَ ﴿٧١﴾ قَالَتْ يَنْوَلَتِي أَوْلَادٌ وَعَنَا عَجُوزٌ وَهَذَا بَعْلِي شَيْخًا إِنَّ هَذَا لَشَيْءٌ عَجِيبٌ ﴿٧٢﴾ قَالُوا أَنْعَجِبِينَ مِنْ أَمْرِ اللَّهِ رَحِمَتُ اللَّهِ وَبَرَكَاتُهُ عَلَيْكُمْ أَهْلَ الْبَيْتِ إِنَّهُ حَمِيدٌ مَجِيدٌ ﴿٧٣﴾

“Иброҳимга элчиларимиз (фарзандли бўлиши ҳақида) хушxabар келтирдилар ва “Салом!” дедилар. У ҳам “Салом!” деди-да, ҳеч қанча вақт ўтмай, бир бузоқ (гўштининг) кабобини келтирди. Унга (таомга) қўл чўзишмаганини кўргач, (Иброҳим) улардан ётсиради ва улардан қаттиқ қўрқиб кетди. (Улар) дедилар: “Кўрқма! Биз Лут (қавми)га юборилганмиз”. Хотини (Сора) турган эди, кулиб юборди. Унга Исҳоқ (номли фарзанд) ва Исҳоқнинг орқасидан Яъқуб

(исмли набира беришимиз) ҳақида хушxabар бердик. (Сора) деди: “Вой, ўлмасам! Ўзим кампир ва бу эрим қария бўлатуриб, туғаманми?! Бу жуда қизиқ нарса-ку!” (Фаришталар) дедилар: “Аллоҳнинг ишидан ажабланасанми?! Эй, хонадон аҳли, сизларга Аллоҳнинг раҳмати ва баракоти бўлсин! Албатта, У ҳамд ва улуғлик эгасидир”.<sup>1</sup>

### Исҳоқ алайҳиссаломнинг туғилишидан халқнинг ҳайратга тушиши

Исҳоқ алайҳиссалом туғилганда халқ бундан ҳайратга тушди. “Юз яшар бир чол ва тўқсон яшар кампирдан бола туғилди-я!” – дедилар.

### Исҳоқ алайҳиссаломнинг шакл ва шамойили

Исҳоқ алайҳиссалом узун бўйли, қора кўзли, буғдой ранг, оппоқ соч-соқолли, гўзал юзли, ширин сўзли эди. Сурат ва сийрати жиҳатдан отаси Иброҳим алайҳиссаломга ўхшарди. Кексайганда кўзлари кўрмай қолган эди.

### Исҳоқ алайҳиссаломнинг пайғамбарлиги ва баъзи фазилатлари

Исҳоқ алайҳиссаломга отаси Иброҳим алайҳиссалом вафот этгач, Шомда пайғамбарлик вазифаси юкланди. У Аллоҳ таоло танлаган ва хайрли қилган инсонлардан эди. Куръони каримда шундай марҳамат қилинади:

وَوَهَبْنَا لَهُ إِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ كُلاًّ هَدَيْنَا وَنُوحًا هَدَيْنَا  
 مِنْ قَبْلُ وَمِنْ ذُرِّيَّتِهِ دَاوُدَ وَسُلَيْمَانَ وَأَيُّوبَ وَيُوسُفَ وَمُوسَى  
 وَهَارُونَ وَكَذَلِكَ نَجْزِي الْمُحْسِنِينَ



<sup>1</sup> Худ сураси, 69-73-оятлар.

“Унга (Иброҳимга) Исҳоқ ва Яъқубни ато этдик. Ҳаммасини ҳидоятга йўлладик. Олдин Нухни ҳам ҳидоятга йўллаган эдик. Унинг зурриётидан Довуд, Сулаймон, Айюб, Юсуф, Мусо ва Ҳорунни (ҳам йўлладик). Чиройли иш қилувчиларни мана шундай тақдирлаймиз”.<sup>1</sup>

وَبَشَّرْنَاهُ بِإِسْحَاقَ نَبِيًّا مِّنَ الصَّالِحِينَ ﴿١١٢﴾ وَبَارَكْنَا عَلَيْهِ وَعَلَىٰ إِسْحَاقَ  
وَمِن ذُرِّيَّتِهِمَا مُحْسِنٌ وَظَالِمٌ لِّنَفْسِهِ مُبِينٌ ﴿١١٣﴾

“Яна, Биз унга солиҳлардан (бўлғуси) пайғамбар Исҳоқнинг хушхабарини бердик. Унга (Иброҳимга) ҳам, Исҳоққа ҳам баракот бердик. Уларнинг зурриётидан эзгу амал қилувчи ҳам, ўзига аниқ зулм қилувчи ҳам бўлур”.<sup>2</sup>

وَأَذْكُرْ عَبْدَنَا إِبْرَاهِيمَ وَإِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ أُولَى الْأَيْدِي وَالْأَبْصَارِ ﴿٤٥﴾ إِنَّا  
أَخْلَصْنَاهُمْ بِخَالِصَةٍ ذِكْرَى الدَّارِ ﴿٤٦﴾ وَإِنَّهُمْ عِندَنَا لَمِنَ الْمُصْطَفَيْنِ  
الْأَخْيَارِ ﴿٤٧﴾

“Эй Муҳаммад!) Кувват ва фаросат эгалари бўлган бандаларимиз – Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубларни эсланг! Биз уларни (бир) хислат – (боқий) диёр эслатмаси билан хос қилдик. Яна улар Бизнинг танланган, яхши кишилардандир”.<sup>3</sup>

وَوَهَبْنَا لَهُ إِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ نَافِلَةً ۗ وَكُلًّا جَعَلْنَا صَالِحِينَ ﴿٧٢﴾  
وَجَعَلْنَاهُمْ أَيْمَةً يَهْدُونَ بِأَمْرِنَا وَأَوْحَيْنَا إِلَيْهِمْ فِعْلَ الْخَيْرَاتِ  
وَإِقَامَ الصَّلَاةِ وَإِيتَاءَ الزَّكَاةِ وَكَانُوا لَنَا عَبِيدِينَ ﴿٧٣﴾

<sup>1</sup> Аньом сураси, 84-оят.

<sup>2</sup> Соффот сураси, 112-113-оятлар.

<sup>3</sup> Сод сураси, 45-47-оятлар.

**“Биз (Иброҳимга) Исҳоқни ҳадя этдик ва Яъқубни ҳам (набира қилиб) қўшиб бердик ҳамда барчаларини солиҳ кишилар қилдик. Яна уларни Бизнинг амримиз билан (одамларни) хидоят этадиган пешволар қилдик ва уларга яхши амаллар қилишни, намозни баркамол адо этишни ва закот беришни ваҳий қилдик. Улар Бизгагина ибодат қилувчи бўлдилар”.**<sup>1</sup>

### **Исҳоқ алайҳиссалом ва Соранинг Маккага келиб ҳаж фарзини бажариши**

Эрзакийнинг ибн Исҳоқдан қилган ривоятига кўра, Исҳоқ алайҳиссалом ва волидаси Сора ҳам Шомдан Маккага келиб ҳаж фарзини бажарар эдилар.

### **Исҳоқ алайҳиссаломнинг ўғиллари**

Исҳоқ алайҳиссалом отаси Иброҳим алайҳиссаломнинг васиятига риоя қилиб, Канъонийларнинг қизига уйланмай Рафақа бинти Батвилга уйланди. Ундан Ойс ва Яъқуб исмли эгизак фарзанди туғилди. Ойсни акаси Исмоил алайҳиссаломнинг васиятига кўри унинг қизи Басимага уйлантирди.

### **Исҳоқ алайҳиссаломнинг вафоти**

Исҳоқ алайҳиссалом Канъон ҳудудида бир юз саксон беш (ёки бир юз саксон, ёки бир юз етмиш, ёки бир юз олтмиш) ёшида вафот этди. Унга ва барча пайғамбарларга саломлар бўлсин!

Исҳоқ алайҳиссалом отаси Иброҳим алайҳиссаломнинг Мазрадаги қабри ёнига дафн этилди. Қабрлари Байтул мақдисдан ўн саккиз миля узоқликда, Масжиди Иброҳим ёнида жойлашган.

<sup>1</sup> Анбиё сураси, 72-73-оятлар.

## ЛУТ АЛАЙҲИССАЛОМ

### Лут алайҳиссаломнинг насл-насаби

Лут ибн Ҳорон ибн Тороҳ ибн Наҳор ибн Соруғдир. Лут алайҳиссалом Иброҳим алайҳиссаломнинг жияни, яъни укаси Ҳороннинг ўғлидир.

### Лут алайҳиссаломнинг шакл-шамойили

Лут алайҳиссалом ўрта бўйли, оқ танли, чиройли юзли, ингичка бурунли, кичкина қулоқли, узун бармоқли, чиройли табассумли эди.

### Лут алайҳиссаломнинг Иброҳим алайҳиссаломга имон келтириши, у билан ҳижрат қилиши ва баъзи фазилатлари

Иброҳим алайҳиссаломни оловга ташлаганларида ёниб кетмасдан омон қолганини кўриб, Лут алайҳиссалом биринчи бўлиб унинг барҳақ пайғамбарлигини тасдиқ этиб, имон келтирган эди. У Иброҳим алайҳиссалом билан бирга ҳижрат қилди. Иброҳим алайҳиссаломга эргашиб, ибодат аҳлидан, жўмард, сабрли, муттақий, меҳмондўст инсонлардан бўлди; экин экиб, деҳқончилик қилди.

Иброҳим алайҳиссалом ва унга қарашли муҳожирлар Бобилдан чиқиб, Ҳарронда бир муддат яшадилар. У ердан Урдунга, Урдундан эса Мисрга бордилар. Мисрдан Шомга қайтдилар. Улар Фаластин ҳудудидаги Фаластин ва Қуддус орасида Шом чўлида жойлашган Сабъ деган ерга жойлашдилар. Сабъ халқининг номақбул хатти-ҳаракатлари сабаб у ердан кетиб Рамла ва Илйа (Қуддус) оралиғидаги Катт ёки Китт деб номланган жойга келдилар.

## **Лут алайҳиссаломнинг Садум ва Амурага бориб жойлашиши**

Аллоҳ таоло Иброҳим алайҳиссаломга мўл ризқ, бойлик ва хизматкорлар эҳсон қилди. Унинг укаси Ҳороннинг ўғли Лут алайҳиссаломнинг ҳам у ерда моли кўпайди. Иброҳим алайҳиссалом унга айтди: “Аллоҳ таоло бизнинг бойлигимизни, катта ва кичик бошли ҳайвонларимизни кўпайтирди. Сен бизнинг ёнимиздан кетиб, Садум ва Амура шаҳарларига жойлаш!” Лут алайҳиссалом у ерга бориб жойлашди.

Лут алайҳиссалом истиқомат қилаётган ерга келган бир қирол у билан тўқнаш келди. Лут алайҳиссаломни асир олиб, молларини талон-тарож қилди. Иброҳим алайҳиссалом бундан хабар топиши билан 318 кишилик қўшини билан бориб Лут алайҳиссаломни қутқариб олди, молларини ўзига қайтарди. Аллоҳ ва Унинг расуlining душманларини ўлдирди. Душманни Дамашқнинг шарқига қадар таъқиб қилиб бордилар.

### **Садум ва бошқа шаҳар халқининг ахлоқсизликлари**

Садум ва бошқа шаҳарларда яшовчи халқнинг шаҳар ташқарисида экин майдонлари ва мевазорлари бор эди. Ёмғир ёғмай қурғоқчилик бўлганида бир-бирларига: “Мевазор ва экинларингизни ташқаридан келадиган йўловчилардан ҳимоя қилинг!” – дедилар. “Қандай ҳимоя қиламиз?” – дейишди. “Юртингизда ўзингиз танимайдиган бегона кишиларнинг кийимларини ечинг ва уларнинг номусига тегинг! Ана шунда бегоналар сизнинг шаҳрингизга қадам босмас!” – дедилар ва айтганларини амалда қила бошладилар.

Улар йўлтўсарлик қилиб бегонларни масхаралашар, уларнинг номусига тегишарди. Кўпчилик олдида

бир-бирига қараб ел чиқазишдан, ҳатто бир-бири билан очикдан-очик жинсий алоқада бўлишдан тоймайдиган бўлишди. Лут қавмининг бундай ҳаёсиз ва ахлоқсиз ҳаракатлари уларни ҳайвондан бадтар ҳолга туширган эди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай ҳаёсизлик қилган кишиларни шундай лаънатлар эдилар: “Лут қавмининг амалини қилган кишига Аллоҳнинг лаънати бўлсин!” – деб лаънатлагач, “Лут қавмининг амалини қилган киши малъундир!” – деб такрорлар эдилар. Ва яна: “Умматимдан бирор киши Лут қавмининг амалини қилса, Аллоҳ таоло уни қиёмат куни ўша қавм билан бирга ҳашр қилур!” – деб марҳамат қилган эдилар.

Лут қавмининг эркаклари аёлларга уйланишни тўхтатишган, уйланганлари ҳам хотинларини ўз ахлоқсизлигига тортишдан тап тортмас эдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай кишилар ҳақида: “Хотинининг орқасидан жинсий алоқа қилган киши малъундир!” – деган эдилар.

### Лут алайҳиссаломнинг пайғамбарлиги ва баъзи фазилатлари

Лут алайҳиссалом ҳикмат ва илм ато этилган пайғамбарлардан эди. Аллоҳ таоло ахлоқсиз ва бузуқ қавм бўлган Садум ва яна тўрт шаҳар халқига пайғамбар қилиб юборган эди. Лут алайҳиссалом улар орасида йигирма тўққиз йилча яшади. Уларни ягона бўлган Аллоҳга имон келтириб, Унга ибодат қилишга ҳамда қилиб юрган ахлоқсизликларини воз кечишга чақирди.

### Қуръони карим Лут қавми ҳақида

كذبت قوم لوط المرسلين ﴿١١٠﴾ إذ قال لهم أخوهم لوطُ ألا لتقون ﴿١١١﴾ إني  
لكم رسول أمين ﴿١١٢﴾ فأتقوا الله وأطيعون ﴿١١٣﴾ وما أسألكم عليه من

أَجْرٌ إِنْ أَجْرِي إِلَّا عَلَى رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿١١٤﴾ أَتَأْتُونَ الذُّكْرَانَ مِنَ الْعَالَمِينَ  
وَتَذَرُونَ مَا خَلَقَ لَكُمْ رَبُّكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ بَلْ أَنْتُمْ قَوْمٌ عَادُونَ ﴿١١٦﴾

Лут қавми пайғамбарларни инкор этди. Ўшанда уларга биродарлари Лут айтган эди: “(Аллоҳдан) кўрк-майсизми?! Албатта, мен сизларга (Аллоҳ юборган) ишончли пайғамбардирман. Бас, Аллоҳдан кўрқингиз ва менга (буйруқларимга) итоат этингиз! Мен бу (даъватим) учун сизлардан мукофот сўрамайман. Менинг мукофотим фақат оламларнинг Парвардигори зиммасидадир. Сизлар оламлардан фарқли равишда (шаҳват билан) эркакларга “келасиз”ми?! Ҳамда Раббингиз сизлар учун яратган жуфти ҳалолларингизни тарк қиласизми?! Йўқ, сизлар ҳаддан ошувчи қавмдирсиз”.<sup>1</sup>

وَلَوْطًا إِذْ قَالَ لِقَوْمِهِ إِنَّكُمْ لَأْتُونَ الْفَاحِشَةَ مَا سَبَقَكُمْ بِهَا مِنْ أَحَدٍ مِنَ الْعَالَمِينَ ﴿٢٨﴾ أَيْنَكُمْ لَأْتُونَ الرِّجَالَ وَتَقَاطَعُونَ السَّبِيلَ وَتَأْتُونَ فِي نَادِيَكُمُ الْمُنْكَرَ

Лут ўз қавмига: “Албатта, сизлар шундай фаҳш ишни қилмоқдасизки, сизлардан олдин оламлардан ҳеч ким уни қилмаган эди. Ҳақиқатан ҳам сизлар (хотинларингизни қўйиб) эркакларга боришингиз, қароқчилик қилишингиз, мажлисгоҳларингизда ёмон ишлар қилишингиз ростми?!” – деган эди.<sup>2</sup>

قَالُوا لَئِنْ لَمْ تَنْتَهِ يَلُوطُ لَتَكُونَنَّ مِنَ الْمَخْرُجِينَ ﴿١٧﴾

Улар дедилар: “Қасамки, агар (бу ишингдан) тўхтамасанг, эй, Лут, албатта, сургун қилинувчилардан бўлурсан!”<sup>3</sup>

<sup>1</sup> Шуаро сураси, 160-166-оятлар.

<sup>2</sup> Анкабут сураси, 28-29-оятлар.

<sup>3</sup> Шуаро сураси, 167-оят.

وَلَوْطًا إِذْ قَالَ لِقَوْمِهِ أَتَأْتُونَ الْفَاحِشَةَ وَأَنْتُمْ تُبْصِرُونَ  
 ﴿٥٤﴾ أَيْبَتِكُمْ لَتَأْتُونَ الرِّجَالَ شَهْوَةً مِّنْ دُونِ النِّسَاءِ بَلْ أَنْتُمْ قَوْمٌ  
 تَجْهَلُونَ ﴿٥٥﴾ فَمَا كَانَ جَوَابَ قَوْمِهِ إِلَّا أَنْ قَالُوا أَخْرِجُوا  
 آلَ لُوطٍ مِّنْ قَرْيَتِكُمْ إِنَّهُمْ أَنَاسٌ يَنْطَهُرُونَ ﴿٥٦﴾

У қавмига: “Сизлар кўриб (билиб) туриб фаҳш ишларни қиласизми?! Сизлар хотинларингизни қўйиб, шаҳватни эркакларга келтирасизми?! Ҳа, сизлар жоҳил қавмдирсиз”. (Лут) қавмининг жавоби эса фақат “Лут аҳлини қишлоғингиздан (қувиб) чиқарингиз! Дарҳақиқат, улар жуда “пок”ланиб кетаётган кишилардир”, - дейишлари бўлди.<sup>1</sup>

قَالُوا أَأَتَيْنَا بِعَذَابِ اللَّهِ إِنْ كُنْتَ مِنَ الصَّادِقِينَ ﴿٢٩﴾

“...Агар сен ростгўй кишилардан бўлсанг, бизларга Аллоҳнинг азобини келтир!” – дедилар.<sup>2</sup>

قَالَ رَبِّ أَنْصُرْنِي عَلَى الْقَوْمِ الْمُفْسِدِينَ ﴿٣٠﴾

(Шунда) у айтди: “Эй, Раббим! Бу бузғунчилар қавми устидан Ўзинг мени ғолиб қил!”<sup>3</sup>

### Лут қавмини ҳалок қилиш учун бораётган фаришталарнинг Иброҳим алайҳиссалом билан учрашиши

Садумнинг йўлдан озган халқи Лут алайҳиссаломни ёлғончига чиқардилар. Кибр ва ғурурларини янада ортирдилар. Аллоҳ таоло Лут алайҳиссаломнинг дуосини қабул қилиб, расулига ёрдам бериши ва унинг қавмини

<sup>1</sup> Намл сураси, 54-56-оятлар.

<sup>2</sup> Анкабут сураси, 29-оят.

<sup>3</sup> Анкабут сураси, 30-оят.

ҳалок қилишини ирода қилганида Жаброил алайҳиссаломни Микоил ва Исрофил алайҳиссаломлар билан бирга юборди.

Фаришталар келишган йигитлар қи ёфасига кириб Иброҳим алайҳиссаломнинг уйида меҳмон бўлдилар. Улар Иброҳим алайҳиссаломга Исҳоқ исмли ўғли туғилиши ҳақидаги хушxabар бермоқчи, қолаверса, Лут алайҳиссаломнинг қавмини ҳалок этишларини билдирмоқчи эдилар. Аллоҳ таоло бу хусусда Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

وَلَقَدْ جَاءَتْ رُسُلُنَا إِبْرَاهِيمَ بِالْبَشْرَى قَالُوا سَلَمًا قَالَ سَلَامٌ فَمَا لَبِثَ أَنْ جَاءَ بِعِجْلٍ حَنِيذٍ ﴿٧٦﴾ فَلَمَّا رَأَى أَيْدِيَهُمْ لَا تَصِلُ إِلَيْهِ نَكَّرَهُمْ وَأَوْجَسَ مِنْهُمْ خِيفَةً قَالُوا لَا تَخَفْ إِنَّا أُرْسِلْنَا إِلَيْكَ قَوْمِ لُوطِ ﴿٧٧﴾

“Иброҳимга элчиларимиз (фарзандли бўлиши ҳақида) хушxabар келтирдилар ва “Салом!” дедилар. У ҳам “Салом!” деди-да, ҳеч қанча вақт ўтмай, бир бузоқ (гўштининг) кабобини келтирди. Унга (таомга) қўл чўзишмаганини кўргач, (Иброҳим) улардан ётсиради ва улардан қаттиқ қўрқиб кетди. (Улар) дедилар: “Қўрқма! Биз Лут (қавми)га юборилганмиз”.<sup>1</sup>

وَلَمَّا جَاءَتْ رُسُلُنَا إِبْرَاهِيمَ بِالْبَشْرَى قَالُوا إِنَّا مُهْلِكُوا أَهْلَ هَذِهِ الْقَرْيَةِ إِنَّ أَهْلَهَا كَانُوا ظَالِمِينَ ﴿٧٦﴾ قَالَ إِنَّ فِيهَا لُوطًا قَالُوا نَحْنُ أَعْلَمُ بِمَنْ فِيهَا لَنُنَجِّيَنَّهُ وَأَهْلَهُ إِلَّا أُمَّرَأَتَهُ كَانَتْ مِنَ الْغَابِرِينَ ﴿٧٧﴾

Элчиларимиз (фаришталар) Иброҳимга (фарзанд кўриши ҳақидаги) хушxabарни келтиришгач, айтдилар: “Албатта, бизлар мана шу (Садум номли) қиш-

<sup>1</sup> Худ сураси, 69-70-оятлар.

лоқ аҳлини ҳалок қилувчидирмиз. Чунки, унинг аҳолиси золимдирлар”. (Иброҳим): “Ахир, у ерда Лут бор-ку?” – деди. Улар айтдилар: “Биз у жойда ким борлигини билувчиरोқдирмиз. Албатта, бизлар уни (Лутни) ва аҳлини қутқарурмиз. Илло, унинг хотини (кофир бўлгани сабабли) қолувчи (ҳалок бўлувчи)лардандир”.<sup>1</sup>

فَلَمَّا ذَهَبَ عَنْ إِبْرَاهِيمَ الرَّوْعُ وَجَاءَتْهُ الْبَشَرَىٰ مُجْتَدِلًا فِي قَوْمِ لُوطٍ  
 ۷۵ إِنَّ إِبْرَاهِيمَ لَحَلِيمٌ أَوَّاهٌ مُنِيبٌ ۷۶

Иброҳимдан кўрқув кетиб, унга хушхабар етгач, Биз билан Лут қавми (ҳалокати) тўғрисида баҳслаша бошлади. Албатта, Иброҳим ҳалим, серқайғу ва сертавадир.<sup>2</sup>

### Иброҳим алайҳиссаломнинг элчи фаришталар билан баҳслашиши

Элчи фаришталар: “Биз шу шаҳар халқини ҳалок қилурмиз, чунки бу ернинг халқи золимдирлар!” – дедилар. Иброҳим алайҳиссалом сўради: “Сиз бу шаҳарда тўрт юз мўмин бўлгани ҳолда уларни ҳалок қиласизларми?” Элчилар: “Йўқ!” – дедилар. Иброҳим алайҳиссалом яна сўради: “Сиз бу шаҳарда уч юз мўмин бўлгани ҳолда уларни ҳалок қиласизларми?” Элчилар яна: “Йўқ!” – дедилар. Иброҳим алайҳиссалом яна сўради: “Сиз бу шаҳарда икки юз мўмин бўлгани ҳолда уларни ҳалок қиласизларми?” Элчилар бу сафар ҳам: “Йўқ!” – дедилар. Иброҳим алайҳиссалом яна сўради: “Сиз бу шаҳарда юз мўмин бўлгани ҳолда уларни ҳалок қиласизларми?” Элчилар: “Йўқ!” – дедилар. Иброҳим алайҳиссалом яна сўради: “Сиз бу шаҳарда элликта мусул-

<sup>1</sup> Анкабут сураси, 31-32-оятлар.

<sup>2</sup> Худ сураси, 74-75-оятлар.

мон бўлса, не қилурсиз, уларни ҳалок қиласизларми?” Элчилар: “Йўқ!” – дедилар. Иброҳим алайҳиссалом яна сўради: “Сиз бу шаҳарда қирқ нафар мусулмон бўлса, уларга азоб қиласизларми?” Элчилар: “Йўқ!” – дедилар. Иброҳим алайҳиссалом яна сўради: “Сиз бу шаҳарда ўттиз нафар мусулмон бўлса, уларга азоб қиласизларми?” Элчилар: “Йўқ! Уларга азоб қилмасмиз”, – дедилар. Иброҳим алайҳиссалом яна сўради: “Бу шаҳарда ўн тўрт нафар мусулмон бўлса-чи?” Элчилар: “Йўқ!” – дедилар. Иброҳим алайҳиссалом яна сўради: “Бу шаҳарда ўн нафар мусулмон бўлса-чи?” Элчилар: “Йўқ, уларга азоб қилмасмиз!” – дедилар. Шунда Иброҳим алайҳиссалом: “Ичида ўн нафар мусулмон бўлмаган ва хайр бўлмаган қавм йўқдир!” – деди.

يَا اِبْرَاهِيمُ اَعْرِضْ عَن هَذَا إِنَّهُ قَدْ جَاءَ أَمْرٌ رَبِّكَ وَإِنَّهُمْ آتِيهِمْ عَذَابٌ  
غَيْرٌ مَّرْدُودٍ ﴿٧٦﴾

“(Фаришталар): “Эй, Иброҳим! Бу (бахс)дан қайт! Зеро, Раббингнинг амри (Лут қавмига атаган азоби) келиб бўлган. Уларга қайтарилмас азоб келгусидир!”<sup>1</sup>

وَلَمَّا جَاءَتْ رُسُلُنَا اِبْرٰهِيْمَ بِالْبَشْرِىِ قَالُوْا اِنَّا مُهْلِكُوْا اَهْلَ هٰذِهِ  
الْقَرْيَةِ اِنَّ اَهْلَهَا كَانُوْا ظٰلِمِيْنَ ﴿٣١﴾ قَالَ اِنَّ فِيْهَا لُوْطًا  
قَالُوْا نَحْنُ اَعْلَمُ بِمَن فِيْهَا لَنُنَجِّيْنَهُ وَاَهْلَهُ اِلاَّ اَمْرًا تَهُ كَانَتْ  
مِنَ الْغٰيْبِيْنَ ﴿٣٢﴾

(Иброҳим): “Ахир, у ерда Лут бор-ку?” – деди. Улар айтдилар: “Биз у жойда ким борлигини билувчи-роқдирмиз. Албатта, бизлар уни (Лутни) ва аҳлини

<sup>1</sup> Худ сураси, 76-оят.

**қутқарурмиз. Илло, унинг хотини** (кофир бўлгани сабабли) **қолувчи** (ҳалок бўлувчи)**лардандир**".<sup>1</sup>

## **Элчи фаришталарнинг Лут алайҳиссаломнинг юртига келишлари ва меҳмон бўлишлари**

Аллоҳ таоло Лут қавмини ҳалок қилиш учун юборган фаришталарига: “Агар Лут уларга қарши тўрт маротаба гувоҳлик келтирса, уларни ҳалок этишингизга амр бердим. Лут уларга қарши тўрт маротаба гувоҳлик бермагунча, уларни ҳалок этмайсиз”, - деди.

Элчи фаришталар Иброҳим алайҳиссалом билан хайрлашиб, Лут алайҳиссаломнинг юртига йўл олдилар. Пешин вақти у ерга етиб бордилар. Садум дарёсига етганларида Лут алайҳиссаломнинг сув олиш учун келган қизини учратдилар. Ундан: “Ҳой, қиз! Меҳмонларга жой борми?” – деб сўрадилар. “Ҳа, бор!” – деди у, - аммо мен келгунча сизлар ичкарига кирмай туринглар.

У бориб отасига: “Отажон! Шаҳар дарвозаси олдида бир неча йигит сизнинг ҳузурингизга кирмоқчи”, - деди. – Мен улардан ҳам кўркавроқ йигитни кўрмаган эдим. Одамлар уларга тажовуз қилиб юришмасин.

Лут қавми Лут алайҳиссаломни эркак меҳмон қабул қилишдан ман этган эди. Шу боис келган меҳмонларни яширинча уйига олиб кирди. Бироқ Лут алайҳиссаломнинг хотини бориб, буни қавмига ошкор қилди: “Лутнинг уйида шу қадар кўркам йигитлар борки, улардан кўркамини кўрмаганман. Улар шу қадар хушбўйдирки, умримда улардан ҳам хўшбўйроғини кўрмаганман”.

Элчи фаришталар Лут алайҳиссаломга: “Бу кеча сенинг меҳмонинг бўлмоқчимиз”, - дедилар.

قَالَ إِنَّكُمْ قَوْمٌ مِّنْكَرُونَ ﴿٦٢﴾

<sup>1</sup> Анкабут сураси, 31-32-оятлар.

У (Лут) деди: “Сизлар нотаниш қавмсиз”.<sup>1</sup>

وَلَمَّا جَاءَتْ رُسُلُنَا لُوطًا سِئَاءَ بِيهِمْ وَضَاقَ بِهِمْ ذَرْعًا وَقَالَ هَذَا يَوْمٌ  
عَصِيبٌ ۝۷۷

Элчиларимиз Лутнинг хузурига келганларида улар сабабли (ҳолати) ёмонлашди ва улар туфайли ташвиш чекди ҳамда “Бу – оғир кун!” – деди.<sup>2</sup>

Лут алайҳиссалом улардан сўради: “Сизлар бу шаҳар халқининг нима билан машғул эканидан хабардормисиз?” “Нима билан машғул улар?” – сўрашди фаришта-лар. Лут алайҳиссалом: “Инсонлар орасида улардан ҳам ёмонроғи йўқдир! Ер юзида энг ёмон ишлар қилинадиган шаҳар мана шу шаҳар эканига гувоҳлик бераман! Қасамки, ер юзида улардан ҳам золимоқ қавм борлигини билмайман!” – деди ва сўзларини тўрт марта такрорлади. Фаришталар Лут алайҳиссалом билан бирга уйга кирдилар.

**Лут алайҳиссаломнинг бошига ташвиш тушди**

وَجَاءَ أَهْلَ الْمَدِينَةِ يَسْتَبْشِرُونَ ۝۶۷

Шаҳар аҳолиси (меҳмонларни эшитиб) хурсанд бўлган ҳолларида келдилар (чунки баччабозлик қилишга одатланган эдилар).<sup>3</sup> Лут алайҳиссаломнинг уйини ҳар томондан ўраб олишди. Лут алайҳиссалом эшикни маҳкамлади. Ташқаридагиларни бу ишларидан қайтиришга ҳаракат қилди. Бироқ қавми ҳаракатларидан тўхтовчи эмасди.

قَالَ إِنَّ هَٰؤُلَاءِ ضَيْفِي فَلَا تَفْضَحُون ۝۶۸ وَأَنْقُوا اللَّهَ وَلَا تُخْرُون ۝۶۹ قَالُوا

<sup>1</sup> Хижр сураси, 62-оят.

<sup>2</sup> Худ сураси, 77-оят.

<sup>3</sup> Хижр сураси, 67-оят.

أَوْلَم تَنْهَكَ عَنِ الْعَالَمِينَ ﴿٧٠﴾ قَالَ هَؤُلَاءِ بَنَاتِي إِنْ كُنْتُمْ فَاعِلِينَ ﴿٧١﴾

(Лут) деди: “Бу (йигит)лар менинг меҳмонларимдир. Мени (улар олдида) шарманда қилмангиз. Аллоҳдан қўрқингиз! Мени (уялтириб) расво қилмангиз!” Айтдилар: “Биз сени барча оламдан (одамлар ҳимоясидан) қайтармаганмидик?!” (Лут) деди: “Агар (алоқа) қилувчи бўлсангиз, ана – қизларим. (Ўшаларни никоҳларингизга олаверингиз!)”<sup>1</sup>

فَاتَّقُوا اللَّهَ وَلَا تَخْزُونِ فِي ضَيْفِي أَلَيْسَ مِنْكُمْ رَجُلٌ رَشِيدٌ ﴿٧٨﴾

Бас, Аллоҳдан қўрқингиз ва меҳмоним олдида мени шарманда қилмангиз! Сизларда бирорта тўғри йўл топган киши йўқми?!<sup>2</sup>

قَالُوا لَقَدْ عَلِمْتَمَا لَنَا فِي بَنَاتِكَ مِنْ حَقٍّ وَإِنَّكَ لَنَعْلَمُ مَا نُرِيدُ ﴿٧٩﴾ قَالَ لَوْ أَنَّنِي بِيكُمْ قُوَّةٌ أَوْ آوَىٰ إِلَىٰ رُكْنٍ شَدِيدٍ ﴿٨٠﴾

(Улар) дедилар: “Бизнинг қизларингга ҳожатимиз йўқлигини биласан ва бизнинг мақсадимиз ҳам сенга маълум”. (Лут) деди: “Қани эди, сизларга қувватим етса ёки кучли бир суянчиққа суяна олсам”.<sup>3</sup>

قَالَ إِنِّي لِعَمَلِكُمْ مِنَ الْقَالِينَ ﴿١٦٨﴾ رَبِّ نَجِّنِي وَأَهْلِي مِمَّا يَعْمَلُونَ ﴿١٦٩﴾

Албатта, мен сизларнинг (бу) ишларингизни ёқтирмайдиганларданман. Эй, Раббим! Менга ва аҳлимга (мўминларга) улар қилаётган иш (касофати) дан нажот бергин!<sup>4</sup>

قَالُوا يَلُوطُ إِنَّا رُسُلُ رَبِّكَ لَنْ يَصِلُوا إِلَيْكَ فَأَسْرِ بِأَهْلِكَ بِقِطْعٍ مِّنْ

<sup>1</sup> Хижр сураси, 68-71-оятлар.

<sup>2</sup> Худ сураси, 78-оят.

<sup>3</sup> Худ сураси, 79-80-оятлар.

<sup>4</sup> Шуаро сураси, 168-169-оятлар.

الَّيْلِ وَلَا يَلْتَفِتْ مِنْكُمْ أَحَدٌ إِلَّا أَمْرًا نَكَتَ إِنَّهُ مُصِيبًا مَّا أَصَابَهُمْ  
 إِنَّ مَوْعِدَهُمُ الصُّبْحُ أَلَيْسَ الصُّبْحُ بِقَرِيبٍ ﴿٨١﴾

(Фаришталар) айтдилар: “Эй, Лут! Биз Раббингнинг элчиларимиз. (Қавминг) сенга сира ета олмаслар (тега олмаслар). Бас, туннинг бир қисмида оилангни олиб кет! Сизлардан бирор киши ортига боқмасин! Хотинингни эса қўявер! Зеро, уларга етган нарса (азоб) унга ҳам етгусидир. Уларга ваъда қилинган вақт бомдод вақтидир. Бомдод яқин эмасми?!”<sup>1</sup> Эшикни оч ва бизни улар билан қолдир.

Лут алайҳиссалом эшикни очганида Садум золимлари ичкарига отилдилар. Элчи фаришталарга ёмонлик қилишга ҳаракат қилдилар. Жаброил алайҳиссалом уларни жазолаш учун Раббидан изн истади. Изн бўлгач, қаноти билан уларнинг юзига уриб, барчасини кўр қилди. Улар дарҳол чекиндилар. “Эй, Лут! Сен бизга сеҳргарларни йўлиқтирдинг. Ҳали тонг отсин!” – дедилар.

Бироқ улар на йўлни кўришар ва на уйларини топа олишарди. Бир-бирларининг устига босиб чиқишар “Кўр бўлдик! Кўр бўлдик!” – деб бақришарди.

### Лут қавмининг ҳалок қилиниши

Лут қавмининг ахлоқсизликлари ва ҳалок қилиниши Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади:

وَقَضَيْنَا إِلَيْهِ ذَلِكَ الْأَمْرَ أَنْ دَاوِرَ هُوَلَاءَ مَقْطُوعٍ مُّصْحِحِينَ ﴿٦٦﴾

Биз унга (Лутга) тонг пайтида ана ўшалар (кофирлар)нинг думи қирқилиши (ҳалок бўлиши) ҳақидаги мана шу фармонни ваҳий қилдик.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Худ сураси, 81-оят.

<sup>2</sup> Ҳижр сураси, 66-оят.

وَلَقَدْ أَنْذَرَهُمْ بَطْشَتَنَا فَتَمَارَوْا بِالنَّذْرِ ﴿٣٦﴾

(Лут) Бизнинг (азобга) тутишимиздан уларни (ўз қавмини) огоҳлантирган эди, (аммо) улар огоҳлантиришларга (ёки элчиларга) шубҳа билан қарадилар.<sup>1</sup>

كَذَّبَتْ قَوْمُ لُوطٍ بِالَّذْرِ ﴿٣٣﴾

Лут қавми (у келтирган) огоҳлантиришларни инкор этди.<sup>2</sup>

لَعَنَّاكَ إِنَّمْ لَفِي سَكْرَتِهِمْ يَعْمَهُونَ ﴿٧٢﴾

(Эй, Муҳаммад) Умрингизга қасамки, улар ўз “мастликларида” гангиб юрар эдилар.<sup>3</sup>

وَلَقَدْ رَاوَدُوهُ عَن ضَيْفِهِ، فَطَمَسْنَا أَعْيُنَهُمْ فَذُوقُوا عَذَابِي وَنُذِرِ ﴿٣٧﴾

Улар ундан (Лутдан) меҳмон(лар)ини нафсни қондиришга ундашни сўрадилар. Бас, Биз уларнинг кўзларини кўр қилиб қўйдик. Бас, Менинг азобимни ва огоҳлантиришларимни тотиб кўрингиз!<sup>4</sup>

فَأَخَذَتْهُمُ الصَّيْحَةُ مُشْرِقِينَ ﴿٧٣﴾ فَجَعَلْنَا عَلَيْهَا سَافِلَهَا وَأَمْطَرْنَا عَلَيْهِمْ حِجَارَةً مِّن سِجِّيلٍ ﴿٧٤﴾ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّلْمُتَوَسِّمِينَ ﴿٧٥﴾ وَإِنَّهَا لِسَبِيلٍ مُّقِيمٍ ﴿٧٦﴾ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِّلْمُؤْمِنِينَ ﴿٧٧﴾

Тонг пайтида (тўсатдан) уларни даҳшатли қичқирик тутди. Бас, Биз у шаҳарни остин-устун қилиб юбордик ва уларнинг устига сополдан (ясалган) тош ёғдирдик. Албатта, бу (ҳодиса)да фаросатли кишилар учун аломатлар бордир. Дарвоқе, у (аҳолиси ҳа-

<sup>1</sup> Қамар сураси, 36-оят.

<sup>2</sup> Қамар сураси, 33-оят.

<sup>3</sup> Хижр сураси, 72-оят.

<sup>4</sup> Қамар сураси, 37-оят.

лок этилган шаҳар) доимий йўл устидадир. Албатта, бунда мўминлар учун аломатлар бордир.<sup>1</sup>

### **Лут алайҳиссалом хотинининг ҳалок бўлиши**

Лут алайҳиссаломнинг хотини кучли қичқириқни эшитиб, “вой, бечора қавмим!” деганида, уни ҳам сопол тош билан ҳалок қилиб севимли қавмига етказди. Лут алайҳиссаломнинг имонсиз хотинининг исми Воҳила эди.

### **Лут алайҳиссалом ва аҳлининг Шом томонга кетиши**

Саҳар вақти Аллоҳ таоло Лут алайҳиссалом ва унинг аҳлини Шом сари йўллади.

### **Лут алайҳиссаломнинг Фаластинда истиқомат қилиши ва вафоти**

Лут алайҳиссалом умрининг охиригача Шом-Фаластин ҳудудида амакиси Иброҳим алайҳиссалом билан бирга яшади. Иброҳим алайҳиссалом Лут алайҳиссаломнинг қизини Мадъан ибн Иброҳимга олиб берди. Аллоҳ таоло уларнинг ҳам наслини баракотлантирди, мадъан халқи улардан пайдо бўлди.

Лут алайҳиссаломнинг қавми ҳалок бўлишидан етти йил ўтиб вафот этгани ривоят қилинади. Лут алайҳиссалом Иброҳим алайҳиссалом ва унинг хотини Сора ҳамда ўғиллари дафн этилган жой яқинидаги Иброҳим алайҳиссаломга тегишли Яқийн деб номланган масжиддан бир фарсаҳ масофадаги бир қишлоққа кўмилди.

Унга ва барча пайғамбарларга саломлар бўлсин!

---

<sup>1</sup> Хижр сураси, 73-77-оятлар.

## ЯЪҚУБ АЛАЙҲИССАЛОМ

### Яъқуб алайҳиссаломнинг насл-насаби ва исмлари

Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим алайҳиссалом. Яъқуб алайҳиссаломнинг онаси Рафоқадир. Яъқуб алайҳиссалом Ойс билан эгизак бўлиб, Ойснинг ўкчасини ушлаган ҳолда туғилгани учун унга Яъқуб исми берилган. Яна Ойс томонидан ўлдирилиши мумкинлигидан қўрқиб, тоғасининг ёнига жўнатилгани ва кундузлари яширишиб, кечаси юргани учун Исроил деган ном берилгани ривоят қилинади.

### Яъқуб алайҳиссаломнинг шакл ва шамоили

Яъқуб алайҳиссалом туксиз танли, озгин, босиқ, виқорли, узун бўйли, чиройли юзли эди. Биродари Ойсдан чиройлироқ сўзлар эди.

### Исҳоқ алайҳиссаломнинг Яъқуб алайҳиссаломга тавсиялари

Исҳоқ алайҳиссалом ўғли Яъқуб алайҳиссаломга: “Аллоҳ таоло сени пайғамбар қилади, сенинг наслингдан пайғамбарлар чиқади, сенда хайр ва баракот ҳосил қилади!” – деди. Унга Канъонийлардан ҳеч бир аёлга уйланмаслигини, Фаддонда яшовчи тоғасининг олдига кетишини, унинг қизларига уйланишини амр этди. Онасининг фикри ҳам шундай эди.

Шундан сўнг Яъқуб алайҳиссалом Фаддонга жўнаб кетди. Йўлда тошларни ёстиқ қилиб тунади. Тушида кўкдан бир нарвон туширилганини, ундан фаришталар эниб келишганини ва ўзининг кўкка чиққанини кўрди.

Аллоҳ таоло унга: “Муҳаққаки, Аллоҳ Менман ва Мендан бошқа илоҳ йўқдир! Аждодингнинг ҳам Илоҳиман! Шубҳасиз, сени ва сенинг зурриёдингни ва сендан

кейингиларни мана шу Арзи муқаддасга ворис қилдим. Китобни, Ҳикматни ва Пайғамбарликни ҳам сизларга насиб қилдим. Яна Мен сен билан биргаман ва ўша маконга етгунингча сени ҳимоя қилурман. У ерда сен ва зурриёдинг Менга ибодат қиладиган бир байт кургинки, у Байтул мақдисдир” – деб ваҳий қилди.

Яъқуб алайҳиссалом аввал тоғасининг катта қизи Лаййога, сўнг кичик қизи Роҳилга уйланди. Лаййодан Рубил, Йаҳуза, Шамъун, Лави исмли ўғиллари туғилди. Роҳилдан эса Юсуф ва Бунямин исмли ўғиллари бўлди.

Тоғаси қизларини Яъқуб алайҳиссаломга узатар экан, уларга биттадан жория ҳадя этган эди. Хотинлари эса у жорияларни ўғил туғишсин деб эрига ҳадя этган эдилар. Уларнинг ҳар биридан учтадан ўғил туғилган эди. Шу тариқа ўн иккита бўлган Яъқуб ўғиллари Исроил ўғиллари, Асбот деб аталарди.

### Яъқуб алайҳиссаломнинг саёҳатлари, пайғамбар бўлиши ва баъзи фазилатлари

Яъқуб алайҳиссалом Ҳарронда йигирма йил яшаб, Канъонга бориши унга амр қилинган, Ўрашалимга (Байтул мақдис) келди. У ердан ер сотиб олиб, ўзига чодир қурди. Саҳрода юксак ва мустаҳкам байт қуриб, уни “Ил” деб номлади. Сўнг отаси Исҳоқ алайҳиссаломнинг Канон вилоятидаги Ҳабрун шаҳрида яшади.

Исҳоқ алайҳиссалом вафот этган, уни отаси Иброҳим алайҳиссаломнинг ғор ичидаги қабри ёнига дафн этди. Яъқуб алайҳиссалом отасининг вафотидан сўнг унинг ўрнига фаолиятини давом эттирди. Яъқуб алайҳиссаломнинг пайғамбарлиги ва фазилатлари ҳақида Куръони каримда шундай марҳамат қилинади:

وَوَهَبْنَا لَهُ إِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ نَافِلَةً ۗ وَلَا جَعَلْنَا صَالِحِينَ

وَجَعَلْنَاهُمْ آيَةً يَهْدُونَ بِأَمْرِنَا وَأَوْحَيْنَا إِلَيْهِمْ فِعْلَ الْخَيْرَاتِ  
وَأِقَامَ الصَّلَاةَ وَإِيتَاءَ الزَّكَاةَ وَكَانُوا لَنَا عَبِيدِينَ ﴿٧٢﴾

“Биз (Иброҳимга) Исҳоқни ҳадя этдик ва Яъқубни ҳам (набира қилиб) қўшиб бердик ҳамда барчаларини солиҳ кишилар қилдик. Яна уларни Бизнинг амри-миз билан (одамларни) ҳидоят этадиган пешволар қилдик ва уларга яхши амаллар қилишни, намозни баркамол адо этишни ва закот беришни ваҳий қилдик. Улар Бизгагина ибодат қилувчи бўлдилар”.<sup>1</sup>

وَوَهَبْنَا لَهُ إِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ وَجَعَلْنَا فِي ذُرِّيَّتِهِ النُّبُوَّةَ وَالْكِتَابَ  
وَأَعْتَيْنَهُ أَجْرَهُ فِي الدُّنْيَا وَإِنَّهُ فِي الْآخِرَةِ لَمِنَ الصَّالِحِينَ ﴿٧٣﴾

Биз унга Исҳоқ ва (набираси) Яъқубни ато этдик ҳамда пайғамбарликни ва (самовий) китоб(лар)ни унинг зурриётига (хос) қилдик ва унга шу дунёда ҳам мукофотини бердик. Албатта, у охиратда ҳам солиҳ зотлардандир.<sup>2</sup>

وَإِنَّهُمْ عِنْدَنَا لَمِنَ الْمُصْطَفَيْنَ الْأَخْيَارِ ﴿٧٤﴾

Яна улар Бизнинг ҳузуримизда танланган, яхши кишилардандир.<sup>3</sup>

### Тобут-и сакинанинг Яъқуб алайҳиссаломга топширилиши

Ривоятга кўра, тобут тароқ тайёрланадиган шамшод (шамшир) дарахтидан ясалган бир сандиқ бўлиб, олтин лавҳалар билан қопланган эди. Умрининг охиригача Одам алайҳиссаломда ва ундан сўнг умрининг охиригача Шиш алайҳиссаломда қолган эди.

<sup>1</sup> Анбиё сураси, 72-73-оятлар.

<sup>2</sup> Анкабут сураси, 27-оят.

<sup>3</sup> Сод сураси, 47-оят.

Тобутга Иброҳим алайҳиссаломга қадар Одам алайҳиссалом ўғиллари ворис бўлиб келишган, Иброҳим алайҳиссалом вафот этгач, тобут ўғли Исмоил алайҳиссаломга, ундан ўғли Кайдарга қолдирилган эди.

Исҳоқ алайҳиссалом ўғиллари Кайдарга: “Пайғамбарлик сизлардан бошқа томонга ўтди. Сизнинг (тобут ичидаги) ягона нурдан (Муҳаммад алайҳиссаломнинг нури) ўзга насибангиз қолмади. Тобутни бизга бер”, - дейишди. Кайдар тобутни уларга беришни истамади ва: “Бу менга отамнинг васияти ва мен уни ҳеч кимга бермасман!” – деди.

Кайдар бир куни тобутни очишга уриниб кўрди. Шунда самодан овоз келди: “Эй, Кайдар! Бу ишингдан воз кеч! У тобутни очишга сенга йўл йўқ! У пайғамбарларга васият қилинган. Уни пайғамбардан ўзгаси оча олмас. Сен уни амакингнинг ўғли, Аллоҳнинг исроили Ёқубга бер!” Шунда Кайдар тобутни елкасига қўйиб, ўша пайтда Яъқуб алайҳиссалом яшайдиган Канъон вилоятига жўнади.

Кайдар яқинлашганда тобутдан овоз чиқа бошлади. Яъқуб алайҳиссалом ўғилларига: “Аллоҳга қасамки, Кайдар тобут кўтариб сизнинг олдингизга келяпти! Ўрнингиздан туриб, уни қарши олинг”, - деди.

Яъқуб алайҳиссалом Кайдарни кўриб, кўзларига ёш олди: “Эй, Кайдар! Нима сабабдан рангинг сўлғин, кучинг ҳам қолмабди? Душман зулмига учрадингми? Ё отанг Исмоилдан сўнг бошингга бирор дард тушдимми?” – деб сўради.

Кайдар айтди: “Мен на зулмга учрадим ва на бошимга бирор дард тушди. Шу елкамдаги Муҳаммад нури менга оғирлик қилди. Шунинг учун юзим сарғайди, оёқларимда куч қолмади”.

Яъқуб алайҳиссалом сўради: “Исҳоқнинг қизларидан никоҳинг остида бирортаси борми?” “Йўқ, - деб жавоб берди Кайдар, - мен Журҳумий араблари оид Амирий-

лардан бир аёлга уйланганман”. Шунда Яъқуб алайҳиссалом айтди: “Қандай ажойиб! Муҳаммад алайҳиссаломнинг шарафи учун Аллоҳ уни ифбатли араб аёлларидан ўзгасидан чиқармас! Эй, Кайдар! Сенга бир хушxabар айтаман. Билки, ўша сенинг никоҳингдаги Амирийлардан бўлган аёл бир ўғил туғди”.

Кайдар сўради: “Эй, амакимнинг ўғли! Ахир сен Шомда бўлсанг, у Ҳарам худудида бўлса, буни қандай билдинг?” “Мен само эшикларининг очилганини кўрдим. Осмон билан ер орасида ой сингари думалоқ бир нур кўрдим. Фаришталарнинг самодан баракот ва раҳмат билан тушганларини кўрдим ва англадимки, булар Муҳаммад алайҳиссалом учундир!”, - деди Яъқуб алайҳиссалом.

Кайдар тобутни амакисининг ўғли Яъқуб алайҳиссаломда қолдириб, уйига қайтди. Етиб келганида ўғли туғилганини билди. Унга Ҳамал деб исм берди.

Яъқуб алайҳиссалом элик йил халқни Аллоҳ таолога тоат-ибодат қилишга чақириш билан машғул бўлгани, Сом ибн Нуҳ алайҳиссаломдан сўнг Масжиди Ақсони янгилаганлар орасида бўлгани ривоят қилинади.

### **Яъқуб алайҳиссаломнинг Юсуф алайҳиссалом сабаб ғамга ботиши**

Яъқуб алайҳиссалом кексайган, заифлашган эди. Қошлари кўзи ва ёноғигача тушарди. Унга бир қўшниси: “Эй, Яъқуб! Бошингга тушган бу ҳол недир? Эрта кексайдинг, ҳолинг ҳам хароб! Сен бу ҳолинг билан отанг ва биродаринг етган ёшга ҳам ета олмассан!” – деди. Яъқуб алайҳиссалом жавоб берди: “Бунинг сабаби вақтнинг узун ва ғамнинг кўп эканидир!” – деди.

Аллоҳ таоло: “Эй, Яъқуб! Сен Менинг ишимдан шикоят қилмоқдамисан?” – деб ваҳий юборгач, Яъқуб алайҳиссалом тавба қилди: “Эй, Раббим! Мен бир хато қилдим! Мени кечир!” “Кечирдим!” – деди Аллоҳ таоло.

Шундан сўнг ундан аҳволини сўраганларга: “Мен дард ва ҳасратимни ёлғиз Аллоҳга шикоят ва арз этарман!” – дейдиган бўлди.

## ЮСУФ АЛАЙҲИССАЛОМ

### Юсуф алайҳиссаломнинг насл-насаби

Юсуф ибн Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим алайҳиссалом. Юсуф алайҳиссаломнинг онаси Роҳил бинти Лабондир.

### Юсуф алайҳиссаломнинг шакл ва шамойили

Юсуф алайҳиссалом оқ танли, чиройли юзли, жингалак сочли, катта кўзли, ингичка бурунли, йўғон оёқли, текис қоринли, юзи холли эди. Юсуф алайҳиссалом аждоди Одам алайҳиссаломга ўхшарди. Унга гўзалликнинг ярми берилган эди.

### Юсуф алайҳиссаломнинг бошига тушган ҳодисалар

Юсуф алайҳиссалом туғилгач, отаси уни ғамхўрлик қилиши учун аммасига топширди. Отаси ҳам, аммаси ҳам Юсуф алайҳиссаломни қаттиқ яхши кўришарди.

Бир куни Яъқуб алайҳиссалом опасига: “Эй, опа! Юсуфни ўзимга қайтар! Ундан бир соат ҳам узоқда бўлишни истамайман, бунга чидай олмайман”, - деди. Опаси ҳам: “Қасамки, мен ҳам уни бир соатга ҳам тарк эта олмайман”, - деб унга рад жавобини берди.

Яъқуб алайҳиссалом ўғлини сўраб туриб олгач, опаси: “У ҳолда яна бир неча кун мен билан қолсин, бу балки менга тасалли бўлар”, - деди. Яъқуб алайҳиссалом унинг ёнидан чиқиб кетгач, Исҳоқ алайҳиссаломнинг бош фарзанди бўлгани сабабли уйида турадиган камарни Юсуф алайҳиссаломнинг белига боғлади. Сўнг:

“Камар йўқолди! Қаранглар, ким олди?” – деди. Оила аъзолари текшириб кўрилганда камар Юсуф алайҳиссаломнинг белидан чиқди. Уларнинг мазҳабига кўра, ўғрини ўғирланган мол эгаси тутар ва ҳеч ким унинг қарорига қарши чиқа олмас эди. Шунда у: “Қасамки, Юсуф хусусида истаганимни қилишим мумкин”, - деди.

Яъқуб алайҳиссалом келганида бўлган воқеани унга айтиб берди. “Агар Юсуф шу ишни қилган бўлса, у сенинг ҳукмингдадир ва менинг қўлимдан ҳеч нарса келмас”, - деди Яъқуб ва Юсуф алайҳиссалом аммаси ўлгунга қадар у билан қолди. Яъқуб алайҳиссалом опасининг вафотидан кейингина ўғлини ёнига олди.

Юсуф алайҳиссалом Яъқуб алайҳиссаломнинг энг суюкли ўғли эди. Юсуф алайҳиссаломнинг онаси Роҳил ҳам хотинлари ичида энг суюклиси эди. Шу сабабли Юсуф алайҳиссаломнинг ўғай ака-укалари уни ёқтирмас эдилар. Юсуф алайҳиссаломнинг ўғай ака-укалари билан бошидан кечирганлари Қуръони каримда батафсил ҳикоя қилинади.

Юсуф алайҳиссалом тушида ўн бир юлдуз, қуёш ва ойнинг ўзига сажда қилганини кўриб, буни отасига сўзлаб берди. Яъқуб алайҳиссалом унга: “Эй, ўғлим! Тушингни акаларингга айтма! Акс ҳолда улар сенга тузоқ қураблар. Чунки шайтон инсоннинг очиқ душманидир!” – деди ва тушининг таъбирини айтди. Яъқуб алайҳиссаломнинг хотини Лаййо уларнинг суҳбатини эшитиб қолди. Шу сабабли Яъқуб алайҳиссалом хотинига: “Юсуфнинг сўзларини сир сақла ва ўғилларингга айтма”, - деб огоҳландирди.

Яъқуб алайҳиссаломнинг ўғиллари ўтлоқдан қайтиб, бояги сирдан воқиф бўлганиларида Юсуфдан қаттиқ жаҳллари чиқди. Оналарига айтдилар: “Қуёш, албатта, отамиздир! Ой эса сизсиз! Юлдузлар бизмиз! Шубҳа йўқки, Роҳилнинг ўғли устимиздан ҳукмрон бўлмоқчи ва бизни ўзининг қулига айлантирмоқчи”. Уларнинг

Юсуф алайҳиссаломга бўлган кинлари алангаланиб кетди. Укалари Юсуфдан қутулиб, оталарининг меҳрини ўзларига қайтаришни мақсад қилдилар.

Улар орасида энг фазилатлиси ва ақллиси бўлган Йаҳуза айтди: “Юсуфни ўлдирманглар, чунки одам ўлдириш буюк ва оғир гуноҳдир! Яхшиси, уни бир қудуққа ташланглар ва у ердан ўтган йўловчи уни олиб кетсин. Шу иш мақбулдир”. У Юсуфни ўлдирмасликлари хусусида уларнинг ваъдасини олди.

Оталарининг олдига бориб укалари Юсуфни ўзлари билан қирга олиб боришлари учун рухсат сўрашни режалаштирганларида Яъқуб алайҳиссаломнинг катта ўғли Рубил айтди: “Отамиз Юсуфни бизга ишонмайди. Шунинг учун бориб Юсуфнинг олдига ўйин ўйнаймиз ва уни қизиқтирамиз. Шунда биз билан боришни ўзи истайди”.

Улар Юсуфнинг кўз олдига кулиб-қувнаб ўйнай бошладилар. Юсуф алайҳиссаломнинг уларга ҳаваси келиб сўради: “Сизлар ўтлоқда доим мана шундай ўйнайсизларми?” Улар: “Эй, Юсуф! Агар сен у ерда қандай ўйнашимизни кўрганингда эди, албатта, биз билан боришни истаган бўлардинг”, - дедилар.

Уни шу қадар қизиқтириб қўйишдики, ўтлоққа олиб боришларини улардан ўзи илтимос қила бошлади. Шунда акалари: “Эй, Юсуф! Сен биз билан бирга ўтлоққа бориб ўйнаб-кулиб келишни истайсанми?” – деб сўрашди. “Ҳа”, - деди Юсуф алайҳиссалом. “У ҳолда сени у ерга олиб боришимизни отамдан ўзинг ишташинг керак”, - дедилар.

Улар оталари Яъқуб алайҳиссаломнинг ҳузурига бориб, унинг олдига тизилиб турдилар. Ундан бирор нарса сўрамоқчи бўлганларида доим шундай қилишарди. Яъқуб алайҳиссалом ўғилларини кўриб: “Нима истайсизлар?” – деб сўради. Улар Юсуф алайҳиссаломни ўзлари билан қирга олиб кетишларига изн беришини сўради-

лар ва уни асрашлари хусусида ваъда бердилар. Яъқуб алайҳиссалом уларнинг ғафлатда қолиб, Юсуф алайҳиссаломни бўрига ем қилишларидан кўрқаётганини айтди. Улар бундай мусибат асло бошларига тушмаслиги ҳақида оталарига сўз беришди.

Яъқуб алайҳиссалом ўша пайтларда бир туш кўрган эди. Тушида тоғ бошида Юсуф алайҳиссаломга ўнта бўрининг тажовуз қилганини, улар орасидан бир бўрининг Юсуфни химоя қилганини ва ер ёрилиб Юсуф алайҳиссалом у ерга кириб кетганини ва уч кунда зўрға у ердан чиқа олганини кўрган эди. Шу боисдан ўғилларига бўри ҳақидаги ташвишларини айтди.

Шунда Юсуф алайҳиссалом отасига: “Отажон! Илтимос, мени улар билан юборинг!” – деди. Яъқуб алайҳиссалом уни акалари билан бирга жўнатишга мажбур бўлди. Акалари Юсуф алайҳиссаломга сохта мулозамат қилиб олиб кетдилар. Ўтлоққа етиб боришганида душманликларини билдириб, уни дўппослай бошладилар. Юсуф алайҳиссалом уларга ёлворди, аммо ҳеч бири унга ачинмади. Уни ўлгудай дўппосладилар. Оталаридан Юсуф учун олган таомларни эса кучукларига едирдилар.

Юсуф алайҳиссалом жудаям чанқаган эди. Уларга: “Мени ўлдиришдан аввал бироз сув беринг”, - деб илтимос қилди. Уларда ачиниш хиссини кўрмагач: “Эй, отажон! Эй, Яъқуб! Жория ўғилларининг сенинг ўғлингга қилган ишини кўрсангиз эди! Эй, отажон! Улар сизнинг аҳдингизни бузишди, васиятингизни зое этишди”, - деб фарёд қилди.

Рубил уни тутиб, ўлдириш учун юзтубан ётқизди. “Эй, Роҳилнинг ўғли! Тушингга айт, сени қутқарсин!” – деди.

Юсуф алайҳиссалом Йаҳузадан ёрдам сўради. Йаҳуза холаваччаси бўлиб, қолганларга нисбатан Юсуфга инсофли, адолатли эди. Йаҳуза уларга айтди: “Сизлар уни ўлдирмаслик ҳақида менга ваъда бермаганмидингиз?! Уни қудуққа ташланглар!”

Юсуф алайҳиссаломни қудуқ томон судраб кетишди. Бу қудуқ Мадйан ва Миср оралиғида, Байтул мақдис ҳудудида, Яъқуб алайҳиссаломнинг уйдан уч фарсах узоқликда жойлашган бўлиб; жуда чуқур, ичи қоп-қоронғу, оғзи тор, суви тузли, хуллас, тушган одам учун ўлим тўшаги эди. Бу қудуқ Шом ибн Нуҳ алайҳиссалом қазган қудуқлардан бири бўлиб, Аҳзан деб номланарди.

Акалари Юсуф алайҳиссаломнинг кўйлагини ечиб олдилар. Юсуф алайҳиссалом: “Кўйлагимни ўзимга қайтаринглар, қудуқ ичи совуқ, яна ким билади у ерда қандай ҳашаротлар бор. Кўйлагим сўнгги манзилимда кафанлик бўлсин!” – деб ёлворди. Шунда акалари унга: “Қуёшни, ойни ва ўн бир юлдузни чақир, улар сенга ёрдам берсин”, - деб, уни масхара қилдилар.

Юсуф алайҳиссаломни қудуқнинг ярмигача арқонда тушириб, сўнг уни ўлдириш мақсадида ташлаб юбордилар. Юсуф алайҳиссалом қудуқнинг ўртасига “шалоп” этиб тушди ва у ерда бир тош устига чиқиб ўтирди. Йиғлади. Акалари тепада туриб уни чақирди. Юсуф алайҳиссалом уларни инсофга келди деб ўйлаб жавоб берди. Шунда акалари тепадан катта ҳарсанг ташладилар. Йаҳуза уларни бу ҳаракатларидан тўхтатди.

Юсуф алайҳиссалом қудуққа ташланганда ўн етти ёшда эди. Акалари дарҳол бир қўзи (улоқ)ни сўйиб, унинг қонини Юсуф алайҳиссаломнинг кўйлагига сурдилар. Қўзи гўштини эса маза қилиб едилар. Кечкурун эса кўзларига сохта ёш олиб, укаларини бўри еб кетганини айтиб, оталарининг олдига келишди. Бу пайтда Яъқуб алайҳиссалом кўчага чиқиб ўғилларининг Юсуф алайҳиссаломни қачон олиб келишларини кутиб турарди.

Ўғилларининг йиғлаб турганини кўриб, бир фалокат бўлганини англади ва қўрқиб кетди. Чунки улар орасида Юсуф алайҳиссалом кўринмасди.

Ўғиллари ёқасини йиртиб йиғладилар ва Юсуфни бўри еб кетганини айтиб, унинг кўйлагини кўрсатди-

лар. Яъқуб алайҳиссалом бу хабарни эшитиб хушидан кетди. Узоқ вақт хушсиз ётди. Хушига келиб кўп йиғлади. Сўнг ўғлининг кўйлагини олиб ҳидлади, ўпди, юз-кўзларига сурди.

Юсуф алайҳиссалом қудуқда уч кун қолиб кетди. Тўртинчи куни Мадйандан Мисрга кетаётган карвон йўлидан адашиб, қудуқ яқинига келиб тўхтадилар. Улар ораларидан Молик ибн Зарр исмли бир арабни сув олиб келиши учун юбордилар.

Молик қудуққа челакни ташлади. Юсуф алайҳиссалом арқонга ёпишди. Молик қудуқ ичидан одам боласи чиқиб келганини кўриб ҳайрон қолди. Сўнг қолганларга қудуқдан бир йигитни топиб олганини айтди.

Йаҳуза яна Юсуф алайҳиссаломга овқат олиб келган эди. Уни қудуқдан топа олмагач, Молик ва унинг дўстлари орасида кўрди, буни ака-укаларига хабар қилди. Улар Моликнинг олдига бордилар. “У бизнинг қулимиз, қочиб кетган эди”, - деб ёлғон гапирдилар. Молик айтди: “У ҳолда мен уни сизлардан сотиб оламан!”

Акалари Юсуф алайҳиссаломни Моликка йигирма ёки йигирма икки ёки қирқ дирҳамга сотдилар. Моликка айтдилар: “Уни олиб кетаётиб маҳкам боғланг, акс ҳолда у қочиб кетади!”

Молик Юсуф алайҳиссаломни туяга миндириб Мисрга олиб кетди. Юсуф алайҳиссалом йўлда онасининг қабрини кўриб, ўзини тутиб тура олмади. Қабрга ўзини отди: “Онажон! Бошингизни тупроқ остида чиқариб ўғлингизга қаранг, унинг сиздан кейин не балолаларга гирифтор бўлганини кўринг! Эй, онажон! Менинг бу аҳволимни кўрганингизда эди! Менинг кийимимни ечиб олишди, қудуққа ташлашди, ўлдирмоқчи бўлишди, сўнг қул қилиб сотиб юборишди!”

Молик бир пайт Юсуфнинг йўқлигини пайқаб қолди. Карвондагилар Юсуф алайҳиссаломни қидира бошлашди ва уни қабр бошидан топишди. Унга: “Эй, йигит! Хў-

жайининг бизга сенинг қочоқ ва ўғри эканингни айтишганида ишонмаган эдик. Бироқ ҳозир кўрмоқдамизки, бу рост экан”, - дедилар. “Йўқ! – деди Юсуф алайҳиссалом, - мен қочоқ ҳам, ўғри ҳам эмасман. Йўлда онамнинг қабрини кўриб, ўзимни тутиб тура олмадим. Қасамки, мен қочган эмасман!”

Молик Юсуф алайҳиссаломнинг юзига тарсаки туширди ва уни дарҳол туяга миндирди. Мисрга етиб боргунча уни боғлаб қўйишди.

Мисрга борганларида Молик уни ювинтиришларини буюрди. Молик уни кийинтириб бозорга олиб чиқди. Миср бозоридагилар Юсуфни қўлга киритиш учун унинг баҳосини орттира бошладилар. Мисрлик Азиз деган киши (у Миср хазинабони эди) уни йигирма динор, бир жуфт оёқ кийим ва иккита оқ кийим эвазига Юсуф алайҳиссаломни сотиб олди.

Уйига олиб бориб, хотини Роилга айтди: “Бу йигит бизнинг ишимизни ўргангунча ёрдамчи бўлади ёки уни ўзимизга ўғил қилиб оламиз”.

Азиз аёллар билан алоқа қилмайдиган киши эди. Хотини эса ҳам чиройли, ҳам давлат ва дунё неъматлари орасида яшарди.

### **Юсуф алайҳиссаломнинг боши яна ташвишда**

Юсуф алайҳиссаломнинг гўзаллиги Роилнинг қалбида унга нисбатан муҳаббат уйғотган эди. Бир куни уни йўлдан уриш учун унинг гўзаллигини таърифлай бошлади:

*Эй, Юсуф! Сочларинг қанчалар гўзал!  
Танамдан илк тўкиладиган аъзо удир!  
Эй, Юсуф! Кўзларинг бунчалар гўзал!  
Танамдан илк ерга оқувчи аъзо удир!  
Эй, Юсуф! Юзинг бунчалан гўзал!  
У тупроқ учун, тупроқ уни ейди!*

Қуръони каримда Юсуф алайҳиссалом

إِذْ قَالَ يُوسُفُ لِأَبِيهِ يَا أَبَتِ إِنِّي رَأَيْتُ أَحَدَ عَشَرَ كَوْكَبًا وَالشَّمْسَ وَالْقَمَرَ  
 رَأَيْتُهُمْ لِي سَاجِدِينَ ﴿٤﴾ قَالَ يَبْنَئِي لَآ نَقُصُّ رُءْيَاكَ عَلَيَّ إِخْوَتِكَ  
 فَبِكَيْدُوا لَكَ كَيْدًا إِنَّ الشَّيْطَانَ لِلْإِنْسَانِ عَدُوٌّ مُّبِينٌ ﴿٥﴾ وَكَذَلِكَ  
 يَجْنِبُكَ رَبُّكَ وَيُعَلِّمُكَ مِن تَأْوِيلِ الْأَحَادِيثِ وَيُتِمُّ نِعْمَتَهُ عَلَيْكَ  
 وَعَلَىٰ آلِ يَعْقُوبَ كَمَا أَتَمَّهَا عَلَىٰ أَبَوَيْكَ مِن قَبْلِ إِبْرَاهِيمَ وَإِسْحَاقَ إِنَّ رَبَّكَ  
 عَلِيمٌ حَكِيمٌ ﴿٦﴾ لَقَدْ كَانَ فِي يُوسُفَ وَإِخْوَتِهِ آيَاتٌ لِّلسَّالِفِينَ ﴿٧﴾  
 إِذْ قَالُوا لِيُوسُفُ وَأَخُوهُ أَحَبُّ إِلَيْنَا مِمَّا نَحْنُ غَضَبَةٌ إِنَّ أَبَانَا  
 لَفِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ ﴿٨﴾ اقْتُلُوا يُوسُفَ أَوْ اطْرَحُوهُ أَرْضًا يَخْلُ لَكُمْ وَجْهُ  
 أَيُّكُمْ وَتَكُونُوا مِن بَعْدِهِ قَوْمًا صَالِحِينَ ﴿٩﴾ قَالَ قَائِلٌ مِّنْهُمْ لَا تَقْتُلُوا  
 يُوسُفَ وَالْقَوْهَ فِي غَيْبَتِ الْجَبِّ يَلْقَظُهُ بَعْضُ السَّيَّارَةِ إِنْ كُنْتُمْ  
 فَاعِلِينَ ﴿١٠﴾ قَالُوا يَا أَبَانَا مَا لَكَ لَا تَأْمَنَّا عَلَىٰ يُوسُفَ وَإِنَّا لَهُ لَنَصْحُونَ  
 ﴿١١﴾ أَرْسَلَهُ مَعَنَا غَدًا يَرْتَعُ وَيَلْعَبُ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ ﴿١٢﴾ قَالَ  
 إِنِّي لَيَحْزُنُنِي أَنَّ تَذْهَبُوا بِهِ وَأَخَافُ أَن يَأْكُلَهُ الذِّئْبُ وَأَنْتُمْ عَنْهُ  
 غَافِلُونَ ﴿١٣﴾ قَالُوا لَيْنَ أَكَلَهُ الذِّئْبُ وَنَحْنُ عُصْبَةٌ إِنَّا إِذًا  
 لَّخَاسِرُونَ ﴿١٤﴾ فَلَمَّا ذَهَبُوا بِهِ وَاجْمَعُوا أَن يَجْعَلُوهُ فِي غَيْبَتِ الْجَبِّ  
 وَأَوْحَيْنَا إِلَيْهِ لَتُنَبِّئَنَّهُ بِأَمْرِهِمْ هَذَا وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ ﴿١٥﴾ وَجَاءَ وَ  
 أَبَاهُمْ عِشَاءً يَبْكُونَ ﴿١٦﴾ قَالُوا يَا أَبَانَا إِنَّا ذَهَبْنَا نَسْتَبِقُ وَتَرَكْنَا  
 يُوسُفَ عِنْدَ مَتَاعِنَا فَأَكَلَهُ الذِّئْبُ وَمَا أَنْتَ بِمُؤْمِنٍ لَّنَا وَلَوْ

كُنَّا صَادِقِينَ ﴿١٧﴾ وَجَاءُوا عَلَى قَمِيصِهِ بِدَمٍ كَذِبٍ قَالَ بَلْ سَوَّلَتْ  
 لَكُمْ أَنْفُسُكُمْ أَمْرًا فَصَبْرٌ جَمِيلٌ وَاللَّهُ الْمُسْتَعَانُ عَلَى مَا تَصِفُونَ ﴿١٨﴾  
 وَجَاءَتْ سَيَّارَةٌ فَأَرْسَلُوا وَارِدَهُمْ فَأَدْلَى دَلْوَهُ قَالَ يَبُشْرَى هَذَا غُلْمٌ  
 وَأَسْرُوهُ بَضْعَةً وَاللَّهُ عَلِيمٌ بِمَا يَعْمَلُونَ ﴿١٩﴾ وَشَرَّوهُ بِشَبِّ  
 بَخْسِ دَرَاهِمٍ مَعْدُودَةٍ وَكَانُوا فِيهِ مِنَ الزَّاهِدِينَ ﴿٢٠﴾ وَقَالَ الَّذِي  
 اشْتَرَاهُ مِنْ مِصْرَ لِأَمْرَأَتِهِ أَكْرِمِي مَثْوَاهُ عَسَى أَنْ يَنْفَعَنَا أَوْ  
 نَنْجُوهُ وَلَدًا وَكَذَلِكَ مَكَّنَّا لِيُوسُفَ فِي الْأَرْضِ وَلِنُعَلِّمَهُ مِنْ  
 تَأْوِيلِ الْأَحَادِيثِ وَاللَّهُ غَالِبٌ عَلَى أَمْرِهِ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا  
 يَعْلَمُونَ ﴿٢١﴾ وَلَمَّا بَلَغَ أَشُدَّهُ آتَيْنَاهُ حُكْمًا وَعِلْمًا وَكَذَلِكَ نَجْزِي  
 الْمُحْسِنِينَ ﴿٢٢﴾ وَرَزَوْدَتُهُ الَّتِي هُوَ فِي بَيْتِهَا عَنْ نَفْسِهِ وَعَلَّقَتْ  
 الْأَبْوَابَ وَقَالَتْ هَيْتَ لَكَ قَالَ مَعَاذَ اللَّهِ إِنَّهُ رَبِّي أَحْسَنَ مَثْوَايَ  
 إِنَّهُ لَا يُفْلِحُ الظَّالِمُونَ ﴿٢٣﴾ وَلَقَدْ هَمَّتْ بِهِ وَهَمَّ بِهَا لَوْلَا أَنْ  
 رَأَى بُرْهَانَ رَبِّهِ كَذَلِكَ لِنَصْرِفَ عَنْهُ السُّوءَ وَالْفَحْشَاءَ إِنَّهُ مِنْ  
 عِبَادِنَا الْمُتْلِحِينَ ﴿٢٤﴾ وَأَسْتَبَقَا الْبَابَ وَقَدَّتْ قَمِيصَهُ مِنْ دُبُرٍ  
 وَأَلْفَيَْا سَيِّدَهَا لَدَا الْبَابِ قَالَتْ مَا جَزَاءُ مَنْ أَرَادَ بِأَهْلِكَ سُوءًا إِلَّا  
 أَنْ يُسْجَنَ أَوْ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٢٥﴾ قَالَ هِيَ رَزَوْدَتِي عَنْ نَفْسِي وَشَهِدَ  
 شَاهِدٌ مِنْ أَهْلِهَا إِنْ كَانَتْ قَمِيصُهُ قَدْ مِنْ قَبْلِ فَصَدَقَتْ وَهُوَ  
 مِنَ الْكَذِبِينَ ﴿٢٦﴾ وَإِنْ كَانَ قَمِيصُهُ قَدْ مِنْ دُبُرٍ فَكَذَبَتْ وَهُوَ مِنَ  
 الصَّادِقِينَ ﴿٢٧﴾ فَلَمَّا رَأَى قَمِيصَهُ قَدْ مِنْ دُبُرٍ قَالَ إِنَّهُ مِنْ كَيْدِكُنَّ  
 إِنَّ كَيْدَكُنَّ عَظِيمٌ ﴿٢٨﴾ يُوسُفُ أَعْرَضَ عَنْ هَذَا وَاسْتَغْفِرَ لِذَنْبِكُمْ

إِنَّكَ كُنْتَ مِنَ الْخَاطِئِينَ ﴿٢٩﴾ وَقَالَ نِسْوَةٌ فِي الْمَدِينَةِ امْرَأَتُ  
 الْعَزِيزِ تُرَاوِدُ فَتَاهَا عَنْ نَفْسِهِ قَدْ شَغَفَهَا حُبًّا إِنَّا لَنَرُنَّهَا فِي ضَلَالٍ  
 مُّبِينٍ ﴿٣٠﴾ فَلَمَّا سَمِعَتْ بِمَكْرِهِنَّ أَرْسَلَتْ إِلَيْهِنَّ وَأَعْتَدَتْ لَهُنَّ مُتَّكًا وَآتَتْ  
 كُلَّ وَاحِدَةٍ مِّنْهُنَّ سِكِّينًا وَقَالَتِ أَخْرِجْ عَلَيَّيْنِ فَلَمَّا رَأَيْنَهُ أَكْبَرْنَهُ وَقَطَّعْنَ  
 أَيْدِيَهُنَّ وَقُلْنَ حَاشَ لِلَّهِ مَا هَذَا بَشَرًا إِنْ هَذَا إِلَّا مَلَكٌ كَرِيمٌ ﴿٣١﴾ قَالَتْ  
 فَذَلِكُنَّ الَّذِي لُمْتُنَّنِي فِيهِ وَلَقَدْ رَاودْنَهُ عَنْ نَفْسِهِ فَاسْتَعْصَمَ وَلَئِن لَّمْ  
 يَفْعَلْ مَا ءَامُرُهُ لَيَسْجَنَنَّ وَلَيَكُونَا مِنَ الصَّاغِرِينَ ﴿٣٢﴾ قَالَ رَبِّ السِّجْنُ  
 أَحَبُّ إِلَيَّ مِمَّا يَدْعُونَنِي إِلَيْهِ وَإِلَّا تَصْرِفْ عَنِّي كَيْدَهُنَّ أَصْبُ إِلَيْهِنَّ  
 وَأَكُنَّ مِنَ الْجَاهِلِينَ ﴿٣٣﴾ فَاسْتَجَابَ لَهُ رَبُّهُ فَصَرَفَ عَنْهُ كَيْدَهُنَّ إِنَّهُ هُوَ  
 السَّمِيعُ الْعَلِيمُ ﴿٣٤﴾ ثُمَّ بَدَأَ لَهُمْ مِن بَعْدِ مَا رَأَوُا الْآيَاتِ لَيْسَجَنَّهُ  
 حَتَّىٰ جِئَ ﴿٣٥﴾ وَدَخَلَ مَعَهُ السِّجْنَ فَتَيَانٍ قَالَ أَحَدُهُمَا إِنِّي أَرَانِي  
 أَعْصِرُ خَمْرًا وَقَالَ الْآخَرُ إِنِّي أَرَانِي أُحْمَلُ فَوْقَ رَأْسِي خُبْرًا تَأْكُلُ  
 الطَّيْرُ مِنْهُ نَبِثًا يَتَّوِيلُ إِنَّا نَرَاكَ مِنَ الْمُحْسِنِينَ ﴿٣٦﴾ قَالَ لَا  
 يَأْتِيكُمَا طَعَامٌ تُزْرَقَانِهِ إِلَّا نَبَّأْتُكُمَا بِتَأْوِيلِهِ قَبْلَ أَنْ يَأْتِيَكُمَا ذَلِكَمَا  
 مِمَّا عَلَّمَنِي رَبِّي إِنِّي تَرَكْتُ مِلَّةَ قَوْمٍ لَا يُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَهُمْ بِالْآخِرَةِ  
 هُمْ كَافِرُونَ ﴿٣٧﴾ وَاتَّبَعْتُ مِلَّةَ آبَائِي إِبْرَاهِيمَ وَإِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ  
 مَا كَانَ لَنَا أَنْ نُشْرِكَ بِاللَّهِ مِنْ شَيْءٍ ذَلِكَ مِنْ فَضْلِ اللَّهِ عَلَيْنَا وَعَلَى  
 النَّاسِ وَلَئِنْ أَكْثَرَ النَّاسُ لَا يَشْكُرُونَ ﴿٣٨﴾ يَصْحِيحُ السِّجْنَ  
 عَازِبَاتٌ مَّتَفَرِّقُونَ خَيْرٌ أَمِ اللَّهُ الْوَّاحِدُ الْقَهَّارُ ﴿٣٩﴾ مَا تَعْبُدُونَ  
 مِنْ دُونِهِ إِلَّا أَسْمَاءَ سَمَّيْتُمُوهَا أَنْتُمْ وَءَابَاؤُكُمْ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ

بِهَا مِنْ سُلْطَنٍ إِنْ الْحُكْمُ إِلَّا لِلَّهِ أَمَرَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ ذَلِكَ الَّذِينَ  
 الْفَتِيمُ وَلَكِنْ أَكْثَرُ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٤٠﴾ يَصَدِّحِي السَّجْنَ  
 أَمَا أَحَدُكُمَا فَيَسْقِي رَبَّهُ خَمْرًا وَأَمَّا الْآخَرُ فَيُصَلِّبُ فَتَأْكُلُ  
 الطَّيْرُ مِنْ رَأْسِهِ قُضِيَ الْأَمْرُ الَّذِي فِيهِ تَسْتَفْتِيَانِ ﴿٤١﴾ وَقَالَ لِلَّذِي  
 ظَنَّ أَنَّهُ نَاجٍ مِّنْهُمَا أَذْكَرَني عِنْدَ رَبِّكَ فَآنَسَ الشَّيْطَانُ  
 ذَكَرَ رَبِّهِ فَلَيْثَ فِي السَّجَنِ بَضَعَ سِنِينَ ﴿٤٢﴾ وَقَالَ الْمَلِكُ إِنِّي  
 أَرَى سَبْعَ بَقَرَاتٍ سِمَانٍ يَأْكُلُهُنَّ سَبْعٌ عِجَافٌ وَسَبْعَ سُنبُلَاتٍ  
 خُضِرٍ وَأُخْرَى يَأْسَتِ بَنَاتُهُنَّ الْمَلَأُ أَفْتُونِي فِي رُءْيَايَ إِنْ كُنْتُمْ لِلرُّءْيَا  
 تَعْبُرُونَ ﴿٤٣﴾ قَالُوا أَضْغَثَ أَحْلَمٌ وَمَا نَحْنُ بِتَأْوِيلِ الْأَحْلَمِ بِعَالِمِينَ  
 ﴿٤٤﴾ وَقَالَ الَّذِي نَجَا مِنْهُمَا وَادَّكَرَ بَعْدَ أُمَّةٍ أَنَا أُنَبِّئُكُمْ بِتَأْوِيلِهِ  
 فَأَرْسِلُونِ ﴿٤٥﴾ يُوسُفُ أَيُّهَا الصِّدِّيقُ أَفْتِنَا فِي سَبْعِ بَقَرَاتٍ سِمَانٍ  
 يَأْكُلُهُنَّ سَبْعٌ عِجَافٌ وَسَبْعِ سُنبُلَاتٍ خُضِرٍ وَأُخْرَى يَأْسَتِ لَعَلِّي  
 أَرْجِعُ إِلَى النَّاسِ لَعَلَّهُمْ يَعْلَمُونَ ﴿٤٦﴾ قَالَ تَزْرَعُونَ سَبْعَ سِنِينَ دَأَبًا فَمَا  
 حَصَدْتُمْ فَذَرُّوهُ فِي سُنبُلِهِ إِلَّا قَلِيلًا مِّمَّا تَأْكُلُونَ ﴿٤٧﴾ ثُمَّ يَأْتِي مِنْ بَعْدِ  
 ذَلِكَ سَبْعٌ شِدَادٌ يَأْكُلْنَ مَا قَدَّمْتُمْ لَهُنَّ إِلَّا قَلِيلًا مِّمَّا تُحْصِنُونَ ﴿٤٨﴾ ثُمَّ يَأْتِي  
 مِنْ بَعْدِ ذَلِكَ عَامٌ فِيهِ يُغَاثُ النَّاسُ وَفِيهِ يَعْصُرُونَ ﴿٤٩﴾ وَقَالَ الْمَلِكُ أَتَنْوِي  
 بِهِ فَلَمَّا جَاءَهُ الرَّسُولُ قَالَ أَرْجِعْ إِلَى رَبِّكَ فَسْأَلْهُ مَا بَالُ النَّسِوَةِ  
 الَّتِي قَطَعْنَ أَيْدِيَهُنَّ إِنَّ رَبِّي بِكَيْدِهِنَّ عَلِيمٌ ﴿٥٠﴾ قَالَ مَا خَطْبُكُمْ إِذْ  
 رَاوَدْتُنَّ يُوسُفَ عَنِ نَفْسِهِ قُلْنَ حَاشَ لِلَّهِ مَا عَلِمْنَا عَلَيْهِ مِنْ سُوءٍ  
 قَالَتِ امْرَأَتُ الْعَزِيزِ الْقَنْ حَصَّصَ الْحَقُّ أَنَا رَاوَدْتُهُ عَنْ نَفْسِهِ وَإِنَّهُ

لَمِنَ الصّٰدِقِيْنَ ﴿٥١﴾ ذٰلِكَ لِيَعْلَمَ اَنِيْ لَمْ اُخْنَهُ بِالْغَيْبِ وَاَنَّ اللّٰهَ لَا يَهْدِيْ  
 كَيْدَ الْخٰٓئِبِيْنَ ﴿٥٢﴾ وَمَا اُبْرِيْٓ نَفْسِيْۙ اِنَّ النَّفْسَ لَآمٰرَةٌۢ بِالسُّوْءِ اِلَّا مَا  
 رَحِمَ رَبِّيْۗ اِنَّ رَبِّيْ غَفُوْرٌ رَّحِيْمٌ ﴿٥٣﴾ وَقَالَ الْمَلِكُ اَتْنُوْنِيْ بِهٖۙ اَسْتَخْلِضْهُ  
 لِنَفْسِيْۗ فَلَمَّا كَلَّمَهُۥ قَالَ اِنَّكَ الْيَوْمَ لَدَيْنَا مَكِيْنٌ اٰمِيْنٌ ﴿٥٤﴾ قَالَ اَجْعَلْنِيْ  
 عَلٰى خَزَايِنِ الْاَرْضِۗ اِنِّيْ حٰفِيْظٌ عَلِيْمٌ ﴿٥٥﴾ وَكَذٰلِكَ مَكَّنَّا لِيُوْسُفَ فِى  
 الْاَرْضِۗ يَتَّبِعُوْا مِنْهَا حَيْثُ يَشَآءُۗ نُصِيبُ بِرَحْمَتِنَا مَنۢ نَّشَآءُ وَلَا نُضِيعُ  
 اَجْرَ الْمُحْسِنِيْنَ ﴿٥٦﴾ وَلَا جُرْ اٰلَاخِرَةَ خَيْرٌ لِّلَّذِيْنَ ءَامَنُوْا وَاكٰنُوْا يَتَّقُوْنَ  
 ﴿٥٧﴾ وَجَآءَ اِخْوَتُهٗ يُوْسُفَ فَدَخَلُوْا عَلَيْهِ فَعَرَفَهُمْ وَهُمْ لَهُ مُنْكَرُوْنَ  
 ﴿٥٨﴾ وَلَمَّا جَهَّزَهُمْ بِجَهٰزِهِمْ قَالَ اَتْنُوْنِيْ بِاٰخِ لَكُمْ مِّنۢ مِّنۡ اَيِّكُمْ الْاٰتْرُوْنَ  
 اِنِّيْ اُوفِيْ الْكَيْلَ وَاَنَا خَيْرُ الْمُنْزِلِيْنَ ﴿٥٩﴾ فَاِنْ لَّمْ تَاْتُوْنِيْ بِهٖۙ فَلَا كَيْلَ  
 لَكُمْ عِنْدِيْ وَلَا تَقْرَبُوْنِ ﴿٦٠﴾ قَالُوْا سَتَرُوْدُ عَنْهُ اَبَآءُ وَاِنَّا لَفٰعِلُوْنَ  
 ﴿٦١﴾ وَقَالَ لِفَتْيٰنِهٖۙ اَجْعَلُوْا بِضْعَتَهُمْ فِى رِحٰلِهِمْ لَعَلَّهَمْ يَعْرِفُوْنَهَا اِذَا  
 اُنْقَلِبُوْا اِلَىْ اَهْلِيْهِمْ لَعَلَّهَمْ يَرْجِعُوْنَ ﴿٦٢﴾ فَلَمَّا رَجَعُوْا اِلَىْ اٰبِيْهِمْ  
 قَالُوْا يٰٓاَبَانَا مُنِعَ مِنَّا الْكَيْلُ فَاَرْسِلْ مَعَنَا اٰخَانَ نَكْتَلُ وَاِنَّا  
 لَهُ لَحٰفِظُوْنَ ﴿٦٣﴾ قَالَ هَلْ ءَامَنُكُمْ عَلَيْهِ اِلَّا كَمَا ءَامَنُكُمْ عَلٰى  
 اٰخِيْهِ مِنْ قَبْلُۗ فَاَللّٰهُ خَيْرٌ حٰفِظًاۗ وَهُوَ اَرْحَمُ الرَّحِيْمِيْنَ ﴿٦٤﴾ وَلَمَّا فَتَحُوا  
 مَتْنَعَهُمْ وَجَدُوْا بِضْعَتَهُمْ رُدَّتْ اِلَيْهِمْۗ قَالُوْا يٰٓاَبَانَا مَا نَبْغِيْ  
 هٰذِهٖۙ بِضْعَتُنَا رُدَّتْ اِلَيْنَا وَاِنَّا لَنَرٰهَا وَاِنَّا لَنَزِدَادُ كَيْلَ  
 بَعِيْرٍۗ ذٰلِكَ كَيْلٌ يَّبْسِيْرٌ ﴿٦٥﴾ قَالَ لَنْ اُرْسِلَهُۥ مَعَكُمْ حَتّٰى تُؤْتُوْنِيْ  
 مَوْثِقًا مِّنَ اللّٰهِ لَتَاْتِنِيْ بِهٖۙ اِلَّا اَنْ يُحَاطَ بِكُمْۗ فَلَمَّا ءَاتَوْهُ مَوْثِقَهُمْ

قَالَ اللَّهُ عَلَى مَا نَقُولُ وَكِيلٌ ﴿٦٦﴾ وَقَالَ يَبْنَئِي لَا تَدْخُلُوا مِن بَابِ وَجِدٍ  
 وَادْخُلُوا مِن أَبْوَابٍ مُّتَفَرِّقَةٍ وَمَا أُغْنِي عَنْكُمْ مِنَ اللَّهِ مِن شَيْءٍ إِنِ  
 الْحُكْمُ إِلَّا لِلَّهِ عَلَيْهِ تَوَكَّلْتُ وَعَلَيْهِ فَلْيَتَوَكَّلِ الْمُتَوَكِّلُونَ ﴿٦٧﴾ وَلَمَّا  
 دَخَلُوا مِنْ حَيْثُ أَمَرَهُمْ أَبُوهُمْ مَا كَانَ يُغْنِي عَنْهُمْ مِنَ اللَّهِ مِن  
 شَيْءٍ إِلَّا حَاجَةٌ فِي نَفْسِ يَعْقُوبَ قَضَنَهَا وَإِنَّهُ لَذُو عِلْمٍ لِّمَا عَلَّمْتَهُ  
 وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ ﴿٦٨﴾ وَلَمَّا دَخَلُوا عَلَى يُوسُفَ  
 ءَأْوَىٰ إِلَيْهِ أَخَاهُ قَالَ إِنِّي أَنَا أَخُوكَ فَلَا تَبْتَئِسْ بِمَا كَانُوا  
 يَعْمَلُونَ ﴿٦٩﴾ فَلَمَّا جَهَّزَهُم بِجَهَّازِهِمْ جَعَلَ السَّقَايَةَ فِي رِجْلِ  
 أُخِيهِ ثُمَّ أَدْنَىٰ مُؤَدِّيَ أَيَّتْهَا الْعِيرُ إِنَّكُمْ لَسَارِقُونَ ﴿٧٠﴾ قَالُوا  
 وَعَقِبُوا عَلَيْهِمْ مَاذَا تَفْقَدُونَ ﴿٧١﴾ قَالُوا نَفَقْدُ صُوعَ الْمَلِكِ وَلِمَن  
 جَاءَ بِهِ حِمْلُ بَعِيرٍ وَأَنَا بِهِ زَعِيمٌ ﴿٧٢﴾ قَالُوا تَاللَّهِ لَقَدْ عَلِمْتُمْ مَا  
 جِئْنَا لِنُفْسِدَ فِي الْأَرْضِ وَمَا كُنَّا سَارِقِينَ ﴿٧٣﴾ قَالُوا فَمَا جَزَاؤُهُ  
 إِن كُنتُمْ كَاذِبِينَ ﴿٧٤﴾ قَالُوا جَزَاؤُهُ مَن وُجِدَ فِي رَحْلِهِ فَهُوَ جَزَاؤُهُ  
 كَذَلِكَ نَجْزِي الظَّالِمِينَ ﴿٧٥﴾ فَبَدَأَ بِأَوْعِيَّتِهِمْ قَبْلَ وِعَاءِ أُخِيهِ  
 ثُمَّ اسْتَخْرَجَهَا مِنْ وِعَاءِ أُخِيهِ كَذَلِكَ كِدْنَا لِيُوسُفَ مَا كَانَ  
 لِيَأْخُذَ أَخَاهُ فِي دِينِ الْمَلِكِ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ اللَّهُ نَرْفَعُ دَرَجَاتٍ مَّن  
 نَّشَاءُ وَفَوْقَ كُلِّ ذِي عِلْمٍ عَلِيمٌ ﴿٧٦﴾ قَالُوا إِن يَسْرِقْ فَقَدْ  
 سَرَقَ أَخٌ لَهُ مِنْ قَبْلُ فَأَسْرَهَا يُوسُفُ فِي نَفْسِهِ وَلَمْ يُبْدِهَا  
 لَهُمْ قَالَ أَنْتُمْ شَرٌّ مَّكَانًا وَاللَّهُ أَعْلَمُ بِمَا تَصِفُونَ ﴿٧٧﴾  
 قَالُوا يَا أَيُّهَا الْعَزِيزُ إِنَّ لَهُ أَبًا شَيْخًا كَبِيرًا فَخُذْ أَحَدَنَا مَكَانَهُ

إِنَّا نَرْنَكَ مِنَ الْمُحْسِنِينَ ﴿٧٨﴾ قَالَ مَعَاذَ اللَّهِ أَنْ نَأْخُذَ إِلَّا مَنْ  
 وَجَدْنَا مَتَّعَنَا عِنْدَهُ إِنَّا إِذَا لَطَلِمُوا ﴿٧٩﴾ فَلَمَّا اسْتَيْسُوا مِنْهُ  
 خَلَصُوا نَجِيًّا قَالَ كَبِيرُهُمْ أَلَمْ تَعْلَمُوا أَنَّ أَبَاكُمْ قَدْ أَخَذَ  
 عَلَيْكُمْ مَوْثِقًا مِنَ اللَّهِ وَمِنْ قَبْلُ مَا فَرَّطْتُمْ فِي يُوسُفَ فَلَنْ أَبْرَحَ  
 الْأَرْضَ حَتَّى يَأْذَنَ لِي أَبِي أَوْ يَحْكُمَ اللَّهُ لِي وَهُوَ خَيْرُ الْحَاكِمِينَ ﴿٨٠﴾  
 أَرْجِعُوا إِلَىٰ آبَائِكُمْ فَقُولُوا يَا أَبَانَا إِنَّكَ سَرَقْتَ وَمَا شَهِدْنَا  
 إِلَّا بِمَا عَلَّمْنَا وَمَا كُنَّا لِلْغَيْبِ حَافِظِينَ ﴿٨١﴾ وَسَأَلَ الْقَرِيَّةَ  
 الَّتِي كُنَّا فِيهَا وَالْعَيْرَ الَّتِي أَقْبَلْنَا فِيهَا وَإِنَّا لَصَادِقُونَ ﴿٨٢﴾ قَالَ  
 بَلْ سَوَّلَتْ لَكُمْ أَنْفُسُكُمْ أَمْرًا فَصَبْرٌ جَمِيلٌ عَسَى اللَّهُ أَنْ يَأْتِيَنِي  
 بِهِمْ جَمِيعًا إِنَّهُ هُوَ الْعَلِيمُ الْحَكِيمُ ﴿٨٣﴾ وَتَوَلَّى عَنْهُمْ وَقَالَ  
 يَا سَفْهُىَ عَلَىٰ يُوسُفَ وَأَبْضَتِ عَيْنَاهُ مِنَ الْحُزْنِ فَهُوَ كَظِيمٌ ﴿٨٤﴾  
 قَالُوا تَاللَّهِ تَفْتُوا تَذَكَّرُ يُوسُفَ حَتَّى تَكُونَ حَرَضًا أَوْ تَكُونَ  
 مِنَ الْهَالِكِينَ ﴿٨٥﴾ قَالَ إِنَّمَا أَشْكُوا بَثِّي وَحُزْنِي إِلَى اللَّهِ  
 وَأَعْلَمُ مِنَ اللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٨٦﴾ يَبْنِي أَذْهَبُوا فَتَحَسَّوْا  
 مِنْ يُوسُفَ وَأَخِيهِ وَلَا تَأْتِسُوا مِنْ زَوْجِ اللَّهِ إِنَّهُ لَا يَأْتِسُ مِنْ زَوْجِ  
 اللَّهِ إِلَّا الْقَوْمُ الْكَافِرُونَ ﴿٨٧﴾ فَلَمَّا دَخَلُوا عَلَيْهِ قَالُوا يَا أَيُّهَا الْعَزِيزُ  
 مَسْنَا وَأَهْلْنَا الضَّرُّ وَجِئْنَا بِضِغَعَةٍ مُرْجَلَةٍ فَأَوْفِ لَنَا الْكَيْلَ وَتَصَدَّقْ  
 عَلَيْنَا إِنَّ اللَّهَ يَجْزِي الْمُتَصَدِّقِينَ ﴿٨٨﴾ قَالَ هَلْ عَلِمْتُمْ مَا فَعَلْتُمْ  
 بِيُوسُفَ وَأَخِيهِ إِذْ أَنْتُمْ جَاهِلُونَ ﴿٨٩﴾ قَالُوا أَإِنَّكَ لَأَنْتَ  
 يُوسُفُ قَالَ أَنَا يُوسُفُ وَهَذَا أَخِي قَدْ مَنَّ اللَّهُ عَلَيْنَا إِنَّهُ

⑩ مَنْ يَتَّقِ وَيَصْبِرْ فَإِنَّ اللَّهَ لَا يُضِيعُ أَجْرَ الْمُحْسِنِينَ  
 قَالُوا تَاللَّهِ لَقَدْ ءَاثَرَكَ اللَّهُ عَلَيْنَا وَإِنْ كُنَّا لَخَطِئِينَ  
 ⑪ قَالَ لَا تَثْرِبَ عَلَيْكُمْ أَيُّومٌ يَغْفِرُ اللَّهُ لَكُمْ وَهُوَ أَرْحَمُ  
 الرَّاحِمِينَ ⑫ أَذْهَبُوا بِقِمِيمِي هَذَا فَأَلْقُوهُ عَلَى وَجْهِ أَبِي  
 يَأْتِ بَصِيرًا وَأْتَوْهُ بِأَهْلِكُمْ أَجْمَعِينَ ⑬ وَلَمَّا فَصَلَتِ  
 الْعِيرُ قَالَ أَبُوهُمْ إِنِّي لَأَجِدُ رِيحَ يُوسُفَ لَوْلَا أَنْ تُقِنْدُونِ  
 ⑭ قَالُوا تَاللَّهِ إِنَّكَ لَفِي ضَلَالِكَ الْقَدِيمِ ⑮ فَلَمَّا أَنْ جَاءَ  
 الْبَشِيرُ أَلْفَنَهُ عَلَى وَجْهِهِ فَارْتَدَّ بَصِيرًا قَالَ أَلَمْ أَقُلْ لَكُمْ إِنِّي  
 أَعْلَمُ مِنَ اللَّهِ مَا لَا تَعْلَمُونَ ⑯ قَالُوا يَا بَانَا أَسْتَغْفِرُ لَنَا ذُنُوبَنَا إِنَّا  
 كُنَّا خَاطِئِينَ ⑰ قَالَ سَوْفَ أَسْتَغْفِرُ لَكُمْ رَبِّي إِنَّهُ هُوَ الْغَفُورُ  
 الرَّحِيمُ ⑱

Эсланг, Юсуф (ўз) отаси (Яъқуб)га деди: “Эй, ота-  
 жон! Мен (тушимда) ўн битта юлдуз, куёш ва ойнинг  
 менга сажда қилган ҳолларида кўрдим”. (Отаси) ай-  
 тди: “Эй, ўғилчам! Тушингни биродарларингга сўз-  
 лаб бермагин! Акс ҳолда сенга қаттиқ макр қили-  
 шади. Зеро, шайтон инсонга аниқ душмандир. Шу  
 (тушингда кўрганинг) каби Раббинг сени танлаб ола-  
 ди, сенга гаплар (тушлар ёки илоҳий китоблар) маз-  
 мунини ўргатади ва икки боболаринг – Иброҳим ва  
 Исҳоққа тўла бергани каби, сенга ва Яъқуб наслига  
 (Ўзининг) неъматини тўла бахш этади. Албатта, Раб-  
 бинг билим ва ҳикмат эгасидир”.

Ҳақиқатан, Юсуф ва (унинг) биродарлари (қисса-  
 си)да сўровчилар учун аломатлар бордир. Ўшанда  
 (акалари) айтдилар: “Юсуф ва унинг укаси (Биня-

мин) отамизга биздан кўра суюклироқдир. Ваҳоланки, биз бир тўп (кўпчилик)миз. Ҳақиқатан, отамиз аниқ гумроҳлик узрадир”. (Кимдир деди): “Юсуфни ўлдиригингиз ёки уни бирор ерга чиқариб ташлангиз, шунда отангизнинг ўзи сизларга қолар (фақат сизларга меҳр кўяр). Ундан кейин (яна) солиҳ (киши) лар қавми бўлурсиз”.<sup>1</sup> Улардан бир сўзловчи<sup>2</sup> деди: “Юсуфни ўлдирмангиз балки, агар (бирор нарса) қилмоқчи бўлсангиз, уни қудуқ қаърига ташлангиз, (шунда) уни баъзи йўловчилар олиб кетар!”

Дедилар: “Эй, отамиз! Нечун Сиз Юсуфни бизга ишонмайсиз? Ахир, биз унга жуда хайрхоҳмиз-ку! Эртага уни биз билан бирга жўнатинг, яйраб ўйнасин! Биз унинг учун қўриқловчилармиз”. (Яъқуб) деди: “Уни олиб кетишингиз мени жуда ташвишлантиряпти, сизлар ундан ғафлатда бўлган чоғингизда (ногоҳ) уни бўри еб кетишидан қўрқаман”. Айтдилар: “Биз бир тўда бўлатуриб, мабодо, уни бўри еб кетса, унда биз роса зиён кўрувчилар бўлиб қоламиз-ку?!”

Бас, уни олиб кетишгач ва уни қудуқнинг қаърига ташлашга келишиб олгач (уни амалга оширдилар). (Биз) унга: “Бу ишлари тўғрисида уларга (кези келганда), албатта, хабар берурсан, ваҳоланки, улар (Юсуф эканингни) сезмайдилар”, - деб ваҳий қилдик.

Оталари ҳузурига оқшом пайти йиғлаб келишди. Айтдилар: “Эй, отамиз! Биз Юсуфни матоҳларимиз олдида қолдириб қувлашиб кетсак, уни бўри еб кетибди. Рост гапирсак ҳам, (барибир) сиз бизга ишонувчи эмассиз”.

Унинг кўйлаги узра сохта қон (қўзичоқ қони) билан келдилар. (Яъқуб) деди: “Йўқ! Сизларни (ўз) нафсингиз (бундай мудҳиш) ишга ундаган. Бас, (менинг

<sup>1</sup> Бу маслаҳатни Шамъун ёки Дон ёхуд Рубил берган (Мд. Бғ. ИК. Тб.).

<sup>2</sup> Сўзловчи – Яҳудо ёки Шамун ёхуд Рубил, деган ривоятлар бор (Лс. ИК. Хз.).

бурчим) **чиройли сабрдир. Сизлар тавсифлаётган нарсага (сабр қилишга) Аллоҳ (менга) мададкордир”.**

(Юсуф қудуқда уч кун ётгач) **бир карвон келди. Сув келтирувчини юборган эдилар, у челагини (қудуққа) туширгач: “Хушхабар! Бу бола-ку!”, - деди. Уни (бозорбоп) матоҳ сифатида сир тутдилар. Аллоҳ эса қилаётган ишларини билувчидир. Уни (Миср бозорида) арзон – саноқли дирҳамларга сотдилар ва (бу ишда гўё улар) тарки дунё қилувчилардан бўлдилар. Мисрда уни сотиб олган киши (Миср азизи<sup>1</sup>Қитфир) хотини (Зулайхо)га: “Унга яхши жой бер, зора бизга фойдаси тегса ёки уни ўғил қилиб олсак”, - деди. Шундай қилиб, Юсуфни ерга (Мисрга) жойлаштирдик ва гаплар (тушлар ёки илоҳий китоблар) таъвили (изоҳи)ни билдиришимиз учун (шундай қилдик). Аллоҳ (Ўз) ишида ғолибдир, лекин одамларнинг аксарияти (буни) билмайдилар.**

**Вояга етгач, унга ҳукм (ҳакамлик) ва илм ато этдик. Чиройли иш қилувчиларни (Биз доимо) шу тарзда мукофотлаймиз.**

**У (Юсуф) уйда бўлган аёл (Зулайхо) ундан нафсини (қондиришини) талаб қилди ва эшикларни қулфлаб: “Қани, кел!”, - деди. (Юсуф) деди: “Аллоҳ сақласин! Ахир, у (эринг) хошам-ку?! Менга яхши жой берган бўлса?! Золимлар<sup>2</sup>, зотан, нажот топмаслар”. (Зулайхо) унга мойил, у (Юсуфнинг дили) ҳам бунга мойил бўлганди. Агар Раббининг ҳужжатини<sup>3</sup> кўрмаганда (бўлар иш бўлар эди). Шу тарзда ундан ёмонлик ва фаҳшни буриб юбордик. Албатта, у (дили) холис бандаларимиздандир.**

<sup>1</sup> Азиз – сарой хазинабони.

<sup>2</sup> оятдаги “золимлар”дан мурод – хоинлар ёки зинокорлардир (Мд.).

<sup>3</sup> Раббининг ҳужжати – отасининг сиймоси эди, яъни мазкур мойиллик пайдо бўлган заҳоти бехос кўзларига отаси Яъқуб алайҳиссаломнинг бармоғини тишлаб турган қиёфаси кўриниб, гўё “бу ишингдан қайт!” – дегандек туюлди-оятдаги “ҳужжат” сўзининг бошқача тафсиллари ҳам бор (Хз.).

(Иккиси) эшик томон қувалашиб кетди (Юсуф қочди, у қувди) ва (Зулайхо) унинг кўйлагини орқа томондан йиртиб юборди. Эшик олдида хожа-си (эри)га йўлиқдилар. (Зулайхо) деди: “Оилангга ёмонликни раво кўрган кишининг жазоси ҳибсга олиниш ёки аламли азобдан бошқа бўлмаслиги керак”. (Юсуф) деди: “Унинг ўзи мендан нафсимни (жинсий яқинлик қилишимни) талаб қилди”. Унинг (Зулайхонинг) қариндошларидан бири гувоҳлик бериб: “Агар унинг кўйлаги олд (томон)дан йиртилган бўлса, у (Зулайхо) рост сўзлаган, у (Юсуф) эса ёлғончилардандир. Борди-ю, кўйлаги орқа (томон)дан йиртилган бўлса, у (Зулайхо) ёлғон сўзлаган, у эса ростгўйлардандир”.

(Зулайхонинг эри Миср азизи унинг) кўйлаги орқа томонидан йиртилганини кўргач: “Албатта, бу сиз (аёллар)нинг макрингиздир. Ҳақиқатан. Сизларнинг макрингиз улкандир. Юсуф! Бу (иш)ни қўйгин, сен эса (эй, Зулайхо!) гуноҳинг учун кечирим сўра. Зеро, сен янглишганлардан бўлдинг”, - деди. Шаҳардаги аёллар: “Миср азизининг (хазинабонининг) хотини ўз хизматкори билан ўйнашмоқчи бўлибди. Юрагидан уриб қўйибди. Албатта, биз уни аниқ гумроҳликда деб билурмиз”, - дедилар. Бас, (Зулайхо) уларнинг макрларини эшитгач, улар<sup>1</sup> ҳузурига (одам) юборди ва уларга суянчиқ (таом ёки мева) ҳозирлади ҳамда улардан ҳар бирига биттадан пичоқ бериб (Юсуфга): “Улар ҳузурига чиққин!” – деди. Бас, уни кўришгач, унга маҳлиё бўлдилар ва қўлларини кесиб олдилар ҳамда: “Ё, Аллоҳ! Бу башар эмас! Бу (азизу) муқаррам фариштанинг ўзгинаси-ку!” – дедилар.

<sup>1</sup> Аёллар олдинги-оятдаги таъна гаплари билан ҳийла ишлатиб, Юсуфни кўришга имкон топдилар. Зулайхо уни аёлларга кўрсатмаётган эди. Қилган ғийбатлари макр ўрнида бўлди. Аёллар беш нафар – соқий, новвой, отбоқар, зиндонбон ва дарво-зобонларнинг хотинлари бўлиб, Зулайхо уларга Юсуф алайҳиссаломни таърифлаб, севиб қолганини айтган эди (Мд.).

(Зулайхо) деди: “Мени у тўғрида маломат қилганларинг шу (йигит) эди. Ҳақиқатан, ундан нафси (жинсий яқинлиги)ни талаб қилганимда, у сақланди. Қасамки, агар (у) менинг буйруғимни бажармас экан, албатта, зиндонбанд қилиниб, ҳақирлардан бўлиб қолур”. (Юсуф) деди: “Эй, Раббим! Менга таклиф этишайтган нарсадан кўра зиндон маъқулроқдир. Агар уларнинг макрларини мендан дариғ тутмасанг, уларга мойил бўлиб, жоҳиллардан бўлиб қолурман”.

Бас, Рабби (дуосини) ижобат қилди ва у (аёл)ларнинг макрларини ундан бартараф этди. Албатта, у эшитувчи ва билувчидир. Сўнгра уларда (Қитфир ва сарой аёнларида жиноятга оид) аломатларни кўрганларидан сўнг уни (маълум) бир вақтгача зиндонбанд қилиб туриш (фикри) пайдо бўлди. Зиндонга у билан бирга яна икки йигит (туҳмат билан) тушди. Улардан бири (шоҳнинг соқийси): “Мен тушимда май тайёрлаётган эмишман”, - деди. Униси (шоҳнинг новвойи) эса: “Мен бошимда нон кўтариб турган эмишман. Қушлар ундан еётган эмиш. Сен бизга шунинг таъбирини айтиб бер! Зеро, биз сени эзгу иш қилувчилардан эканингни кўриб турибмиз”, - деди. (Юсуф) айтди: “Мен сизларга озуқа бўладиган таом олдингизга келишидан бурун унинг (қандайлиги) таъвилини айтиб берурман. Бу Раббимнинг менга билдирган нарсаларидандир. Мен Аллоҳга имон келтирмайдиган ва охиратни инкор этувчи қавм динини тарк этдим. Шунингдек, аждодларим Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубларнинг динига эргашдим. Биз учун Аллоҳга бирор нарсани шерик қилиш мумкин эмасдир. Бу Аллоҳнинг бизларга ва одамларга (нисбатан) фазлидир, лекин аксарият одамлар шукр қилмайдилар. Эй, икки ҳамзиндонларим! Турли-туман “илоҳлар” яхшими ёки ягона ва ғолиб Аллоҳми? Сизлар Уни қўйиб, ўзларингиз ва ота-боболарингиз атаб олган

номлар (бут-санамлар)гагина сиғиняпсиз. Уларга Аллоҳ бирор хужжат туширмаган бўлса?! (Ибодат ва дин тўғрисидаги) ҳукм фақат Аллоҳ ихтиёридадир. (У) Ўзидан бошқага сиғинмасликка буюрган. Тўғри дин – мана шу! Лекин одамларнинг аксарияти (буни) билмайдилар.

Эй, икки ҳамзиндонларим! Энди, сизларнинг бирингиз (кўрган туш)га келсак, (у озод этилиб, яна) хожасига соқийлик қилур. Униси бўлса, (дорга) осилади ва унинг бошидан қушлар (чўқиб) ейди. Сизлар жавобини сўраган иш (туш таъбири) тугади”.

Икковидан халос топувчи деб ҳисобланган (соқийга Юсуф): “Хожанг (Миср шоҳи) ҳузурида менинг тўғримда гапир!” – деди. Лекин шайтон хожасига айтишни унуттирди. Натижада (Юсуф) бир неча йил зиндонда қолди.

Шоҳ (бир куни) деди: “Мен тушимда еттита озғин сигир еттита семиз сигирни етганини ва еттита яшил бошоқ билан бирга бошқа (еттита) қуриган бошоқларни кўрдим. Эй, аъёнлар! Агар туш таъбирини айтувчи бўлсангиз, тушим тўғрисида фатво (жавоб) берингиз!” (Аъёнлар) айтдилар: “(Бу) чалкаш тушлар. Биз (бундай) тушлар таъбирига олим эмасмиз”.

Икки (махбуслар)дан озод бўлгани (соқий) бир қанча муддат (етти йил) ўтгач, (Юсуфни) эслаб деди: “Унинг таъбирини мен айтиб берурман. Мени (Юсуф ҳузурига) юборингиз!” (У бориб деди): “Юсуф! Эй, ростгўй одам! Бизга еттита озғин сигир еттита семиз сигирни егани ҳамда еттита яшил бошоқ билан бирга турган бошқа (етти) қуруқлари тўғрисидаги (туш) фатвоси (таъбири)ни айтиб бергин. Шояд, одамлар олдига борганимда зора, улар ҳам (буни) билиб олишса”. (Юсуф) айтди: “Одатларингиз бўйича етти йил зироат қилаверасиз. Олган ҳосилингизни (омборда) бошоғи билан қолдирингиз. Фақат

озгина ўзингиз ейдиганингизни (янчиб олингиз!) Сўнгра, ундан кейин қаттиқ етти (йил) келади ва шу (қаҳатчилик йил)лар учун ғамлаб қўйган заҳирангизни еб кетади. Фақат озгина асраб қўйгангиздан (қолур). Сўнгра, ундан кейин бир йил келиб, одамлар унда ёмғирга сероб бўлурлар ва унда (мевалардан) шарбат олурлар”.

Шоҳ (бу жавобларни эшитиб): “Уни ҳузуримга олиб келингиз!” – деди. Чопар унинг олдига келгач, у (Юсуф) деди: “Хожанг ҳузурига қайтиб боргин-да, ундан қўлларини кесиб олган аёллар иши нима бўлганини сўра! Албатта, Раббим уларнинг макрларини билувчидир”.

(Шоҳ аёлларни чорлаб, уларга) деди: “Юсуфдан шахвоний майллик талаб қилганингизда не бўлган эди?” Айтдилар: “Аллоҳ сақласин! Унда бирор ёмонлик борлигини билмадик”. Азизнинг хотини (Зулайхо) деди: “Мана энди, ҳақиқат рўёбга чиқди. Ундан мен (жинсий) майллик талаб қилган эдим. У, ҳақиқатан, (сўзида) содиқлардан экан”.

(Шундан кейингина Юсуф деди): “Буни мен (Миср азизи) ғойиблигида унга хиёнат қилмаганимни ва Аллоҳ (Зулайхо ва аёллардек) хиёнатчилар макрини раво қилмаслигини (Азиз ёки шоҳ) билиши учун (қилдим). Нафсимни оқламайман. Зеро, нафс ёмонликка ундовчидир. Фақат Раббим раҳм қилган бундан мустаснодир. Албатта, Раббим кечиримли ва раҳмли зотдир”.

Шоҳ: “Уни ҳузуримга келтирингиз, уни ўзимга хос кишилардан қилиб олай!” – деди. У билан сўзлашгач (шоҳ): “Сен бугун(дан бошлаб) бизнинг ҳузуримизда мартабали ва ишончли (шахс)дирсан”, - деди. (Юсуф) деди: “Мени шу ернинг хазинабони қилиб қўй!” Зеро, мен (омонатни) сақловчи ва (ўз ишини пухта) билувчидирман”.

Шундай қилиб, Юсуфни (ўша) ернинг ўзи хоҳлаган жойида истиқомат қиладиган қилиб қўйдик. Раҳматимизни Ўзимиз хоҳлаган кишиларга етказурмиз ва эзгу иш қилувчилар мукофотини зое қилмайдурмиз. Охират мукофоти эса, имон келтирган ва тақволи бўлганлар учун яхшироқдир. Юсуфнинг биродарлари (Мисрга) келишиб, унинг ҳузурига кирганларида, уларни таниди. Улар эса уни танимас эдилар. Уларни сармоялари билан жиҳозлагач, (Юсуф) деди: “Ўша ота бир иниларингизни менинг ҳузуримга келтирингиз. Ахир, мен сизларга яхши мезбонлик қилиб, (донларни) тўла ҳолда ўлчаб бераётганимни кўряпсизми? Бас, агар уни менинг ҳузуримга олиб келмасангиз, у ҳолда менинг даргоҳимда сизлар учун ўлчанадиган нарса йўқ ва менга яқин келмай қўя қолингиз”.

Улар: “Отасидан уни (бизга кўшиб юборишни)” сўраймиз. Албатта, бизлар (шундай) қилувчимиз”, - дедилар. (Юсуф ўзининг тарозибон) йигитларига: “Уларнинг (донга алмаштириш учун) келтирган нарсаларини юкларининг ичига (қайтариб) солиб қўйингиз. Шояд, уйларига қайтган вақтларида, уларни таниб, яна қайтиб келсалар”, - деди.

Оталарининг олдига қайтиб келишгач, дедилар: “Эй, ота, (бундан кейин) бизларга ўлчов (озик-овқат) берилмайдиган бўлди. Биз билан бирга инимизни (Биняминни) юборгин, шунда ўлчаб ола биламиз. Бизлар, албатта, уни муҳофаза қилувчимиз”. (Яъқуб) деди: “Мен уни сизларга илгари акасини ишонганимдек яна ишонайинми?! Бас, Аллоҳ энг яхши асрагувчидир ва У меҳрибонларнинг меҳрибонроғидир”.

(Олиб келган) юкларини очиб кўришгач, (алмаштириб келиш учун олиб борган) нарсаларини ўзларига қайтарилганини кўриб, дедилар: “Эй, ота, мана

нарсаларимиз ўзимизга қайтарилибди. (Яна) бизга нима керак?! (Инимизни қўшиб юборсанг), яна оиламизга озиқ-овқат келтирурмиз, инимизни муҳофаза қилурмиз ва (унинг учун ҳам) бир туя юкни ортиқроқ олурмиз. Бу (Миср хазинабони учун арзимаган) озгина ўлчовдир”. Яъқуб айтди: “Уни (Биняминни) менинг олдимга келтиришингиз ҳақида Аллоҳдан васиқа келтирмагунингизга қадар (яъни Аллоҳ номига қасам ичмагунингизча) – қуршовда қолишингиз бундан мустасно – уни сира сизлар билан бирга юбормасман”. Унга васиқаларини келтиришгач, (Яъқуб): “Бу айтаётган гапларимизга Аллоҳ гувоҳдир”, - деди. (Сўнгра уларни сафарга кузатаётиб) айтди: “Эй, ўғилларим! (Мисрга) бир дарвозадан кирмангиз, балки турли хил дарвозалардан кирингиз! Мен сизлардан Аллоҳнинг бирор ҳукмини қайтара олмайман. Ҳукм фақат Аллоҳнинг измидадир. Унгагина таваккул қилдим. Барча таваккул қилувчилар (ҳам) Унинг Ўзигагина таваккул қилсинлар!”

Уларнинг оталари буюрган тарзда (Мисрга) киришлари улардан Аллоҳнинг бирор ҳукмини қайтарувчи эмасдир. (Бу) фақат Яъқубнинг дилидаги (фарзандларига нисбатан пайдо бўлган) бир ҳожат бўлиб, у ўшани қондирган эди, холос. Зотан, у Биз (вахий орқали) берган таълимимиз сабабли (чуқур) билим эгасидир. Лекин одамларнинг аксарияти (буни) билмайдилар.

Юсуфнинг ҳузурига кирганларида, у иниси (Бинямин)ни ўзига тортиб<sup>1</sup>: “Мен сенинг акангман. Энди

<sup>1</sup> Юсуф алайҳиссалом ундан: “Исминг нима?” – деб сўради. “Бинямин”, - деди у. “Исмингнинг маъноси недир?” – сўради Юсуф алайҳиссалом. “Туғилган пайтда онаси ўлиб, ғойиб бўлган етим дегани” – деди Бинямин. Юсуф алайҳиссалом сўради: “Онагнинг исми нима?” “Роҳилдир” – деб жавоб берди у. “Йўқолган акангнинг ўрнига менинг сенга ака бўлишимни истайсанми?” – сўради Юсуф алайҳиссалом. “Эй, ҳукмдор сендек акани ким ҳам топа олади? Сени на Яъқуб ва на Роҳил дунёга келтирмаган бўлса”, - дегач, Юсуф алайҳиссалом йиғлаб юборди. Бориб Биняминни бағрига босди. (Солабий, “Ароис”, б. 31. ; Абулфараж ибн Жавзий, “Табсира”, 1-жилд, б. 180.)

улар (яъни акаларимиз) қилаётган нарса (ҳасад ва адоватлари)дан ташвиш чекма!” – деди. Бас, уларнинг юкларини тайёр қилгач, инисининг юки орасига (билдирмай) бир (сув ичадиган) чўмични<sup>1</sup> солиб қўйди. Сўнгра жарчи: “Эй, карвон (эгалари!) Сизлар ўғрисиз”, - деб жар солди. Улар келишгач: “Нима йўқотдингиз?” – дедилар. (Жарчилардан бири) айтди: “Подшоҳнинг ўлчов идишини йўқотдик. Уни топиб келтирган кишига бир туя юк (мукофотдир). Мен шунга кафилман”. Улар дедилар: “Аллоҳга қасамки, бизлар бу ерга бузғунчилик қилиш учун келмаганимизни биласиз. (Биз) ўғри эмасмиз”. Улар дедилар: “Унинг жазоси, кимнинг юки орасидан топилса, шунинг ўзи унинг жазосидир. Бизлар зулм (ўғрилиқ) қилувчи кимсаларни худди шундай жазолаймиз<sup>2</sup>”.

Бас, (Юсуфнинг хизматкори ахтаришни) унинг биродари (Бинямин)нинг идишидан олдин уларнинг (яъни акаларининг) идишларидан бошлади. Сўнгра уни укаси идишидан “топиб” чиқарди. Биз Юсуфга мана шундай ҳийла (тадбир)ни қилдик (билдирдик). (Чунки) подшоҳнинг (жорий) ҳукми бўйича ўз биродарини – Аллоҳ хоҳламаса – (бошқа йўл билан) олиб қола олмас эди. Биз (ўзимиз) хоҳлаган кишиларнинг даражаларини кўтарурмиз. Ҳар бир илм эгаси узра (ундан) билимдонроқ (олим) бордир.

Улар: “Агар бу (Бинямин) ўғрилиқ қилган бўлса (қилгандир, чунки) илгари унинг акаси ҳам ўғрилиқ қилган эди”, - дедилар. Бас, Юсуф бу гапни ичига

<sup>1</sup> Шоҳнинг тилла ёки кумуш ёхуд забаржаддан ясалган идиши бўлиб, у билан сув ичиб юрар эди. Кейинчалик уни ўлчов идиши қилиб қўйган эди. Иниси юкига яшириб қўйиш уни ўз ҳузурида олиб қолиш учун ўйлаб топган ҳийласи эди. Олдинги шариатларда тилла ёки кумуш идишлардан ейиш-ичишда фойдаланиш жоиз бўлган (Лс.).

<sup>2</sup> Яъқуб алайҳиссаломнинг шариатида тугилган ўғрининг жазоси бир йил муддатга кулликда хизмат қилдириш эди. Шу жазо қўлланилгач, Бинямин акаси ҳузурида қолишга рози бўлди. Бундан ўша даврда Мисрда хорижлик киши жиноят қилса, унинг ўз юрти қонуни бўйича жазолаш жоиз бўлгани ҳам маълум бўлади.

солиб, уларга билдирмади ва “Сизлар ёмон (тубан) мартабада экансиз. Аллоҳ сиз тавсиф этаётган нарсани яхши билувчидир”, - деди. Улар дедилар: “Эй, азиз, унинг бир кекса отаси бор. Сен унинг (Биняминнинг) ўрнига бизлардан биримизни олиб қолгин. Бизлар сенинг эзгу ишларни қилувчи зотлардан эканингни кўриб турибмиз”. (Юсуф) айтди: “(Йўқотган) матоҳимизни идишидан топиб олган кимсадан ўзгани олиб қолишдан Аллоҳ сақласин! Акс ҳолда биз золим кимсалардан бўлиб қолурмиз”.

Ундан умидлари узилгач, (оға-инилар) бир четга чиқиб шивирлашдилар. Уларнинг тўнғичи<sup>1</sup> айтди: “Отангиз зиммангизга Аллоҳдан васиқа олиб қолганини билмай қолдингизми?! Илгари Юсуф тўғрисида ҳам сусткашлик қилган эдингиз. Бас, то отам менга изн бермагунча ёки Аллоҳ мен учун (бирор) ҳукм қилмагунча мана шу ердан сира жилмайман. У (Аллоҳ) ҳукм қилувчиларнинг яхшироғидир. Сизлар отангиз олдига қайтиб, (унга) айтингиз: “Эй, ота! Ўғлингиз ўғрилиқ қилди. Бизлар фақат билган нарсамизга гувоҳлик бермоқдамиз. (Олдин Юсуф ҳақида ваъда қилганимизда) ғайбни (яъни келажакда нима бўлишини) эса билувчи эмас эдик. Биз унда бўлиб қайтган шаҳар (аҳли)дан ва бирга кетган карвондан сўрагин. Албатта, бизлар рост сўзловчилармиз”.

(Улар бориб Яъқубга айтишгач, у) деди: “Йўқ! Сизларга ҳавойи нафсингиз (ёмон) ишни чиройли қилиб кўрсатган. Бас, (менинг ишим) чиройли сабрдир. Шоядки, Аллоҳ уларнинг (Юсуф, Бинямин ва Мисрда қолган ўғлимнинг) барчаларини (бағримга) қайтарса. Албатта, У билим ва ҳикмат соҳибидир”. Кейин улардан юз ўгириб: “Эсизгина Юсуф!” деди. Ғам-ғуссадан унинг кўзлари оқариб (ожиз бўлиб) қолди ва у энди маҳзундир.

<sup>1</sup> Тўнғиси Рубил ёки Яҳудо эканида ихтилоф бор.

(Шунда ўғиллари): “Аллоҳ ҳаққи, то чала ўлик бўлиб қолгунингизча ёки (бир йўла) ҳалок бўлгунингизча, Юсуфни эслайвераркансиз-да?!” – дедилар. У айтди: “Мен ғам ва ташвишларимдан ёлғиз Аллоҳгагина шикоят қиламан ва мен Аллоҳнинг (меҳрибонлиги ҳақида) сизлар билмайдиган нарсаларни билурман”.<sup>1</sup> “Эй, ўғилларим! Борингиз-да, Юсуф ва унинг укасини излангиз ва Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмангиз. Зеро, Аллоҳнинг раҳматидан фақат кофирлар қавмигина ноумид бўлур”.

(Улар бор сармояларини олишиб, яна Миср томонга равона бўлишди). Унинг (Юсуфнинг) ҳузурига киришгач, дедилар: “Эй, азиз зот! Бизга ва аҳлу оиламизга очарчилик етди. Бизлар (бу сафар) ўтмас матоҳларни олиб келдик. Бас, бизга ўлчов (озик-овқат)ни тўла беравер ва бизга хайр-садақа қилгин. Аллоҳ, албатта, садақа берувчиларни мукофотлагай”. (Юсуф) деди: “Жаҳолатда бўлган пайтингизда Юсуф ва унинг укасига нима ишлар қилганингизни биласизми?” Улар: “Сен ўша Юсуфмисан?”, - дедилар. У: “Ҳа, мен Юсуфман, бу эса укамдир. Аллоҳ бизга марҳамат кўрсатди. Дарҳақиқат, кимки Аллоҳдан кўрқиб, сабр қилса, албатта, Аллоҳ эзгу иш қилувчиларнинг мукофотини зое қилмагай”, - деди. (Улар) дедилар: “Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сени бизлардан афзал қилибди. Биз эса, ҳақиқатан, хато қилувчилардан бўлдик”. У деди: “Бу кун сизларга нисбатан айблов йўқ. Аллоҳ сизларни мағфират қилгай. У раҳм қилувчиларнинг раҳмлироғидир”.

“Сизлар мана бу кўйлагимни олиб бориб, отамнинг юзига ташлангиз, шунда кўрадиган бўлиб қо-

<sup>1</sup> Яъқуб алайҳиссаломга тушида жон олувчи фаришта Юсуф алайҳиссаломнинг тирик экани тўғрисида хабар бериб, уни излаш билан бирга ушбу дуони ўргатган: “Эй, битмас-туганмас, ўзингдан бошқаси саноғига етмайдиган доимий ва абадий яхшилик эгаси! Мендан кулфатни арит!” (Мд. ).

лур. Сўнг барча аҳлу оилаларингиз билан бирга менинг олдимга келингиз!”

Карвон (Мисрдан) чиқиши билан оталари (Яъқуб ўз хузуридаги кишиларга): “Мен Юсуфнинг ҳидини сезмоқдаман. Мени ақлдан озганга чиқармасангиз, бас”, - деди. (Улар) айтдилар: “Аллоҳга қасамки, сиз (ҳали ҳам) ўша эски хатойингизда турибсиз”.

Бас, хушxabарчи келиб, уни (кўйлакни Яъқубнинг) юзига ташлагач, у кўрадиган бўлиб қолди. “Сизларга мен Аллоҳнинг (меҳрибонлиги ҳақида) сизлар билмайдиган нарсаларни билурман, демаганмидим”, - деди у. Улар дедилар: “Эй, ота, (Аллоҳдан) бизларнинг гуноҳларимизни мағфират қилишини сўранг! Албатта, бизлар хато қилувчилардан бўлган эканмиз”. У айтди: “Албатта, Раббимдан сизларни мағфират қилишини сўрайман. Албатта, У мағфират қилувчи ва меҳрибон зотдир”.<sup>1</sup>

### Юсуф алайҳиссаломнинг барча аҳлу оиласининг Мисрга келиши

Юсуф алайҳиссалом биродарларига: “Барча аҳлу оилангизни олиб менинг олдимга келинг”, - деди ва бунинг учун икки юз туя жўнатди. Яъқуб алайҳиссалом етмиш (етмиш икки ёки саксон уч) кишилик оиласи билан Мисрга яқинлашганларида Юсуф алайҳиссалом Миср қиролидан тўрт минг аскар ва яна суворийлар сўради ва Яъқуб алайҳиссаломни кутиб олишга чиқди. Яъқуб алайҳиссалом ўғли Яхузага суяниб, пиёда юриб келарди. Яъқуб алайҳиссалом Миср кўшини ва суворийларини кўриб, уларни бошлаб келаётган кишини кўрсатди: “Эй, Яхуза! Бу Миср қиролими?” – деб сўради. “Йўқ, - деди Яхуза, - у ўғлинг Юсуфдир!”

Ота ва ўғил бир-бирларига яқинлашганларида Юсуф алайҳиссалом отасига салом бермоқчи бўлди. Гарчи Яъ-

<sup>1</sup> Юсуф сураси, 4-98-оятлар.

қуб алайҳиссалом бунга кўпроқ лойиқ бўлса-да, у аввал ўғлига салом берди: “Салом бўлсин сенга, эй ғам ва қайғуни кетказгувчи!” – деди. Яъқуб алайҳиссалом Мисрға келиб, дуо қилгач, Аллоҳ таоло Мисрдан очарчиликни даф қилди.

## Юсуф алайҳиссалом тушининг ўнгга айланиши

Юсуф алайҳиссалом тушининг амалга ошиши Куръони каримда қуйидагича изоҳланади:

فَلَمَّا دَخَلُوا عَلَىٰ يُوسُفَ ءَاوَىٰٓ إِلَيْهِ أَبْوِيهِ وَقَالَ ادْخُلُوا مِصْرَ إِن شَاءَ اللَّهُ ءَامِنِينَ ﴿١١﴾ وَرَفَعَ أَبْوِيهِ عَلَى الْعَرْشِ وَخَرُّوا لَهُ سُجَّدًا وَقَالَ يَأْتِبُ هَذَا تَأْوِيلُ رُءُوسِي مِنْ قَبْلُ قَدْ جَعَلَهَا رَبِّي حَقًّا وَقَدْ أَحْسَنَ بِي إِذْ أَخْرَجَنِي مِنَ السِّجْنِ وَجَاءَ بِكُمْ مِنَ الْبَدْوِ مِنْ بَعْدِ أَنْ نَزَغَ الشَّيْطَانُ بَيْنِي وَبَيْنَ إِخْوَتِي ۚ إِنَّ رَبِّي لَطِيفٌ لِمَا يَشَاءُ إِنَّهُ هُوَ الْعَلِيمُ الْحَكِيمُ ﴿١٢﴾ رَبِّ قَدْ ءَاتَيْتَنِي مِنَ الْمَلِكِ وَعَلَّمْتَنِي مِنْ تَأْوِيلِ الْأَحَادِيثِ ۚ فَاطِرَ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ أَنْتَ وَلِيِّ فِ الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ ۚ تَوَفَّنِي مُسْلِمًا وَأَلْحَقْنِي بِالصَّالِحِينَ ﴿١٣﴾

“Бас, (шаҳар ташқарисида чодирда кутаётган) Юсуфнинг ҳузурига кирганларида, у ота-онасини ўз бағрига босди ва “иншоаллоҳ, Мисрға тинч-омон киргайсиз”, - деди. (Кейин Мисрға кириб саройда бўлганларида) у ота-онасини тахтига чиқарди ва улар (яъни ота-она ва акалари Юсуфга) сажда қилган ҳолларида (ерга) йиқилдилар. У деди: “Эй, отажон! Мана шу (кўп йил) илгари кўрган тушимнинг таъбиридир. Рабби уни рост қилди. Дарҳақиқат, У менга яхшилик қилди – мени зиндондан чиқарди, шайтон мен билан акаларим орасини бузиб иғво қилганидан

кейин, мана сизларни саҳродан (Мисрга соғ-саломат ҳолингизда) келтирди. Албатта, Раббим Ўзи хоҳлаган нарсани лутф билан амалга оширувчидир. Албатта, Унинг Ўзигина билим ва ҳикмат соҳибидир. Эй, Раббим! Менга подшоҳлик ато этдинг, яна барча гап (туш)ларнинг таъвил (таъбир)ларидан менга таълим бердинг. Эй, осмонлар ва Ерни ижод этган зот! Дунё ва охиратда Ўзинг эгамдирсан. (Ажалим етганида) мусулмон ҳолимда вафот эттир ва мени солиҳлар (қатори)га қўшгин!”<sup>1</sup>

### **Яъқуб алайҳиссаломнинг гуноҳкор ўғиллари учун Аллоҳдан мағфират тилаши**

Аллоҳ таоло Яъқуб алайҳиссаломнинг аҳли оиласини Мисрда тўплаганида унинг гуноҳкор ўғиллари бир-бирларига: “Биз отамиз ва Юсуфга нисбатан ҳақсизлик қилдик. Улардан гуноҳимизни кечирришларини сўрадик кечирришди. Бироқ Аллоҳ таоло бизларни кечирдимиз?” – дедилар ва оталарининг ҳузурига бордилар. Бу пайтда Юсуф алайҳиссалом ҳам отасининг ҳузурида эди. Оталарига: “Эй, отамиз! Биз сенинг ҳузурингга шу пайтгача сўрамаган бир нарсани истаб келдик. Укамиз Юсуфга қилган ишимизни биласиз. Биз қилган ишимиздан пушаймон бўлиб, сизлардан кечирим сўрадик. Сизлар эса бизни кечирдингиз. Бироқ агар Аллоҳ таоло бизларни кечирмаган бўлса, сизларнинг кечирганингиз бизларни Унинг азобидан қутқариб қололмайди” – деди. “Эй, ўғилларим! Мендан нима қилишимни истайсиз?” – деб сўради Яъқуб алайҳиссалом. Улар айтдилар: “Биз учун Аллоҳга дуо қилишингни, Ундан бизни мағфират этишини сўрашингни истаймиз. Агар дуоларинг қабул қилинса ва биз мағфират қилинсақ, қалбимиз таскин топади. Акс ҳолда бизларнинг қалбимизни зулмат қоплар!”

<sup>1</sup> Юсуф сураси, 99-101-оятлар.

Шунда Яъқуб алайҳиссалом ўрнидан туриб қиблага йўналди. Юсуф алайҳиссалом ҳам ўрнидан турди. Биродарларининг барчаси хушуъ ҳолатида уларнинг орқасидан турдилар. Яъқуб алайҳиссалом дуо қилди, Юсуф алайҳиссалом эса омин қилди. Бир қанча муддат ўтиб, Яъқуб алайҳиссаломнинг куни яқинлашгач, Жаброил алайҳиссалом келиб, унинг дуоסי қабул бўлганини, ўғилларини мағфират қилингани хушxabарини берди.

### Яъқуб алайҳиссаломнинг фарзандларига васияти ва вафоти

Яъқуб алайҳиссалом Мисрда Юсуф алайҳиссаломнинг ёнида ўн етти йил яшади. Ўлим тўшагига тушгач ўғилларидан:

مَا تَعْبُدُونَ مِن بَعْدِي قَالُوا نَعْبُدُ إِلَهَكَ وَاللَّهُ أَبَايَكَ إِبْرَاهِيمَ  
وَإِسْحَاقَ وَإِسْحَاقَ إِلَهًا وَحَدًّا وَنَحْنُ لَهُ مُسْلِمُونَ

“Вафотимдан сўнг нимага ибодат қиласизлар?” – деб сўраганида, улар: “Сенинг илоҳинг ва боболаринг – Иброҳим, Исмоил ва Исҳоқнинг илоҳи бўлмиш ягона Аллоҳга сиғинамиз ва бизлар фақат Унинг ўзигагина бўйин сунувчилармиз”<sup>1</sup>, - деб жавоб бердилар.

وَوَصَّي بِهَا إِبْرَاهِيمَ بَنِيهِ وَيَعْقُوبَ يَبْنِيَّ إِنَّ اللَّهَ اصْطَفَى لَكُمْ الدِّينَ فَلَا تَمُوتُنَّ إِلَّا وَأَنْتُمْ مُسْلِمُونَ

Иброҳим ўз ўғилларига, шунингдек, (набираси) Яъқуб ҳам шу динни васият қилиб дедилар: “Ўғилларим, албатта, Аллоҳ сизлар учун шу динни танлади. Бас, мусулмонлик ҳолингиздагина дунёдан ўтингиз!”<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Бақара сураси, 133-оят.

<sup>2</sup> Бақара сураси, 132-оят.

Яъқуб алайҳиссаломнинг вафот куни яқинлашганда ўғиллари ва ўғилларининг ўғиллари тўпланди. Яъқуб алайҳиссалом улар учун баракот дуосини ўқиди. Уларнинг ҳар бирига тавсиялар берди. Қиличи ва ёйини Юсуф алайҳиссаломга берди. Ўзини отаси Исҳоқ алайҳиссаломнинг ёнига дафн этишини васият қилди. Яъқуб алайҳиссалом вафот этганида бир юз қирқ етти ёшда эди.

Унга ва барча пайғамбарларга саломлар бўлсин!

Миср халқи етмиш кун унга аза тутдилар. Юсуф алайҳиссалом отасининг жасадига хуш бўй суришни буюрди. Қирқ кун хуш бўйлар ичида қолди. Сўнг Юсуф алайҳиссалом қиролдан изн сўради. Қирол изн бергач, ёнида аскарлари, биродарлари ва Миср пешволари билан бирга Ҳабрунга борди.

Ойс ибн Исҳоқ ҳам ўша куни вафот этган эди. Яъқуб алайҳиссалом билан Ойс эгизак бўлгани боис битта қабрга данф этилди. Етти кун Ҳабрунда қолишди. Сўнг ортларига қайтдилар. Юсуф алайҳиссалом биродарларига: “Мен билан бирга Мисрга қайтинг”, - деганида улар кўрқдилар. Шунда Юсуф алайҳиссалом: “Кўрқманглар, чунки мен Аллоҳдан кўрқувчи инсонман!” – деди. Шундан сўнг биргаликда Мисрга қайтишди.

### **Юсуф алайҳиссаломнинг молия вазири бўлиши**

Юсуф алайҳиссалом Мисрга ўн етти ёшида келган эди. Миср азизининг уйида ўн уч йил яшади. Ўттиз ёшида молия вазири бўлди. У ўз фаолиятида адолатли бўлгани боис барчанинг меҳр-муҳаббатини қозонди. Очарчилик йиллари тўйиб овқат емасди. Ундан: “Кўлингда дунёнинг ноз-у неъматлари бор экан, нима сабабдан оч юрибсан?” – деб сўраганларида: “Агар тўқ бўлсам, очларни унутаман деб кўрқаман”, - дер эди.

Юсуф алайҳиссалом қиролнинг ошпазига ҳам бир кунда бир марта куннинг ярмида овқат беришни буюр-

ди. Бу билан қиролнинг ҳам очлик азобини тотиб, бошқаларни унутиб қўймаслигини таъминлади.

### **Қурғоқчилик йилларида Миср**

Қурғоқчиликнинг биринчи йилида халқ ғамлаб қўйган неъматларини еб битирди. Миср халқи даставвал қўлларидаги олтин ва кумушларини бериб Юсуф алайҳиссаломдан озиқ-овқат олдилар. Бу билан Мисрдаги барча динор-у дирҳамлар давлат ҳисобига ўтди.

Кейинги йили халқ барча зеб-зийнатларини давлатга топшириб, кун кечиришлари учун озиқ-овқат олдилар. Учинчи йили катта-ю кичик ҳайвонларини топшириб озуқа олишди. Тўртинчи йили барча эркак-у аёл қулларини топшириб озиқ-овқат олдилар. Бешинчи йили халқ қўлидаги барча ерларни давлатга топширди. Олтинчи йили халқ фарзандларини бериб, давлатдан бугдой ва озиқ-овқатлар олди. Еттинчи йили эса ўз жонларини сотиб давлатдан озуқа олдилар.

Юсуф алайҳиссалом ўзининг бу амалиётини мақтовлар билан қарши олган Миср қироли Райёнга айтди: “Аллоҳни ва сени гувоҳ қилиб айтаманки, бутун Миср халқини озод қилдим, уларнинг барча мулкларини ўзларига қайтардим”, - деди. Халқ Юсуф алайҳиссаломнинг бу жўмардлигидан ҳайратга тушди: “Қасамки, биз ундан ҳам шонлироқ ва буюкроқ вазирни кўрмадик!” – дедилар.

### **Юсуф алайҳиссаломнинг пайғамбарлиги ва баъзи фазилатлари**

Юсуф алайҳиссаломга ўн етти ёшида, қудуққа ташланган пайтда ваҳий тушган эди. У Рабби томонидан танлаб олинган солиҳ пайғамбар эди.

Юсуф алайҳиссалом Амр ибн Имлок ибн Лаваз ибн Сомнинг наслидан бўлган Миср қироли иккинчи фиръ-

авн Райён ибн Валидни Аллоҳга имон келтиришга чақирган бўлса-да, унга буни қабул эттира олмаган эди. У кофир ва зўравон кимса эди. Юсуф алайҳиссалом қирол ва унинг аъёнларига аниқ далиллар келтирган бўлса-да, уларнинг қалбида доим шубҳа бор эди. Ҳаттоки, Юсуф алайҳиссалом вафот этганида: “Бундан кейин Аллоҳ асло пайғамбар юбормас!” – дедилар. Аллоҳ таоло ҳаддидан ошган, шубҳали кишиларни мана шу тарзда йўлдан адаштирур.

### Юсуф алайҳиссаломнинг вафоти

Юсуф алайҳиссалом отаси Яъқуб алайҳиссаломнинг вафотидан сўнг яна йигирма уч йил яшади. Вафоти яқинлашганда эса Исроил ўғилларидан саксон эркакни хузурига чақирди.

Уларга ажали яқинлашганини, яқинда вафот этишини, Қибтийлардан бир зўравон кишининг тангрилик даъвоси билан чиқишини, Исроил ўғилларининг ўғил фарзандларини ўлдириб, қиз фарзандларини қолдиришини, Исроил ўғилларига қаттиқ зуғум ўтказишини, сўнг Исроил ўғилларидан Лави ибн Яъқуб наслдан Мусо ибн Имрон исмли узун бўйли, жингалак сочли, буғдойранг бир зот чиқишини, Аллоҳ таолонинг унинг қўли билан Исроил ўғилларини Қибтий фиръавннинг қўлидан қутқаришини хабар қилди. Биродари Яҳузани ўрнига халифа этиб тайинлади ва ўзини оталарининг ёнига кўмишларини васият қилди.

Юсуф алайҳиссалом вафот этганида бир юз йигирма ёшда эди. Унга ва барча пайғамбарларга саломлар бўлсин!

Юсуф алайҳиссаломнинг жасади хушбўйланиб, мрамор тобут ичига қўйилди ва Нил дарёси қирғоғига дафн этилди. Устига сув солиниб, қабр сув остида қолдирилди.

## **Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг Меърож кечаси Юсуф алайҳиссалом билан саломлашиши**

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом Меърож кечаси Жаброил алайҳиссалом билан биргаликда учинчи қават осмонга кўтарилганларида Жаброил алайҳиссалом само дарвозасини тақиллатди.

“Кимсан?” – деб сўралди. “Жаброилман!” – деди Жаброил алайҳиссалом. “Ёнингдаги ким?” “Муҳаммаддир!” “У Меърож учун юборилдими?” “Юборилди!”

Эшик очилганда гўзалликларнинг ярми берилган Юсуф алайҳиссаломни кўрди. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам: “Эй, Жаброил! Бу ким?” – деб сўради. Жаброил алайҳиссалом: “У сенинг биродаринг Юсуф ибн Яъқубдир. Унга салом бер!” – деди. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам унга салом бердилар. У ҳам: “Хуш келибсан, солиҳ биродар! Солиҳ пайғамбар!” – деди.

## **АЙЮБ АЛАЙҲИССАЛОМ**

### **Айюб алайҳиссаломнинг насл-насаби**

Айюб ибн Мус ибн Раъвил (ёки Розих, ёки Ризоҳ ёки Зироҳ) ибн Ойс ибн Исҳоқ ибн Иброҳим алайҳиссалом. Айюб алайҳиссаломнинг онаси Лут алайҳиссаломнинг қизи эди. Айюб алайҳиссаломнинг отаси Мус Намруд Иброҳим алайҳиссаломни оловда ёқиб юбормоқчи бўлганида Иброҳим алайҳиссаломга имон келтирганлардан эди. Айюб алайҳиссалом ҳам Яъқуб алайҳиссалом замонида эди ва унинг Лаййо исмли қизига уйланган эди.

### **Айюб алайҳиссаломнинг шакл ва шамоили**

Айюб алайҳиссалом узун бўйли, жингалак сочли, чиройли катта кўзли, катта бошли, кенг кўкракли, бақувват қўл ва оёқли, калта бўйинли эди.

### **Айюб алайҳиссаломнинг юрти, бойлиги ва ўғиллари**

Айюб алайҳиссаломнинг юрти Шомнинг Дамашк шаҳри ҳамда Жобия оралиғидаги Иорданияга қарашли Басония ноҳияси саналади. Шомнинг Басония қишлоғи шарқи ва ғарби оралиғидаги барча нарсалар: тоғлар-у водийлар, туя, сигир, от, маркаб ва бошқа нарсалар Айюб алайҳиссаломга тегишли эди. Унинг мингта қўйи, беш юз хўкизи, ҳар бир хўкизнинг анжомларини ташувчи бир урғочи эшаги ва ҳар бир маркабнинг тўрт-бешта хўтиги бор эди. Аллоҳ таоло унинг оиласини ҳам тўқис қилиб берган, ўн учта ўғли бор эди.

### **Айюб алайҳиссаломнинг пайғамбарлиги ва баъзи фазилатлари**

Айюб алайҳиссаломда ҳам Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Асбот ва Исо алайҳиссаломлар сингари илоҳий ваҳий зоҳир бўлган, у ҳам Аллоҳ таоло томонидан танланган ва пайғамбарлик берилган зот эди. Унга Яъқуб алайҳиссалом замонида пайғамбарлик вазифаси берилди. Айюб алайҳиссаломнинг ҳам дини Иброҳим алайҳиссаломнинг тавҳид дини эди. У ҳам қавмини ягона бўлган Аллоҳга ибодат қилиш ҳамда гуноҳлардан тийилишга чақирди.

Довуд алайҳиссаломнинг айтишича, Айюб алайҳиссалом инсонларнинг энг ҳалими, тарбиялиси, сабрлиси ва ғазабини енга оладигани эди. У фақир кишиларга нисбатан жуда ҳам марҳаматли эди. У бева-бечораларга ёрдамлашар, мусофирларни меҳмон қилар, буларнинг барини Аллоҳ таолонинг унга берган неъматлари учун шукрона сифатида бажарарди. Айюб алайҳиссаломнинг меҳмон кутмаган, фақирларнинг бошини силамаган, очларга ош бермаган, бечораларни кийинтирмаган куни йўқ эди.

### **Айюб алайҳиссаломнинг имтиҳон қилиниши**

Айюб алайҳиссалом барча бойлигини йўқотади. Уйи қулаб, барча ўғлидан айрилади. Бироқ у Аллоҳ таолога ҳамд-у сано айтиб, унга ибодат қилишдан, Унинг берганларига шукр қилиб, йўқотганларига сабр қилишдан тўхтамайди. “Зотан, улар бизга Аллоҳнинг инъоми эди, У истаса, берганларини қайтариб олур!” – деб бардош беради. “Мен онамнинг қорнидан яланғоч туғилдим, кийимсиз дафн этилиб, яланғоч ҳолатда ҳашр қилинурман!” – деб Аллоҳга ҳамд-у сано айтишдан тўхтамайди.

### **Айюб алайҳиссаломнинг мусибат оғирлашгач, Раббига ҳамд-у сано айтиши**

Айюб алайҳиссаломнинг мусибати ортгач, Аллоҳ таолога шундай ҳамд-у сано айтгани ривоят қилинади: “Ҳамд оламларнинг Рабби бўлган Аллоҳга оиддир! Раббимга ҳамд-у сано айтаман, чунки У менга буюк эҳсон қилди: мол-давлат, фарзанд ато этди. Қалбимда улар кирмаган ер қолмади. Сўнг Раббим барчасини мендан қайтариб олди. Қалбим улардан бўшади. Мен билан Унинг орасида ҳеч нарса қолмади. Авваллари кундуз пайти давлат ташвиши мени чалғитар эди. Кечалари фарзандларимга бўлган муҳаббат билан чалғир эдим. Шукурки, ҳозир барчасидан ҳоли бўлдим. Кундуз ва кечамни Унга ибодат қилиш, зикр ва уни поклаш билан ўтказмоқдаман.

### **Айюб алайҳиссаломни ранжитган сўзлар**

Айюб алайҳиссаломнинг бошидаги мусибат ўн саккиз йил давом этди. Яқин-узоқ барча ундан воз кечди. Фақатгина иккита дин биродари унинг ҳолидан хабар олиб турар эди. Улардан бири иккинчисига: “Қасамки,

Айюб дунёда ҳеч бир банда қилмаган бир гуноҳ қилди”, - деди. Иккинчиси: “Бу нима деганинг?” – деб сўради. “У ўн саккиз йилдан бери мана шу аҳволда. Аллоҳ таоло унга марҳамат қилмади ва ундан бу азобни даф этмади” – деди.

Улар яна бир кун Айюб алайҳиссаломнинг ҳузурига боришди. Уни яна ўша ҳолатда кўриб: “Аллоҳ таоло унда бирор хайр аломатини кўрганда эди бу дард унга йўлиқмасди”, - дедилар. Айюб алайҳиссаломга бу сўзлар оғир ботди. У: “Эй, Аллоҳим! Кечалари бирор очни тўйдирмасдан тўқ ҳолатда уйқуга кетмаганимни билсанг (албатта, билурсан), гувоҳлик бер!” – деб ёлворди. Аллоҳ таоло гувоҳлик берди. Буни улар ҳам эшитишди.

Айюб алайҳиссалом яна айтди: “Аллоҳим! Мен бирор яланғочни кийинтирмасдан ўзим кийинмаганимни билсанг, (албатта, билурсан) менга гувоҳлик бер!” Аллоҳ таоло гувоҳлик берди. Буни ҳам эшитдилар.

Айюб алайҳиссаломга имон келтириб, дардга йўлиққач, ундан юз ўгирган яна уч киши бор эди. Улардан бири яманлик ва иккитаси басониялик эди. Бир куни улар Айюб алайҳиссаломнинг унига бориб уни айбладилар ва йиғлатдилар. “Қилган гуноҳларинг учун Аллоҳга тавба қил! Сен шундай бир гуноҳ қилгансанки, уни ҳеч бир инсон қилмагандир! Шунинг учун ҳам бошингдан бу азоб аримаяпти”, - дейишди. Бу пайтда Айюб алайҳиссаломга имон келтирган, унинг пайғамбарлигини қабул қилган ва баъзида уларнинг сўроқларига жавоб бериб турган бир йигит:

“Эй, ёши улуғ зотлар! Сизлар бу сўзларни сўзлашга ёшингиз сабаб муносиб инсонларсиз. Бироқ сизлар айтаётган сўзларингиздан кўра чиройлироқ, илгари сураётган фикрларингиздан мантиқлироқ, қилаётган ишингиздан хайрлироқ бир нарсани унутдингиз! Айюб алайҳиссаломнинг сизларда жуда катта ҳаққи бор, унинг шахсияти сизникидан анчагина устундир. Сизлар ким-

нинг ҳақиқага хиёнат қилаётганингизни, кимни ҳурматсиз қилиб айблаётганингизни биялпсизларми? Сизлар Айюбнинг Аллоҳнинг пайғамбари, инсонларнинг энг хайрлиси ва устуни ҳамда танлангани эканини унутдингизми? Ва яна Аллоҳ таоло ғазаб қилганида бандаларига берган нарсаларини қайтариб олишини эсингиздан чиқардингизми? Сизлар Айюб билан узоқ вақт қурган суҳбатингизда ва у билан дўстлик муносабатингизда унинг ҳақ бўлмаган бир ҳаракатни қилганига гувоҳ бўлдингизми? Унинг бошига тушган дард сизнинг бошингизга тушса, нима қилар эдингиз? Унутмангки, Аллоҳ таоло пайғамбарларни, сиддиқларни, шаҳидларни ва солиҳларни мана шу тахлит синайди. Аллоҳ таолонинг уларнинг бошига бундай синов солиши Унинг ғазабини эмас, балки суюкли бандаларига каромат ва хайр эканини билдиради. Айюб бу дардга чалинмасдан илгари сиз у билан биродар бўлмадингизми? Ҳикмат аҳли ўз биродарини бу ҳолатда на айблар ва на юз ўгирар. Унга дард эгаси билан дардини бўлишиш, у билан бир Аллоҳга дуо қилиш, Ундан мағфират тилаш ярашади. Буларни билмаган киши соғлом ақлли кишилар эмасдир!

Эй, ёши улуғ зотлар! Аллоҳнинг азамати ва жалоли ҳақида ўйланг. Тилларингизни айлантирмай, қалбларингизни парчаловчи ўлимни ўйламайсизми? Гарчи ожиз ва тилсиз бўлмасалар-да, ҳар сўзни сўзлашдан қўрқувчи ва Аллоҳ учун жим турувчи бўлмайсизми? Бундай кишилар Аллоҳни таниган, Унинг оятларини биладиган илм, ақл ва фасоҳат эгаларидир. Бундай инсонлар Аллоҳни исми тилга олингандагина тиллари тутилиб, ақллари ўзларига бўйсунмай қолур ва Аллоҳнинг ҳайбатидан қўрқиб ўзларини йўқотадилар. Ўзларига келганларида пок қалб ва амаллар билан Аллоҳ йўлида мусобақалашадилар. Улар яхши ва солиҳ кишилар бўлсалар-да, ўзларини золим кимсалар билан бир ҳисоблайдилар. Улар ақлли ва Аллоҳдан қўрқувчи кишилар

бўлсалар-да, ўзларини қусурли деб биладилар” – дейди.

Унинг сўзларини тинглаган Айюб алайҳиссалом: “Аллоҳ таоло ҳикматни ёши улуғлар қалбига кичиклар орқали экар. Ҳикмат қачон қалбда битса, шунда тилга қалқиб чиқар. Ҳикмат узоқ умр ёки сочининг оқариши билан ўлчанмайди. Аллоҳ таоло бир бандасини ҳали кичиклигида ҳикмат эгаси қилса, унинг мақоми ҳикмат эгалари наздида юқори бўлур. Улар ўзларида Аллоҳ таолонинг каромат нуруни кўрадилар!” – деб ўзини койи-ган кишиларга юзланди: “Сизлар тез жаҳлингиз чиққан ҳолда келдингиз. Сизлар қўрқитилмасдан илгари қўрқдингиз. Сиз калтак емасдан илгари йиғладингиз. Мен сизларга “Давлатингиздан мен учун садақа беринг, балки Аллоҳ таоло мени бу дардан халос этар” ёки “Мен учун бир қурбонлик сўйинг, балки Аллоҳ таоло мени бу дарддар қутқарар” деганимда нима қилган бўлур эдингиз? Шубҳа йўқки, сизлар кибр йўлини тутдингиз. Сиз қилаётган эҳсонларингиз билан офиятга ноил бўлдик, деб ўйлаясиз. Агарда сизлар сиз билан Раббингиз орасидаги баъзи нарсаларга қараганингизда ва сўнгра садақа берганингизда эди, бир қанча айбингизни Аллоҳ таоло сизган кийдирган офият либоси орқали ёпган бўлур эдингиз! Бир пайтлар менинг сўзимни тинглашар, менга ҳурмат бажо келтиришарди. Ҳатто душманларим ҳам инсофга келиб, мени таниб олган эди. Бугун тонг оттирганимда мен учун сиз билан на сўзлашиш ва на кўришиш бордир! Сиз мен учун танамдаги бу дарддар ҳам оғирроқ ва шиддатлироқсиз”, - деди ва улардан юзини бурди.

Айюб алайҳиссаломдан: “Эй, Айюб! Сени энг кўп ранжитадиган нарса нима?” – деб сўрашганида: “Душманларимнинг шовқин-суронидир!” – деб жавоб берган эди.

## Айюб алайҳиссаломнинг хотинини ёнидан узоқлаштирилиши

Айюб алайҳиссаломнинг хотини Лаййо: “Агар менга сажда қилсанг, эрингни даволаб, барча йўқотганларингизни қайтараман” - деб ваъда қилган бир киши ҳақида хабар берганида Айюб алайҳиссалом: “Сен унинг шайтон эканини билмадингми?! У Аллоҳ душмани сени динингдан қайтармоқчи бўлибди. Таассуф! Сен унинг сўзларига нега қулоқ солдинг?! Қасамки, Аллоҳ менга шифо берса, сенга юз дарра урурман!” – деди ва нари кетишини айтди.

## Айюб алайҳиссаломнинг Аллоҳга муножат қилиши ва дарддан халос бўлиши

Айюб алайҳиссалом ўзига яқин бўлган икки биродарининг сўзларидан қаттиқ ранжиган, хотинининг қилмишидан ғазабланиб уни олдидан қувиб юбориб, ҳеч кимсиз қолганида саждага бош қўйиб Аллоҳ таолога ёлворди:

﴿٨٢﴾ أَنِي مَسْفِي الضُّرِّ وَأَنْتَ أَرْحَمُ الرَّحِيمِينَ

“Менга мусибат етди. Ўзинг раҳмлиларнинг раҳмлироғидирсан”<sup>1</sup>,

﴿٤١﴾ أَنِي مَسْنَى الشَّيْطَانِ نِيصَبٍ وَعَذَابٍ

“Мени шайтон машаққат ва азобга тутди”.<sup>2</sup>

Аллоҳ таоло унинг илтижоларини қабул қилди ва уни заҳматдан халос қилди. Барча ибодат қилувчиларга эслатма бўлсин деб, Айюб алайҳиссаломга аҳлини ва молини қайтарди, улар билан қўшиб яна уларнинг баробарида аҳлу авлод ато этди.

<sup>1</sup> Анбиё сураси, 83-оят.

<sup>2</sup> Сод сураси, 41-оят.



(Шунда унга айтилди): **“Оёгинг билан (ерни) тепгин! (чашма отилиб чиқур!) Мана шу чўмиладиган ва ичимлик совуқ сувдир”**.<sup>1</sup> Унда шифо бор.

Айюб алайҳиссалом ерни тепди ва у ердан чашма отилиб чиқди. Чашма суви билан баданини ювди. Танасида дарддан асар ҳам қолмади.

Чамаси қирқ аршин юргач, яна ерни тепди. Яна ердан сув отилиб чиқди. Айюб алайҳиссалом унинг сувидан ичди: унинг ичида барча дардлар йўқолди. Аллоҳ таоло унинг барча дард ва захматини аритди ва унга ёшлиги ҳамда чиройини қайтарди. Уни аввалгидан ҳам хушсурат, аввалгидан ҳам устунроқ қилди. Унга Аллоҳ таоло Ўзи томондан либос эҳсон этди. Айюб алайҳиссалом қайси томонга қараса, кўринган барча нарса у учун ҳозир эди. Бир тепаликка чиқиб ўтирди.

### **Лайюннинг ташвишга тушиши ва Айюб алайҳиссаломнинг ёнига югуриб келиши**

Айюб алайҳиссаломнинг хотини Лаййо ўзича: “У мени нима сабабдан уни овқатлантиришимдан ман қилди? Мен нима учун уни ташлаб келдим? Ахир, у ёлғиз қолди-ку! Очлик ва сувсизликдан ўлиб қолса-чи! Ёки бирор йиртқичга ем бўлса нима бўлади! Кейин мен нима қиламан?! Мен, унинг сўзларига қарамай, албатта, унинг ёнига қайтувчидирман!” – деди.

Айюб алайҳиссаломни ташлаб келган жойидан топа олмади. Атрофига югуриб, йиғлади. Нариди бир кишининг ҳашаматли либосда ўтирганини кўрди. Бориб ундан эрини сўрашга уялди. Шунда Айюб алайҳиссалом уни мулойим овоз билан ёнига чақирди. Унга: “Эй, Аллоҳнинг бандаси! Нима истайсан?” – деди. Лаййо

<sup>1</sup> Сод сураси, 42-оят.

йиғлаб: “Анави ахлатхонадан дардга чалинган бир кишини қидиряпман, - деди. – Унга нима бўлди экан! Бирор йиртқич уни еб кетдими ё ҳалок бўлдими, билмайман. Эй, Аллоҳнинг бандаси! Аллоҳ сенда бор нарсани зиёда қилсин! Мана шу ерда Аллоҳнинг пайғамбари бўлган ўша дардли кишини кўрдингми?”

Айюб алайҳиссалом: “У сенга ким бўлади?” – деб сўради. Лаййо кўз ёшларини тия олмай: “У менинг эрим эди. Сен уни кўрдингми? Шу ерда эди!” – деди. Айюб алайҳиссалом айтди: “Уни кўрсанг танийсанми?” “Албатта! – деди Лаййо. – Ахир, у менинг эрим-ку! Уни қандай танимамай?!”

Сўнг унга диққат билан қаради ва: “Қасамки, сиҳхатли бўлган пайтда унга сендек ўхшайдиган киши йўқ”, - деди. Айюб алайҳиссалом: “Мен ўшаман! – деди. – Аллоҳ сендан раҳматини аямасин, мен Айюбман!” – деди. “Эй, Аллоҳнинг бандаси! Мен билан ҳазиллашма! Аллоҳдан кўрқ!” – деди Лаййо.

“Аллоҳ сендан раҳматини аямасин! Мен Айюбман! Раббим менга таънамни қайтарди”, - деди ва жилмайди. Ана шунда Лаййо эрини. Аллоҳ таолонинг Лаййони ҳам яшартиргани ва ундан олтига ўғил дунёга келтиргани ривоят қилинади.

### **Булутдан тилла чигирткаларнинг ёғиши**

Аллоҳ таоло Айюб алайҳиссаломга бир фариштани юборди. Фаришта: “Эй, Айюб! Раббинг сенинг сабринг сабаб сенга салом йўллади. Хирмон томонга бор!” – деди. Айюб алайҳиссалом хирмонга борди. Аллоҳ таоло у ерга қизил булут юборди. Бу булутдан устларига тилла чигирткалар ёға бошлади. Фаришта Айюб алайҳиссаломнинг ёнида турарди.

Айюб алайҳиссалом хирмондан тошиб чиққан чигирткаларни қайтара бошлаганида фаришта: “Эй, Айюб!

Сен хирмон ичидагиларга тўймадингми?!” – деди. Шунда Айюб алайҳиссалом: “Булар Раббимнинг раҳматидир. Мен Раббимнинг раҳматига тўярманми?”

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинган бир ҳадисда шундай дейилади: “Айюб алайҳиссалом сувда танасини ювганда устига бир қанча тилла чигиртка тушади. Айюб алайҳиссалом уларни кийимига тўлдиради. Шунда Аллоҳ таоло: “Эй, Айюб! Мен сени бой қилмадимми?” – деб нидо қилганида: “Ҳа, Раббим! Бой қилдинг! Бироқ Сенинг фазли баракотингдан мустағний бўлиш мен учун имконсиздир” – деди.

### Айюб алайҳиссаломнинг хотини ҳақидаги қасамини бажариши

Аллоҳ таоло Айюб алайҳиссаломга хотини хусусида қилган қасамини қуйидагича бажаришни буюрди:

وَحَذُّ يَدِكَ ضَعْفًا فَأَضْرِبْ بِهِ، وَلَا تَحْنَثْ إِنَّا وَجَدْنَاهُ صَابِرًا نِعْمَ الْعَبْدُ إِنَّهُ أَوَّابٌ

“(Яна Биз Айюбга айтдик): “Қўлингга бир боғ (новдани) олиб, у билан (хотинингни) ургин-да, қасамингни бузмагин!” Дарҳақиқат, Биз (Айюбни) сабр қилувчи деб топдик. У нақадар яхши бандадир! Ҳақиқатан, у (Аллоҳ йўлига) бутунлай қайтувчидир”.<sup>1</sup>

### Айюб алайҳиссаломнинг вафоти

Айюб алайҳиссалом дарддан халос бўлгач, яна етмиш йил яшаб, Иброҳим алайҳиссаломнинг тавҳид динида бўлди. Иброҳим алайҳиссаломнинг тавҳид динини Айюб алайҳиссаломдан сўнг ўзгартирдилар. Айюб алай-

<sup>1</sup> Сод сураси, 44-оят.

ҳиссалом вафот этганида тўқсон уч ёшда бўлгани билдирилган бўлса-да, уларнинг етмиш йил тўқликда, бирор дардсиз ҳаёт кечирганликлари, дарднинг ўн саккиз йил давом этгани ва дарддан қутулиб яна етмиш йил яшагани ҳисобга олинса, унинг ёши бир юз эллик саккиз ёш экани маълум бўлади. Шунингдек, унинг ёши икки юз ёки икки юз ўн йил экани ҳам ривоят қилинган.

Унга ва барча пайғамбарларга саломлар бўлсин!

## ЗУЛ-КИФЛ АЛАЙҲИССАЛОМ

### Зул-кифл алайҳиссаломнинг исми ва насл-насаби

Бишр (Зул-кифл) ибн Айюб алайҳиссалом.

### Зул-кифл алайҳиссаломнинг пайғамбарлиги ва баъзи фазилатлари

Аллоҳ таоло Айюб алайҳиссаломдан сўнг Бишр ибн Айюб алайҳиссаломни пайғамбар қилиб юборди. Унга Зул-кифл деб исм берди ва инсонларни тавҳид динига даъват қилишини амр этди. Зул-кифл алайҳиссалом Шомда яшарди. Аллоҳ таоло Қуръони каримда Зул-кифл алайҳиссалом ҳақида шундай марҳамат қилади:

وَلَسَعِيلَ وَإِدْرِيسَ وَذَا الْكِفْلِ كُلٌّ مِنَ الصّٰدِقِيْنَ  
وَأَدْخَلْنَاهُمْ فِي رَحْمَتِنَا إِنَّهُمْ مِنَ الصّٰلِحِيْنَ

“Исмоил, Идрис ва Зул-кифлни (эсланг). Барчалари сабр қилувчилардандир. Биз уларни ўз раҳматимизга дохил қилдик. Дарҳақиқат, улар солиҳ зотлардандир”.<sup>1</sup>

وَإِذْ كَرَّمْنَا إِبْرَاهِيْمَ وَإِسْحٰقَ وَيَعْقُوْبَ أُولِيَ الْاَيْدِي وَالْاَبْصٰرِ اِنَّا

<sup>1</sup> Анбиё сураси, 85-86-оятлар.

أَخْلَصْتَهُمْ بِخَالِصَةِ ذِكْرِ الدَّارِ ﴿٤٦﴾ وَإِنَّهُمْ عِنْدَنَا لَمِنَ الْمُصْطَفَيْنِ  
 الْأَخْيَارِ ﴿٤٧﴾ وَأَذْكَرَ إِسْتَعِيلَ وَالْيَسَعَ وَذَا الْكِفْلِ وَكُلٌّ مِنَ الْأَخْيَارِ ﴿٤٨﴾

(Эй, Муҳаммад!) Кувват ва фаросат эгалари бўлган бандаларимиз – Иброҳим, Исҳоқ ва Яъқубни эсланг! Биз уларни (бир) хислат – (боқий) диёр эслатмаси билан хос қилдик. Яна улар Бизнинг ҳузуримизда танланган, яхши кишилардандир. Яна Исмоил, ал-Ясаъ ва Зул-Кифлни эсланг! Барчалари яхши кишилардандир.<sup>1</sup>

Зул-кифл алайҳиссаломнинг Куръони каримда мақтовга сазовор буюк пайғамбарлар орасида зикр этилиши унинг ҳам пайғамбар бўлганини кўрсатади. Зул-кифл алайҳиссаломга Рум халқи итоат этди ва унинг пайғамбар эканини тасдиқлади.

### **Зул-кифл алайҳиссаломнинг вафоти ва ёши**

Зул-кифл алайҳиссалом Шомда вафот этди. У вафот этганида етмиш беш ёшда эди. Унга ва барча пайғамбарларга саломлар бўлсин!

## **ШУАЙБ АЛАЙҒИССАЛОМ**

### **Шуайб алайҳиссаломнинг насл-насаби**

Шуайб ибн Микоил ибн Яшжур ибн Мадян ибн Иброҳим алайҳиссалом. Шуайб алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломнинг қайнотаси эди. Унинг тили арабий эди.

### **Шуайб алайҳиссаломнинг шакли ва шамоили**

Шуайб алайҳиссалом ўрта бўйли, буғдойранг эди. Умринги охирига бориб кўзлари кўрмай, кўр бўлиб қолган эди.

<sup>1</sup> Сод сураси, 45-48-оятлар.

## **Шуайб алайҳиссалом пайғамбар этиб юборилган Мадян ва Мадянликлар, Айка ва Айкаликлар**

Мадян – Кулзум денгизининг юқорисида, Табук шаҳридан олти марҳала қадар узоқликда жойлашган, Табукдан каттароқ шаҳардир.

Мусо алайҳиссалом Мисрдан қочганида Шуайб алайҳиссалом ҳайвонларини суғорадиган қудуқ олдида бир бино қургани ҳолда Мадянда истиқомат қилмоқда эди. Шаҳарга Мадян ибн Иброҳимнинг номи берилган эди. Мадян халқининг энг катта гуноҳи – Аллоҳга ширк келтириб, атрофи бир-бирига чирмашган чинор дарахтига сиғинишлари, кўп гуноҳ қилганлари, тарозида адолатсизлик қилиши, йўлтўсарликни одат қилганлари, одамларни Шуайб алайҳиссаломнинг хузурига боришдан қўрқитиши, мўминларни қўрқитиб, динидан қайтаришга уринишлари, “Шуайб ёлғончидир! У сизларни динингиздан чиқаради!” – дейишлари эди.

Айка ҳам денгиз билан Мадян оралиғида жойлашган, қалин дарахтзорлар бўлган ер эди. Халқи “Дарахтзор эгалари” деб номланарди. Улар мадянликлар сингари Шуайб алайҳиссаломнинг қавми эмасди. Улар ўзларига пайғамбар юборилган иккита алоҳида қавм эдилар. Айкаликлар ҳам мушрик бўлиб, мадянликларнинг одатларини улар ҳам қилишарди.

## **Шуайб алайҳиссаломнинг пайғамбар этиб юборилиши ва баъзи фазилатлари**

Аллоҳ таоло Шуайб алайҳиссаломни ўз қавми бўлган мадянликларга ҳамда асҳоби Айкага пайғамбар этиб юборди. Шуайб алайҳиссалом Аллоҳ таоло Одам, Шиш, Идрис, Нух ва Иброҳим алайҳиссаломларга нозил қилинган саҳифаларни ўқир эди. Шуайб алайҳиссалом қавмини чиройли сўзлар билан баланд овозда тавҳид

диниға даъват қилгани учун уни “пайғамбарлар хатиби” дейишади.

Шуайб алайҳиссалом қавмини Аллоҳ таолога ибодат этишга, фиққ-у фасоддан узоқ бўлишга, гуноҳлардан тийилишга, зулм қилмасликка чақирди. Аллоҳ таолонинг уларга ризқини мўл, ҳаётларини қулай қилиб қўйиши уларга фойда бермади, аксинча йўлдан озиб, гуноҳлари ортишига сабаб бўлди. Шуайб алайҳиссаломнинг уларни Аллоҳнинг ғазаби билан огоҳлантириши кор қилмади. Шуайб алайҳиссалом фақатгина халқни эмас, Миср фиръавнини ҳам огоҳ этди. Унга: “Эй, фиръавн! Самон халқи, денгизлар ва тоғлар ғазабланганда Аллоҳ таолонинг ғазабга минишидан қўрқмайсанми?” – деди. Ўша пайтда пайғамбарларнинг асолари, шу жумладан, Мусо алайҳиссаломга мўъжиза тариқасида берилган асо ҳам Шуайб алайҳиссаломда эди.

### **Мадян халқининг ҳалок қилиниши**

Мадян ва Айка халқи Шуайб алайҳиссаломни ёлғончиға чиқарганлари ва унга итоат этмаганлари боис ғазабга учради. Аллоҳ таоло етти кун улардан майин шабадани тўхтатиб қўйди. Улар устига ёқиб-куйдирувчи жазирама юборди. Ҳарорат уларни бетоқат қилди. Уйларига кириб беркиндилар. Ҳарорат уйларига ҳам кириб борди.

Аллоҳ таоло етти кун Сош шамолини юборди. Жазирама қудуқлар ва чашмалардаги сувларни қуритди. Оёқлари остидаги иссиқдан товонлари куйди. Уларга на соя ва на сув фойда берди (ҳароратдан қутқара олди). Ниҳоят, уйларидан чиқиб сахрога қочдилар. Шунда Аллоҳ таоло уларга булут юборди. Улар булут остида тўпландилар. Барчаси булут остиға жамланганда ост томондан зилзилага, уст томондан Жаброил алайҳиссаломнинг сайҳасига дучор бўлдилар. Жаброил алайҳиссалом бақирганида тоғлар ва ер силкинди.

Аллоҳ таоло уларнинг устидан булутни олди ва ҳароратни орттирди. Сўнг улар устига оташ ёғдирди. Худди чигирткалар куйиб пишиб қолганларидек, улар ҳам куйиб пишдилар.

Мадян халқидан сўнг Айка халқи ҳам етти кун эсан жазирама оташ билан ҳалок қилинди. Аллоҳ таоло Шуайб алайҳиссалом ва унга итоат қилганларни бу азобдан асради.

### Қуръони карим Шуайб алайҳиссалом билан Мадян ва Айка халқи ҳақида

وَإِلَىٰ مَدْيَنَ أَخَاهُمْ شُعَيْبًا قَالَ يَا قَوْمِ اعْبُدُوا اللَّهَ مَا لَكُمْ مِنِّ إِلَهِ غَيْرُهُ ۚ قَدْ جَاءَتْكُمْ بَيِّنَةٌ مِّن رَّبِّكُمْ ۖ فَأَوْفُوا الْكَيْلَ وَالْمِيزَانَ وَلَا تَبْخُسُوا النَّاسَ أَشْيَاءَهُمْ وَلَا تُلْفِسُوا فِي الْأَرْضِ بَعْدَ إِصْلَاحِهَا ذَلِكُمْ خَيْرٌ لَّكُمْ إِن كُنتُمْ مُؤْمِنِينَ ﴿٨٥﴾ وَلَا تَقْعُدُوا بِكُلِّ صِرَاطٍ تُوعِدُونَ وَتَصُدُّونَ عَن سَبِيلِ اللَّهِ مَن ءَامَنَ بِهِ ۖ وَتَبْغُونَهَا عِوَجًا ۖ وَأذْكُرُوا إِذْ كُنتُمْ قَلِيلًا فَكَثَرْتُمْ ۖ وَأَنْظُرُوا كَيْفَ كَانَ عَاقِبَةُ الْمُفْسِدِينَ ﴿٨٦﴾ وَإِن كَانَ طَآئِفَةٌ مِّنْكُمْ ءَامَنُوا بِالَّذِي أُرْسِلْتُ بِهِ ۖ وَطَآئِفَةٌ لَّمْ يُؤْمِنُوا فَاصْبِرُوا حَتَّىٰ يَحْكُمَ اللَّهُ بَيْنَنَا ۖ وَهُوَ خَيْرُ الْحَاكِمِينَ ﴿٨٧﴾ قَالَ الْمَلَأُ الَّذِينَ اسْتَكْبَرُوا مِن قَوْمِهِ لَنُخْرِجَنَّكَ يَشُعَيْبُ ۖ وَالَّذِينَ ءَامَنُوا مَعَكَ مِن قَرْيَتِنَا أَوْ لَنَعُودَنَّ فِي مِلَّتِنَا قَالَ أَوْلَوْ كُنَّا كَرِهِينَ ﴿٨٨﴾ قَدْ أَفْتَرْنَا عَلَى اللَّهِ كَذِبًا إِن عُدْنَا فِي مِلَّتِكُمْ بَعْدَ إِذْ بَجَّعْنَا اللَّهُ مِنهَا وَمَا يَكُونُ لَنَا أَن نَّعُودَ فِيهَا إِلَّا أَن

يَشَاءُ اللَّهُ رَبُّنَا وَسِعَ رَبُّنَا كُلَّ شَيْءٍ عِلْمًا عَلَى اللَّهِ تَوَكَّلْنَا رَبَّنَا افْتَحْ  
 بَيْنَنَا وَبَيْنَ قَوْمِنَا بِالْحَقِّ وَأَنْتَ خَيْرُ الْفَاتِحِينَ ﴿٨١﴾ وَقَالَ الْمَلَأُ الَّذِينَ  
 كَفَرُوا مِنْ قَوْمِهِ لِيِنِ اتَّبَعْتُمْ شُعَيْبًا إِنَّكُمْ إِذًا لَخَسِرُونَ ﴿٩٠﴾ فَأَخَذْتَهُمُ  
 الرَّجْفَةُ فَأَصْبَحُوا فِي دَارِهِمْ جِثِيمٍ ﴿٩١﴾ الَّذِينَ كَذَبُوا شُعَيْبًا كَأَن  
 لَمْ يَغْنَوْا فِيهَا الَّذِينَ كَذَبُوا شُعَيْبًا كَانُوا هُمُ الْخَاسِرِينَ ﴿٩٢﴾  
 فَتَوَلَّى عَنْهُمْ وَقَالَ يَاقَوْمِ لَقَدْ أَبْلَغْتُكُمْ رِسَالَاتِ رَبِّي وَنَصَحْتُ  
 لَكُمْ فَكَيْفَ ءَأَسَىٰ عَلَىٰ قَوْمٍ كَافِرِينَ ﴿٩٣﴾ وَمَا أَرْسَلْنَا فِي قَرْيَةٍ  
 مِّن نَّبِيٍّ إِلَّا أَخَذْنَا أَهْلَهَا بِالْبَأْسَاءِ وَالضَّرَّاءِ لَعَلَّهُمْ يَضَّرَّعُونَ ﴿٩٤﴾  
 ثُمَّ بَدَّلْنَا مَكَانَ السَّيِّئَةِ الْحَسَنَةَ حَتَّىٰ عَفَوْا وَقَالُوا قَدْ مَسَّ ءَابَاءَنَا  
 الضَّرَّاءُ وَالسَّرَّاءُ فَأَخَذْنَهُمْ بَغْتَةً وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ ﴿٩٥﴾ وَلَوْ أَنَّ أَهْلَ  
 الْقُرَىٰ ءَامَنُوا وَاتَّقَوْا لَفَتَحْنَا عَلَيْهِم بَرَكَاتٍ مِّنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ  
 وَلَٰكِن كَذَبُوا فَأَخَذْنَهُم بِمَا كَانُوا يَكْسِبُونَ ﴿٩٦﴾ أَفَأَمِنَ أَهْلُ  
 الْقُرَىٰ أَن يَأْتِيَهُمْ بَأْسُنَا بَيِّنًا وَهُمْ نَائِمُونَ ﴿٩٧﴾ وَأَمِنَ أَهْلُ الْقُرَىٰ أَن  
 يَأْتِيَهُمْ بَأْسُنَا ضُحًىٰ وَهُمْ يُلْعَبُونَ ﴿٩٨﴾ أَفَأَمِنُوا مَكْرَ اللَّهِ فَلَا  
 يَأْمَنُ مَكْرَ اللَّهِ إِلَّا الْقَوْمُ الْخَاسِرُونَ ﴿٩٩﴾ أَوَلَمْ يَهْدِ لِلَّذِينَ يَرِثُونَ  
 الْأَرْضَ مِن بَعْدِ أَهْلِهَا أَن لَّو نَشَاءُ أَصَبْنَهُمْ بِذُنُوبِهِمْ وَنَطْبَعُ عَلَىٰ  
 قُلُوبِهِمْ فَهُمْ لَا يَسْمَعُونَ ﴿١٠٠﴾ تِلْكَ الْقُرَىٰ نَقِصُ عَلَيْكَ مِن نَّبَائِهَا  
 وَلَقَدْ جَاءَتْهُمْ رُسُلُهُم بِالْبَيِّنَاتِ فَمَا كَانُوا لِيُؤْمِنُوا بِمَا كَذَبُوا  
 مِن قَبْلُ كَذَٰلِكَ يَطْبَعُ اللَّهُ عَلَىٰ قُلُوبِ الْكَافِرِينَ ﴿١٠١﴾ وَمَا وَجَدْنَا  
 لِأَكْثَرِهِمْ مِّنْ عَهْدٍ وَإِن وَجَدْنَا أَكْثَرَهُمْ لَفَاسِقِينَ ﴿١٠٢﴾

Мадян (қабиласи)га биродарлари Шуайбни (элчи қилиб юбордик). У айтди: “Эй, қавмим! Аллоҳга сиғингиз! Ундан ўзга илоҳ йўқдир. Сизларга Раббингиздан ҳужжат келди. Бас, ўлчов ва тарозини тўлатўкис ўлчангиз, одамларнинг нарсаларини уриб қолмангиз ва яроқли қилиб қўйилгандан сўнг Ер (юзи)да бузғунчилик қилмангиз! Агар (чин) мўмин бўлсангиз, ана шу сизлар учун яхшидир. (Одамларни) кўрқитиш, Аллоҳга имон келтирганларни Унинг йўлидан тўсиш ва уни қинғир қилиш мақсадида ҳар кўчада ўтиримангиз! Озчилик эканингизда, (Унинг) кўпайтирганини эслангиз ва (ўтган) бузғунчиларнинг оқибати қандай бўлганига (бир) боқингиз! Агар сизлардан бир тоифа менга юборилган нарса (вахий)га имон келтириб, бошқа бир тоифа имон келтирмаган бўлса, ўртамизда Аллоҳ ҳукм қилгунга қадар сабр қилингиз! У ҳукм қилувчиларнинг энг яхшисидир”.

Унинг (Шуайбнинг) қавмидан кибрга берилган зодагонлари айтишди: “Эй, Шуайб! Қасамки, сени ва сен билан бирга имон келтирганларни шаҳримиздан чиқариб юборамиз ёки динимизга қайтасизлар!” У деди: “Динингизни ёқтирмайдиган бўлсакчи?” Динингиздан Аллоҳ бизни қутқаргандан кейин яна унга қайтсак, Аллоҳга ёлғон тўқиган бўламиз-ку? Унга қайтишимиз мумкин эмас, илло, Раббимиз – Аллоҳ хоҳлагани бўлур. Раббимиз ҳамма нарса бўйича илми кенг зотдир. Таваккулни Аллоҳга қилдик. Эй, Раббимиз! Биз билан қавмимиз ўртасида ҳаққоний ҳукм қил! Сен ҳукм қилувчиларнинг яхшисидирсан”.

Қавмининг кофир бўлган зодагонлари: “Қасамки, агар Шуайбга эргашсангиз, демак, сизлар зиён кўрувчи экансиз”, - дедилар. Бас, уларни мудҳиш зилзила тутди. Натижада ўз жойларида ўтирганла-

рича ер билан яксон бўлдилар<sup>1</sup>. Шуайбни ёлғончига чиқарганлар гўё у ерда (олдин) яшамагандек бўлдилар. Шуайбни ёлғончига чиқарганлар, ана ўшалар зиён кўрувчи бўлдилар. (Шуайб) улардан безди ва деди: “Эй, қавмим! Сизларга (мен) Раббимнинг топшириқларини етказдим ва сизларга насиҳат қилдим. Бас, энди кофирлар қавмига қандай қилиб ҳамдард бўлайин?!”

Бирор юртга пайғамбар юборган бўлсак, албатта, унинг аҳолиси тазарру қилар деб, (уларни) қашшоқлик ва касаллик (каби мусибатлар)га тутганмиз. Сўнгра (мазкур) ёмонлик ўрнига яхшилиқни алмаштирганимиздан кейин, мўл-кўл бўлиб кетишди ва: “Ота-боболаримизга (ҳам шу каби) қашшоқлик ва касаллик (каби мусибатлар) етишиб турар (ва яна даф бўлиб кетар) эди”, - дедилар. Шундан сўнг бехос уларни ўзлари сезмаган ҳолда (азобга) тутдик. Агарда (мазкур) юртларнинг аҳолиси имон келтирган ва тақво қилганларида эди, улар устига осмонлар ва Ердан баракотлар (эшиклари)ни очиб юборган бўлур эдик. Лекин (улар пайғамбарларни) ёлғончига чиқардилар. Натижада қилмишлари сабабли уларни (азобга) тутдик. (У) юртларнинг аҳолиси тунда ухләётганларида, уларга азобимиз келиб қолишидан хотиржаммилар?! Ёки (у) юртларнинг аҳолиси чошгоҳ пайтида ўйин-кулги ичра турганларида, уларга азобимиз келиб қолишидан хотиржаммилар?!

<sup>1</sup> Ибн Аббос (р.а.) сўзига қараганда, Шуайб алайҳиссалом қавмини ҳалок этишни ирода қилгач, Аллоҳ таоло уларга жаҳаннамдан бир эшик очиб қўяди. Ҳароратдан бетоқат бўлиб, сув, салқин жойларга ўзларини уришлари ҳам фойда бермайди. Ертўлага кирсалар, у ташқаридан ҳам иссиқ. Яна очиқ ҳавога чиқиб юрганларида Аллоҳ таоло уларнинг устига бир булутни соябон қилиб юборади. Ундан ёқимли совуқ шамол эсарди. Ҳаммаси шу булут соясига жам бўлганда шамол ўтга айланиб, уларни куйдира бошлайди. Ер силкинади. Қовурилган чигирткалардек ҳаммаси куйиб, кулга айланади. Қатода (р.а.) сўзига кўра. Шуайб алайҳиссалом икки қабилага юборилган: “Айка” – “ўрмон” аҳлига ва Мадян аҳлига. Айка қабиласи кишилари булут, яъни осмон балоси билан, Мадян аҳолиси эса, ер силкиниши билан ҳалок бўлган (Хз.).

Аллоҳнинг “макри”дан (ҳам) хотиржаммилар?! Аллоҳнинг “макри” (азоби)дан фақат зиён кўрувчилар қавмигина “хотиржам” бўлурлар.

Ерни олдинги аҳолисидан кейин мерос қилиб олувчиларни, хоҳласак гуноҳлари сабабли уларга (бало) етказа олишимиз тўғри йўлга солмадими?! Уларнинг дилларини муҳрлаб қўямиз. Натижада улар (ҳақ гапни) эшитмайдилар. Ана ўша юртларнинг хабарлари қиссасини Сизга айтмоқдамиз. Уларга пайғамбарлари ҳужжатларни (мўъжизаларни) келтирган эдилар. (Лекин) олдиндан уларни ёлғончига чиқарганлари сабабли имон келтирмадилар. Аллоҳ кофирларнинг дилларини ана шундай муҳрлаб қўяди. Уларнинг кўпларида аҳд (вафодорликни) топмадик. Кўпларини фосиқ эканликларини топдик (билдик).<sup>1</sup>

وَإِلَىٰ مَدْيَنَ أَخَاهُمْ شُعَيْبًا ۗ قَالَ يَنْقُورِ اعْبُدُوا اللَّهَ مَا لَكُمْ  
 مِنَ اللَّهِ غَيْرُهُ ۗ وَلَا تَنْقُصُوا الْمِكْيَالَ وَالْمِيزَانَ ۗ إِنِّي أَرَأَيْتُمْ  
 بِخَيْرٍ وَإِنِّي أَخَافُ عَلَيْكُمْ عَذَابَ يَوْمٍ مُّحِيطٍ ﴿٨٤﴾ وَيَنْقُورِ  
 أَوْفُوا الْمِكْيَالَ وَالْمِيزَانَ بِالْقِسْطِ ۗ وَلَا تَبْخَسُوا النَّاسَ  
 أَشْيَاءَهُمْ وَلَا تَعْتُوا فِي الْأَرْضِ مُفْسِدِينَ ۗ بَقِيَّتُ اللَّهِ خَيْرٌ  
 لَّكُمْ إِن كُنْتُمْ مُّؤْمِنِينَ ۗ وَمَا أَنَا عَلَيْكُمْ بِحَفِيظٍ ﴿٨٥﴾ قَالُوا  
 يَشْعَبُ ۗ أَسْأَلُكَ تَأْمُرُكَ أَن نَّتْرَكَ مَا يَعْبُدُ آبَاؤُنَا أَوْ أَن  
 نَّفْعَلَ فِي أَمْوَالِنَا مَا نَشَاءُ ۗ إِنَّكَ لَأَنْتَ الْحَلِيمُ الرَّشِيدُ ﴿٨٦﴾ قَالَ  
 يَنْقُورِ أَرَأَيْتُمْ إِن كُنْتُمْ عَلَىٰ بَيْنَةٍ مِّن رَّبِّي وَرَزَقْنِي مِّنْهُ رِزْقًا حَسَنًا  
 وَمَا أُرِيدُ أَنْ أَمْلِكَ لَكُمْ إِلَيْنِ مَا أَنهَكُمْ عَنْهُ ۗ إِن أُرِيدُ إِلَّا الْإِصْلَاحَ

<sup>1</sup> Аъроф сураси, 85-102-оятлар.

مَا اسْتَطَعْتُ وَمَا تَوْفِيقِي إِلَّا بِاللَّهِ عَلَيْهِ تَوَكَّلْتُ وَإِلَيْهِ أُنِيبُ ﴿٨٨﴾ وَيَقَوْمِ  
 لَا يَجْرِمَنَّكُمْ شِقَاقِي أَنْ يُصِيبَكُمْ مِثْلُ مَا أَصَابَ قَوْمَ نُوحٍ أَوْ قَوْمَ  
 هُودٍ أَوْ قَوْمَ صَالِحٍ وَمَا قَوْمَ لُوطٍ مِنْكُمْ بِبَعِيدٍ ﴿٨٩﴾ وَأَسْتَغْفِرُوا  
 رَبَّكُمْ ثُمَّ ثَابَرُوا إِلَيْهِ إِنَّ رَبِّي رَحِيمٌ وَدُودٌ ﴿٩٠﴾ قَالُوا يَشْعِيبُ مَا  
 نَفَقَهُ كَثِيرًا مِمَّا نَقُولُ وَإِنَّا لَنَرِيكَ فِينَا ضَعِيفًا وَلَوْلَا رَهْطُكَ لَرَجَمْنَاكَ  
 وَمَا أَنْتَ عَلَيْنَا بِعَزِيزٍ ﴿٩١﴾ قَالَ يَبْقَوْمِ آرَهْطِي أَعَزَّ عَلَيْكُمْ مِنَ اللَّهِ  
 وَاتَّخَذْتُمُوهُ وَرَاءَكُمْ ظَهْرًا إِنَّ رَبِّي بِمَا تَعْمَلُونَ مُحِيطٌ ﴿٩٢﴾  
 وَيَقَوْمِ أَعْمَلُوا عَلَى مَكَانَتِكُمْ إِنِّي عَمِلٌ سَوْفَ تَعْلَمُونَ مَنْ  
 يَأْتِيهِ عَذَابٌ يُخْزِيهِ وَمَنْ هُوَ كَذِبٌ وَأَرْتَقِبُوا إِنِّي مَعَكُمْ  
 رَقِيبٌ ﴿٩٣﴾ وَلَمَّا جَاءَ أَمْرُنَا نَجَّيْنَا شُعَيْبًا وَالَّذِينَ ءَامَنُوا مَعَهُ بِرَحْمَةٍ  
 مِنَّا وَأَخَذَتِ الَّذِينَ ظَلَمُوا الصَّيْحَةَ فَأَصْبَحُوا فِي دِيَارِهِمْ جِثِيمٍ ﴿٩٤﴾  
 كَأَن لَّمْ يَغْنَوْا فِيهَا آلَا بَعْدًا لِمَدِينٍ كَمَا بَعَدَتْ شُعُودٌ ﴿٩٥﴾

Мадян (қавми)га биродари Шуайбни (элчи-пай-гамбар этиб юбордик). (У) деди: “Эй, қавмим! Аллоҳга сиғинингиз! Сизлар учун ундан ўзга илоҳ йўқдир. Ўлчов ва вазндан уриб қолмангиз. Мен сизларни (ҳозирча) яхшилик (фаровонлик)да кўриб турибман ва мен сизларга (ҳаммани) қамраб олувчи кун (қиёмат)нинг азоби (бўлиши)дан қўрқаман. Эй, қавмим! Ўлчов ва вазни адолат билан тўла берингиз! Одамларнинг нарсаларини уриб қолмангиз ва Ерда фасод ишлари билан бузғунчилик қилмангиз! Агар мўмин бўлсангиз (билиб қўйингизки), Аллоҳнинг (ҳалол касбдан) қолдиргани сизлар учун яхшидир. Мен эса, сизларга (бойликларингизга) кўриқчи эмасман”.

(Улар) дедилар: “Эй, Шуайб! Ота-боболаримиз сиғиниб келаётган нарса (маъбуд)ларни тарк этишимизга ёки мол-мулкларимизни қандай хоҳласак, шундай бошқаришимизга қарши сенга намозинг буйруқ беряптими? Ахир, сен ҳалим ва тўғри йўлдаги одам эдинг-ку?!”

(Шуайб) деди: “Эй, қавмим! (Ўйлаб) кўрдингизми, ахир, (мен) Раббим томонидан хужжатга эга бўлсам ва (У) мени яхши ризқ билан таъминлаган бўлса (қандай қилиб сизларни ёмон ишлардан қайтармайин?). Мен сизларга мухолифлик қилиб, сизларни қайтараётган нарсани ўзим қилишни истамайман. Имконим борича, ислоҳдан ўзга ҳеч нарсани хоҳламан. (Бунга) муваффақ қилиш эса Аллоҳнинг ихтиёридадир. Унга таваккул этдим ва Унга инобат қилдим (ихтиёримни топширдим). Эй, қавмим! Менга хилоф қилишингиз сизларга Нуҳ қавмига ё Худ қавмига ёки Солиҳ қавмига етганга ўхшаган балолар етишига олиб келмасин, тағин! Лут қавми ҳам сизлардан узоқ эмас. Раббингиздан мағфират сўрангиз, сўнгра унга тавба қилингиз! Албатта, Раббим раҳмли ва (мўминларни) дўст тутувчи зотдир”.

Дедилар: “Эй, Шуайб! Сенинг айтаётганларингдан кўпини яхши англамаяпмиз ва биз сенинг орамиздаги бир ожиз (инсон) эканлигингни кўрмоқдамиз. Агар қариндошларинг бўлмаганида, сени тошбўрон қилган бўлур эдик. Сен биз учун азиз одам эмассан”.

(Шуайб) деди: “Эй, қавмим! Сизлар учун қариндошларим Аллоҳдан ҳам азизроқми? (Шунинг) учун Уни ортингизга (эътиборсиз) ташлаб қўйдингизми? Албатта, Раббим қилмишларингизни қамраб олувчидир. Эй, қавмим! Мақомингизда (эътиқодингизда) туриб иш қилаверингиз! Мен ҳам иш қилувчиман. Сўнгра кимга хор қилувчи азоб келиши ва ким ёлғончи эканини билурсиз. (Кутиб) кузатиб

турингиз! Мен ҳам сизлар билан бирга кузатувчидирман”.

Амримиз (азобимиз) келганда эса, Шуайбга ва у билан бирга имон келтирганларга Биздан (бўлмиш) раҳмат сабабли нажот бердик. Зулм қилганларни эса қичқириқ<sup>1</sup> тутди. Бас, (улар ўз) уйларида мурдаларга айландилар. Гўё у ерда (олдин) яшамагандек (излари ўчиб кетди). Огоҳ бўлингизки, Самуд (қавми) га ҳалокат етгани каби Мадян (қавми)га ҳам ҳалокат етсин!<sup>2</sup>

كذَّبَ أَصْحَابُ لَيْكَةِ الْمُرْسَلِينَ (١٧٦) إِذْ قَالَ لَهُمْ شُعَيْبٌ أَلَا نَنْقُونَ (١٧٧)  
 إِنِّي لَكُمْ رَسُولٌ أَمِينٌ (١٧٨) فَاتَّقُوا اللَّهَ وَأَطِيعُوا (١٧٩) وَمَا أَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ  
 مِنْ أَجْرٍ إِنْ أَجْرِيَ إِلَّا عَلَى رَبِّ الْعَالَمِينَ (١٨٠) أَوْفُوا الْكَيْلَ وَلَا تَكُونُوا مِنَ  
 الْمُخْسِرِينَ (١٨١) وَزِنُوا بِالْقِسْطَاسِ الْمُسْتَقِيمِ (١٨٢) وَلَا تَبْخَسُوا النَّاسَ  
 أَشْيَاءَهُمْ وَلَا تَعْتُوا فِي الْأَرْضِ مُفْسِدِينَ (١٨٣) وَاتَّقُوا الَّذِي خَلَقَكُمْ وَالْجِيلَ  
 الْأَوَّلِينَ (١٨٤) قَالُوا إِنَّمَا أَنْتَ مِنَ الْمُسَحَّرِينَ (١٨٥) وَمَا أَنْتَ إِلَّا بَشَرٌ  
 مِثْلُنَا وَإِنْ نَظُنُّكَ لَمِنَ الْكَاذِبِينَ (١٨٦) فَاسْقِطْ عَلَيْنَا كِسْفًا مِّنَ  
 السَّمَاءِ إِنْ كُنْتَ مِنَ الصَّادِقِينَ (١٨٧) قَالَ رَبِّي أَعْلَمُ بِمَا تَعْمَلُونَ (١٨٨)  
 فَكَذَّبُوهُ فَأَخَذَهُمْ عَذَابٌ يَوْمِ الظُّلَّةِ إِنَّهُ كَانَ عَذَابٌ يَوْمٍ عَظِيمٍ (١٨٩)

Айка халқи (“Дарахтзор эгалари” Шуайб пайғамбар қавми ўтган барча) пайғамбарларни инкор этдилар. Ўшанда уларга Шуайб айтган эди: (“Аллоҳдан) кўрқмайсизми?! Албатта, мен сизларга (Аллоҳ юборган) ишончли пайғамбардирман. Бас, Аллоҳдан кўрқингиз ва менга (Аллоҳнинг амрларига) итоат этингиз!

<sup>1</sup> Жаброил алайҳиссаломнинг қичқириғидан ҳалок бўлдилар.

<sup>2</sup> Худ сураси, 84-95-оятлар.

Мен бу (даъватим) учун сизлардан мукофот сўрамайман. Менинг мукофотим фақат оламларнинг Парвардигори зиммасидадир. Ўлчовни тўла ўлчангиз ва (одамларга) зиён етказувчилардан бўлмангиз! Шунингдек, (ваззли нарсаларни) тўғри тарози билан тортингиз! Одамларга нарсаларни камайтириб бермангиз ва ер юзида бузғунчилик тарқатиб юрмангиз! Шунингдек, сизларни ҳам, олдин яралганларни ҳам яратган Зотдан қўрқингиз!”

Улар дедилар: “Аниқки, сен (пайғамбар эмас, балки) сеҳрланган кимсалардандирсан. Сен ҳам худди бизларга ўхшаган одамдирсан. Бизлар сени ёлғончи кимсалардан деб гумон қиляпмиз. Бас, агар ростгўйлардан бўлсанг, устимизга осмоннинг бир бўлагини ташлаб юбор!”

У айтди: “Раббим сизларнинг қилаётган амалларингизни яхши билувчидир”.

Бас, улар (Шуайбни) инкор этишгач, уларни “соябон куни”нинг азоби тутди. Дарҳақиқат, у улкан (даҳшатли) куннинг азоби эди.<sup>1</sup>

﴿٣٧﴾ فَكَذَّبُوهُ فَأَخَذَتْهُمُ الرَّجْفَةُ فَأَصْبَحُوا فِي دَارِهِمْ جِثِيمٍ

Улар (Шуайбни) ёлғончига чиқаришгач, уларни даҳшатли zilзила тутиб, турган жойларида мурдага айландилар.<sup>2</sup>

## Шуайб алайҳиссалом билан мўминларнинг Маккага ҳижрат қилишлари

Мадян ва Айка халқи ҳалок бўлгач, Шуайб алайҳиссалом ўзига имон келтирган мўминлар билан бирга Маккага бориб жойлашдилар ва умрларининг сўнгига қадар у ерда яшадилар. Уларнинг қабри Каъбанинг ғар-

<sup>1</sup> Шуаро сураси, 176-189-оятлар.

<sup>2</sup> Анкабут сураси, 37-оят.

бида – Дорун-навда билан Бани Саҳм эшиги орасида жойлашгани ривоят қилинади. Қавми ҳалок этилган пайғамбарларнинг барчаси Маккага келишган ва шу ерда вафот этиб, шу ерга дафн этилганлар. Нух, Худ, Солиҳ ва Шуайб алайҳиссаломларнинг қабрлари Замзам билан Ҳажарул асвад орасида жойлашгани айтилади.

Шуайб алайҳиссалом вафот этганида бир юз қирқ ёшда эди. Унга ва барча пайғамбарларга саломлар бўлсин!

## **МУСО ВА ҲОРУН АЛАЙҲИССАЛОМЛАР**

### **Мусо алайҳиссалом ва Ҳорун алайҳиссаломнинг насаблари**

Мусо Имрон алайҳиссалом билан Ҳорун Имрон алайҳиссалом бир ота-онанинг фарзанди, ака-ука эдилар, Ҳорун алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломдан бир ёш катта эдилар.

### **Мусо алайҳиссаломнинг шакл ва шамоийллари**

Мусо алайҳиссалом узун бўйли, буғдойранг, нозик танли, жингалак соч эди. (*Ҳаким. Мустандрок. 2-жилд, 577-бет*)

### **Ҳорун алайҳиссаломнинг шакл ва шамоийллари**

Ҳорун алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломдан бўйи узунроқ, гўштдор, оқ-сарикдан келган, кўркам йигит эди.

Хушмуомала, очиқ чеҳрали, юмшоқ табиатга эга инсон эди.

### **Мисрда Исроил ўғиллари кўрган зулмлар ва Мусо алайҳиссаломнинг дунёга келишлари**

Юсуф бин Ёқуб алайҳиссалом даврида иккинчи Фиръавн (*Ибн Ҳабиб-Китобул муҳаббар с. 467*). Амир ибн Имлок бин Сом наслидан бўлган Рейян бин Валид дунёдан

ўтишидан аввал Юсуф алайҳиссалом уни иймонга даъват этган ва Аллоҳни танитган эди.

Рейянинг вафотидан сўнг унинг ўрнини Қобус бин Мусайб эгаллайди. Уни ҳам эзгуликка даъват қилган эдилар. Аммо фойдаси бўлмади. Қобус кофир ва зўравонлигича қолди. У оламдан ўтгач, ўрнини укаси Валид бин Мусайб эгаллади ва акасининг завжаси Осиёни ўз никоҳига олади. Валид бин Мусайб акаси Қобусдан зўравонроқ эди.

Валид бин Мусайб Миср фиръавнлари орасида энг узоқ умр кўрган, энг бадавлати ва Исроил ўғилларига кўп зулм қилган шахс ҳисобланади.

Фиръавн Валид Исроил ўғилларини қул ва хизматкор қилиб ишлатар эди.

Валид бин Мусайб Миср фиръавнларининг учинчиси эди. *(Табарий-Тарих . жилд 1, с. 199, Саолабий. Арайс. с. 166-167).*

Валид бин Мусайб қавмига бутлардан кўра ўзининг кўроқ нафи тегаётганини кўриб, ўзининг илоҳий кучига ишониб борди. Бир куни қавмини тўплаб:

“Мен сизларнинг улуғ тангрингизман!”-дея қавмига бутларга сиғинишни ман қилди ва ўзига итоат қилишларини амр қилди.

Исроил ўғилларига ҳам:

-Агар Менга сиғинсангиз сизни қулликдан озод қиламан, акс ҳолда энг оғир ишларни буюриб эзиб ишлатаман, -деди.

Исроил ўғиллари эса Фиръавннинг таклифини қабул қилишмади, аждодлари эътиқодидан қайтишмади.

Мусо алайҳиссаломнинг дунёга келишига яқин Фиръавн Валид тушида қибла томондан катта олов келиб, бутун Мисрни ёндириб қул қилгани, аммо Исроил ўғилларининг уйларига ҳеч қандай зарар етмаганини кўради. Эртасига сеҳргар, коҳин, фолбинларни ёнига чақириб, кўрган тушининг таъбирини сўрайди:

Улар:

- Ҳар ҳолда Исроил ўғиллари орасидан бир киши чиқиб, Мисрни бошқаради, - дедилар.

Бир куни Фиръавн мунажжимлари унинг ёнига келиб:

- Биз юлдузларга қараб шуни аниқладикки, Исроил ўғиллари орасида бир ўғлон дунёга келади. Унинг туғилишига оз вақт қолди. У бола сенинг салтанатингни тортиб олади. Сени енгиб ерингдан узоқлаштиради, динингни ўзгартиради, - дейишди.

Фиръавн ва маслаҳатчилари Аллоҳ Иброҳим алайҳиссалом наслидан пайғамбар ва ҳукмдорларни юбориши тўғрисида сўзлашдилар. Улар юборилиши лозим бўлган пайғамбар Юсуф деб ҳисоблар эдилар. Юсуф алайҳиссалом оламдан ўтгач, улар хотиржам эдилар.

Фиръавн:

-У ҳолда Исроил ўғиллари ҳақида қандай фикр билдирасиз?-деб сўради. Мажлис аҳли:”Қўлида қурол билан жаллодлар Исроил ўғиллари қавмини бирма-бир текшириб, янги туғилган ҳар бир ўғил чақалоқни ўлдириш“фикрини ўртага ташлади. *(Табарий. Тарих, жилд 1, с. 202; Ибн Асир. Комил, жилд 1, с 170-171).*

Шу маслаҳат билан Фиръавн Исроил қавмида туғилган қиз фарзандга тегмаслик, барча ўғил чақалоқларни эса ўлдиришни буюради. Жаллодлар унинг амрини амалга оширишни бошладилар.

Мисрнинг бошқа қавми эса таҳликага тушди.

-Исроил қавмида эркак зоти туғилган заҳоти бу тариқа ўлдираверилса, мамлакатнинг оғир ишлари, юмушлари бизнинг бўйнимизга тушади. Бирор чорасини топиш лозим, -деб фикрлашди. Ҳар бир қавмнинг оқсоқоли йиғилиб Фиръавн ҳузурига келдилар:

-Эй буюк зот. Исроил ўғиллари қавми ўртасида ўлим кўпайди. Бу кетишда энг оғир ишлар ҳам бизнинг зиммамизга тушади. Уларнинг ўғил фарзандларини туғилганидан ўлдираяпсиз. Сиздан илтимос, бир йил уларни

ўлдириб, бир йили ўғил фарзандларини ўлдирманг. Бу билан улар кўпайиб кетмайди-деб илтимос қилдилар.

Шу билан Фиръавн ўғил фарзандларни бир йил ўлдириб, бир йил ўлдирмаслик фармонини берди.

Шу тариқа Ҳорун алайҳиссалом ўғил фарзандлар ўлдирилмайдиган йили дунёга келдилар. Мусо алайҳиссалом дунёга келиши яқинлашган вақтда эса ўғил фарзандлар ўлдириладиган йил эди. Жаллодлар аямай чақалоқларни ўлдиришарди. Ҳорун алайҳиссаломнинг муҳтарама оналари ҳомиласидан хавотирланиб, агар ўғил туғилса, нима қиламан, деб таҳликага тушдилар. Шунда аёлга Аллоҳ Таолодан ваҳий келди: “Эй бандам! Кўркма! Ҳомиланг туфайли сенга хавф туғилса ўзингни Нил дарёсига ташла. Чақалоқнинг чўкишидан кўркма, қайғурма. Чунки, биз уни яна сенга қайтарамиз. Шунингдек, уни пайғамбар қилиб юборамиз.”

Вақти-соати келиб, Мусо алайҳиссалом дунёга келдилар. Онасини эмизди. Сўнгра бир устани чақириб, сандиқ яساتди. Калитни сандиқ ичига қўйди. Чақалоқни сандиқ ичига солиб Нил дарёсига ташлади. Мусонинг алайҳиссалом опасига:

– Укангни ортидан кузатиб бор, – деб буюрди.

Опаси сандиқдан узоқроқда, уни оқим қаерга олиб боришини таъқиб қилиб борди. Фиръавннинг одамлари у қизни Мусо алайҳиссаломнинг опаси эканини, уни кузатиб бораётганлигини билишмади. Тўлқин сандиқни чайқатиб-чайқатиб, оқизиб борарди. Оқим сандиқни Фираъавннинг қароргоҳи ёнидаги соҳилга оқизиб келиб ташлади. Бу орада Фиръавннинг хотини Осиё хоним Нил денгизига жориялари билан чиққан эди. Жориялари сандиқни топиб олишди ва хонимга олиб келишди. Улар сандиқ ичида бойлик бор, деб ўйлаган эдилар. Осиё хоним сандиқ ичидаги чақалоқни кўриб, унга нисбатан меҳри уйғонди. Фиръавнни бу воқеадан хабардор қилишганида, у дарров болани ўлдирмоқчи

бўлди. Аммо Осиё хоним уни ниятидан қайтишини илтимос қилди.

Фиръавн:

-Бу бола Исроил қавмидан бўлмасин, ҳалокатимиз шу бола қўлида бўлиши мумкинлигидан хавотирдаман, - деди.

Мусо алайҳиссалом учун энага ахтара бошлашди, лекин чақалоқ ҳеч қайси топилган энагаларнинг кўкрагини оғзига олмади, сутини эммади. Шунда Мусо алайҳиссаломнинг опаси уларга:

-Мен сизга бу чақалоқни эмиза оладиган ва яхши тарбиялаб парваришлайдиган бир оилани кўрсатайми?-деди.

-Сен бу болани танийсан, тўғрими? Унинг оиласини кўрсат, - деб қизни сўроққа тутдилар.

-Йўқ, мен бу болани ҳам, оиласини ҳам танимайман. Мен фақат шоҳ тўғрисида яхши ниятда бўлган, уни дуо қилувчи бирор оилани назарда тутган эдим, - деди Мусо алайҳиссаломнинг опалари.

Қизнинг гапи билан Мусо алайҳиссаломни онаси ёнига олиб бордилар. Ажабки, чақалоқ бу аёлнинг кўкрагини оғзига олди, тамшаниб-тамшаниб эма бошлади. Онаси сал қолди: "Бу менинг болам", деб сирни очиб қўйишига. Фақат буюк Аллоҳ уни бундан қайтарди.

Мусо алайҳиссалом атак-чечак қилиб юришни бошлаганида Осиё хоним уни ўйнатар эди. Бир куни шундай ўйнатиб ўтирганларида Осиё хоним болани Фиръавнга узатиб: - Мен ва сизга хушxabар бўлган болани сиз ҳам кўтаринг, ўйнатинг, - деди. Фиръавн: - Менга эмас, сен учун хушxabардир, - деди эътироз билдириб. Агар Фиръавн: - Мен учун хушxabар, - деб болани олганида жаҳолатдан узоқлашиб, иймонга қайтган бўларди. Фиръавн уни олиб ўйнатди. Мусо алайҳиссалом уни соқолини ўйнаб, юлади. Фиръавн аччиқланиб:

- Жаллод, бу болани ўлдир! - деди.

- Бу болани ўлдирманг, илтимос. Балки бизга кўп фойдаси тегар. Уни асраб олармиз. У ҳали бола, ҳеч нимани тушунмайди. Ижозат беринг, боланинг сизнинг салтанатингизга хавф солиш-солмаслигини синаб кўрамиз. Мисрликлар орасида доно тадбир топа олишим билан машҳур бўлганимни биласиз. Синов ўтказаман. Боланинг олдига порлаб турган ёқут ва ёниб турган чўғни кўямиз. Агар бола ёқут тошни танласа, унда келажақда сизга зарар етказиш хавфи бор, ўлдиришингиз мумкин. Ақлли бола ҳисобланади. Агар ақл билан иш юритмай, чўғни танласа, сизга боланинг зарари тегмайди. Уни ўлдириш фикридан воз кечасиз, – деди Осиё хоним. Мусо алайҳиссалом олдиларига ёқут тош ва чўғни келтириб қўйдилар. Шунда бола бошида Жаброил алайҳиссалом ҳозир бўлиб, унинг қўлини чўғ томон чўзди. Бола чўғни оғзига олиб борди ва тилини куйдирди. Шу тариқа Фиръавн унинг зиёни йўқлигига ишониб, болани ўғил қилиб асраб олди. Шу кундан бошлаб Мусо алайҳиссалом Фиръавн саройида унинг ўғли сифатида тарбиялана бошлади. У Фиръавннинг уловларини миниб ўйнар эди. Бир куни отга миниб Фиръавн сайрга чиқди. Мусо алайҳиссалом саройга келганларида Фиръавнни сўрадилар. Уни сайрга кетганини айтишди. Мусо алайҳиссалом ҳам отга миниб унинг ортидан кетдилар. Дўконлар қулф бўлгани, вақт шомга яқинлашгани учун кўчада ҳеч ким йўқ эди. Мусо алайҳиссалом йўлда Исроил ва Фиръавн қавмдан бўлган икки кишининг жанжаллашаётганига дуч келди. Исроил қавмидаги киши ундан ёрдам сўради. Шунда Мусо алайҳиссалом уни кўкрагига бир мушт туширди. Зарба қаттиқ бўлганлигидан ҳалиги киши жон берди. Мусо алайҳиссалом: Бу шайтоннинг ишидир. Шайтон инсонни тўғри йўлдан оздирувчи душманидир. Эй Раббим, бу одамни ўлдириб, гуноҳга ботдим. Тавбамни қабул қил, – дедилар. Раҳмдил ва Раҳмон Аллоҳ унга марҳамат қилди. Бу ҳодиса дарров халқ орасида

тарқалди. Фиръавн бундан хабар топиб: – Тезда уни қўлга олинг, – деб буюрди. Мусо алайҳиссалом тор кўчадан ўйга ботган ҳолда кетарди. Шунда олдига бир киши келиб: – Эй Мусо, Миср ҳоқими вазирларининг маслаҳати билан сени ўлимга маҳкум қилди. Қўлга олмасларидан тезроқ бу ерни тарк эт. Мен сенга яхшилик тилайман ҳолос, – деди.

### Мусо алайҳиссаломнинг Мадиянга бориши

Бу хабарни эшитган Мусо алайҳиссалом таҳлика ичида шаҳардан бош олиб чиқиб кетдилар. – Эй Аллоҳ, мени бу золим қавмдан қутқар, – деб илтижо қилдилар. Шу пайт қўлида найза ушлаган отлиқ бир фаришта Мусо алайҳиссаломнинг қаршисида пайдо бўлди ва менинг ортимдан юр, – деди. У Мусо алайҳиссаломни Мадиянга бошлаб борди. Йўл узоқ, Мусо алайҳиссаломнинг дарахт баргларида бошқа егулиги йўқ эди.

Мусо алайҳиссалом шаҳар дарвозасига етиб келганларида, молларини суғораётган кишиларни кўрдилар. Улардан берирокда икки қиз ҳам кутиб турар, эркаклар кўплиги сабабли улар ариққа яқин бора олмаётган эдилар. Мусо алайҳиссалом улардан сўрадилар: – Нима гап? Нега сувга яқин бора олмаяпсизлар?

– Аёл киши бўлганимиз сабабли яқин бора олмаяпмиз. Чўпонлар молларини суғориб бўлгачгина сув олиб кетамиз. Отамиз бор-у, аммо жуда кекса. Сув олиб келишга ярамайди, – деди қизлардан бири. Мусо алайҳиссаломнинг уларга раҳми келди. Қизлар қўйларини суғориб олишларига кўмаклашдилар. Кейин Мусо алайҳиссалом шу ердаги дарахт тагига ўтиб: **«Эй Раббим! Мен учун нима яхшилик (ризқ) туширсанг, ўшанга муҳтождирман»** (Қасас: 24) – деди. У бу гапни айтганида унинг очликдан бир аҳволга келганини биров кўрса, раҳми келиб кетарди. Жуда ночор аҳволда бўлса-да Мусо

алайҳиссалом Аллоҳдан бир луқма егуликдан бошқа нарса сўрамади. *(Табарий. Тарих, жилд 1, 199-205-бет).*

Қизлар эса вақтли уйга қайтишди. Бундан ҳайрон бўлган ота:

– Тинчликми, ҳар куни кечга яқин келар эдингиз, нима бўлди, бугун эрта қайтибсиз? – деб сўради.

– Сахий бир инсон учраб қолди. Молларимизни суғоришга ёрдамлашди, – деб қизлари бўлган воқеани оталарига айтиб беришди. Шуайб алайҳиссалом қизларидан бирига:

– Бориб сизларга ёрдам берган ўша инсонни бошлаб кел, – деб буюрди. Қизи ҳам бошига ёпинчиғини ёпиб, уяла-уяла Мусо алайҳиссаломнинг ёнларига борди.

– Бизга қилган яхшилигингизни тақдирлаш учун отам сизни чақираяптилар, – деди. Бу чорлов Мусо алайҳиссаломга у қадар хуш келмади. Аммо бу кимсасиз жойларда йиртқич ҳайвонлар ҳам бўлишини ҳисобга олиб, бу таклифни қабул қилишга мажбур бўлди. Улар уйга етиб келишганида кечки овқат тайёр бўлган эди. Шуайб алайҳиссалом:

– Келинг меҳмон, дастурхонга марҳамат, – деб уни таклиф этди. – Аллоҳга итоат қиламан, – деб Мусо алайҳиссалом таом ейишни рад этди. *(Ибн Асир. Комил, жилд 1, с 177).*

Шуайб алайҳиссалом: – Нега бундай қилаяпсан? Овқатланмайсанми? – деб сўрадилар.

– Ҳа, қорним оч. Лекин бу яхшилигингиз қизларингизга ёрдамлашганим эвазига бўлса, мен буни истамайман.

– Йўқ бўтам. Асло бу хизматларинг эвазига деб ўйлама.

Бу ота-боболаримиздан қолган удумдир. Уйимизга келган меҳмонни яхши таом билан сийлаймиз, – дегач Мусо алайҳиссалом ўтириб овқатланишга рози бўлдилар. Сухбат чоғида Мусо алайҳиссалом бошларидан ўтганларини сўзлаб бердилар. Шуайб алайҳиссалом:

– Кўрқма! У золимлардан энди қутилдинг, – дедилар.  
(Ибн Асокир. *Тарих, жилд 6, с 322*).

### **Мусо алайҳиссаломнинг Шуайб алайҳиссаломга куёв бўлиши**

Сухбат давомида Шуайб алайҳиссаломнинг Мусо алайҳиссаломга ихлослари ошиб, уни куёв қилиш нияти уйғонди. – Ўғлим, сени саккиз йил чўпонлик қилиб бериш шarti билан қизларимдан бирини сенга узатмоқчиман, – дедилар. – Бу сиз билан менинг ўртамиздаги гап. Сиз айтган шартни қайси пайтда бажарсам ҳам ҳеч бир хусумат бўлмайди. Аллоҳ шу ўртамиздаги келишувга гувоҳдир, – деди (*Қасас сураси, 27-28*). Мусо алайҳиссалом. Кейин Шуайб алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломга бермоқчи бўлган қизлари Сафурага буюрдилар:

– Қизим, Мусога қўйларни боқишда фойдаланиш учун бир асо келтир.

Қизлари бир асо келтирди, бу асо инсон суратига кирган бир фаришта томонидан ясалган ва Шуайб алайҳиссаломга омонат топширилган эди. Ўша вақтда пайғамбарларнинг асоларини Шуайб алайҳиссалом кўз қорачиғидай асрар эди. (*Солабий. Арайис, 175-бет*)

Шуайб алайҳиссалом қизи кўримсиз бир асони келтирганини кўриб, уни ортга қайтарди ва яхшироқ асо келтиришни буюрдилар. Қиз асолар турган жойга келиб, бошқа асони оламан деса, қўлига ҳар гал яна шу асо тушар эди. Ниҳоят Шуайб алайҳиссалом шу асони Мусо алайҳиссаломга бердилар:

–Ол буни, ёнингда бўлсин! Йиртқич ҳайвонлардан ўзинг ва қўйларингни ҳимоя қиласан, – дедилар.

Мусо алайҳиссалом асони олиб, қўйларни боқишга кетдилар. Асо икки санчқили, учи эгри эди. Мусо алайҳиссалом кетгач, Шуайб алайҳиссалом асонинг бақувват эмаслиги, Мусога бирор зарар етмаслигини ўйлаб, асо-

ни қайтариб, бақувватроғини бериб келиш учун ўзлари унинг ортидан кетдилар. Мусо алайҳиссаломга етиб олгач:-Асони менга қайтариб берақол, -дедилар. -бу менинг асомдир, деб Мусо алайҳиссалом асони беришни истамадилар. Иккалалари кўп тортишгач, охири ҳозир олдиларидан бирор кимса ўтса, ўша инсон уларнинг муаммомини ечиб беришини илтимос қилмоқчи бўлдилар. Шу пайт инсон суратига кирган бир фаришта улар ёнидан ўтди. Уларнинг илтимосини тинглаган фаришта деди:-Асони ерга қўйинг. Уни ким ердан кўтара олса, асони ўша киши олиб кетади, -деб ҳукм қилди. Мусо алайҳиссалом асони ерга қўйдилар. Шуайб алайҳиссалом асони шунча уринсалар ҳам ердан кўтара олмадилар. Мусо алайҳиссалом бир уринишда асони ердан олдилар. Буни кўриб Шуайб алайҳиссалом асони унга бердилар.

Шу тариқа Мусо алайҳиссалом Шуайб алайҳиссаломга куёв бўлдилар. Аллоҳ ҳоҳишига кўра маълум муддат Мадиянда яшадилар ва ниҳоят Аллоҳнинг ихтиёри билан бу шаҳарни тарк этдилар. (*Солаби Ароис, 175-бет; Табарий, Тарих, 1-жилд, 206-бет; Ибни Асир, Комил, 1-жилд, 177-бет*)

### **Мусо алайҳиссаломнинг Мадиянни тарк этишлари**

Мусо алайҳиссалом Шуайб алайҳиссаломнинг қизлари-рафиқаси Сафура хонимни олиб Мадиянни тарк этганларида қиш фасли эди. Улар сафарда давом этаркан, кундузлари Мусо алайҳиссалом асоси билан дарахтлардан қўйларга барг тўкиб берар, кеч тушгач олов ёқиб, олов атрофида хотини ва қўйлари билан тунар эдилар. Шу тариқа улар йўлларида давом этдилар. (*Табарий. Тарих, жилд 1, с 207*). Улар Шом чўлларидан ўтишди. Орада йўллари йўқотдилар. Бораётган йўллари уларни Тур тоғининг ўнг томонидаги дарасига олиб борди. Тун жуда

қоронғу бўлиб, бу орада ёмғир ҳам ёғишни бошлади. Сафура хонимни эса тўлғоқ тута бошлади. Мусо алайҳиссалом олов ёқиб, оиласини иситмоқчи эди. Аммо чакмоқдан олов чиқмади. Кўп уринди, аммо натижа бўлмади; ночор қолди, ташвишга тушди, асабийлашди. Бир йўли топилиб қолар, деб атрофни кузата бошлади. (Табарий. Тарих, 1-жилд, 207-бет. Ибни Асир. Кўрсатилган китоб, 1-жилд, 177-бет).

### Мусо алайҳиссаломга ваҳий келиши ва пайғамбар бўлишлари

Қуръони каримда баён қилинганидек, Мусо алайҳиссалом:

إِذْ رَأَىٰ نَارًا فَقَالَ لِأَهْلِهِ امْكُثُوا إِنِّي آنَسْتُ نَارًا لَّعَلِّي آتِيكُم مِّنْهَا بِقَبَسٍ  
أَوْ آجِدُ عَلَىٰ النَّارِ هُدًى ﴿١٠﴾

“Эсланг, у (узоқдан) бир оловни кўриб оиласига: “Шу ерда тулинг, Мен бир оловни кўриб қолдим, шоядки сизларга бирор чўғ олиб келсам ёки шу ўт (атрофида) бирор йўл кўрсатувчи топмас”, – деди.<sup>1</sup>

Бирор чора топилиб қолар, – деб атрофни кузата бошладилар. Шу пайт ер ва осмон ўртасида қуёш шуъласи каби кўзни қамаштирувчи Нурга дуч келдилар. Дастлаб уни оддий оташ деб ўйладилар. Холбуки у оташ эмас, Аллоҳ таоло юборган бир парча нур эди. Мусо алайҳиссалом шу нур томон юрдилар. Қарасалар, нур бир ям-яшил дарахт орқасидан чиқаяпти. Нур таралгани сари ҳалиги дарахтнинг ям-яшиллиги ортаётганини кўриб Мусо алайҳиссалом лол қолдилар. Унга яқинлашганларида нур ва дарахт ортга чекинди. Уни ортга кетаётганини кўриб қўрқди ва орқасига қайтмоқчи бўлди. Бирок оташ нури яна унга яқинлашди. Мусо алайҳиссаломнинг

<sup>1</sup> Тоҳо сураси, 10-оят.

қўрқуви кучайди. Қўрқув шунчалик кучлилигидан ҳатто ақли бошидан учишига оз қолди. (*Аҳмад ибе Ҳанбал. Аз-зуҳд, 80-бет; Табарий. Тарих, 1-жилд, 206-бет*). Шунда водийнинг ўнг қирғоғидаги дарахтдан:

– Эй Мусо, – деган овоз келди.

– Лаббай, Марҳамат қил, амринг бош устига, – деди Мусо алайҳиссалом шошиб, уни ким чақираётганини англамасдан. – Мен овозингизни эшитаяпман, лекин ўзингизни кўрмаяпман.

– Мен бошингда, ўнг, чап томонингдаман, ёнингдаман, сенга сендан яқинман. Шунда бу овоз буюк Аллоҳники эканини Мусо алайҳиссалом англадилар. (*Абулфарин ибн Навзий. Табсира, 1-жилд, 220-бет*).

Бошқа бир ривоятга кўра: Мусо алайҳиссалом: “Ё Раббим, сен яқиндамисан, унда секинроқ сўзлай. Агар узоқда бўлсанг, озгина овозимни кўтарайин, – дедилар. – Мен овозингни эшитаяпман. Аммо ўзингни кўрмаяпман. Шунда яна овоз келди: – Эй Мусо, қайсики бандам мени эслаб, дуо қилганида унинг ёнида ҳозирман, – дея марҳамат қилди.

– Алҳамдулиллаҳи Раббил Олабийн-Оламларни яратган Раббимга ҳамд бўлсин. Шу тариқа Мусо алайҳиссаломга “Эй Мусо, Оламини яратувчи Аллоҳ мендурман” деб билдирилди (буюрилди).

Аллоҳ ҳузурида бўлишнинг улуғворлигидан Мусо алайҳиссаломнинг қалби зарб билан ура бошлади. Тиззалари дир-дир титрар, тили тутилган, танаси бўшашиб, ҳаракатсиз ҳолга келган эди. Аллоҳ таоло бир фариштани юбориб, Мусо алайҳиссалом юрагига қувват берди, ўзига келтирди.

– Эй Аллоҳим! Тинглаган каломим сенинг овозингмиди ёки элчиниқи? – деб сўрадилар Мусо алайҳиссалом.

– Ҳа, сен билан мен суҳбатлашдим, эй Мусо, қўлингданги нима?

– Бу менинг асом.

- Ундан нима учун фойдаланасан?

- Толиққанимда унга суяниб дам оламан, асо билан дарахтлардан барг тушириб, қўйларимга бераман, - деди Мусо алайҳиссалом.

- Эй Мусо, уни қўлингдан ташла, - деб буюрди Аллоҳ. Мусо алайҳиссалом асони ерга ташлашлари билан у илонга айланди. Аллоҳ асони қайси шаклга киришини истаган бўлса, уни ихтиёри бўлди. - Эй Мусо, кел, қўрқма. Биз уни эски ҳолига, асога айлантирамиз. Мусо алайҳиссалом қўрқув ичида бу мўъжизаларни лол-у ҳайрон бўлиб кузатиб турар эдилар. Кейин: - Қўлингни қўйнингга сол, у ҳеч зарарсиз оппоқ рангда бўлади, - деган овоз келди. Мусо алайҳиссалом буғдойранг эдилар. Аллоҳ буюрганини бажарган эдилар, қўли қордай оппоқ рангга айланди. Яна қўллари қўйниларига солган эдилар, буғдойрангга айланди. Аллоҳ Мусо алайҳиссаломга:

- Шу икки мўъжиза Фиръавн ва унинг қавмига Аллоҳдан иккита огоҳлантиришдир. Чунки улар фосиқлар қавмидир, - деб буюрди.

- Эй Раббим, мен улар қавмидан бир одамни ўлдириб қўйган эдим. Бунинг учун улар мени ўлдиришларидан қўрқаман, - дедилар Мусо алайҳиссалом. Акам Ҳорун менга қараганда зийрак, сўзга уста. Уни ҳам менга ёрдамчи қилсанг. Мен Аллоҳ амрини одамларга етказганимда мени тушунишмаса, акам улар кўнглига йўл топиб тушунтиради.

- Эй Мусо, илтимосинг амалга ошади. Боринг, акангиз билан бирга менинг амримни одамларга етказинг. Унутманг, сизлар доим менинг паноҳимдасиз. У золимлар сизга зиён етказа олмайдилар. Улар устидан ғалаба қозонасиз, - дея буюрди Аллоҳ.

Марҳаматли эгам Мусо алайҳиссаломни етти кеча-кундуз ўз ҳолига қўйди. Еттинчи кун Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга: - Боринг, акангиз билан менинг оятларимни одамларга етказинг”, - деб буюрди.

## **Мусо алайҳиссалом оиласини Мадиянга олиб боришлари**

Мусо алайҳиссаломнинг рафиқаси Сафура хонимни Тува водийсида тўлғоқ тутиб, ўғил фарзандни дунёга келтирди. Мусо алайҳиссалом эса Тур тоғида биринчи келган ваҳий билан машғул бўлиб, оиласи олдига кела олмаётган эдилар. Оиласи Мусо алайҳиссалом қаерда эканлигидан, нималар қилаётганлигидан беҳабар эдилар. Сафура хоним боласи билан ёлғиз водийда яшар эдилар. Бир куни Шуайб алайҳиссалом оиласидан бир чўпон қўй боқиб юриб, уларнинг чодири ёнига келиб қолди. Уларни таниб, ёлғиз ташлаб кетмай, Шуайб алайҳиссалом ёнига олиб кетди.

Мусо алайҳиссаломнинг рафиқаси ва фарзанди то Фиръавннинг денгизда ҳалок бўлгани хабари етиб келгунигача қадар Мадиянда отаси Шуайб алайҳиссалом ёнида қолдилар. *(Ибн Асир. Комил, 1-жилд, 180-бет).*

## **Мусо алайҳиссаломнинг Мисрга боришлари**

Аллоҳ Таоло Мусо алайҳиссаломни Мисрга юборди. У Мисрга олиб борувчи йўлни билмас эди, Аллоҳ унга йўл кўрсатарди. Мусо алайҳиссалом кундузлари рўза тутар, кечалари намоз ўқир эдилар. Ниҳоят Мисрга етиб келдилар. Кечаси оналарининг хондонига кириб келдилар. На ўзлари оилаларини танидилар, на оила аъзоларини Мусо алайҳиссаломни танидилар. Уй эгалари дастурхон ёзиб, маржумак ичар маҳали Мусо алайҳиссалом хонанинг бу томонига ўтиб ўтирдилар. Шу пайт Ҳорун ишдан қайтиб, уни кўргач, онасидан кимлигини сўради. Онаси унинг мусофирлигини айтгач, Ҳорун Мусо алайҳиссаломни дастурхонга таклиф қилди. Дастурхон устида суҳбатлаша туриб, Ҳорун Мусо алайҳиссаломдан:

-Кимсиз?Қаердан келаяпсиз?-деб сўради.

-Мен Мусоман, -деган жавобни эшитиши билан оёққа қалқиб, укаси билан қучоқлашиб кўришди. Зотан, Аллоҳ таоло Ҳорун алайҳиссаломга Мусо (а.с.)нинг Мисрга, ўз хонадонига келаётганлигини, яқинда кўришишларини ваҳий қилиб юборган эди. Мусо алайҳиссалом Ҳорун алайҳиссаломга:-Эй Ҳорун! Мен билан бирга Фиръавн олдига боринг, -дедилар. Яратган Эгам бизни унга пайғамбар қилиб юборди. Ҳорун деди:

-Хабарим бор. Яратган Эгам амрига итоат қиламан.

Фиръавн олдига бормаисиз, - деб эътироз билдирди. Аммо улар онанинг сўзини бу сафар рад этишга мажбур бўлишди. Ҳорун алайҳиссалом Мусо алайҳиссаломга ва-зир ва кўмакчи этиб тайинланиб, Аллоҳ таоло томонидан пайғамбарлик даражасига кўтарилди. (Фурқон, 35; Қасос, 35)

### **Мусо алайҳиссалом ва Ҳорун алайҳиссаломларнинг Аллоҳга муножоти. Фиръавн билан учрашишлари**

Мусо алайҳиссалом ва Ҳорун алайҳиссалом лар Яратган Эгамга:-Эй Раббим! Рости, Фиръавн биз билан қасдлашиб қолиши, зулм ортишига ўйланаяпмиз, -дея илтижо қилдилар. Аллоҳ таоло:-Кўрқманг! Чунки мен сиз билан доим биргаман. Мен( ҳамма нарсани) эшитаман, кўраман! Ҳозироқ боринг-да унга шундай денг:

-Биз Раббимнинг икки элчисимиз. Энди Исроил қавмини биз билан бирга жўнат. Уларни маҳкумлиқда сақлама! Биз сенга Аллоҳ таолодан бир оят олиб келдик. Салом (ва саломат) ҳаққа тобеъ бўлганларгадир”

Бизга шу ҳақиқат ваҳий қилиндики, азоб пайғамбарлар сўзини ёлғонга чиқарганларга ва (Ҳақдан)юз ўгирган лар бошидадир.

Юқоридаги гапдан сўнг ака-ука йўлга чиқиб, кечаси Фиръавн қароргоҳига етиб бордилар ва дарвозани

тақиллатдилар. Дарвозабон ҳам, Фиръавн ҳам қўрқувга тушдилар. Фиръавн:-Ким у, бемаҳалда дарвозамни таққиллатаётган?-деб сўради. Дарвозабон юқоридан улар билан гаплашиб, нима ишашларини сўради. Мусо алайҳиссалом унга:-Биз оламлар Парвардигорининг Расулимиз!-дейишлари билан қўрқди. -Сен кимнинг дарвозасини таққиллатаётганингни биласанми? Бу дунёнинг ҳукмдори саййидимизникини, -деди дарвозабон. -Мен, сен, Фиръавн-барчамиз Аллоҳ таолонинг қулимиз, -дедилар Мусо алайҳиссалом. Дарвозабон дарров бориб Фиръавнга хабар берди. -У ерга бир телба келибди, -деди (Мен Раббимнинг Расулиман) деяпти. -Уни ёнимга олиб кел, -деди Фиръавн. Киришга рухсат берилгач, Ҳорун ва Мусо алайҳиссалом Фиръавн ҳузурига кирдилар. Фиръавн-Кимсизлар?-деб сўради. -Мен Раббимнинг Расулиман, -деди Мусо алайҳиссалом, Исроил қавмини мен билан жўнатгин деб, Аллоҳ таоло сенга мени юборди. *(Табарий. Тарих, жилд 1, с 208).*

Фиръавн бир оз ўйлангач, Мусо алайҳиссаломни таниди: - Сен гўдаклигингда биз сени парваришлаб улғайтирмадикми? Умрингни бир қисмини бизнинг орамизда ўтказмадингми, тузимизни емадингми? Сен нонкўрдирсан, -деди. Мусо алайҳиссалом -Мен буни ўша вақт билмаган ҳолда бажарганман. Сиздан қўрқиб, қавмингизни тарк этдим. Ниҳоят Раббим менга ваҳий юборди ва мени пайғамбарлардан этиб сайлади. Менинг бўйнимга қўяётганинг – берган нон-тузинг Исроил қавмини ўзингга қул қилиб олганинг эвазига ажр эди, -деди. *(Шуаро сураси, 18-22).*

- Оламлар Парвардигори деб атаётганинг ким ўзи?

- Осмон, ер ва улар ўртасида мавжуд барча нарсаларни яратган Раббимдир.

-Эшитаяпсизларми?-деди Фиръавн атрофидагиларга. (Фиръавн бу гапи билан Мусо алайҳиссаломни гапларини рад қилиш ва “Сизларнинг мenden бошқа

илоҳингиз борми? Йўқ !дейишни истаганди.) Мусо алайҳиссалом давом этиб:

-У сиз ва сиздан олдинги ота-боболарингизнинг Раб-бисидир, -деди.

Фиръавн:-Ҳар ҳолда сизларга юборилган пайғамбар телбадир, -деди.

-Бу гап нотўғри. Соғ одамнинг гапи эмас. Қавмининг мендан бошқа илоҳи йўқ! (Салабий. Арайис, с 183)

-Агар ақл билан фикр юритсангиз, ер-у осмоннинг парвардигори ким эканини англайсиз, - деди Мусо алайҳиссалом.-Қасам ичаманки, агар мендан бошқа илоҳни тан олсангиз, унга ибодат қиладиган бўлсангиз сизни зиндонга солиб, бошингизга ит азобини соламан, -деди Фиръавн.

-Агар менинг гапларимни ростга, сеникини ёлғонга, мени ҳақ, сени ноҳақ, ботилга чиқарувчи исбот келтирсам ҳам зиндонга ташлайсизми?-деди Мусо алайҳиссалом

-Гапинг рост бўлса, кўрсат кароматингни.

### **Мусо алайҳиссалом асосининг аждарга айланиши**

Шу гапдан сўнг Мусо алайҳиссалом асосини ерга ташлади. Худонинг каромати билан асо катта бир аждарга айланди. Фиръавннинг тахтини ўраб олди, ютмоқ учун Фиръавн томонга йўналди. Буни кўриб Фиръавн атрофидагилар даҳшатга тушдилар, ҳар томонга қоча бошладилар. Фиръавн даҳшат ичида ўзини тахтдан ташлади ва:

-Эй Мусо, сени гапингни тан оламан, имон келтираман ва Исроил қавмини сен билан юбораман. Фақат аждарни тутиб, мени халос қил, -деб ёлворди. Бу гапдан сўнг Мусо алайҳиссалом уни тутиб, эски ҳолига-асога айлантирди. Мусо алайҳиссалом Фиръавнга иккинчи мўъжизаси сифатида қўлини қўйнига солиб, яна чиқарди . Одамлар не кўз билан қарашсинки, унинг қўли оппоқ

ва ажиб нур таратар эди. Бу нурдан ҳатто Фиръавннинг кўзлари қамашди. Мусо алайҳиссалом яна қўлини қўйнига солиб, уни эски ҳолига қайтарди. Бу мўъжизаларни кўрган Фиръавн кўнглида Мусо алайҳиссалом таклифи билан имон келтириш истаги уйғонса-да, шу пайт унинг вазири Ҳомон шундай деб шивирлади:

-Сиз ҳозир ҳамма сиғинадиган илоҳсиз. – Агар унга тобе бўлсангиз қулга айланасиз-ку? Бу гапдан сўнг Фиръавн ўйланиб қолди ва Мусо алайҳиссаломга: Менга эртагача муҳлат бер, -деди.

Аллоҳ Мусо алайҳиссалом шу гапларни Фиръавнга етказишини ваҳий қилиб юборди:

-Эй Фиръавн! Сенга қарилик ҳукм ўтказмай, доим ёшлигингча қолсанг, туганмас давлат берилса, оила, еб-ичиш, овга чиқиб роҳат қилиш завқи берилса, дунёдан ўтганингда жаннатга кирадиган бўлсанг, менга имон келтирасанми?

Бу сўзлар Фиръавн қалбини бир оз юмшатди.

-Сен маслаҳат берган каби, Ҳомоннинг ҳам сўзларини эшитиб кўрай, кейин жавобини айтаман, -деди Фиръавн.

Эртасига Ҳомон Фиръавн ҳузурига кирди. Фиръавн унга Мусо алайҳиссалом етказган Аллоҳнинг гапларини айтиб берди.

Ҳомон:-Уни рад этмадингми?-деди.

-Ўйлаб кўраман дедим, -деди Фиръавн.

-Эй олампаноҳ! Ўйлайманки, бировга итоат қилиб қул бўлганингдан кўра, ўзинг илоҳ бўлиб, бошқалар сенга сиғингани яхшироқ эмасми? Мен сени ёшлигингга қайтараман.

Сўнг Ҳомон игна келтириб, у билан қандайдир дорини Фиръавннинг юзига сурди. Қон чиққан ерларига малҳам қўйди ва Фиръавннинг суратини ёшартирди.

Мусо алайҳиссалом Фиръавн ҳузурига кириб, унинг бу қиёфасини кўриб ҳайрон қолди. Парвардигор Мусо алайҳиссаломга:

-Кўрганинг сени ҳайрон қолдирмасин. Бу узоқ давом этмайди, яна илгариги ҳолатига қайтади, -дея ваҳий юборди.

Фиръавн эса на имон келтирди ва на Исроил қавмини Мусо билан Мисрдан кетишига рухсат берди. *(Табарий. Тарих, 1-жилд, 212-бет).*

### Тўфон балоси

Бу орада Аллоҳ таоло Мисрнинг Қибтий қавмига тўфон юборди. Ёмғир ёғиб, сел келиб, ҳамма ерни сув босди. Тўфон етти кун давом этди. Шунда Қибтий қавми Мусо алайҳиссаломга:

-Эй Мусо! Биз учун Яратган Эгамга дуо қил, бизни шу фалокатдан қутқар. Биз Раббимга имон келтирамиз ва Исроил қавмини сиз билан кетишига кўмаклашамиз-деди. Мусо алайҳиссалом дуо қилди. Аллоҳ каромати билан тўфон тўхтади. Халқ яна экинларини эка бошлади. Аллоҳ уларга авваллари бўлмаган ўт-ўлан, экин ва мевалардан берди. Хосил мўл-кўл бўлди. Афсуски, Қибтий қавми ваъдасини унутди. На имон келтирди, на Исроил қавмига ёрдам берди. Бунинг эвазига олдингидан ҳам ночор аҳволга тушдилар. *(Ибн Асир, Кўрсатилган манба, 1-жилд, 186-бет).*

### Чигиртка балоси

Парвардигор бир ойдан кейин уларга чигиртка балосини юборди. Чигиркалар уларнинг бутун экинини, мевалари, ҳатто дарахт баргларини ҳам еб тугатди. Ҳатто иморатларнинг устунни, ёғочларини ҳам еди. Иморатлар қулаб туша бошлади.

Қибтийлар Исроил қавми уйлари, экинларига бирор зиён етмаганига ҳайрон бўлдилар. Чигиртка балосидан қутқаришни Мусо алайҳиссаломдан ёлвориб сўрадилар. Иймон келтирамиз, дейишди. Мусо алайҳиссалом

дуо қилгач, Аллоҳ таоло бу балолардан уларни яна халос қилди. Аммо Қибтийлар яна фосиқлик қилиб:

– Биз имон келтиролмаيمиз, чигирткалардан қолган экинлар бизга етади, – дейишди. (*Салабий. Ароис, 192-бет*).

### Ҳашорот балоси

Шундан сўнг Аллоҳ таоло бу қавмга ҳашорот: қанотсиз чигиртка, экин қурти, чумоли балосини юборди. Улар бор экинни ҳам еб тугатдилар. Ҳатто кичкина чумолилар кийимларига ёпишиб қолса, улар ҳам чақар, чаққан жойи дарҳол шишиб кетар эди. Улар учун бундан ортиқ азоб бўлмади. Мисрликлар бу балодан халос қилиши учун яна Мусо алайҳиссаломга ёлвориб келдилар. Аллоҳ бу балони тўхтатди. Бироқ, Мисрликлар яна ўз сўзларида турмадилар.

– Биз нега унга имон келтиришимиз керак? Исроил қавмига нима учун ёрдам беришимиз керак? Ахир у барча экинларимизни, молларимизни қириб юборди-ку. Бундар ортиқ азоб юборармиди? Фиръавннинг умри абадий бўлсин. Биз Фиръавнга сиғинамиз, бошқасига тобе бўлмаймиз, – дедилар.

### Қон офати

Бу гапдан кейин Мусо алайҳиссалом дуо қилдилар. Яратган Эгам қон офатини юборди. Дарёда Исроил қавми ҳам, Қибтий қавми ҳам сув ичарди. Қон офати юборилгач, Қибтий қавми сув олдига келса, сув қонга айланиб қолаверарди. Исроил қавми билан бундай бўлмади. Қибтийлар жуда оғир аҳволда қолишди, сувсизликдан яна Мусо алайҳиссаломга илтимос қилдилар ва агар бу сафар ҳам қутқарса, имон келтиришларини айтдилар. Бу офатдан ҳам халос бўлишгач, ваъдаларида турмадилар.

## Мол ва бойликнинг адо бўлиш офати

Мусо алайҳиссалом Фиръавн ва унинг қавми Аллоҳга имон келтиришидан умид узиб, уларнинг мол ва бор бойликлари адо бўлишини дуо қилдилар. Ҳорун)а. с) ҳам-Омин! дедилар. Мусо алайҳиссалом дуосида:

– Эй Раббим! Дарҳақиқат, Сен Фиръавн ва ундан олдин ўтганларга дунё ҳаётида қанчалаб давлат ва ҳашамат бердинг. Аммо бу бойликлар Аллоҳ йўлида муҳтожларга сарфланиши лозим эди. Ё Раббим, уларни бойликларини йўқ қил. Уларни қалбларини шундай муҳрлаб қўйки, то қиёматгача имон келтира олмасинлар, – деди. Аллоҳ таоло: – Иккингиизнинг ҳам дуойингиз қабул бўлди. Шундай экан, эзгу ишларингизда давом этинг. Асло ғофиллардан бўлманг, – деб буюрди. Ва Аллоҳ мисрликларни моли, дирҳам-динорлари бор бойликларини тошга айлантирди. Мусо алайҳиссаломнинг дуоси ижобат бўлиб, қирқ йилдан сўнг Бани Исроил Фиръавн зулмидан халос бўлдилар.

Мисрликларни имонсизлиги, қилган зулмлари туфайли тортган азоблари Куръони каримда шундай баён қилинади:

وَلَقَدْ أَخَذْنَا آلَ فِرْعَوْنَ بِالسِّنِينَ وَنَقَصْنَا مِنَ الثَّمَرَاتِ لَعَلَّهُمْ يَذْكُرُونَ ﴿١٣٠﴾ فَإِذَا جَاءَتْهُمْ الْحَسَنَةُ قَالُوا لَنَا هَذِهِ وَإِنْ تُصِيبِهِمْ سَيِّئَةٌ يَطَّيَّرُوا بِمُوسَىٰ وَمَنْ مَعَهُ ۗ أَلَا إِنَّمَا طَّيَّرَهُمْ عِنْدَ اللَّهِ وَلَكِنَّ أَكْثَرَهُمْ لَا يَعْلَمُونَ ﴿١٣١﴾ وَقَالُوا مَهْمَا تَأْتِنَا بِهِ مِنْ آيَةٍ لِّتَسْحَرَنَا بِهَا فَمَا نَحْنُ لَكَ يَا مُؤْمِنِينَ ﴿١٣٢﴾ فَأَرْسَلْنَا عَلَيْهِمُ الطُّوفَانَ وَالْجَرَادَ وَالْقُمَّلَ وَالضَّفَادِعَ وَالْدَّمَ ۗ آيَاتٍ مُّفَصَّلَاتٍ فَاسْتَكْبَرُوا وَكَانُوا قَوْمًا مُّجْرِمِينَ ﴿١٣٣﴾ وَلَمَّا وَقَعَ عَلَيْهِمُ الرِّجْزُ قَالُوا يَا مُوسَىٰ ادْعُ لَنَا رَبَّكَ بِمَا عَهِدَ

عِنْدَكَ لَئِن كَشَفْتَ عَنَّا الرِّجْزَ لَنُؤْمِنَنَّ لَكَ وَلَنُرْسِلَنَّ مَعَكَ  
 بَنِي إِسْرَائِيلَ ﴿١٣٤﴾ فَلَمَّا كَشَفْنَا عَنْهُمْ الرِّجْزَ إِلَىٰ آجَلٍ هُم  
 بَلَغُوهُ إِذَا هُم يَنْكُثُونَ ﴿١٣٥﴾ فَانقَمْنَا مِنْهُم فَأَغْرَقْنَاهُمْ فِي الْيَمِّ بِأَنَّهُمْ  
 كَذَّبُوا بِآيَاتِنَا وَكَانُوا عَنْهَا غَافِلِينَ ﴿١٣٦﴾ وَأَوْرَثْنَا الْقَوْمَ الَّذِينَ  
 كَانُوا يُسْتَضَعُونَ مَشْرَفَ الْأَرْضِ وَمَغْرِبَهَا الَّتِي بَارَكْنَا فِيهَا  
 وَتَمَّتْ كَلِمَتُ رَبِّكَ الْحُسْنَىٰ عَلَىٰ بَنِي إِسْرَائِيلَ بِمَا صَبَرُوا وَدَمَرْنَا مَا  
 كَانُوا يَصْنَعُونَ فِرْعَوْنُ وَقَوْمُهُ وَمَا كَانُوا يَعْرِشُونَ ﴿١٣٧﴾

“Фиръавн қавмини зора эслатма олсалар, деб (қаҳатчилик) йилларига ва меваларнинг тақчиллигига дучор этдик. Бас, уларга яхшилик келганда: “Бу бизга хос” - дейдилар. Агар уларга бирор нохушлик етса, Мусо ва у билан бирга (имон келтирган) кишилардан шумланадилар. Огоҳ бўлингки, уларнинг (яхши-ёмон) амаллари Аллоҳнинг ҳузуридадир. Улар (Мусога) айтдилар: “Бизни сеҳрлаш учун ҳар қандай мўъжиза келтирсанг ҳам, биз сенга имон келтирувчи эмасмиз. Шундан кейин улар устига тўфон, чигиртка, бит, бақалар ва қон (балолари)ни аниқ мўъжизалар сифатида юбордик. (Шундан) сўнг (ҳам улар) кибр қилдилар. (Улар олдиндан) жинойтчилар қавми эди. Улар устига азоб тушганда дедилар: “Эй Мусо! Раббингга сендаги берган аҳди (ҳурмати) билан биз учун дуо қил! Қасамки, агар бизлардан (шу) азобни кўтарсанг, албатта, сенга имон келтирамиз ва сен билан бирга Исроил авлодини (ўз юртларига) жўнатамиз!. Улардан ўзлари етиб келаётган (маълум) муддатгача азобни кўтарганимизда эса, ногоҳ улар (яна аҳдни) бузаяптилар. Ернинг (Биз) барокотли қилиб қўйган мағриб ва машриқларига камситилаётган қавм (Мусо қавми)ни меросхўр қилиб қўйдик. Сабр

**қилганлари сабабли Исроил авлодига Раббингизнинг чиройли сўзлари (берган ваъдаси) ўз адосини топди. Фиръавн ва (унинг) қавми қурган биноларни вайрон қилдик.”<sup>1</sup>**

### **Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломларнинг яна Фиръавн билан юзма-юз бўлишлари**

Мусо ва Ҳорун алайҳиссалом лар яна Фиръавн ҳузурига бордилар. Унга:

-Биз сенинг Раббингнинг икки элчисимиз. Энди Исроил қавмини биз билан юбор. Уларни қулликда сақлама. Биз Аллоҳ таолодан сенга мўъжиза келтирдик. Салом (ва марҳамат) Ҳаққа тобеъ бўлганларгадир. Бизга шу ҳақиқат ваҳий қилиб юборилдики, азоб балоси Пайғамбарларни ёлғончига чиқарган ва Ҳақ таолодан юз ўгирганларнинг бошидадир, -дедилар.

-У ҳолда Сизнинг Раббингиз ким?-деди Фиръавн.

-Бизнинг Раббимиз барча ҳилқатга жон ато этган ва йўл кўрсатган Зотдир, -деди.

-Ундай бўлса биздан олдин ўтганларни ҳоли нима бўлади?-деб сўради Фиръавн.

-Уларнинг қисмати Аллоҳ таоло Китобидадир. Менинг Раббим хато ҳам қилмайди, унутмайди ҳам.

-Эй Мусо, сен сеҳринг билан бизни еримиздан чиқариш учун келдингми? Мусо, сен сеҳрлангансан, деб ўйлайман.

-Аллоҳга қасамки, бу офатлар сенга бир ибрат бўлсин дея Аллоҳдан бошқаси юбормаганини тушуниб етгансан, -деди Мусо алайҳиссалом. Менимча, эй Фиръавн сен ўзингни ҳалок қилувчилар қаторига кирасан.

Фиръавн қавмидагилар:

-Эй олампаноҳ, бу сизни давлатингиздан чиқаришни истаган сеҳргардан бошқа нарса эмас, -дедилар.

<sup>1</sup> Аъроф сураси, 130-137-оятлар.

-Уни менга қўйиб беринг, деди Фиръавн. -Мусони ўлдираман. Чунки у динингизни ўзгартириб, ер юзида фитна чиқаришидан кўрқаман.

-Мен қиёмат кунига ишонмайдиган ҳар қандай кибрли кимсага эмас, аксинча Мен ва сизларни Раббингиз саналган Аллоҳга сиғинаман, – деди Мусо алайҳиссалом

Аллоҳга имон келтирган, аммо мўъминлигини сир сақлаган Фиръавннинг оила аъзоларидан бири Фиръавнга:

-Сиз бир кимсани Раббим Аллоҳ дегани учун ўлдирасизми?Ҳолбуки у сизга Раббингиздан ажойиб мўъжизалар келтирган эди. Бундан ташқари агар у ёлғончи бўлса, ёлғони ўзигадир. Агар рост гапираётган бўлса, унда пешонангизга азоб ёзилган бўлса, албатта уни кўрасиз. Шубҳасиз, гуноҳга ботган кимсани Аллоҳ кечирмайди.

-Эй қавмим! Бугун сиз ғолибсиз, мулк, давлат сизникидир. Аммо Аллоҳ қаҳрига учрасангиз ким сизни қутқаради?-деди.

-Аллоҳга қасамки, бундан олдин Юсуф ҳам сизни тўғри йўлга бошлади. Сиз унга шубҳа қилдингиз. Ҳатто у дунёдан ўтгач, "Бундан кейин Аллоҳ асло пайғамбар жўнатмайди"-деди. Мана сиз айтганингиз эмас, Аллоҳ айтгани бўлди. Мўъжизалар билан сизни лол қолдирди.

Фиръавн:

-Мендан бошқа илоҳингиз борлигини билмайман. Эй Хомон! Бор, мен учун лой устида олов ёқ-да, баланд минора қурдир. Мен у минора орқали Мусони илоҳининг ёнига чиқаман. Мен унинг ёлғончилигини исбот қиламан, -деди. Исроил ўғилларига энг оғир иш юклатилиб, Фиръавн айтган минора қурдирилди. Фиръавн баланд минора тепасига чиқди. Унга ёй олиб келишларини буюрди. Самони нишонга олиб, ўқ отди. Ўқ эса қонга бўялган ҳолда унга қайтарилди. Буни кўриб Фиръавн:

-Мен Мусонинг илоҳини ўлдирдим, -деди. *(Суютий, Дуррул мансур. 5-жилд, 87-бет).*

## Фиръавн саройидаги мўминлар ва уларнинг бошларидан ўтказганлари

Фиръавн хондонидан бўлган Ҳизкил Аллоҳга имон келтирган бўлиб, буни сир сақлар эди. Ҳизкилнинг рафиқаси Фиръавн қизларининг хизматкори бўлиб, Яратган Эгамнинг фарзларини бажарадиган солиҳа аёл эди. Бир куни Ҳизкилнинг рафиқаси Фиръавн қизининг сочини тараётган эди, тароқ қўлидан тушиб кетди. Уни олаётганида “Бисмиллоҳ” деди. Фиръавннинг қизи:

-Отамнинг номи билан нима демоқчи эдинг, деб сўради.

-Йўқ, отангнинг эмас, менинг ва отангнинг Рабби бўлган Аллоҳ таоло номи билан айтмоқчиман, -деб жавоб берди.

-Буни отамга етказаман, бу нима деган гап?

Фиръавн қизидан бу воқеа ҳақида эшитгач, ўша аёл ва ўғлини чақиртирди.

Солиҳа аёлдан:

-Раббинг ким?-деб сўради.

-Менинг ҳам, сенинг ҳам Раббимиз Аллоҳ таолодир, -деб жавоб берди.

Фиръавн ғазабланиб бу аёл ва фарзандларини тандирда куйдиришни буюрди. Аёл:

-Сендан биргина истагим бор, -деди.

-Нима экан?

-Мен ва фарзандларим суягини бир қилиб кўмишингни илтимос қиламан.

-Бу истагинг биз бажара оладиган вазифадир, – деди Фиръавн ва аёлни ўғиллари билан тандирда ёқтирди. Аёлнинг энг кичик ўғли ёшига етмаган чақалоқ эди. Барчалари оловда ёндилар. Фиръавннинг рафиқаси Осиё хоним холис муслималардан эди. Аллоҳ таолога яширинча ибодат қилар эди. Фиръавндан кўрққани сабабли овлоқ,

кимсасиз жойда намозини ўқир эди. Фиръавн аёлнинг фарзандлари билан тандирда ёниб бўлишини кутди ва Осиё хонимнинг ҳузурига кирди. Ҳизкилнинг хотинини қандай жазолаганини айтиб берди. Осиё хоним:

-Эссиз одамийлик, эй Фиръавн. Аллоҳ таолога хуш келмайдиган бу ишни қилишга қандай журъат этдингиз?-деди.

-Тинчликми, бояги аёлдаги телбалик сенинг ҳам бошингга тушдими?

-Мени телбалик асир олмади. Ўша солиҳа аёл каби мен ҳам Аллоҳ таолога имон келтирганман.

Фиръавн Осиё хонимнинг онасини чақиртирди ва унга:

-Қизинг эсини еб қўйибди. Онт ичаманки, у ё Мусони илоҳидан юз ўгиради, ё уни ўлимга маҳкум қиламан,-деди.

Осиё хоним онаси билан ёлғиз қолишгач, онаси уни ниятидан қайтармоқчи бўлди. Осиё хоним:

-Аллоҳни ягоналигини инкор қилишимни истайсизми? Йўқ, асло! Мен буни икки дунёда ҳам қилмайман,-деди.

Осиё хонимни аҳдидан қайтара олмагач, Фиръавн тўртта қозиққа Осиё хонимни боғлатиб, жон бергунича қийноққа солишни буюрди. Осиё хоним жон бериш чоғида кўзига Аллоҳнинг каромати билан фаришталар ва жаннат неъматлари кўринди. Буни кўриб Осиё хоним жилмайиб жон берди. Бу ҳақида Қуръони каримда шундай баён қилинади:

رَسُولًا يَنْتَلُوا عَلَيْكُمْ آيَاتِ اللَّهِ مُبَيِّنَاتٍ لِيُخْرِجَ الَّذِينَ ءَامَنُوا وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ مِنَ الظُّلُمَاتِ إِلَى النُّورِ وَمَنْ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَيَعْمَلْ صَالِحًا يُدْخِلْهُ جَنَّاتٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ خَالِدِينَ فِيهَا أَبَدًا قَدْ أَحْسَنَ اللَّهُ لَهُ رِزْقًا

“Имон келтирган ва солиҳ амалларни қилган зотларни зулматлардан нурга чиқариш учун сизларга Аллоҳнинг баён этувчи оятларини тиловат қиладиган пайғамбарни (Муҳаммадни) юборди. Кимки Аллоҳга имон келтирса ва солиҳ амал қилса, (Аллоҳ) уни остидан анҳорлар оқиб турадиган, абадий қоладиган (жаннатдаги) боғларга киритур. Ҳақиқатдан Аллоҳ унинг учун гўзал ризқ (жаннат ризқини ато) этган бўлур.<sup>1</sup>

وَضَرَبَ اللَّهُ مَثَلًا لِلَّذِينَ ءَامَنُوا امْرَأَتَ فِرْعَوْنَ إِذْ قَالَتْ رَبِّ  
 ابْنِ لِي عِنْدَكَ بَيْتًا فِي الْجَنَّةِ وَبِحَنِّي مِنْ فِرْعَوْنَ وَعَمَلِهِ، وَبِحَنِّي مِنَ  
 الْقَوْمِ الظَّالِمِينَ ﴿١١﴾

Аллоҳ имон келтирган зотлар ҳақида Фиръавнинг хотинини мисол келтирди, ўшанда у: “Эй Раббим! Ўзинг мен учун ҳузурингда (жаннатда) бир уй бино қилгин, менга Фиръавн ва унинг қилмишидан нажот бергин. Мени золимлар қавмидан халос этгин!-деди”.<sup>2</sup>

Мусо алайҳиссалом ва Исроил қавмининг яширинча Мисрни тарк этишлари-Бандаларимни кечаси сафарга чиқар, чунки кечаси таъқиб қилишади. Душман сизларга етиб олишидан қўрқма. Денгиз томон юринглар, сизни йўлингиз очик бўлади, -дея ваҳий юборди.

Мусо алайҳиссалом ваҳийни олгач, Исроил қавмига Мисрни тарк этишлари, керакли ашёларни сафарга ҳозирлашларини, буни душманга сездириб қўймасликни, уйларида чироқни эрталабгача ёниқ қолдиришларини, уйдан чиққан кимса белги сифатида эшигига қон суртишини, дарҳол узоқ йўл учун нон пиширишларини амр қилди. Шу тариқа улар Мисрликларга сездирмасдан ке-

<sup>1</sup> Талок сураси, 11-оят.

<sup>2</sup> Таҳрим сураси, 11-оят.

часи Мисрни тарк этдилар. Бу пайт баҳор мавсуми бўлиб, ойнаинг ўн биринчи куни эди.! (Мир Ҳованд. Равзатуссафо, 252-бет).

Мусо алайҳиссалом чап томондаги Шомга олиб боғувчи йўл қолиб, Исроил қавмини тўғри денгиз томон бошлади. Ҳамроҳларидан бири:

-Йўлдан адашдикми?-деб сўради.

-Мен шундай амр олдим, – деди Мусо алайҳиссалом.

Фиръавн тонгга яқин Мусо алайҳиссалом Исроил қавмини Мисрдан олиб чиқиб кетганидан хабар топди.

### **Фиръавн қўшинининг Исроил қавмини таъқиб қилиши**

Қуёш чиқиши билан Мисрликлар Исроил қавмини таъқиб қилишни бошладилар. Фиръавн энг сараланган навкарлари билан Мусо алайҳиссаломни таъқиб қилар эди. Исроил қавми узоқдаги улкан қўшинни кўриб:

-Нажот йўқ, асирга тушдик!-дедилар. Ахир олдинда денгиз, ортда эса катта қўшин бостириб келар эди. Мусо алайҳиссалом:

-Йўқ! Шубҳа йўқки, Аллоҳ биз билан. У бизни эсон-омон манзилга етказди. Раббим душманни ҳалок қилиши, сизни бу ерга ҳоким қилиши, албатта сизнинг ҳаракат ва ниятингизга боғлиқ, -деди.

-Эй Мусо! Бизга ваъда қилинган ғалабага кўзимиз етмаяпти, -дейишди баъзилар. Сен келмасдан олдин Фиръавн ўғилларимизни ўлдирар, қизларимизни тирик қолдирар эди. Бугун эса бизни тутиб олса, ҳаммамизни қиличдан ўтказди. Олдимизда денгиз, ортимизда Фиръавн. Икки томонимизда ҳам ўлим, -дедилар.

Мусо алайҳиссалом Исроил қавмининг олдига ўтди. Ёнида акаси Ҳорун алайҳиссалом ва Юша ибн Нуън алайҳиссалом бор эдилар. Фиръавн қўшини ҳам ниҳоят уларга етиб олди. Барчанинг жони бўғзига келди, қўрқув

уларни ўз исканжасига ола бошлади. Бир мўъмин Мусо алайҳиссаломдан:

-Қаердан ўтишга Раббимдан амр олдинг?-деб сўради.

-Денгизни кечиб ўтишга буйруқ олдим, -деб жавоб берди Мусо алайҳиссалом.

Аммо Исроил қавмидан ҳеч бир кимса денгизга тушишга юраги бетламади. Ҳорун алайҳиссалом олдинга ўтиб, денгизни асоси билан урди.

-Ким мени безовта қилган, эй Жаббор?-дея овоз берди денгиз.

Аллоҳ таоло денгизга ваҳий юбориб:

-Сени бандам Мусо асоси билан урганида Мусо ва унинг қавми ўта оладиган даражада ўн икки йўлакка бўлин, -деди. Фиръавн қўшини билан келганида асл ҳолингга қайт, фосиқни ўтказма.

Сўнг Мусо алайҳиссаломга “Асонгни денгизга ур!” деган ваҳий келди. Мусо алайҳиссалом:

-Аллоҳ номи ва изни билан денгиз, ажрал!-деб асосини денгизга уриши билан денгиз йўлақларга ажралди. Парвардигор шамол юбориб, одамлар ўтишлари учун очилган йўлларни қуритди. Исроилнинг 12 қабиласи ҳар бир йўлдан олдинга ҳаракат қила бошлашди. Шу тариқа улар денгиздан эсон-омон ўтиб олишди. Бу орада Фиръавн қўшини денгизга етиб келди. Унинг қўшини денгиз ёрилиб, ўн икки йўл очилганига кўзи тушди. Фиръавн:

-Кўриб қўйинглар! Денгиз менинг ҳайбатимдан кўрқиб, душманларга етиб, уларни ўлдиришим учун менга йўл очиб қўйибди, -деди.

-Мен бу ерларда кўп бора бўлганман. Бу ерда йўл борлигини кўрмаганман. Кўрқаяпман, бу ер бизнинг ҳалокатимиз учун тузоқ бўлмасин, -деди вазир Ҳомон.

Фиръавн унга қулоқ солмади. Отини денгизга солди, аммо оти ортга тисарилиб, юришни истамади. Шунда Аллоҳ амри билан Жаброил алайҳиссалом бир бияга миниб, Фиръавн оти ёнига келди. Аммо кўзга кўринмас

эди. Эркак от бияни ҳидлагач, ортидан денгизга кирди. (Замахшарий, Кашшоф, 1-жилд, 280-бет). Фиръавннинг қўшини унинг денгиздан ўтаётганини кўриб, улар ҳам Фиръавннинг ортидан йўлга тушдилар. Микоил алай-ҳиссалом ҳам одам суратига кириб, орқада қолган қўшинни:

-Саркардангизга етиб олинг, ҳеч қандай хавф йўқ, – дея уларни денгизга йўналтирди. Жаброил алайҳиссалом денгиздан ўтгач, Фиръавн қўшини ҳали денгиз йўлидалигида Аллоҳ сувни тоғ каби йиғиб, тўхтатиб қўйган жойидан яна сувга айлантириб, бутун қўшин сувга ғарқ бўлаётганини кўрган Фиръавн:

﴿عَمِنْتُ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا الَّذِي ءَامَنْتُ بِهِۦ بَنُو إِسْرَائِيلَ وَأَنَا مِنَ الْمُسْلِمِينَ﴾

“Имон келтирдимки, Исроил авлоди имон келтирган Зотдан ўзга илоҳ йўқдир. Мен ҳам мусулмонларданман”<sup>1</sup> – деса ҳам – Аллоҳ деди: “Эндими?! Ахир сен илгари итоатсизлик қилгандинг ва бузгунчилардан эдинг-ку! Мана бугун сендан кейингиларга белги (ибрат) бўлишинг учун жасадингни қутқарурмиз. Ҳақиқатан, одамларнинг аксарияти оятларимиздан ғофилдирлар”.

(Изоҳ. Фиръавннинг қилмиши ва жазосини кейинги авлод эслаб юрсин, деган маънода Аллоҳ таоло унинг жасадини денгиздан чиқариб қўйишини ваъда қилган. Британия музейига унинг мумиёсиз ҳам ҳалигача чиримаган жасади топиб қўйилгани тўғрисида матбуотда эълон қилинганига анча бўлди.

Кунлардан бир кун Фиръавн ҳузурига Жаброил алай-ҳиссалом инсон шаклида келиб, ундан: “Хожасининг ноз-неъматини еб, улғайгач, унга нонкўрлик қилиб, ундан ўзини юқори ҳисоблаган қулга қандай жазо берилиши керак?” – деб фатво сўраганларида, Фиръавн: “Ундан қулни сувга ғарқ қилиш керак”, – деб фатво хати бер-

<sup>1</sup> Юнус сураси, 90-оят.

ган экан. Жон бериш олдидан ўша хатни ўзига кўрсатиб қўйилган экан. – Абдулазиз Мансур таржима ва тафсиридан).

Денгиз Фиръавн ва аскарларини ўз домига тортар экан, тўлқинлар бир-бирига урилиб, даҳшатли овоз эшитилар, бу овоз ҳатто денгиздан узоқлашаётган Исроил қавмига ҳам эшитилди:

-Нима даҳшат бу?-дедилар.

-Яратган эгам Фиръавн ва унинг аскарларини сувда чўктириб ҳалок қилди, -деди Мусо алайҳиссалом

Исроил қавмидаги баъзилар Фиръавннинг ўлганига шубҳа билан қарадилар.

-Фиръавн ўлмагандир.

-У ўлим нималигини билмайди.

-У сувга чўкмаган.

-У бизни тутиб олса, албатта ўлдиради.

Мусо алайҳиссалом дуо қилдилар, денгиз ёнида пайдо бўлишди. Аллоҳ каромати билан сув юзасига Фиръавннинг совути қалқиб чиқди. Исроил қавми Фиръавннинг зирҳли совутини танидилар. Денгиз соҳилига чиқариб ташланган Фиръавн жасади эса қизил хўкизни эслатар эди. Ниҳоят Исроил қавми уни ҳалок бўлганига ишондилар. (*Байзовий, Тафсири, 2-жилд, 159-бет.* )

### **3000 йиллик мўъжиза (Профессор Жалол Адиз)**

Лондондаги машҳур Бритиш музейига ташриф буюрувчиларни ҳайратга солувчи бир бўлим бор. У Мўмиёлар бўлимидир. Бу бўлимдаги энг эътиборни тортувчи жасад эса мўмиёланган ва сажда қилган ҳолда турувчи кимсага оиддир. Бу жасаднинг барча аъзолари яхши сақланган. Ҳатто сочлари тирик одамникидай рангтусда. Бошқа жасадларга мўмиё, кимёвий моддалар суртилган, бу жасадга эса ҳатто мўмиё ҳам ишлатилмаган. Аслида жасад кўриниши бир неча ҳафтадан кейин ўзга-

ра бошлайди. Ажабо, бу жасаднинг 30 асрдан буён чиримай, яхши сақланиб келинишига сабаб нима экан? Бу сирнинг ечими Муқаддас китобимиз Қуръони каримда берилган. Мазкур мавзуга оид ҳадис ва оятлар орқали масалани ечишга ҳаракат қиламиз.

Берилган оятларда Мусо алайҳиссалом ва Фиръавн ўртасида бўлган воқеалар сўзланади. Мусо алайҳиссалом милоддан аввалги 1200 йилларда яшаб ўтган, гуноҳ ва савоб ўртасидаги кураш ўша даврда ҳам мавжуд эди. Улар ўртасидаги кураш, Мусо алайҳиссаломнинг пайғамбар бўлишлари, Исроил қавмини Фиръавн зулмидан қутқарганлари борасидаги воқеалар Юнус сурасининг 90-оятида қуйидагича берилган:

وَجَنُوزَنَا بِبَنِي إِسْرَائِيلَ الْبَحْرَ فَاتَّبَعَهُمْ فِرْعَوْنُ وَجُنُودُهُ، بَغْيًا وَعَدْوًا  
حَتَّى إِذَا أَدْرَكَهُ الْعَرْفُقُ قَالَ ءَأَمِنْتُ أَنَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا الَّذِي ءَأَمِنْتُ بِهِ،  
بَنُوا إِسْرَائِيلَ وَأَنَا مِنَ الْمُسْلِمِينَ ﴿٩٠﴾

“Исроил авлодини денгиздан ўтказдик. Фиръавн ва унинг лашкарлари улар ортидан зўравонлик ва зулм юзасидан эргашдилар. Унга (Фиръавнга) ғарқ бўлиш (соати) етишганда айтди: “Имон келтирдимки, Исроил авлоди имон келтирган Зотдан ўзга илоҳ йўқдир. Мен ҳам мусулмонларданман.”

Қуръони карим ҳақиқат китобидир. Ҳеч қайси ҳукм нотўғри бўлмаган. Оятларда ғоят тушунарли тарзда Фиръавн ҳодисаси берилгани бунга мисол. Чунки, 3000 йиллик мўъжиза бугунги кунимизгача Аллоҳнинг қудрати билан сақланиб келган. Фиръавн жасади топилган ер диққатга молик. Жасад оятларда баён қилинган ерда – Қизил денгиз бўйидаги Жабалайндан топилган. Қайноқ қумлар остидан инглизлар ковлаб олиб, Англияга олиб кетишган. Лаборатория текшируви натижасида жасад 3000 йиллик бўлгани, Мусо алайҳисса-

лом даврида яшагани ва Фиръавнга тегишли бўлгани аниқланди. Оят ва тафсирларда Фиръавн неча асрлар ўтиб жасади мўмиёланмаган ҳолда асрлар давомида яхши сақланиши баён қилинган. Масалан, 1144 йилда вафот этган Замахшарий Юнус сурасининг 92-оятини тафсир қилишда шу ҳақида баён қилади:

“...Сени денгиз бурчагига ташлаймиз. Жасаднинг айнан ўзи, нуқсонсиз, чиримаган ҳолда, лой ва кийимсиз ҳолда бўлади. Сендан кейин бир неча асрлар ўтиб келадиганлар учун ибрат бўлиши учун асраймиз.” *(Кашшоф тафсири, 2-жилд, 251-252-бетлар)*

Албатта, бу жасад 3000 йил муҳофаза қилиниши оламлар Парвардигори учун қийин эмас. Биз бундан ибрат олишимиз лозим.

### **Мусо алайҳиссаломнинг Тур тоғига боришлари**

Мусо алайҳиссалом Исроил қавмига Мисрдалигида Мисрдан чиқишни, душманлар ҳалок қилинишини, бошқа ҳодисаларни баён қилинган бир китоб келтирилишини ваъда қилгандилар. Исроил қавми Фиръавн зулмидан қутилгач, ибодат учун, шариат қоидаларини билмаганлари учун Мусо алайҳиссаломга:

- Эй Мусо! Бизга ваъда берган китобингни олиб келсанг, - дейишди.

Мусо алайҳиссалом Яратганга дуо қилди. Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга Тур тоғига бориб ибодат қилишни ваҳий қилиб юборди. Жаброил алайҳиссалом уни олиб кетиш учун Ҳаёт номли отда келдилар. Сомирий уни кўриб, “Бу отда ажиб бир мўъжиза бор менимча, ”-деди ва от туёғи етган ердан бир ҳовуч тупроқ олди.

Сомирий ибн Зафар ҳўкизга сиғинган Бажерма халқидан бўлиб, Мисрга келиб қолган ва Исроил қавмида яшаб, мусулмонликни қабул қилгани айтилади. *(Ибн Қутайба, Маориф, с-20)*

Аммо иккиюзламачи, ташқаридан мусулмон, ичдан эса мунофиқ одам эди. Мусо алайҳиссалом Тур тоғига кетишларидан олдин ўзларини ўринларига Ҳорун алайҳиссаломни Исроил қавмига бош қилиб тайинладилар. Тур тоғида қирқ кеча кундуз Аллоҳ таоло амри билан қолишни, сўнг қайтишларини айтдилар. Мусо алайҳиссалом Тур тоғига чиқдилар. Аллоҳ таоло у билан сўзлашди. Исроил қавми борасида фармон берди. Қавм Аллоҳ билан Мусо ўртасидаги суҳбатни эшитиб турган бўлсаларда, маъносини тушунмадилар. Мусо алайҳиссалом уларга Аллоҳ буюрган ўнта вазифани тушунтириб бердилар. Айтилишича, бу ўнта вазифа қуйидагилардир:

1. Ибодатни ёлғиз Аллоҳга қилиш.
2. Аллоҳ номи билан ёлғон қасам ичмаслик.
3. Шанба куни ҳурматини сақлаш.
4. Ота-онага яхши муносабатда бўлиш.
5. Қотиллик қилмаслик.
6. Зино қилмаслик.
7. Бировнинг ҳаққига ёлғон гувоҳлик бермаслик.
8. Ҳасад қилмаслик.

Исроил авлодларига Аллоҳ таоло юборган бу вазифаларни улар қўлларидан келганича бажаришга ҳаракат қилдилар.

### **Сомирий исроил авлодларининг бузоққа сиғинишга даъват этгани**

Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг “Тоҳо” сурасида Мусо алайҳиссалом билан Сомирий ўртасида бўлиб ўтган ҳодисаларни баён этади. Мусо алайҳиссаломнинг ўз вақтида қайтиб келмаганидан фойдаланган ас-Сомирий номли коҳин Исроил авлодларидан барча тилла тақинчоқларини сўраб олди-да уларни оловда эритиб, бузоқ шаклида бут ясади ва унинг устига Жаброил алайҳиссаломнинг оти туёғи остидан олган бир сиқим

тупроғни сочиб юборган эди, бузоқ худди тирикдай мўрай бошлади. Сомирий бошчилигидаги йўлдан озган кимсалар бузоқнинг атрофида тавоф қилиб, рақс тушишиб, хурсандчилик қила бошладилар. Қавмнинг залолатидан қаттиқ ташвишга тушган Ҳорун алайҳиссалом уларни Сомирийга итоат этишдан ва Аллоҳни ташлаб, бузоққа сиғинишдан қайтаришга уринди. (*Табарий, Та-рих. 1-жилд, 218-бет.*)

“Холбуки (бузоққа сиғинишларидан) олдин Ҳорун уларга:Эй қавмим, сизлар бу билан имтиҳон қилиндингиз. Шубҳа йўқки, сизларнинг Раббингиз раҳмондир. Бас, менга эргашинглар ва амримга итоат қилинглар!”-деган эди. Улар: “То бизга Мусо алайҳиссалом қайтмагунича унга(-маъбудга)сиғинишдан сира тинмаймиз. ”-деган эдилар.

قَالَ يَهْرُونَ مَا مَنَعَكَ إِذْ رَأَيْتَهُمْ ضَلُّوا ۖ أَأَلَّا تَتَّبِعَنِ ۚ أَفَعَصَيْتَ أَمْرِي ۗ  
 قَالَ يَبْنَومٌ لَا تَأْخُذْ بِلِحْيَتِي وَلَا بِرَأْسِي ۗ إِنِّي خَشِيتُ أَنْ تَقُولَ فَرَّقْتَ  
 بَيْنَ بَنِي إِسْرَائِيلَ وَلَمْ تَرْقُبْ قَوْلِي ۗ (۱۳)  
 قَالَ فَمَا خَطْبُكَ يَا سَمِيرِيُّ  
 قَالَ بَصُرْتُ بِمَا لَمْ يَبْصُرُوا بِهِ ۖ فَقَبَضْتُ قَبْضَةً مِنْ أَثَرِ  
 الرَّسُولِ فَنَبَذْتُهَا وَكَذَلِكَ سَوَّلَتْ لِي نَفْسِي ۗ (۱۴)  
 فَأَذْهَبْ فَإِنَّ لَكَ فِي الْحَيَوةِ أَنْ تَقُولَ لَا مِسَاسَ وَإِنَّ لَكَ مَوْعِدًا  
 لَنْ نُخْلِفَهُ ۚ وَانظُرْ إِلَى إِلٰهِكَ الَّذِي ظَلْتَ عَلَيْهِ عَاكِفًا لَنْهَرِقَنَّهُ ۚ ثُمَّ  
 لَنَنْسِفَنَّهُ فِي الْيَمِّ نَسْفًا ۗ (۱۵)

Мусо алайҳиссалом қайтиб келиб деди: -Эй Ҳорун, уларнинг адашганларини кўрганингда сенга нима моненьлик қилди?! Менинг ортимдан нега бормадинг? Амримга итоатсизлик қилдингми?”-дедилар. Ҳорун деди: “Эй онамнинг ўғли, сен менинг сочимдан ҳам, соқолимдан ҳам тутмагин. Мен ортингдан

борсам, “Менинг сўзимни кутмай, Исроил авлодини бўлиб юборибсан”, - дейишингдан кўрқдим.

(Сўнгра Мусо Сомирийга қараб): “Бу қилиғинг нима-си, эй Сомирий?”-деди. Сомирий айтди:”Мен улар кўрмаган нарсани кўрдим. Бас, элчи Жаброилнинг изидан бир сиқим олиб, уни бузоқнинг ҳайкалига сочган эдим (ундан тирик бузоқ каби овоз чиқди) Нафсим ана шундай қилишни менга чиройли кўрсатди.”

Мусо алайҳиссалом деди: “Бас, кет! Энди сен учун ҳаётда “Менга тегиш йўқ!”-дейишинггина қолур. Охиратда эса сен учун сира хилоф қилинмайдиган бир ваъда (азоб) бордир. Сен устидан жилмай сиғинаётган “илоҳинг” ҳолини кўриб қўй! Биз албатта уни ёндириб, сўнг кулини денгизга сочиб юборамиз”.<sup>1</sup>Мусо алайҳиссалом Сомирийнинг бузоғини оловда ёндирди, унинг кулини денгизга сочиб юборди, кейин қавмларига шу денгиз сувидан ичишни буюрди. Ким бузоққа сиғинган бўлса, унинг ранги сарғайиб кета бошлади. Исроил авлодларининг мўъминларидан бузоққа сиғинувчилар ажралиб қолди. Уларга жазони ёлғиз Аллоҳдан кутишаётган эдилар.

إِنَّ الَّذِينَ اتَّخَذُوا الْعِجْلَ سَيَنَاهُمْ غَضَبٌ مِّن رَّبِّهِمْ وَذَلَّةٌ فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَكَذَلِكَ نَجْزِي الْمُفْتَرِينَ

“Албатта, бузоқни илоҳ қилиб олганларга Парвардигори тарафидан ғазаб ва дунё ҳаётида хорлик етгусидир. (Ёлғон) тўкувчиларни шу тарзда жазолагаймиз.”<sup>2</sup>

وَلَا سُقِطَ فِي أَيْدِيهِمْ وَرَأَوْا أَنَّهُمْ قَدْ ضَلُّوا قَالُوا لَئِن لَّمْ يَرْحَمْنَا رَبُّنَا وَيَغْفِرْ لَنَا لَنَكُونَنَّ مِنَ الْخَاسِرِينَ

<sup>1</sup> Тоҳо сураси, 92–97-оятлар.

<sup>2</sup> Аъроф сураси, 152-оят.

“Кўлларида тарвузлари” тушиб, пушаймон бўлиб, ўзларининг адашганликларини кўрганларида айтдилар: “Қасамки, агар Раббимиз бизга раҳм қилмаса, албатта, зиён кўрувчилардан бўлишимиз аниқдир”.<sup>1</sup> Сомирийнинг тобелари Аллоҳни азобидан қўрқа бошладилар, қилган ишларига афсус ва надомат чекдилар. Мағфират қилишини сўраб ёлвордилар. Эрта тонгда, ғира-ширада бузоққа ибодат қилмаганлар қўлларида қилич тутган ҳолда туриб, бузоққа ибодат қилганларни қиличдан ўткази бошладилар ва бир кечанинг тонгида етмиш минг кишини ҳалок қилдилар.

وَلَمَّا سَكَتَ عَن مُّوسَى الْغَضَبُ أَخَذَ الْأَلْوَابَ فِي نُسْخَتِهَا هُدًى  
وَرَحْمَةً لِلَّذِينَ هُمْ لِرَبِّهِمْ يَرْهَبُونَ

“Мусонинг ғазаби сўнгач, лавҳларни олди. Ундаги битикда Парвардигорларидан қўрқадиганлар учун ҳидоят ва раҳмат бор эди”<sup>2</sup>. Мусо алайҳиссалом Аллоҳга илтижо қилиб, қавмларининг гуноҳидан ўтишни сўрадилар. Ибн Аббоснинг ривоятларига қараганда, Мусо алайҳиссалом мийқотга танлаган етмиш киши Исроил авлодларининг уламолари эдилар. Улар билан бирга Мусо, Ҳорун, Юшаъ, Нозоб ва Абийҳулар бор эди. Ҳаммалари Мусо алайҳиссалом билан бирга қавмнинг (бузоққа сиғиниб) қилган хатолари учун Аллоҳнинг хузурида тавба қилиш ва узр айтиш мақсадида бордилар. Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга қавмларини тоққа яқин келиб, Аллоҳнинг айтганларини эшитишга чақирришларини амр этди. Мусо алайҳиссалом: Эй Раббим! Улар бу ерга чиқолмайдилар, мен уларни бу ерга чиқишдан қайтарган эдим, ”-дедилар. Аллоҳ таоло “Боринг, ўзингиз билан Ҳорунни олиб чиқинг. Бошқалар-коҳин-

<sup>1</sup> Аъроф сураси, 149-оят.

<sup>2</sup> Аъроф сураси, 154-оят.

лар ва оддий фуқаролар эса яқинроққа келсинлар!”-деб буюрди. Исроил авлодлари пайғамбар сўзига итоат этишиб, ўзларини поклаб, хушбўйликлар сепишиб, кутиб туришди. Аммо учинчи кун келганда, тоғ устини қалин булут қоплади, кетма-кет чақмоқ чақиб, қаттиқ сур овози эшитилди. Бу овоздан Исроил авлодлари қаттиқ қўрқиб кетдилар. Шу пайт тоғ устини қуюқ тутун ўради. Тутун ўртасида нурдан бир устун пайдо бўлди. Тоғнинг ҳамма ери қаттиқ силкинди. Сур овози гуруллаб, чақмоқ чақнади. Бу вақтда Мусо алайҳиссалом тоғнинг нақ устида эдилар. Аллоҳ Мусога гапирди, Мусо алайҳиссалом Аллоҳга муножот қилдилар. Мусо алайҳиссаломнинг Аллоҳ таолога қилган муножотларини, Аллоҳнинг Мусога қилган амр ва наҳийсини ўз қулоқлари билан эшитдилар. Мусо алайҳиссалом Аллоҳдан ваҳийни қабул қилиб, уламолар ёнига қайтиб келдилар. Улар эса Мусо алайҳиссаломдан Аллоҳни очиқ-ойдин кўрсатишни талаб қилдилар:

“Эй Мусо, Аллоҳни ошкора кўрмагунимизча, сенга ҳеч ҳам ишонмаймиз,” – дейишингиз билан кўз ўнгингизда сизларни чақмоқ урганини ҳам эслангиз. Уларни қаттиқ зилзила тутган пайтда (Мусо) деди: “Эй Раббим! Ҳоҳласанг уларни ҳам, мени ҳам олдинроқ ҳалок қилган бўлур эдинг. Ичимиздаги нодонларнинг қилмишлари учун бизларни ҳалок қиласанми?Бу фақат бир синовингдирки, у орқали ҳоҳлаган кишингни адаштирасан. Ўзинг эгамизсан. Бас, бизларни мағфират эт ва бизларга раҳм қил. Сен кечирувчиларнинг энг яхшисидирсан. Бизларга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам яхшилиқни ёзгин. Биз сенга қайтдик.”

Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломнинг илтижоларини қабул этди ва ҳалок бўлганларни қайта тирилтирди.

Аллоҳ деди: “Азобимни ҳоҳлаган кишимга еткузурман. Аммо раҳматим ҳамма нарсадан кенгдир”. (*Ибн Асир, Комил, 1-жилд, 192-бет*).

## Қорун Мусо алайҳиссаломга тухмат қилиши ва уни ер ютиши

Қорун Мусо алайҳиссаломнинг амакиваччалари эди. Тавротни жуда чиройли овоз билан қироат қиларди, шунинг учун унга “Мунаввир” (дилларни мунаввар этувчи) деган лақаб берилган эди. Шунга қарамасдан, Сомирий-дек унинг қалбида ҳам мунофиқлик бор эди. Бойлигининг ҳаддан ташқари кўп бўлиши уни ҳалокатга учрашига сабаб бўлди. Аллоҳ таоло ояти каримада унинг давлати беҳисоб эканлигини хабар беради. Унга ўзининг қавмларидан баъзилари насиҳат қилиб:

“Аллоҳ сенга ато этган нарса билан охиратни истагин ва дунёдан бўлган насибангни ҳам унутмагин. Аллоҳ сенга эҳсон қилгани каби сен ҳам одамларга эҳсон қил!-дейишди. Қорун эса бу мол-мулкнинг Аллоҳ берганини инкор этди: “(У) Мен унга фақат ўзимдаги билим сабабли эришдим”-деди. Қорун ўзининг мол-мулкидан одамларга садақа, эҳсонлар қилиб, уларнинг муҳаббатини қозонишни ўйламасди. Қоруннинг дунёсини эмас, балки унинг ҳазинаси сақланадиган омборларнинг калитини қирқ туя кўтариб юрар эди. Қорун кўчага чиққанида 300 нафар жорияни ясангириб, бирга олиб юрар эди. Давлатини ҳаммага кўз-кўз қилиб, қимматбаҳо либослар киярди ва бошқаларнинг ҳасадини, адоватини кўзғашга ҳаракат қиларди: “Сўнг (Қорун) қавми олдига ясаниб чиққан эди, дунё ҳаётини истайдиган кимсалар: “Эҳ, қани эди, бизларга ҳам Қорунга ато этилган нарса бўлса. Дарҳақиқат у улкан насиба эгасидир”, -дедилар. Илм ато этилган кишилар эса: “Ўлим бўлсин сизларга! Имон келтирган ва эзгу иш қилган киши учун Аллоҳнинг савоби яхшироқ-ку. У савобга фақат сабрли кишиларгина эришурлар”, -дедилар.

Қорун бир бузуқ аёлга совға-саломлар бериб, қорнида Мусо алайҳиссаломдан бўлган бола бор эканини даъво қилишга буюрди. Мусо алайҳиссалом катта жамоатга ваъз айтиб турганида бир аёл келиб: "Сен мен билан қилган ишингдан мен ҳомиладор бўлдим." - деди. Мусо алайҳиссалом унинг даъвосидан қалтираб кетдилар ва дарҳол ўринларидан туриб, икки ракат намоз ўқиб, Аллоҳга илтижо қилдилар. Кейин қайтиб келиб аёлга қасам ичишни ёки бу тухматни ким ўргатганини айтишни талаб қилдилар. Аёл бу тухматни Қорун ўргатганини тан олди, тавба қилиб, Аллоҳга сажда қилди. Мусо алайҳиссалом ҳам Аллоҳга сажда қилиб, Қорунни дуойибад қилдилар. Аллоҳ таоло Қорунни қандай жазолашни Мусо алайҳиссаломнинг ўзларига ҳавола қилиб, Ерни Мусо алайҳиссаломга мутеъ қилди. Ер Қоруннинг ўзини, бойлигини ва қасрини биргаликда ютиб юборди. Ҳадисларда келтирилишича, бир куни Мусо алайҳиссалом қавмларига қиёмат ҳақида сўзлаб бераётган эдилар. Қорун ўзининг энг қимматбаҳо либосини кийиб, тилла тақинчоқларини тақиб, жамоат ёнига келди. Одамларнинг хаёли пайғамбар суҳбатидан бурилиб, Қоруннинг дабдабасига маҳлиё бўлишди ва баъзилари ҳаяжонларини яширолмаб, ўринларидан туриб ҳам кетишди. Қорун Мусо алайҳиссаломнинг олдиларига келиб: "Эй Мусо, сен пайғамбарлигинг билан мендан устунлик қилсанг, мен мол-дунё, бойлигим билан сендан устунман. Агар хоҳласанг, майдонга чиқиб куч синашамиз. Мен сенинг ҳақингга, сен менинг ҳақимга дуо қилишамиз," - деди.

Мусо алайҳиссалом ва Қорун икковлари кенг майдонга йиғилган жамоа олдига чиқдилар. Келишувга мувофиқ аввал Қорун Мусо ҳақида дуоибад қилди. Аллоҳ таоло унинг дуосини ижобат қилмади ва Мусо алайҳиссаломга қилдай зарар етмади. Иккинчи бўлиб Мусо (а.с.) Қорунни дуоибад қилдилар:

-Эй Аллоҳим, Ерга амр этгин, бугун менинг итоатимда бўлсин!

Аллоҳ таоло Ернинг итоатини улуғ пайғамбари Мусо алайҳиссаломга берди. Мусо алайҳиссалом Ерга:Эй Ер, Қорунни барча бойлигу қасрлари билан ютгин”-деб амр этдилар. Барча одамларнинг кўз олдида Қорун ва унинг топган нарсалари Ер қаърига ғойиб бўлди. Қорун етти қават Ер остига тушди.

Аллоҳ таоло ояти каримада шундай дейди:

“Бас, Биз уни ҳам, ҳовлисини ҳам ерга юттирдик. Сўнг унинг учун Аллоҳдан ўзга ёрдам берадиган бирор жамоа бўлмади ва унинг ўзи ҳам ғолиблардан бўлмади. Кечагина унинг мақомини орзу қилганлар:”Во ажаб, Аллоҳ бандаларидан ўзи хоҳлаган кишиларнинг ризқини кенг қилиб, танг қилиб берар экан-да! Агар Аллоҳ бизга марҳамат қилмаганда, бизларни ҳам ерга юттирган бўлар эди. Во ажаб, кофирлар нажот топмас эканда!”-деб қолдилар

Аллоҳнинг ояти каримасида: “Бас, Биз уни ҳам, давлатини ҳам юттирдик”, дейилган. Бани Исроил ҳовли-жойни Мисрда қурган эдилар. Тийҳ водийсида адашиб юрган вақтларида ҳовли-жой ҳам, қаср ҳам қурилмаган эди. Шунинг учун Қорун билан содир бўлган воқеа Тийҳ водийсида эмас, балки Мисрда ҳам содир бўлган бўлиши мумкин. Аллоҳ таоло Қорун ҳақида “Ғофур” ва “Анкабут” сураларида ҳам хабар берган.

وَقُرُونًا وَفِرْعَوْنَ وَهَمَانَ ۖ وَلَقَدْ جَاءَهُمْ مُوسَىٰ بِالْبَيِّنَاتِ  
فَأَسْتَكْبَرُوا فِي الْأَرْضِ وَمَا كَانُوا سَاقِيْنَ ﴿٣٩﴾ فَكَلَّا أَخَذْنَا  
بِذُنُبِهِمْ فَمِنْهُمْ مَّنْ أَرْسَلْنَا عَلَيْهِ حَاصِبًا وَمِنْهُمْ مَّنْ أَخَذَتْهُ الصَّيْحَةُ  
وَمِنْهُمْ مَّنْ خَسَفْنَا بِهِ الْأَرْضَ وَمِنْهُمْ مَّنْ أَغْرَقْنَا وَمَا كَانَ  
اللَّهُ لِيُظْلِمَهُمْ وَلَكِن كَانُوا أَنفُسَهُمْ يَظْلِمُونَ ﴿٤٠﴾

“Қорун, Фиръавн ва Ҳомонни ҳам (ҳалок қилдик). Мусо уларга (пайғамбар эканига) ҳужжатларни келтирганида, улар ер юзида кибр-ҳаво қилдилар ва (лекин) ўзиб кетувчи бўлмадилар. Биз уларнинг ҳар бирини ўз гуноҳи билан тутдик. Бас, уларнинг орасида Биз устига тош ёғдирганлар ҳам, улар орасида даҳшатли қичқириқ тутганлар ҳам, улар орасида Биз сувга ғарқ қилган кимсалар ҳам бордир. Аллоҳ уларга зулм қилувчи бўлмади, лекин улар ўзларига жабр қилувчи бўлдилар”<sup>1</sup>

Ҳақиқатдан ҳам Аллоҳ таоло Қорунни ерга юттирди, Фиръавн ва Ҳомонни сувга ғарқ эттирди.

### Ҳорун алайҳиссаломнинг вафоти

Мусо алайҳиссалом пайғамбарларнинг улуғларидан, шариатлари энг улуғ шариатлардан, умматлари эса жуда кўп сонли эди. Шунга қарамай, одамлар орасида итоатсизлик кўп бўлди. Мусо шариатини ўзгартирдилар, натижада Аллоҳ таоло уларни аянчли жазолар билан жазолади: баъзисини маймунга, баъзиларини тўнғизга айлантириб қўйди. Шунда ҳам улар ёмонликни тарк этмадилар. Аллоҳ уларни бир неча бор зolim ҳукмдорларга дучор қилиб, уларнинг қатағонига учратди. Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга ваҳий юбориб: “Мен Ҳорунни вафот эттирмоқчиман, фалон жойдаги тоққа олиб келинг, ”-деб буюрди. Мусо алайҳиссалом Ҳорун алайҳиссаломни айтилган жойга олиб келдилар. У ерда бир ажойиб манзарали, гўзал дарахтни кўрдилар. Унинг ёнида жуда чиройли қилиб қурилган бир уй бор эди. Уйнинг ичига бир сўри қўйилган бўлиб, унга озода, юмшоқ пар тўшаклар тўшалган эди. Уйнинг ичидан эса хушбўй, ёқимли ҳид таралар эди. Ҳорун алайҳиссалом тоққа назар ташлар эканлар, бу

<sup>1</sup> Анкабут сураси, 39-40-оятлар.

ажойиб дарахт, уй ва сўрини кўриб таажубландилар ва Мусо алайҳиссаломга:

-Эй Мусо, мен шу ерда бироз ухлаб, дам олгим келаяпти, -дедилар.

Мусо алайҳиссалом ҳам розилик билдириб:

-Майли, сўрида ухлаб дам олинг, -дедилар. Ҳорун алайҳиссалом "Бу уйнинг эгаси келиб менга ғазаб қилмасмикин?"-деб сўрадилар. Мусо алайҳиссалом

-Хотиржам ухлайверинг, бу уйнинг эгаси сизга ғазаб қилмаслигига мен кафилман, -деб жавоб бердилар.

-Эй Мусо, келинг, бирга ухлайлик, агар уй эгаси келиб қолса ҳам икковимизга баравар ғазаб қилсин!-дедилар. Мусо алайҳиссалом Ҳорун алайҳиссаломнинг ёнига ётдилар ва Ҳорун алайҳиссалом шу ётганларича фанога йўл олдилар. Ҳоруннинг вафотларидан сўнг уй ҳам, дарахтлар ҳам, сўри ҳам осмонга кўтарилиб кетди. Мусо алайҳиссаломнинг ёлғиз келганини кўрган қавм:"Мусо Ҳорунни ўлдирибди, бани Исроилнинг Ҳорунни кўпроқ севиши Мусонинг ҳасадини кўзғабди"-деган иғволар тарқатишди. Бу иғвонинг хабари Мусо алайҳиссаломга етганда қавмни бир ерга жамлаб туриб:

-Эй қуриб кетгурлар, Мен ўзимни акамни ўлдираманми?-дедилар ва икки ракат намоз ўқиб, Аллоҳга илтижо қилдилар. Аллоҳ таоло Ҳорун алайҳиссалом ётган сўрини Ерга қайтариб, қавмга кўринадиган жойгача туширди. Бани Исроил осмон билан ер ўртасида муаллақ турган, устида Ҳорун алайҳиссаломнинг жасадлари ётган сўрини ўз кўзлари билан кўрдилар. Ҳорун алайҳиссалом Тийҳда вафот этганларида ёшлари 117 да эди. *(Ибн Абу Шайба. Мусаннаф, 11-жилд, 530-бет; Табарий, Тарих, 1-жилд, 223-бет).*

## **Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Меърож кечасида Ҳорун алайҳиссалом билан кўришишлари**

Пайғамбаримиз Муҳаммадсоллаллоҳу алайҳи ва салламМеърож кечасида Жаброил алайҳиссалом билан бешинчи осмонга кўтарилишди. Жаброил алайҳиссалом осмон дарвозасини тақиллатди:

-Кимсан?-деган овоз келди.

-Жаброилман.

-Ёнингда ким бор эди?

-Муҳаммадсоллаллоҳу алайҳи ва саллам

-У Меърожга юборилдими?

-Шундай, -дедилар Жаброил алайҳиссалом.

Осмон эшиги очилиб, Ҳорун алайҳиссалом билан учрашдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: - Бу ким, эй Жаброил?-деб сўрадилар.

- Бу қавми жуда яхши кўрган пайғамбар Ҳорун ибн Имрон( с)дир, -дедилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам у кишига салом бердилар. Икковлари кўришиб, саломлашдилар. (Аҳмад ибн Ҳанбал. Муснад, 4-жилд, 209-бет; Имом Бухорий. Саҳиҳ, 4-жилд, 249-бет).

## **Таврот китобининг нозил бўлиши**

Мусо алайҳиссалом ва у кишининг қавмларига Аллоҳ таоло Таврот китобини нозил қилди. Бу китоб орқали Исроил қавмига имон, амаллар ва шариат аҳкомлари юборилди. Таврот ибрий (қадимий яҳудий) тилида нозил бўлган. "Тара" қонун, шариат деганидир. Таврот ҳам Аллоҳнинг ҳидоят китоби бўлгани учун унинг асл нусхасида аввало Исроил авлодларини Аллоҳнинг борлиги ва бирлигига имон келтиришга чақирилган, яҳудийларни одоб-ахлоққа, инсоний фазилатларни касб

қилишга, пайғамбарларига итоат этишга ва Аллоҳга ибодат қилишга чақирилган. Қуръоннинг кўплаб оятларида Таврот оятларидан жумлалар иқтибос қилинганки, бу оятларнинг мазмунини Қуръоннинг бошқа оятлари билан таққосланганда яҳудийларга ҳам мусулмонларга буюрилган амаллар ва ибодатлар буюрилганлигининг шоҳиди бўламиз. Тавротнинг одамлар қўли билан ўзгартирилгани, баъзи ҳукмлар олиб ташлангани, кераксиз нарсалар қўшиб юборилган ҳақида Аллоҳ шундай хабар беради: **“Ваҳоланки, улардан бир гуруҳи Аллоҳнинг каломини эшитиб, англаб олганларидан сўнг, била туриб уни ўзгартирар эдилар”**.

Мусо алайҳиссалом қавмларига Тавротни келтирилганларидан кейин ундаги аҳкомларга амал қилишни буюрдилар. Исроил авлодлари Мусо алайҳиссаломга эътироз билдиришиб:

“Тавротдаги барча ҳукмларни бизга шарҳлаб, тушунтириб беринг, агар бизга маъқул келса, биз уларни қабул этамиз ва амал қиламиз”, - дедилар.

Мусо алайҳиссалом уларга бир неча марта мурожаат қилсалар ҳам, улар ўз сўзларидан қайтмадилар. Аллоҳ таоло фаришталарга буюрди ва улар катта тоғни кўтаришиб, Мусо алайҳиссаломнинг қавмлари устига келдилар. Тоғ қавм устида қора булутдек соя солиб турди. Фаришталар қавмга хитоб қилиб: “Агар Тавротда бор ҳукмларни тўлалигича қабул қилмасангиз, бошларингизга мана шу тоғни ташлаб юборамиз” – дейишди. Қавм Тавротни қабул қилдилар, сажда қилишга буюрилган эдилар, тоғнинг бошларига тушиб кетишидан хавф қилишиб, бир юзларини ерга қўйиб, икинчисини осмонга қилиб, кўзларининг қири билан тоғни кузатган ҳолда сажда қилдилар. Улар доим айтиб юрдиларки: Бизлар учун энг улуғ сажда бошимиздан Аллоҳнинг азоби кўтарилган кундаги саждадир. Аллоҳнинг фаришталари тоғни кўтариб туриб, Исроил авлодлари қавмига

тахдид қилиб, кейин азоб кўтарилганда Ер юзидаги жамики тоғлар, тошлар ва дарахтлар силкиниб кетдилар. *(Ибн Қутайба, Маориф, 20-бет; Салабий Ароис, 207-бет.)*

### Мусо алайҳиссаломнинг вафотлари

Мусо алайҳиссалом акалари Ҳорун алайҳиссалом вафотидан сўнг уч йил умр кечирдилар. Исроил қавми Тур тоғи қўрқуви билан Таврот амалларини қабул қилгач, Мусо алайҳиссалом қирқ кеча-кундуз кўринмадилар. Бундан аввал Мусо алайҳиссалом қавмлари билан қирқ йил Тийҳ водийсида адашиб юрдилар. Байтул Муқаддасга кириш насиб этмади. Мусо алайҳиссаломнинг умрлари ниҳоясига етиб бораётган пайтда Аллоҳ таолодан Байтул Мақдисга кириш насиб бўлмаса ҳам, унга яқинроқ жойда қазо эттиришини илтижо қилдилар. Ривоятга кўра, Мусо алайҳиссалом бир кун юмуш билан юргандилар, бир тўп фаришталарнинг қабр қазийётганларини кўрдилар. Қабр жуда манзарали, файзли кўринди. Мусо алайҳиссалом:

-Эй Аллоҳнинг фаришталари, бу қабрни ким учун қазияпсизлар?-деб сўрадилар.

-Аллоҳнинг бандаларидан бўлган бир улуғ одам учун. Агар ўша улуғ одам сиз бўлишини истасангиз, марҳамат қабрга кириш, узала тушиб ётинг, Аллоҳга таважжуҳ қилиш, -дейишди.

Мусо алайҳиссалом қабрга кирдилар ва шу ерда ётганча вафот этдилар. Фаришталар Аллоҳнинг улуғ бандаси ва пайғамбарини дафн этдилар.

Мусо алайҳиссалом 120 ёшларида Тийҳ саҳросида Байтул Муқаддас атрофида вафот этдилар, қабрлари ҳам ўша ердадир. *(Табарий. Тарих, 1-жилд, 224-бет; Ҳоким. Мустадрок, 2-жилд, 580-бет.)*

## ХИЗР АЛАЙҲИССАЛОМ

### Хизр алайҳиссаломнинг насаби, исми ва баъзи фазилатлари

Ривоятга кўра Хизр алайҳиссаломнинг тўлиқ насаби Балё (ёки Илё) ибн Милкон ибн Фолиғ, ибн Обир, ибн Солиҳ, ибн Арфахшад, ибн Сом, ибн Нух алайҳиссалом дир. Уламолар Хизр алайҳиссаломнинг насаблари, пайғамбарликлари ва ҳаётлари тўғрисида ихтилоф қиладилар. Ал-Ҳофиз ибн Асокир айтади: “Хизр алайҳиссалом Одам алайҳиссаломнинг пушти камаридан бўлган ўғилларидир.” (*Ибн Асокир, Тарих, 5-жилд 144-бет*)

Яна бир ривоятга кўра: “Одам авлодларининг ичида энг узун умр кўрадигани Хизр алайҳиссалом дирлар. У зотнинг исмлари Хизрун ибн Қобил ибн Одамдир. Одам алайҳиссаломнинг вафотлари яқинлашганда авлодларига хабар бериб шундай деганлар:

“Яқинда тўфон бўлади. Тўфон бошланганда менинг жасадимни кемага олинглар ва тўфон тинганидан кейин фалон(муайян жойни кўрсатганлар)жойга дафн этинглар. Ким менинг васиятимни бажарса, унинг умри узун бўлади.” Тўфон тинганидан кейин кемадан тушиб, Нух алайҳиссалом ўғилларига:”Одамни васият қилган ерига дафн қилиб келинг”, -деб буюрдилар. Ернинг ҳамма жойини сув босган ва Одам алайҳиссалом васият қилган жойни топиш мушкул эди. Хизр алайҳиссалом сабот ва матонат билан Одам алайҳиссалом айтган жойни топди ва Одам алайҳиссаломни ўша ерга дафн этдилар. Шундан сўнг Одам алайҳиссаломнинг дуоларига ноил бўлиб, узоқ умр кўрадиган бўлдилар.

Ибн Жарир ат-Табарийнинг ёзишича, Хизр Афридун ибн Исфий замонида яшаган илм соҳибларидан бўлиб, Мусо алайҳиссалом ўз замонларида у билан учрашганлар.

Абу Хурайра (р.а.) айтардилар: "Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: Хизрнинг шу ном билан аталишига сабаб шуки, у оппоқ (шўр) ерга ўтирса ҳам, ўрнидан туриши билан у ердан яшил майса униб чиқарди." (Аҳмад ибн Ҳанбал. муснад, 2-жилд, 312-бет. Имом Бухорий. Саҳиҳ, 4-жилд, 129-бет).

Ал-Хитобий айтади: Хизрнинг шу ном билан аталишига сабаб, унинг юзи нурли ва гўзал бўлгани учундир." (Термизий. Сунан, 5-жилд, 313-бет.)

### **Мусо алайҳиссаломнинг Хизр алайҳиссалом билан кўришишлари**

Бир куни Абдуллоҳ ибн Аббос Хур ибн Қайс билан Мусо алайҳиссаломнинг дўсти кимлиги борасида баҳслашиб қолишди. "У зот Хизрдир" деди. Уларни тортишувини ҳал қилиш учун ёнларидан ўтиб бораётган Убай ибн Қобул Ансорийга мурожаат қилишди. "Дўстим билан Мусо алайҳиссаломнинг дўсти борасида тортишиб қолдим. Сиз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан бу тўғрисида эшитганмисиз?"-деб сўради.

Убай ибн Қобул Ансорий деди:

-Ҳа, Мусо алайҳиссаломнинг ҳаёти тўғрисида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан эшитган эдим. Ул зот Мусо алайҳиссаломнинг дўстлари тўғрисида шундай деган эдилар:

Мусо алайҳиссалом Исроил қавмидан бир жамоатга сўзлаб турганларида бир киши:

-Ўзингиздан ҳам билимдон кишини биласизми?-деб сўради.

-Йўқ, билмайман, - дедилар Мусо алайҳиссалом.

Шундан кейин у кишига Аллоҳ ваҳий юборди: "Кўп билимга эга бўлган Хизр бордир!" Мусо алайҳиссалом у зот билан кўришиш йўлини изладилар. Аллоҳ Хизр алайҳиссаломнинг белгиларини ваҳий орқали билдир-

ди. Мусо алайҳиссалом уни узоқ жойга қидириб борадилар. Хизр алайҳиссалом олдида тавозу билан турадилар. Хизрга сафарда итоаткор шогирд мақомида эргашдилар. Мусо алайҳиссалом у зотга:

- Сенга билдирилган билимдан менга ҳам тўғри йўлни таълим беришинг учун сенга эргашсам майлими? - дедилар. Хизр алайҳиссалом айтдилар:

- Аниқки, сен мен билан бирга илм заҳматиغا сабр қила олмайсан.

- Иншааллоҳ, сен менинг сабрли эканимни кўрурсан. Мен бирор ишда сенга итоатсизлик қилмасман, - дедилар Мусо алайҳиссалом.

- Бас, агар менга эргашсанг, то ўзим сенга айтмагунимча бирор нарса ҳақида мендан сўрамагин, - дедилар Хизр алайҳиссалом.

Аллоҳ таоло Хизр алайҳиссаломни ўзининг хос илми-илми ладунийсига ошно қилган эди. Шундан сўнг икковлари йўлга чиқдилар, кемалари бўлмагани учун яёв кетдилар. Соҳил бўйида бир кемага дуч келишди. Кема бошлиғидан уларни ҳам кемага олишларини сўрадилар. Кемадагилар Хизр алайҳиссаломни таниб:

- Аллоҳнинг солиҳ қули, - дедилар. (*Аҳмад ибн Ҳанбал, Муснад, жилд V, с 120.*)

Кемага чиқиб жойлашишгач, йўлга тушишди. Манзилга етгач, кемадан тушдилар ва соҳил бўйлаб юриб кетишди. Бир жойда кўчада бир бола ўртоқлари билан ўйнаб юрар эди. Хизр алайҳиссалом дарҳол уни тутиб, қатл қилишга буюрдилар. Мусо алайҳиссалом бу ҳолатни кўриб даҳшат ичида қолдилар.

- Сиз бегуноҳ маъсум бир гўдакни ўлдирдингиз? Нега ахир? - дедилар Мусо алайҳиссалом.

- Мен сенга бардошинг етмайди демаганмидим?! Кейингилари бундан ҳам оғирдир, - дедилар Хизр)а. с). - Тўғри, тирик жонни ўлдириш гуноҳ. Аммо бу боланинг ўлими унинг ота-онаси учун фойда. Чунки куфру исён-

дан омонда бўладилар. Аллоҳ таоло унинг ўрнига солиҳ фарзанд ато қилади.

Шу тариқа Мусо алайҳиссалом Хизр алайҳиссаломнинг ёнларида юриб, кўп ажойиботларни кўрдилар ва ўргандилар. Мусо алайҳиссаломнинг Хизр алайҳиссаломдан ажралиш фурсатлари етганда: “Менга васият қилинг, ”-дедилар. Хизр алайҳиссалом шундай васият қилдилар:

“Эй Мусо, одамларга фойда етказувчи бўл, зарар етказувчи бўлма! Одамларга очиқ юзли бўл, ғазаб билан кўринма! Қинғирликдан сақлан, беҳуда дайдиб юрма! Беҳудага кулма!”

Мусо алайҳиссалом Хизр алайҳиссалом билан ўн саккиз кун бирга юрдилар.

### Қуърони каримда Мусо ва Хизр алайҳиссаломларнинг кўришишлари тўғрисида келтирилган оятлар

وَإِذْ قَالَ مُوسَى لِفَتْنِهِ لَآ أَبْرَحُ حَتَّىٰ أَبْلُغَ مَجْمَعَ الْبَحْرَيْنِ أَوْ أَمْضِيَ حُقُبًا ﴿٦٠﴾ فَلَمَّا بَلَغَا مَجْمَعَ بَيْنَهُمَا نَسِيَا حُوتَهُمَا فَاتَّخَذَ سَبِيلَهُ فِي الْبَحْرِ سَرَبًا ﴿٦١﴾ فَلَمَّا جَاوَزَا قَالَ لِفَتْنِهِ ءَإِنَّا غَدَاءُنَا لَقَدْ لَقِينَا مِنْ سَفَرِنَا هَذَا نَصَبًا ﴿٦٢﴾ قَالَ أَرَأَيْتَ إِذْ أَوَيْنَا إِلَى الصَّخْرَةِ فَإِنِّي نَسِيتُ الْحُوتَ وَمَا أَنسَنِيهِ إِلَّا الشَّيْطَانُ أَنْ أَذْكُرَهُ. وَاتَّخَذَ سَبِيلَهُ فِي الْبَحْرِ عَجَبًا ﴿٦٣﴾ قَالَ ذَلِكَ مَا كُنَّا نَبْغُ فَارْتَدَّ عَلَيْنَا آثَارُهُمَا قَصَصًا ﴿٦٤﴾ فَوَجَدَا عَبْدًا مِنْ عِبَادِنَا ءَأْتَيْنَاهُ رَحْمَةً مِنْ عِنْدِنَا وَعَلَّمْنَاهُ مِنْ لَدُنَّا عِلْمًا ﴿٦٥﴾ قَالَ لَهُ مُوسَى هَلْ أَتَيْكَ عَلَىٰ أَنْ تَعْلِمَ مِنْ مِمَّا عَلَّمْتُ رُشْدًا ﴿٦٦﴾ قَالَ إِنَّكَ لَنْ تَسْتَطِيعَ مَعِيَ صَبْرًا ﴿٦٧﴾ وَكَيْفَ تَصْبِرُ عَلَىٰ مَا لَمْ تُحِطْ بِهِ ءَ خَبْرًا ﴿٦٨﴾

قَالَ سَتَجِدُنِي إِنْ شَاءَ اللَّهُ صَابِرًا وَلَا أَعْصِي لَكَ أَمْرًا ﴿٦٦﴾ قَالَ فَإِنْ  
 اتَّبَعْتَنِي فَلَا تَسْأَلْنِي عَنْ شَيْءٍ حَتَّى أُحَدِّثَ لَكَ مِنْهُ ذِكْرًا ﴿٧٠﴾ فَأَنْطَلَقَا  
 حَتَّى إِذَا رَكِبَا فِي السَّفِينَةِ خَرَقَهَا قَالَ أَخَرَقَهَا لِتُغْرِقَ أَهْلَهَا لَقَدْ جِئْتَ  
 شَيْئًا إِمْرًا ﴿٧١﴾ قَالَ أَلَمْ أَقُلْ إِنَّكَ لَنْ تَسْتَطِيعَ مَعِيَ صَبْرًا ﴿٧٢﴾ قَالَ لَا  
 تُؤَاخِذْنِي بِمَا نَسِيتُ وَلَا تُرْهِقْنِي مِنْ أَمْرِي عُسْرًا ﴿٧٣﴾ فَأَنْطَلَقَا حَتَّى إِذَا  
 لَقِيَا غُلَامًا فَقَتَلَهُ قَالَ أَقْتَلْتَنِي نَفْسًا زَكِيَّةً بِغَيْرِ نَفْسٍ لَقَدْ جِئْتَ شَيْئًا نُكْرًا  
 ﴿٧٤﴾ قَالَ أَلَمْ أَقُلْ لَكَ إِنَّكَ لَنْ تَسْتَطِيعَ مَعِيَ صَبْرًا ﴿٧٥﴾ قَالَ إِنْ سَأَلْتَكَ  
 عَنْ شَيْءٍ بَعْدَهَا فَلَا تُصَحِّبْنِي قَدْ بَلَغْتَ مِنْ لَدُنِّي عُذْرًا ﴿٧٦﴾ فَأَنْطَلَقَا حَتَّى  
 إِذَا أَنِيَا أَهْلَ قَرْيَةٍ اسْتَطَعَمَا أَهْلَهَا فَأَبْوَأُ أَنْ يُضَيَّفُوهُمَا فَوَجَدَا فِيهَا  
 جِدَارًا يُرِيدُ أَنْ يَنْقُضَ فَاقَامَهُ قَالَ لَوْ شِئْتَ لَتَّخَذْتَ عَلَيْهِ أَجْرًا ﴿٧٧﴾  
 قَالَ هَذَا فِرَاقُ بَيْنِي وَبَيْنَكَ سَأْنِبْتُكَ بِأَوْيَلِ مَا لَمْ تَسْتَطِعْ عَلَيْهِ صَبْرًا  
 ﴿٧٨﴾ أَمَّا السَّفِينَةُ فَكَانَتْ لِمَسْكِينٍ يَعْمَلُونَ فِي الْبَحْرِ فَأَرَدْتُ أَنْ أَعِيبَهَا  
 وَكَانَ وَرَاءَهُمْ مَلِكٌ يَأْخُذُ كُلَّ سَفِينَةٍ غَصْبًا ﴿٧٩﴾ وَأَمَّا الْغُلَامُ فَكَانَ أَبَوَاهُ  
 مُؤْمِنَيْنِ فَخَشِينَا أَنْ يُرْهِقَهُمَا طُغْيَانًا وَكُفْرًا ﴿٨٠﴾ فَأَرَدْنَا أَنْ يُبَدِّلَهُمَا  
 رَبُّهُمَا خَيْرًا مِنْهُ زَكَاةً وَأَقْرَبَ رُحْمًا ﴿٨١﴾ وَأَمَّا الْجِدَارُ فَكَانَ لِغُلَامَيْنِ  
 يَتِيمَيْنِ فِي الْمَدِينَةِ وَكَانَ تَحْتَهُ كَنْزٌ لَهُمَا وَكَانَ أَبُوهُمَا صَالِحًا فَأَرَادَ  
 رَبُّكَ أَنْ يَبْلُغَا أَشُدَّهُمَا وَيَسْتَخْرِجَا كَنْزَهُمَا رَحْمَةً مِنْ رَبِّكَ وَمَا فَعَلْتُهُ  
 عَنْ أَمْرِ ذَلِكِ فَأَوْيَلُ مَا لَمْ تَسْتَطِعْ عَلَيْهِ صَبْرًا ﴿٨٢﴾

Мусо ўз йигитига (шогирди Ювшаъ ибн Нунга): “То  
 икки денгиз қўшиладиган ерга етмагунча ёки узоқ  
 муддат кезмагунча юришдан тўхтамайман”-деган

пайтини эслангиз. Қачонки, у иккиси денгиз қўшиладиган ерга етишгач, балиқларини унутдилар, бас, у (балиқ) денгиз қаърига йўл олди. Қачонки у ердан ўтишгач (Мусо) йигитига: “Нонуштамизни келтир, бу сафаримиздан жуда чарчадик”, – деди.

У (Ювшаъ) айтди: “Буни кўринг, бизлар денгиз соҳилидаги қояга бориб (ором олган) пайтимизда мен балиқни унутибман. Буни сизга айтишни, фақат шайтон ёдимдан чиқарди. У балиқ денгизга йўл олибди.”

Мусо айтди: “Мана шу биз истаган нарса эди”.

Сўнг (Хизрни) қидириб, изларига қайтдилар. Бас, бандаларимиздан бир бандани топдилар. Биз унга ўз даргоҳимиздан раҳмат ато этган ва ҳузуримиздан илм берган эдик. Мусо унга: “Сенга билдирилган илм билимдан менга ҳам тўғри йўлни таълим беришинг учун сенга эргашсам майлими?-деди. У (Хизр) айтди: “Аниқки, сен мен билан бирга (илм муаммоларига) сабр қила олмайсан. (Зотан) ўзинг эгаллаб хабардор бўлмаган нарсага қандай сабр қилурсан?”

(Мусо) деди: “Иншоаллоҳ, сен менинг сабрли эканимини кўурсан. Мен бирор ишда сенга итоатсизлик қилмасман. “У (Хизр) айтди: “Бас, агар менга эргашсанг, то ўзим сенга айтмагунимча бирор нарса ҳақида мендан сўрамагин!”

Бас, иккиси йўлга чиқдилар. Бориб бир кемага минишлари билан (Хизр) кемани тешиб қўйди. (Мусо) айтди: “Одамларни ғарқ қилиш учун уни тешдингизми? Жуда ножўя иш қилдингиз-ку?”

У (Хизр) деди: “Мен билан бирга сабр қилишга тоқатинг сира етмайди, демаганмидим?! (Мусо) айтди: “Унутганим учун мени айбламагин ва бу ишим сабабли мени машаққатга дучор ҳам қилмагин!”

Сўнгра яна йўлга тушдилар. Бориб бир болани учратганларида (Хизр) уни қатл эттирди. (Буни кўр-

ган Мусо) деди: “Ҳеч кимни ўлдирмаган бир бегуноҳ жонни ўлдирдинг-а? Ҳақиқатдан, хунук иш қилдинг!”

У (Хизр) деди: “Сенга мен билан бирга сабр қилишга сира тоқатинг етмас, демаганмидим?”

(Мусо) деди: “Агар бундан кейин сендан бирор нарса ҳақида сўрасам, менга ҳамроҳ бўлмагин. Мен томондан узр (қабул қилиш меъёри)га етган бўлурсан. Сўнгра (улар) яна йўлга тушдилар. То бир шаҳар аҳлининг олдига келиб улардан таом сўраган эдилар, уларни меҳмон қилишдан бош тортишди. Кейин ўша жойда йиқилай деб турган бир деворни кўришгач, (Хизр) уни тиклаб қўйди. (Мусо) деди: “Агар хоҳласанг, бу (ишинг) учун ҳақ олишинг мумкин эди.”

У (Хизр) айтди: “Мана шу сен билан менинг ажралишимиздир. Энди мен сени сабр қилишга тоқатинг етмаган нарсаларнинг таъвилидан огоҳ қилурман: Кема хусусига келсак, у денгизда ишлайдиган мискинларники эди. Бас, мен уни айбли қилиб қўймоқчи бўлдим. (Чунки) уларнинг ортида барча бутун кемаларни тортиб олаётган подшоҳ бор эди.

Ҳалиги боланинг эса, ота-онаси мўъмин кишилар эди. Бас, биз у (бола) туғён ва куфр билан уларни қийнаб қўйишидан қўрқдик. Шу сабабдан, уларга Парвардигорлари у (бола)дан кўра покизароқ ва ундан кўра меҳрибонроқ (бошқа бир болани) бадал қилиб беришини истадик. Энди девор эса шу шаҳардаги икки етим боланики бўлиб, унинг остида улар учун бир хазина бор эди. Уларнинг отаси солиҳ киши эди. Бас, Раббинг улар вояга етиб, Раббингнинг раҳмати бўлмиш хазиналарни чиқариб олишларини ирода қилди. Мен бу (ишларни) ўзимча қилганим йўқ. Мана шу сен сабр қилишга тоқатинг етмаган нарсаларнинг таъвили (шарҳидир)<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Каҳф сураси, 60-82-оятлар.

## ИЛЁС АЛАЙҲИССАЛОМ

### Илёс алайҳиссаломнинг насаблари

Илёс ибн Ясин ибн Финҳас ибн Ийзор ибн Ҳорун ибн Имрон алайҳиссалом дир.

Илёс алайҳиссалом баланд бўйли, қотмадан келган, жингалак соч, кўркам зот эдилар.

### Илёс алайҳиссаломнинг пайғамбар бўлишлари

Аллоҳ таоло Илёс алайҳиссаломни Дамашқнинг ғарбида жойлашган Баълабакка аҳолисига пайғамбар қилиб юборди. Илёс алайҳиссалом қавмларини Аллоҳ таолонинг ягоналигига имон келтириш ва муқаддас китоб -Тавротга амал қилишга даъват қилганлар. Илёс алайҳиссалом даъват қилган қавм ҳозирги кунда Исроилда яшаётган яҳудийлар эди. Мусо алайҳиссаломнинг вафотларидан сўнг Исроил қавмининг эътиқоди бузилди, ахлоқи тубанлашди, бутларга сиғинар эдилар. Тавротга амал қилишни унутган, кўнгилларига нима келса тап тортмас эдилар.

Юшаъ ибн Нун Шом давлатини эгаллагач, шаҳарларга Исроил қавмидан ҳокимлар тайинлаган эдилар. Бу подшоҳлар вақт ўтиб, эътиқодни буздилар. Шом подшоҳларидан фақат Балабакка Илёс алайҳиссалом динни тан олар, бошқалар эса Баъл номли бутга сиғинишга ўтган эдилар. Баъл олтиндан ясалган аёл кишининг бути эди.

Илёс алайҳиссалом яҳудийларга: "Баълдан воз кечинг. Яккаю ягона Аллоҳга сиғининг. Унга ибодат қилинг."-дея насиҳат қилдилар. Агар Баълдан воз кечишмаса, Аллоҳга қайтмасалар, қаттиқ азоб бўлишини айтдилар. Лекин Аллоҳ қалбларини муҳраб қўйган қавм пайғамбарга қулоқ солмади, уни ўлдирмоқчи бўлдилар.

Илès алайҳиссалом қавмларидан қочиб, тоғдаги ғорда етти йил яшириниб юрдилар. Ризқларини қарғалар келтириб берар эди. Аллоҳ таоло ўша замон подшоҳини ҳалок этди ва унинг ўрнига солиҳ одам подшоҳ бўлди. Илès алайҳиссалом ғордан чиқиб, қавм ҳузурига келдилар, подшоҳни даъват этдилар. Подшоҳ ва қавм исломни қабул этди. Аммо қавмдан ўн минг киши исломни қабул қилмагани учун подшоҳ улрни қатл эттирди.

Илès алайҳиссаломнинг қавмлари у зотга кўп озор етказа бошлагандан кейин Аллоҳ таоло Илès алайҳиссаломни вафот этишини ирода қилди. Пайғамбарликни эса ал-Ясаъ ибн Ахтубга васият қилиб, ўзлари осмонга чиқиб кетдилар. (*Муҳаммад Ибн Жарир Табарий. Тарихул умам валмулук. 1-жилд, 188-бет.*)

Аллоҳ таоло Илès алайҳиссалом тўғрисида ўз Каломида айтади:

وَإِنَّ إِلْيَاسَ لَمِنَ الْمُرْسَلِينَ ﴿١٢٣﴾ إِذْ قَالَ لِقَوْمِهِ يَا قَوْمِ أَلَا تُنْفِقُونَ ﴿١٢٤﴾  
 أَنْدَعُونَ بَعْلًا وَأَنْتُمْ تُكَذِّبُونَ ﴿١٢٥﴾ أَحْسَنَ الْخَالِقِينَ ﴿١٢٥﴾ اللَّهُ رَبُّكُمْ وَرَبُّ  
 آبَائِكُمْ الْأَوَّلِينَ ﴿١٢٦﴾ فَكَذَّبُوهُ فَاتَّبَعُوا لِمُحَضَّرُونَ ﴿١٢٧﴾ إِلَّا عِبَادَ اللَّهِ  
 الْمُخْلَصِينَ ﴿١٢٨﴾ وَتَرَكْنَا عَلَيْهِ فِي الْآخِرِينَ ﴿١٢٩﴾ سَلَّمَ عَلَيْنَا مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ ﴿١٣٠﴾  
 إِنَّا كَذَلِكَ نَجْزِي الْمُحْسِنِينَ ﴿١٣١﴾ إِنَّهُ مِنْ عِبَادِنَا الْمُؤْمِنِينَ ﴿١٣٢﴾

“Илès ҳам албатта, пайғамбарлардандир. Қайсики, ўз қавмига деган эди: “Аллоҳдан қўрқмайсизми?!

Сизлар яратувчиларнинг яхшисини қўйиб, Баъл номли бутга сиғинаяпсизларми? Сизларни Раббингиз ва аввалги ота-боболарингизнинг ҳам Раббини қўйиб-а?!

Бас (Илèsни) ёлғончига чиқардилар. Бас, албатта улар (дўзахга) ҳозир қилинувчилардир.

**Биз кейинги авлодлар орасида у (Илѐс) ҳақида (гўзал мақтовлар) қолдирайлик. Илѐсга салом!**

**Биз эзгу иш қилувчиларни мана шундай мукофотлаймиз! Дарҳақиқат, у бизнинг мўмин бандаларимиздандир”<sup>1</sup>.**

## АЛЯСАЪ АЛАЙҲИССАЛОМ

### Алясаъ алайҳиссаломнинг насаблари

Алясаъ ибн Ахтуб ибн Адий ибн Шутлам ибн Афромим ибн Юсуф ибн Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим алайҳиссаломдир. Баъзи олимлар Алясаъ алайҳиссалом Илѐс алайҳиссаломнинг амакиваччаси эканлигини айтишади. (*Ибн Асокир, Тарих, 2-жилд, 4-бет*).

### Алясаъ алайҳиссаломнинг халифа ва пайғамбар бўлишлари

Илѐс алайҳиссалом Баълабакка подшолигидан тоғда яшириниб юрганларида Алясаъ алайҳиссалом билан ҳамроҳ бўлганлар.

Илѐс алайҳиссалом бир кун Исроил қавмидан ёши бир жойга бориб қолган аёлнинг уйига душманларидан яширинадилар. У аёлни Алясаъ исмли ўғли бўлиб, оғир бетоб эди. Илѐс алайҳиссалом дуолари билан хасталиқдан халос бўлади ва шу кундан пайғамбардан асло айрилмай, бирга юрди. Илѐс алайҳиссалом тоғдан қавмга қайтганларида Алясаъ ҳам бирга келганлар. Илѐс алайҳиссалом осмонга кўтарилиб кетганларидан сўнг, Алясаъни ўринларига тайинлаб кетадилар. Аллоҳ таоло Алясаъни пайғамбар қилиб юбориб, ваҳий орқали ўзини амрларини етказиб турди. Алясаъ алайҳиссалом умрининг охиригача Исроил қавмини тўғри эътиқодга даъват қилиб яшадилар. Лекин адашган қавм тўғри йўл-

<sup>1</sup> Соффат сураси, 123-132-оятлар.

ни тан олмади. Алясаънинг мўъжизаларига ишонмади, аксинча, исён қилиб, инкор йўлини тутишди. Натижада, уларга Аллоҳ таоло золим бир қавмни юбориб, Бани Исроил яна хорликка тушди.

Аллоҳ таоло Куръони каримда шундай дейди:

وَأَذْكُرِ اسْتَعْجِلَ وَالْيَسَعَ وَذَا الْكِفْلِ وَكُلِّ مِنَ الْأَخْيَارِ ﴿٤٨﴾

“Яна Исмоил, Алясаъ ва Зулкифрни эсланг! Барчалари яхши кишилардандир”.<sup>1</sup>

وَاسْتَعْجِلَ وَالْيَسَعَ وَيُونُسَ وَلُوطًا وَكُلًّا فَضَلْنَا عَلَى الْعَالَمِينَ ﴿٨٦﴾  
 وَمِنَ آبَائِهِمْ وَذُرِّيَّاتِهِمْ وَإِخْوَانِهِمْ وَأَجْنِبِيَّتِهِمْ وَهَدَيْتَهُمْ إِلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ ﴿٨٧﴾  
 ذَلِكَ هُدَى اللَّهِ يَهْدِي بِهِ مَنْ يَشَاءُ مِنْ عِبَادِهِ وَلَوْ أَشْرَكُوا لَحِطَّ عَنْهُمْ مَا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿٨٨﴾  
 أُولَئِكَ الَّذِينَ آتَيْنَاهُمُ الْكِتَابَ وَالْحِكْمَ وَالنُّبُوَّةَ فَإِنْ يَكْفُرْ بِهَا هَؤُلَاءِ فَقَدْ وَكَلْنَا بِهَا قَوْمًا لَيَسُوها بِهَا يَكْفِيرِينَ ﴿٨٩﴾

Исмоил, ал-Ясаъ, Юнус ва Лутни ҳам (ҳидоятга йўладик). Ҳаммаларини оламлар узра афзал қилдик. Шунингдек, уларнинг ота-боболаридан, зурриётларидан ва ака-укаларидан (баъзиларини афзал қилдик). Уларни танлаб олиб, тўғри йўлга (ҳақдинга) бошладик. Аллоҳнинг ҳидояти шудир. У билан хоҳлаган банларини йўлга солади. Агар мушрик бўлганларида қилган (севимли) амаллари йўққа чиқан бўлур эди.

Ана ўшалар Биз Китоб, ҳукм ва пайғамбарлик берган зотлардир. Агар уларни ана улар (Макка мушриклари) инкор этсалар, уларни инкор этмайдиган қавмни уларга вакил қилиб қўйганмиз”<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Сод сураси, 48-оят.

<sup>2</sup> Аньом сураси, 86-89-оятлар.

## ЮНУС АЛАЙҲИССАЛОМ

### Юнус алайҳиссаломнинг насаблари

Юнус ибн Матта ибн Бинёмин ибн Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим алайҳиссаломдир.

Пайғамбарлардан Юнус ибн Матта ва Исо ибн Марям алайҳиссалом ларгина оналарини насаби билан аталадилар.

Аллоҳ таоло Куръони каримда у зотни Зуннун (Балиқ соҳиби) дея айтиб ўтади (*Анбиё сураси, 87-оят*). Юнус алайҳиссалом Шом мамлакатининг Мавсил қишлоқларидан бири Нинаво қишлоғи қавмидандирлар.

### Юнус алайҳиссаломнинг пайғамбар бўлишлари

Юнус алайҳиссалом юксак эҳтиромга сазовор бўлган пайғамбарлардандир. Аллоҳ таоло Илёс алайҳиссаломдан сўнг Исроил қавмига пайғамбар қилиб юборди. Юнус алайҳиссалом пайғамбар бўлганларида ўттиз ёшда эдилар.

Найнаво қавми санамларга ибодат қиларди. Аллоҳ таоло бу бутпараст халқни Ҳақ динга даъват этиш учун Юнус алайҳиссаломни пайғамбар этиб юборди. Юнус алайҳиссалом жуда кўп насихатлар қилган бўлсалар ҳам, қавмга Аллоҳ хидоят насиб этмади, бутлардан юз ўгирмади.

Юнус алайҳиссалом уларга агар имон келтирмасалар, бир неча кундан кейин уларга Аллоҳнинг азоби келишини айтадилар. Улар шунда ҳам имонга келмадилар. Юнус алайҳиссалом қавмдан ғазабландилар ва йўлларида дуч келган денгиз соҳилида бир кемага миниб, улардан узоқлашадилар. Юнус алайҳиссалом кемага минган кунлари Найнаво шаҳри устида осмон қорайди, шаҳарни даҳшатли қуюқ туман қоплади. Ҳамма Юнус алайҳиссалом айтган даҳшатли азобнинг келиши ҳақ эканлиги-

ни англади, уларнинг қалбларига ўлим ваҳимаси тушиб, биз ҳам Од, Сауд, Лут қавмларига ўхшаб Аллоҳнинг умумий азобига дучор бўлиб, ер билан яксон бўлиб, ер юзидан бутунлай номимиз ўчиб кетмаса эди, дўзах азобига гирифтор бўлмасак эди, деб Юнус алайҳиссаломни кўп қидирдилар, Аллоҳга кўп илтижо қилдилар. Аллоҳ таоло уларга шафқат қилди. Қавм уйларига соғ-омон қайтдилар. Юнус алайҳиссаломни кўришни, унга итоат этишни жуда ҳоҳлардилар, аммо Юнус алайҳиссалом қавмларини ташлаб Аллоҳнинг изнисиз улардан узоқ ерда – денгизда кетаётган эдилар.

Юнус (пайғамбар қавмининг инкоридан ғазабланиб, улардан узоқ-узоқларга қочиб кетмоқчи бўлдилар ва йўлда катта денгизга учрадилар. Юнус алайҳиссалом шу кетишда қавмларидан қочиб, Тартиш (ҳозирги Тунис)га боришни истаган эдилар. Кема денгиз ўртасига келганда юрмай қўяди. Кема эгаси: “Ичингизда бир гуноҳкор одам бор экан, шунинг учун кема юрмапти” – дейди. Гуноҳкорни аниқлаш учун қуръа ташланади. Уч марта ҳам қуръа Юнус алайҳиссаломнинг отларига тушди. Юнус алайҳиссалом гуноҳкор одам сифатида денгизга ташландилар.

Юнус алайҳиссалом уч мартада ҳам қуръа ўз номларига чиққанини кўриб, бунда Аллоҳнинг тадбир, сирини борлигини сездилар, Аллоҳнинг ҳижратга изнисиз, қавмларидан қочиб сувга тушганлари ўзларининг хатолари эканини ҳис қилдиларва қоронғу зулмат қаърига сингиб кетиш учун ўзларини денгиз бағрига отиб, унинг ихтиёрига топширдилар. Денгизда уни наҳанг ютиб юборади. Аллоҳ таоло катта бир наҳангга Юнус алайҳиссалом ютиб юборишни, аммо унинг танасини ҳазм қилмасликни, суягини синдирмасликни, омонат сақлашни буюрди. Чунки меҳрибон Парвардигор ўзининг улуғ пайғамбарини соғ-саломат бўлишини истаган эди. Юнус пайғамбар алайҳиссалом наҳанг қорнида ту-

риб, дуо қилганларида шундай деган эдилар: “Ё Аллоҳ! Ҳеч қандай маъбуд йўқ, илло сен борсан, поксан. Албатта, мен ўз жонимга зулм қилувчилардан бўлдим.”

Бу дуо арш тагига етди. Фаришталар: “Ё Аллоҳ! Узоқ шаҳардан таниш бир овоз эшитилаяпти,” – деб сўрадилар. Аллоҳ уларга: “Уни танимаяпсизларми?” – деди. Фаришталар: “Йўқ, Эй Раббимиз, ким у?” – деб сўраганларидан сўнг, Аллоҳ:

– Бу бандам Юнуснинг овози-ку! – деди. Фаришталар: “Бу бандангдан сенинг ҳузурингга доим солиҳ амаллар ва мустажоб дуолар келарди-ку! Эй, Раббимиз! Тинчлик вақтида сенга ибодат қилган бандангга бало ва мусибат вақтида раҳм қилмайсанми?” – дедилар. Аллоҳ таоло: “Албатта, раҳм қиламан”, – деб наҳангга буюрди. Наҳанг Юнус алайҳиссаломни соҳилга чиқариб ташлади.

Юнус алайҳиссалом агар Аллоҳга доим тасбеҳ айтувчилардан бўлмаганда, албатта у балиқ қорнида то қайта тириладиган кунгача қолиб кетардилар. Юнус алайҳиссалом аввал шошилиб, кейин қилмишларига пушаймон бўлдилар, даҳшатли қоронғуликда ўзларини йўқотмадилар. Аллоҳдан нажот сўрадилар. Аллоҳ Юнуснинг тавбаларини қабул қилди.

Аллоҳ таоло ўзининг пайғамбари Юнус алайҳиссаломни наҳанг қорнида узоқ вақт қолиб, баданлари ҳилвираб, очиқ ва иссиқ ҳавога чидамлилигини йўқотгани учун то шифо топгунларига қадар устига соя ташлаб турсин деб, қовоқ дарахтини ундириб қўйди. Парвардигор қовоқни ҳикмат билан яратган. Унинг барги ўта мулойим, сояси қалин. Унга чивин яқинлашмайди, мевасини пусти ва уруғи билан пишириб ейиш мумкин. Бу дарахт меваси инсонларга берилган Аллоҳнинг улуғ неъматларидандир.

Юнус алайҳиссалом Аллоҳнингш марҳамати билан ўзларидаги заифлик бартараф бўлгандан кейин Аллоҳ таоло яна ваҳий юборди ва деди:

-Эй Юнус, ўз шахрингга бор, ўз қавминг ва қариндошларинг ҳузурига бор! Уларнинг барчаси имонга келганлар уларга имонлари наф этган. Улар бут ва санамларга ибодат қилишдан қайтганлар. Улар ҳозирда сенинг қадрингни билиб, интизорлик билан кутмоқдалар.

Юнус алайҳиссалом Нинавога қайтиб келганларида қавмлари яхши кутиб олдилар ва имон келтирдилар. Юнус алайҳиссаломга ҳурмат бажо келтириб, айтганларига итоат қилдилар.

Қуръони каримда Юнус алайҳиссалом тўғрисида Аллоҳ таоло шундай хабар қилади:

وَذَا النُّونِ إِذْ ذَهَبَ مُغَاضِبًا فَظَنَّ أَنْ لَنْ نَقْدِرَ عَلَيْهِ فَنَادَى فِي الظُّلُمَاتِ أَنْ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ سُبْحَانَكَ إِنِّي كُنْتُ مِنَ الظَّالِمِينَ ﴿٨٧﴾ فَاسْتَجَبْنَا لَهُ وَنَجَّيْنَاهُ مِنَ الْغَمِّ وَكَذَلِكَ نُنْجِي الْمُؤْمِنِينَ ﴿٨٨﴾

“Зуннун (Юнус)нинг ўз қавмидан ғазабланган ҳолда кетиб, Бизни унга қарши чиқа олмайди, деб ўйлаган пайтини, сўнг (Биз уни балиқ қорнига ташлаганимиздан кейин) қоронғу зулматлар ичра: “Сендан ўзга илоҳ йўқдир. Сен (барча) нуқсонлардан покдирсан. Дарҳақиқат, мен (ўзимга) зулм қилувчилардан бўлдим”, - деб нидо қилган пайтини эсланг.

Бас, Биз унинг (дуосини) ижобат қилдик ва уни ғамдан қутқардик. Биз мўминларга мана шундай нажот берурмиз”<sup>1</sup>.

إِذْ أَتَى إِلَى الْفُلْكِ الْمَشْحُونِ ﴿١٤٠﴾ فَسَاهَمَ فَكَانَ مِنَ الْمُدْحَضِينَ ﴿١٤١﴾ فَالْتَقَمَهُ الْحُوتُ وَهُوَ مُلِيمٌ ﴿١٤٢﴾ فَلَوْلَا أَنَّهُ كَانَ مِنَ الْمُسَبِّحِينَ ﴿١٤٣﴾ لَلَبِثَ

<sup>1</sup> Анбиё сураси, 87-88-оятлар.

فِي بَطْنِهِ إِلَى يَوْمِ يُبْعَثُونَ ﴿١٤٤﴾ فَبَدَّلْنَاهُ بِالْعَرَاءِ وَهُوَ سَقِيمٌ ﴿١٤٥﴾ وَأَنْبَتْنَا  
عَلَيْهِ شَجْرَةً مِّنْ يَقِطِينَ ﴿١٤٦﴾ وَأَرْسَلْنَاهُ إِلَىٰ مِائَةِ أَلْفٍ أَوْ يَزِيدُونَ  
﴿١٤٧﴾ فَآمَنُوا فَفَتَنَّاهُمْ إِلَىٰ حِينٍ ﴿١٤٨﴾

“Қайсики (ўз қавмидан ғазабланиб) тўла юкли кемага қараб қочган эди. Бас, (кемадагилар билан) қуръа ташланди ва мағлуб бўлди. Бас, маломатга қолган ҳолида уни бир наҳанг балиқ ютиб юборди. Бас, агар у тасбеҳ айтувчилардан бўлмаганида, балиқ қорнида то қиёматгача қолиб кетган бўлур эди. Бас, Биз уни хаста ҳолида (сувдан чиқариб) қуруқликка улоқтирдик. Биз уни юз минг, балки ундан ҳам кўпроқ одамларга пайғамбар қилдик. Бас, улар (Юнусга) имон келтирдилар. Сўнгра Биз уларни (маълум) бир муддатгача бахраманд этдик”.<sup>1</sup>

Юнус алайҳиссалом оиласи, фарзандлари ёнида қирқ кун бўлгач, подшоҳ билан биргаликда сафарга чиқдилар. Мамлакат ташқарисида икковлари Аллоҳ ибодати билан машғул бўлдилар.

## ДОВУД АЛАЙҲИССАЛОМ

### Довуд алайҳиссаломнинг насаблари

Довуд ибн Ийшо ибн Яҳузо ибн Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим алайҳиссаломдир.

### Довуд алайҳиссаломнинг қиёфалари

Довуд алайҳиссалом озғиндан келган, оқ-сарик рангда, мовий кўз, қирмизи юзли, сочлари калта инсон эди.

Дунёқарашлари кенг, хушмуомала, тоза қалб, гўзал ахлоқ соҳиби эдилар. Бани Исроил подшоҳи Толут билан Амолика подшоҳи Жолут ўртасида бўладиган жанг-

<sup>1</sup> Софват сураси, 140-148-оятлар.

га Байтлаҳмдан отаси ва акаларига ёрдамчи бўлиб келган ёш, жуссаси ҳам кичик Довуд бу ҳолни кўриб, ғайрати жўш урди ва Толутни олдига келиб, жангга чиқиш истагини билдирди. Толут бу шижоатли йигитнинг ёш, жуссаси ҳам кичик эканини кўриб аввал рози бўлмади. Кейин эса ўз устидаги темир совутни ечиб Довудга кийгизди, қиличи ва қалқонини унга берди. Довудга бу уруш анжомлари оғир туюлиб, уларни ечиб ташлади ва елкасига тошлар солинган халтани осиб, Жолутга юзма-юз бўлди. Жолут уни кўриб менсимеди ва “Сен гўдак жонингдан тўйган кўринасан, қиличинг қани? – деди. Довуд унга бепарволик билан: “Қани сенинг уруш анжоминг зўрми ёки Аллоҳнинг иродаси. Мен Аллоҳнинг исми билан сенга қарши келдим”, – деди ва қўлига палақмонни олиб, елкасидаги тошлардан бирини унга жойлади, Жолутга отди. Жолутнинг боши ёрилди ва қон оқа бошлади. Довуднинг кетма-кет отган тошларидан Жолут юз тубан йиқилди ва ҳалок бўлди.

Бани Исроил подшоси Толут ўз ваъдасига мувофиқ қизи Микёлни Довудга никоҳлаб берди ва тахт вориси деб эълон қилди. (*Ибн Саъд Табақот, 1-жилд, 56-бет; Ибн Қутайба. Маориф, 21-бет*).

### Довуд алайҳиссаломнинг пайғамбар бўлишлари ва баъзи фазилатлари

Кўп ўтмай Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссаломга подшоҳлик ва пайғамбарлик мақомини берди.

وَقَتَلَ دَاوُدُ جَالُوتَ وَعَاتَهُ اللَّهُ الْمَلِكَ وَالْحِكْمَةَ  
وَعَلَّمَهُ مِمَّا يَشَاءُ

“Довуд Жолутни ўлдирди ва Аллоҳ унга (Довудга) подшоҳлик ва пайғамбарлик ҳамда ўзи хоҳлаган нарсаларни ўргатди”.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Бақара сураси, 251-оят.

Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссаломга темирни хамир-дек мулойим қилиб қўйди. Довуд алайҳиссалом совутни қўллари билан ясардилар, олов ва болғадан фойдаланмас эдилар. Аллоҳ Довуд алайҳиссаломга фикҳни яхши билиш ва ибодатда чарчамаслик неъматини берган эди. Довуд алайҳиссаломнинг кечалари ибодатда бедор бўлар ва йилнинг ярмида рўзадор бўлар эдилар. Намознинг Аллоҳга энг маъқул бўладигани Довуд алайҳиссаломнинг намозларидир. Рўзанинг улуғ савоблигига доими амал қилардилар. Бир куни рўзадор бўлардилар, иккинчи куни оғизлари очиқ юрарди. Йилнинг ярмини рўза тутиб ўтказардилар. Ярим кечада ухлади, кечанинг учдан бирида турардилар ва олтидан бири қолганда яна ухлардилар. Агар душман билан юзма-юз келсалар, ҳеч қачон қочмас эдилар.

Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссаломга шундай хушовоз берган эдики, агар Забурни қироат қилсалар, учиб кетаётган қушлар учини тўхтатиб, Довуднинг ёнида унга жўр бўлиб сайрашарди, бирга тасбеҳ айтишарди. Унинг тасбеҳига тоғлар акс-садо берарди.

Довуд алайҳиссалом ҳар кунларини учга тақсим қилиб, бир қисмини подшоҳлик ҳукмларига, иккинчи қисмини Аллоҳнинг ибодатига, учинчи қисмини эса оилалари билан бирга бўлишга бағишлар эдилар.

Довуд алайҳиссалом бир куни китоб ўқиб ўтириб, унда Иброҳим алайҳиссалом, Исҳоқ алайҳиссалом ва Яъқуб алайҳиссалом ларга берилган фазл ҳақидаги битикка кўзлари тушиб қолди. Буни кўриб: “Эй Раббим, барча яхшилик ва фазлларни ота-боболарим эгаллаб бўлишган экан. Менга ҳам уларга берган фазлдан ато этгин, мен ҳам улар қилган амалларни қилайин!” – деб муножот қилдилар. Аллоҳ таоло Довуд алайҳиссаломга ваҳий юбориб деди: “Эй Довуд, ота-боболарнинг бу мартабаларга кўп синовларни бошларидан ўтказиб, кейин эришганлар: Иброҳим ўз ўғлини сўйишга буюрилган;

Исҳоқни қариганда кўзи ожиз этилган; Яъқуб узоқ вақт ўғлининг фироқида куйдирилган. Сен эса бундай синовларни бирортасини ҳам бошингдан ўтказганинг йўқ.” (Муҳаммад ибн Жарир Табарий, тарихи Табарий, 1-жилд, 339-340 бет).

### **Довуд алайҳиссаломнинг Байтул Муқаддас масжидини қурилишидаги иштироклари**

Довуд алайҳиссалом Бани Исроилга пайғамбарлик ва ҳукмронлик қилган даврларида Қуддусни марказ қилдилар, Ҳалаб ва Арманисни эгалладилар. У кишининг ҳукмронлиги Урмиё воқеасигача давом этиб келарди. Бу масалада Довуд алайҳиссаломдан хато содир бўлиб, узоқ вақт саждада ётган пайтларида бу нарсани енгил санаган баъзи ғаламисларнинг қутқуси билан Довуд алайҳиссаломнинг ўғилларидан бири отасига қарши исён кўтарди. Довуд алайҳиссаломнинг тавбалари қабул этилганидан кейин, ўғилларининг исёнини бостирдилар. Муҳорабадан енгилиб қочган ўғилларининг кетидан Довуд алайҳиссалом бир амир бошчилигида лашкар юбориб, тириклайин тутиб келишни буюрдилар. Амир эса буйруққа хилоф равишда пайғамбар ўғлини ўлдирди. Довуд алайҳиссалом ўғилларининг ўлимидан кўп қайғурдилар ва итоатсиз амирни вазифасидан бўшатдилар.

Шу воқеалар асносида Бани Исроилга оммавий вабо касаллиги тарқалди. Довуд алайҳиссалом қавм билан ҳозирги Байтул Муқаддас масжиди ўрнига чиқдилар ва Аллоҳнинг ҳузурига илтижо қилиб, Бани Исроилдан балони кўтариб, нажот беришини сўрадилар. Аллоҳ таоло пайғамбарининг дуосини ижобат қилди. Мана шу дуо ижобат бўлган жойда Байтул муқаддас масжиди қурилди. Довуд алайҳиссалом қуришни бошлаган масжид у кишининг вафот этишлари сабабли тўхтаб қолди. Ота-

ларининг васиятига кўра Байтул Муқаддас қурилишини Сулаймон алайҳиссалом давом эттирдилар.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда Довуд алайҳиссалом тўғрисида шундай баён қилади:

فَهَزَمُوهُمْ بِإِذْنِ اللَّهِ وَقَتَلَ دَاوُدُ جَالُوتَ وَءَاتَاهُ اللَّهُ  
 الْمُلْكَ وَالْحِكْمَةَ وَعَلَّمَهُ مِمَّا يَشَاءُ وَلَوْلَا دَفْعُ اللَّهِ النَّاسَ  
 بَعْضُهُمْ بِبَعْضٍ لَفَسَدَتِ الْأَرْضُ وَلَٰكِنَّ اللَّهَ ذُو  
 فَضْلٍ عَلَى الْعَالَمِينَ ﴿٢٥١﴾

“Шундай қилиб, Аллоҳ изни билан улар устидан ғалаба қозондилар. Довуд Жолутни ўлдирди ва Аллоҳ унга подшоҳлик ва пайғамбарilik ғамда ўзи ҳоҳлаган нарсаларни ўргатди. Агар Аллоҳ одамларнинг бирини иккинчиси билан даф этиб турмас экан, шубҳасиз Ер фасодга айланган бўлар эди, лекин Аллоҳ (барча) оламларга фазл эгасидир”.<sup>1</sup>

كَانُوا لَا يَتَنَاهَوْنَ عَنْ مُنْكَرٍ فَعَلُوهُ لَبِئْسَ مَا كَانُوا  
 يَفْعَلُونَ ﴿٧٩﴾

“(Яна улар) қилиб юрган мункар (ношаръий) ишлардан бир-бирларини қайтармас эдилар. Қилиб юрган ишлари нақадар ёмон”.<sup>2</sup>

وَدَاوُدَ وَسُلَيْمَانَ إِذْ يَحْكُمَانِ فِي الْحَرْثِ إِذْ نَفَسَتْ فِيهِ غَنَمُ الْقَوْمِ  
 وَكُنَّا لِحُكْمِهِمْ شَاهِدِينَ ﴿٧٨﴾ فَفَهَّمْنَاهَا سُلَيْمَانَ وَكُلًّا ءَاتَيْنَا  
 حُكْمًا وَعِلْمًا وَسَخَرْنَا مَعَ دَاوُدَ الْجِبَالَ يُسَبِّحْنَ وَالطَّيْرَ وَكُنَّا

<sup>1</sup> Бақара сураси, 251-оят.

<sup>2</sup> Моид сураси, 79-оят.

فَلَعَلَّيْنِ ﴿٧٩﴾ وَعَلَّمْنَاهُ صَنْعَةَ لَبُوسٍ لَّكُمْ لِنُحْصِنَكُم مِّنْ  
بِأَسْكُمُ فَهَلْ أَنْتُمْ شَاكِرُونَ ﴿٨٠﴾

“Довуд ва (ўғли) Сулаймонинг экинзор хусусида ҳукм қилган кезларини (эсланг). Ўшанда унга қавмининг қўйлари (тунда) кирган (ва уни пайҳон қилган) эди. Биз уларнинг (чиқарган) ҳукмига шоҳид эдик. Бас, биз уни Сулаймонга анлатдик. Биз ҳар иккисига ҳикмат (пайғамбарлик) ва илм ато этдик. Тоғлар ва қушларни Довуд билан бирга тасбеҳ айтадиган қилиб бўйин сундириб қўйдик. Биз шундай қила олувчидирмиз.

Унга (Довудга) сизларга зиён етишдан сақлайдиган совут яшаш санъатини таълим бердик Бас, сизлар шукур қилувчимисиз?”<sup>1</sup>

وَلَقَدْ آتَيْنَا دَاوُدَ وَسُلَيْمَانَ عِلْمًا وَقَالَا الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي فَضَّلَنَا  
عَلَى كَثِيرٍ مِّنْ عِبَادِهِ الْمُؤْمِنِينَ ﴿١٥﴾ وَوَرِثَ سُلَيْمَانُ دَاوُدَ وَقَالَ  
يَأَيُّهَا النَّاسُ عَلَّمْنَا مِنْ مَّنْطِقِ الطَّيْرِ وَأَوْتَيْنَا مِنْ كُلِّ شَيْءٍ إِن هَذَا  
هُوَ الْفَضْلُ الْمُتَمِّينُ ﴿١٦﴾

“Қасамки, Биз Довуд ва Сулаймонга (етук) билим ато этдик ва улар: “Бизни кўп мўмин бандаларингдан афзал қилиб қўйган зот – Аллоҳга ҳамд (айтамиз), – дедилар. Сулаймон (пайғамбарлик ва подшоҳликда) Довудга ворис бўлди ва айтди: “Эй одамлар! Бизга қушлар тили билдирилди. Албатта, бу аниқ фазлнинг ўзидир”.<sup>2</sup>

وَلَقَدْ آتَيْنَا دَاوُدَ مِنَّا فَضْلًا يَجِبَالٌ أَوْبِي مَعَهُ وَالطَّيْرِ وَالنَّارُ لَهُ

<sup>1</sup> Анбиё сураси, 78-80-оятлар.

<sup>2</sup> Намл сураси, 15-16-оятлар.

الْحَدِيدَ ﴿١٠﴾ أَنْ أَعْمَلَ سَيِّئَاتٍ وَقَدَّرَ فِي السَّرِّدِ وَأَعْمَلُوا صَالِحًا  
إِنِّي بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ ﴿١١﴾

“Биз Довудга (улуғ) фазл (мартаба) ато этдик: “Эй тоғлар ва қушлар! (Довуд) билан бирга тасбеҳ айтингиз!” Яна унинг учун темирни (хамирдек) мулойим қўйдик.

(Довудга) дедик: “Совутлар ясагин ва (уларни) ясашда меъёрни билгин! (Эй Довуд оиласи!) Яхши амал қилингиз! Зеро, мен қилаётган (яхши-ёмон) амалларингизни кўриб турувчидурман”.<sup>1</sup>

أَصْبِرْ عَلَىٰ مَا يَقُولُونَ وَاذْكُرْ عَبْدَنَا دَاوُودَ ذَا الْأَيْدِ إِنَّهُ أَوَّابٌ ﴿١٧﴾ إِنَّا سَخَّرْنَا  
الْجِبَالَ مَعَهُ يُسَبِّحُنَا بِالْعَشِيِّ وَالْإِشْرَاقِ ﴿١٨﴾ وَالطَّيْرَ مَحْشُورَةً كُلٌّ لَهُ أَوَّابٌ  
﴿١٩﴾ وَشَدَدْنَا مُلْكَهُ وَأَتَيْنَاهُ الْحِكْمَةَ وَفَضَّلْنَا الْخَطَابِ ﴿٢٠﴾ وَهَلْ أَتَاكَ  
نَبَأُ الْخَصْمِ إِذْ تَسَوَّرُوا الْمِحْرَابَ ﴿٢١﴾

“(Эй Муҳаммад) Сиз улар айтаётган сўзларга сабр қилинг ва бизнинг бандамиз бўлмиш (тоат-ибодатда) бақувват бўлган Довудни эсланг! Дарҳақиқат у (Аллоҳ йўлига ўзини бағишлаб) бутунлай қайтувчидир.

Биз тоғларни кечки пайт ва эрталаб (мудом) у (Довуд) билан бирга тасбеҳ айтадиган қилиб, бўй-инсундириб қўйдик. Шунингдек, (ҳар тарафдан) тўпланувчи қушларни ҳам. Барчаси Довудга бутунлай қайтувчидир. Унинг ҳукмронлигини ҳам мустаҳкам қилдик ва унга ҳикмат ҳамда қатъий хитоб (ҳаққоний ҳукм чиқариш илмини) ато этдик.

(Эй Муҳаммад!) Сизга даъвогар (икки жамоат) хабар келдими? Ўшанда улар (Довуд ибодат қилаётган баландликдаги) масжидга чиқишди.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Сабаъ сураси, 10-11-оятлар.

<sup>2</sup> Сод сураси, 17-21-оятлар.

فَغَفَرْنَا لَهُ، ذَلِكَ وَإِنَّ لَهُ، عِنْدَنَا لَزُلْفَىٰ وَحَسَنَ مَعَابٍ ﴿٢٥﴾ يَتَدَاوُدُ إِنَّا  
 جَعَلْنَاكَ خَلِيفَةً فِي الْأَرْضِ فَاحْكُمْ بَيْنَ النَّاسِ بِالْحَقِّ وَلَا تَتَّبِعِ الْهَوَىٰ فَيُضِلَّكَ  
 عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ إِنَّ الَّذِينَ يَضِلُّونَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ لَهُمْ عَذَابٌ شَدِيدٌ بِمَا نَسُوا  
 يَوْمَ الْحِسَابِ ﴿٢٦﴾

Бас, Биз уни ўша (хатосини) кечирдик. Албатта, унинг учун Бизнинг хузуримизда қурбат (яқинлик) ва гўзал оқибат (жаннат) бордир.

Эй Довуд! Дарҳақиқат, Биз сени ерда халифа қилдик. Бас, сен (нафсу ҳавога) эргашиб кетмагин! Акс ҳолда, у сени Аллоҳнинг йўлидан оздирур. Албатта, Аллоҳ йўлидан озадиган кимсалар учун ҳисоб кунини унутиб қўйганлари сабабли қаттиқ азоб бордир<sup>1</sup>.

### Довуд алайҳиссаломнинг вафотлари

Довуд алайҳиссаломнинг рашклари кучли эди. Бирор ёққа чиқадиган бўлсалар, қайтиб келгунимча бегона одам кирмасин деб эшикни ташқаридан қулфлаб кетардилар. Бир куни эшикни ташқаридан қулфлаб, чиқиб кетдилар. Аёллари ҳовлига чиққан эдилар, кўзи бегона одамга тушди. Уйдагилардан: “Эшик қулфлоглик бўлса, бу одам уйга қаердан кирди? Аллоҳга қасамки, сизлар Довудни шарманда қилмоқчисизлар?”-деди. Шу пайт Довуд алайҳиссалом келиб қолдилар. Ҳовлида турган бегона одамни кўриб:”Сен кимсан?”-деб сўрадилар. Бегона одам:”Мен подшоҳлардан ҳам кўрқмайдиган, ҳеч ким ва ҳеч нарса йўлимни тўса олмайдиган шахсман”, -деб жавоб берди.

-Унда сиз Аллоҳнинг амри билан келган ўлим фариштасизиз? - дедилар Довуд алайҳиссалом Хуш келдингиз. Сиз даъват қилгани келдингизми ёки ўлим хабарини келтирдингизми?

<sup>1</sup> Сод сураси, 25-26-оятлар.

-Ўлим хабари билан юборилдим.

-Ўлимга тайёрланишим учун аввалоқ хабар жўнатма-дингиз-ку?

-Мен сенга неча мартаба хабар жўнатдим, сен уйғонмадинг.

-Сиз жўнатган элчи ким эди?

-Эй Довуд!Отанг қаерда? Онанг қаерда? Уканг қаерда? Қўшнинг қаерда?

-Улар барчалари вафот этишган.

-Билмадингки, уларнинг жонини олганимда, албатта сенга навбат келишини. Улар мен юборган элчилар эди.

Шундан сўнг Довуд алайҳиссалом бошини саждага қўйди. Шу ҳолда Азроил алайҳиссалом Довуд алайҳиссаломнинг руҳларини қабз қилди. Довуд алайҳиссалом дунёдан ўтган кун шанба куни эди, 100 ёшда эди.

Довуд алайҳиссаломнинг жасадлари ювилиб, кафанланганидан сўнг осмонда қуёш порлади. Сулаймон алайҳиссалом Довуднинг жасадлари устига соя қилиб туришни кушларга амр этдилар. Кушлар шу даражада кўп йиғилди-ки, ер юз қоронғулашиб кетди.

Довуд алайҳиссаломнинг ўн тўққиз ўғиллари бор эди. Хукмдорлик, ҳикмат ва пайғамбарликка ўғилларидан Сулаймон алайҳиссалом ворис бўлди.

## СУЛАЙМОН АЛАЙҲИССАЛОМ

### Сулаймон алайҳиссаломнинг насаблари

Сулаймон ибн Довуд ибн Ийшо ибн Яҳуза ибн Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим алайҳиссаломдир.

### Сулаймон алайҳиссаломнинг суратлари

Сулаймон алайҳиссалом баланд бўйли, оппоқ бадан, юзлари нурли, катта кўзли, сочлари қалин, кўпроқ оппоқ кийим кийишни ёқтирар эдилар.

## Сулаймон алайҳиссаломнинг ҳукмдор ва пайғамбар бўлишлари

Довуд алайҳиссаломнинг вафотларидан кейин ўринларига ўғиллари Сулаймон алайҳиссалом ибн Довуд ўтирдилар. Сулаймон алайҳиссалом ҳукмронлик ва адолатда отасидан устун эдилар. Довуд алайҳиссалом эса Аллоҳга ибодатда ўғлидан устун эдилар. Сулаймон алайҳиссалом Кайхисрав ибн Сиёвуш ҳукмронлиги даврида яшаб ўтганлар.

Сулаймон алайҳиссалом ўн ёшидаёқ Довуд алайҳиссаломнинг ҳукмронлик ишларига ёрдам берар, баъзи ҳукмларда иштирок этиб, оталарига маслаҳат берар эдилар. Бир кун Довуд алайҳиссалом билан Сулаймон алайҳиссалом хузурларига икки даъвогар келиб, улардан бирининг қўйлари иккинчисининг экинзорига кириб, экинларини пайҳон қилиб кетганини айтиб, фатво сўрадилар. Довуд алайҳиссалом:

-Қўйлар экинзор эгасига бериб юборилсин, -дейдилар.

Шунда Сулаймон алайҳиссалом бу ҳукмга эътироз билдириб, қўйларни экинзор эгасига, экинзорни эса қўйларнинг эгасига бериб, экинзорни аввалги ҳолига келтиргандан кейин қўйларни қайтариб беришга, бу вақтгача туғилган қўзилар эса экинзор эгасида қолдирилишини таклиф этадилар.

Довуд алайҳиссалом бу ҳукмга рози бўладилар.

Сулайсон алайҳиссалом жуда камтар инсон бўлганлар. Умрларининг сўнгги нафасигача ибодатни қанда қилмаганлар. Доим муҳтожларни қўллар, улар билан бирга таом ердилар. Фақир киши билан бирга ўтирарди. Хурмодан сават тўқиб сотар, арпа экиб, нон ердилар. Ҳар ойнинг бошида 6 кун, ўртасида 3 кун, охирида 3 кун рўза тутардилар. (*Аҳмад ибн Ҳанбал, Аз-зуҳд, 51-53-бет*)

## Сулаймон алайҳиссаломнинг Қуддус ва Масжиди Ақсони барпо қилишлари

Сулаймон алайҳиссалом оталари Довуд алайҳиссаломнинг васиятларига мувофиқ Масжидул Ақсони ниҳоясига етказдилар. Музкур Масжид учун пайғамбар конлардан олтин, кумуш, ёқут, денгиздан марваридлар чиқартирдилар. Уста тайин қилдилар. Сарв дарахтларидан кестирдилар. Тўпланган жавоҳирлар билан масжидни безаттирдилар. Деворларини оқ, сарғиш, яшил тошлар билан ўраттирдилар. Ўша даврларда мазкур масжиддан бошқа ёрқин, чиройли, файзли бино йўқ эди. Мазкур масжид қоронғу тунда атрофни тўлиқ ойдаёй ёритар эди.

Масжид қурилиши тамомлангач, Сулаймон алайҳиссалом Бани Исроилни у ерга тўплаб, Масжид Аллоҳ учун қурилганини эълон қилдилар. Ўша куни байрам қилинди. Минглаб туя, сигирлар сўйилди. Байрам 14 кун давом этди.

## Сулаймон алайҳиссаломнинг салтанатлари

“Сулаймон алайҳиссалом Аллоҳ таолодан ўзидан кейин бирор кишига муяссар бўлмайдиган бир мулк, ҳукмронлик ато этишини сўрадилар. Яратган Парвардигор унинг дуосини қабул қилди ва тилаганини берди”.<sup>1</sup>

Сулаймон алайҳиссалом Шомдан то Ироққача бўлган ерларни фатҳ этдилар. Хуросон, Балх, Марв, Турк ўлкаларини салтанатига қўшиб олдилар.

Сўнг Хитой ерларига юриш бошладилар. Ундан Қашқарга ўтдилар. Аллоҳ таоло Сулаймон алайҳиссаломга қушлар ва бошқа жамики ҳайвонларнинг тилини тушуниш фазлини берди. Сулаймон алайҳиссалом Аллоҳ таоло ўзларига инъом этган мартабадан фойдаланиб, ўз

<sup>1</sup> Сод сураси, 35-оятига қаранг.

шон-шавкатларини кўздан кечирмоқчи бўлиб, лашкарлари орасида отга миниб сафарга чиқдилар. Инсонлар ва жинлардан иборат бўлган лашкарлар саф бўлишиб, Сулаймон алайҳиссалом билан бир ерда боришар, қушлар эса ҳавони тўлдириб, қанотлари билан лашкарларга соя солишиб, осмонда учиб боришарди.

حَتَّىٰ إِذَا أَنزَلْنَا عَلَىٰ وَادِ النَّمْلِ قَالَتْ نَمْلَةٌ يَا أَيُّهَا النَّمْلُ ادْخُلُوا مَسَاكِنَكُمْ لَا يَحْطِمَنَّكُمْ سُلَيْمَانُ وَجُنُودُهُ وَهُمْ لَا يَشْعُرُونَ ﴿١٨﴾ فَلَبَسَ صَاحِبًا مِّن قَوْلِهَا وَقَالَ رَبِّ أَوْزِعْنِي أَنْ أَشْكُرَ نِعْمَتِكَ الَّتِي أَنْعَمْتَ عَلَيَّ وَعَلَىٰ وَالِدَيَّ وَأَنْ أَعْمَلَ صَالِحًا تَرْضَاهُ وَأَدْخِلْنِي بِرَحْمَتِكَ فِي عِبَادِكَ الصَّالِحِينَ ﴿١٩﴾

“То улар чумолилар водийсига етганларида бир чумоли: “Эй чумолилар, уйларингизга киришар, яна Сулаймон ва унинг лашкарлари ўзлари сезмаган ҳолда сизни эзиб кетмасин” - дедилар. Сулаймон алайҳиссалом унинг сўзидан кулиб, табассум қилди ва деди: “Эй Раббим, менга ва ота-онамга инъом этган неъматингга шукр қилишга ва ўзинг рози бўладиган яхши амалларни қилишга мени муваффақ этгин ва мени ўз фазлинг билан солиҳ бандаларинг қаторига киритгин!”<sup>1</sup>

Аллоҳ таоло Сулаймон алайҳиссаломнинг ота-оналари ҳаққига қилган дуоларини ижобат этди. Бир куни Сулаймон алайҳиссалом асҳоблари билан Аллоҳдан ёмғир сўраб, дуо қилиш учун водийга чиқдилар. Водийда бир чумоли тўрт оёғини осмонга қилиб, Аллоҳдан ёмғир сўраётганини кўрдилар ва асҳобларига: “Қайтинглар, ёмғирни Аллоҳдан чумоли сўради ва унинг дуосини Аллоҳ таоло ижобат этди”, - дедилар.

<sup>1</sup> Намл сураси, 18-19.

## Сулаймон алайҳиссаломнинг Сабоҳ маликасини ҳақ динга киритишлари

Яманнинг Сабаъ номли ҳудудида бир улуғ подшо бўлиб, у бир кун жин тоифасидан бўлган Райҳона исмли қизга уйланди. Райҳона бир қиз фарзанд туғди ва унга Билқис деб исм берди. . Отаси вафот этгач, қавми бир одамни подшо қилиб кўтаришди. Фиску-фасода вж олди. Буни кўрган Билқис подшога одам қўйиб, унга хотин бўлишга рози эканини билдирди. Подшо уни ўз никоҳига олди. У келиннинг ёнига киргач, қиз подшони ичириб маст қилди ва унинг бошини кестириб, шаҳар дарвозасига осиб қўйишни буюрди. Одамлар Билқисни ўзларига малика қилиб кўтаришди.

Худхуд қушидан бу хабарни эшитган Сулаймон алайҳиссалом даҳшатга тушдилар ва

Мана бу хатни олиб бор, уларнинг жавобини ҳам олиб кел, – дедилар Худхудга.

Худхуд куш Сулаймон алайҳиссаломнинг мактубларини олиб Сабаъ мамлакати маликаси ҳузурига ташлади. Малика мактубни ўқиб кўрса, унда шундай дейилган:

إِنَّهُ مِنْ سُلَيْمَانَ وَإِنَّهُ بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ ﴿٣٠﴾ أَلَا تَعْلَمُونَ عَلَى  
وَأَتُونِي مُسْلِمِينَ ﴿٣١﴾

“Шубҳасиз, бу мактуб Сулаймондан ва у Бисмиллоҳир Раҳмонир Роҳийм билан бошланади. Менга катталиқ қилмай мусулмон бўлиб, ҳузуримга келинглар”.<sup>1</sup>

Сабаъ маликаси Билқис дарҳол ўз аёнларини кегашга чақирди. Малика аёнларининг маслаҳати билан Сулаймон алайҳиссаломга катта совға тайёрлаб, элчилар билан юборди. Нима хабар билан қайтишларини кута

<sup>1</sup> Намл сураси, 30–31-оятлар.

бошлади. Сулаймон алайҳиссалом унинг совға-саломларини қабул қилмади ва маликанинг ўзини келишини талаб қилдилар. Бўлмаса, қўшин юборишларини маълум қилдилар. Билқис ўзи бормаса бўлмаслигини тушуниб, Сулаймон алайҳиссалом ҳузурларига йўл олди. Малика етиб келгунча унинг тахтини ҳам Сабаъ шаҳридан Қуддусга каромат билан келтириб қўйдилар. Кейин Билқиснинг ақли ва фаросатини ҳам имтиҳон қилиб кўришни ўйлаб, шундай амр қилдилар:

-Унинг тахтини ташнимайдиган қилиб ўзгартириб қўйинглар. У топа оладими-йўқми-синаб кўрамиз.

Малика етиб келгач, ундан сўрадилар:

-Тахтинг шундаймиди?

-Худди ўшанинг ўзи.

Маликага “саройга кир” дейилди. У саройни кўргач, уни сув ҳавзаси деб ўйлаб, оёқларини очган эди, Сулаймон алайҳиссалом айтдилар:

-Бу олтиндан ясалган силлиқ қасрдир.

Шунда Малика:

-Эй Раббим, дарҳақиқат, мен куёшга сиғиниш билан жонимга жабр қилибман. Энди Сулаймон алайҳиссалом бирга оламлар эгаси-Аллоҳга бўйсундим, -деб тавба қилди ва ҳақ динни тан олди. Сулаймон алайҳиссалом ҳузурларида Аллоҳга имон келтирди. Сулаймон алайҳиссалом ўз юртида маликаликда қолдирадilar.

Қуръони каримда Сулаймон алайҳиссалом тўғрисида шундай баён қилинади:

وَلَسَلِمْنَ الرِّيحَ عُدُوهاَ شَهْرًا وَرَوَّاحُهاَ شَهْرًا وَأَسَلْنَا لَهُ عَيْنَ الْقِطْرِ وَمِنَ الْجِنِّ مَن يَعْمَلُ بَيْنَ يَدَيْهِ بِإِذْنِ رَبِّهِ. وَمَن يَزِغْ مِنْهُم عَن أَمْرٍ فَإِنَّهُ مِّنْ عَذَابِ السَّعِيرِ ﴿١٢﴾ يَعْمَلُونَ لَهُ. مَا يَشَاءُ مِنْ مَّحْرِبٍ وَتَمَثِيلٍ وَّجَفَّانٍ كَالْجَوَابِ وَقُدُورٍ رَّاسِيَتٍ أَعْمَلُوا ءَالَ دَاوُدَ شُكْرًا وَقَلِيلٌ مِّنْ عِبَادِيَ الشَّاكِرِينَ ﴿١٣﴾

“Сулаймон эрталаб бир ойлик, кечки пайт бир ойлик (масофани босиб ўтадиган) шамолни (бўйсундирдик) ва унинг учун мис булоғини оқизиб қўйдик. Яна жинлардан ҳам Парвардигорнинг изни билан унинг қўл остида ишлайдиганларни (бўйинсундириб қўйгандирмиз). Улардан ким Бизнинг амримиздан четласа, Биз унга ўт азобидан торттириб қўюрмиз. Улар (Сулаймон мисдан у) ҳоҳлаган нарсаларни-мехроблар, тимсоллар (ҳайкаллар, суратлар) ҳовузлар каби (катта) лаганлар ва (ўчоқларга) ўрнашувчи қозонларни ясаб берурлар. “Эй Довуд оиласи! (бу неъматларнинг) шукронаси учун амал (ибодат) қилингиз! Бандаларим орасида (Аллоҳга) шукр қилувчилар оздир!”<sup>1</sup>

وَلَقَدْ ءَاتَيْنَا دَاوُدَ وَسُلَيْمَانَ عِلْمًا وَقَالَ الْاِحْمَدُ لِلّٰهِ الَّذِي فَضَّلَنَا عَلَىٰ كَثِيْرٍ  
 مِّنْ عِبَادِهِ الْمُؤْمِنِيْنَ ﴿١٥﴾ وَوَرِثَ سُلَيْمٰنُ دَاوُدَ وَقَالَ يٰٓاَيُّهَا النَّاسُ عَلِمْنَا  
 مَنطِقَ الطّٰيْرِ وَاُوْتِنَا مِنْ كُلِّ شَيْءٍ اِنَّ هٰذَا هُوَ الْفَضْلُ الْعَمِيْنُ ﴿١٦﴾  
 وَحٰشِرَ لِّسُلَيْمٰنَ جُنُوْدَهُ مِنَ الْجِيْنِ وَالْاِنْسِ وَالطّٰيْرِ فَهَمْ يُوزَعُوْنَ ﴿١٧﴾ حَتّٰى  
 اِذَا اَتَوْا عَلٰى وَاِدِ التَّمَلِ قَالَتْ نَمَلَةٌ يٰٓاَيُّهَا التَّمَلُ اَدْخُلُوْا مَسٰكِنَكُمْ  
 لَا يَحْطِمَنَّكُمْ سُلَيْمٰنُ وَجُنُوْدُهُ وَهُمْ لَا يَشْعُرُوْنَ ﴿١٨﴾ فَنَبَسَمَ ضَاحِكًا  
 مِّنْ قَوْلِهَا وَقَالَ رَبِّ اَوْزِعْنِيْ اَنْ اَشْكُرَ نِعْمَتَكَ الَّتِيْ اَنْعَمْتَ عَلٰى وَعَلٰى  
 وَاٰلِدِيْ وَاَنْ اَعْمَلَ صٰلِحًا تَرْضٰهُ وَاَدْخِلْنِيْ بِرَحْمَتِكَ فِىْ عِبَادِكَ  
 الصّٰلِحِيْنَ ﴿١٩﴾ وَتَفَقَّدَ الطّٰيْرِ فَقَالَ مَا لِيَ لَا اَرٰى الْهٰدِئَةَ اَمْ  
 كَانَ مِنَ الْغٰيْبِيْنَ ﴿٢٠﴾ لِاَعْدَبْتَهُ. عَذَابًا شَدِيْدًا اَوْ لَآ اَذْبَحْتُهُ  
 اَوْ لِيَاْتِنِيْ بِسُلْطٰنٍ مُّبِيْنٍ ﴿٢١﴾ فَمَكَثَ غَيْرَ بَعِيْدٍ فَقَالَ اَحْطٰتُ

<sup>1</sup> Сабаъ сураси, 12-13-оятлар.

بِمَا لَمْ تُحِطْ بِهِ، وَجِثَّتْكَ مِنْ سَيِّئِ بْنِ بَقِيْنٍ ﴿٢٢﴾ إِنِّي وَجَدْتُ امْرَأَةً تَتْلُوَهُمْ وَأُوتِيَتْ مِنْ كُلِّ شَيْءٍ وَلَهَا عَرْشٌ عَظِيمٌ ﴿٢٣﴾ وَجَدْتُهَا وَقَوْمَهَا يَسْجُدُونَ لِلشَّمْسِ مِنْ دُونِ اللَّهِ وَرَبُّنَا لَهُمُ الشَّيْطَانُ أَعْمَلَهُمْ فَصَدَّهُمْ عَنِ السَّبِيلِ فَهُمْ لَا يَهْتَدُونَ ﴿٢٤﴾ أَلَا يَسْجُدُوا لِلَّهِ الَّذِي يُخْرِجُ الْخَبَاءَ فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَيَعْلَمُ مَا تُخْفُونَ وَمَا تُعْلِنُونَ ﴿٢٥﴾ اللَّهُ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ رَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ ﴿٢٦﴾ قَالَ سَنْظُرُ أَصَدَقْتَ أَمْ كُنْتَ مِنَ الْكَاذِبِينَ ﴿٢٧﴾ أَذْهَبَ بِكِتَابِي هَذَا فَأَلْفِقَهُ إِلَيْهِمْ ثُمَّ تَوَلَّى عَنْهُمْ فَانظُرْ مَاذَا يَرْجِعُونَ ﴿٢٨﴾ قَالَتْ يَا أَيُّهَا الْمَلَأُوْا إِنِّي أَتَىٰكَ الْكِبْرُؤُومُ ﴿٢٩﴾ إِنَّهُ مِنْ سُلَيْمَانَ وَإِنَّهُ بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ ﴿٣٠﴾ أَلَا تَعْلَمُونَ عَلَىٰ وَأَنُؤِي مَسْلَمِينَ ﴿٣١﴾ قَالَتْ يَا أَيُّهَا الْمَلَأُوْا أَفَتُونِي فِي أَمْرِي مَا كُنْتُ قَاطِعَةً أَمْرًا حَتَّىٰ تَشْهَدُونَ ﴿٣٢﴾ قَالُوا نَحْنُ أَوْلُوْا قُوَّةً وَأَوْلُوْا بِأَيِّ شَدِيدٍ وَالْأَمْرُ إِلَيْكِ فَانظُرِي مَاذَا تَأْمُرِينَ ﴿٣٣﴾ قَالَتْ إِنَّ الْمُلُوكَ إِذَا دَخَلُوا قَرْيَةً أَفْسَدُوهَا وَجَعَلُوا أَعِزَّةَ أَهْلِهَا أَذِلَّةً وَكَذَلِكَ يَفْعَلُونَ ﴿٣٤﴾ وَإِنِّي مُرْسِلَةٌ إِلَيْهِمْ بِهَدِيَّةٍ فَنَاظِرَةٌ بِمِ يَرْجِعُ الْمُرْسَلُونَ ﴿٣٥﴾ فَلَمَّا جَاءَ سُلَيْمَانُ قَالَ أَتِمِدُونَنِي بِمَالٍ فَمَا آتَيْنِي اللَّهُ خَيْرٌ مِّمَّا آتَيْتُكُمْ بَلْ أَنتُمْ بِهَدِيَّتِكُمْ فَفَرِحُونَ ﴿٣٦﴾

“Қасамки, Биз Довуд ва Сулаймонга (етук) билим ато этдик ва қлар: “Бизни кўп мўмин банджаридан афзал қилиб қўйган зот-Аллоҳга ҳамд (айтамиз) - дедилар.

Сулаймон (пайғамбарлик ва подшоликда) Довудга ворис бўлди ва айтди: “Эй одамлар! Бизга қушлар тили билдирилди. Албатта, бу аниқ фазлнинг ўзидир. Сулаймон (хизмати) учун жин, инс ва қушлардан иборат

лашкарлари тўпланиб, тизилган ҳолида турдилар. То улар чумолилар водийсига етганларида бир чумоли: “Эй чумолилар! Уяларингизга кингиз, яна Сулаймон лашкарлари эзиб кетмасинлар”, - деди. У қушларни кўздан кечириб: “Нега мен худхудни кўрмайман, балки у (берухсат) ғойиб бўлувчилардандир?!” – деди. Албатта, уни қаттиқ азоб билан жазолайман ё сўйиб юборурман ёки менга (узрини баён қилиб) аниқ ҳужжат келтирур, - деди. Сўнгра узоқ (вақт) қолмай (худхуд келиб) деди: “Мен сен огоҳ бўлмаган нарсалардан огоҳ бўлдим ва сенга Сабаъ (шаҳри)дан ишончли бир хабар келтирдим. Мен бир аёлни кўрдим. У Сабаъ шаҳрининг маликаси экан. Унга барча нарсдан ато этилган бўлиб, улкан тахти ҳам бор экан. Мен унинг Аллоҳни кўйиб, Күёшга сажда қилаётганини кўрдим”. Шайтон уларга (қилаётган) амалларини чиройли кўрсатиб, уларни (ҳақ) йўлдан тўсиб қўйгандир. (Уларнинг мақсади) осмонлар ва Ердаги барча сирларни ошкор қиладиган ҳамда сизлар яширадиган барча нарсаларни биладиган Аллоҳга сажда қилмасликдир.

Аллоҳ – Ундан ўзга илоҳ йўқ! У улкан Аршнинг (ҳам) Раббидир.

(Сулаймон) деди: Сен рост сўзладингми ёки ёлғончилардан бўлдингми, кўрамыз.

Мана бу мактубимни олиб бориб уларга ташлагин, сўнгра улардан четлашиб кузатгин-чи, нима (жавоб) қайтарар эканлар. (Худхуд мактубни олиб келиб малика Билқис олдиға ташлагач) у деди: Ҳақиқатан Менга шарафли бир мактуб ташланди. Албатта, у Сулаймондандир ва у (мактубда) “Меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан”:

“Сизлар Менга катталиқ қилмай ҳузуримга итотли ҳолингизда келингиз”, - (деб ёзилган.)

(Малика) айтди: “Эй зодагонлар Менга бу ишимда фатво (маслаҳат) берингиз! Мен то сизлар гувоҳ бўл-

магунингизча бирор ишни қатъий қилувчи эмасман”.

Улар дедилар (ишга) буюриш сенинг ўзингга ҳавола. Бас, нимага буюришни ўйлаб қўявер!

У айтди: “Аниқки, подшоҳлар қачон бирор қишлоққа (бостириб) кирсалар . уни вайрон этурлар, аҳолисининг азиз кишиларини эса хор қилурлар. Улар шу тарзда иш қилурлар. Мен уларга (синов учун) бир совға юбориб кўрайчи, элчилар нима (хабар) билан қайтар эканлар.

Бас, қачонки (Билқис элчиси совғани олиб) Сулаймон (ҳузурига) келгач, у деди: “Сизлар менга мол-дунё билан мадад бермоқчимисиз?! У ҳолда (билингизки) Аллоҳ менга ато этган (пайғамбарлик ва подшоҳлик) У зот сизларга берган (мол-дунёдан) яхшироқдир.<sup>1</sup>

### Сулаймон алайҳиссаломнинг вафотлари

Аста Меҳробга кириб, ҳассаларига суянган ҳолда намоз ўқишга тутиндилар ва шу турганларича вафот этдилар. Сулаймон алайҳиссаломнинг вафот этганларидан жинлар беҳабар қолдилар. Сулаймон алайҳиссалом агар меҳробда турсалар, у тарафга қараган шайтон куйиб кетарди. Сулаймон алайҳиссаломнинг овозлари бир неча кун эшитилмагандан кейин шайтонлар Байтул Муқаддасга киришди., аммо меҳроб томонга қарашга қўрқишди. Ҳеч қандай овоз эшитилмагандан кейин Сулаймон алайҳиссалом турган меҳробга қарашган эди, куйишмади, яқинроқ бориб Сулаймонга қарашса, у ўлиб ётибди. Дарҳол ҳамма ёққа вафотларини овоза қилиб юборишди.

Сулаймон алайҳиссалом 52 йил умр кўрдилар. Хукмронлик даврлари 40 йил давом этди. Сулаймон

<sup>1</sup> Намл сураси, 15-36-оятлар.

алайҳиссалом подшоҳликларининг тўртинчи йили Байтул Муқаддаснинг қурилишини бошлаганлар.

Сулаймон алайҳиссаломнинг вафотлари ҳақида Куръони карим шундай баён этади:

فَلَمَّا قَضَيْنَا عَلَيْهِ الْمَوْتَ مَا دَلَّهُمْ عَلَى مَوْتِهِ إِلَّا دَابَّةُ الْأَرْضِ تَأْكُلُ  
مِنْسَاتَهُ فَلَئِمَّا خَرَّتْ تَبَيَّنَتْ الْجِنُّ أَنْ لَوْ كَانُوا يَعْلَمُونَ الْغَيْبَ مَا لَبِثُوا فِي  
الْعَذَابِ الْمُهِينِ ﴿١٤﴾

“Бас, қачонки биз Сулаймонга ўлимни ҳукм қилганимизда, унинг ўлимига фақат асосини еяётган кемирувчи қуртгина далолат қилди. Бас, қачонки, у қулаб тушгач, жинларга аниқ бўлдики, агар улар ғайбни билгувчи бўлганларида, бу хор қилувчи азобда (меҳнатда) қолмаган бўлардилар”.<sup>1</sup>

Ривоятга кўра, Сулаймон алайҳиссалом оталари Довуд алайҳиссалом ёнига дафн этилганлар. (*Яъқуби тарих, 1-жилд, 60-бет*).

Куръони каримда Луқмон алайҳиссалом ҳақида шундай баён қилинади:

وَلَقَدْ آتَيْنَا لُقْمَانَ الْحِكْمَةَ أَنْ اشْكُرْ لِلَّهِ وَمَنْ يَشْكُرْ فَإِنَّمَا يَشْكُرُ  
لِنَفْسِهِ وَمَنْ كَفَرَ فَإِنَّ اللَّهَ غَنِيٌّ حَمِيدٌ ﴿١٢﴾ وَإِذْ قَالَ لُقْمَانُ لِابْنِهِ  
وَهُوَ يَعِظُهُ يَا بُنَيَّ لَا تُشْرِكْ بِاللَّهِ إِنَّ الشِّرْكَ لَظُلْمٌ عَظِيمٌ ﴿١٣﴾

“Биз Луқмонга ҳикмат ато этдик (ва унга дедик): “Аллоҳга шукр қилгин! Кимки шукр қилса, фақат ўзи учун шукр қилур. Кимки ношукрлик қилса, бас, албатта, Аллоҳ беҳожат ва ҳамд эгасидир. Эсланг, Луқмон ўғлига насиҳат қилиб деган эди: “Эй ўғилчам, Аллоҳга ширк келтирмагин! Чунки ширк улкан зулмдир”.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Сабаъ сураси, 14-оят.

<sup>2</sup> Луқмон сураси, 12-13-оятлар.

يَبْنِيَّ إِنَّهَا إِنْ تَكُ مَثْقَالَ حَبَّةٍ مِنْ خَرْدَلٍ فَتَكُنْ فِي صَخْرَةٍ أَوْ فِي  
السَّمَوَاتِ أَوْ فِي الْأَرْضِ يَأْتِيهَا اللَّهُ إِنَّ اللَّهَ لَطِيفٌ خَيْرٌ ﴿١٦﴾ يَبْنِيَّ  
أَقِمِ الصَّلَاةَ وَأْمُرْ بِالْمَعْرُوفِ وَانْهَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَأَصْبِرْ عَلَى مَا أَصَابَكَ  
إِنَّ ذَلِكَ مِنْ عَزْمِ الْأُمُورِ ﴿١٧﴾ وَلَا تَصْعَقْ خَدَكَ لِلنَّاسِ وَلَا تَمَسَّ فِي الْأَرْضِ  
مَرْحًا إِنَّ اللَّهَ لَا يُحِبُّ كُلَّ مُخَالٍ فَخُورٍ ﴿١٨﴾ وَأَقْصِدْ فِي مَشِيكَ وَأَغْضُضْ  
مِنْ صَوْتِكَ إِنَّ أَنْكَرَ الْأَصْوَاتِ لَصَوْتُ الْحَمِيرِ ﴿١٩﴾

“(Лукмон яна деди): “Эй ўғилчам! Шубҳа йўқки, агар хантал (ўсимлигининг) уруғидек (яхши ёки ёмон амал қилинадиган) бўлса, бас, у (амал) бирор харсанг тош ичида ё осмонларда ёки ер остида бўлса, ўшани ҳам Аллоҳ келтирур. Зеро Аллоҳ лутфли ва огоҳ зотдир. Эй ўғилчам! Намозни баркамол адо эт, яхшиликка буюр ва ёмонликдан қайтар ҳамда ўзингга етган (балоларга) сабр қил! Албатта, мана шу пухта ишлардандир. (Юрганингда) ўртаҳол юргин ва овозингни паст қилгин! Чунки овозларнинг энг ёқимсизи эшаклар овозидир”.<sup>1</sup>

## УЗАЙР АЛАЙҲИССАЛОМ

### Узайр алайҳиссаломнинг насаблари

Узайр ибн Жарва Ҳорун алайҳиссалом авлодлари санададилар.

### Узайр алайҳиссаломнинг пайғамбар бўлишлари

Бухтуннаср Байтул муқаддасни вайрон этганда, Тавротни ёд билганлар ва олимларни ўлдирган, улар орасида Узайр алайҳиссаломнинг отаси ва бобоси ҳам бор эди. Бани Исроил: “Орамизда Узайр алайҳиссаломдан

<sup>1</sup> Лукмон сураси, 16-19-оятлар.

бошқа Тавротни ёд биладиган киши йўқ эди”, - дейишди. Хароба даврида Абу Сарухо исмли бир киши бир нусха Тавротни ерга кўмиб қўйган эди. Аммо унинг кўмилган жойини Узайр алайҳиссаломдан бошқа ҳеч ким билмас эди. Узайр алайҳиссалом Бани Исроилни Таврот кўмилган жойга бошлаб бордилар ва Тавротни ковлаб олдилар. Кейин бир сояли жойга ўтириб, Бани Исроил қуршовида варақлари титилиб, чириб кетган Тавротни қайта ёзиб чиқдилар. Тугатишлари билан осмондан икки чақин тушди ва Тавротнинг ичига кириб кетди. (Ибн Қутайба, Маориф, 22-23-бетлар).

Тавротни янгилаганлари, Бани Исроилнинг шариат ҳукмларини аслига қайтарганлари сабаб бўлиб, Бани Исроилнинг Узай алайҳиссаломга эътиқодлари шу даражада ортиб кетдики, улар Узайр алайҳиссаломни оддий инсон эмас, балки Аллоҳнинг ўғли деган даъвои қила бошладилар:

وَقَالَتِ الْيَهُودُ عُزَيْرٌ ابْنُ اللَّهِ وَقَالَتِ النَّصَارَى الْمَسِيحُ  
 ابْنُ اللَّهِ ذَلِكَ قَوْلُهُمْ بِأَفْوَاهِهِمْ يُضَاهِئُونَ قَوْلَ  
 الَّذِينَ كَفَرُوا مِنْ قَبْلُ قَالَهُمْ اللَّهُ أَنَّى يُؤْفَكُونَ  
 ٣٠ اتَّخَذُوا أَحْبَارَهُمْ وَرُهَبَانَهُمْ أَرْبَابًا مِنْ دُونِ اللَّهِ  
 وَالْمَسِيحَ ابْنَ مَرْيَمَ وَمَا أُمِرُوا إِلَّا لِيَعْبُدُوا إِلَهًا  
 وَاحِدًا لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ سُبْحَانَهُ عَمَّا يُشْرِكُونَ ٣١

“Яҳудийлар: Узайр – Аллоҳнинг ўғли – дедилар, насронийлар: “(Исо) Масих – Аллоҳнинг ўғли” – дедилар. Бу уларнинг оғзиларидаги (ботил) гапларидир. (Бу гаплари) худди аввалги кофир бўлганларнинг гапига ўхшайди. Аллоҳ урсин уларни! (Улар) қаёққа оғиб кетмоқдалар?!

(Улар) Аллоҳни қўйиб, ўзларининг донишмандлари ва роҳибларини Рабб қилиб олдилар. Ваҳоланки, Ёлғиз Аллоҳгагина ибодат қилишга буюрилган эдилар. Ундан ўзга илоҳ йўқ! (Уларнинг) келтирган ширкларидан у покдир”<sup>1</sup>.

## ЗУЛҚАРНАЙН АЛАЙҲИССАЛОМ

Қуръонда зикр этилган Зулқарнайн Сулаймон алай-ҳиссалом каби дунёни эгаллаган ҳукмдорлардандир. Ўтмишда кофирлардан ҳам икки подшоҳ Намруд ва Бухтуннаср дунёга ҳукмдор бўлишга уриниб кўрган, дейилади. Зулқарнайннинг пайғамбар ёки валий эканида ихтилоф бор. Али(р. а):У солиҳ банда бўлган ва Аллоҳ унга Ер подшоҳлигини, илм ва ҳикматни ато этган. Аллоҳ йўлида бошига урилган зарбадан икки бор ўлиб тирилгани учун унга “Зулқарнайн”, яъни икки шоҳли, деб лақаб берилганини айтадилар.

Қуръони каримда Зулқарнайн тўғрисида қуйидаги оятлар баён қилинади:

وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ ذِي الْقَرْنَيْنِ قُلْ سَأَتْلُوا عَلَيْكُمْ مِنْهُ ذِكْرًا ۗ إِنَّا نَمَكَّنَّا لَهُ فِي الْأَرْضِ وَءَاتَيْنَاهُ مِنْ كُلِّ شَيْءٍ سَبَبًا ۗ ۝٨٤ فَاتَّبَعَ سَبَبًا ۗ ۝٨٥ حَتَّىٰ إِذَا بَلَغَ مَغْرِبَ الشَّمْسِ وَجَدَهَا تَغْرُبُ فِي عَيْنٍ حَمِئَةٍ وَوَجَدَ عِنْدَهَا قَوْمًا قَلِيلًا يَدَّبُ الْقَرْنَيْنِ ۖ إِنَّمَا أَنْ تُعَذِّبَ وَإِنَّمَا أَنْ نَتَّخِذَ فِيهِمْ حُسْنًا ۗ ۝٨٦ قَالَ أَمَا مَنْ ظَلَمَ فَسَوْفَ نُعَذِّبُهُ ثُمَّ يُرَدُّ إِلَىٰ رَبِّهِ فَيُعَذِّبُهُ عَذَابًا نُكْرًا ۗ ۝٨٧ وَأَمَا مَنْ ءَامَنَ وَعَمِلَ صَالِحًا فَلَهُ جَزَاءٌ الْحَسَنَىٰ وَسَنُقُولُ لَهُ مِنْ أَمْرِنَا يُسْرًا ۗ ۝٨٨ ثُمَّ اتَّبَعَ سَبَبًا ۗ ۝٨٩ حَتَّىٰ إِذَا بَلَغَ مَطْلِعَ الشَّمْسِ وَجَدَهَا تَطَّلِعُ عَلَىٰ قَوْمٍ لَّهُمْ مِنَ دُونِهَا سِتْرًا ۗ ۝٩٠ كَذَلِكَ وَقَدْ أَحَطْنَا بِمَا لَدَيْهِ خُبْرًا ۗ ۝٩١ ثُمَّ اتَّبَعَ سَبَبًا ۗ ۝٩٢ حَتَّىٰ

<sup>1</sup> Таваба сураси, 30-31-оятлар.

إِذَا بَلَغَ بَيْنَ السَّدَيْنِ وَجَدَ مِنْ دُونِهِمَا قَوْمًا لَا يَكَادُونَ يَفْقَهُونَ قَوْلًا ﴿٩٣﴾  
 قَالُوا يَنْذَا الْقَرْنَيْنِ إِنْ يَا جُوجَ وَمَأْجُوجَ مُفْسِدُونَ فِي الْأَرْضِ فَهَلْ نَجْعَلُ لَكَ خَرْجًا  
 عَلَىٰ أَنْ تَجْعَلَ بَيْنَنَا وَبَيْنَهُمْ سَدًّا ﴿٩٤﴾ قَالَ مَا مَكَّنِّي فِيهِ رَبِّي خَيْرٌ فَأَعِينُونِي بِقُوَّةٍ  
 أَجْعَلْ بَيْنَكُمْ وَبَيْنَهُمْ رَدْمًا ﴿٩٥﴾ ءَاتُونِي زَبْرَ الْحَدِيدِ حَتَّىٰ إِذَا سَاوَىٰ بَيْنَ الصَّدَفَيْنِ  
 قَالَ انْفُخُوا حَتَّىٰ إِذَا جَعَلَهُ نَارًا قَالَ ءَاتُونِي أُفْرِغَ عَلَيْهِ قِطْرًا ﴿٩٦﴾ فَمَا  
 اسْطَعُوا أَنْ يَظْهَرُوهُ وَمَا اسْتَطَعُوا لَهُ نَقْبًا ﴿٩٧﴾ قَالَ هَذَا رَحْمَةٌ مِن رَّبِّي  
 فَإِذَا جَاءَ وَعْدُ رَبِّي جَعَلَهُ دَكَّاءَ وَكَانَ وَعْدُ رَبِّي حَقًّا ﴿٩٨﴾

(Эй Мухаммад!) Сиздан Зулқарнайн ҳақида сўрай-  
 дилар. Айтинг: “Мен Сизларга у ҳақдаги хабарни  
 ҳозир ўқиб берурман. “Дарҳақиқат, Биз унга (Зулқар-  
 найнга) Ер юзида мартаба бердик ва (истаган) бар-  
 ча нарсасига йўл (имконият) ато этдик. Бас, у (аввал)  
 Ғарбга йўл олди. (Кетаётиб) Куёш ботадиган жойга  
 етгач, унинг (Куёшнинг) бир лойқа (ёки қайноқ) булоқ  
 ортига ботаётганини кўрди ва (булоқнинг) олдида  
 бир қавми учратди. Биз: “Эй Зулқарнайн! Ё (улар-  
 ни) азобга дучор қилурсан ёки уларга яхши муома-  
 лада бўлурсан”, - дедик.

Энди имон келтириб, эзгу иш қилган кишига кел-  
 сак, унинг учун гўзал (мукофот) бўлур. Биз ҳам унга  
 ишимиздан осонларини буюруرمىз. (Кетаётиб) икки  
 тоғ ўртасига келгач, у (тоғлар ортида) гапни сира ан-  
 гламайдиган қавми учратди. Улар: “Эй Зулқарнайн!  
 Албатта (шу тоғлар ортидаги) Яъжуж ва Маъжуж (қабил-  
 лалари) Ер юзида бузғунчилик қилувчилардир. Бизлар  
 сенга бир (миқдор) ҳақ тўласак, биз билан уларнинг  
 ўртасига бир тўғон қуриб берурмисан?” – дедилар.

(Зулқарнайн) айтди: “Раббимнинг менга ато этган  
 нарсалари (сизлар берадиган нарсадан) яхшироқдир.

Бас, сизлар менга куч-қувват билан ёрдам берингиз, токи мен сизлар билан уларнинг ўртангизга бир тўсиқ (тўғон) бино қилай. Сизлар менга темир парчаларини келтирингиз, то (парчалар) иккала тоғ ёнбағирлари билан баробар бўлгунгга қадар, (оловга) дам урингиз!-деди.

Бас, қачон у (темир-терсақларни) оловга айлантиргач (эритгач) деди: “Менга эритилган мис ҳам келтирингиз, токи унинг (темир парчаларининг) устидан қуяй!

Ана энди улар (Яъжуж ва Маъжужлар) унинг (тўсиқнинг) устига чиқишга ҳам, уни тешиб ўтишга ҳам қодир бўлмай қолишди.

“Бу Раббим (томонидан) бўлмиш бир марҳаматдир. Энди қачонки, Раббимнинг (Яъжуж ва Маъжуж чиқади, деб) ваъда қилган вақт келганида (Қиёмат олдидан) ўзи у (тўсиқ)ни теп-текис қилиб қўяр, Раббимнинг ваъдаси ҳақдир” – деди у. <sup>1</sup>

## ЗАКАРИЁ ВА ЯХЁ АЛАЁҲИССАЛОМЛАР

### Закариё алайҳиссалом насаблари

Закариё алайҳиссаломнинг насаблари Ибн Ладн ибн Бархиё бўлиб, у киши Сулаймон алайҳиссаломнинг набираларидир. Закариё шундай авлиёлар фарзанди бўлгани учун Байтулмақдисда у кишига ваҳий келади.

Закариё алайҳиссалом Бани Исроилнинг ҳам пайғамбари, ҳам уламози, ҳам донишмандлар бошлиғи эдилар.

### Закариё алайҳиссаломнинг пайғамбарликлари

Бани Исроилга юборилган сўнгги пайғамбарлар Довуд алайҳиссалом хонадонидан Закариё, Яхё ибн Закариё, Исо ибн Марям алайҳиссалом лардир.

<sup>1</sup> Каҳф сураси, 83-98-оятлар.

Бу ҳақида Қуръони каримда шундай баён қилинади:

وَوَهَبْنَا لَهُ إِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ كُلًّا هَدَيْنَا وَنُوحًا هَدَيْنَا  
 مِنْ قَبْلُ وَمِنْ ذُرِّيَّتِهِ دَاوُدَ وَسُلَيْمَانَ وَأَيُّوبَ وَيُوسُفَ وَمُوسَى  
 وَهَارُونَ وَكَذَلِكَ نَجْزِي الْمُحْسِنِينَ ﴿٨٤﴾ وَزَكَرِيَّا وَيَحْيَى وَعِيسَى وَإِلْيَاسَ  
 كُلٌّ مِنَ الصَّالِحِينَ ﴿٨٥﴾

“Унга (Иброҳимга) Исҳоқ ва Яъқубни ато этдик. Ҳаммасини ҳидоятга йўлладик. Олдин Нуҳни ҳам ҳидоятга йўллаган эдик. Унинг зурриёдидан Довуд, Сулаймон, Айюб, Юсуф, Мусо ва Ҳорунни (ҳам йўлладик). Чиройли иш қилувчиларни мана шундай тақдирлаймиз.

Закариё, Яхё, Исо ва Илёсни (ҳам ҳидоятга йўлладик). Ҳаммаси солиҳлардандир”.<sup>1</sup>

### Закариё алайҳиссаломнинг Аллоҳ таолодан ўғил фарзанд сўрашлари ва Яхё муждаси

Закариё алайҳиссалом 120 ёшда, аёли 98 ёшда эканида, бир куни Марям масжидидаги хоналарига кирсалар, қиш мавсуми бўлишига қарамасдан ёз неъматлари-меваларни кўриб қоладилар.

Закариё алайҳиссалом ваҳий билан билдиларки, туғмас хотини ҳомиладор бўлар экан. Бунинг аломати эса пайғамбарнинг тили Таврот ўқиш, тасбеҳ айтишдан бошқасига айланмай қолиши эди. Одамлар билан фақат имо-ишора орқали гаплашиб турди. Аллоҳ таолодан ўғил фарзанд ато этишини сўраб илтижо қилдилар. Бу ҳақида Қуръони каримда шундай баён қилинади:

وَزَكَرِيَّا إِذْ نَادَى رَبَّهُ، رَبِّ لَا تَذَرْنِي فَرْدًا وَأَنْتَ خَيْرُ الْوَارِثِينَ

<sup>1</sup> Аньом сураси, 84-85-оятлар.

﴿٨٩﴾ فَاسْتَجَبْنَا لَهُ، وَوَهَبْنَا لَهُ، يَحْيَىٰ وَأَصْلَحْنَا لَهُ، زَوْجَهُ  
 إِنَّهُمْ كَانُوا يُسْكَرُونَ فِي الْخَيْرَاتِ وَيَدْعُونَنَا رَغَبًا وَرَهَبًا  
 وَكَانُوا لَنَا خَاشِعِينَ ﴿٩٠﴾

“Закариёнинг “Эй Раббим! Мени ёлғиз ташлаб қўйма (меросхўр ато эт!) Сен (Ўзинг) ворисларнинг яхшироғидирсан”, - деб нидо қилган пайтини (эсланг.)

Бас, Биз уни (дуосини) ижобат қилдик ва унга Яхёни ато этдик ҳамда жуфтини ўнглаб (туғадиган қилиб) қўйдик. Дарҳақиқат, улар (мазкур пайғамбарлар) яхши ишларни қилишга шошар ва Бизга рағбат ва қўрқув билан дуо қилар эдилар ҳамда Бизга (барча буйруқларимизга) итоат этувчи эдилар”.<sup>1</sup>

Закариё алайҳиссаломнинг “меросхўр бўладиган бир дўст” дегани давлати учун меросхўр эмас, балки илм ва пайғамбарликда меросхўр бўладиган, дин ва шариат ишларини давом эттирадиган меросхўр фарзанд эди. Аллоҳ таоло пайғамбарлари учун дунё молининг қадри ҳам, аҳамияти ҳам йўқ. Довуд алайҳиссалом темирчи бўлганидек, Закариё алайҳиссалом ҳам дурадгор уста бўлиб, кундалик маошлари қўл кучи билан ўтарди. Аллоҳ таоло ўз пайғамбарининг илтижоли дуоларини ижобат қилди ва деди:

يُنزَكِرِيَا إِنَّا نُبَشِّرُكَ بِغُلَامٍ اسْمُهُ يَحْيَىٰ لَمْ نَجْعَلْ لَهُ مِنْ قَبْلُ  
 سَمِيًّا ﴿٧﴾

“Эй Закриё, Биз сенга бир фарзанд хушхабарини берурмизки, унинг исми Яхё бўлиб, илгари унга бирор кимсани отдош қилган эмасман”.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Анбиё сураси, 89-90-оятлар.

<sup>2</sup> Марям сураси, 7-оят.

## Яхё алайҳиссаломнинг дунёга келишлари

Шундай қилиб, Яхё алайҳиссалом дунёга келдилар. Олти ой ўтиб Исо алайҳиссалом дунёга келганлар. У киши Исо алайҳиссаломдан олти ойлик катта эдилар.

## Яхё алайҳиссаломнинг пайғамбар бўлишлари

Аллоҳ таоло Яхё алайҳиссаломга гўдаклик чоғларида-ёқ ваҳий юборади. Яхё алайҳиссалом уч ёшида Таврот китобини бемалол ўқиганлар. Тенгқур болалар кўчада ўйнашга чақиришса, Яхё алайҳиссалом уларга: “Ўйин учун яратилмаганмиз”-дер экан. Шунинг учун Қуръонни балоғат ёшига етмай туриб ёд олган қорилар ҳам Яхё алайҳиссалом каби ҳикмат ато этилган зотлардан саналар эди.

Яхё алайҳиссалом Тавротни мукамал ўрганиб, Бани Исроилга Мусо алайҳиссалом шариатлари бўйича даъват ва насиҳатлар қилар эдилар.

Ибн Аббос (р.а) айтадилар: “Яхё алайҳиссалом ва Исо алайҳиссалом холавачча эдилар. Аниқроғи, Марямнинг онаси Ҳанна бин Закариё алайҳиссаломнинг хотинлари опа-сингил эдилар. Яхёнинг онаси Марямни кўрганда шундай деган эди: “Қорнимдаги бола сенинг қорнингдаги болага сажда қилаётганини сезаяпман. ” Демак, она қорнида Яхё Исога сажда қилиб, унинг ўзидан улуғроқ эканлигини биринчи тасдиқ қилган эдилар. Икковлари ҳам бир-бирларини ҳурмат қилар эдилар. Исо алайҳиссалом билан Яхё алайҳиссалом учрашганларида, Исо алайҳиссалом “Менинг ҳақимга истиғфор айтиб, дуо қилинг, сиз мендан улуғсиз”, – дедилар – Йўқ, сиз менинг ҳақимга дуо қилинг, чунки сиз мендан улуғроқсиз, – дедилар. Шунда Исо алайҳиссалом: “Мен ўзимга салом айтганман, сизга эса Аллоҳ салом айтган, ”-деб жавоб

бердилар. Аллоҳ таоло Яҳё ибн Закариё алайҳиссаломга беш вазифани бажаришни ва уларга амал қилишга Бани Исроилни даъват этишни ҳам буюрган эди.

Байтул Муқаддасга Бани Исроилни йиғдилар ва тепалик устига чиқиб, уларга маъруза қилдилар. Аллоҳ таолога ҳамд-сано айтганларидан сўнг дедилар: "Аллоҳ менга беш вазифани топширди. Уларга ўзим амал қилиб, сизларни ҳам амал қилишга чақираман:

**Энг биринчиси** Аллоҳга ибодат қилиш, унга ҳеч бир нарсани шерик қилмасликдир. Бунинг мисоли шундайки, бир одам ўз пулига қул сотиб олса, қули ишлаб топган ҳақини хўжайинига эмас, бировга берса, бундай қулни қайси бирингиз яхши кўрасиз. Аллоҳ сизларни яратган ва ризқингизни бериб турган экан, ёлғиз унга ибодат қилинг, унга бошқа нарсани шерик қилманг.

**Иккинчиси** шуки, Аллоҳ таоло сизни намоз ўқишга буюрди. Аллоҳ таоло бандадан юз ўғирмайди, агар банда юз ўғирмаса. Шунинг учун намоз ўқиганингизда атрофга алангламанглар!

**Учинчиси** - рўзадир. Рўзадор киши мушк-анбар сеппиб олган одамга ўхшайди. Чунки Аллоҳнинг ҳузурида рўзадорнинг оғзидан келган ҳид мушк-анбардан ҳам хушбўйроқдир.

**Тўртинчи** - садақадир. Банда асир тушиб қўли боғланган одам мисолидир. Асир бадал тўлаб, ўзини озод қилганидек, банда садақа эвазига ўзини Аллоҳдан сотиб олади.

**Бешинчи** - Аллоҳ зикрини кўп қилишдир. Душмандан кўрғон билан ҳимояланган кишидек, Аллоҳни кўп зикр қилиш билан шайтондан нажот топилади.

Яҳё алайҳиссалом кўпинча одамлардан узлатда юрардилар. Табиий мевалар, дарахтларнинг барги билан овқатланар, анҳор сувидан ичар, "бахтлироқ инсон борми дунёда!"-деб Аллоҳнинг берган неъматига шукр айттардилар.

## **Закариё алайҳиссалом ва Яҳё алайҳиссаломнинг шаҳид бўлишлари**

Бани Исроил Бобилдаги асирликдан Байтул Мақдисга қайтгач, уни обод қилдилар. Мамлакатга яна файз кирди, аҳолиси кўпая бошлади. Аммо баъзи ёмонликлардан тўхтамадилар. Аллоҳ таоло юборган пайғамбарларни ёлғончига чиқаришар, ҳатто ўлдиришар эди. Бани Исроилга энг сўнгги пайғамбар Довуд алайҳиссалом хонадонидан Яҳё ва Исо алайҳиссалом лар юборилган эди. Аммо Бани Исроил уни ҳам ўлдирди. Бир куни Яҳё алайҳиссалом Қуддусда Тавротга мувофиқ таълим бериб турган эканлар. Исроил раиси Ҳиродос укасининг қизига, яъни ўз жиянига уйланмоқчи бўлди. Яҳё алайҳиссалом бундай никоҳ шариятда мумкин эмаслигини айтиб, уларни никоҳини ўқимадилар. Бундан ғазабланган қиз ва унинг онаси Яҳё алайҳиссаломни ўлдиришни талаб қилишди. Раис Ҳиродос ўттиз икки ёшли Яҳё алайҳиссаломни ўлдиртирди.

## **ИСО АЛАЙҲИССАЛОМ**

### **Исо алайҳиссаломнинг таваллудлари**

Марямнинг отаси Имрон ибн Мосон бўлиб, Сулаймон алайҳиссалом зурриётларидандирлар. Мосон хонадони Бани Исроил ичида ҳокимият ишида ҳам, шарият қонунларида ҳам аҳли донош эдилар. Имроннинг икки қизи бўлиб, бирининг номи Ашбоъ (Закариё пайғамбарнинг хотини), иккинчисининг номи Марям эди. Иккисини ҳам Ханна бинти Фақуд туққан эди. Шунга кўра, Исо алайҳиссалом Закариёнинг ўғли Яҳё пайғамбарга ҳолавачча бўлади. Имрон қизи Марямни дунёга келгач, Закариё алайҳиссалом ўз қарамоғига олиб, тарбия қилади. Марям туғилгач, она кўкрагини эма олмаган, балки унинг ризқи жаннатдан келиб турган. Закариё Марям-

нинг тарбиясини ўз зиммасига олиб, унинг учун тайёрлаб берган масжиднинг махсус жойига хабар олиш учун келиб турар эди. Марямнинг ҳузурида таом турганини кўриб, унинг қаердан келиб қолганини сўраганда Марям чақалоқ ҳолатида бўлишига қарамай, катта одамлардек гапириб **“У Аллоҳнинг ҳузуридан дир”** – деб жавоб қайтарган. Закариё алайҳиссаломнинг тарбияларида бўлган Марям борган сари улғайиб, ибодатга берилиб, Аллоҳга янада яқинроқ бўла бошлайди. Хусусан унга фаришталарнинг: **“Парвардигорингга итоат қилгин!”** – деган хитобларидан сўнг Марям ўз меҳробида шунчалик кўп ибодат қилар эдики, узоқ тик турганидан оёқларига сариқ сув йиғилиб, шишиб кетарди. Аллоҳ таоло ўзининг улуғ пайғамбари Исо алайҳиссаломнинг дунёга келишлари учун у кишининг насабларини қанчалик поқ сақлади. Ўзининг инсон яратишдаги қудратини зоҳир қилиш учун Марямнинг дилидан **“Эрга тегиш”**-деган тушунчани бутунлай узоқ қилиб, уни асосан ибодат билан машғул қилиб қўйди. Одам Атони эркагу-аёлсиз тупроқдан, Момо Ҳаввони аёлсиз, эркак қовурғасидан, Яҳёни бутунлай умидсиз эркак ва кекса аёлдан яратган қудратли зот эркаксиз покиза аёлнинг ўзидан Исони яратишни ирода қилган эди. Аллоҳ таоло Куръони каримда:

إِنَّ مَثَلَ عِيسَىٰ عِنْدَ اللَّهِ كَمَثَلِ آدَمَ ۖ خَلَقَهُ مِنْ تُرَابٍ ثُمَّ قَالَ لَهُ كُنْ فَيَكُونُ

**“Албатта Исонинг (отасиз туғилиш) мисоли Аллоҳ наздида худди одамнинг мисоли кабидирки, уни тупроқдан яратди, сўнгра “Бўл” деди Бас, у жонли одам бўлди”**<sup>1</sup> – деб марҳамат қилади.

Аллоҳ каломида Марям тўғрисида шундай баён қилинади:

<sup>1</sup> Оли Имрон сураси, 59-оят.

وَإِذْ قَالَتِ الْمَلَكَةُ يَمْرِمُ إِنَّ اللَّهَ اصْطَفَاكِ وَطَهَّرَكِ وَاصْطَفَاكِ  
 عَلَى نِسَاءِ الْعَالَمِينَ ﴿٤٢﴾ يَمْرِمُ أَقْنِي لِرَبِّكِ وَأَسْجُدِي وَأَرْكَعِي مَعَ  
 الرَّاكِعِينَ ﴿٤٣﴾ ذَلِكَ مِنْ أَنْبَاءِ الْغَيْبِ نُوحِيهِ إِلَيْكَ وَمَا كُنْتَ لَدَيْهِمْ  
 إِذْ يَقُولُ أَفْلَهُمْ أَهْلُهُمْ يَكْفُلُ مَرِيْمَ وَمَا كُنْتَ لَدَيْهِمْ إِذْ  
 يَخْتَصِمُونَ ﴿٤٤﴾

“Эй Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам эсланг, фаришталар Марямга дедилар: “Эй Марям, Аллоҳ таоло сени танлаб олиб поклади ва бутун олам аёллари орасида сенга фазилат берди. Эй Марям, Раббингнинг буйруғига итоат қил, унга сиғин ва ибодат қилувчилар билан бирга ибодат қил!

Бу хабар ғайб илмидан бўлиб, Эй Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам уни сизга ваҳий қилдик, ваҳолангки уларнинг қайси бирлари Марямга кафил бўлишлари ҳақида қуръа ташлаган вақтда сиз уларнинг олдиларида эмас эдингиз. Ва улар ташлашган пайтларида сиз улар билан бирга эмас эдингиз”.<sup>1</sup>

Али ибн Абу Толиб (р. а) айтадилар: “Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг: “Бани Исроил аёлларининг энг яхшиси Марям бинти Имрон, мусулмон аёлларининг энг яхшиси эса Хадича бинти Хувайлиддир”, - деганларини эшитдим.

Аллоҳ таоло Исо алайҳиссаломнинг туғилишлари ҳақида шундай хабар беради:

إِذْ قَالَتِ الْمَلَكَةُ يَمْرِمُ إِنَّ اللَّهَ يَبْشُرُكِ بِكَلِمَةٍ مِنْهُ اسْمُهُ الْمَسِيحُ  
 عِيسَى ابْنُ مَرْيَمَ وَجِيهًا فِي الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ وَمِنَ الْمُقَرَّبِينَ ﴿٤٥﴾ وَيُكَلِّمُ  
 النَّاسَ فِي الْمَهْدِ وَكَهْلًا وَمِنَ الصَّالِحِينَ ﴿٤٦﴾

<sup>1</sup> Оли Имрон сураси, 42-44-оятлар.

“Эй Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам, фаришталарнинг Марямга қилган хитобини эсланг: “Эй Марям, Аллоҳ таоло сенга ўзининг калимасини башорат қилади, унинг исми Масих Исо ибн Марямдир. У дунёда ҳам, оҳиратда ҳам улуғ мақомли, ҳурматлидир. Аллоҳнинг энг улуғ, бандаларидан, энг яқинларидандир. У бешиқдаги чақалоқлик пайтида гапириб, одамларни Аллоҳга чақиради, катта бўлганда ҳам унга Аллоҳ юборган ваҳийни одамларга етказди, ўзи эса Аллоҳнинг энг ибодатли, итоатли, солиҳ бандаларидан бўлади” – дейишди.<sup>1</sup>

Исони ибн Марям, деб оналарига нисбат берилиши, у кишининг отасиз дунёга келганлари учундир.

Фаришталарнинг Марямга берган бу башоратларидан қаттиқ изтироб ва ҳаяжонга тушган Марям Аллоҳга муурожаат қилиб:

قَالَتْ رَبِّ أَنَّى يَكُونُ لِي وَلَدٌ وَلَمْ يَمَسِّنِي بَشَرٌ قَالَ كَذَلِكَ اللَّهُ يَخْلُقُ مَا يَشَاءُ إِذَا قَضَىٰ أَمْرًا فَإِنَّمَا يَقُولُ لَهُ، كُنْ فَيَكُونُ ﴿١٧﴾

“Парвардигорим, менда қандай бола бўлсинки, мени инсон зоти ушламаган бўлса! Аллоҳ деди: “Худди шундай, Аллоҳ ҳоҳлаган нарсасини яратади! У бирор нарсани ҳоҳласа, “Бўл” деган сўз билан бажаради”.<sup>2</sup>

Юқоридаги оятларда айтилган Исо алайҳиссалом ҳақидаги башоратлар Марямга юборилган хабарлар бўлиб, уни кўниктириш, таъбир жоиз бўлса, руҳан тайёрлаш учун огоҳлантириш эди. Чунки ҳомиладорлик Марямда тўсатдан пайдо бўлса, ҳар қандай бокира қиз, айниқса Марямдек ўзининг ҳаётини бутунлай Аллоҳ ибодатига бағишлаган покиза бир қиз учун фақат ўлимга сабаб бўлиши мумкин эди. Шу сабабли Аллоҳ фаришта-

<sup>1</sup> Оли Имрон сураси, 45-оят.

<sup>2</sup> Оли Имрон сураси, 47-оят.

лар башорати орқали Марямни бўлажак ҳодисага тайёрлади. Вақти келиб Аллоҳ ўз иродасининг бажарилишини ҳоҳлаган ва Марямдан ўзининг улуғ пайғамбарларидан бири, бандаси ва элчиси бўлган Исо алайҳиссаломни ижод қилмоқчи бўлган пайтда Марям Байтул Муқаддас масжидининг шарқий томонидан кичик бир жойга ўтиб, масжиднинг бошқа хизматчиларидан алоҳида ажраб, атрофини ўраб, бошқалар кўзидан яширинди. У вақтда Марям ўн беш ёш атрофида эди. Ана шу жойга Аллоҳ таоло Жаброил алайҳиссаломни юборди, ҳазрат Жаброил Марям олдида инсон суратида намоён бўлдилар. У воқеа Марям сурасида шундай баён қилинади:

وَأَذْكُرُ فِي الْكِتَابِ مَرْيَمَ إِذِ انْتَبَذَتْ مِنْ أَهْلِهَا مَكَانًا شَرْقِيًّا ﴿١٦﴾  
فَاتَّخَذَتْ مِنْ دُونِهِمْ حِجَابًا فَأَرْسَلْنَا إِلَيْهَا رُوحَنَا فَتَمَثَّلَ لَهَا بَشَرًا  
سَوِيًّا ﴿١٧﴾

“Эй Муҳаммад, Марям қиссасини эсланг, ўшанда у ўз шерикларидан ажраб, масжиднинг шарқий тарафига ўтди ва бошқалар кўзидан яширинди. Биз унга руҳимизни юбордик. Руҳимиз (яъни Жаброил) Марямга комил инсон суратида кўринди”.<sup>1</sup>

Рўпарасида тасодифан пайдо бўлган одамдан Мапрям кўрқиб кетди, чунки ўзи ёлғиз хилват жойда, бошқалар билан унинг ўртасида хижоб-парда бор эди. Келган одам мени зўрлаб қолармикан, деган хавф дилини тўлдирди. Ўзи Аллоҳдан қаттиқ кўрққани учун, келган кишини ҳам Аллоҳни ўртага қўйиб кўрқитмоқчи бўлди. Аллоҳ айтади:

قَالَتْ إِنِّي أَعُوذُ بِالرَّحْمَنِ مِنْكَ إِنْ كُنْتَ تَقِيًّا ﴿١٨﴾ قَالَ إِنَّمَا أَنَا رَسُولُ  
رَبِّكَ لِأَهَبَ لَكَ عَلِيمًا زَكِيًّا ﴿١٩﴾

<sup>1</sup> Марям сураси, 16-17-оятлар.

“Марям деди: “Мен Раҳмон номи билан Сендан паноҳ тилайман, агар сен ундан қўрқувчи бўлсан”.

Албатта мен Парвардигоримнинг элчисиман ва сенга покиза бир бола ҳадя қилмоқчиман, – деди”.<sup>1</sup>

Марям ҳаяжон ва ҳайрат ичида:

قَالَتْ أَنِّي يَكُونُ لِي غَلَمٌ وَلَمْ يَسِّنِي بَشَرٌ وَلَمْ أَكْ بَغِيًّا ﴿٢٠﴾ قَالَ  
كَذَلِكَ قَالَ رَبُّكَ هُوَ عَلَيَّ هَيِّنٌ وَلِنَجْعَلَهُ آيَةً لِلنَّاسِ وَرَحْمَةً مِنَّا  
وَكَانَ أَمْرًا مَّقْضِيًّا ﴿٢١﴾

“Деди: “Менда қандай бола бўладики, менга бирор одам тегмаган бўлса?”

Жаброил дедилар: “Парвардигор дедики, бу менга осондир. Гўдакни эса одамларга (қудратимдан) аломат қиламан, уни мендан бўлган раҳмат, деб билурлар. Бу иш Аллоҳнинг ҳукмидир”.<sup>2</sup>

Жаброил алайҳиссалом Марямга Аллоҳнинг ирода-сини сўзлаганларидан кейин, Марям Аллоҳнинг қазосига-тақдирга тан берди. Жаброил алайҳиссалом Марямнинг кўйлаги ёқасидан пуфладилар. Аллоҳ изни билан Марям болага ҳомиладор бўлди. Шу кундан бошлаб Марямга дунё тор бўла бошлади. Одамлар унга ишонмай маломат қилишларини ўйлаган сайин нима қилишини билмасди. Ниҳоят сирни Закариё алайҳиссаломнинг хотинларига ошкор қилишга жазм қилди. Закариё алайҳиссаломнинг дуолари ижобат бўлиб, хотинлари Яҳёга ҳомиладор эди. Бир куни Марям кирганда Закариё алайҳиссаломнинг хотинлари уни маҳкам қучоқлади-да:

-Сезяпсанми Марям, мен ҳомиладрман, -деди фахр билан.

Марям ҳам уни қучоқлади-да:

<sup>1</sup> Марям сураси, 18-19-оятлар.

<sup>2</sup> Марям сураси, 20-21-оятлар.

-Сиз ҳам сезаяпсизми, мен ҳам ҳомиладорман, -деди ва бўлган воқеани гапириб берди.

Закариё алайҳиссаломнинг оиласи имон-этиқодли, Аллоҳ қудрати ва мўъжизасига тан берадиган, буни ўз бошларидан ўтказган бўлганлари учун Марямнинг хабарини тўғри қабул қилдилар.

Марямнинг ҳомиладор эканлигидан қавм беҳабар эди. Шунинг учун Марям уларнинг маломатидан қочиб, ҳеч ким кўрмайдиган жойга бош олиб кетди. Байт ул-Мақдисдан саккиз километр узоқликдаги Байтлахм қишлоғида Марямни тўлғоқ тутиб қолди Аллоҳ таоло “Марям” сурасида шундай хабар беради:

فَأَجَاءَهَا الْمَخَاضُ إِلَى جِذْعِ النَّخْلَةِ قَالَتْ يَلَيْتَنِي مِتُّ قَبْلَ هَذَا وَكُنْتُ  
 نَسِيًّا مَّوَدِّيًّا ﴿٢٣﴾ فَنَادَتْهَا مِنْ تَحْتِهَا أَلَا تَحْزَنِي قَدْ جَعَلَ رَبُّكِ تَحْتَكِ  
 سَرِيًّا ﴿٢٤﴾ وَهَزِيءَ إِلَيْكَ بِجِذْعِ النَّخْلَةِ تُسْقِطُ عَلَيْكَ رَطْبًا جَنِيًّا ﴿٢٥﴾  
 فَكُلِي وَاشْرَبِي وَقَرِّي عَيْنًا

“Оғир тўлғоқ Марямни бир хурмо дарахти ёнига келиб, унинг шоҳига осилишга мажбур қилди ва аламдан деди: “Кошки эди мана шундан аввал ўлсам ва одамлар ёдидан унутилиб кетсам. Шу онда Марямга ер остидан нидо келди, яъни хафа бўлма, Парвардигоринг тагингдан сув чиқарди. Ушлаб турган хурмо дарахтини силкитгин, сенга показа мевасидан ташлайди, ундан еб, сувдан ичиб, кўзинг ёрисин”.<sup>1</sup>

Нидо қилган киши Марямнинг ўғли Исо эдилар. Оналарига Аллоҳнинг карами билан башорат қилдилар. Исо она қорнида туриб такбир ва тасбеҳ айтганларини Марям аввалроқ ҳам эшитган эди. Аллоҳ марҳамат қилиб унга сув пайдо қилиб берди, қуриган хурмо дарахтидан

<sup>1</sup> Марям сураси, 24-25-оятлар.

ризқ етказиб берди. Ҳали туғилмаган Исо эса оналарига далда бериб, сувдан ичиб, хурмо мевасидан еб, бемашаққат кўзи ёришини нидо қилдилар.

Исо алайҳиссалом соғ-саломат туғилган бўлсалар-да, Марям тушкун бир аҳволда эди. Бу чақалоқ ҳақида қавмга нима дейишни билолмай паришон эди. Исо оналарига ”хафа бўлманг!”-деб таскин бердилар. Марям:”Қандай хафа бўлмайинки, сени отасиз туғдим, буни жавобини қандай бераман қавмимга – деди. Исо: “Сизнинг ўрнингизга мен жавоб бераман” – дедилар.

Бу ҳақда Куръони каримда шундай баён қилинади:

فَأَمَّا تَرِينٌ مِّنَ الْبَشَرِ أَحَدًا فَقَوْلِي إِنِّي نَذَرْتُ لِلرَّحْمَنِ صَوْمًا فَلَنْ أُكَلِّمَ  
الْيَوْمَ إِنْسِيًّا

“Агар одамлардан бирортасини кўрсангиз, унга (ишора билан) айтингки: “Мен Раббим учун рўза тутишни назр қилганман, бугун бирор инсонга гапирмайман”.<sup>1</sup>

Ўша замон шариатига мувофиқ ким рўза тутса, таомдан, ичкилик ва гапиришдан ўзини тияр эди. Марям ўз қавми олдида ўғлини кўтариб келди. Қавм дедилар: “Эй Марям, сен ёмон ишни қилдинг. Эй Ҳоруннинг синглиси, сенинг отанг ёмон одам эмас, онанг ҳам фоҳиша эмас эди-ку!”

Марям қавмининг маломатига чидади, уларга бир сўз демай, болага ишора қилди. Қавм баттар ғазабланди, гўё уларнинг фикрича Марям қилғуликни қилиб қўйиб, яна уларнинг устидан кулаётгандек кўринди. Унинг бу беписандлиги зинокорлигидан ҳам қаттиқроқ туюлди ва Марямга:

-Биз бешикдаги гўдак боладан нимани сўраймиз? -деб фиғонлари ошди. Марям эса гўдакни эмизиш учун

<sup>1</sup> Марям сураси, 26-оят.

кўкрак тутди. Шу пайт гўдак – Исо оғзидан кўкракни чиқарди, чап томонига ёнбошлаган ҳолда Аллоҳ берган забон билан ўзининг кимлиги-ю, онасининг поклигини сўзлай кетди:

فَأَشَارَتْ إِلَيْهِ قَالُوا كَيْفَ نُكَلِّمُ مَنْ كَانَ فِي الْمَهْدِ صَبِيًّا ﴿٢٩﴾ قَالَ  
إِنِّي عَبْدُ اللَّهِ ءَاتَنِي الْكِتَابَ وَجَعَلَنِي نَبِيًّا ﴿٣٠﴾ وَجَعَلَنِي مُبَارَكًا أَيْنَ مَا  
كُنْتُ وَأَوْصَنِي بِالصَّلَاةِ وَالزَّكَاةِ مَا دُمْتُ حَيًّا ﴿٣١﴾ وَبَرًّا بِوَالِدِي  
وَلَمْ يَجْعَلْنِي جَبَّارًا شَقِيًّا ﴿٣٢﴾ وَالسَّلَامُ عَلَيَّ يَوْمَ وُلِدْتُ وَيَوْمَ أَمُوتُ  
وَيَوْمَ أُبْعَثُ حَيًّا ﴿٣٣﴾

“Марям болага ишора қилди. Қавм дедилар: “Бешикдаги гўдак билан қандай гаплашамиз. Шу пайт гўдак тилга кириб деди: “Албатта мен Аллоҳнинг бандасиман. У менга Китобни берди ва мени пайгамбар қилди ва мен модомики тирик эканман, намоз ўқишни, закот беришни менга амр этди. Мени онамга яхшилик қилувчи қилди. Мени ситамкор, бадбахт қилмади. Менга туғилган кунимда ҳам, ўладиган кунимда ҳам ва қайта тириладиган кунимда ҳам тинчлик ва саломатлик бўлади”.<sup>1</sup>

### Исо алайҳиссаломга ваҳий келиши ва Инжилнинг нозил бўлиши

Исо алайҳиссаломнинг ёшлари ўттизга етганда Аллоҳ таоло Инжил китобини нозил қилди. Исо алайҳиссалом яҳудийларни Аллоҳнинг бирлигига даъват қила бошлади.

Аллоҳ таоло унга: “Халқни Аллоҳга имон келтириш ва ибодатга даъват қилишга, беморлар, мохов, тўғма кўр, ақли заиф, телба, турли хасталарни Аллоҳнинг дуоси билан даволаш”га амр қилди.

<sup>1</sup> Марям сураси, 29-33-оятлар.

Халқ пайғамбарнини яхши кўра бошлади, унинг шухрати, ҳурмати ошди. Унга эргашганлар сафи кўпайди.

Исо алайҳиссаломнинг хасталарни тузатувчи ва ўликларни тирилтирувчи дуоси:

“Эй Аллоҳим! Самодаги ва ердаги барча жонзотларнинг Илоҳи Сенсан! Ер ва осмонни Сендан бошқа илоҳи йўқ Кўкка Жаббор бўлган ўзингсан! Ер-у осмон ҳукмдори танҳо ўзингсан! Иккисини ҳам сендан ўзга ҳукмдори йўқ. Ер юзидаги Қудратинг самодаги қудратинг кабидир! Сени ер юзидаги салтанатинг самодаги салтанатингдекдир! Мен сенинг мўътабар исмларинг билан сенга илтижо қиламан! Шубҳасиз сен ҳамма нарсага қодирсан!”

Исо алайҳиссалом ўликларни мазкур дуо билан тирилтирар эдилар. Исо алайҳиссалом даврида тиббиёт яхши ривожланган эди. Аммо табиблар туғма кўр, мохов, ақли заифлик каби хасталикларни даволашда ожиз эдилар. Исо алайҳиссалом эса бундай хасталикларни Аллоҳ қудрати билан даволай олар эдилар. Аллоҳ таоло Исо алайҳиссаломга шундай имконият ва қудрат бердики, мутлақо давосиз ҳисобланган шабкўрлик, пес, туғма кўр каби касалликлар у Зотнинг бир назарлари билан ёки қўл билан силашлари натижасида тузалиб кетарди.

### **Исо алайҳиссаломнинг ҳаворийлари**

Ривоятга кўра бир подшо таом тайёрлатиб халқни эҳсонга чақиради. Дастурхон атрофида Исо алайҳиссалом ҳам бор эдилар. Исо алайҳиссалом олдиларига қўйилган таомни тановвул қилар эканлар, у ҳеч камаймасди. Подшоҳ Исо алайҳиссаломдан:

-Ким бўласан?-деб сўради.

-Мен Исо ибн Марямман!-дедилар.

-Мен подшоҳликни ташлаб, сенга тобе бўламан, -деди ва подшоҳ шоҳликдан воз кечиб, баъзи дўстлари билан Исо алайҳиссаломга тобе бўлдилар. Булар Исо алайҳис-

саломнинг ҳаворийларидир, дейилади ривоятда. Ҳаворий сўзи “Насихат қилувчи ва ёрдам берувчи” маъноларини англатади. Ибн Асирнинг “Комиллик” асарида келтирилишича, ҳаворийлар овчилардан танлаб олинган. (Ибн Асир, *Комиллик, 1-жилд, 314-бет*).

Исо алайҳиссаломнинг ҳаворийлари тўғрисида Қуръони каримда шундай баён қилинади:

فَلَمَّا أَحَسَّ عِيسَى مِنْهُمُ الْكُفْرَ قَالَ مَنْ أَنْصَارِي إِلَى اللَّهِ قَالَ  
الْحَوَارِيُّونَ فَنَحْنُ أَنْصَارُ اللَّهِ ءَامَنَّا بِاللَّهِ وَأَشْهَدُ بِأَنَّا مُسْلِمُونَ ﴿٥٢﴾

“Исо улардан куфрни сезгач, айтди: Аллоҳ сари (боришимда) менга менга ёрдамчилар ким? Ҳаворийлар айтдилар: Биз Аллоҳ (динининг) ёрдамчиларимиз. Аллоҳга имон келтирдик ва Аллоҳга (бўйсинувчи) мусулмон эканимизга (сен) гувоҳ бўлгин (эй Исо)!<sup>1</sup>

Яна бир ривоятда айтилишича, ҳаворийлар Исо алайҳиссаломнинг яқин ёрдамчилари бўлиб, улар аслида балиқ овлаш билан шуғулланар эдилар. Уларга мўъжиза кўрсатилгач, имон келтириб, доимо Исо алайҳиссаломнинг хизматида бўлишган. Уларнинг кийимлари оқ рангда бўлгани ёки диллари пок бўлгани учун ҳаворийлар дейилган.

Ҳаворийлар оч қолишганида Исо алайҳиссаломдан:

-Эй Аллоҳнинг Руҳи, биз оч қолдик!-деб таом сўрадилар. Исо алайҳиссалом овулдами, тоғдами-қаерда бўлмасинлар, қўлларини ерга уриб, дуо қилардилар, у ердан ҳар бири учун етадиган таом ҳозир бўлар, ўшани тановвул қилишарди. Ҳаворийлар:

-Эй Руҳуллоҳ!Биздан фазилатлироғи ҳам борми?-деб сўрашди. Истаган вақтимизда бизга таом ва сув муҳайё қиласан. Сенга имон келтириб, тобеъ бўлдик.

<sup>1</sup> Оли Имрон сураси, 52-оят.

-Ўз меҳнати билан ризқ топиб еган инсон сиздан фазилатлироқдир, -деб жавоб бердилар Исо алайҳиссалом.

Шундан сўнг ҳаворийлар маошга кир ювиб кун кечирадиган бўлдилар.

### **Бани Исроил истагини бажармагани учун Исо алайҳиссаломни ёқмоқчи бўлганлари**

Бани Исроил Исо алайҳиссаломга:

-Бизга Узайрни тирилтир. Бўлмаса сени оловда ёқамиз, -дейишди. Ҳатто Исо алайҳиссаломни ёқиш учун кўп ўтин ҳам тайёрлаб қўйдилар.

Ўша даврда Бани Исроил жасадни тош сандиққа солар, ташқарисини ҳам тош билан маҳкамлар эди. Шу тош қабрлар орасида Узайр алайҳиссаломнинг қабрини топиб, Исо алайҳиссаломга хабар беришди. Исо алайҳиссалом уларга бир идишда сув бериб:

-Шу сувни уни қабри устидан қўйинг, - дедилар.

Сувни Исо алайҳиссалом айтганларидек қилиб сепдилар. Тош қабр очилди. Узайр алайҳиссалом кафанланган ҳолда ётар эдилар. Исо алайҳиссалом Аллоҳ таолога дуо қилдилар. Аллоҳ изни билан Узайр алайҳиссалом тирилиб ўтирди. Бу мўъжизага Бани Исроил ўз кўзилари билан гувоҳ бўлдилар.

-Эй Узайр алайҳиссалом сиз Исо алайҳиссаломга гувоҳлик бера оласизси?-дейишди.

-Мен унинг Аллоҳ қули ва Расули эканига гувоҳлик бераман, - дедилар. Сўнг Узайр алайҳиссалом аввалги ҳолларига қайтдилар. Исо алайҳиссаломга имон келтирган унга ишонишар, куфр қилувчилар эса бу мўъжизалар устидан мазах қилишарди.

## Антокия халқи Исо алайҳиссалом элчиларни ўлдирмоқчи бўлишгани

Исо алайҳиссалом Шамъун бошчилигида уч нафар элчини Рум қишлоғи бўлган Антокияга юбордилар. Элчилар бу қишлоқда биринчи бўлиб Ҳабиб ибн Муррайга дуч келишади. У зот художўй дурадгор бўлиб, шаҳар четида яшар эди. Саховатли, қўли очиқ мўъмин банда эди. Топганини ярмини оиласига едирар, қолганини муҳтожларга тарқатар эдилар. Хаста бўлса ҳам ибодатини қанда қилмас эди. Исо алайҳиссалом элчилари келаётиб, унинг шол бўлиб ётган ўғлини ва бошқа беморларни тузатиб, мўъжиза кўрсатишади. Аллоҳга имон келтиришга халқни даъват қилишганларида, халқ тил бириктириб, элчиларни ўлдирмоқчи бўлишади. Бу хабарни эшитган Ҳабиб уларни фиркларидан қайтармоқчи бўлиб, уларнинг олдиларига боради. Аммо халқ уни гапига қулоқ солмайди. Ҳабибни тутиб олиб, ҳалок қилишади. Ҳабиб ибн Мураёнинг қабри Антокия марказидадир. Мазкур ҳодиса Қуръони каримда шундай баён қилинади:

وَأَضْرَبَ لَهُمْ مَثَلًا أَصْحَابَ الْقَرْيَةِ إِذْ جَاءَهَا الْمُرْسَلُونَ ﴿١٣﴾ إِذْ أَرْسَلْنَا إِلَيْهِمُ اثْنَيْنِ فَكَذَّبُوهُمَا فَعَزَّزْنَا بِثَالِثٍ فَقَالُوا إِنَّا إِلَيْكُمْ مُّرْسَلُونَ ﴿١٤﴾ قَالُوا مَا أَنْتُمْ إِلَّا بَشَرٌ مِثْلُنَا وَمَا أَنْزَلَ الرَّحْمَنُ مِن شَيْءٍ إِنْ أَنْتُمْ إِلَّا تَكْذِبُونَ ﴿١٥﴾ قَالُوا رَبَّنَا يَعْلَمُ إِنَّا إِلَيْكُمْ لَمُرْسَلُونَ ﴿١٦﴾ وَمَا عَلَيْنَا إِلَّا الْبَلَّغُ الْمُبِينُ ﴿١٧﴾ قَالُوا إِنَّا نَطَّيَّرْنَا بِكُمْ لَئِن لَّمْ تَنْتَهُوا لَنَرْجِمَنَّكُمْ وَلِنَمَسِّنَنَّكُمْ مِّنْ أَهْبَابٍ أَيْمٌ ﴿١٨﴾ قَالُوا طَيَّرْنَاكُمْ مَعَكُمْ أَيْنَ ذُكِّرْتُمْ بَلْ أَنْتُمْ قَوْمٌ مُّسْرِفُونَ ﴿١٩﴾ وَجَاءَ مِنْ أَقْصَا الْمَدِينَةِ رَجُلٌ يَسْعَى قَالَ

يَنْقُورِ أَتَّبِعُوا الْمُرْسَلِينَ ﴿٢٠﴾ أَتَّبِعُوا مَنْ لَا يَسْتَلْكُمْ أَجْرًا وَهُمْ  
 مُهْتَدُونَ ﴿٢١﴾ وَمَا لِي لَا أَعْبُدُ الَّذِي فَطَرَنِي وَإِلَيْهِ تُرْجَعُونَ ﴿٢٢﴾  
 ءَأَتَّخِذُ مِنْ دُونِهِ ءَالِهَةً إِن يُرِدْنِ الرَّحْمَنُ بِضُرٍّ لَا تُغْنِي عَنِّي  
 شَفَاعَتُهُمْ شَيْئًا وَلَا يُنْقِذُونِ ﴿٢٣﴾ إِنِّي إِذًا لَفِي ضَلَالٍ مُّبِينٍ ﴿٢٤﴾  
 إِنِّي ءَأَمِنْتُ بِرَبِّكُمْ فَاسْمِعُونِ ﴿٢٥﴾ قِيلَ ادْخُلِ الْجَنَّةَ قَالَ يَا لَيْتَ  
 قَوْمِي يَعْلَمُونَ ﴿٢٦﴾ بِمَا غَفَرَ لِي رَبِّي وَجَعَلَنِي مِنَ الْمُكْرَمِينَ ﴿٢٧﴾ وَمَا  
 أَنْزَلْنَا عَلَى قَوْمِهِ مِنْ بَعْدِهِ مِنْ جُنْدٍ مِنَ السَّمَاءِ وَمَا كُنَّا مُزِلِّينَ ﴿٢٨﴾  
 إِن كَانَتْ إِلَّا صَيْحَةً وَاحِدَةً فَإِذَا هُمْ خَمِيدُونَ ﴿٢٩﴾

“Эй Муҳаммад! Сиз уларга қишлоқ (аҳли)ни у жойга элчилар келган пайтини мисол келтиринг! Ўшанда биз уларга (Исо орқали) иккити (элчини) юборганимизда (улар) иккисини ёлғончига чиқаришгач, учинчи (элчи) билан қувватлантирдик. Бас, “Ҳақиқатан, биз сизларга (имонга даъват қилиш учун юборилган) элчилармиз” – дедилар.

(Элчилар) айтдилар: “Раббимиз билурки, бизлар албатта, сизларга (юборилган) элчилардирмиз! (Улар) дедилар: “Бизлар сизлардан шумланмоқдамиз. Қасамки, агар тўхтамасангиз, сизларни албатта тошбўрон қилурмиз ва сизларга биз томондан аламли азоб етар!

(Шу пайт) бир киши шаҳарнинг чекка жойидан шошганича келиб, деди: “Эй қавмим! (бу) элчиларга эргашингиз! Ўзлари ҳидоятда бўлган ва сизлардан ҳақ сўрамайдиган зотларга эргашинг! Мен Ундан ўзгаларни илоҳ қилиб олайми? (Ҳолбуки), агар Раҳмон менга бирор зарар етказишни истаса, у “илоҳ”ларнинг шафоатлари менга бирор фойда бера олмас ва улар мени (азобдан) қутқара олмаслар.

**Ҳақақатан, мен Раббингизга имон келтирганман, мени эшитиб қўйингиз! Қани эди, қавмим билса мени Раббим мағфират этганини ва мени мукаррам кишилардан қилганини!. Биз ундан (дурадгор Ҳабиб қатлидан) кейин унинг қавми устига осмондан бирор қўшин (азоб фаришталарини) туширмадик. Биз шошилинич туширувчи эмасмиз. Фақат биргина қичқириқ бўлди-ю бас, бирдан улар “ўчиб” (ўлиб) қолувчилардир”.<sup>1</sup>**

### **Исо алайҳиссалом ва оналарини ҳақорат қилган яҳудийларни тўнғизга айланиши**

Исо алайҳиссалом ишларини давом эттириб давом эттириб, инсонларни ҳақ йўлга бошлашда давом этдилар.

Байтулмақдисга кириб келганларида уни кўрган яҳудийлар:

“Жодугар хотиннинг ўғли, сеҳргар, ёмон ишлар билан шуғулланувчи аёлнинг ўғли келди”, - дейишди ва бу гаплари билан пайғамбар ва оналарини ҳақорат қилишди. Ио алайҳиссалом бу ножўя гапларни эштигач:

-Эй Аллоҳим! Менинг Раббимсан! Сенинг ироданг билан Руҳингдан яратилдим. Мен бу инсонлар учун ўзимча пайғамбар бўлиб келмадим. Эй Аллоҳим, мени ва онамни ҳақорат қилганларни лаънатла, уларни раҳматингдан узоқлаштир, -дея дуо қилдилар Аллоҳ таолога.

Аллоҳ Таоло Исо алайҳиссаломнинг дуосини ижобат қилиб, ҳақорат қилганларни тўнғизга айлантириб қўйди. Бани Исроил оқсоқоли буни кўриб қаттиқ қўрқувга тушди. Яҳудийлар Исо алайҳиссаломни ўлдиришга тил бириктириб олишди.

<sup>1</sup> Ёсин сураси, 13-29-оятлар.

## Исо алайҳиссаломнинг дунёни тарк этишлари хабари

Ривоятга кўра (Аллоҳ таоло Исо алайҳиссаломга дунёни тарк этиш вақти келгани хабарини юборганда Исо алайҳиссалом ҳаворийларни бир ерга йиғдилар, таомдан сўнг уларга:

-Чўпон ҳалок бўлгач, пода тарқаб кетади, -дедилар ва бу билан дунёдан кетишларини англатмоқчи бўлдилар.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай дейди:

بَلْ طَبَعَ اللَّهُ عَلَيْهَا بِكُفْرِهِمْ فَلَا يُؤْمِنُونَ إِلَّا قَلِيلًا ﴿١٥٥﴾ وَيَكْفُرُهُمْ  
 وَقَوْلِهِمْ عَلَىٰ مَرْيَمَ بُهْتَنًا عَظِيمًا ﴿١٥٦﴾ وَقَوْلِهِمْ إِنَّا قَتَلْنَا الْمَسِيحَ عِيسَىٰ  
 ابْنَ مَرْيَمَ رَسُولَ اللَّهِ وَمَا قَتَلُوهُ وَمَا صَلَبُوهُ وَلَكِن سُبُّهُ هُمُ وَإِنَّ الَّذِينَ  
 أَخْلَفُوا فِيهِ لَفِي شَكٍّ مِمَّنْهُ مَا لَهُمْ بِهِ مِنْ عِلْمٍ إِلَّا أَنْبَاءَ الظَّنِّ وَمَا قَتَلُوهُ  
 يَقِينًا ﴿١٥٧﴾ بَلْ رَفَعَهُ اللَّهُ إِلَيْهِ وَكَانَ اللَّهُ عَزِيزًا حَكِيمًا ﴿١٥٨﴾

“Яҳудийларнинг қалбини Аллоҳ муҳрлаб қўйди. Шунинг учун ҳам оз қисмидан бошқалари имонга келмадилар. Марямни фоҳиша деб бўҳтон қилдилар ва Аллоҳнинг Расули Исо ибн Марямни ўлдирдик, деб даъво қилдилар. Ваҳолангки, улар Исони ўлдирганлари ҳам йўқ, дорга осганлари ҳам йўқ. Лекин Аллоҳ уларнинг кўзига бошқа кишини Исога ўхшатиб қўйди. Улар эса Исо деб гумон қилдилар. Исони ўлдирганлари ҳақидаги даъво фақат шак ва шубҳадир, ўзлари аниқ билмайдилар, аммо гумонга суянадилар. Ҳақиқатдан эса Аллоҳ Исони ўзига кўтариб олиб чиқиб кетди. Аллоҳ азиз ва ҳақимдир”.<sup>1</sup>

Исо алайҳиссаломнинг оналари пайғамбар ўлимидан сўнг олти йил умр кўрдилар ва бу дунёни тарк этдилар.

<sup>1</sup> Нисо сураси, 155-158-оятлар.

Исо алайҳиссаломга Аллоҳ таоло томонидан муқаддас китоб-Инжил туширилди. Инжил китоби аслида иброний тилида туширилган бўлса ҳам, мазкур тилдаги асл нусхаси йўқ қилинган бўлиб, ҳозирда мавжуд бўлганлари юнон тилидадир.

Инжил самовий китоб эканлигига Аллоҳ ишора қилиб, пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга насронийларга “аҳли китоблар” - деб мурожаат қилишни буюрди:

قُلْ يٰٓأَهْلَ ٱلْكِتٰبِ تَعٰلَوْٓا۟ اِلَىٰ كَلِمٰتٍۭ سَوّٰءٍۭ بَيْنِنَا وَبَيْنِكُمْ اِلَّا نَعْبُدُ  
 اِلَّا ٱللّٰهَ وَلَا نُشْرِكُ بِهِۦٓ شَيْئًا وَلَا يَتَّخِذَ بَعْضُنَا بَعْضًا اَرْبَابًا وَّ مِنْ دُوْنِ  
 ٱللّٰهِ

“Айтинг, эй Муҳаммад: “Эй аҳли китоблар, бизлар билан сизларнинг ўрталарингизда баробар бўлган сўзга келинглар, яъни Аллоҳдан бошқага ибодат қилмайлик. Унга бирор нарсани шерик қилмайлик. Аллоҳдан кечиб, бир-биримизни раб қилмайлик”.<sup>1</sup>

Аллоҳнинг Қуръони каримдаги ва насронийларнинг Инжилдаги хабарларга қараганда яҳудийлар ва насронийлар ўзларига берилган китобнинг кўп жойларини ошкор қилмай яширганлар, асл Инжилни ўзгартирганлар, кўп жойларини ўзлари қўшиб ёзганлар:

يُحَرِّفُونَ ٱلْكَلِمَةَ عَن مَّوَٰضِعِهَاۙ وَنَسُوا۟ حَظًّا مِمَّا ذُكِّرُوا۟ بِهِۦٓ

“Инжил оятларини ўз жойидан ўзгартирдилар, савобли ибодат амалларини унуттирдилар”.<sup>2</sup>

Шу тариқа бир-бирига бутунлай мос келмайдиган, балки инкор қиладиган Инжиллар сони юзтадан ҳам ошди. Император Константин Исо алайҳиссаломдан 325

<sup>1</sup> Оли Имрон сураси, 64-оят.

<sup>2</sup> Моида сураси, 13-оят.

йил кейин Исо алайҳиссалом келтирган динини расман қабул қилди ва ҳозирда мавжуд бўлган тўрт Инжилни қолдириб, қолганларини йўқотишни буюрди. Тўрт Инжил қуйидаги ҳаворийлар ва уларнинг шогирдларига нисбат берилади:

Матто Инжили-Бу Инжил 12 ҳаворийнинг бири бўлган Маттога нисбат берилган. Матто ибрий тилидаги “Шит” сўзидан олинган бўлиб, унинг маъноси “Атиятуллоҳ”, яъни Аллоҳбердидир. Унинг миллати яҳудий бўлган. Ўзи солиқ йиғувчи вазифасида ишлаган. Кейин уни Исо алайҳиссалом ўзларига шогирд қилиб олганлар. Исо алайҳиссалом осмонга кўтарилиб кетганларидан сўнг даъват мақсадида кўп шаҳарларга борган ва Ҳабашистон диёрида шаҳид бўлган. Аммо мазкур китобларни бирортаси Исо алайҳиссаломга нозил қилинган Инжил эмас. Балки улар Исо алайҳиссаломнинг кўтарилишларидан кейин ёзилган бўлиб, асосан Исо алайҳиссаломнинг тарихлари, мўъжизалари ва баъзи сўзларини ўз ичига олади. Барча пайғамбарларга берилганидек, мўъжизаларни Аллоҳ таоло Исо алайҳиссаломга ҳам ато этди. Исо алайҳиссаломга берилган биринчи мўъжиза-ҳали кўкрак эмиб ётган чақалоқлик пайтларидаёқ бийрон тил билан сўзлаб, ўзларининг қандай инсон эканликларини айтиш билан бирга оналари Марямнинг покиза эканлигини исбот қилиш учун гувоҳлик беришлари эди.

Иккинчи мўъжиза-аввалги пайғамбарларга туширилган муқаддас китобларни тан олган ва тасдиқ қилган ҳолда уларда зикр этилган аҳкомларнинг баъзиларини ўзгартириш, ман этилган баъзи нарсаларга рухсат бериш учун юборилган дастур-Инжил китобининг соҳиби бўлишлари эди.

Учинчи мўъжиза-Аллоҳ таоло Исо алайҳиссаломга шундай имконият ва қудрат бердики, мутлақо давосиз ҳисобланган шабкўр, пес, сил, рақ касалликларини у Зотнинг бир назарлари ёки бир қўл билан силашлари натижасида тузалиб кетарди.

Тўртинчи мўъжиза-жонсиз нарсалар бир пуфлашлари билан жонлига айланар, қадимий ўликлар у кишининг буйруқлари билан тирилик, қабрдан бош кўтарар эдилар.

### Фитрат даври

Фитрат даври дея Аллоҳ Аллоҳ таоло юборган пайғамбарлар Исо алайҳиссалом ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам орасида бўлган вақт, давр пайғамбарсиз ўтгани, турғунликлик даврига айтилади.

Ривоятга кўра, Исо алайҳиссалом билан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам орасидаги фитрат даври олти юз йил давом этган.

Қуръони каримда фитрат даври тўғрисида қуйидаги оят берилган:

يٰۤاَہْلَ الْکِتٰبِ قَدْ جَآءَکُمْ رَسُوْلُنَا یُبَیِّنُ لَکُمْ عَلٰی فَرَقٍ مِّنَ الرُّسُلِ اَنْ تَقُوْلُوْا مَا جَآءَنَا مِنْ بَشِیْرٍ وَّلَا نَذِیْرٍ فَعَدَّ جَآءَکُمْ بَشِیْرٌ وَّنَذِیْرٌ وَّاَللّٰهُ عَلٰی کُلِّ شَیْءٍ قَدِیْرٌ ﴿۱۱﴾

“Эй аҳли китоблар! Сизларнинг “Бизларга на башоратчи, на огоҳлантирувчи (пайғамбар) келмади” деганингиз учун сизларга Расулимиз (олдинги) пайғамбарлардан бир муддат ўтгач, баён этувчи бўлиб келди. Мана сизларга башоратчи ҳам, огоҳлантирувчи ҳам келди. Аллоҳ ҳар нарсага қодир Зотдир”.<sup>1</sup>

Абу Ҳурайра (р.а.) айтадилар:

“Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Мен дунёда ва охиратда Исо ибн Марямнинг энг яқини бўламан”. Саҳобалар:

-Бу қандай ё Расулаллоҳ?-деб сўрадилар.

<sup>1</sup> Моида сураси, 19-оят.

-Пайғамбарлар менга ота бир ака-укадирлар. Оналари бошқа-бошқадир, аммо битта диндадирлар. Мен ва Исо алайҳиссалом орасида бошқа пайғамбар юборилмагандир, -дедилар Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам. Фитрат даврида яшаган, аммо Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам давригача етиб кела олмаган, саодат асрини кўрмаган инсонлар, хусусан, насронийлар ибодатхонаси роҳиби, Муҳаммадсоллаллоҳу алайҳи ва саллам ўн икки ёшларида Шом сафарига чиққанларида уларни болалик чоғларида кўриб Аллоҳ таоло томонидан юборилган пайғамбар эканлигига ишонган Бухайро, келиши яқин бўлган пайғамбар билан кўришиш орзусида Шомдан Мадинага кўчиб келган яҳудий олими ибн Ҳаййибон, бутларга сиғинган насронийлар динини инкор этган, "Иброҳим алайҳиссаломнинг динидан бошқасига, Иброҳим алайҳиссаломнинг Раббисидан бошқасига ибодат қилмайман"-деган бир сўзли Зайд ибн Амир, ибн Нуфайл каби солиҳ бандалар Аллоҳ таоло томонидан марҳаматга эришадилар ва жаннатга кирадилар.

Шунигдек, Зайд ибн Амир ўғли, пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларидан Саид ибн Зайд:

-Ё Расулаллоҳ! Отам Иброҳим алайҳиссалом динидан бошқасини тан олмас эдилар, аммо саодат асрига эриша олмади. Агар етишганида сизнинг динингизга имон келтирар эдилар. Отамни гуноҳларидан ўтиб, Аллоҳ таоло марҳамат қилиб, жаннатга киргизишини дуо қилинг!-деди.

-Майли, Отанг учун Аллоҳ таолодан мағфират тилайман!-дедилар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам. Чунки, қиёмат кунида Аллоҳ таоло суйган бандаларидан бири бўлади. Сабаби, Иброҳим алайҳиссалом динига имон келтирган ҳолда вафот этди. Жаннатга кирганида Зайд ибн Амир ва ибн Нуфайлга оид икки улкан дарахтни кўрдим, - дедилар.

## СҮНГГИ ПАЙҒАМБАР

## МУҲАММАД СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ийсодан алайҳиссалом 570 йил кейин Маккада, Бани Ҳошим маҳалласида дунёга келдилар. Ўшанда рабиул аввал ойининг ўн иккиси, душанба кунининг тонги эди. У кун ҳозирги ҳисобда милодий 570 йилнинг 22 апрелига тўғри келади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг оталарининг исми Абдуллоҳ, оналари Оминадир. Оталари Абдуллоҳ Оминага уйланганидан кейин тижорат учун Шомга боради. Қайтишда Мадинада 22 ёшида вафот этади. Оталари Абдуллоҳдан бир неча туя ва Умму Айман исмли аёл хизматкор қолади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам етим ҳолда дунёга келадилар. Оналари Омина Пайғамбаримиз туғилмасларидан аввал бир туш кўради. Тушида унга: «Эй Омина! Сен бутун махлуқотнинг фахри бўлган бир болага ҳомиладорсан. Туғилса, исмини Муҳаммад қўй», дейилади.

Ўтган барча пайғамбарлар бирор-бир миллатга ё қавмга юборилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса барча инсонларга элчи ўлароқ юборилганлар, шарқу ғарб дунёсига хитоб этганлар.

Қуръони каримнинг Сабаъ сурасида: «(Эй Муҳаммад), Биз сизни шак-шубҳасиз, барча одамларга: (мўминларга жаннат ҳақида) хушxabар элтгувчи, (кофирларни эса дўзах азобидан) огоҳлантиргувчи бўлган ҳолингизда, пайғамбар қилиб юбордик», дейилади. Бундан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг барча инсонларга юборилгани маълум бўлади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир муборак ҳадисларида шундай марҳамат қилганлар: «Мендан олдин пайғамбарлар бирор-бир қавмга юборилар эди, мен бутун дунёга юборилдим».

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам хатна қилинган ҳолларида туғилганлар. Муборак икки кураклари орасида бир муҳр бор эди. Бунга «Нубувват Муҳри» дейилади. Бу муҳрда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам учун шундай дейилади: «Эй Муҳаммад! Сизни муждалаймиз. Ҳар қандай киши сизнинг юксак мартабангизга чиқа олмайди, сиз пайғамбарларнинг энг жасури ва сўнгисисиз. Қаерга борсангиз, нусратга эришасиз».

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам туғилиш пайтларида дунёда бир қанча буюк ҳодисалар юз берди. Бу ҳол дунё энди бошқа бир паллага кирганини билдирадиган мўъжизалардан эди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Иброҳимнинг алайҳиссалом ўғли Исмоилнинг алайҳиссалом қирқинчи авлодидан дунёга келганлар. Иброҳим алайҳиссалом эса Нухнинг алайҳиссалом зурриётидан эди. Ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам Ҳазрати Нух алайҳиссалом ва Ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом каби Аллоҳнинг бирлигини билдириб, бутун дунёга тавҳид нурини сочдилар.

Ҳазрати Омина: «Муҳаммад туғилганда бир булут пайдо бўлди. Ичидан инсон овози, отнинг кишнаши, қанот қоқилгани эшитиларди. Бу булут болани ўраб олди. Шунда бир нидо эшитилди: «Муҳаммадни дунёнинг ҳар тарафига олиб боринг, ҳамма нарса уни танисин», дегани ривоят қилинади. Ҳазрати Омина Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни етти кун эмизди, сути етмаганидан Сувайда исмли бир аёл эмизди. Кейин эса, Саъд қабиласидан Хориснинг хотини Ҳалима у кишига сут она бўлди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам боргандан кейин Ҳазрати Ҳалиманинг хонадонига барака инди. Кўплаб ғаройиб воқеаларнинг шоҳиди бўлишди. Ҳазрати Ҳалима Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва

салламни эмизар экан, у кишининг нурга ғарқ бўлганларини ва ётоқлари хушбўй ҳидга тўлганини кўрарди.

Пағамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам икки ёшларида сутдан чиқдилар. У кишини Ҳазрати Оминага келтириб беришди. Аммо, шу пайтларда Макка жуда иссиқ ва вабо касаллиги хавфи бор эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни сут оналариникига қайтариб юборишди, тўрт ёшларигача у ерда яшадилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам тўрт ёшдалик пайтларида кўкалдошлари Шайма билан қирга чиқар эдилар. Сут оналари: «Бу иссиқда чиқманглар, деса, Шайма: «Кўрқманг, бир булут келиб унга соя солади», дерди.

Бир куни Шайма билан мол боқиб юришганда қуш шаклида иккита фаришта келади. Бири иккинчисига: «Шуми?» дейди. Иккинчиси: «Ҳа!», деб жавоб беради. Ерга тушиб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кўкракларини ёришади. Ичидан лахта қон парчаси чиқарадилар, уни сув ва муз билан ювадилар. Бири иккинчисига: «Сакинат келтир!» дейди. Сўнгра кўксига сепиб, уни ёпадилар.

«Шарҳи садр» дейилган бу машҳур воқеа Аллоҳ тарафидан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кўксини ёмонликдан тозалаб, иймон билан тўлдириш ҳодисасидир.

Сут оналари бу воқеадан хавотирга тушиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни шу заҳоти Маккага олиб бориб оналарига топширади.

Пайғамбаримиз олти ёшга кирганларида оналари вафот этди. Вафот этаётганида Расуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга шундай деди:

– Ўғлим! Ҳар қандай жонзот ўлади, ҳар қандай янги нарса эскиради. Мана, мен ҳам ўляпман. Сендек фарзанд қолдираётганимдан бахтлиман.

Ҳазрати Омина милодий 576 йили вафот этган.

Қуръони каримда:

أَلَمْ يَجِدْكَ يَتِيمًا فَآوَىٰ ﴿٦﴾

«(Эй Муҳаммад, Парвардигорингиз) сизни етим ҳолда топган, бошпана бермадими?» (Зуҳо сураси, 6-оят) деб марҳамат қилинади. Аллоҳ у кишини етим ҳолларида ҳимоя қилди, душманлардан сақлади ва вояга етказди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам оналари вафотидан кейин то милодий 579 йилгача боболари қўлида тарбия топдилар. Ўша йилларда Маккада қаттиқ қурғоқчилик бўлаётган, ҳеч ёмғир ёғмаётган эди. Боболари Абдулмуттолиб неварасини етаклаб Каъбага олиб келиб, қўлини баланд кўтариб, халқ билан биргаликда: «Эй Парвардигор, шу боланинг ҳаққи-ҳурматига бизга ёмғир бер», дея дуо қилди. Аллоҳ таоло маккаликларга шу заҳотиёқ ёмғир эҳсон этди.

Бу воқеа ҳақида у кишининг амакилари Абу Толиб шундай эслайди: «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай бир кишидирки, унинг ҳаққи-ҳурматига Аллоҳдан ёмғир сўралганда Аллоҳ мўл-кўл қилиб, эҳсон этган эди».

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг боболари 579 йилда 82 ёшида вафот қилди. Вафот этаркан, ўғилларига Пайғабаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрсатиб: «Буни сизларга омонат қолдирыпман. Барчангиз унинг тарбия ва ҳимоясига диққат этинглар», деди. Амакиларидан қайси бирини танлашни эса боланинг ўзига ҳавола қилган эди, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам югуриб бориб Абу Толибнинг қучоғига отилдилар.

Бошқа амакилари буни кўриб кулишди.

Абдулмуттолиб ўғли Абу Толибга: «Эй Абу Толиб! Бу бола ота-она шафқатини кўрмади, унга шафқат қил, унга марҳамат қил», деб кўз ёши тўқди ва вафот этди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам боболарининг жанозалари орқасидан мозоргача бордилар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам амакилари Абу Толибнинг уйида милодий 579 йилдан 595 йилгача яшадилар.

Пайғамбаримиз ўн икки ёшга кирганларида, амакилари Абу Толиб тижорат учун Шомга отланди. Унга: «Эй амаки, мени бу ерда кимга қолдириб кетяпсиз, менинг на отам бор, на онам», дедилар. Амакилари бу сўздан жуда таъсирланиб, кўз ёш тўқди. У кишини ҳам бирга Шомга олиб кетди.

Шом йўлида Бусра деган қишлоқ бор эди, ўша ернинг яқинида тўхтадилар. Бу ерда насронийларнинг бир ибодатхонаси бўлиб, унда Буҳайро исмли машхур бир роҳиб хизмат қилар эди. Роҳиб кўп китоб ўқиган, келиши яқинлашиб қолган пайғамбарнинг аломатларини билар эди.

У ўн икки ёшли Муҳаммадни кўриб, келадиган пайғамбар аломатларини топди. Абу Толибга: «Эй Абу Толиб! Бу бола келиши кутилаётган, китобларда аломатлари ёзилган пайғамбар бўлса керак. Уни асло Шомга олиб борма. У ердаги Шом яхудийлари унинг аломатларини биладилар, бирор зарар беришлари мумкин. Молларингизни шу ерда сотинглар», деди. Абу Толиб молларини ўша жойда сотди ва ортига қайтди.

Муҳаммад алайҳиссалом кичиклик пайтларида ҳам бутларга топинмаганлар. Амакилари Абу Толиб бир куни қурайшликлар сиғинадиган катта бир бутга топинишга ундаганида, кичкина Муҳаммад «Асло сиғинмайман», деган. Абу Толибнинг жуда жаҳли чиқиб кетган, қанча мажбурламасин, барибир Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бутларга сиғинмаганлар. Абу Толиб: «Мен бутлардан сенга зарар келишидан қўрқаман», деган эди ўшанда. Ривоятга кўра, кўзларига фаришталар кўриниб: «Асло бутларга яқинлашманг!» дейишганини эшитганлар. Шундай қилиб, бутларга ибодат этмадилар.

Ўша йилларда Маккада қурғоқчилик бўлади. Ёмғир ёғмайди, ҳамма бутлардан ёмғир сўрайди. Бироқ барибир ёмғир ёғмайди. Охири Абу Толиб Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўлидан ушлаб, Каъбага олиб келади. Кўллар дуога очилади. Ёш Муҳаммад ҳам дуога кўл кўтариши билан осмонда булут тўпланади. Момақалдироқ гумбурлаб, ёмғир ёға бошлайди. Абу Толиб севинч кўз ёшлари билан бу ҳақда бир шеър ёзиб, унинг юз-хотири учун ёмғирлар ёғади, деганди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёшликлари ана шундай беғубор ўтган.

Ўн олти ёшларида Фужжор жангида иштирок этдилар. Исломиятдан олдин Арабистонда тўхтовсиз жанглар бўларди. Ана шулардан бири тўққиз йил давом этган Фужжор жангидир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу жангда қурол ишлатмаганлар, фақат душман томондан отилган ўқларни амакиларига олиб келиб бериб турганлар.

Милодий 587 йилда 17 ёшларида амакилари Аббос ва Зубайр билан Яман тарафга тижорат сафарига ҳам борганлар. Милодий 590 йили 20 ёшларида Маккада Жабали Жияднинг ортида амакилари Абу Толибнинг эчкиларини боққанлар. У пайтларда Макка ёшлари одатга кўра доимо Макка атрофида қўй, эчки боқишарди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам бў ёшларида қўй боққанлар.

Милодий 592 йили 22 ёшларида Ҳилфулфузул, яъни фозиллар онтига қатнашдилар. Маккада тўртта қабила зулм ва ёмонликка йўл қўймасликка, унга қарши курашишга қасам ичишган эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам бу жамиятга иштирок этдилар. Золимларга қарши туриш учун боғланган бу аҳд кейинчалик Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга эслатилганида, у киши: «Бугун ҳам бўлса, яна иштирок этардим», деган эдилар.

Азиз болагинам! Бошқа тарих китобларидан ҳам ўқиган бўлсанг керак, Макка халқи Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни «Муҳаммад Амин» дейишарди. Бу «ишончли Муҳаммад» деганидир. Бирга тижорат қилиш учун бор пулларини у кишига беришга тайёр эдилар.

Хадича исмли бой бир аёл ҳам у кишига сармоя бериб, қули Майсара билан бирга Шом тарафга юборди. Шом йўлидаги Бусрага етиб келишди. Бу даврда роҳиб Бухайро вафот этган, унинг ўрнига Настура исмли бир роҳиб қолган эди.

Настура Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрди. Майсарага: «Эй Майсара! Ҳазрати Ийсо хабарини берган сўнгги пайғамбар шудир. Шомга борманглар, савдони шу ерда қилиб, орқага қайтинглар», деди.

Бу орада Хадича ҳам бир туш кўрди. Бу тушни амакисининг ўғлига айтди. Амакисининг ўғли: «Сен охир замонда келиши хабар берилган пайғамбарнинг хотини бўласан», деди.

Дарҳақиқат, кейинроқ Ҳазрати Хадича Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан оила қуришди. Бу пайтда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам 25 ёшда, Ҳазрати Хадича эса 40 ёшда эди.

Ўша пайтлари қурайшликлар Каъбани янгидан қуришди. Ҳажарул Асвад деган тошни ўрнига қўйиш масаласида қабилалар жанжаллашиб қолишди. Можаро ўзаро қилич кўтаришгача бориб етди. Охири бу масалани ҳал этишни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга топширишди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳажарул Асвадни бир матога солиб, барча қабила раисларига кўтартирдилар. Улар кўтариб туришди, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни олиб жойига қўйдилар. Қуйрайшийлар жуда мамнун бўлишди. Жанжал тинчлик билан ҳал этилди. Ўшанда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам 35 ёшда эдилар.

У пайтларда Маккада йилда бир марта йирик Уккоз савдо бозори ташкил қилинар эди. У ерга бутун атрофдан араб шоирлари ҳам келишар, хотиблар нутқ сўзлашар эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам у ерга бориб Қайс ибн Саида исмли кишининг шу сўзларини эшитганлар: «Эй инсонлар! Аллоҳнинг наздида бир дин бор. Биз эътиқод қиладиганимиздан ҳам янада устундир. Ва келиши жуда яқин бўлган Аллоҳнинг пайғамбари бордир. Сояси бошимиз устига келди. Унга иймон келтирган киши қандай бахтли инсондир. Уни инкор этганнинг эса ҳолига вой».

Аллоҳга ҳамд бўлсинки, сен билан биз унга иймон келтирдик. Шу юксак давлатга эришдик.

### Ваҳий келиши

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёшлари қирққа яқинлашган сайин тез-тез Макка яқинидаги Ҳиро тоғига борар ва у ерда танҳо қолар эдилар. Бу танҳолик бир йилда бир ойдан кам бўлмасди. Егуликларини ҳам бирга олиб кетардилар. У кишининг аксарият егуликлари зайтун, зайтун ёғи ва қотган нон бўларди.

Ҳиро тоғи Маккадан беш чақирим узоқ, 500 метр баландликдаги кичик бир тепалик эди. Атрофидаги баъзи жойлар паст бўйли бутазорлар билан қопланган, тошлоқ ва кимсасиз бир жой эди. Мана шундай чеккада, куйдирувчи қуёш тиғи остида жойлашган тепаликдаги ғорда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир ой ибодат билан машғул бўлар эдилар. Маккаликлар у киши ҳақида, Мухаммад Парвардигорига ошиқ бўлган, дейишарди.

610 йили Рамазони шариф ойида душанба куни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳиро ғорида ибодат қиладиган пайтларида бир нур у кишини ўраб олди. Сўнгра Жаброил алайҳиссалом келди ва «Мен Жаброилман, сен эса Аллоҳнинг Расулисан», деди. Расулул-

лоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга беш оят нозил бўлди. Булар Куръондан илк оятлар, илк илоҳий ваҳий эди. Бу ояти карималарда шундай дейилади:

أَقْرَأْ بِأَسْمِ رَبِّكَ الَّذِي خَلَقَ ۝١ خَلَقَ الْإِنْسَانَ مِنْ عَلَقٍ ۝٢ اقْرَأْ وَرَبُّكَ الْأَكْرَمُ ۝٣ الَّذِي عَلَّمَ بِالْقَلَمِ ۝٤ عَلَّمَ الْإِنْسَانَ مَا لَمْ يَعْلَم ۝٥

«1. (Эй Муҳаммад, барча мавжудодни) **яратган зот** бўлмиш Парвардигорингиз номи билан (бошлаб) ўқинг! 2. У инсонни лахта қондан яратган (зотдир). 3-4. **Ўқинг!** Сизнинг Парвардигорингиз (инсониятга) қаламни (яъни, ёзишни-хатни) ўргатган ўта карамли зотдир. 5. У зот инсонга унинг билмаган нарсаларини ўргатди» (Алақ сураси, 1–5-оятлар).

Бу масала жуда муҳим масаладирки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга келган илк ваҳийда «ўқи» дейилади. Бундан мақсад инсон яратган Парвардигорни билиши, унинг исмларига таяниб барча ҳақиқатни ўрганишидир. Бутун инсонларни лахта қондан яратган, билмаганларини билдирган, ўргатган зот Аллоҳдир.

Шундан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйларига қаттиқ қўрқув ичида қайтдилар. Ҳазрати Хадичага: «Мени ўраб қўй, мени ўраб қўй!» дедилар. Кейин бўлган воқеани айтиб бердилар. Хадича онамиз эса бу гапни амакисининг ўғли Навфалга бориб айтди. Замонасининг олими Навфал буни эшитиб: «Аллоҳга қасамки, у Ҳазрати Мусога келган номуси акбар Жаброилдир», деди: у кишининг пайғамбарлигига ишонди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бир куни:

يَا أَيُّهَا الْمَدِينَةُ ۝١ قُرْ فَأَنْذِرِ ۝٢

«Эй (либосларига) бурканиб олган зот, туринг-да, (инсонларни охират азобидан) **огоҳлантиринг!**» ояти каримаси нозил бўлди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи

ва саллам дарҳол титраб ўринларидан турдилар. Ҳазрати Хадича онамиз Расулуллоҳдан ухламаётганлари сабабини сўраганларида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзларига нозил бўлган ояти каримани айтдилар ва: «Бунга ким ишонади», дедилар.

Суюкли болажоним! Сен жуда яхши биласанки, Ҳазрати Хадича онамиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ростгўйликларига асло шубҳа қилмас эдилар. Шу заҳотиёқ: «Мен ишонаман», деб жавоб бердилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам у кишига Аллоҳнинг бирлигини талқин этдилар.

Шундай қилиб, илк иймон келтирган киши Ҳазрати Хадича онамиз бўлдилар. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга «Қариндошларинг ва қабиладошларингни Аллоҳнинг азобидан қутқар!» маъносидаги ояти карима нозил бўлди.

Дарҳол қариндош ва қабиладошларини Маккадаги Сафо тепалигида тўпладилар. уларга:

– Эй азизларим! Сизга, шу тоғнинг орқасидан душман отлиқлари бостириб келяпти, десам, менга ишонасизларми? - дедилар. Улар:

– Ҳа, сўзингга ишонамиз. Чунки сен ёлғон гапирмайсан. Дунёда ёлғон гапирмайдиган биргина инсонсан, – дейишди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

– Менга ишонар экансизлар, у ҳолда сизларни Аллоҳнинг бирлигига, Унга ибодат қилишга даъват этаман. Сизлар келаётган Қиёмат кунининг даҳшатидан, азобидан қўрқинглар, – дедилар.

У вақтларда Макка аҳли мушрик эди, ўзлари қўллари билан бутлар, санамлар ясаб олиб, ўшаларга сиғинарди. Каъба атрофида 360 та бут бўлиб, ҳозиргина, сен ростгўйсан, деб турганларига қарамай, дарҳол сўзидан қайтди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзларига ишонмасдан ғала-ғовур кўтарди. Фақатгина кичкинтой

Али (р.а.) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни қучоқлаб, мен ишонаман, деб йиғлаб қўз ёши тўкди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга Куръони карим қирқ ёшларидан бошлаб оятма-оят нозил бўлди. У киши бу ояти карималар билан инсонларни Аллоҳнинг бирлигига, Унга ибодат қилишга, эътиқод йўллари чорладилар. Бу ояти карималар сони 6666 тадир. У киши келтирган дин Ислом бўлиб, бу динга кирганлар мусулмон деб номланди.

Исломга энг олдин кирганлар ва намоз ўқиганлар Ҳазрати Хадича онамиз (р.а.), Ҳазрати Абу Бакр (р.а.), Ҳазрати Али (р.а.) ва озод бўлган қуллари Ҳазрати Зайдир (р.а.).

Шундай қилиб, Маккадаги иймон келтирганларнинг сони аста-секин қирққа етади. Қирқинчи бўлиб Ҳазрати Умар (р.а.) иймон келтирган.

Бу даврларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга жуда кўп ҳақоратлар қилинди, азоблар берилди. Шунча азоб-уқубатларга қарамай, Ҳақ йўлни асло тарк этмадилар. Амакилари Абу Толиб у кишини йўлларида қайтаришга уринганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга қатъий қилиб жавоб бердилар: «Эй амаки! Ўнг қўлимга қуёшни, чап қўлимга ойни қўйсалар, бу юк остида эзилишимни билсам ҳам, барибир йўлимдан қайтмайман». Шунда Абу Толиб жиянининг бу қатъиятини кўриб: «Эй укамнинг ўғли! Хоҳлаган сўзингни сўзла, сен билан биргаман», деган.

Табиийки, Расуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бу азму қарорлари, иймонлари мушрикларни титратди. Исломнинг кундан-кунга ёйилиб бораётгани уларни хавотирга солди.

Ислом бутга сиғинишни манъ этгандан кейин уларнинг хусумати ҳаддан ошди. Улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни ва у кишига эргашганларни бир муддат бир маҳаллага қамаб, савдо-сотикдан,

озик-овқатдан кесиб қўйдилар. Муслмон болаларнинг очликдан фарёд ва фиғонлари Макка кўчаларини ларзага келтирса ҳам, уларга озик-овқат берилмади. Бу азоблар чидаб бўлмас даражага етди.

Бошқа тарафдан эса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга ишонмаган кофирлар ҳақорат ва тўполонлар қилиб, муслмонларни жиннига чиқаришар эди. Мўминлар бу жабру ситамлардан безиб, бошқа жойларга бош олиб кетишни ўйлашди. Уларнинг бир қисмига Ҳабашистонга кетишга изн берилди. Мушриклар бундан қўрқиб, Ҳабаш қиролидан уларни қайтаришни сўрадилар. Қирол ҳижрат қилганларни ҳузурига чорлади ва Пайғамбарлари ҳақида саволлар берди. Ҳазрати Жаъфар (р.а.) Куръондаги Марям сурасини ўқиди. Ҳабашистон қироли буни эшитиб, кўзлари ёшга тўлди. «Бу китоб билан Ҳазрати Ийсога алайҳиссалом нозил бўлган китобнинг манбаъи бирдир», деб иймон келтирди ва муслмонларни ҳимоя қилди.

Маккада қолган муслмонлар эса, жуда қийин аҳволда яшар эдилар. Мушриклар уларни калтаклар, қийнар, масхара қилар ва четдан келган биронта одам билан кўриштирмас эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнларига кириб-чиқадиғанларни қаттиқ таъқиб остига олиб, ҳар қандай ёмонликлардан қайтишмасди. Шундай қийинчилик кезларида Ҳазрати Умар (р.а.) Исломга кирди, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига келиб тавба қилди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам барча саҳобалари билан бирга Каъбага бордилар. У ерда икки ракат намоз ўқидилар. Аллоҳга шукрона айтиб, дуо қилишди. Шунда: «Я аййуҳаннабиййу ҳасбукаллоҳу ва маниттабаътака минал муъминийн», ояти каримаси нозил бўлди. Маъноси: «Эй Набий! Аллоҳ сизга кифоядир. Ва сизга тобеъ бўлган мўминларга ҳам кифоядир».

Ўйлаб қаралса, бу ояти карима бизни ҳам мамнун этади. Чунки биз, алҳамдулиллаҳ, у кишига тобеъмиз.

Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи ва салламга тобеъ бўлганлар Абу Толиб маҳалласида роса қийноққа солиниб, аммо бир иш чиқара олмаганларидан кейин аҳднолар ҳам йиртилди. Мусулмонлар ҳам яна олди-сотди қила бошлашди.

Шу даврларда Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи ва салламнинг амакилари Абу Толиб иймон келтирмасдан вафот этди. Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи ва салламга иймон келтирган, у кишига ҳаётини фидо қилган завжалари Ҳазрати Ҳадича онамиз ҳам шу йили ҳаётдан кўз юмдилар. Шунинг учун бу йилга «қайғу йили» дейилади. Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи ва салламнинг амакилари вафот этиши билан мушриклар яна бош кўтарди: Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи ва салламга қарши бирлашди. Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи ва салламга хизмат қилган, уй ишларини бажарган, у кишига тасалли бериб турган Ҳазрати Ҳадича онамиз ҳам вафот этгач иймонсизлар тўпланишиб, яна азият беришни бошлаб юборишди.

Ҳар Ҳаж мавсумида атрофдаги қишлоқлардан, шаҳарлардан одамлар Маккага келишарди. Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи ва саллам улар билан гаплашиб, динга даъват этишни истардилар. Аммо қурайшликлар буни хоҳламас, ҳар хил сўзлар билан одамларни алдашга ҳаракат қилишар эди. Зулмажоз бозорида Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи ва саллам инсонларга: «Эй инсонлар! Аллоҳ бирдир, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир, десангиз, нажот топасизлар», деганларида Абу Лаҳаб (Абдулузза) исмли амакилари: «Унга ишонманглар», дер, халқни у кишининг сўзларини эшитмасликка чорлар, ҳақоратлар эди.

Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи ва саллам доимо ўзларини кўргани келганларга Қуръони каримни ўқиб берар ва уларни ҳақ йўлга даъват қилардилар.

Нубувватнинг ўн биринчи йилида Ясриб шаҳрида яшовчи Ҳазраж қабиласидан етмиш киши келишди; Расулulloҳ соллалллоҳу алайҳи ва салламни кўрмоқчи бўлишди. Расу-

ли Акрам Макка ташқарисидаги Ақоба деган жойда уларга Қуръони каримни ўқиб, Ҳаққа даъват қилдилар.

Ҳазраж қабиласи аъзолари дарҳол иймон келтиришди. Бир-бирларига қарашиб, кўз ёшларини тўкишиб: «Ота-боболаримиздан эшитган охир замонда келадиган пайғамбарга етишдик», деб севинишди.

Ҳазражликлар ҳаж қилиб бўлганидан кейин шаҳарларига қайтиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни мақтадилар ва Ислом динини ёя бошладилар.

Кейинги йили яна бир қанча кишиларни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига олиб келишди. Яна Ақобада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга иймон келтириб. Аллоҳга шукур қилишди.

Шундай қилиб, ясрибликларнинг кўпи мусулмон бўлди. Намозхонлар, Аллоҳга иймон келтирганлар сони кўпайди.

Нубувватнинг ўн иккинчи йили ниҳоятда муҳим бир воқеа рўй берди: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Меърожга чиқдилар. Жаброил алайҳиссалом Аллоҳнинг амри билан билан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни бир кеча Каъбадан олиб, Буроққа (жаннат отларидан бир отга) миндириб, Масжиди Ақсога келтирди. У ерда икки ракат намоз ўқигандан кейин самога юксалишди. Самодаги, жаннат, жаҳаннамдаги ҳамма нарса кўрсатилди ва Аллоҳнинг жамоли илоҳийсига қовушдилар.

Беш вақт намоз мусулмонларга шу Меърожда фарз бўлди. Меърож ҳодисасига мушриклар мутлақо ишонишмади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг устларидан кула бошлашди. «Буни ишонган одами Абу Бакрга айтайлик, дўстининг асл башарасини кўриб қўйсин», дея Абу Бакрга етказишди. Абу Бакр (р.а.):

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деган бўлсалар, сўзсиз ишонаман. Чунки у зот ёлғон гапирмайди», деди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг бу садокатини юксак баҳолаб, унга «Сиддик» деб ном бердилар.

Барча саҳобалар меърож воқеасини эшитиб жуда се-  
виндилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни  
табрикладилар. Ишонмаган кофирлар эса, Расулуллоҳ  
соллаллоҳу алайҳи ва салламга: «Агар сен Масжиди Ақ-  
сога кирган бўлсанг, биз у ерни яхши биламиз, сенга са-  
воллар берамиз» дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алай-  
ҳи ва саллам рози бўлдилар. Нима сўрасалар, ҳаммасига  
батафсил жавоб бердилар.

Аммо мушриклар барибир Расулуллоҳ соллаллоҳу  
алайҳи ва салламнинг сўзларига ишонмади. Абу Жаҳл  
ва унинг шериклари мусулмонларнинг кучайиши ва кў-  
пайишидан қўрқар эди. «Муҳаммад кучайяпти, бутун  
атроф унга ишоняпти, бу катта таҳликадир, уни ўлди-  
риб, бу таҳликанинг олдини олайлик», дейишди.

Мушриклар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам  
уйлари атрофини ўраб олдилар. Жаброил алайҳиссалом  
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга хабар берди.  
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўринларига  
Ҳазрати Алини (р.а.) ётқизиб, ўзлари эса, Ёсин сурасини  
ўқиб уйдан чиқдилар. «Саддан ва мин холфиҳим сад-  
дан» ояти каримасига келганда, яъни: «Ва Биз уларнинг  
олдиларидан бир тўсиқ-парда қилиб, уларни ўраб қўй-  
дик. Бас, улар кўра олмаслар», каломи билан ердан бир  
ҳовуч тупроқ олиб, уларнинг устидан сочдилар ва олди-  
ларидан ўтиб кетдилар. Ҳазрати Абу Бакрнинг (р.а.) уй-  
ига бориб, биргалашиб Ясрибга қараб чиқиб кетдилар.

Яхшилаб эслаб қолгин: Ўша куни Расулуллоҳ соллал-  
лоҳу алайҳи ва саллам Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)  
билан пиёда юриб Жабали Саврдаги ғорга етиб борди-  
лар. У ерда бир неча кун турдилар.

Кофирлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам-  
нинг чиқиб кетиб қолганларини билгач, чор атрофга  
одам юбориб, у кишини излай бошлашди.

Ғорнинг оғзигача етиб келишди. Аллоҳ таоло ғорнинг  
оғзини ўргимчак тўрлари билан тўсди, кабутарларга бола

очишни буюрди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни излаб келганлар ғор оғзида ўргимчак тўрларини кўриб, яқин орада бу ерга ҳеч ким кирмаган деб ўйлашди. Ҳолбуки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) уларни кўриб туришган эди.

Ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) ҳатто бир оз кўрқди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «Кўрқма, Аллоҳ биз билан биргадир», дедилар.

Кофирлар ғор олдида бир оз тортишишгандан кейин тарқалишди. Эртасига дунёдаги энг содиқ икки дўст Маккадан ёрдамчилар олиб келган иккита туяга миниб, Ясрибга қараб жўнашди.

Бундан сал олдинроқ кўп мусулмонлар Ясрибга ҳижрат қилишганди. Улар шаҳар ташқарисидаги Кубо қишлоғида севикли пайғамбарларини кутиб туришарди.

Ҳаво иссиқ, барча мусулмонлар ўзини сояга олган. Шунда том устида турган бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) билан бирга оқ ёпинчиқларга ўранган ҳолда туяга миниб, Кубога қараб келаётганларининг хабарини берди. Сояда турган аҳли Ислому севинчидан ҳайқириб юборди: «Эй араб қавми, келишини сабрсизлик билан кутаётган кишингиз келяпти!».

Мусулмонлар катта бир ҳаяжон билан, кўзларида ёш, соя-салқиндан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг истиқболларига чиқдилар. Бу кун Рабиул-аввалнинг ўн иккиси, душанба куни эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Кубода бир неча кун қолиб кетдилар. Сўнгра у ерда Масжиди Кубо деган бир саждагоҳ учун жой ҳозирладилар. Қуръони қаримда бу жой, илк кундан тақво асосига қурилган бир масжид, дея зикр этилади.

Бу вақт орасида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни анча-мунча кишилар келиб зиёрат қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жума куни кўёш чиқар пайтида ёнларида юзта мўминни олиб Кубодан чиқиб, Ясрибга

– ҳозирги Мадинага қараб юрдилар. Ярим йўлга борганларида пешин вақти кирди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шу ерда саҳобалар билан жума намозини ўқидилар. Илк жума намози ҳам, илк жума хутбаси ҳам шунда ўқилди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шу куни ҳамду санодан кейин: «Эй инсонлар, саломатлик пайтингизда охиратингиз учун тайёргарлик кўринглар. Муҳаққак билингларики, қиёмат кунида Аллоҳнинг ҳузурига таржимонсиз, воситачисиз борганингизда, Аллоҳ сизга: «Сенга менинг Расулим келиб таблиғ этмадими? Мен сенга мол бердим, сенга лутфу эҳсон қилдим, ўзинг учун қандай ҳозирлик кўрдинг? Нафсинг учун нима ҳозирладинг?» деб сўрайди. Шунда ўнг ва чап томонингизга қараб ҳеч нарса топа олмайсиз, сўнгра олд томонга қарайсиз, жаҳаннамдан бошқа ҳеч нарса кўрмайсиз. Шундай экан, ҳар ким ўзини, ҳаттоки яримта хурмо билан бўлса ҳам, оловдан сақласин, яхшиликлар қилсин. Уни топа олмаса, гўзал бир сўз билан ўзини қутқарсин. Чунки яхшиликнинг ўн баробардан юз баробаргача савоби бордир. Барчангизга Аллоҳнинг саломи, раҳмати бўлсин», дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам илк жума намозини ўқиган жойлари ҳозирги кунда Масжиди Жума деб номланади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жума намозидан кейин Ясрибга йўл олдилар. Ҳар бир қишлоқдан ўтаётганларида одамлар у кишини илиқ қарши олишар эди.

Ниҳоят Ясрибга яқинлашдилар. Шаҳарликлар уларни кўриш учун кўчаларга, томларга чиқиб олишган эди.

У кишини Саниятул Вадо тепалигида кўрган халқ жўшиб, «Муҳаммадун Расулуллоҳ», деб бақиришар, Аллоҳнинг Расули Муҳаммад келди, деб севишишар эди.

*Толаъ ал бадру аълайна,  
Мин саниятил вадаъ.  
Ва жабаш-шукру ғалайна  
Ма даълиллоҳи даъа –*

«Вадо тепаларидан бизнинг бошимизга ой чиқди, биз Аллоҳга дуо қиламиз, бу буюк неъматга шукур қиламиз», деб қўшиқ куйлашди.

«Саниятул Вадо» Ясрибга кираверишдаги кичик бир тепаликнинг номидир. Ясрибга ҳар қандай одам шу тарафдан келса, албатта кўринар эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам ўша томондан келмоқда эдилар. Халқ у кишини кўриб, у кишини Бадрга, яъни, тўлин ойга ўхшатдилар. Бир-бирларини табрикладилар. Мусулмонлар Ясрибда иймон аҳлининг кўпайишини буюк бир неъмат деб билиб шукур қилишди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шаҳарга кирдилар: ёш болачалар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга байтлар айтишиб, севинч кўз ёшлари билан: «Биз қаҳрамонликда донг таратган Бани Нажжорнинг қизларимиз. Ҳазрати Муҳаммад биз билан қўшни бўлганлиги билан фахрланамиз», дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам болаларга яқинлашиб: «Мени яхши кўрасизларми?» дедилар. Болалар: «Жону дилимиз билан севамиз», дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам болаларнинг жавобларидан мамнун бўлиб: «Мен ҳам сизларни севаман», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам илгари юрганлари сари маҳалладаги болалар, мусулмонлар «Жаа набий», дея Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг келаётганидан хабар берар эдилар.

Ҳамма у кишини уйига меҳмонга даъват қиларди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса: «Туяни ўз ҳолига қўйинглар, у қаерда тўхтаса, ўша ерда меҳмон бўламиз», дедилар.

Туя секин-аста юриб ҳозирги Расуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қурган масжиднинг ёнига чўкди. Бир оз кейин туя дарҳол туриб, бир неча қадам юрди ва ҳозирги Масжиди Набий минбари ўрнига чўкди: бўйинини узатиб бўкира бошлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва

саллам: «Иншааллоҳ манзилимиз шу ердир», деб туядан тушдилар. Ва яна: «Бу ерга энг яқин уй кимнинг уйи?» деб сўрадилар.

Ҳозирда қабри Истанбулда бўлган Ҳазрати Айюб (р.а.) югуриб келди: «Эй Расулуллоҳ! Бу ерга энг яқин уй менинг уйимдир, уйимга меҳмон бўлинг», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжид қурилгунга қадар унинг уйида меҳмон бўлдилар.

Шундай қилиб, суюкли дилбандим, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам туя илк чўккан жойда масжид ва ўзлари учун бир уй қурдирдилар.

Ҳижратнинг иккинчи йили сафар ойида масжид қуриб битказилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўзлари учун қурилган хужрага кўчиб ўтдилар.

Масжиднинг бир бурчагига бир суфа қилиндики, фақир саҳобалар ўша ерда яшай бошладилар.

Масжид қурилишида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам иштирок этдилар: тош, ғишт ташидилар ва дедилар: «Парвардигоримиз наздида энг хайрли, энг пок, тоза бўлган юклар шу биз ташиётган юклардир. Эй асҳобим! Асл савоб охират савобидир. Эй ансорлар, муҳожирларга марҳамат қилинглари».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам энг хайрли ишларда саҳобалардан ажралган эмаслар, улар билан бирга бўлганлар.

Шуни ёдингда тутки, азиз болагинам, аввалги номи Ясриб бўлган шаҳар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам келганларидан кейин «Мадинатун Набий», яъни, «Набийнинг шаҳри» ёки «Мадинатул мунаввара» – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг келишлари билан нурланган шаҳар дейилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Мадинага ҳижратлари ҳижрий йил ҳисобининг бошланиши ҳисобланади.

## Макканинг фатҳ этилиши

Макканинг олиниши Ислом тарихидаги энг буюк бир даврдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларидан саккиз йил ўтгач, рамазон ойида (милодий 630 йил январ ойи) Макка мусулмонлар томонидан фатҳ этилди.

Расуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қўл остларида ўн минг кишилик бир қўшин бор эди. Шу қўшин билан Маккага юриш қилиб, ғалаба қозондилар.

Расуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Маккани олишдан олдин бир туш кўрадилар. Тушларида қўшинлари билан Маккага кирадилар.

Бу тушни эшитган мунофиқлар ва кофирлар кулиб: «Сиз ҳали Мадинадан ташқарига чиқа олмайсизлару, Макканинг олинишини хаёл қиласизларми?» дедилар.

Аллоҳ таоло ўз Расулига кўрсатган тушни Фатҳ сурасида тасдиқ этди: «Қасамки, Аллоҳ Ўз пайғамбарига (у киши кўрган) тушни ҳаққи-рост қилди: албатта, сизлар (эй мўминлар), иншааллоҳ, Масжид ал-Ҳаромга тинч-омон, бошларингизни (сочларингизни) қирдирган ва (ёки) қисқартирган ҳолларингизда хавф-хатарсиз кирурсизлар. Бас, (Аллоҳ) сизлар билмаган нарсани билиб, ундан (Макка фатҳидан) олдин яқин бир ғалабани (Ҳайбар жангидаги ғалабани муяссар) қилди».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъбага Фатҳ сурасини ўқиб саҳобалар билан бирга буюк бир ҳайбат билан кирдилар. Мушриклар бу ҳолатни кузатиб туришди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъбанинг эшигига қўлларини қўйиб, хутба ўқидилар:

«Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқдир. Ибодатга лойиқ ёлғиз Удир. Унинг шериги йўқдир. У ваъдасини бажарди. Ўз қулига ёрдам берди. Бизга қарши бўлган душманларни мағлубиятга учраттирди. Яхши билингларки, жоҳилият

одамлари, қон ва мол даъволари бугун шу икки оёғим остидадир. Фақат Каъба хизмати, ҳожиларга сув тарқатиш иши бундан мустаснодир.

Эй Қурайш жамоати! Сиздан жоҳилият ғурурини, ота-боболар, насл-насаблар билан кибрланишни Аллоҳ кетказди. Барча инсонлар Одамдан алайҳиссалом, Одам алайҳиссалом эса, тупроқдан яратилгандир».

Кейин ушбу ояти каримани ўқидилар:

يٰۤاَيُّهَا النَّاسُ اِنَّا خَلَقْنٰكُمْ مِنْ ذَكَرٍ وَّاُنْثٰى وَجَعَلْنٰكُمْ شُعُوْبًا وَّقَبَاۤىِٕلَ لِتَعَارَفُوْۤا  
 اِنَّ اَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللّٰهِ اَتْقٰىكُمْ اِنَّ اللّٰهَ عَلِيْمٌ خَيْرٌ ﴿١٣﴾

«Эй инсонлар, биз сизни бир эркак ва бир аёлдан яратдик, сизни бир-бирларингиз билан танишиб-топишишларингиз учун қабилаларга ва миллатларга ажратдик. Аллоҳнинг наздида сизларнинг энг хайрлингиз Аллоҳдан қўрққанингиздир. Аллоҳ сизнинг ҳар бир ҳолингизни билади ва ҳар бир яширин тамойилларингиздан воқифдир».

Шунда тарихларда мисли кўрилмаган, аммо Ҳазрати Пайғамбармиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётларида ҳамиша кўриб келинган воқеа содир бўлди: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир неча йил ўзлари га душманлик қилиб келган қурайшийларга юзланиб: «Энди сизларга қандай муомала қилишимни истайсизлар?» дедилар. Қурайшлар эса: «Сендан фақат яхшилик кутамиз, сен карим бўлган биродаримизсан, буюк бир инсоннинг ўғлисан. Бугун қувват ва қудрат ҳаммаси сенинг қўлингда, сендан яхшиликни умид қиламиз», деб бақиришарди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Юсуф сурасининг 92-ояти каримасини ўқидилар:

قَالَ لَا تَتْرِيْبَ عَلٰىكُمْ الْيَوْمَ يَغْفِرُ اللّٰهُ لَكُمْ وَهُوَ اَرْحَمُ الرَّاحِمِيْنَ ﴿٩٢﴾

**«Бугун сизлар айбланмайсиз. Аллоҳ сизларни мағфират қилгай. У зот раҳм қилгувчиларнинг раҳмли роғидир».**

Сўнгра уларга: «Озодсизлар», деб умумий бир афв эълон қилдилар.

Асрлар давомида инсон ҳуқуқлари поймол этиб келинган бир замонда барча гуноҳлар кечирилди ва инсонлар ягона Аллоҳга ибодат қилишга йўналтирилди.

Шундан кейин Каъба ичидаги бутлар синдирилди. Каъбада шу кундан эътиборан ҳақиқий Маъбудга ибодат қилиш йўлга қўйилди.

Беш минг кишилик қўшин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳужум қиларкан, у киши эса бир ўзлари душманга ташландилар ва: «Анан-набийу ла казиб, ана ибни Абдултуттолиб!» (Мен ёлғончи пайғамбар эмасман, мен Абдулмуттолибнинг ўғлиман), деб ҳайқирдилар. Қиличларини айлантириб, отларини шиддат билан душман устига ҳайдадилар. Бу ҳолни бир саҳобий шундай ҳикоя қилади: «Хунайн жангида ҳаммамиз қочдик, фақат Расулуллоҳгина соллаллоҳу алайҳи ва саллам душман қўшинига ташландилар. Буни кўрган саҳобалар орқага қайтишди ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг атрофларида тўпланишди».

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амакилари Ҳазрати Аббос (р.а.) ҳам қочаётган саҳобаларга баланд овоз билан: «Эй саҳобалар, эй Расулуллоҳга сўз берганлар, Расулуллоҳ бир ўзлари душманга қарши жанг қиларкан, сиз қаерга қочяпсиз? Расулуллоҳ мана бу ердалар», деб бақирдилар. Бу овозини эшитган саҳобалар дарҳол орқага қайтишди ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг атрофларида тўпланишди. Шиддатли жанг бошланди ва душман мағлуб бўлди.

Жангда душманлардан етмиш киши ўлди, мусулмонлардан эса тўрт жангчи шаҳидлар қаторига тизилди.

## Қиролларга мактублар

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳижратнинг олтинчи йили дунёнинг ўша пайтдаги машҳур қиролларига мактублар юбориб, Исломга даъват қилдилар.

Дихятул Калбий исмли саҳобани Византия империясига қарашли Сурияда Ғассонийларнинг маркази Бусрога мактуб билан юбордилар.

Ўша пайтда Ғассонийларнинг бошлиғи Ҳорис эди. Ҳазрати Дихя мактубни Ҳорисга, Ҳорис эса, уни Қайсарга етказди.

Қайсар мактубни олгандан кейин бу атрофда пайғамбарни биладиган кимдир бор-йўқлигини суриштирди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга иймон келтирмаган курайшликлардан Абу Суфён Шомга кетаётган эди. Уни топиб Қайсарнинг ҳузурига келтиришди.

Қайсар Ҳирақл ўз тахтида, епископлар, роҳиблар ва поплар сарф тортишган. Ҳамма Қайсар Ҳирақл билан Абу Суфён суҳбатига қулоқ осган.

Қайсар Ҳирақл Абу Суфёндан сўради:

«Сизларнинг шахрингизда Муҳаммад исмли бир киши пайғамбарлик даво қилаётган экан, шуни танийсанми?»

«Ҳа, танийман, асл бир оилага мансубдир», деди Абу Сўфён.

«У одам ёлғон гапирадими?» деб сўради Ҳирақл.

«Асло ёлғон гапирмайди».

«Берган ваъдасида турадими?»

«Туради».

«У сизга нимани тавсия этяпти?».

«Ягона Аллоҳга қуллик қилинг. Унга шерик қўшманг, дейди».

Шунда Ҳирақл ажойиб эътирофини эълон қилди:

«Инсонларга ёлғон гапирмаган одам Аллоҳ ҳақида ҳам ёлғон гапирмайди. Сўнгра унга аксарият заиф ин-

сонларнинг тобеъ бўлаётганини айтдинг. Барча пайғамбарларнинг ҳам йўллари шундай бўлган. Пайғамбарнинг Аллоҳдан қўрқишга, Аллоҳга қуллик қилишга даъват этаётганини айтдинг. Барча пайғамбарлар ҳам шундай қилганлар», деди.

Кейин мактуб ўқилди. Мактубда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни Аллоҳнинг бирлигига ва Аллоҳга ибодат қилишга даъват этган эдилар.

Гарчи Қайсар Ҳирақл буни тасдиқласа-да, ёнидаги руҳонийлар шовқин кўтаришиб, Қайсарни қароридан қайтаришди.

Абдуллоҳ ибн Хузофа исмли бир саҳоба эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мактубларини Эрон шоҳи Хисравга олиб борди. Мактубда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни ва қавмини Аллоҳнинг бирлигига ва Унга ибодат этишга даъват қилган эдилар.

Эрон ҳукмдори Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг исми ўзининг исмидан аввал ёзилганлиги учун кибрланиб мактубни йиртди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламни тутиб келтириш учун Яман волийини юборди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга: «Орқага қайтинглар, ҳозир Хисрав ўлдирилди, яқинда у ерга ҳам Исломият ёйилади», деб башорат қилдилар. Дарҳақиқат, шундай бўлди ҳам.

Ҳабаш ҳукмдори Нажошийга Ҳазрати Жаъфар (р.а.) орқали мактуб юбордилар. Ҳазрати Жаъфар (р.а.) Нажошийга мактубни берди. Ҳукмдор Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рисолатларига ишонди.

Бир йили Нажошийнинг вафоти ҳақидаги хабарни Жаброил алайҳиссалом Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга етказди. Ғойибона жаноза ўқилди. Бир ҳафта кейин хабар келдики, айнан ўша куни Нажоший вафот этганди. Зеро, бу ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мўъжизаларидан биридир.

Миср ҳукмдори Муқавқисга ҳам Аллоҳнинг бирлигига, Унга ибодат қилишга даъват учун бир мактуб юбордилар.

Гарчи Муқавқис мусулмонликни қабул қилмаган бўлса-да, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳадялар юборди. Машҳур Дулдул унинг ҳадясидир.

Шу тариқа араб раисларининг ҳаммасига Аллоҳнинг бирлигига, Унга ибодат қилишга чорлаб мактублар юбордилар.

Мактубларининг ҳаммасининг остида «Муҳаммадун Расулуллоҳ» муҳри бор эди.

### Видолашув ҳажи

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳижратнинг ўнинчи йили, зулҳижжа ойининг ўнинчи куни (милодий 632 йили февралида) маш-хур хутбаларини ўқиб, саҳобалари билан видолашдилар. Шунинг учун бу ҳаж «Видолашув ҳажи» дейилади. У ерда бир юз йигирма минг саҳоба ҳозир эди.

Видолашув сўнгида ўша саҳобаларга: «Сиздан мени сўрайдилар, нима дейсизлар?» дедилар. Саҳобалар: «Аллоҳнинг амрларини бизга билдирдингиз. Вазифангизни бажардингиз, деймиз», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уч марта: «Аллоҳим! Шоҳид бўл», дедилар.

Шунда ояти карима нозил бўлди:

الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيْتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا

«Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўкис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳижратнинг ўн биринчи йили рабиул аввал ойининг ўн иккинчи куни – душанба кунида (милодий 632 йил май ойида) вафот этдилар.

Ҳозирги Масжиди саодатнинг ёнида, Ҳазрати Оиша онамизнинг хонаи саодатларига кўмилганлар.

Қуръони каримда «Муҳаммад» номли ўттиз олти оятдан иборат бир сура бор. Иккита жойда «Муҳаммад» исми шарифи, бир жойда эса «Аҳмад» исми шарифи келади. Қуръони каримда 371 ояти карима Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақларида ворид бўлган. «Ваз-зуҳа...», «Алам нашроҳ лака...» ва «Инна аътойна...» лафзлари билан бошланувчи суралар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шаънлари ҳақидадир.



ИЛОВА

### ҲИЛЯИ ШАРИФ

#### (Расулуллоҳнинг муборак сийратлари)

Муҳаммад алайҳиссалом инсонларнинг энг улуғи ва энг буюк намунасидир. Шу боис ул зотни танимоқ, севоқ биз инсонлар учун шарт. Бу энг муқаддас вазифа ҳамдир. Қуйидаги ёзаётганимиз ҳам Расулуллоҳни таниш ва севишликка сабаб бўлади деган умиддамиз.

Ҳазрати Али (каррамаллоҳу ваҷҳаҳу)дан ривоят қилинган бир ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мендан сўнг кимки менинг ҳиялимни (кўриниш ва сийратимни, хилқатим ва сифатимни) кўрса, мени кўргандай бўлади. Агар меҳр-муҳаббат билан қараса, жаҳаннам оловидан қутилади”, деб айтганлар.

Ул зотни таниш, меҳру муҳаббат назари билан қа-раш энг улуғ саодатдир. Чунки одамийлик ул зот билан камолотга етади. Ул зот билангина Аллоҳ ҳузурда мақбул бўла олади.

Расулуллоҳ пайғамбарлар ичида кўпроқ Иброҳим алайҳиссаломга ўхшардилар. ўрта бўйли эдилар, лекин олди-

ларига узун бўйли бир киши келса, (пайғамбар мўъжизаси ўлароқ) бу одамдан узун бўлиб кўринар эдилар. Барча аъзолари том (тугал) ва мутаносиб (ўз ўрнига ярашиқлик) эди. Юз ва вужудлари ғоят чиройли эди. Бунда одамларни ҳайратлантирувчи бир чирой, севимлик бор эди.

Ул зотни бир бор кўришликнинг ўзиёқ севги ва муҳаббатларига ошно қилади. Муборак бошлари катта, муборак пешоналари очик ва порлоқ, нурли, холис буғдой рангли, мунаввар (нурли), очик чехралик, гул каби қирмизига мойил эди. Ул зотнинг терилари оқ, нуроний эди. Муборак юзларида доим табассум кўринар, кўзларининг қораси катта ва чиройлик эди. Қошларининг ўртаси очик эди. Бироқ қошлари бир – бирига яқин бўлиб, асло ўсиқ, чимириқ эмас эди. Ул зот ҳаётларида ҳеч кимга ўз нафслари учун юз буруштириб, ғазаб қилмаганлар. Фақат диний ғайратлари боис ғазабланганларида, муборак икки қошлари орасидаги бир томир бўртиб кўриниб қоларди. Муборак киприклари қора, узун ва сурмали эди. Кўзларининг оқида озгина қизиллик бор эди. Бир томонга қарамоқчи бўлсалар, фақат кўз билан қарамай, балки бутун вужудлари билан боқар эдилар. Муборак бурунлари тўғри, текис, латиф ва бежирим эди.

Муборак тишлари тизилган инжу каби оқ эди. Га-пирганларида олд тишларидан худдики нур таралар, кулган чоғларидагина ён тишлари ҳам бир оз кўринар эди. Умрлари давомида қаҳқаҳа отиб кулмаганлар, балки табассум қилар эдилар, холос.

Ҳазрати Али (розийаллоҳу анҳу) Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам васфида айтадиларки:

“Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўп узун бўйли ҳам эмас, аъзолари бир-бирига кириб кетган паст бўйли ҳам эмасдилар. Қавмининг узунга яқин ўрта бўйлиси эдилар. Сочлари кўп жингалак ҳам эмас, теп-текис ҳам эмас эди. Жингалак билан текис соч ораси – тўлқинли эди. Юзлари тўла, пешоналари дўнг эмас эди. Юзларида

бир юмалоқлик бор эди. Қирмизи билан оқ аралашмасига мойил бўлиб туғилган, танлари оқ эди. Қораси кўп қора, оқи кўп оқ бўлган кўзлари катта эди. Киприклари узун эди. Бош суяклари ва елка суяклари катта, кенг эди. Вужудлари қилсиз ва туксиз, фақатгина кўксларидан киндикларигача қамиш шаклида озгина тук бор эди. Қўллари ва оёқлари гўштдор эди. Юрган чоғларида баланд бир ердан тушаётгандай оёқларини ердан қувват билан олар эдилар. Бировга илтифот қиладиган бўлсалар, бутун вужудлари билан юзланиб қарар, илтифот қилар эдилар. Икки елкаларининг ўртасида “пайғамбарлик муҳри” бўлиб, ул зот пайғамбарларнинг охиргиси, тамомловчиси эдилар. Инсонларнинг энг жўмарди (сахийси), энг очик қалблиси, энг тўғри сўзлиси ва энг юмшоқ табиатлиси эдилар. Муомалада ҳам энг карамлиси эдилар. Ул зотни илк кўрган ҳайбат ҳис қилар, мулоқотда бўлган яхши кўриб қоларди. Ул зотни таърифлаган: “Ул зотдан олдин ва кейин ўхшашини кўрмадим” деб айтарди. Қуёшга қараб бўлмаганидек, Расулulloҳнинг муборак сиймосига ҳам диққат билан, шавқ билан узоқ қараб бўлмасди”.

Ҳазрати Жобир (розийаллоҳу анҳу) ҳам: “Тўлин ойли булутсиз бир кечада Расулulloҳ билан бирга эдик. Шунда бир ойнинг бетига қарадим, сўнг Расулulloҳнинг юзларига қарадим: Расулulloҳнинг муборак юзлари ундан нурли, яна ҳам жозибали эди” деганлар.

Ҳазрати Анас айтадилар: “Ҳазрати Расулulloҳнинг муборак юзи чиройли эди, терлари инжудек баъзан муборак юзларидан тўкилар, гул ҳидидай хушбўйлик таратарди. Муборак вужуди ипакдан, ипак матодан ҳам юмшоқ, мулойим эди. Чиройлари аъзоларига қўйиб қўйгандек мос, мислсиз эди. Сочлари кўпам жингалак эмас, кўпам теп-текис ҳам эмас эди. Муборак сочларини баъзан ўстирар, ўстирган чоғларида қулоқ юмшоқларидан ўтарди. Муборак оғизлари ўрта ва кенгга мойил эди. Муборак соқоллари тўла, ғур ва том (тўлик) эди (яъни, сий-

рак эмас эди). Лекин узун эмас, бир тутамдан ортиғини олдирардилар. Бу оламдан кетар чоғлари муборак соқолларида ўн еттита қил оқарган эди. Доимо очиқ юзли, табассумли бўлар, хуш ва жуда ҳам ҳикматли гапирар эдилар. Бутун умрлари давомида ҳеч кимга ёмон сўз айтмадилар. Ул зот ҳеч кимсанинг сўзини бўлган эмаслар. Ғоят мулойим ва тавозули эдилар. Шу билан бирга ҳайбатли ва виқорли эдилар. Туйқус ул зотни кўрганлар илоҳий бир кўрқув ичида қолар, уларни титроқ олар эди”.

Ҳазрати Али ўғиллари Ҳасанга боболари ҳақида сўзлар экан, шундай деганлар:

Расулуллоҳ доимо тушунчали (ўйчан), кўпинча сукут қилар, кам гапирар, ноўрин гапирмасдилар. Гапирсалар сўзларини дона-дона қилиб сўзлар, бу сўзлар ҳар кимнинг қалбига нақш бўларди. Ҳар вақт ғоят балоғат билан, фасих (очиқ, равшан) гапирар эдилар. Нодиран (ахён-ахёнда) кулар, кўпинча табассум қилиб қўярдилар”.

Расулуллоҳнинг кулишлари зариф (чиройли) бир табассумдан иборат эди. Гапира бошлаган чоғларида, муборак сўзлари ҳамманинг қалбига кириб борар, тинглаётганлар ҳайратланмай иложлари йўқ эди. Кунчиқар ва кунботар (юртлар)дан келган зиёратчилар ул зотнинг буюк ахлоқининг, улуғ ҳикматли сўзларининг таъсирида қолиб, ул зотга маҳлиё бўлишар, яхши кўриб қолишар эди. Муборак бўйинлари узун ва зариф (жуда ҳам чиройли, ярашган) эди. Офтоб каби порлар эди. Муборак кўкси ва икки елкаларининг ўртаси жуда ҳам кенг эди. Ул зот оппоқ, порлоқ, қирмизи гул рангли эдилар. Муборак кўксиларида қора нозик туклар бор эди. Муборак болдирлари йирик, йўғон ва қалин, муборак бармоқлари узун ва қалин, соғлом, бақувват эди. Ҳовучларининг ичи билан оёқларининг тағи кенг эди. Оёқларининг тағи текис эмас, чуқур эди. Муборак терилари ипакдан ҳам мулойим, хиди латиф гул ҳидини эслатарди. Хушбўйлик хоҳ суртилсин, хоҳ суртилмасин, доимо муборак вужуд-

лари хушбўй гул ҳидини таратарди. Ким билан қўл бериб кўришсалар ва бирон нарсага тегинсалар, муборак хуш ҳидлари ўша ерда аён бўлар, икки елка суяклари орасида “Нубувват муҳри” бор эди. Бу пайғамбарлик муҳрининг таржимасида:

“Эй, Муҳаммад! Сизни муждалаймиз. Ҳеч бир киши Сиз етишган мартабага етиша олмас. Сиз пайғамбарларнинг энг жасурисиз. Нусрат (ғалаба) калитлари Сизга берилди. Қаерга таважжуҳ қиладиган бўлсангиз (юзлансангиз), ғолибдирсиз” дейилади.


Бу муҳр каклик тухуми шаклида ва усти (нозик) туқлар билан қопланган илоҳий бир муҳр эди. Тўрт мўътабар шоҳид томонидан кўрилган ва ўқилган эди.

Туғилган чоғларида суннатли туғилган, нурли вужудларининг сояси ерга тушмас эди. Ул зот ҳеч ким эшита олмайдиган нарсани эшитар, бошқалар кўра олмайдиган масофани кўрар эдилар. Юрганларида доимо тавозу билан юрганлар. Ўрта ва бир оз шошиб тез юрганларида ҳам ҳеч ким ул зотга етиша олмас эди. Ул зот ҳар ким билан хушмуомалада бўлар, жўмард (сахий, қўли очик), марҳаматли, жуда ҳам шафқатли ва жуда ҳам жасур эдилар. Сўзларида содиқ ва юмшоқ феъл-атворли эдилар. Китоб ўқимаганлари ҳолда ҳар турли илмдан хабардор, емоқда, киймоқда заруратдан ортиқча бир нарса қилмас эдилар. Топганларини ер ва кияр эдилар. Исрофдан узоқ бўлар ва доимо мусибатларга сабр, неъматларга шуқр қилар эдилар. Ҳеч қачон тўйгунча овқат емас, “Меъда (ошқозон) касаллик уйи, парҳезкорлик унинг давосидир” деб айтардилар. Устида ухлайдиган тўшаклари теридан қилинган, ичи хурмо данаклари билан тўлдирилган эди. Ҳарб ғаниматларидан ўзларига озгина бир миқдор олар, қолганини асҳобларига улашар эдилар.

Оила аъзолари билан ейдиган нарсалари: арпа нони, хурмо ва сут эди. Ул зот қўшниларининг ҳолидан ҳар доим хабар олар, меҳмонларга иззату икром қилар, ўти-

риб овқат ер ва ичар эдилар. Ва яна асҳоби ва хизматчилар билан бирга овқатланар, улар билан ўтириб суҳбат қилар, маслаҳатлашар эдилар. От, туя, хачир ва уловга ҳам минар, ҳеч кимга асло кибр қилмас, оддийликка риояли, тавозули эдилар.

Ул зот барча чиройли ахлоқни ўзларида тўплаган эдилар. Аллоҳ таоло томонидан Куръони каримда: “**хулуқин азим**” дея мақталган, оламларга раҳмат ва инсонларнинг энг буюк ўрнаги эдилар, соллаллоҳу алайҳи ва саллам. Ул зот пайғамбарларнинг охиргиси, бутун инсонларнинг раҳбари, ахлоқу одобда ўрнак эдилар. Аллоҳ таоло ул зотга:



“Албатта, Сиз буюк хулқ узрадирсиз!”<sup>1</sup> дея марҳамат этган.

Эй Расулуллоҳ! Сизга абадий, асло тугамайдиган салоту саломлар бўлсин!

Ал-Ҳож Муҳаммад Камол

## МУБОРАК СИЙРАТ

Пайғамбарлар султони Муҳаммад Мустафо сол-лаллоҳу алайҳи васаллам яратилиш ва хулқ жиҳатидан инсонларнинг энг гўзали эдилар. Руҳ ва қалб поклигига эришган мингларча валийлар, қалами ўткир мингларча адиблар, васф мулкининг подшоҳига айланган мингларча шоирлар то шу кунгача у зотнинг суврат ва сийратларини, хулқи шамойилларини сифатлашга уринишади, аммо бу ишни маромига етказишдан ожиз эканларини эътироф этишади. Шундай бўлсада, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)га бўлган муҳаббат ва соғинч у зотнинг гўзал суврат ва хулқларига қайта-қайта мурожаат этишга ундайверади. Қуйида ёзаётганларимиз ҳам

<sup>1</sup>Калам сураси, 4-оят.

Қози Иёз, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Хоний ва яна бошқа бир қанча сийрат адибларининг асарларидан олинган бўлиб, бетакрор гўзаллик соҳибининг таъриф ва тавсифи йўлида ожизона бир ҳаракатдир.

### Қиёфалари

Расули Акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг рангрўйлари бениҳоя чиройли, тана аъзолари фавқулодда мутаносиб ва хушбичим эди. Абу Хурайра (розийаллоҳу анҳ): “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан чиройлироқ одамни кўрмадим. Күёш гўё У зотнинг юзларида балқиб турарди. Кулганларида шуъласи деворларга тушарди”, дейди. Ибн Абу Холанинг ҳадисида эса: “Юзлари ўн тўрт кунлик ойдек ярқираб турарди”, дейилган. Ҳазрати Али (розийаллоҳу анҳу) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам васфлари охирида: “У зотни дастлаб кўрган одам кўрқарди, муомала қилиб таниганидан сўнг яхши кўриб қоларди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдек одамни аввал ҳам, кейин ҳам кўрмадим”, дейди.

### Вужудлари

Пайғамбар алахиссаломнинг истаклари юзларида билинар, бир нарсадан хушлансалар, мамнунликлари кўринар эди. Ғазаб ва хафачиликлари ҳам юзларида аён бўларди. Вужудлари доимо покиза, мушку анбар хоҳ суртсинлар-суртмасинлар, хушбўйлик уфуриб турарди. Анас розийаллоҳу анҳу: “Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)даги хушбўй мен ҳидлаган ифор, анбар ва мушклардан ёқимлироқ эди”, дейди. Жобир ибн Абдуллоҳ (розийаллоҳу анҳ) эса: “Расулуллоҳ юзимни силаб қўйган эдилар, қўлларидан худди атторнинг қутисидан таралгандек димоғимга хуш бўй урилди”, деб зикр этади. Имоми Бухорий ривоят қилган бир ҳадиси шарифда, мушку анбар уфуриб турган кўчадан юрган киши бу ердан, ал-

батта, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўтганларини билиб олар экан. У зот агар бирон боланинг бошини силаб қўйсалар, кечгача ўртоқлари унинг ёнидан кета олмай қолишаркан.

Ҳислари фавқулодда қувватли эди. Узоқлардаги товушларни ҳам эшитар, ҳеч ким кўра олмайдиган масофани бемалол кўрар эдилар. Ойиша онамиз (розиёллоҳу анҳо): “У зот қоронғуда ҳам худди кундузгидек бемалол кўрар эдилар”, дейдилар.

### Сўзлари

Кераксиз бирон гап-сўз айтмасдилар. Айтганлари ҳикмат ва насиҳат бўларди. Ҳар кимнинг ақли ва тушунишига қараб сўзлар эдилар. Суҳбатларига асло тўйиб бўлмасди. Бирон киши бирон нарса сўраса, дарҳол жавоб қайтарар, жавоблари худди йиллар ўйлаган янглиғ ғоят ҳикматли, чуқур ва кенг бўлар эди. Лўнда, қисқа, аниқ, сунъийлик ва такаллуфдан холи, айти пайт-да фасоҳат билан гапирардилар.

Мулоим ва камтар эдилар. ўзларига қилинган ҳазилни тўғри қабул қилар эдилар. Ҳазилларига ёлғон аралашмасди. Кулишлари табассум эди. Нубувватларига тегишли жиддият ва виқорни асҳоб билан ораларига тўсиқ қилмас эдилар. Оддий одамлардек тутардилар ўзларини. Ибн Масъуд ривоят қилишича, бир киши у зот соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келганида ҳайбатлари босиб, гапиролмай қолади. Шунда Расулulloҳ: “Кўрқма, мен подшоҳ эмасман”, деганлар.

### Муомалалари

Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саллам доимо очиқ юзли, табассумли эдилар. Муомалалари зериктирмайдиган, оғир ботмайдиган эди. У зот билан бирга бўлишдан ҳеч ким шикоят қилмаган.

Уч нарсадан – муноқаша (бахс) қилишдан, кўп гапиришдан, қизиқтирмаган нарса билан овора бўлишдан сақланар эдилар. Ҳеч кимни ёмонламас, ранжитмас, яширин ҳолларини тафтиш қилмас эдилар. Сухбатларини диққат билан эшитар, арзларини қабул этар, гап-сўзлардаги камчилик, ноаниқлик, тушунарсизликка сабр қилар эдилар. Асҳобида бу ҳолдан бетоқатлик кўрганларида: “Эҳтиёж эгасига ёрдамчи бўлингиз”, дердилар.

Ҳақдан айрилмагунича, сўзлаётган одамнинг сўзларини бўлмас эдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларни доимо ўзларига жалб этиб турардилар. Бирон нарсадан огоҳлантирганларида авзойларини ўзгартирмай, пешоналарини тириштирмай огоҳлантирардилар. Сухбатдошларига даврада ўзига яраша жой кўрсатардилар. Йиғинда ўтирган ҳар бир киши, Расулуллоҳ ҳаммадан кўра менинг ҳурматимни жойига қўйдилар, деган фикр билан кўнгли чоғ бўларди.

Танисалар танимасалар, ҳаммани тенг кўрардилар. Камбағал ё бойга ажратмай, ким уйига таклиф этса, борар, бирон кишига йўлиққанларида, биринчи бўлиб салом берар эдилар. Ҳатто кичкинтой болаларга ҳам. Чунки у зот бандаларининг Аллоҳга энг итоатлиси эдилар. (Бир ҳадисларида: “Биринчи салом берганингиз Аллоҳга итоатлироғингиздир”, деб марҳамат қилганлар).

Неъматни ҳар доим улуғ кўрар, озга қаноат этар, ёмонламас, мақтанмас ҳам эдилар. Ҳаққа эътироз этилсагина, ғазабланардилар. Ғазабланганларида асло ўринларидан турмасдилар.

Бир нарсага ишорат қилгудек бўлсалар, бармоқлари билан эмас, қўллари билан ишорат қилар, бир тарафга қарамоқчи бўлсалар, бутун вужудлари билан ўгирилиб қарар эдилар. Гапирганларида чап қўлларининг бош бармоғини ўнг қўлларининг кафтига урганча гапирар эдилар.

## Овқатланишлари

Ниҳоятда кам ер ва кам ухлар эдилар. Аслида, кўп ейиш ва кўп ухлаш ҳеч қачон инсон боласига фазилат бўлган эмас. Бани башарнинг энг афзаллари бўлган пайгамбарларга-ку, умуман. Чунки бу икки ишни кўпайтириш ақлни заифлаштиради, ланж, ялқов, хомуш қилади, умрни зое кетказди, дилни ғафлатга солади. “Одам боласи қорнидаги ёмон идишни тўлдиролгани йўқ. Унга тўйиши учун бир неча лукма кифоя қилади. Шубҳасиз, (ошқозоннинг) учдан бири таом, учдан бири сув, учдан бири нафаси учундир”, деб тарғиб этардилар у Зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам. Ойиша онамиз (розийаллоҳу анҳо): “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қорнилари тўйиб овқат еган эмаслар”, дейди. Уйқулари ҳам жуда кам бўлган. Шунда ҳам: “Икки кўзим ухлагани билан калбим ухламайди”, деганлар.

## Феъллари

Ҳар бир ишлари мўътадил эди. Бир-бирига терс тушадиган ҳеч бир ҳаракатлари йўқ эди.

Инсонларнинг ғафлатга тушиб, Ҳақдан айрилишларидан кўрққанлари боис улардан беҳабар қолмасдилар. Ҳақни ҳар нарсадан афзал билиб ҳимоя қилар эдилар. У зотнинг назарларида энг яхши инсон динга хизмати кўп бўлган инсон эди.

Саҳобалардаги бардамликни қаттиқ тутиб турардилар. Энг мискин бечораларни ҳам назарларидан четда қолдирмасдилар. Бир сафар масжидни супуриб-сидириб юрадиган мискин кампир вафот этади. Саҳобалар у зотга айтиб ўтирмасдан аёлни дафн этиб келишади. Умматидан доим ҳол-хабар сўраб, суруштириб турадиган ул мукаррам зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам кампирнинг кўринмай қолганини айтадилар. Асҳоб унинг

вафот этганини билдиришади. Шунда у зот: “Нега менга хабар бермадинглар”, дея оғринадилар ва мархума ҳақиға дуо қиладилар.

### Хулқлари

Аллоҳ таоло Нур сурасининг 4-оятда Расули соллаллоҳу алайҳи ва салламни мақтаб: **“Сен улуғ ахлоқ устидасан”**, дейди. Чиндан ҳам у зоти шариф соллаллоҳу алайҳи ва саллам маънавий ва ахлоқий жиҳатдан баркамол зот эдилар. У зот пайғамбарлик келмасидан олдин ҳам гўзал хулқлик эдилар. Пайғамбар бўлганларидан кейин янада фазилатли бўлдилар. Анас (розийаллоҳу анҳу): “Расулуллоҳ энг гўзал ахлоқ эгаси эдилар”, дейди. Ойиша онамиз (розийаллоҳу анҳо)дан у зотнинг хулқлари ҳақида сўралганида: “Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқлари Куръон эди. (Куръон) рози бўлган нарсадан рози бўлар, ғазабланган нарсадан ғазабланар эдилар”, деб жавоб берганлар.

Одоб-ахлоқнинг манбаи ақлдир. Илм-маърифат эса, ақлнинг маҳсули. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ақл ва илм жиҳатидан ҳеч ким етолмаган ва етолмайдиган даражага етишганлар.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг мулойимликлари, бағрикенгликлари, ўч олишга қодир бўла туриб афв этишлари, мусибатга сабр қилишлари Аллоҳнинг у зотга инъоми эди. Ойиша (розийаллоҳу анҳо): “Набий алайҳиссалом икки ишдан бирини танлаш лозим бўлганида, гуноҳ бўлмаса, енгилроғини танлардилар. Агар гуноҳ бўлса, энг узоқда тургувчи эдилар. ўзлари учун интиқом олмасдилар. Фақат Аллоҳнинг ҳурмати бузилганда Аллоҳ учун қасос олардилар”, дейди. У ҳудда мусибат ёғдирган мушрикларни дуоибад қилишни сўрашганда: “Эй Аллоҳ, қавмимни ҳидоят қилгин, чунки улар билишмайди”, дея Яратганга ёлборганлар. Бундай ҳалимликни дунё кўрган эмас!

Ойиша онамиз: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ йўлидаги жангдан бошқа бирор кимсани чертмаганлар. Умрларида на хизматкорни, на аёлларини урганлар”, деб эслайдилар.

### Саховатлари

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ниҳоятда сахий эдилар. Мол-дунёга умуман рағбат қилмасдилар. “Уҳуд тоғидек олтиним бўлса, ундан Аллоҳ йўлида сарфлаш учун мўлжаллаганимдан ташқари бирон динорни олиб қолиш мени хурсанд қилмайди”, деганлар. Вафот этганларида ҳам оилаларининг харажати учун совутлари гаровга қўйилган эди.

Жобир (розийаллоҳу анҳу)нинг хабар беришича, биров нима сўрамасин, Расулуллоҳ йўқ демас эканлар. Ибн Аббос эса: “Яхшиликка Расулуллоҳнинг қўллари ҳаддан ташқари очик эди. Айниқса, Рамазон ойида янада сахий бўлиб кетардилар”, дейди.


Кунларнинг бирида у зот қўлларига тушган тўксон минг динорни бўйра устига ташлаб, охирги чақасигача бўлиб берадилар. Бир одам келиб нарса сўраганида: “Ёнимда ҳеч нима йўқ, лекин сўраганинг менинг устимда қарз бўлиб турсин, бирон нарса келиб қолса, уни сенга берамиз”, дейдилар. Умар ибн Хаттоб (розийаллоҳу анҳу): “Аллоҳ сизни қудратингиз етмаган ишга таклиф қилмаган-ку”, деганида, у зот хушланмаганлар.

Пайғамбар алайҳиссалом ниҳоятда шерюрак ва жасоратли эдилар. Энг қалтис вазиятларда ҳам сабот билан мардона турардилар. Табиатларидаги бу жиҳат Уҳуд, Хунайн ва Ҳандақ ғазотларида яққол намоён бўлган. Ибн Умар: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан шижоатлироқ, жасурроқ, сахийроқ кишини кўрмадим”, дейди.

## Ҳаёлари

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам дунёдаги энг ҳаёли инсон эдилар. Бошқаларни ҳам ҳаёли бўлишга чақирар, “Ҳаё имондандир”, деб ўгит берар эдилар. Абу Саид Худрий (розийаллоҳу анҳ): “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам гўшангадаги келинчақдан ҳам ҳаёли эдилар. Бирон ишни ёқтирмаганларини шундоқ юзларидан билиб олардик. У зот алайҳиссалом тиниқ ва латиф чехрали эдилар. Бирон кишига у ёмон кўради-ган гапни айтишга ҳаё ва карамлари йўл қўймасди”, деб зикр қилади. Ҳазрати Ойиша (розийаллоҳу анҳо) эса: “У зотга биров ҳақида ёмон гап етса, “Фалончига нима бўлди, бундай-бундай дебди”, демасдилар балки “Қавмга нима бўлдики, бундай-бундай дейишибди ёки қилишибди”, ва ўша одамнинг исмини айтмасдан туриб, уни ёмонликдан қайтарар эдилар”, дейди.

У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳеч қачон ёмонликка ёмонлик билан жавоб бермаганлар. Қодир бўлатуриб, душманига жазо беришдан сақланардилар, аксинча, яхшилик қилардилар. У зотнинг ҳузурларига жазо олишни ўйлаб келган душманлар мурувват кўришар, ўлимга тайёрланиб турганлари ҳаёт топишар эди. Бу ҳол ҳар қандай бағритош душманларга ҳам у зотни севдирарди. Дарҳақиқат, у зот бутун оламларга раҳмат қилиб юборилганлар:



“Биз сизни оламларга раҳмат қилиб юбордик”.<sup>1</sup>

## Тақволари

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бани Одамнинг энг тақводори, энг обиди эдилар. Қўрқув ва уми-

<sup>1</sup> Анбиё сураси, 107-оят.

длари, тоат-ибодатлари илмларига яраша эди. Айтардиларки: “Мен билган нарсаларни билганларингда кам кулиб, кўп йиғлардинглар. Сизлар эшитмаган нарсани мен эшитаман. Осмон фарёд чекади ва бунга ҳаққи бор. Унда тўрт энлик жой йўқки, фаришта Аллоҳга сажда қилиб, пешонасини қўймаган бўлсин. Аллоҳга қасамки, агар мен билган нарсани билганларингда кам кулиб, кўп йиғлар, тўшақда аёллар билан лаззатлашмас, Аллоҳга фарёд уриб, қирларга чиқиб кетган бўлар эдингиз. . . ”

### Ибодатлари

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ниҳоятда кўп ибодат қилардилар. Намозда тураверганларидан оёқлари шишиб кетарди. Ойиша (розийаллоҳу анҳо): “Набий алайҳиссаломнинг ибодатлари тинимсиз ёғиб турадиган ёмғирга ўхшарди”, дейди. У зот соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дунёдан топган қувончлари намоз эди. ўзлари ҳам: “Кўз қувончим намозда”, деганлар. Ибодат қиларканлар, йиғлайверардилар. Соқоллари, кўкраклари, ҳатто ер ҳўл бўлиб кетарди. Саҳобалар: “Аллоҳ гуноҳларингизни кечирган-ку”, дейишса: “Шукр қилувчи бандалардан бўлмайинми?!” дердилар. Ҳа, у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам жуда кўп нарсани билардилар. Билганлари учун кўп йиғлардилар.

Хулоса шулки, диннинг икки тамали бор: Аллоҳнинг китоби ва Расул соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатлари. Динини шу икки тамал асосида қурган, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муборақ хулқлари билан хулқланган, суннатлари билан суннатланган, йўллари ни маҳкам тутган зотларга Аллоҳнинг салом ва раҳмати бўлсин.

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ!

**Баҳриддин УМРЗОҚ**

## МУНДАРИЖА

“ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ” КИТОБИ ҲАҚИДА .....	3
НУБУВВАТ, НАБИЙ ВА РАСУЛ .....	7
Набийлик ҳамда расуллик сифати Аллоҳнинг лутфи экани .....	7
Пайғамбарларнинг баъзи сифат ва фазилатлари .....	9
Дастлабки ва сўнгги пайғамбар, набий ва расуллар сони .....	10
Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳам набий, ҳам расул экани .....	10
Инсонларга юборилган барча пайғамбарларнинг исми ва ҳаёт қиссаси билдирилмаган .....	12
Қуръони каримда исмлари ва ҳаёт қиссалари тилга олинган пайғамбарлар .....	13
Пайғамбарларнинг афзаллари ва энг афзали .....	13
Пайғамбарларнинг улуғлари ва уларнинг саййиди .....	14
ВАҲИЙ ВА ВАҲИЙ ШАКЛЛАРИ .....	15
Туш ва унинг турлари .....	15
Мубашширот ва солиҳ туш .....	16
Ваҳийнинг иккидан еттигача бўлган шакллари .....	16
ПАЙҒАМБАРЛАРГА НОЗИЛ ҚИЛИНГАН ИЛОҲИЙ КИТОБ ВА САҲИФАЛАР .....	21
ДИН ВА УНИНГ МОҲИЯТИ .....	21
ИМОН ВА МЎМИН .....	22
Имон турлари .....	22
Қалб ва унинг турлари .....	23
Мўмин ва мусулмон орасидаги фарқ .....	24
Мунофиқлик, фосиқлик ва кофирлик .....	25
Аллоҳ наздида мақбул дин барча пайғамбарларнинг дини .....	25
ТАВҲИД АҚИДАСИ .....	27
Барча пайғамбарларнинг ўз умматларига тавҳид ақидасини етказишга ҳаракат қилишлари ва пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом .....	27

Осмонлар ва ернинг ва улар орасидаги нарсаларнинг қандай ва нима учун яратилгани.....	28
<b>ОДАМ АЛАЙҲИССАЛОМ.....</b>	<b>29</b>
Одам алайҳиссалом яратилган ва жаннатга киритилган кун.....	29
Фаришталарнинг Одам алайҳиссаломга сажда қилишлари ва иблиснинг исёни.....	29
Иблиснинг асли, яхши ва ёмон жиҳати.....	30
Одам алайҳиссаломнинг билим ва каромат жиҳатдан фаришталардан устунлиги .....	30
Инсоният тарихидаги илк саломлашув.....	31
Ҳазрати Ҳаввонинг яратилиши .....	31
Илк жуфтларнинг жаннатдаги бахтли ҳаёти ва иблиснинг уларни ўз тузоғига тушириб, жаннатдан узоқлаштириши .....	32
Жаннатдан ер юзига туширилиши.....	33
Одам алайҳиссаломнинг тўғри танлов билан уч нарсани қўлга киритиши.....	34
Одам алайҳиссаломнинг жаннатда қолиш муддати.....	35
Йиғлаш, ёлвориш ва кечирилиш.....	35
Одам алайҳиссаломнинг каъбани бино қилиши ва уни тавоф этиши.....	37
Макка ҳарамининг сири .....	39
Куръони каримнинг Одам алайҳиссалом билан боғлиқ изоҳи .....	39
Одам алайҳиссаломнинг Момо Ҳавводан туғилган фарзандлари...	48
Одам алайҳиссаломнинг Қобилни қувиб юбориши.....	53
Одам алайҳиссаломнинг илк набий бўлиши.....	53
Пайғамбаримизнинг Меърож кечаси биринчи қават осмонда Одам алайҳиссалом билан саломлашиши .....	53
Одам алайҳиссаломга қиёматгача туғиладиган зурриётларининг билдирилиши ва улардан ҳамда пайғамбарлардан аҳднинг олиниши .....	54
Одам алайҳиссалом ҳаётлигида туғилган ўғил ва невараларининг сони ва вафоти.....	57

Одам алайҳиссалом вафот этган кун, унинг ёши ва қабри.....	58
Одам алайҳиссаломнинг шакл ва шамойили.....	58
Муҳим изох.....	59
<b>ШИС АЛАЙҲИССАЛОМ</b> .....	<b>62</b>
Шис алайҳиссаломнинг насли.....	62
Шис алайҳиссаломнинг туғилиши.....	62
Пешоналардан пешоналарга ўтган пайғамбарлик нури.....	62
Шис алайҳиссаломнинг баъзи фазилатлари ва пайғамбарлиги ....	62
Шис алайҳиссаломнинг вафоти.....	64
Шис алайҳиссалом билан Идрис алайҳиссалом орасидаги насл боғи.....	65
Одам ўғиллари орасида бутпарастлик қачон ва қандай бошланди?..	66
<b>ИДРИС АЛАЙҲИССАЛОМ</b> .....	<b>68</b>
Идрис алайҳиссаломнинг насаби.....	68
Идрис алайҳиссаломнинг “Идрис” деб аталишининг сабаби.....	68
Идрис алайҳиссаломнинг шакл ва шамойили.....	68
Идрис алайҳиссаломнинг баъзи жиҳатлари .....	68
Идрис алайҳиссаломнинг пайғамбарлиги ва бу йўлдаги сайъ-ҳаракати.....	69
Идрис алайҳиссаломга жаҳаннам ва жаннатнинг кўрсатилиши ...	70
Пайғамбаримиз муҳаммад алайҳиссаломнинг Меърож кечаси Идрис алайҳиссалом билан саломлашиши .....	70
Идрис алайҳиссалом ва Нуҳ алайҳиссалом орасидаги насл занжири .....	71
<b>НУҲ АЛАЙҲИССАЛОМ</b> .....	<b>72</b>
Нуҳ алайҳиссаломнинг насаби .....	72
Нуҳ алайҳиссаломнинг шакл ва шамойили.....	73
Нуҳ алайҳиссаломнинг қавмига пайғамбар этиб юборилиши.....	73
Нуҳ алайҳиссаломнинг ўз қавмини тавҳидга даъват этиши ва бошидан кечирганлари .....	77
Нуҳ алайҳиссаломнинг қавмини ҳалок қилишини сўраб илтижо қилиши.....	79

Тўфон кемасининг ҳозирланиши.....	81
Кеманинг тархи.....	83
Кемага қачон чиқилди? Кимлар чиқди? Чиққанларнинг сони қанча?.....	83
Қиролнинг кемани ва кемадагиларни ёқиш учун келиши.....	84
Тўфон хабари, инкор ва хавотир.....	85
Тўфоннинг кенгайиши .....	85
Кемадагилардан ташқари барчанинг тўфонда сувга ғарқ бўлиши...86	
Ҳатто тоғ тепасида ҳам ғарқ бўлишдан қутула олмаган она-бола... 86	
Кеманинг ҳамма ердан сузиб жувдий тоғига келиши .....	86
Кема сув устида қанча сузди ва кемадан қачон тушилди?.....	87
Самонин шаҳрининг қурилиши.....	87
Жувдий тоғи қаерда жойлашган? .....	88
Аллоҳ таоло шарафлантирган уч тоғ .....	88
Нух алайҳиссаломнинг тўфон кемаси ва унинг оқибати .....	89
Қуръони карим тўфон ҳақида .....	89
Нух алайҳиссаломнинг ўғилларига тавсиялари ва вафоти .....	93
Пайғамбарларнинг улуғлари .....	94
Нух алайҳиссаломнинг Абул башар эканлиги ва барча инсонларнинг унинг ўғилларидан тарқалгани .....	95
Нух алайҳиссаломнинг ер юзини уч ўғли ўртасида тақсимлаши...95	
Нух алайҳиссалом билан Иброҳим алайҳиссалом орасидаги насллар.....	96
<b>ҲУД АЛАЙҲИССАЛОМ .....</b>	<b>99</b>
Худ алайҳиссаломнинг насли ва касби.....	99
Худ алайҳиссаломнинг шакл ва шамойили ҳамда баъзи сифатлари .....	99
Худ алайҳиссаломнинг қавми .....	100
Худ алайҳиссалом қавмининг манзиллари ва одатлари.....	100
Худ алайҳиссаломнинг Од қавмига пайғамбар этиб юборилиши .....	101

Қуръони карим Од қавми ҳақида .....	101
Худ алайҳиссаломнинг ҳажга бориши .....	108
Худ алайҳиссаломнинг Маккага бориши ва вафоти .....	108
<b>СОЛИҲ АЛАЙҲИССАЛОМ</b> .....	109
Солиҳ алайҳиссаломнинг насл-насаби ва касб-кори.....	109
Солиҳ алайҳиссаломнинг шакл ва шамойили .....	109
Самуд қавми ва уларнинг манзили .....	109
Солиҳ алайҳиссаломнинг Самуд қавмига пайгамбар этиб юборилиши.....	110
Самуд қавмининг мўъжизали туяни ўлдиришлари ва Солиҳ алайҳиссаломни ҳам ўлдиришга уринишлари .....	111
Самуд қавмининг ҳалок бўлиши .....	112
Қуръони карим Самуд қавми ҳақида .....	113
Солиҳ алайҳиссаломнинг ҳажга бориши.....	119
Солиҳ алайҳиссаломнинг ҳалок бўлган қавмига хитоб қилиши ва Маккага кетиши.....	120
<b>ИБРОҲИМ АЛАЙҲИССАЛОМ</b> .....	121
Иброҳим алайҳиссаломнинг насл-насаби .....	121
Иброҳим алайҳиссаломнинг падари ва юрти .....	121
Иброҳим алайҳиссаломнинг онаси.....	121
Иброҳим алайҳиссаломнинг шакл ва шамойили .....	122
Қирол намруднинг баёни.....	122
Намруднинг туши ва даҳшатли чоралар кўриши .....	122
Иброҳим алайҳиссаломнинг туғилиши ва ғорда улғайиши .....	124
Иброҳим алайҳиссаломнинг ота-онасидан сўраган илк саволлари....	124
Иброҳим алайҳиссаломнинг ғордан чиқарилиши .....	125
Иброҳим алайҳиссаломнинг кўрган ҳайвонлари тўғрисида берган саволлари.....	125
Иброҳим алайҳиссаломнинг иршоди ва Раббини топиши.....	126
Иброҳим алайҳиссаломнинг халқни огоҳ этишни бошлаши.....	127

Озарнинг Иброҳим алайҳиссаломга акалари билан бирга санам соттириши.....	127
Озарнинг Иброҳим алайҳиссаломни Намрудга олиб бориши .....	128
Иброҳим алайҳиссаломнинг пайғамбар бўлиши.....	129
Иброҳим алайҳиссаломнинг бутхонадаги санамларни кулатиши ...	133
Иброҳим алайҳиссаломнинг сўроқ қилиниб, оловга ташланиши ....	135
Оловнинг Иброҳим алайҳиссаломга салқин ва омонлик бўлиши ....	139
Иброҳим алайҳиссаломнинг олов ичида онаси билан кўришиши ..	140
Иброҳим алайҳиссаломнинг олов ичидан чиқиб Намруд билан сўзлашиши .....	140
Дастлабки мўминлар ва хижрат .....	141
Намруднинг муҳожирларни ортларига қайтаришга уриниши ...	142
Сора сабабли Иброҳим алайҳиссаломнинг боши ташвишда .....	143
Сора Фиръавннинг хузурида.....	144
Сорага қилинган икромлар .....	145
Мисрни тарк этиш .....	146
Сабънинг юрт сифатида танланиши .....	147
Сабъ ҳалқининг Иброҳим алайҳиссаломни қайтаришга уринишлари .....	147
Иброҳим алайҳиссалом янги юртида .....	148
Иброҳим алайҳиссаломнинг Лут алайҳиссалом ҳамда унинг мулкини душман қўлидан қутқариши.....	148
Иброҳим алайҳиссаломнинг Ҳожарга уйланиши .....	149
Ҳожарнинг шахсияти.....	149
Суннатга оид баъзи ҳукмлар .....	150
Исмоил алайҳиссаломнинг туғилиши, Соранинг Ҳожарга ғайрлиги ва қасами.....	150
<b>ҲОЖАР ВА ИСМОИЛ АЛАЙҲИССАЛОМ .....</b>	<b>151</b>
<b>МАККА ҲАЁТИ.....</b>	<b>151</b>
Замзамнинг чиқиши .....	153
Изоҳ.....	155

Журҳумийларнинг Ҳожарга қўшни бўлишлари .....	155
Макка .....	156
Макка ва Бакка номлари ва уларнинг маънолари .....	156
Макка чегараси .....	158
Чегара тошларининг ўрнатилиши ва таъмирланиши .....	158
Исмоил алайҳиссаломни қурбонлик қилишнинг сўралиши .....	160
Қурбонликнинг Қуръони каримдаги изоҳи .....	164
Баъзи тоифаларнинг қурбонликни Исҳоқ алайҳиссалом билан боғлашининг сабаби .....	165
Исмоил алайҳиссаломнинг камон отиши ва овчилиги .....	167
Исмоил алайҳиссаломнинг чорвачилик билан машғул бўлиши .....	167
Исмоил алайҳиссаломнинг чавандозлиги .....	168
Исмоил алайҳиссаломнинг суннат бўлиши ва арабчани ўрганиши .....	168
Исмоил алайҳиссаломнинг уйланиши ва Ҳожарнинг вафот этиши .....	169
Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғли ва унинг оиласини кўришга келиши .....	169
Исмоил алайҳиссаломнинг иккинчи бор уйланиши .....	170
Иброҳим алайҳиссаломнинг Маккага келиши .....	170
Иброҳим алайҳиссаломнинг Исмоил алайҳиссалом билан бирга Каъбани куришлари .....	172
Иброҳим алайҳиссалом ва Исмоил алайҳиссаломнинг ҳамда одамларнинг биринчи марта ҳажга чақирилиши .....	175
Ҳаж амирлиги .....	177
Қуръони каримда Каъбанинг изоҳи .....	177
Каъба ва унинг тарихи .....	179
Каъбанинг каъбапўш билан ёпилиши .....	183
Каъбанинг ладан билан дудланиши .....	192
Иброҳим алайҳиссаломнинг Ҳожар ва Сорадан туғилган ўтиллари .....	192
Соранинг вафот этиши .....	193
Иброҳим алайҳиссаломнинг вафоти .....	193
Иброҳим алайҳиссаломга нозил бўлган илоҳий саҳифалар .....	194

Иброҳим алайҳиссаломнинг баъзи фазилатлари.....	195
Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Меърож кечаси аждоди Иброҳим алайҳиссалом билан саломлашиши.....	199
<b>ИСМОИЛ АЛАЙҲИССАЛОМ</b> .....	<b>200</b>
Исмоил алайҳиссаломнинг насл-насаби.....	200
Исмоил алайҳиссаломнинг шакл-у шамойили .....	200
Исмоил алайҳиссаломнинг пайғамбарлиги ва баъзи фазилатлари.....	200
Исмоил алайҳиссаломнинг васияти ва вафоти .....	201
Ҳотим қазилганда Исмоил алайҳиссалом тобутининг у ердан чиқиши .....	201
Исмоил алайҳиссаломнинг ўғиллари .....	201
Исмоил алайҳиссаломдан сўнг Каъба ишлари кимлар томонидан бошқарилди? .....	202
Кайдарнинг баъзи хусусиятлари.....	202
Исмоил ўғилларининг маккадан тарқаб кетиши ва бошқарувнинг журҳумийлар қўлига ўтиши.....	202
<b>ИСҲОҚ АЛАЙҲИССАЛОМ</b> .....	<b>203</b>
Исҳоқ алайҳиссаломнинг насл-насаби ва туғилиши .....	203
Исҳоқ алайҳиссаломнинг туғилишидан халқнинг ҳайратга тушиши .....	204
Исҳоқ алайҳиссаломнинг шакл ва шамойили.....	204
Исҳоқ алайҳиссаломнинг пайғамбарлиги ва баъзи фазилатлари .....	204
Исҳоқ алайҳиссалом ва Соранинг Маккага келиб ҳаж фарзини бажариши.....	206
Исҳоқ алайҳиссаломнинг ўғиллари .....	206
Исҳоқ алайҳиссаломнинг вафоти.....	206
<b>ЛУТ АЛАЙҲИССАЛОМ</b> .....	<b>207</b>
Лут алайҳиссаломнинг насл-насаби.....	207
Лут алайҳиссаломнинг шакл-шамойили .....	207
Лут алайҳиссаломнинг Иброҳим алайҳиссаломга имон келтириши, у билан ҳижрат қилиши ва баъзи фазилатлари .....	207
Лут алайҳиссаломнинг Садум ва Амурага бориб жойлашиши .....	208

Садум ва бошқа шаҳар халкининг ахлоқсизликлари .....	208
Лут алайҳиссаломнинг пайғамбарлиги ва баъзи фазилатлари ....	209
Қуръони карим Лут қавми ҳақида .....	209
Лут қавмини ҳалок қилиш учун бораётган фаришталарнинг Иброҳим алайҳиссалом билан учрашиши .....	211
Иброҳим алайҳиссаломнинг элчи фаришталар билан баҳслашиши .....	213
Элчи фаришталарнинг Лут алайҳиссаломнинг юртига келишлари ва меҳмон бўлишлари .....	215
Лут алайҳиссаломнинг бошига ташвиш тушди .....	216
Лут қавмининг ҳалок қилиниши .....	218
Лут алайҳиссалом хотинининг ҳалок бўлиши .....	220
Лут алайҳиссалом ва аҳлининг Шом томонга кетиши .....	220
Лут алайҳиссаломнинг Фаластинда истиқомат қилиши ва вафоти... 220	
<b>ЯЪҚУБ АЛАЙҲИССАЛОМ</b> .....	<b>221</b>
Яъқуб алайҳиссаломнинг насл-насаби ва исмлари .....	221
Яъқуб алайҳиссаломнинг шакл ва шамойили .....	221
Исҳоқ алайҳиссаломнинг Яъқуб алайҳиссаломга тавсиялари .....	221
Яъқуб алайҳиссаломнинг саёҳатлари, пайғамбар бўлиши ва баъзи фазилатлари .....	222
Тобут-и сакинанинг Яъқуб алайҳиссаломга топширилиши .....	223
Яъқуб алайҳиссаломнинг Юсуф алайҳиссалом сабаб ғамга ботиши... 225	
<b>ЮСУФ АЛАЙҲИССАЛОМ</b> .....	<b>226</b>
Юсуф алайҳиссаломнинг насл-насаби .....	226
Юсуф алайҳиссаломнинг шакл ва шамойили .....	226
Юсуф алайҳиссаломнинг бошига тушган ҳодисалар .....	226
Юсуф алайҳиссаломнинг боши яна ташвишда .....	232
Қуръони каримда Юсуф алайҳиссалом .....	233
Юсуф алайҳиссаломнинг барча аҳлу оиласининг Мисрга келиши... 252	
Юсуф алайҳиссалом тушининг ўнгга айланиши .....	253

Яъқуб алайҳиссаломнинг гуноҳкор ўғиллари учун Аллоҳдан мағфират тилаши .....	254
Яъқуб алайҳиссаломнинг фарзандларига васияти ва вафоти.....	255
Юсуф алайҳиссаломнинг молия вазири бўлиши .....	256
Қурғокчилик йилларида Миср .....	257
Юсуф алайҳиссаломнинг пайғамбарлиги ва баъзи фазилатлари ...	257
Юсуф алайҳиссаломнинг вафоти .....	258
Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг Меърож кечаси Юсуф алайҳиссалом билан саломлашиши.....	259
<b>АЙЮБ АЛАЙҲИССАЛОМ</b> .....	<b>259</b>
Айюб алайҳиссаломнинг насл-насаби .....	259
Айюб алайҳиссаломнинг шакл ва шамойили .....	259
Айюб алайҳиссаломнинг юрти, бойлиги ва ўғиллари .....	260
Айюб алайҳиссаломнинг пайғамбарлиги ва баъзи фазилатлари...260	
Айюб алайҳиссаломнинг имтиҳон қилиниши .....	261
Айюб алайҳиссаломнинг мусибат оғирлашгач, Раббига ҳамд-у сано айтиши .....	261
Айюб алайҳиссаломни ранжитган сўзлар.....	261
Айюб алайҳиссаломнинг хотинини ёнидан узоқлаштирилиши ...265	
Айюб алайҳиссаломнинг Аллоҳга муножат қилиши ва дарддан халос бўлиши .....	265
Лайфонинг ташвишга тушиши ва Айюб алайҳиссаломнинг ёнига югуриб келиши.....	266
Булутдан тилла чигирткаларнинг ёғиши .....	267
Айюб алайҳиссаломнинг хотини ҳақидаги қасамини бажариши...268	
Айюб алайҳиссаломнинг вафоти .....	268
<b>ЗУЛ-КИФЛ АЛАЙҲИССАЛОМ</b> .....	<b>269</b>
Зул-кифл алайҳиссаломнинг исми ва насл-насаби .....	269
Зул-кифл алайҳиссаломнинг пайғамбарлиги ва баъзи фазилатлари .....	269
Зул-кифл алайҳиссаломнинг вафоти ва ёши .....	270

<b>ШУАЙБ АЛАЙҲИССАЛОМ</b> .....	270
Шуайб алайҳиссаломнинг насл-насаби.....	270
Шуайб алайҳиссаломнинг шакли ва шамойили.....	270
Шуайб алайҳиссалом пайғамбар этиб юборилган Мадян ва Мадянликлар, Айка ва Айкаликлар.....	271
Шуайб алайҳиссаломнинг пайғамбар этиб юборилиши ва баъзи фазилатлари.....	271
Мадян халқининг ҳалок қилиниши.....	272
Қуръони карим Шуайб алайҳиссалом билан Мадян ва Айка халқи ҳақида.....	273
Шуайб алайҳиссалом билан мўминларнинг Маккага хижрат қилишлари.....	281
<b>МУСО ВА ҲОРУН АЛАЙҲИССАЛОМЛАР</b> .....	282
Мусо алайҳиссалом ва Ҳорун алайҳиссаломнинг насаблари.....	282
Мусо алайҳиссаломнинг шакл ва шамойиллари.....	282
Ҳорун алайҳиссаломнинг шакл ва шамойиллари.....	282
Мисрда Исроил ўғиллари кўрган зулмлар ва Мусо алайҳиссаломнинг дунёга келишлари.....	282
Мусо алайҳиссаломнинг Мадиянга бориши.....	288
Мусо алайҳиссаломнинг Шуайб алайҳиссаломга куёв бўлиши...	290
Мусо алайҳиссаломнинг Мадиянни тарк этишлари.....	291
Мусо алайҳиссаломга ваҳий келиши ва пайғамбар бўлишлари...	292
Мусо алайҳиссалом оиласини Мадиянга олиб боришлари.....	295
Мусо алайҳиссаломнинг Мисрга боришлари.....	295
Мусо алайҳиссалом ва Ҳорун алайҳиссаломларнинг Аллоҳга муножоти. Фиръавн билан учрашишлари.....	296
Мусо алайҳиссалом асосининг аждарга айланиши.....	298
Тўфон балоси.....	300
Чигиртка балоси.....	300
Ҳашорот балоси.....	301
Қон офати.....	301

Мол ва бойликнинг адо бўлиш офати.....	302
Мусо ва Ҳорун алайҳиссаломларнинг яна Фиръавн билан юзма-юз бўлишлари .....	304
Фиръавн саройидаги мўминлар ва уларнинг бошларидан ўтказганлари .....	306
Фиръавн қўшинининг Исроил қавмини таъқиб қилиши .....	309
3000 йиллик мўъжиза (Профессор Жалол Адиз).....	312
Мусо алайҳиссаломнинг Тур тоғига боришлари .....	314
Сомирий исроил авлодларининг бузоққа сиғинишга даъват этгани.....	315
Қорун Мусо алайҳиссаломга тухмат қилиши ва уни ер ютиши...	320
Ҳорун алайҳиссаломнинг вафоти .....	323
Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Меърож кечасида Ҳорун алайҳиссалом билан кўришишлари.....	325
Таврот китобининг нозил бўлиши.....	325
Мусо алайҳиссаломнинг вафотлари .....	327
<b>ХИЗР АЛАЙҲИССАЛОМ</b> .....	328
Хизр алайҳиссаломнинг насаби, исми ва баъзи фазилатлари ....	328
Мусо алайҳиссаломнинг Хизр алайҳиссалом билан кўришишлари .....	329
Қуърони каримда Мусо ва Хизр алайҳиссаломларнинг кўришишлари тўғрисида келтирилган оятлар .....	331
<b>ИЛЁС АЛАЙҲИССАЛОМ</b> .....	335
Илёс алайҳиссаломнинг насаблари.....	335
Илёс алайҳиссаломнинг пайғамбар бўлишлари.....	335
<b>АЛЯСАЪ АЛАЙҲИССАЛОМ</b> .....	337
Алясаъ алайҳиссаломнинг насаблари .....	337
Алясаъ алайҳиссаломнинг халифа ва пайғамбар бўлишлари.....	337
<b>ЮНУС АЛАЙҲИССАЛОМ</b> .....	339
Юнус алайҳиссаломнинг насаблари .....	339
Юнус алайҳиссаломнинг пайғамбар бўлишлари .....	339

<b>ДОВУД АЛАЙҲИССАЛОМ</b> .....	<b>343</b>
Довуд алайҳиссаломнинг насаблари .....	343
Довуд алайҳиссаломнинг қиёфалари .....	343
Довуд алайҳиссаломнинг пайғамбар бўлишлари ва баъзи фазилатлари .....	344
Довуд алайҳиссаломнинг Байтул Муқаддас масжидини қурилишидаги иштироклари .....	346
Довуд алайҳиссаломнинг вафотлари.....	350
<b>СУЛАЙМОН АЛАЙҲИССАЛОМ</b> .....	<b>351</b>
Сулаймон алайҳиссаломнинг насаблари.....	351
Сулаймон алайҳиссаломнинг суратлари.....	351
Сулаймон алайҳиссаломнинг ҳукмдор ва пайғамбар бўлишлари ...	352
Сулаймон алайҳиссаломнинг Қуддус ва Масжиди Ақсони барпо қилишлари.....	353
Сулаймон алайҳиссаломнинг салтанатлари .....	353
Сулаймон алайҳиссаломнинг Сабоҳ маликасини ҳақ динга киритишлари .....	355
Сулаймон алайҳиссаломнинг вафотлари .....	360
<b>УЗАЙР АЛАЙҲИССАЛОМ</b> .....	<b>362</b>
Узайр алайҳиссаломнинг насаблари.....	362
Узайр алайҳиссаломнинг пайғамбар бўлишлари .....	362
<b>ЗУЛҚАРНАЙН АЛАЙҲИССАЛОМ</b> .....	<b>364</b>
<b>ЗАКАРИЁ ВА ЯҲЁ АЛАЁҲИССАЛОМЛАР</b> .....	<b>366</b>
Закариё алайҳиссалом насаблари .....	366
Закариё алайҳиссаломнинг пайғамбарликлари .....	366
Закариё алайҳиссаломнинг Аллоҳ таолодан ўғил фарзанд сўрашлари ва Яҳё муждаси.....	367
Яҳё алайҳиссаломнинг дунёга келишлари.....	369
Яҳё алайҳиссаломнинг пайғамбар бўлишлари .....	369
Закариё алайҳиссалом ва Яҳё алайҳиссаломнинг шаҳид бўлишлари .....	371

<b>ИСО АЛАЙҲИССАЛОМ</b> .....	371
Исо алайҳиссаломнинг таваллудлари .....	371
Исо алайҳиссаломга ваҳий келиши ва Инжилнинг нозил бўлиши... 379	
Исо алайҳиссаломнинг хаворийлари .....	380
Бани Исроил истагини бажармагани учун Исо алайҳиссаломни ёқмоқчи бўлганлари .....	382
Антокия халқи Исо алайҳиссалом элчиларни ўлдирмоқчи бўлишгани .....	383
Исо алайҳиссалом ва оналарини ҳақорат қилган яҳудийларни тўнғизга айланиши .....	385
Исо алайҳиссаломнинг дунёни тарқ этишлари хабари .....	386
Фитрат даври .....	389
<b>СЎНГГИ ПАЙҒАМБАР</b> .....	391
<b>МУҲАММАД СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВА САЛЛАМ</b> .....	391
Ваҳий келиши.....	398
Макканинг фатҳ этилиши.....	410
Қиролларга мактублар.....	413
Видолашув ҳажи .....	415
<b>ҲИЛЯИ ШАРИФ (Расулulloҳнинг муборак сийратлари)</b> .....	416
<b>МУБОРАК СИЙРАТ</b> .....	421
Қиёфалари .....	422
Вужудлари.....	422
Сўзлари.....	423
Муомалалари.....	423
Овқатланишлари .....	425
Феъллари.....	425
Хулқлари.....	426
Саховатлари .....	427
Ҳаёлари.....	428
Тақволари.....	428
Ибодатлари.....	429

# ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ

«Тошкент ислом университети»  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2014

*Муҳаррир* Абдумурод ТИЛАВОВ  
*Техник муҳаррир* Зулхумор УЛУҒБЕКОВА  
*Саҳифаловчи* Толибжон ҚОДИРОВ

Нашриётнинг гувоҳнома рақами АИ № 224 2012 й. 16 ноябрь.

Босмахонага 2014 йил 11 ноябрда берилди.  
Бичими 60×90 ¼. Шартли б.т. 27.75. Нашр т. 14.7.  
Адади 8000 нусха. Буюртма № 339  
Баҳоси шартнома асосида.

Ғафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Босмахонасида чоп этилди.

100128, Тошкент шаҳар Шайхонтохур кўчаси 86-уй  
[www.gglit.uz](http://www.gglit.uz), e-mail: [iptdgulom@sarkor.uz](mailto:iptdgulom@sarkor.uz)